

Ўзбекистон санъати




85(54)
У33

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
САНЪАТПУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ (1991—2001 йиллар)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2001



**Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг 10 йиллиги
бағишланади**

Таҳрир хайъати:

*Ҳ.Караматов, Н.Жўраев, Т.Қўзиев, А.Ҳакимов, Ш.Ризаев, М.Қодиров, Р.Абдуллаев,
П.Зоҳидов, О. Иброҳимов, Ж.Расултоев, Э.Ртвеладзе, Ж.Тешабоев, М.Ҳачидова,
С.Алиева, Б.Тургунов, А.Эгамбердиев.*

Илмий муҳаррир — А.Ҳакимов

Тақризчилар:


*тарих фанлари доктори — Д. Алимова,
фалсафа фанлари доктори, профессор — У. Қорабоев,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби — Р. Абдуллаев.*

Китобни тайёрлаш ишларини мувофиқлаштирувчи илмий гуруҳ:

Н.Каримова, Э.Гул, С.Алиева, Д.Раҳматуллаева, И.Дадажонов, Г.Шарипова.

Суратчилар:

Ф. Қурбонбоев, К. Минайченко, Р. Исломов, А. Губенко



«XXI асрда дунёни маданият
ва маънавият кутқаради...»

И. А. Каримов



КИРИШ

1991 йилда эълон қилинган Мустақиллик Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. Қисқа тарихий давр ичида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг мутлақо янги сиёсий асослари яратилиши билан биргаликда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий соҳалар ривожланишининг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий субъектга айланиб, 1992 йил БМТга, 1993 йили ЮНЕСКОга аъзо бўлди. Ҳозирги пайтда республикада юздан ортиқ хорижий мамлакат элчихоналари, қатор халқаро ташкилотлар, йирик жаҳон банклари ва фирмалари ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Буюк ватандошларимиз – Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғинойларнинг номлари қайта тикланмоқда. Ўтмишнинг буюк мутафаккирлари, шоирлари ва мусаввирлари – Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Камолiddин Беҳзод, Муҳаммад Мурод Самарқандий ҳамда жадиdчилик ҳаракати вакиллари-нинг номлари ғурур билан тилга олинмоқда. Уларнинг шарафига ёдгорлик мажмуалари қурилиб, китоблар чоп этилмоқда, фаолиятлари кенг тарғиб қилинмоқда. Улуғ соҳибқирон Амир Темурнинг тарихимизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳам ниҳоят ҳаққоний талқинига эришди.

Ана шундай миллий уйғониш даврида Ўзбекистон Президенти И.Каримов Мустақиллик билан боғлиқ барча ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалалар қаторида инсон, айниқса, ёш авлод маънавияти, эркин, озод шахс маъна-

фатига, маданият ва санъатнинг ривожига алоҳида эътибор берди. Зотан, такомил маънавий маданият ва санъатсиз, миллий қадриятларни янада юқори босқичга кўтармасдан туриб, янги жамиятни, янги ижтимоий-тарихий муносабатларни ва янги дунёқарашни барпо этиш мумкин эмаслиги аён бўлди.

“Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ, — деб ёзади Президент И.Каримов — аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди. Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашни ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз”¹.

Ўзбекистонда янги маънавий-ғоявий йўналишларнинг шаклланиши ўз навбатида, замонавий санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этиб, ижодий изланишлар доирасини кенгайтириб, бадиий тафаккур ривожини янада жадаллаштирди. Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгилашниш тамойиллари меъморлик, тасвирий ва амалий безак соҳаларида, мусика ва томоша санъатларида, бадиий ва ҳужжатли кино ҳамда телевидение тизимида яққол намоён бўлмоқда.

Мазкур нашр миллий санъатимизнинг янги тарихий шароитдаги тараққиёти таҳлилига бағишланган илк фундаментал тадқиқот бўлиб, унда 1991—2001 йилларда Ўзбекистон санъатида, бадиий-маданий ҳаётида кечган жараёнлар, янги ижодий йўналишлар ва анъанавий шаклларнинг мутаносиблиги масалалари ёритилади.

¹ И. Каримов. “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт имкониятлари”. Т., «Ўзбекистон», 1997. 137-б.

Миллий тафаккурдаги туб янгиланишлар санъатимизни қайта идрок этиш ва уни ижтимоий онгининг бугунги даражасига мувофиқ санъатшунослик илмининг талаблари асосида баҳолаш заруриятини тақозо этади. Ушбу китобда санъатнинг мавжуд соҳалари – тасвирий ва амалий санъат, меъморлик, музика, театр, кино, телевидениенинг сўнгги ўн йил мобайнидаги тараққиёти, бадий изланиш жараёнлари, асосий ривожланиш тамойиллари акс этган. Мазкур китобнинг аввалги нашрлардан принципиал фарқи – илмий-услубий ёндашувнинг янгиллигидир.

Ўзбек санъатшунослик фанида шу вақтга қадар – санъатнинг барча соҳаларини мужассам этган ҳолда, бадий жараёнларнинг ривожланиш йўллари ва ички қонуниятларини умумлаштирувчи, ҳолисона баҳолаб, истикболларни белгилаб берувчи бу қўламдаги илмий нашрлар мавжуд бўлмаган. Иттифоқо, мазкур тадқиқотда истиқлол даври Ўзбекистон санъатининг ривожланиш динамикаси кенг қўламда тадқиқ этилиб, жоиз бўлса, санъатимизнинг янги тарихи яратилди.

“Ўзбекистон санъати” (1991–2001 йй.) китоби Кириш, уч боб, Хулоса, Адабиётлар рўйхати ва Йилномадан иборатдир.

“Меъморлик, тасвирий ва амалий санъат” деб номланган I Боб пластик санъат турларида сўнгги ўн йилликда кечган бадий жараёнларни ёритади. Унда замонавий бадий мактаблар, янги ижодий йўналишлар, мазкур санъат соҳаларида юз берган жараёнлар қатъий илмий мезонлар асосида таҳлил этилади. Янги Ўзбекистон меъморчилиги таҳлилида қўхна миллий анъаналар билан бир қаторда энг янги жаҳон технологияларининг уйғунлашуви хусусида сўз юритилади, мерос ва ворислик масалалари ҳозирги кун нуқтаи назаридан ёритилади. Зотан, замонавий бадий жараёнда намоён бўлган асосий тамойиллар – анъанавий шаклларнинг энг ёрқин ва илғор унсурларини сақлаган ҳолда – мавзу, қаҳрамон ва талқинда янги ижодий ғояларнинг юзага келиши, ижодий дунёқарашнинг кенгайиши билан белгиланади. Мазкур тамойиллар бугун меъморлик, рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик каби пластик санъат турларида етакчилик қилаётгани аён бўлади. Бу даврга оид қатор асарларда чуқур миллийликни ифодаловчи услубий йўналиш-

лар, воқеликни англашда қўзғатиланувчи рамзий-услубий хусусиятлар тадқиқотда ўз аксини топган.

Юқоридаги масалалар билан бир қаторда, мазкур бобда сўнгги ўн йилликда анъанавий ҳунармандчиликнинг ривожланиши, мавзу ва услуб борасидаги изланишлар доираси тадқиқотда атрофлича ёритилган. Давлат томонидан олиб борилган ислохотлар натижасида ҳунармандчиликка оид ишлаб чиқариш жараёнларида анъанавийлик тамойилларининг тикланаётгани ҳақида сўз юритилади.

Навбатдаги “Музика санъати” деб номланган II Боб халқ музика ижодиёти, мумтоз музика, созандалик, бастакорлик ва композиторлик ижодиёти, эстрада қисмларини ўз ичига олган. Унда Ўзбекистон музика маданияти кенг қўламда идрок этилган бўлиб, халқ музикаси, музикаий мерос, ижодий жараён шакллари ва услублари, ўзаро таъсир масалалари ўзининг илмий таҳлилини топган. Тадқиқотдан маълум бўлишича, 1991–2001 йилларда Ўзбекистон музика ижодиётида аввал шаклланган жанрлар билан биргаликда янги анъаналар ва услубий изланишлар вужудга келди. Ҳар қайси жанр ўзига хос қонуниятлар қатламида ривожланиб, уларда анъанавийлик ва замонавийлик хусусиятлари муштарақдир. Замонавий ижодий жараёнлар билан биргаликда, мазкур бобда “Шарк тароналари” халқаро фестивалининг илмий-ижодий аҳамияти ўз аксини топган.

“Томоша санъатлари, кино ва телевидение” деб номланган III Бобда драма театри, музикали театр, опера ва оперетта театри, ракс санъати, сценография, цирк, ҳужжатли ва бадий кино, анимацияли фильмлар ва телевидение қисмлари мавжуд. Театр санъатига бағишланган қисмларда 1991–2001 йилларда рўй берган маданий-ижтимоий ислохотлар, тамойиллар силсиласи, бадий ижод жараёни ёритилган. Театрнинг барча тармоқлари – драма ва комедия, опера ва хореография, қўйриқ театр ва байрам томошаларининг сўнгги ўн йилликдаги ривожланиши, унинг эстетик ва илмий-танқидий хусусиятлари акс этади. Театр, кино ва телевидениенинг жамиятда кечаётган ижтимоий-маънавий жараёнларга таъсири тадқиқ этилиб, бу санъатларнинг истиқболи хусусида илмий-назарий умумлашмалар ўрин олган.

Китоб матни асосан ЎзБА Санъатшунос-лик илмий-тадқиқот институти ходимлари томонидан тайёрланган.

“Меъморлик, тасвирий ва амалий санъат, дизайн”: меъморлик фанлари доктори Ш.Аскаров — “Меъморлик”; санъатшунослик фанлари доктори А.Ҳакимов, санъатшунослик фанлари номзоди Э. Гул — “Дастгоҳли ранг-тасвир” (санъатшунослик фанлари номзоди А.Эгамбердиев иштирокида) ва “Маҳобатли рангтасвир”; санъатшунослик фанлари номзоди А.Умаров — “Ҳайкалтарошлик”; санъатшунослик фанлари доктори Р.Токтош — “Графика”; санъатшунослик фанлари номзоди С.Алиева — “Бадий кулоллик”; санъатшунослик фанлари номзоди Э.Гул — “Каштачилик” (Ш. Абдуллаева иштирокида), “Заргарлик”, “Гиламдўзлик”; санъатшунослик фанлари номзоди К.Оқилова — “Бадий кандакорлик”, “Локли миниатюра”, — “Бадий матолар”, “Зардўзлик”; санъатшунослик фанлари номзоди Р. Фатхуллаев — “Ганчкорлик”, “Ёғоч уймакорлиги ва наққошлик”; А.Эгамов, фалсафа фанлари номзоди Л.Жураева томонидан — “Дизайн” қисмлари ёзилган.

“Муסיқа санъати”: санъатшунослик фанлари доктори О.Иброҳимов, санъатшунослик фанлари доктори Ф. Кароматли, санъатшунослик фанлари номзоди Р.Юнусов — “Ҳалқ муסיқа ижодиёти”, “Мумтоз анъанавий касбий муסיқа”; санъатшунослик фанлари номзоди Ж. Расултоев — “Созандалик санъати”; санъатшунослик фанлари доктори Т. Ғофурбеков — “Бастакорлик ижодиёти”; санъатшу-

нослик фанлари доктори Р. Абдуллаев — “Композиторлик ижодиёти”; санъатшунослик фанлари номзоди О.Беков, Д.Муллажонов — “Миллий эстрада муסיкаси”; Х.Курбонов томонидан — Қорақалпоғистон муסיқа санъати қисмлари ёзилган.

“Томоша санъатлари, кино ва телевидение”: санъатшунослик фанлари доктори Э. Мухторов, санъатшунослик фанлари доктори М. Тўлахўжаева — “Драма театри”; санъатшунослик фанлари номзоди Е.Панова — “Опера ва балет”; санъатшунослик фанлари доктори М.Ҳамидова — “Муסיкали драма”, “Оперетта”; санъатшунослик фанлари доктори Т. Бояндиев — Қорақалпоғистон театрлари; санъатшунослик фанлари доктори М.Қодиров — “Қўғирчоқ театри”, “Рак санъати”; Н.Тошпулатова — “Сценография” санъатшунослик фанлари номзоди П.Тошкенбоев — “Цирк”; санъатшунослик фанлари номзоди Д.Раҳматуллаева (санъатшунослик фанлари номзоди Б.Шодиев иштирокида) — “Оммавий байрамлар ва томошалар” санъатшунослик фанлари номзоди Н. Қаримова — “Бадий кино”; санъатшунослик фанлари номзоди М.Мирзамухамедова — “Балалар киноси ва анимацияли фильмлар” санъатшунослик фанлари номзоди А. Ҳасанов — “Ҳужжатли кино”; санъатшунослик фанлари доктори Ж. Тешабоев, Ф. Нодрова (Ф. Файзиева, И. Раҳматуллаевала иштирокида) — “Телевидение ва телевизио фильмлар”; филология фанлари доктор Х. Акбаров томонидан — Қорақалпоғистон киноси қисмлари ёзилган.

І б о б. МЕЪМОРЛИК, ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ

Ўзбек халқи меъморияти чиндан ҳам мавқеъ ва моҳият эътибори жиҳатидан буюк бунёдкорлик санъатидир. Мустақиллик йилларида кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари 2500 йиллигига бағишланган тантаналарда халқимиз меъморий салоҳиятининг маҳсули бўлмиш шаҳарларнинг бекиёс жамоли фахру-ғурур билан жаҳонга яна бир бор намойиш этилди. Умумхалқ тантаналар аждодаларнинг асрлар давомида бунёд этган ажойиб меъморий мерос замирида бўлиб ўтди. Халқ даҳоси яратган меъморият санъати дурдоналари жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин олганлиги намоён бўлди.

Истиқлол даврида шаҳарлар меъморлиги янада такомиллашди. Пойтахтга файз бахш этган бир қатор маъмурий ва жамоатчилик бинолари замонавий шаҳар қурилиши учун мос муҳитни шакллантиришда, сифат жиҳатдан янгича ёндашувларга далил бўла олади.

Янги қурилишлар силсиласида Ўзбекистоннинг меъморлик амалиётида шаклланган икки асосий тамойиллар кўзга ташланади. Улардан бири Темурийлар музейи, Олий Мажлис, Тошкент шаҳар ҳокимияти биноларида ёрқин акс этган шарқона меъмориятнинг анъанавий қонун-қоидаларига риоя этиш бўлса, иккинчиси, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олишга бўлган интилишини намойиш этувчи жаҳон меъмориятининг энг янги ютуқларидан фойдаланишда намоён бўлади (Интерконтинентал, Шератон меҳмонхоналари, бинолари).

90-йилларда маҳобатли ва ландшафтли ҳайкалтарошлик, деворий рангтасвир ва витраж, мозаика ва меъморлик билан узвий боғлиқ маҳобатли-безак санъатининг бошқа турлари турар-жой муҳити эстетикаси шаклланишига салмоқли хиссасини кўшди. Шу

даврда барпо этилган йирик иншоотлар маҳобатли рангтасвирчиларнинг фаол иштирокида бунёд бўлди. Мисол тариқасида Тошкентдаги “Туркистон” саройи (деворий суратлар, витраж, безакли ҳайкалтарошлик, сополли паннолар), Бизнес-центр ва Интерконтинентал меҳмонхонаси (деворий суратлар, безакли пластика), “Меридиан” ва “Шератон” меҳмонхоналари (деворий суратлар, кошинлар ва безакли пластика), Темурийлар тарихи Давлат музейи (деворий суратлар, бадийи шиша, сопол плиткалар), Тошкент шаҳри ҳокимияти биноси ва Олий Мажлис биноси (деворий суратлар, кошинлар, бадийи шиша), Олимпия спорти музейи, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги “Афросиёб”, “Бухоро” меҳмонхоналари ҳамда пойтахт ва республиканинг бошқа шаҳарларидаги замонавий меъморий иншоотларни келтириш мумкин.

Мазкур даврда санъаткор Б.Жалолов бир қатор аҳамиятли асарларини яратди. Шунингдек, ёш истеъдодли мусаввир А.Алиқулов бошчилигидаги ижодий гуруҳ яратган тарихий характердаги маҳобатли паннолар ҳам юксак бадийи ва ижро маҳорати билан ажралиб туради. Самарқандлик мусаввирлар томонидан ҳам турли иншоотлар учун қизиқарли деворий расмлар туркуми яратилди. Бу даврда маҳобатли рангтасвир бирмунча жадал тараққий этган бўлса, маҳобатли санъатнинг бошқа турларида ёрқин асарлар учрамайди.

1991—2001 йилларда маҳобатли ҳайкалтарошлик миллий мустақиллик ғояларига ҳам-оҳанг ривожланди.

Мустақилликнинг илк ёдгорликларидан бири Тошкент марказидаги хиёбонда ўрнатилган Амир Темурнинг отлик ҳайкали (И.Жабборов, К.Жабборов, 1993) бўлиб, Самарқанд ва Шаҳрисабзда ҳам (ҳайкалтарош И.Жабборов, К.Жабборов, 1996) соҳибқиронга ҳай-

каллар барпо этилган. Худди шу даврда ўтмишда яшаб ўтган буюк алломалар, давлат ва дин арбоблари, шоирлар ва мусаввирлар тимсолини муҳрлаган катор ёдгорликлар қад қўтарди. Улар орасида ўрта асрларда яшаб ўтган буюк аллома ал-Фарғонийга Фарғона (1998) ва Кува (1998) шаҳарларида, миллий қаҳрамон Жалолиддин Мангубердига Хоразмда (1999), улуғ ҳадиснавис имом ал-Бухорийга Самарқандда (1998), Тошкентнинг Мустақиллик майдонида “Мотамсаро она” мажмуаси, «Шахидлар хотираси» меъморий ёдгорликлари (2000) қад қўтарди. “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги нишонланиши муносабати билан достон қаҳрамонларининг Термизда ҳайкалтарошлик мажмуа-композицияси ўрнатилди (А.Раҳматуллаев, К.Норхўров, У.Мардиев, Т.Подосинников, 1998). Ўзбекистон ҳайкалтарошлари яратган Бельгиянинг Кортрейк шаҳрида Абу Али ибн Сино ҳайкали тантанали равишда очилди.

Сўнгги йилларда дастгоҳли ҳайкалтарошлик анча жонланганлиги Д.Рўзиев, Т.Тожиқўжаев, И.Жабборов, Р.Авакян, М.Боро-

дина, Р.Миртожиев ижодлари мисолида намоён бўлмоқда. Улар ижодида шакл, ранг билан бир ўринда ҳайкалтарошликка ҳос бўлмаган материалларни самарали равишда қўллаш устида ижодий тажрибалар давом этмоқда.

Графикада анъанавий технология билан бир қаторда ифода этишнинг авангард воситаларини фаол излаш жадаллашди (Э. Исҳоқов, В. Алухтин, М.Кагаров, М.Содиқов, Л. Зүфарий, Л. Тиора).

XX асрда Ўзбекистонда кучли рангтаъсир мактаби шаклланди, аммо усталарнинг ижодий салоҳияти узоқ йиллар мобайнида каттиқ мафкуравий назорат остида бўлишига қарамай, мустақиллик берган ижод ва руҳ эркинлиги рассомларнинг ўз-ўзини бадий ифода этишлари учун янги куч-қувват берди, улар энди мавзу ва услуб танлашда эркиндирлар. Айни пайтда уларнинг ишларида аввалги даврда кўрсатиш мумкин бўлмаган ўз фалсафий қарашларини ифода этиш имконияти, даврларнинг алоқадорлигини кўрсатиш, тарихий хотирани парчалаб бўлмаслигини ис-



Ўзбекистон халқ рассоми, академик Абдулҳақ Абдуллаев автопортретини Уффици галереясида тухфа сифатида Италия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчисига топширди. 1999.


ботлашга интилишлари кўзга яққол ташлана бошлади. Рангтасвирнинг замонавий фалсафий пластик тизимида 80-йилларда тамал тоши қўйилган қочиримли-рамзли услуб ривожига жаллашди.

90-йиллар рангтасвир санъати ўтиш даврига хос бўлган турли-туман услублар қўламининг кенглиги билан фаркланади. Бу қўламда академик реализм, декоративизм ва миллий-романтизм (кўп ҳолларда миниатюра талқини оҳанглирида) қиёфасиз рангтасвир, инсталляция ечими тарзидаги авангардизм ёнма-ён мавжуддир. Бу кўп жихатдан ижодий дунёқарашнинг кенгайиши ва теранлашуви, муаллифларнинг белгиланган қолиплар чегарасидан чиқишга интилиши билан изоҳланади.

1997 йилда Ўзбекистон Бадий Академиясининг ташкил этилиши Республика маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Унинг фаолияти бадий таълим, кўргазма ишларини такомиллаштириш ва бадий меросни ҳамда замонавий санъатни тарғиб қилиш истикболини таъ-

минлашга йўналтирилган. Академиклар орасида устоз рассомлар – фахрий академиклар Р.Аҳмедов, А.Абдуллаев, Н.Қўзибоев, М.Саидов, Р.Чориев, М.Набиевлар ҳамда Академиянинг ҳақиқий аъзолари – В.Бурмакин, А.Икромжонов, Т.Қўзиев, Т.Миржалолов, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Мирзаев, Ж.Изинтаев, Л.Ибрагимов, Б.Бобоев, Й.Турсунназаров, С.Абдуллаев, А.Нур ва бошқалар бор. Турли авлод рассомларидан иборат академиклар таркиби рамзий маънода мамлакат тасвирий санъатининг XX асрда босиб ўтган турли хил услубий йўналишларини, ўзига хос тараққиёт йўлини ифода этди.

Ўзбекистон давлати – беқиёс бадий мерос ворисидир. Айниқса, ўзбек халқининг бетакрор истеъдоди амалий безак санъати соҳасида, яъни кулоллик, каштачилик, туқимачилик, наққошлик ҳамда ёғоч ва ганч ўймакорлиги, кандакорлик, заргарлик санъати турларида ёрқин намоён бўлган. Асрлар давомида халқ усталари томонидан яратилган ноёб буюмлар, халқнинг маиший ҳаёти билан боғ-



«Наврўз – 2000» кўргазмаси экспозициясидан лавҳалар.
Ўзбекистон Бадий Академияси Марказий кўргазмалар зали

лик ҳолда унинг эстетик ва маънавий эҳтиёжларига ҳам жавоб бериб келган.

XX асрга келиб ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгара бориши билан боғлиқ ҳодисалар халқ усталарининг камайишига, ҳунармандчилик буюмларининг истеъмолдан чиқишига олиб келсада, амалий безак санъати анъаналари санокли усталар ижодида ўзининг муаллифлик ва касбий маҳорати даражасини сақлаб қолди.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгандан сўнг анъанавий ҳунармандчилик тақдири тубдан ўзгарди ва халқ санъати ривожини янгича мазмун касб этди. Республикада халқ усталарига эътибор ҳар қачонгидан кўра ортди. Меросни, анъанавий миллий кадриятларни асраб-авайлаш, ҳунармандларга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий маданиятни сақлаб қолиш ниятида, ҳунармандчилик соҳасидаги ишлаб чиқаришда анъанавийликни тиклаш табиий жараёнга айланди. Халқ санъатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида, республикада бир қатор

ижтимоий жамғармалар ва ташкилотлар ташкил этилди.

Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий безак санъати ривожига Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ҳамда ҳукумат қарорларининг моҳияти каттадир. 1997 йил 24 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган “Халқ амалий санъати ва ҳунармандчилигининг келгусидаги ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида”ги фармони жорий этилди. Бу фармонга мувофиқ, уй шароитида юксак савиядаги бадий буюмлар ишлаб чиқараётган халқ усталарига жойлардаги ҳокимликларнинг амалий ёрдамлари муҳим вазифалардан бири сифатида кўрсатилган. Ҳунармандларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида улар беш йилгача даромад солиғидан озод қилиниб, республикадан четга чиқариладиган халқ ҳунармандчилиги буюмлари учун бож олиш бекор қилинди.

Мустақиллик даврида халқ усталарининг



«Наврўз – 2000» кўргазмаси экспозициясидан лавҳалар.
Ўзбекистон Бадий Академияси Марказий кўргазмалар зали

ижтимоий ҳукукий макоми ҳам сезиларли даражада ўзгарди. Бир қатор халқ усталари Бадий Академия академиги деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Ганч ўймакорлиги усталари Махмуд Усмонов ва Абдурахим Умаров, кулоллар Шариф Азимов, Худойберди Ҳақбердиев (Самарқанд), Шарофиддин Юсупов (Риштон), Ботир Болтабоев (Хива), Акбар Раҳимов (Тошкент), Шаҳноза Мўминова (Тошкент), миниатюрачи рассомлар Ниёзали Холматов ва Шомаҳмуд Муҳаммаджонов, нақош Саидахмад Маҳмудовлар шулар жумласидандир. “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” унвони таъсис этилиб, унга биринчи бўлиб заргар Фасхиддин Дадамухамедов сазовор бўлди. Шундай қилиб, давлат томонидан ҳунармандчиликни самарали ривожлантириш учун зарур бўлган барча қонуний ва иқтисодий шароитлар яратиб берилмоқда. Давлатимизнинг очик сиёсати туфайли ҳунармандлар халқаро жамғармалар ва ташкилотларнинг тасарруфига олинди.

Ҳозирги даврда ҳунармандчилик маҳсулотларининг ишлаб чиқариш бозори ҳам шаклланимоқда. Аввалги даврлардагидек маҳсулотнинг ушбу тури маиший ҳаётда ўз ўрнига эгадир. Қадимги анъанавий удумларнинг ҳаётга қайта тадбиқ қилиниши — маросимларнинг доимий буюмларидан ҳисобланган амалий санъат намуналарига бўлган қизиқишнинг ортishi билан боғлиқ эҳтиёж муҳим омиллардан биридир. Шу билан бирга, ҳунармандчилик маҳсулотлари совға бозорининг негизини, яъни артбизнес (санъат тижорати)нинг асосларидан бирини ташкил этади. Сайёҳлик равнақи ҳамда очик сиёсат шароитида халқ ижодиёти намуналари муҳим даромад манбаи ҳисобланади. Ҳунар билан шуғулланиш ҳунармандга ҳам, давлатга ҳам иқтисодий фойда келтиради. Бундай пайтларда ҳамиша ҳам салбий ҳолатлардан қочиб бўлмайди. Баъзида анъанавийлик атайин тижорат максадларида бузилади. Тарихан шаклланган буюм сифати сон кетидан қувиш натижасида саёзлашади.

Замонавий ҳунармандчилик тараққиётининг ёрқин тамойилларидан бири — XIX–XX асрлар бошларига оид умум эътироф этилган мумтоз қонун-қоидаларга изчил риоя қилиш; шунингдек, муаллифлик ишларида анъанавийликни сақлаб, уни янада ривожлантиришдир. Ҳар бир уста ишга ижодий ёндашган ҳолда, ўзига хос янгилик олиб келади. Гўзалликнинг ўз қонун-қоидалари ва шахсий ижодий



«Қамолитдин Беҳзод ва Шарқ миниатюра санъати»
Халқаро конференцияси ва кўргазмасининг очилиш
маросими. Тошкент. Ўзбекистон Бадий Академияси
Марказий кўргазмалар зали. 2000.

услугалар уйғунлашуви халқ анъаналарини келгусида ривожлантириш, халқ маданиятининг олтин меросини бойитишга хизмат қилади.

Халқ амалий санъатини тарғиб қилиш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Ҳар йили Тошкентда Наврўз, Мустақиллик байрамларига бағишланган халқ усталари савдо кўргазмалари ўтказилмоқда. Бу ерда нафақат Ўзбекистоннинг балки Қозоғистон, Туркменистон ва Қирғизистоннинг турли жойларидан келтирилган ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш қилиниши билан бирга халқ санъатига бағишланган бир қатор каталоглар, альбомлар ва монографиялар чоп этилмоқда. Кўргазмаларнинг бу каби минтақавий кенгайиши, анъанавий алоқаларнинг янгича, замонавий босқичга кўтарилаётганидан далолатдир.

МЕЪМОРЛИК

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатидаги фаолияти, миллий меъморлик ва шаҳарсозлик соҳаларида янги уфқларни очиб берди. Ҳуқуқ ва эркинликни қўлга олган мустақил давлатимиз, хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиб, жаҳон ҳамжамияти доирасида ўз ўрнига эга бўлди. Янги ижтимоий ва иқтисодий дастурлар унинг ҳаётий қиёфасини ўзгартирди. Бу ўзгаришларнинг энг яққол ифодаси бўлмиш меъморий иншоотлар, мустақилликнинг янги маънавий ғояларида, янги ижтимоий буюртма ва қурилишнинг илғор усуллари асосида юзага кела бошлади. Хусусан, республика пойтахтида ҳам янгича меъморий тараққиёт йўлига ўтилди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи йирик ижтимоий биноси сифатида Анҳор бўйидаги Намойишлар хиёбони бошланишида жойлашган “Туркистон” саройини эътироф этиш жоиз. Бу сарой меъмор Ю.Халдеев лойиҳаси бўйича 1989–1992 йилларда қуриб тугатилди. Бу бионинг драма театрига мўлжаллаб қурилган вазмин ва узунасига кетган меъморий шакллари ҳар томонлама йирик ва умумлаштирилган муқарнас тасмалар билан яхлит бир кўринишга келтирилган. Ўтган давр меъморлигига хос услубий пасайишни олдини олиш мақсадида меъмор Ф.Турсунов лойиҳаси асосида бино интеръери юқори даражада фазовий мукаммаллаштирилган ва зийнатланган. Залнинг юксак маҳорат билан бажарилган айланасимон ганчли қопқоғи (плафон) ҳаво ранг ва олтин бўёқлар югуртирилган анъанавий “кундал” усулида бажарилган. Сарой фойесининг тасмасимон деразаларидан шаҳар манзаралари очилган. Фойе ўртасидаги ва чап қанотдаги икки қаватга тенг безакли деворий композицияларга том деразалари орқали табиий ёруғлик берилган. Вестибюл ўртасидаги девор юзасида ишланган бўртма безак, саройга кириб келганларни қарши олади. Туркий гиламларни эслатувчи бу бўртма безакнинг оқ сирти қабарик бўлиб, унда бахт куши Хумо рамзи тасвирланган. Унинг тепаси ва четларида эса – мовий ва сарик рангларда ишланган деворий тасвирлар мавжуд. Тасвирларда Туркистон қадимий шаҳарлари ва обидаларининг манзараси

ёритилган. Фойе чап қанотининг охиридаги безакли девор йирик кизил мармарсимон тошлардан қоплаб чиқилган ва сув ҳавзаси, сопол идишлар, ўсимликлар билан шинамгина дам олиш жойига айлантирилган. Ўнг томондаги деворда расом Баҳодир Жалоловнинг “Умар Хайём тушлари” деб номлаган маҳобатли деворий тасвири жойлашган. Асардаги қаҳрамонлар табиат бағрида тасвирланган. Ёш ва қариялар, гўзал ва заифлар, яхши ва ёмонлар, руҳи баланд ва умидсизлашганлар қиёфаси умумий композицион ечимда очиб берилган. “Туркистон” саройининг ички кўринишлари республика мустақиллигининг икки йиллиги арафасида тайёр бўлди. Сарой қиёфаси меъморий жиҳатдан янги давлат пойтахтига муносиб келди. “Кўнглимдагини айтсам, – деди саройнинг тантанали очилишида Президент И.Каримов, – юртимизнинг ҳамма ерида меъморлик ишлари бирдек ривож топишини, ҳар бир вилоят марказида “Туркистон” саройидек мухташам саройлар бўлишини истар эдим. Токи, юртимиз гўзал, файзли, эркин ва адолатли юрт бўлсин. Токи, биздан элга фойдали ёдгорликлар қолсин, боғ-роғлар қолсин, қалбни поклайдиган ибратли сўзлар қолсин. Токи, биздан олис авлодларга озод ва обод Ватан қолсин!”¹ “Туркистон” саройидаги замонавий меъморликнинг анъанавий халқ санъати билан уйғунлашган кўриниши бўлажак янги қурилишларга яхши бир намуна бўлди.

Баҳорги Наврўз айёмини муносиб нишонлаш мақсадида Ўзбекистон шоҳ кўчасининг гарбида, яъни Халқлар дўстлиги саройи билан Маданият ва истироҳат боғи оралиғида, Алишер Навоий номли Миллий боғни барпо этиш режалаштирилди. Унинг асосий ўқида қуйидаги кетма-кетликни қуриш мумкин: фавворали айлана ҳовуз, амфитеатр шаклида томошабинлар жойлари, атрофига гўмбазли миноралар жойлаштирилган сахна, ариқ устида кўприк ва тепаликка эса Алишер Навоийнинг маҳобатли ҳайкали ўрнатилган. Ҳайкал айвончаси (павильон) феруза рангли қовурғасимон гўмбаздан иборат. Улуғ шоир ва давлат арбобининг “Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ, ёр ўлинг бир-бирингизга,

¹ Ислон Каримов. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!». 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996. 38-б.

эрур ёрлиғ иш” мазмунидаги шеърйи сатрлари гумбазнинг ички қобиғида бир неча тилларда ёзиб чиқилган. Марказдаги амфитеатрнинг иккала томонида меъморий жиҳатдан мукамал бўлган “Наврўз” ресторани (1995 йил, Р. Ёқубов, В. Островерхов, Н. Баторин) ва Олий Мажлис (1997 йил, В. Ақопджаниян) бинолари билан бир бутун мажмуага айлантирилган. Олий Мажлис биносидан жанубда фавворали кенг кўл жойлашган. У ердаги оролчада мавжуд бўлган кафе биноси ҳам ушбу боғга қўшимча файз бағишлайди. Дастлабки анъанавий чорбоғ режаси унда ўтаётган ва борган сари авж олаётган тантаналарга торлик қиладиган бўлди. Масалан, 2000 йил Наврўз намойишида иштирок этганлар сони 11.000 дан ошиб кетди. Шунинг учун чорбоғ режаси кенгайтирилди ва айлана шаклидаги сахна ва амфитеатрга ўзгартириш кирилди.

Пойтахтнинг Алишер Навоий ва Шароф Рашидов шох кўчалари кесишган чорраҳасида мустақилликгача қад кўтариб келган Ҳисоблаш марказининг осмонўпар биносига охири кўринмайдиган қурилиш тақдирини насиб этган экан. Квадратлардан тузилган режа асосида металл синч ва ташқарига чиқарилган зина ва лифтларнинг осма бетон деворлари бинога (меъмор Ю.В.Блезе) оғир бир қалъа кўрнишини бағишлар эди. Мустақиллик шарофати билан пойтахт марказидаги бу бино хорижий фирмалар ёрдамида янги қурилишлар учун қайта кўриб чиқилди. Жанубий Корейнинг ДЭУ компанияси қурилиш чўзилиб кетган ушбу осмонўпар иморатни ва унинг атрофини янгилаш тақлифини олдинга сурди. 1997–1999 йилларда икки томонлама ишлаб чиқилган лойиҳа бўйича, бинодан осма бетон деворлар олиб ташланди. Металл синчнинг мустаҳкамлиги қайтадан текшириб чиқилди. Ун олти қаватли ҳажм пастидан тепасигача яхлит ойна сиртлари билан қамраб олиндиган бўлди. Лойиҳа бўйича ободонлаштирилган марказий майдон, савдо маркази, ўзбек-корейс бизнес маркази, 2 қаватли маъмурий ва 9–18 қаватли меҳмонхона биноларининг қурилиши режалаштирилди.

Бир бирига параллел тарзда қурилган Навоий ва Ўзбекистон шох кўчалари Тошкент марказий қисмининг ўқлари сифатида ривож топиб бормоқда. Навоий кўчаси охирини Чорсу меҳмонхонаси яқунлаганидек, Ўзбекистон шох кўчаси давомида Банклараро марказнинг

осмонўпар биноси қад кўтарди. Бу марказни Ўзбекистон Республикаси банклар уюшмаси буюртмаси бўйича югославиялик қурувчилар 2000 йилнинг март ойигача барпо этишди. Бу иморатда молиявий ташкилотларга лизинг, сўғурта, ахборот, ҳуқуқий ва бошқа хизматлар кўрсатилади. Бу марказда иккита конференц-зал, музокаралар хоналари, матбуот маркази, иккита ресторан мавжуд. Бундай марказлар Тошкентни Ўрта Осиёнинг молиявий пойтахтига айланишида муҳим омил бўлиши мумкин. Банклараро марказнинг ихчам услуби икки олд томони ва улар туташган жойдаги минорасимон поядан иборат. Умуман олганда, мустақилликнинг иқтисодий қуввати Ўзбекистонни бозор иқтисоди сари дадил одимлантирди. Пойтахтга эса тўлақонли ҳаёт бағишлаб, уни диққатга сазовор иморат ва иншоотлар билан бойитди.

Амир Темур шахсияти мустақиллик шарофати билан қайта баҳоланди. Унинг даврида давлатчилик, санъат ва маданият, асосан меъморлик мисли қўрилмаган даражада юксалган эди. Мустақил давлатимизда санъат ва маданиятга бўлган ижобий эътибор туфайли Соҳибқирон кийфаси акс этган ҳайкаллар Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзнинг марказий майдонларига ўрнатилди. Тошкентдаги ҳайкал эса, (1995 йил, И.Жабборов, Ф.Ашрафий, Б.Усмонов) тарихий хиёбон ўртасида қад кўтарди. Хиёбон XIX аср охирида барпо этилган бўлиб, ҳозирги пайтгача мана учинчи аср давомида даврларнинг рамзлари ўрнатиладиган марказ сифатида ўз аҳамиятини йўқотмади. Қизил мармар билан қопланган ҳайкал тагкурсиси шарқдан ғарбга, яъни Сайилгоҳ кўчасига қаратилган. Тагкурсига Амир Темурнинг “Куч адолатдадир” деган сўзлари битилган.

Амир Темур хиёбонининг шимолий ғарбида қурилган Темурийлар тарихи Давлат музейида (1995 йил, А.Турдиев) Миллий боғдаги Алишер Навоий ҳайкали жойлашган айвончанинги янгида талкиндаги ҳолатини кўриш мумкин. Ёри Амирнинг қовурғасимон гумбаз музейида яна бир бор ўз ифодасини топган. Бинонинг гумбаз ва қамраб турувчи 20 устунли айвони анчагина кенгайганлиги билан ажралиб туради. Гумбазнинг баландлиги 30 метр, диаметри 24 метрни ташкил этади. Музей гумбазининг ички қисмига Самарқанднинг Регистон майдонидаги Тилла-Қори мадрасаси сингари кундал услубидаги мовий ва



Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси

тилла рангларга бўялган ганчкор ислимий нақшлар берилган. Уларни гумбаз остидаги оғир вазнли қандил ёритиб туради. Музей зали ва иккинчи қаватдаги галерея сайқаланган оқ ва оч-кулранг мраммлар билан қоплаб чиқилган. Музейга кираверишдаги девор сахнида Амир Темури ва унинг давлатини улуғловчи уч қисмли миниатюра услубидаги маҳобатли деворий тасвир ишланган. Музейнинг шакл-безаклари юқори маҳорат билан бажарилган бўлиб, вилоятлардаги халқ усталарининг миллий услубдаги иморатларини эсга солади. Мустақиллик даврининг халқ услуби шу жиҳатлари билан Темурийлар музейида ўзини тўла намойён этган.

Барча даврлар ва мамлакатларнинг йирик маъмурий иншоотларида классик услубдан доим унумли фойдаланиб келинган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (1997 й., Ф. Турсунов) ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бинолари (1997 й., В. Акопджанян) устунлар билан қамраб олинган. Оқ устунлар иложи борица соддалаштирилган ва уларнинг капи-

телларига барглар гулдастаси ишланган. Ҳокимият биносининг марказий пешгоғи ҳар икки томондан тўққизта устундан ташкил топган бўлса, Олий Мажлиснинг ҳар икки томонида ўнтадан устунлар жойлаштирилган. Олий Мажлис биносининг асосий юза қисмини эгаллаган тилларанг яхлит ойналар тепадан пастга тушгунча уч марта ичкарига киритилган. Умумий тузилиши Жанубий Корея парламентиغا ўхшаш Олий Мажлис биносининг миллийлиги феруза ранг гумбаз ва унинг устидаги анъанавий тожсимон ойнабанд тўп-нук билан ифода этилган.

Ҳокимият биноси Тошкент рамзи бўлиб қурант — соатли минора билан бир қилиб қурилган ва мажмуа ҳосил этган. Қурантларнинг ярим асрлик сувоқлари кириб ташланиб, ёшиқ деворлари сарғиш плиткालари билан қоплаб чиқилди. Эшиклар, деразалар ва уларнинг панжаралари ҳам алмаштирилди. Ҳокимият биноси билан уйғунлашган бу умумий қурилиш Бухоро (собиқ Правда Востока) кўчасининг манзарасига ҳам ўзгача киеф-

бахш этиб, марказий гумбазли бино меъморий композицияга тугаллик бахш этди. Ҳокимият биноси истироҳат боғи атрофидаги кўча билан боғга чегарадош кинотеатр, кафе ва бошқа эски бинолар ўрнида барпо этилган. Аммо, боғ майдонида, улардаги дарахтларга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган. Янги барпо этилган мазкур бино, айти пайтда боғдаги хароба фавворалар, эстрададар, кичик шакллар ва чакалакзор бўлиб кетган аттракционлардан тозаланган ҳолда, ўзининг уч дарвозаси орасидаги йўлларини сақлаб қолди. Ҳокимият биносининг режаси Т-симон шаклда тuzилган. Кўча юзида иккита маъмурий бино ва уларнинг ўртасидаги кириш бокқа қаратилган ижтимоий бинога олиб боради. Кириш режаси айланали ва уч қаватга кўтарилган атриум, яъни томи бор ички ҳовлидан иборат. Тўртинчи қаватда эса бинонинг марказий гумбази остида фойе жойлашган. Киришдаги бешта зина ва иккита лифт қаватларни бири бири билан боғлаган. Бокқа қаратилган уч қаватли бино саккиз қиррали режа асосида қурилган. Унинг қаватлари атрофида идоралар, биринчи ва иккинчи қаватларнинг ўрта-

сида мажлис заллари, учинчи қаватининг ўртасида эса — кутиш ва дам олиш учун мўлжалланган катта ҳолл мавжуд. Эшиклар, деворий ёғоч копламалар ва мебеллар Италиядан келтирилган. Шипларнинг ганчли безакларини ўзбек ганчкорлари бажаришган. Бино ичкарисининг поллари ва деворлари Италия ва Урал мармарлари билан, устунларнинг таг курсилари эса Жанубий Африкадан келтирилган тўқ-қизил мармарлар билан коплаб чиқилган. Бинонинг барча гумбазлари металл фермалардан қурилган бўлиб, уларга ҳайкалтарошлик ва наққошлик ишларига қулай бўлиши учун ингичка симлардан тўкилган тўрлар тортилган. Киришдаги атриум гумбазининг ниҳоятда жозибали оқ, мовий ва тилла рангли ислимий нақшлари орасига ёруғлик манбаи кучли бўлган митти чироқлар ўрнатилган. Бино меъмори уларни “Самарқанд юлдузлари” деб атайди. Тўртинчи қават фойеи гумбазига асос бўлган дўмбира деворида айлана йўлак бор ва унинг равоқларига фойени қуёш нурларига очадиган ёки улардан беркитадиган пардалар тортилган. Гумбазнинг ички сирти сарғиш-жигарранг, тўқ сариқ ранглар



«Бухоро» меҳмонхонаси. Бухоро. 1996.

ва олтин бўёқлар югуртирилган нақшлар билан безалган. Мафтункор нозик нақшу-нигорларни яратишда Ғури Амир, Шохи-Зинда, Тилла-Қори ва Тошхавлиларнинг безаклари илҳом бахш этган. Бинони лойиҳалаш ва қуриш ишларида меъморнинг маҳоратини алоҳида эътироф этиш жоиз. У азалий анъаналар асосида турли меъморий шаклларни юзага келтирган. Бир-икки йил муқаддам биржа — савдо ва молия муассасаси биносининг лойиҳаси устида ишлаётган меъмор Ҳокимият биносининг меъморий мавзуларини тасаввурига келтирди. Шу аснода Ҳокимият биносида Тошкентнинг шу пайтидаги бошқа иморатларининг меъморий тузилишлари ҳам муҳассам этилди. Масалан, марказий пештоқдаги Республиканинг маъдан ашёсидан зарб қилинган герби, иккита ён томондаги кичикроқ пештоқлар ва улар орасидаги уч каватга қўтарилган тўққизта оқ устунли равоқлар: Бинонинг кунгурадор деворлари Темурийлар тарихи Давлат музейидан, бино устидаги феруза ранг ковурағасимон гумбаз эса Ғури Амир

мақбарасининг гумбазидан ва охириги каватнинг кичик жуфтлашган деразалари Сайилгоҳ кўчасидаги “Совластитал” дўконидан илҳомланган ҳолда тасаввурдан рўёга айлантирилди. Феруза ранг ковурағасимон гумбаз аввал Миллий бонда намоиш этилган бўлса, сўнгра, Темурийлар тарихи Давлат музейида қўлланилди. Бу анъана меъморнинг ижод маҳсули сифатида Ҳокимият биносида ҳам намоён бўлди.

Республиканинг жаҳон ҳамжамияти доирасидаги обрў-эътибори, унинг шу миқёсда фаол иқтисодий алоқалари меъморликда корпоратив услуб намоён этиб келмоқда. Бу услубни халқаро қурилиш корпорациялари халқаро куламда фаолият кўрсатувчи йирик молия корпорациялар учун қўллашади ҳамда барча мамлакатларда ўзларининг ташкилотлари орқали ушбу миллатлараро услубни тарғиб этишади. Хусусан, 1990 йиллар ўртасида Ҳиндистоннинг “Тата” корпорацияси Ўзбекистонда учта йирик меҳмонхона барпо этди. Булар сирасига Тошкент марказида 1980 йил-



«Афросиёб» меҳмонхонаси. Самарқанд. 1996.




ларда қурилган Маданият-ахборот маркази биносини ўзига қўшиб олган ҳолда “Меридиен”, Самарқанднинг Амир Темурнинг собиқ қалъаси ўрнида “Афросиёб” ҳамда тарихий шаҳар ёнидаги янги марказ мажмуаси сифатида бунёд этилган “Бухоро” меҳмонхоналарини (1996 йил, М. Воҳидов, В. Ципишев, Р. Янбулатов) киритиш мумкин. “Меридиен”нинг поғонасимон пирамидаси, “Бухоро”нинг маҳобатли ва баланд қиёфаси ва “Афросиёб”нинг кенг бўлиб ёйилган ҳажмлари мазкур ҳажмий-фазовий тузилишлари билан бир-бирдан фарқ қилади. Корпорация услубига хос жиҳатлар вестибюл ва пастки қаватларни бақувват темирбетон синчлар орқали бажариш, ташқи деворларига ранг беришда сариқ ва тўқ-сариқ ранглардан фойдаланиш, улардан ажралиб турган ойна ҳажмлари ва балконларнинг ок бетон қобикларидан фойдаланиш қабиладир.

Мазкур услубга хос бўлган йирик темирбетон синчни, дадил композицион қарама-қаршиликларни ва намоёишкорона ишлатилган қимматбаҳо қурилиш материалларини Туркиянинг “Ой-сел” корпорацияси (1995 йил, А.Тахтаев) қурган “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида ва Миллий банкнинг осмонўпар биносида қўриш мумкин. Бу иккала бино “Ўзэкспомарказ”нинг Амир Темур шох қўчасига қаратиб ярим ҳалқа режаси асосида қурилган мажмуанинг икки четида барпо этилган. Янги мажмуанинг ортида собиқ Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўرғазмаси ва “Ғалаба” номли истироҳат боғи қолган. Меҳмонхона майдонга нисбатан шундай қаратилганки, унинг ён томони бинони ёзда ғарбадаги жазирама қуёш нурларидан сақлайди. Кириш қисмининг металл фермалар орқали бажарилган ётик ойнаванд томи остида атриум жойлашган. Меҳмонхонанинг умумий қиёфаси сайқалланган оч-қулранг плиткалар билан қопланган бўлиб, йирик дераза ойналари ва темир ромлари хаворандир. Меҳмонхона олд қисмида мажлислар залининг кўпқиррали ҳажми жойлашган. Бу залнинг ташқи девори устидан тўқ сариқ ранг тасма берилган, унинг остини эса жигар ранг изора (панел)лар эгаллаган. Миллий банк осмонўпар минораси пойтахтнинг энг баланд ва яхши таассурот қолдирувчи иморатларидан бири ҳисобланади. Банкнинг квадратсимон режали биноси бурчакларидан ҳажмнинг бутун баландлигига тўртта темирбетон устун кўтарилган. Томон

лар ва том қисмига кўк рангли ойналар қопланган. Томнинг ҳар томони равоқ шаклида бўлиб, унинг остида банк номининг “NBU” қисқартмаси берилган. Худди Олий Мажлис биносидагидек, банкнинг ҳар томондаги ойна сирти пастга тушган сари уч маротаба ичкарига киритилган.

1999 йилнинг сентябрига қурувчилар меҳмонхонадан жануброқда жойлашган “Тошкент-плаза” савдо марказини битказиб топширишди. Икки қаватли ва ер ости омборхонасига эга бўлган бино 3000 квадрат метрдан ортиқ савдо майдонига эга. Ўзунасига қурилган марказнинг ярқираган савдо растасида дунёга машҳур фирмаларнинг дўконлари ўрин олган. Атриумнинг томида суви пастга оқиб тушадиган фаввора жойлаштирилган. “Плаза” сўзининг типологик маъносига мувофиқ, бино иккита шаҳар майдони, замонавий бинолар билан шаклланаётган янги Амир Темур қўчасини ва собиқ Ютуқлар кўрғазмасининг бош павильони олдини бир бири билан боғлаган. “Плаза”ларни Ўрта Осиё халқлари азалдан бой маъноли “тим” сўзи билан номлашган. Хивадаги Оллоқулихон тимининг гумбазлар билан қопланган савдо қўчаси Ичан-қалъадаги ғавжум чоррахани, қалъа дарвозаси ташқаридаги жўшқин бозор билан улайди. “Тошкент-плаза” ва “NBU” осмонўпар бинолари орасидаги Бизнес-марказ 2000 йил апрелида топширилган. 17 қаватли қўйма темирбетон синчнинг алюминий ромларига қуёш нуридан сақловчи ойна блоклар ўрнатилган. Иморатнинг осмонга интилган йирик ва яхлит ойна билан қопланган ҳажмлари XX аср бошланишиданок меъморларнинг техникавий орзуси бўлиб келган эди. Ҳозирда эса фақат Тошкентнинг ушбу биносида бу орзу рўёбга чиққан. Бинонинг олд томонида бўрттириб ишланган поғонасимон равоқлар миллий меъморлик услубининг сақланганлиги билан аҳамиятлидир. Бино майдони жами 60.000 квадрат метр. Унинг биринчи қаватини 180 ўринли кафе, 200 ўринли кафетерий, бар, сартарошхона, кимёвий тозалаш хизмати, иккинчи қаватини 700 квадрат метр майдонли кўрғазма зали, 100 ўринли мажлислар зали, почта-телекс-факс, қолган қаватларини эса, замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланган офислар эгаллаган.

Маҳаллий меъморларнинг корпоратив услубдаги маҳсулини Тошкентдаги Марказий банк осмонўпар биносида қўриш мумкин (1996





«Шератон» меҳмонхонаси. Тошкент. 1999.

йил, Р.Шокиров, Н.Валиева). Осмонга ин-тилган янги Марказий банк ўзининг илгари қурилган ва анча пастроқ иморати рўпараси-да жойлашган. Томонлари мовий ойна пакет-лари билан қопланган. Олд томонига ҳозирги пост-модернизм услубига хос улуввор равоқ ва иморатнинг бутун баландлигига кўтарил-ган улкан устунли шакллар берилган. Асл нусха бўлмаса ҳам, мақтаса арзийдиган ос-монупар бино ўз атрофидаги Тошкент марка-зининг зич қурилишлари орасида сиқилиб қолгандек кўринади. Бу эса бинонинг яққол кўзга ташланиши учун атрофидаги шаҳар му-ҳити таъсирини кўрсатувчи хусусиятнинг бир намунасидир.

1999 йилнинг охирида «Тошкент-Шератон» меҳмонхонаси Тошкентнинг Амир Темур ва Алишер Навоий чорраҳасида Белгиянинг «Буиг» корпорацияси томонидан қуриб топ-ширилди. «V» ҳарфига ўхшаш режа асосида барпо қилинган меҳмонхона 20 қаватли кир-расимон ок-кулранг бетонли бино кўриниши-да бажарилган. Ушбу кирраларнинг кўким-тир ойнали деразаларидан шаҳарга 250 ўрин-ли хоналар қаратилган. Улар ичида икки хонали «люкс»лар ҳам мавжуд. Бинонинг их-чам ва аниқ бўлинган ҳажми кўчаларга ва кўёшга нисбатан шундай ўрнатилган-ки, ша-ҳарнинг кўпгина жойларидан турлича бўлиб кўринади. Меҳмонхона вестибюли, «Интер-

континенталь" меҳмонхонасидагидек, ойна билан қопланган қия металл фермалари билан ёпилган. Унинг бадийи безакларини ишлашда ижодкорлар асосан Самарқанддан илҳом олганлар. Вестибюлдаги ойна деворли йулак зиёфатлар ротондаси, яъни кичик айлана залнинг олдидан ўтиб, Амир Темур шоҳ кўчаси томонида жойлашган мажлислар залига олиб боради. Йулак ва зал шойи матосига қатталаштирилиб солинган Узоқ Шарк ва Ўрта Осиё миниатюралари билан безалган. Зиёфатлар ротондаси ойна гумбаз билан қопланган ва унинг ҳалқа пойига нақшу-нигорлар солинган. Зал ўртасига кичик фаввора жойлаштирилган, парда тортилган деразалар эса залга шинамлик бағишлаб туради. Таомлар тортиладиган жойнинг девори равоқли тоқчалар билан безалган. Тоқчаларга рангли йирик сопол идишлар териб чиқилган. Осмон-ўпар бинонинг биринчи қават хоналари вестибюлдан нақшланган равоқлар орқали очилган. Вестибюлни иккала томонига манзарали расмлар солинган ва шакллари самарқандча бўлган миноралар қўйилган. Улардан чапдагисига иккинчи қаватга олиб борадиган айлана зина ўрнатилган. Вестибюлнинг марказий девори ёнида ҳам шилдираб оқадиган фаввора мавжуд. Шинам вестибюлдан тепага кўтарилган ойнали лифт тўсатдан ташқарига чиқади ва шаҳарнинг кенгайиб бораётган манзарасини очиб беради. Қаватлар нихоятда зич режалаштирилган. Лифтлар олдидаги майдончадан икки томонга мовий гиламли ва ёғоч деворли коридорлар кетган, девор лампаларининг чироқлари замонавий расомларнинг тарихий мавзуларга бағишланган миниатюраларини ёритиб туради. Шунингдек, меҳмонхонада очик ва ёпик сузиш ҳовузлари, сауна, теннис корти, кафе-бар ва ресторан ҳам мавжуд.

Мустақилликнинг биринчи йиллариданок Тошкент марказидаги тарихий биноларни таъмирлаш ишлари муваффақиятли олиб борилмоқда. Охунбобоев ва Гогол кўчаларининг чорраҳасидаги Собақ Марин ўрта ўқув юрти (1910 йил, Г.С.Сваричевский) меъмор Кристиан Гийом Франция элчихонаси учун мослаштирди. Ташқи деворлар маҳкамланди, ички конструкциялар эса бутунлай олиб ташланиб замонавийсига алмаштирилди. Янги деразаларнинг темир ромлари ва жигар ранг ойналар бир-бири билан киришиб кетган. Устидаги ойнасимон пластмассали айвони эса бинога

замонавий кўриниш бахш этган. Меъморий янгилашнинг ушбу ажойиб намунаси маҳаллий курувчиларни Х. Олимжон кўчасидаги Молия академияси ва Амир Темур хиёбонидаги Хуқуқшунослик институти биноларини ҳам таъмирлашга илҳомлантирди. Меъмор Г. Сваричевскийнинг Пушкин ва Абдулла Тўқай кўчалари чорраҳасидаги яна бир, 1906 йилда модерн услубида бунёд этилган "Филип Каплан ва ўғиллари" номли дорихона биноси ёнида яна худди шу услубда қўшимча бино қурилди. Ҳозирги кунда бу қадимий ва янги биноларда "Ўзуйжойжамғармабанк" биноси жойлашган. Бир аср муқаддам бу бино мустамлака шаҳарига хос бўлган мовий рангда эди, энди эса унинг қиёфаси сарғиш-тилла рангда бажарилган. XX аср бошларининг модерн услубида қурилган дорихонани аср охирида пост-модернизм услубида таъмирланиши нихоятда ўринли ва ижод маҳсули сифатида юзага чиқди.

Ўтган аср бошида қурилган цирк-варьете "Колизей" биносининг ҳалигача мустаҳкам темирбетон синчини меъмор Ф. Турсунов 1994–1995 йилларда Республика биржа маркази учун лойиҳалаштирди. Диаметри ўттиз метрдан ошиқ гумбаз остида биржа зали, жамғарма дўконлари, жамғармаларга хизмат қилиш бўлимлари, омонат касса, банк, нотариус ва бошқа хоналар жойлашган. Бинонинг олд томони марказида ва икки четида пештоқлар қад кўтарган, айлана деворлар эса баланд равоқли деразалар ва оралиқлари ярим устунлар билан ишланган. Амир Темур ва атроф кўчалардан кўринадиган биржа гумбазининг шакли, сирти ва ранги XX аср бошларинидаги меъморий изланишлар руҳидан келиб чиққан ҳолда тикланган.

2000 йилнинг март ойда республика Ташқи иқтисодий вазирлиги учун таъмирланган Реал, яъни Амалий ўрта ўқув юртига (1898 йил, В.С.Гейцельман) кўчиб кирди. "Н" ҳарфига ўхшаш режа асосида қурилган бинода ички ҳовлилар ҳам мавжуд. Унинг кириш томони эса шаҳар марказининг чорраҳаларидан бирига қараган. Бино яқинида Марказий банк, БМТ ваколатхонаси, Ҳокимият ва Тошкентдаги бошқа шаҳар, республика ва халқаро ташкилотларнинг иморатлари жойлашган.

2000 йилда 1999 йилнинг 16 февралда содир бўлган қўпоровчилик вақтида зарар кўрган Вазирлар Маҳкамаси биноси таъмир-

ланиб топширилди. Таъмирлаш ишлари натижасида 1930–50–60 йиллар ва ҳатто XIX аср иморатларидан шакл топган Мустақиллик майдониغا ўта янги услуб киритилди. Очiq қолдирилган V-шакли устунлардан иборат бўлган бинонинг биринчи қаватини қизил мрамрлар билан қопланган деворлар беркитди. Бинонинг асосий кириши устида том чизигидан чиқиб осмонга кўтарилган ойна деворда республика герби ва байроғи ўрнатилди. Илгариги тасмасимон деразалар ва улар орасидаги феруза ранг деворларнинг тасмалари энди яхлит кетган ва тилла ранг ойна сиртларига алмаштирилди. Ушбу олтин нурлар билан товланувчи бинонинг сиртлари Халқлар дўстлиги саройидан (1979–1982 йиллар) олинган тик кетган ингичка ярим устунлар билан бўлинди. Муайян рамзий ифодалар замонавий меъморликнинг тоза ва абстракт шаклларида афзал кўринди. Бинонинг услубий ўзгариши билан унга тегишли Шароф Рашидов ва Ўзбекистон шох кўчалари чоррахаси томонидаги ер чегараланди. Хусусий мулк ҳукуки вужудга келиши билан бинолар ва шаҳар орасидаги илгари очiq бўшлиқлар ажратилиб, эгалари тасарруфига мувофиқ ўзгартирилди.

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларини қайтадан тиклаш жараёнидаги янги таъмирлаш усуллари қўлланда халқаро ташкилотлар фаол иштирок этди. Табиийки, ушбу ишлар дунё миқёсида юқори баҳоланди. 1992 йил Оға Хон Жамғармасининг маданият бўлими билан Самарқанд тарихий марказини тиклаш лойиҳаси учун халқаро танлов ўтказилди. Гури Амир макбарасини ва Бибихоним масжидини тиклаш амалий ишлари эса мунозараларга сабаб бўлди. Лондоннинг нуфузли “Экономист” журналида “Илтимос, бетон ишлатилмасин” сарлавҳаси остида мақола эълон қилинди. Академик Г. А. Пугаченкова эса, — “Хатто арзимайдиган бўлса ҳам, ҳозиргача сақланиб, етиб келган меъморий қолдиқларни асл нусхаларигина бизга ўтган даврлардан қолган асосий бойлиқдир” — дея эслатиб ўтди². Ана шу сабабли, XX асрда масжид сифатида фойдаланишга ман этилган Бибихоним масжиди қолдиқлари бугунги кунда Оллоҳнинг муқаддас даргоҳи сифатида қайта

тикланмоқда. Гарчи Темурийларнинг “Вилоятимиз ва қароматимизга шак келтирсанг магар, тикламиш иморатимизга қилмагил назар” даъвати, шак-шубҳасиз, харобаларгагина эмас, балки мустақил давлат қайта тиклаётган масжиднинг тарихдаги инсонни лол қолдирган бақувват маҳобатига ҳам тўғри келади. Бетон ишлатилишининг сабаби, Ўрта Осиё элчилари ҳолидан келиб чиққан ҳолда, бинонинг конструкцияларига зарар келтирмай, унинг қиёфасини сақлаб қолишга қўмаклашиш мақсадидадир. Шуниси қизиқарлики, Фарбнинг ўзи ҳам шундай тиклаш тарзини тан олади: “Тиклаш ахлоқи ва сифатидан қатъий назар, олиб борилаётган ишлар Темур давлатининг пойтахти ҳақида ҳар бир сайёҳни ҳайратда қолдирадиган таассурот бағишлаши шубҳасиздир”³. 1995 йилда қадимий Бухоро шаҳарсозлик ва обидаларни тиклаш сайи харакаatlари учун Оға Хон Жамғармасининг меъморлик бўйича бериладиган мукофотига сазовор бўлди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидан ҳеч қайси давлат шу пайtgача ушбу дунёдаги энг йирик ва уч йилда бир марта тақдим этиладиган мукофотга сазовор бўлмаган. Бухоронинг тиклаш ишларида мукофотланган таъмирчиларни ўша йили Индонезияда ҳурмат билан қабул қилинди.

Барча мамлакатлар тажрибасининг кўрсаатишича, мустақиллик автомобил йўлларининг ривожига ҳам таъсир кўрсатади. Қўшни мамлакатлар ва денгизларга чиқиш мақсадида, Буюк Ипак йўлини тиклашга қаратилган йирик лойиҳалари билан халқаро ҳамдўстликка чиққан Ўзбекистон, ҳозирда 43000 дан ортиқ километр автомобил йўлларига эгадир. Улардан ярмиси давлатлараро ва давлат йўллари бўлса, чораги — вилоятларники ва бошқа чораги маҳаллий ва шаҳар йўллари ҳисобланади. Шаҳар ҳаётида муҳим ўрин тутган бу йўлларнинг турлари ва уларнинг шаҳар режа тузилишлари, шаҳарсозлик санъати ривожига билан ўзгариб келган. Ҳозирги пайт Ўзбекистон шаҳарларининг режаларида бир-бирдан узокрок масофада кенгайган тезкатнов йўллари барпо этиш даври бошланди. Тезкатнов Амир Темур шох кўчаси мустақил республика меъморлигининг ютуқлари деб ҳисобланув-

² Пугаченкова Г.А. Архитектурные руины: реставрация или консервация. — Строительство и архитектура Узбекистана, 1995, 1-2, стр.37-9.

³ MacLeod C., Mayhew B. Uzbekistan: the Golden Road to Samarkand. — Hong Kong: Odyssey Publications, 1999, p.156.

чи бинолар билан бойиди: Темурийлар музеи, “Интерконтинентал” ва “Тошкент-Шератон” меҳмонхоналари, телевизион минора остидаги Теннис корти, “Аква-парк”, Ўзбекистон Миллий Банкнинг осмонўпар биноси, “Тошкент-плаза” савдо маркази ва Бизнес-маркази, Шаҳидлар хотираси мажмуаси, Олой ва Юнусобод бозорлари. Тезқатнов кўчаларни ўтказиш ва кенгайтиришда кўприклар ва турли баландликда кесишган йўллар катта аҳамиятга эга. Бобур кўчасининг Бўржар канали устидан ўтган янги кўприги Тошкент тайёрасига олиб борадиган йўлни кенгайтирди. Олой бозори олдидаги ва Хадра майдонидаги ҳар хил баландликда кесишган кўприк йўллар шаҳар марказий қисмидаги автомобиллар қатновини анчагина тартибга келтирди. Келес, Юнусобод ва Кўйлуқдаги ҳар хил баландликда кесишган йўллар шаҳар қатновини шимолӣ ғарбдаги Сарӣюғочга, шимолӣ ва жанубий-шарқдаги Фарғона йўналишларига олиб чиқишга кўмаклашди. Тезқатнов йўллар билан бирга ер ости йўллари ҳам ривож топиб бормокда. Тошкент меъморларининг савол-жавоб сўровлари натижаларига кўра, Мустақиллик майдони, Чилонзор, Ҳамза, Пушкин ва Ҳамид Олимжон бекатлари энг яхши деб топишган. Буларда фазовий тузилиш ва ёришиш усуллари ўзига хос шаклланиган. Чимкент катта йўли йўналишидаги Амир Темури шох кўчаси остида Тошкент метрополитенини 8 бекатли ва узунлиги 11,2 км бўлган Юнусобод номли учинчи йўли ўтказилмокда. Янги йўлларнинг меъморӣ кифаси, пойтахтнинг янги қурилишлари Президентимиз назоратида амалга оширилмокда. 1998 йил баҳорида – шаҳарсозлик классик қонунларига мувофиқ – Президент Хадра майдонида қуриладиган етти қаватли турар жой майдонини бошқа томонидаги ётоқхона биносига мутаносиб бўлишини, ўртадаги цирк биносига эса, мажмуа маркази сифатида кўзга ташланишига кўпроқ урғу берилишини тавсия этган.

Бозор иқтисодиётига ўтилган барча мамлакатларда турар жойлар, худди савдодаги ҳар бир нарса каби, ҳар кунги талаб ва таклиф молидир. Шаҳар аҳолисининг кўп қаватли арзон турар жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида, бозор иқтисодиётига асосланган, янги турар жой биноларини барпо этиш сиёсати ҳам юзага келмокда. Ургут, Наманган ва бошқа шаҳарларда бошланган дастлабки тажрибалар ушбу жараёнинг хилма

хил шакллари аниқлашга ёрдам берди. 1990 йилда Тошкент шаҳристони янги Гулбозор маҳалласи лойиҳалаштирилган эди. Қурилган уйларга кўчиб қирган оилаларни ҳар бири, торлик қилган жойларини ўзгартириб ва қайта қуришди. Лойиҳалаштириш ва қуришнинг намунавий уйларга асосланишини, ҳар бир оилага бошқа-бошқа ёндашган бинолар бўлишини афзал кўришди. Тошкентнинг Акмал Икромов худудидаги янги Ўрикзор маҳалла тажрибаси ҳам ҳар бир оила талабларининг муҳимлигига қараб бажарилди. Ўзгараётган шароитларга тез мослашувчи “қурувчи-меъмор-қурилиш базаси”ни яратиш зарурлиги келажак учун хулоса сифатида ўрганилди. Хусанбоев кўчасидаги янги турар жойлар лойиҳаси (1999–2000 йиллар, Ф. Турсунов) халқаро андозалардан илҳомланган ҳолда, ҳашаматли уйларни таклиф этган. Уйларнинг еттига туридан унтакиси лойиҳалаштирилди. Ҳар бирининг майдони 220 дан 600 квадрат метргача етказилган. Уйларнинг қаватлари турли кўринишда бўлиб, улар иккитадан ва тўрттадан бирлаштирилган ва шинам ховлиларига очилган. Ертўла (подвал)ларда гараж, сауна, спорт тренажёрлари; биринчи қаватларда – ўчоқ (камин)ли зал, иш хонаси, ошхона, хизматкор хонаси; иккинчи қаватларда – учтадан олтигача ётоқхоналар; учинчи қаватларда – студия, ошхона ва фойдаланадиган ясси томдан иборат. Шу тариқа Гулбозор маҳалласини замонавийлаштирилган ўзбек уйлари эгаллаган бўлса, Хусанбоев кўчасида – ўзлаштирилган “евроуслуб” устунлик қилган.

Янги иқтисодий муносабатлар ўрнатилиши мобайнида шаҳарларимизнинг шохкўчаларида жойлашган, ҳаётимиз кўрсаткичи ва ижтимоий фикрни шаклловчи бозорларимиз тубдан ўзгарди. Вилоятларда уларни қуришда халқ усталари фаол қатнашдилар. Термиз бозорининг икки қаватли савдо дўконлари фаввора ва ёишдан терилган равоқли кўринишдаги безакли девори кенг майдонга қаратилган. Қўқон Дехқон бозори иморатлари “евроуслуб”да безатилган. Тошкентдаги эски шаҳар бозорининг йирик темир-бетон гумбазлари ранг-баранг сопол нақшлар билан коплаб чиқилган. Гумбазлар остида савдо заллари, дўконлар ва халқ ҳунармандларининг “Усто” бирлашмаси устахоналари жойлашган. Олой бозори Амир Темури шохкўчасига икки қаватли савдо растаси билан кўринади. Унинг томи



«Аква-парк» сайилгоҳи. Тошкент. 1995.

равок шаклли металл фермалардан қурилган ва кун ёриғини ўтказиш учун фермалар ойнасимон кўкимтир лексан варақлари билан ёпилган. Шу билан бирга, зонт ва қат-қат шаклли ва оралиқлари кенг ва ёруғ томлар Миробод ва Паркент бозорлари устида ҳам қурилди. Тошкент отчопарининг бозорида ҳам бир нечта янги савдо павильонлари қурилиб топширилди. Бектемир бозори Фарғона кучаси шаҳар ҳалқа автомобил йўли билан туташган жойда қурилиб, у дехкон ва ўғтуржи савдо бозорлари, меҳмонхона, мотеллардан иборат. Ёруғликни ўтказадиган равоқли томлар эса унга янги шарқона бозор қурилиши-

ни бағишлаган (1998 йил, В.Акопджанян). 1998 йилнинг октябрида Тошкентнинг ҳалқа автомобил йўлида қурилган ва 2000 савдо ўринли «Карвон-бозор»нинг биринчи қисми топширилди. 2000 йилда эса собиқ «Юбилейний» номли кишки спорт ўйинлари саройи қайта қурилиб, барча маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қўлланадиган кичик технологиялар Кўргазма марказига мослаштирилди. Бевосита ишлаб чиқарувчини сотувчи билан улайдиган бундай йирик марказлар мол нархининг пасайишига ҳамда кичик ва ўрта бизнес ривожига ижобий самара беради.

Дам олиш ва спорт масканларини яхши-

лаш дастлаб анъанавий йўлдан бошланди. Андижон шаҳри атрофларидаги тоғлар ва дала-лардан эсадиган шамолларга мослаштириб очик тепаликда Боғи-Бобур оромгоҳи режа-лаштирилиб қурилди. Хиндистондаги йирик давлат асосчиси Захириддин Муҳаммад Бо-бурнинг боғларидан бири худди шу ерда бўлган экан. Дарахтлар остидаги дам олиш жойларда миллий таомлар тайёрлаш учун зарур бўлган ошхоналар ва ўчоқларга мослаш-тирилган. Деярли барча истироҳат боғларида олдинги эскирган иншоотлар ўрнига янги ма-териаллар ва конструкциялардан қурилган за-монавий турлардаги иморат ва ўйингоҳлар қурилган. Тошкентнинг Бобур боғи таниб бўлмайдиган даражада ўзгарган. Янгича ре-жалаштирилган Амир Темур хиёбонидан ҳам вақти ўтган “Дўстлик” ва “Буратино” кафе-лари ва ҳатто мустамлака ярмаркалари сав-догари Филатовнинг қандайдир сақланиб кел-ган гуллар дўкончаси ҳам олиб ташланди. Мунтазам ва кенг янги хиёбонни Нурота мар-марларидан қурилган ва сув қосаларини диа-метрлари бирдан уч метргача келадиган фав-воралар беади. 1999 йилда Боғи-Эрам ором-гоҳини қайта қуриш ишлари тугади. Меъмор Н.Зацерковная боғ майдони паст-балаңдлик-ларини дам олиш мақсади билан янгича му-хитлар ва аттракционларга мослаштирди. Термизликлар шаҳарга каналлар киритиб кенг ва фавворали сув ҳавзалари билан ёзнинг оғир ўтиш шароитини яхшилашга доим интилиш-ган. 1999 йил июнида кенг, аммо бўм-бўш гулчаманлар ўртасидаги фавворали ҳавзани қўрган Президент атроф муҳитни кичик меъ-морий шакллар билан бойитиб уни шаҳар-ликлар учун манзур қилишни тавсия этди. Бундан ибрат олган тарзда, кўконликлар ки-чик меъморий шакллари маҳаллий миллий услубларида, Тошкентнинг Аква-паркига ва Алишер Навоий боғининг амфитеатрига ўхша-тиб ва ҳатто тўртбурчак ҳовузларни ўқлари-да жойлашган хиндча айвонларни лойиҳалаб, улар билан 2000 йилнинг мустақиллик бай-рамига барпо этилган Муқимий ва Фурқат боғларига файз қўшишган.

Тошкентда теннис бўйича Президент кубо-ги учун ўтказилаётган халқаро мусобақалар шу спорт турини бизда оммавий бўлишига ва теннис майдончалари — кортларни Андижон, Наманган, Қарши ва бошқа вилоят марказла-рида қурилишига сабаб бўлди. Амир Темур шоҳқўчасининг фарб томонидаги мустақил

Ўзбекистон меъмورлигининг кўргазмаси бў-лиш қатор кетган янги қурилишлар мажмуа-си шимолдаги Юнусобод корти билан туга-ган. Очик кортлар шоҳқўча бўйида, балаңд-лиги 375 метр уч оёқлик телевизион минора тагида жойлашган. Кортлар орқасида 3000 ўринли усти ёпиқ универсал корт биноси қурилган (1996 йил, В.Акопджанян). Томи-нинг конструкциялари — ёруғ ўтказадиган лек-санли улкан темирбетон равоқлар билан бажарилган. Бундай том ва кортни ўраб олган иккинчи қават галереясининг айлана деразалари бинога мос ҳаракатга бой кўри-нишни юзага келтирган. Кучга тўла корт шакл-лари хорижий спорт иншоотлари услублари-дан қолишмаган. Бино спорт мажмуасининг бошқа қурилишлари орасида жойлашган, аммо унинг қиёфаси, махсус майдонни муносибли-ги томошабинда чуқур таъсир қолдириши шубҳасиздир. 1999 йилнинг мустақиллик айё-мига Бухорода шаҳар ва халқаро ўйинларига маскан бўла оладиган “Хумо” номли теннис мажмуаси очилди. Унда 250 ўринли усти ёпиқ зал, 500 ўринли очик стадион, тренажёрлик зал, массаж хоналари, соғлиқни сақлаш хиз-мати, сауна ва фитобарлар мавжуд. Заллар деворлари ва шипларининг ички кўринишла-ридаги йирик замонавий металл конструкция-лари одатдагича бекитилмасдан очик қолди-рилган. Сабаби, улар ўзига хос эстетик фа-зилатга эга.

Миллий уйғониш даврида сақланиб қолган обидалар тикланиб, анъанавий меъморлик тур-лари асосида янгидан барпо этилмоқда. Тош-кентнинг энг йирик Саид Абул-Қосим мадра-саси (XIX аср) ҳозирги даврда қайта тикла-ниб, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ-нинг барпо этилиши билан унинг таркибига киритилган. Ҳозир бу обидада Ўзбекистон тарихи ва маданияти ёдгорликларини тарғи-бот этиш Уйи жойлашган. Чорсу майдонида-ги Кўкалдош мадрасасининг (XVI аср) ярим хароба деворлари ва гумбазлари қайта қури-либ, ташландик хужралари ва ҳовлиси обо-донлаштирилди. Тошкентдаги XV асрда бун-ёд этилган Жума масжид, бу турдаги мас-жиднинг ягона ҳовлили тури ҳисобланади. Бизнинг давримизгача у XIX аср охирида готик услуби аралашган ҳолда тикланганлиги билан етиб келган эди. 1998 йилдан бошлаб, масжиднинг асл режаси ишлаб чиқилиб, мил-лий анъаналарга риоя этилган ҳолда у бутун-лай қайта қурилмоқда (меъмор А.Турдиев).

Тошкент шаҳристонининг тепалигида номоз ўқиш залларининг металл варақлари билан қопланган учта кумуш ранг гумбази қад қўтарди. Ўртадаги ўлчамлари 18х18 м. бўлиб атрофдагиларники 15х15 м. Том ва гумбазлар янгича қурилган. Зал деворларидан гумбаз диаметрига ўтишда бирининг устига бири қўйилган иккита темир фермаларни торайтириб қўтарилган халқалардан фойдаланилган.

Янги масжидлар кишки ёки ёзги кинотеатрлар каби ўз даврини яшаб бўлган марказлар ўрнида қуриляпти. Тошкентнинг Собир Раҳимов номи қадимий кўчаси охиридаги ёзги кинотеатр ўрнида Умар бин Хаттоб номи янги жума масжид (1992 й.) қурилди. Унинг саккиз қирра режали масжид хонаси ортида кутубхона, маъмурий ва хўжалик хоналари мавжуд бўлган ҳовлича жойлашган. Кўча томонга эса, масжид гумбази, ёнларидаги иккита минора ва дарвоза қаратилган. Янги масжидлар қуриладиган маҳаллаларни жамоа марказларига ҳам киритилган. Шулардан бири Тошкент Чорсу даҳасининг Асадилла Хўжаев кўчасидаги Қоратош маҳалласида, тўққиз қаватли уйлар орасида ва маросимлар зали, ошхона, дўкон ва дорихона билан ихчам гузар мажмуасида ўз жойини топган. Пойтахтнинг кўпгина янги гузарлари гавжум шохқўчаларига очиқ равишда қурилган ("Нур", "NBU" ва "Ўрда" гузарлари, 1998 йил) ва айримларининг услуги яхшигина замонавийлаштирилган ("Истиклол" гузари, 1999 йил).

Тошкент Кўча қабристонининг эскиб қолган масжиди ўрнида янги кўза ташланувчи шайх Зайнулдин бобо Жума масжиди қурилган (1998 йил, А.Турдиев, К. Мухаммаджонов). Масжид чорраҳага чиққан бўлиб, унинг икки кириш дарвозасининг пештоклари атроф кўчаларга қараган. Ҳовлиснинг ичкарасидаги учинчи дарвоза эса қабристон хиёбонида шайх Зайнулдин бобо мақбарасига (XII–XIX асрлар) олиб боради. Равоқлар билан чегараланган ҳовлининг жанубий ғарб томонида биринчи қаватида учта, иккинчи қаватларда иккитадан ва бино остида яна битта кенг хонақоҳ қўтарилган. Марказий масжид хонасининг ҳажми 24 х 24 метрга тенг бўлиб, диаметри 22 метр ва баландлиги 30 метрли гумбаз билан ёпилган. У, худди шаҳристон Жума масжиди гумбазларидек, металл ферма халқаларига қурилган. Асосий бинодан Жануброқда умумий тузилиши ва қисмлари араб асл нусхаларга ўхшаш ва баландлиги 50 метрли

минора қурилган. Масжид хоналарига ичкаридан оқ сувоқ берилиб, улар ислимий ва гирих услубларида ойна сиртларида бажарилган ганчкор ишлар ва гумбаз асосидаги муқарнаслар билан безалган. Ташқаридан масжид деворларига оч-қулранг сувоқ берилган. Кўчаларга қараган дарвозалар ва асосий бино пештоклари қулранг ва мовий мрамрлар билан қопланган. Уларнинг сополдан терилган тўқ-хаворанг, тўқ-яшил ва яшил-хаворанг майда нақшлари устидан йирик арабча ёзувлар берилган.

1998 йилнинг 23—24 октябридаги буюк мутафаккир имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги тантаналари республиканинг маънавий сарчашмалари сари интилиш жараёнида муҳим воқеалар сифатида ўтди. 1998 йил бошланишида, Президентнинг ижобий баҳоси билан, иккала мажмуа лойиҳалари бўйича 8 ой мобайнида ҳашар усули билан Самарқанд вилояти Хартанг қишлоғида ал-Бухорий мажмуаси ва Кува ҳудуди марказида ал-Фарғоний мажмуаси қуриб топирилди. Хартанг қишлоғининг илгариги мажмуасидан қабр. ҳовуз ва ҳовлисидagi беш чинор қолдирилди. Янги мажмуа сахни 10 гектарга тенг. Квадрат режали ҳовли, чорбоғ анъанаси бўйича, чор чаманларга бўлинган. Сақланиб қолдирилган ҳовузга, ҳовли тарҳи мувозанатига риоя қилган ҳолда, яна бир янги ҳовуз қазилиб ободонлаштирилган. Ҳовлининг ғарб томонида 800 одамга мўлжалланиб режаси 30х20 метр ва томи металл фермалардан иборат масжид қурилди. Олд айвони билан, масжид 1500 та одамни қабул қилиши мумкин. Ҳовлининг бошқа томонида 100–150 ўринли қабуллар зали, кутубхона ва ошхона жойлашган. Ҳовлига киришда эса маъмурият ва бир нечта дам олиш хоналари қад ростлаган. Ҳовлини устунли айвонлар қамраб олган бўлиб, унинг ўқида эса ислом оламидаги иккинчи буюк шахснинг мақбараси бунёд этилган.

Кува мажмуаси туман марказининг шох кўчаси билан археологик қазилмалари мажжуд бўлган қадимий шаҳристон оралиғида жойлашган. Шаҳристоннинг кунгурадор девори тикланди ва остида узунлиги 350 метрли фавворали боғ барпо этилди. Шу ердан шаҳристон тепалигидаги марказий майдонда қурилган ал-Фарғонийнинг ҳайкали бор павильонга қараб икки томондан айлана шакли зиналар қўтарилган.

Мажмуалар миллий меъморлик анъанала-рида қурилган бўлиб, уларнинг янгича услу-бида пешток, равок, гумбаз ва айвонлари уй-ғунлашиб кетган. Айвон ёғоч устунлари, гиш-тин деворлар, мармар қопламалар ва саҳнга ётқизилган оҳактошлар — ҳаммаси анъанавий сарғиш-кулрангдан иборат бўлиб, бир-бирига уйғунлаштирилган. Иккала мажмуа павиль-онлари гумбазлари диаметри 9 м., баландли-ги эса 17 м. Гумбазлар дюралюминийдан штампланиб шаклланган ва уларга феруза ран-ги берилган. Имом ал-Бухорий макбарасининг гумбази рангли сопол билан қопланган. Пеш-тоқи эса — Эрондан келтирилган қўқимтир ақик тошининг йўл-йўл туридан бажарилган. Павильонлар пештоқидаги ақик тошлари, масжид дарвозаларининг уч қатламли ўй-ма нақшлари ва устунларнинг устки қисм-лари, асослари ва бошқа ҳашамли безак-ларининг барчаси Ғури Амир макбарасини эс-латади. Ал-Бухорий мажмуаси пештоқлари-нинг муқарнаслари Самарқандлик усталардан бирининг чизмалари бўйича яратилган. Нақ-шу нигорлар билан безалган айвонларни, уларнинг ўйма ёғоч устунларини ва ганчкор деворларни Фарғона водийсининг усталари бажарганлар. Шундай ижодий ҳамкорликда инсоний хотира меъморлиги услуги вужудга келди.

Қозонилган ғалабани Хотира ва кадрлаш куни деб эълон этилиши билан Мотамсаро она номли янги мажмуа шаклланди. Абдий аланга ёдгорлиги Мустақиллик майдонидан шимолдаги хиёбонда жойлашган бўлиб, май-дон кенглигини давом эттириб туради. Аб-дий аланганинг ғарбига мотамсаро она ҳайка-ли (ҳайкалтарош И. Жабборов) ўрнатилган. Унинг қиёфасини яратаётган ҳайкалтарош рас-сом Раҳим Аҳмедов асарларидаги ўзбек она-сининг сиймосидан фойдаланган. Хиёбоннинг узунлиги 60 метр бўлиб, шимолий ва жану-бий айвонларда ҳалок бўлган Ўзбекистонлик барча аскарларнинг исми шарифлари келти-рилган. Мажмуани барпо этишда бутун рес-публика халқ усталари қатнашган бўлиб, шун-га ўхшаш меъморий ёдгорликлар вилоят мар-казларида ҳам мавжуд.

1999 йилнинг 5 ноябр куни Урганчнинг жасур саркардаси ва давлат арбоби Жало-лиддин Мангубердининг 800 йиллигига ба-ғишланган меъморий ёдгорлик очилди.⁹ Ёд-горлик марказида — қилич дастагини ушла-ган султон Жалолиддин Мангубердининг катта

ҳайкали бунёд этилган. Унинг ўн бир йил мобайнида Чингизхон қўшинларига қарши олиб борган мардонавор кураши жаҳон тари-хи солномаларига олтин ҳарфлар билан ки-ритилган. Жалолиддин Мангуберди тавааллу-дининг тантанали кунларида, ал-Хоразмий ва ал-Беруний рамзий макбаралари мавжуд бўлган ёдгорлик боғлари очилди.

2000 йил 12 майида Тошкентнинг Юнус-обод тумани Бузсув канали бўйида қатағон қурбонларига бағишланган Шаҳидлар хоти-раси меъморий ёдгорлиги очилди. Унинг гул чаманлари билан ободанлаштирилган тепалик-ларидан бирида феруза рангли анъанавий қовурғасимон гумбаз қайд кутарди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш мақсадида “Академик лицей ва касб-хунар коллежлари лойиҳаларининг асосий низоми” ишлаб чиқилди ва улар 1998 йил февралда Олий таълим вазирлиги тасдиғига киритилди. Буларга жавобан, их-тисослиги ва ҳажми ҳар хил коллежларнинг лойиҳалари ва қўлланма чизмалари ишлаб чи-қилди. 1999 йилда Тошкент, Фарғона, Анди-жон, Термиз, Жиззах ва Урганчда бир неча лицейлар қурилиб топширилди. Биринчи-лардан бўлиб, Тошкент шаҳрининг Акмал Ик-ромов туманидаги М. Уйғур кўчасида 600 ўринли Қурилиш-коммунал лицейи биноси (меъморлар Искандаров Р.А., Сердюк Л.А. ва бошқалар), Андижон шаҳрининг марказий Навоий кўчасида эса 300 ўринли Маиший хиз-мат касб-хунар лицейи қурилди (меъморлар Максумов Т.А., Ракутин А.В. ва бошқалар). 2000 йилнинг мартада Тошкентнинг Шайхон-тоҳур даҳасида Жаҳон иқтисодиёти ва дип-ломатия университети қошидаги академик ли-цей қуриб битирилди. Тўрт қаватли 825 ўқув-чига мўлжаллаб қурилган лицей ўқув ускуна-лари билан тўла жиҳозланган ва унда дарс-хоналар, мажлислар зали, ошхона, спорт зали ва майдончалари мавжуд.

Мустақиллик Ўзбекистон республикаси меъморлигини тубдан ўзгартирди. Ўзлигини намоён қила бошлаган миллат, турли услуб-даги меъморлик иншоотларини яратишга қодир эканлигини амалда кўрсатди. Янги меъ-морлик мунтазам режалар, ҳандасавий тоза сиртлар, енгил ва тиниқ конструкциялар, биноларни янги турлари ва тарихий шаҳар-ларни янгича тиклаш билан ислом мадания-тига хос вазминлик руҳида маҳобатли имо-ратлар яратишга интилоқда.

ҲАЙКАЛТАРОШЛИК

Санъат, хусусан ҳайкалтарошлик, истиқлол даврида мафкуравий-ғоявий, маънавий оламнинг таркибий қисми сифатида у миллат ҳаётидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга плакат каби ташвиқот-тарғибот воситаларга ўхшаб тезкорлик билан жавоб бера олмасда, 1990 йилларнинг ижодий тарғиботларидан келиб чиқиб қуйидагича давом этди.

Ҳайкалтарошларнинг ижодий услублари 70–80 йиллар анъаналаридан кескин фарқланмай турса ҳам, 1990 йилларда яратилган асарларида янги ғоявий-мафкуравий муҳит таъсири, миллий ҳамда тарихий мавзулар устуворлиги ўз аксини топди ва йирик бадиий ёдгорлик ҳайкаллар барпо этилди. Ўзбек халқининг тарихини ва маданий меросини ҳайкалтарошлар чуқур ўрганиб, бадиий жараёнда улғу аждодларимиз киёфаларини яратишга муваффақ бўлишди.

Мустақиллик даври ҳайкалтарошлик санъатининг маҳобатли турида ишланган илк тарихий асарлар сифатида Чирчиқ шаҳрининг марказий шоҳ кўчасида ва пойтахтимизнинг Миллий боғида ўрнатилган улғу шоир Алишер Навоий образига аталган ёдгорликларни қайд этиш жоиздир.

Бу икки ёдгорлик бадиий сифат ва хусусиятлари жихатидан баробар эмас. Чирчиқ шаҳридаги Навоий ҳайкалининг (А.Раҳматуллаев, Л.Рябцев, 1991 й.) композицион ечими ва пластик шакллари муаллифларнинг катта тажрибага, касбкорлик маҳоратига эга эканликларини яққол кўрсатиб турибди. Шоирнинг руҳий ҳолати, хис-туйғулари равшан, ишонарли ифодаланган, лекин, тик турган ҳолати оврулча услубийлик доирасида яратилганлиги билан шарқ анъаналарини ҳисобга олинмаганлиги асарни шартли равишда салбий томонларини белгилайди. Миллий боғнинг энг сўлим гўшасидан ўрин олган Алишер Навоий ёдгорлигида (Э.Алиев, Н.Банделадзе, В.Дегтяров, 1991й.) эса, шарқона яратилганлиги билан ижобий фарқланади. У боғнинг энг баланд қисмига жойлаштирилган бўлиб, унинг атрофини миллий услубда барпо қилинган қовурғасимон гумбазли айвонча ва кўкаламзор боғ ўраб туради. Бронзадан ясалган ҳайкалда фозиллик аломатлари ўз ифодасини топган. Рамзий маънода барпо

этилган меъморий унсур эса, шоирнинг маҳобатли киёфасини янада жонлантиради. Ҳайкал ишланиш услубига кўра, умумлашма тарзда амалга оширилган. Яъни, майда деталлар ўрнини умумий яхлитлик қамраб олган. Ҳайкалдаги майда деталлар фақат кўкракдан тепа қисмида, либослар ҳаракатида ва юз киёфасида қўлланилган. Шоирнинг ўнг қўлида ҳасса билан тасвирланиши динамик ҳаракатни юзага келтирган. Биргина ушбу детал орқали ҳайкалтарошлар образдаги турли маъноларни очиб беришга ҳаракат қилганлар. Бу маъноларнинг айрими узоқ масофага тегишли бўлиб, кексалик аломатига ифодавий воситадир. Томошабин узоқ масофадан туриб, шоирдаги кексалик аломатини ҳасса воситаси орқали идрок этади. Ҳайкалга яқинлашган сари, ҳассадаги бу хусусиятлар иккинчи даражали бўлиб, юқоридаги маъноларнинг фаоллиги юз қисмига алмашади.

Навоий образини яратиш юртимизнинг кўплаб ҳайкалтарошларини қизиқтириб келган. Бугунги кунда ҳам Навоий образига мурожат этиш ҳайкалтарошлик санъатида тўхтаганича йўқ. 2001 йилда Навоий шаҳри марказида улғу шоирнинг 560 йиллиги муносабати билан А. Раҳматуллаев ва П. Подосинников томонидан яратилган 9 метрли ҳайкалнинг ўрнатилиши кўзда тутилган.

Ҳайкалтарошликнинг маҳобатли турида сермахсул ижод қилаётган ижодкорлар орасида академик, Ўзбекистон халқ рассоми, ҳайкалтарош Илҳом Жабборов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳайкалтарош Равшан Миртожиев ижодларининг кенг қўлами алоҳида эътиборга молик. Улар томонидан яратилган ёдгорликларни ҳозирда мамлакатимизнинг аксарият вилоят ва шаҳарларида учратиш мумкин. Шу ўринда И.Жабборов томонидан яратилган буюк Соҳибқирон Амир Темур образи билан боғлиқ бир неча ёдгорликларни қайд этиш жоиздир.

Жумладан, Тошкент шаҳрининг гавжум хиёбони марказига ўрнатилган А.Темурнинг маҳобатли отлиқ ҳайкали бадиийлиги билан ажралиб туради (И.Жабборов, К.Жабборов, 1993 й). Реалистик услубда ишланган мазкур монументда кучли пластик ҳаракатлар кўзга ташланади. Амир Темурнинг жўшқин ички ҳиссиёти отнинг бироз бадиийлаштирилган



А.Раҳматуллаев, Л.Рябцев. «Мирзо Улугбек ҳайкали». Тошкент. 1994.

қўриниши билан бирлашиб, унинг композицион тузилишини мукаммаллаштиради. Ҳайкал, шаклан бетакрор ва майда безакли унсурлар билан бойитилган. Темурнинг бу отлич Ҳайкали 2 м.ли таккурсига ўрнатилган бўлиб, унга “Куч адолатдадир” ҳикмати битилган. И.Жабборов мазкур асарини, “Юртга қайтиш”, “Панд-насихат” ғоялари асосида яратилганлигини таъкидлайди. Монументда ғўёки душманларни енгиб, жанг майдонидан пойтахтга кириб келган Соҳибқирон ғўёқароларга бундан буён давлат хавф-хатардан холи бўлгани, тинчлик ва фаровон ҳаёт бўлажагини эълон қилаётгандек тасвирланган. Соҳиб-

қироннинг руҳий ҳолати юзида, ундаги имода яхши ифодаланган.

1996 йил “Амир Темур йили” деб эълон қилинди. Шу йили Вазирлар Маҳкамаси “Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги (1994 й., 29.12. №630, 1996 й., 16.08. № 346Ф) Қарор ва Фармо-йишларини қабул қилди. Ушбу қарорларга қўра, Соҳибқироннинг она юрти Шаҳрисабзда ва марказлашган давлатининг пойтахти Самарқанд шаҳрида унга атаб ёдгорликлар яратилди. Бу икки шаҳардаги Амир Темурнинг маҳобатли Ҳайкаллари (И.Жабборов ва К.Жабборовлар томонидан яратилган) 1996



И. Жабборов. «Ал-Фарғоний ҳайкали». 1998.

йили ноябрь ойида очилган. Ҳар икки ҳайкални қиёсий таҳлил этадиган бўлсак, улар бир-биридан ўзаро фарк қилади.

Шаҳрисабзда қад ростлаган ҳайкалда (постаменти ҳажми 7 м., ёдгорлик 8 м.) Соҳибқирон, ўз тасарруфида бўлган ҳудудини ҳар галгидек назоратидан ўтказаятгандек кўринишда барпо этилган. Буни биз, постаментдан ўрин олган чўққининг рамзий ифодаси орқали илғаб олишимиз мумкин. Ёдгорлиқнинг баланд пойдеворга ўрнатилиши унинг улуғворлик даражасини оширади ҳамда мавқе даражасини яққолроқ ҳис қилишга ёрдам беради.

Самарқандда бунёд этилган ҳайкалда (ҳажми 6 м.) эса шоҳона либосда, тахт-маснадда ўтирган кўринишда яратилган. Тахтдаги ўтириш ҳолатидан қалбнинг безовта қилаётган тугёнларини илғаб олиш мушкул эмас. Давлатининг келажакдаги тақдири ҳақида безовта бўлиб чуқур ўйга толганлигини юз тузилишидаги ички кечинмалардан билиб олиш мумкин. Юз тузилишида кексалик аломатларининг зоҳир бўлиши ҳар иккала ёдгорлиқларнинг қиёфасида ўзаро ўхшашлик касб этади. Бу ёдгорлиқларнинг шаклу-шамойили, ғояси ҳар хил бўлса-да, Амир Темури образи етарли даражада очиб берилади.

Буюк аждодларимизнинг таваллуд кунларини республика миқёсида тантана қилиш Мустақиллиқнинг яна бир ўзига хос жиҳати сифатида яхши анъанага айланиб қолган. Бунинг давомида буюк ҳадисшунос Имом ал-Бухорий ва маънавий мерос, илм-фаннинг бебаҳо хазинасига ҳисса қўшган ватандошимиз ал-Фарғонийнинг номларини абадийлаштириш мақсадида ҳукуматнинг махсус Қарори қабул қилинди. Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалини гипсдан барпо этиш ва уни ўрнатиш, рамзий қиёфасини яратиш бўйича комиссия тузиш ишлари топширилди. Олиб борилган илмий-ижодий изланишлар натижасида Фарғона ва Қува шаҳарларида Фарғонийнинг маҳобатли ҳайкаллари ўрнатилди (И. Жабборов, К. Жабборов, 1998 й).

Фарғона шаҳрига ўрнатилган ёдгорлик очик осмон остида зиналар билан кўтарилган сунъий баландлик устида қад ростлаган. Ҳайкал орқаси яримдоира кўринишда олти устун ва унинг устидаги уч қават зинасимон шарафакарниз билан бажарилган. Бу миллий услубдаги меъморий унсурлар ёдгорлиқнинг салобатини оширади.

Кувадаги ёдгорлик бироз вазмин, ўйчан бўлиб, ротондо услубида бажарилган.

Тарихий хотира – халқ маънавиятининг асосидир. Ана шу буюк асосда, маънавий мулкимиз учун бутун ҳаётини Ватан озодлиги, халқ бахт-саодатига бахшида этган буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди туради. Бу довурак ватан ҳимоячиси хотирасини абадийлаштириш мақсадида ҳам 1998 йилда яна бир ҳукумат Қарори қабул қилинди. Шунга асосан Хоразмда Жалолиддин Мангуберди ёдгорлиги барпо этилди. Юртбошимиз И.А.Каримов Жалолиддиннинг тимсоли ҳақида сўз юритиб: – “Тоғнинг устида бургутдай турсин...” – деган эдилар. Яратилган асар бу талабга жуда мос тушади. Чингизхондек ёвуз босқинчига қарши қурашда мислсиз матонат, жасорат намуналарини кўрсатган Хоразмшоҳлар сулоласидан Жалолиддин Мангубердининг ана шундай мард қиёфасини яратиш устида ўнлаб ҳайкалтарошлар ўз лойиҳаларини яратдилар. Аммо, ҳайкалтарош И.Жабборовнинг яратган Жалолиддин образида миллий қаҳрамон сиймоси аниқроқ талқин қилинганлиги мутахассислар томонидан эътироф қилиниб, мазкур лойиҳа асосида ёдгорлик барпо этилди.

Тарихий шахсларнинг маҳобатли қиёфасини акс эттириш борасида ҳайкалтарош Р.Миртожиев асарлари муҳим ўринга эга. Унинг маҳобатли асарлари ҳозирда кўплаб вилоятларда кенг тарқалмоқда. Ҳайкалтарошнинг бадий маҳорати у томонидан яратилган тарихий шахслар образларида ўз ифодасини топган.

Р.Миртожиев “Заҳриддин Муҳаммад Бобур” (1993 й., Андижон шаҳрига ўрнатилган), “Абдулла Қодирий” (1994 й., Тошкент шаҳрига ўрнатилган), “Чўлпон” (1997 й., Андижон шаҳрига ўрнатилган), “Она” (1999 й., Жиззах шаҳрига ўрнатилган) каби бир қатор бадий нуқтаи назардан йирик ёдгорликларни яратган.

Р.Миртожиевнинг майда пластик санъат борасида эришган тажрибалари ўз навбатида, маҳобатли ҳайкаллар яратиш жараёнида самарали хизмат қилади. 1993 йили Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига тайёргарлик қуриш ва уни ўтказиш муносабати билан Андижон шаҳри марказига Р.Миртожиев томонидан яратилган Бобур монументи ўрнатилди. Бобурнинг ички тугўнлари тимсолида юзага келган ўзига хос

композицион қурулма, образга улғуворлик бахш этиш билан бирга ҳайкалтарошнинг шoirга бўлган ҳурмат-эҳтироми янглиғ, томошабинда катта таассурот уйғотади. Бу ёдгорлик мустақиллик йилларида яратилган маҳобатли ҳайкаллар орасида, бадий қимматининг ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Монументга романтик ёндашган ҳайкалтарош ўз орзусидаги образни идеаллаштиришга ҳаракат қилиб, бу ёдгорликни барчага манзур қилиб санъат даражасига олиб чиқади.

Р.Миртожиев томонидан яратилган ёдгорликлар орасида, қатағон йиларининг қурбонлари Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон образларини ҳам кўришимиз мумкин. А.Қодирийнинг оғир қисматини хотирлаш ва абадийлаштириш мақсадида унинг ёдгорлик қиёфасини яратиш борасида ўтказилган (1994) танловда Р.Миртожиев ўз лойиҳаси билан иштирок этди. Бу танлов ҳайкалтарош учун омадли келди. Қодирий хоти-



Р.Миртожиев. «Чўлпон ҳайкали». Андижон. 1997.

расига бағишлаб ёдгорлик яратишдек шарафли ва маъсулиятли вазифа хайкалтарошга ишониб топширилди. Кўп изланишлардан сўнг хайкалтарош ажойиб композиция яратди. Хайкалтарош ўз хиссиётларини сунъий тошга йўниш билан бирнеча маъноли ғояларни беками-кўст ёдгорликка мухрлади. Муаллифнинг бу монументи унинг романтик дунёсини фал-

сафий мушоҳадаларга бойлигини исботловчи гувоҳ сифатида А.Қодирий номли истироҳат ботида қад ростлади.

Хайкалтарошнинг Чўлпон шахсияти ва ижодига бўлган ички хиссиётларидаги ҳурмат ва муносабатларини Андижон шахрига ўрнатилган “Чўлпон” ёдгорлигидан ҳам илғаб олиш мумкин. Унинг ғоявий мазмуни, рамзий маънодаги унсурлар орқали очиб берилади. Томошабин бу унсурлар воситасида шоирнинг олисга термулган нигоҳи остида, мустақилликнинг шафакларига термулгандек, маънос, ҳавас ва ишонч билан турган қиёфасини кўришга мурасар бўлади. Чўлпон ўтирган кесилган чинор дарахти, хайкалтарош томонидан рамзий маънода, қатағон йиллари топталган халқимизнинг миллий ғурур тимсоли сифатида яратилган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Қодирий ёдгорлиги сунъий тошда бажарилган бўлиб, шоир қиёфаси ҳажм жиҳатидан 5 м.га тенг бўлган бронзадан яратилган. Унинг барча асарларида халқимизнинг миллий қиёфаси, урф-одатлари, анъана ва маросимлари тўлақонли, ўзига хос йўсинда яратилган.

“Алпомиш” достонининг дунё халқлари эпик ижодиётига қўшган бебаҳо ҳиссасини эътиборга олиб мустақил давлатимиз халқини миллий ғурур, ватанга садоқат муҳи-тида тарбиялаш, “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан бориқ қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида турли хайрли ишлар амалга оширилди. Достоннинг 1000 йиллиги ижодкорларни мазкур мавзу асосида ижод қилишга ундади. Санъатнинг турли соҳаларида “Алпомиш”нинг турли талкинлардаги образи яратилди. Хусусан, театр, кино, тасвирий ва амалий санъатда бу образга турлича ёндашилди. Айниқса, маҳобатли хайкалтарошлик санъатининг бу борада эришган ютуғини алоҳида таъкидлаш жоиз.



А. Раҳматуллаев, Қ. Норхўрозов, У. Мардиев, П. Подосинников.
«Алпомиш» хайкали. Термиз. 1999.

Термиз шаҳрида эпик қаҳрамон Алпомишнинг рамзий ҳайкали бунёд этилди. Ҳайкалтарошликнинг мазкур композицион мажмуи, икки ёндаги бўртма тасвирларда Алпомишнинг ёри Барчин ва ўғли Ёдгор сиймолари Бойсун элининг тарихий манзараси асосида ифодаланган. Алпомишнинг маҳобатли қиёфасини очиб бериш учун турли унсурлардан унумли фойдаланилган. Чап қўлидаги камони озодлик ва эркликнинг тимсоли бўлса, ун қўлига қўним топган қуш мактуб элгуччи воҳита сифатида ифодаланган. Бу мажмуа А.Раҳматуллаев, Қ.Норхўрозов, У.Мардиев, П.Подосинников каби ҳайкалтарошлар томонидан бунёд этилган.

Дастгоҳли ҳайкалтарошлик санъатида замонавий ва мил.тий анъаналар ўзаро уйғунлаштирилди. Бу давр дастгоҳли ҳайкалтарошлик санъатининг ўзига хослигининг яна бир кўриниши, реализм анъаналарини амалдан суриб чиқарилиши ва бадиий ифодавийликнинг етакчилигида бўлди. Академизм услубиёти фақат бадиий таълим жараёнидагина сақланиб қолди.

Бу давр дастгоҳли ҳайкалтарошлик санъатининг фаол намоёндаларидан бири сифатида Ўзбекистон Бадиий Академиясининг ижодкорлар уюшмасининг аъзоси, ҳайкалтарош Т.Тожиҳўжаевни эътироф этиш мумкин. Т.Тожиҳўжаев асарларини кузатар эканмиз, у ҳайкалтарошлик санъатида ўзига хос ижод услубига эга бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Туринж, гипс, шомот, шунингдек, турли тошлар устида ишлар экан, уларга мохирона сайқал бериб, юксак савиядаги санъат асари даражасига келтиради. Ҳайкалтарошнинг севиб ва алоҳида ихлос билан ишлайдиган манбаи бу тош бўлиб, айниқса “илон изи” ва оникс тошлари устида ишлаш унга руҳий қайфият, илҳом бахш этади. Унинг композицияларида Фарб ҳайкалтарошлик мактабининг таъсири

сезилиб туради. Ҳайкалтарош ижодининг катта қисмини портрет жанри эгаллайди. У портрет жанрига мурожаат қилар экан, буюк сиймолар қиёфасини, уларнинг ички ҳисларини, юз мимикалари ва қарашлари орқали кўрсатилган ҳаракат қилади. Доимий ижодида А.Навоий, Улуғбек, Фурқат, Машраб каби руҳий ва маънавий жиҳатдан ўта мураккаб шахсларга мурожаат этади. Ҳайкалтарош томонидан шу йилларда яратилган “Қураш”, “Рақс”, “Чавандоз” каби унча катта бўлмаган пластик ишлари портретлар сингари реалистик бўлмай, балки, романтик, импессион ва экспрессион оқимга мансубдир. Унинг асарлари



Ж.Қуттимуродов. «Анахита». 1996.



А.Хотамов. «Сувчилар». 1999.

орасида миллий урф-одатлар, анъаналар акс эттирилган тасвирлар ҳам талайгина. Ушбу йўналишда “Бахт куши” асари яратилган. Асар “илон изи” тошидан ишланган бўлиб, қушнинг қиёфасига ғайриоддий, шу билан бирга хаяжонли таассурот сингдирилган бўлиб, эркесвар халқнинг асрлар давомида ички туйғуларида сақланиб келаётган хиссиётлари ўзининг рамзий ифодасини топган.

Дастгоҳли ҳайкалтарошлик орқали яхши танилган ижодкор Дамир Рўзиев ҳам мустақиллик йилларида самарали ижод қилиб, ўзининг услубий йўлини авангард руҳи билан бойитди. Унинг композицияларини кузатар эканмиз ҳайкалтарошлик билан рангтаъсирнинг ўзаро уйғунлигига гувоҳ бўламиз. Унинг кейинги йилларда яратилган “Жаз ижросига ҳамоҳанг бадихалар” (1998) туркуми янги бадий жараёни ўзида тўлақонли ифодалайди. Бундан ташқари “Наврўз” қўرғазмасида (2001 йил) намоён этилган “Наврўз

маликаси” энг янги асарларидан ҳисобланади. Унда “Наврўз маликаси” баҳорий ҳис туйғулар билан байрамона кайфиятда ифодаланган. Д.Рўзиев бу асари орқали тарихга мурожаат этиб, аجدодларимизнинг типик либосларидан унумли фойдаланиш орқали образни замон руҳига мослаштиради. Бу қадимий унсур орқали муаллиф Наврўзнинг азалий кўринишини содда, лекин аниқ кўринишда очиб беради.

Дастгоҳли ҳайкалтарошликнинг яна бир вакили Жўлдасбек Қуттимуродов ҳам мустақиллик йиллари ўз ижодида қорақалпоқ оҳангларини ҳайкалтарошлик асарларига кўчирган. Унинг ижодига мансуб, “Аёл”, “Ўтирган соҳибжамол”, “Амударё”, “Оққуш”, “Қизил тож таққан қиз”, “Шохли Искандар” асарларида ҳайкалтарош табиатини идрок этиш мумкин. Ж. Қуттимуродов томонидан яратилган асарларда эртаклар, ғаройиботлар олами намоён бўлади. Бадий Академиянинг қўрғазмалар залида бўлиб ўтган “Қорақалпоғистон замонавий тасвирий ва амалий санъати” қўрғазмасида (2000 йил) Ж.Қуттимуродов “Авесто” туркумидаги асарлари билан муваффақиятли иштирок этди.



Э.Эсанов. «Амир Темура». 1995.

Р.Миртожиевнинг дастгоҳли ҳайкалтарошлик соҳасидаги тажриба ва кўникмалари етарли даражада эканлигини у яратган ҳайкаллар туркуми мисолдан билиб олиш мумкин. Ҳайкалтарош тарих саҳифасида чуқур из қолдирган Темурийзодалар наслидан бўлган буюк давлат арбоби, шоир ва саркарда Бобур образига бир неча кўринишларда мурожаат этади. Ҳайкалтарошликнинг дастгоҳли тури бўйича икки бора, маҳобатлисида эса ягона образ яратди. Ҳайкалтарош “Бобур–Ватан соғинчи” номли дастгоҳли асарида Она Ватан меҳридан йироқ бўлган саркарда образини ундаги соғинч туйғуларини маҳорат билан амалга оширади. “Сайёҳ Бобур” асарида эса Бобур от устида ифодаланган. Р. Миртожиевнинг яна “Темур Малик” (1990 й.), “Ёмғир” (1995 й.), “Бехзод” (2000 й.) каби асарлари ҳам мавжуддир.

Истиқлол даври ҳайкалтарошликнинг яққол намоёндаларидан И.Жабборов, К.Жабборов, Э. Алиев, А. Раҳматуллаев, Н. Бонделадзе, В. Дегтяров, Р. Миртожиев, П. Подосинников, А.Рябцев, П.Ахмедзянов, Ш.Усмонов, К.Норхўрозов, Д. Рўзиев, Т. Тожиҳўжаев, Ж. Қуттимуродов, У. Мардиев каби бир қатор ижодкорларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу давр ҳайкалтарошлигида миллий мафкурага асосланган мавзулар ва қисман янги бадиий шакллар кашф этилганлигини ҳам эътироф этиш лозим.

Умуман олганда, 1990-йиллар ҳайкалтарошлигида, асосан, тарихий сиймолар гавдаланди ва уларнинг сони кўпайиши баробарида услуб жиҳатларининг янгиланиши ҳам бир қатор асарларда кўзга ташланади.



С. Шарипов. «Хаттотлик» композицияси. 1998.

Шунинг билан биргаликда, замонавий мавзулар, қаҳрамонлар образларига нисбатан кам аҳамият берилаётганлиги ҳайкалтарошлар олдида янада янги ва муҳим вазифаларни қўяди.

ДАСТГОҲЛИ РАНГТАСВИР

Рангтасвирда бадиий жараён бир мунча шиддатли ва серҳаракат кечди. 1991–2001 йилларда бўлиб ўтган кўп сонли кўргазмалар шунини тасдиқлайдики, мазкур давр рангтасвири услуб ва композицион ечимнинг турли-туманлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бу эса рангтасвирчиларга ижодий эркинлик, шунингдек бадиий тасвири ақсантиришда шакл ва воқеаларни мустақил танлаш имконини яратувчи янги даврга кўп жиҳатдан бовариқдир.

Охириги ўн йиллар давомида хориж ва республикада ўтказилаётган кўп сонли гуруҳий ва шахсий кўргазмаларнинг катта қисми анъанавий тарзда дастгоҳли рангтасвир асарларидан ташкил этилди. Мустақиллик йилларида ўз навбатида устивор, яъни рассомлар ижодининг ҳисоботи тарзида уюштирилган кўргазмалар муҳим ўрин эгаллади. Мамлакатимиз Мустақиллик кунига бағишланган, доимий ўтказилиб келинаётган кўргазма бу бо-

рада энг етакчи бўлиб келди. Бу кўргазмада республика миқёсида тасвирий ва амалий санъатнинг барча турларида юзга келган етук ва намунали асарлар намойиш этилиб, унинг асосий қисмини эса рангтасвир асарлари ташкил этди.

Республика умуммиллий кўргазмаларда Тошкентлик рангтасвирчилар асосий гуруҳни ташкил этиб келмоқда, бу эса кейинги йилларда гўё қонуний тарзда кечмоқда. Мустақиллик йилларида, шунингдек, бадий таълим марказларини кенгайтириш масаласи долзарб деб қаралди. 1997 йилга келиб, Ўзбекистон Бадий Академиясининг ташкиллаштирилиши билан бошланғичдан то олийгача бўлган бадий таълим тизими пайдо бўлди. Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика бадий коллеж ва лицей-интернати, шунингдек, Тошкентдаги ўқув юрти билан бир қаторда вилоятлар ва Қорақалпоғистонда тасвирий ва амалий санъат ўқув юртиларидан иборат тармоқ вужудга келди. 1998–2001 йилларда АҚШ, Европанинг кўпгина мамлакатлари, Осё ва Лотин Америкасида болалар ижодиёти доирасида ташкил этилган Халқаро танлов ва фестивалларда Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан юзга яқин ўқув юртилари талабалари лауреатлар бўлишди. Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган болалар суратлари Халқаро танловининг биринчи совриндори, Андижон вилояти, Избоскан тумани тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатининг 5-синф ўқувчиси Дилфуза Матбоевнинг онаси мамлакатимиз Президентига йўллаган миннатдорчилик мактуби намунали бўлиб қолди. Президент И.Каримовнинг мазкур мактубга ёзган жавоби олис қишлоқ ва шаҳарлардаги иктидорли ўғил-қизларимизнинг Халқаро миқёсдаги эътиборга молик кўрик ва фестивалларда иштирок этиб тақдирланишининг юксак аҳамиятини яна бир бор таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам жаҳон даражасида ўтказилган танловларда қатнашган иктидорли ёшларимизнинг ижодий қувватларини тан олинishi, яқин келажақда кўпгина вилоят марказлари ва Қорақалпоғистонда ўзига хос ва ёрқин рангтасвир мактаблари шаклланади, деб умид қилишга имконият беради. Шундай қилиб, тадқиқ этилаётган даврнинг бош ютуқларидан бири ҳозирданок ўз медаларини берган кенг қўламли бадий таълим миллий тизимнинг барпо этилишидир.

«Рангтасвирнинг бугунги кундаги географик

худуди тўғрисида гапирадиган бўлсак, Самарканд, Андижон, Бухоро, Наманган, Нукуслар Тошкент каби кўзга кўринган марказга айланмоқда. Самаркандда энг ёрқин ва истеъдодли рассом А. Исаев ҳисобланса, Андижонда О.Бакиров, У.Болтабоев, Н.Ҳоликов сингари рангтасвирчилар самарали ишламоқдалар. Наманганда эса И.Валихўжаевни кўрсатиш мумкин. Бухородаги ўзига хос ва истеъдодли рангтасвирчилар орасида М.Абдуллаев, Б.Саломов, З.Саиджоновларни алоҳида таъкидлаш жоиз. 1997 йилда Ўзбекистон Бадий Академиясига узвий боғлиқ тарзда унинг Қорақалпоқ бўлими ташкил этилди. Унга Академиянинг ҳақиқий аъзоси Ж.Изентоев раҳбарлик қилмоқда. Мазкур бўлимда Б.Айтмуродов, В.Жапаров, Б.Серекеев каби реалистик йўналиш асосида ижод этаётган, истеъдодли мусаввирлар ижод қилмоқдалар.

Агар дастгоҳли рангтасвир услубий йўналишлари ва оқимлари ҳақида гапирадиган бўлсак, ҳатто улар орасидаги чегаралар шартли хусусиятларга эга бўлишига қарамай, уларни бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Бунда эса биргина рассомнинг бир неча йўналишларда ижод қилишини ҳам таъкидлаш лозим.

Реалистик, академистик йўналишни Мустақиллик йилларида сермахсул ижод қилаётган анъанавий тарзда кекса ва ўрта авлод рассомлар ижодига мансуб дейиш мумкин. Улар орасида Ўзбекистон халқ рассомлари ва фахрий академиклар Р.Аҳмедов, Н.Қўзибоев, М.Набиев, Т.Оганесов, М.Саидов, М.Йўлдошев, Р.Чориев, Т.Курызов, Академиянинг ҳақиқий аъзолари С.Абдуллаев, Б.Бобоев, В.Бурмакин, Ж.Изентоев, А.Икромжонов, Т.Миржалилов, Й.Турсунназаров, Т.Қўзиев, шунингдек, таниқли рангтасвирчилар Р.Худойберганов, М.Нуриддинов, Э.Маширипов, В.Енин, З.Фахриддинов, А.Аликулов, Ш.Қўзиева, Р.Ризамуҳаммедов, О.Муинов, Р.Ғаглоева, А.Мирсоатов, Ю.Талдикин, Ю.Стрельников, Ю.Мельников, М.Тошмуродов, В.Зиёев ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин. Уларнинг асарларида бу йўналиш учун анъанавий бўлган – тарихий ва жанрли картиналар, портрет, манзара ва натюрморт – жанр ва мавзулар ўз ифодасини топади.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши ва янги мафкуранинг ўз мавқега эришиши натижаси ўларок, миллий тарих алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз равнақи ва мустақиллигига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон-

нинг кўзга кўринган маданият ва тарих намоёндалари сиёсий унутишдан ва йўқликдан қайта туғилиши билан санъатда уларнинг портретлари галереяси вужудга келишига туртки бўлди.

Ўзмонавий ҳаётда асосий мавзу бўлиб келаётган Амир Темир образи, мазкур давр фаолиятлари бу галерияларда асосий ўрин эгаллайди. Буюк Соҳибқирон образига республиканинг йирик рангтасвирчилари академиклар М.Набиев ва Н.Қўзибоевлар мурожаат қилдилар. Мусаввирлар ўзига ишонган, жаҳонгир ҳукмдор образини яратдилар. М.Набиев томонидан яратилган Амир Темур (1999) образи ўзининг сеҳрли жозибаси ва кучли таъсири билан ўзмонавий тарихий рангтасвирнинг ўзига хос мумтоз асарига айланиб, эталон сифатида қабул қилинди.

Темурийлар сулоласининг бошқа вакиллари ҳам рангтасвирчилар томонидан катта кизиқиш билан тасвирланади. М.Набиев мўйқаламига мансуб Захриддин Бобур портрети романтик тарзда ечилган. Бобур ижод жараёнида, қўлида қалам, кўзлари эса олис масофаларга қадалган. Бобур образи А.Маматова полотносида ҳам ажойиб шоир сифатида ўзи

га хос талқин этилади. Таниқли портретчи расом С.Рахметов Темурийлар даври тарихий шахслар образларини маҳорат билан яратди. Ўзбекистон Миллий Банки ва Темурийлар тарихи Давлат музейи 1999 йилда Ўзбекистоннинг етакчи портретчилари иштирокида Темурий шахзодалар портретлари танловини эълон қилди.

Ўз маданият ва санъат арбоблари рангтасвирчиларда алоҳида кизиқиш уйғотади. Темурийлар даври буюк миниатюрачи расом К.Бехзоднинг ҳаётлигида ишланган ва ҳозиргача сақланиб қолган портрети А.Икромжонов ("Қамолиддин Бехзод", 1990) рангтасвир композицияси, шунингдек, А.Абдуллаевнинг А.Навоийга (1997) бағишланган полотносининг асоси бўлди. Темурий маликаларга аталган туркум портретлар О.Муиновнинг мўйқаламига мансубдир. Бу композицияларида расом Шарқ аёллари ("Бибиҳоним", 1997) га хос романтик ва эҳтиросли жиҳатларни талқин этади. Ч.Ахмаров шоира Нодири (1992)-нинг жозибали қиёфасини яратди.

Тарихий шахслар образини яратишда расом олдида мушкул вазифа туради. Чунки камдан кам ҳолатлардан мустақилол тарздагина



Й.Турсунназаров. «Ёркиной». 1996.



Р.Худойберганов. «Жонажон кўча». 1997.

тарихда уларнинг ташки киёфалари ҳақида ҳеч қандай далиллар сақланиб қолмаган. Бунинг натижасида ўзида замонаси руҳини тим-соллаштирувчи, умумлашма тарздаги рамзий-портретлар вужудга келмоқда. “Жалолиддин Мангуберди”га (1997) бағишланган Т.Курашов ва Э.Машариповларнинг ишлари, М.Йулдошевнинг “Алпомиш” (1998—2000) достони қаҳрамонига бағишланган туркум асарлари, Э.Машариповнинг “Алпомиш” (1998), Қ.Башаровнинг “Спитамен” полотнолари шулар жумласидандир. Тарихий меросимизни бадий ёритишда 2000 йилда бўлиб ўтган “Шаҳидлар хотираси” кўргазмасида жадидлар портретлари туркумлари билан иштирок этган А.Икромжонов, Т.Қўзиев, М.Нуриддинов, С.Рахметовлар ҳам катта ҳисса қўшдилар.

Э.Машарипов ва А.Алиқуловларнинг “Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалабаси” (1996), З.Фахриддиновнинг “Зафар” (1997), М.Нуриддиновнинг “Саид Барака Амир Темурни ҳокимият рамзи — ноғора ва ғалаба байроғи билан тақдирламоқда” сингари сюжетли асарларда Амир Темур енгилмас саркарда, ўз халқининг шавкатли ўғлини сифатида гавдалантирилган. Бу кўпфигуралӣ композициялар ўзида очик ҳаракат майдонини намоён этадики, Амир Темур доимий тарзда марказий, бош киёфа тарзида талқин этилган. Буюк саркарданинг яратувчанлик фаолияти С.Абдуллаев полотноларида акс этган бўлиб, мазкур асарларда у буюк меъморий обидалар фонида тасвирланади (“Амир Темур Бибиҳоним масжиди қурилишида”, “Осмонинг беғубор бўлсин, буюк Туркистон”).

Ушбу композицияларни шакллантиришда тарихий воситалар ва либослар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бунда мазкур даврга тегишли бўлган ёзма манбалар, меъморий ва санъат обидалари талқин этилиши муҳим ўрин эгаллайди. Бу фикрни тасдиқлашда А.Алиқуловнинг этнографияга урғу берилгани — яъни маиший ҳаёт буюмлари, давр бинолари интерьерлари, каштачилиги, гилам, либос, қурул-аслаҳалари қунт билан ишланган «Асов от», «Дор», «Машшоклар» (1997) каби композицион асарлари намуналидир.

Тарихий жанрдаги ишлар реалистик мактаб аъёналаридаги сингари миниатюра ранг-тасвири услубида ҳам бажарилди. Бу борада Г.Камолов, Х.Назирова, Т.Болтабоевларнинг Республика Олий Мажлиси интерьерига ранг-

тасвирда ишлаган туркум асарларини таъкидлаш жоиз. Уларнинг ишларида муаллифларнинг композицион ечимга ва тарихий маиший воситаларга алоҳида диққат ва билим билан ёндошганликлари сезиларли даражада.

Бу жанрда юқори савиядаги ишлар билан бир қаторда, тарихга қизиқиш тўлқинида сиёсий муқобилликка интилган тарзда, мавзунини ўзида сусткашлик билан талқин этган ишлар ҳам йўқ эмаслигини таъкидламасдан бўлмайди.

Портрет жанри Ўзбекистон рангтасвирчиларининг кучли жиҳатларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда кучли реалистик мактаб тарқиб топиши ажойиб портретнавис-рассомлар сулоласини вужудга келтирди. Улар орасида А. Абдуллаев, Р. Аҳмедов, Р. Чориев, Т. Оганесов, В. Бурмакин каби портрет усталари жаҳонда кенг тан олинганлиги эътироф этилади. Мустақилликнинг ижобий таъсири ўлароқ, санъатнинг турли йўналиш ва услубларида эркин ижодга йўл очилди. Жумладан портрет жанрида ҳам. Бунинг натижасида портрет замонавий бадий жараёнида етакчи бўлиб қолди. Республикаимизнинг етакчи бадий олийгоҳи Қ.Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида айнан, реалистик мактаб асосида ўқув машғулотлари олиб борилади. Бу эса рангтасвирнинг реалистик жанрида ижод этган ўтмиш ижодкорларимизнинг бой меросини тан олинганлиги, шунингдек, жаҳон санъати илғор тажрибасини чуқур ўрганишдан далолат бериб, бутун дунёда авангард йўналиш билан бир қаторда, айнан, реалистик йўналиш ривожига эътибор билан қаралганлигини кўп жиҳатдан намоён этади.

1990 йилларда ўзбек рангтасвирида портрет жанрининг асосчиси, етакчи портретнавис, академик А.Абдуллаев ҳам ижодий фаолиятини давом эттирди. Бутун умри давомида у истеъдодли ва маънавий гўзал инсонларга хурматини сақлаб қолди. Мусаввир мўкаламига мансуб ҳар бир портрет кишиларнинг чуқур маънавий дунёсини акслантирувчи, рассом билан портрет қаҳрамони ва портрет билан томошабин ўртасидаги ҳақиқий ва очик муносабатни тақозо этувчи манбадир. 1999 йилда А.Абдуллаевнинг 1984 йилда яратилган машҳур автопортретини турли давр ва халқларга мансуб буюк рассомлар автопортретлари сақланаётган дунёнинг йирик тўплами, Уффидаги (Италия) картина га-

лереясига берилиши Ўзбекистон санъати учун оламшумул воқеа бўлди. Яқин давр (2001) да эса мусаввир “Офарин” республика совринининг “Санъатга бахшида умр” номинацияси билан тақдирланди.

Академик Р.Ахмедов ўз портретларида эпик кенглик ва теранликка эришади. Унинг қахрамонлари оддий инсонлар, қишлоқ қишлоқлари бўлиб, айнан, уларда мусаввир донишмандликни, маънавий покликни, юксак ахлоқий қоидаларни гавдалантиради (“Жиззахлик аёл”, 1992; “Нигина” 1993).

Замондошлар образлари академик Р.Чориевни ҳам кизиқтиради ва ўзига жалб этади. Кўп сонли ижодий сафарлар натижасида, мусаввирнинг бутун бошли портретлар галереяси вужудга келади. Улар орасида “Бойсунлик қария”, (1996), “Сайроблик гўзал” (1997) сингари ўз халқининг энг яхши маънавий-ахлоқий фазилатларини тараннум этувчи мураккаб композицион ечимдаги портретлари саннаб ўтилади. Рангтавирчи Р. Чориевнинг кучли жиҳати шундаки, у доимо натурадан ишлайди. Бироқ, умумлашма образлар яратишда рассом ҳар доим ҳам муваффақиятли оҳангларга эриша олмайди. 2000 йил Мустақиллик кунига бағишланган кўргазмасида намоиш этилган “Менинг замондошим” полотноси бир қатор бадий танқидчилар томонидан эътирофга учради.

Ажойиб рангтавирчи А.Икромжоновнинг илк ишларида реалистик асос кучли таъсир кўрсатади. Унинг портретлари юксак маҳорат ва диққат билан ишланганлиги, бўёқларнинг фактурали қўйилиши, натурани, ҳатто, фотосуратгача таҳлил этиб чизилганлиги, шунингдек, образнинг руҳий тўлақонлилиги (“Малика портрети” (1993), “Мадина” (1993)) билан ажралиб туради.

Ўз оҳанглари ва мўйқаламига ишонч билан ёндаша олган Р.Худойбергановнинг портретлари ҳам кипини бефарқ қолдирмайди (“Хожар хола”, 1999). Аввалги усталар услубини қўллаган ҳолда мусаввир ҳеч қандай ёрдамчи воситаларсиз, тўқ фонда портретлар яратади-ки, улар қахрамон қиёфасини янада мукамалроқ чиқишида етакчилик қилади. Унинг ажойиб бадий асарларидан бири “Наврўз-2001” кўргазмасида намоиш этилган “Бастакор Р.Абдуллаев портрети” дир.

1990 йилларда портрет жанрида Б.Жалолов фаол ижод қилди. Шуни таъкидлаш жоизки, реалистик чизмалар яратишда у мислсиз

даражага эришадик, бу борада унга ҳеч ким тенглашолмайди. Охириги ўн йилликда яратилган “Саудия Арабистони кироли Аравий Фахд ибн Абдул Азиз” (1992), “Академик С.Азимов портрети” (1998) ва бошқа полотноларни мусаввирнинг ўзбек рангтавирчилар орасида дунё талаблари даражасида яратган асарлари сирасига қўшиш мумкин.

С.Рахмонов шундай рассомлар сарасига қирадики, унинг ижодида портрет асосий ўрин эгаллайди. Охириги ўн йилликларда яратган энг яхши портретлари қаторида “Юнус Ражабий портрети” (1993), “ГФРнинг Ўзбекистондаги элчиси Г.Кун портрети” (1999) алоҳида аҳамият касб этади.

Кейинги йиллар кўргазмаларда Ўзбекистоннинг машҳур рангтавирчи рассоми В.Бурмакин портретлари муносиб жой олди. Лекин, мусаввирнинг аввалги ишларига қиёслаган тарзда, 90-йилларда яратган портретларини бир мунча суст эканлиги танқидчилар томонидан таъкидланади.

Оналар ва болалар йили муносабати билан ташкил этилган “Қўли гулдир ўзбек аёлини” кўргазмасига бир қатор аёл портретчи рассомлар: А.Маматова “Юлдуз Усмонова портрети”, Ш.Абдуллаеванинг “Ўзбек мадон-



А.Икромжонов. «Мевали натюрморт». 1996.

наси", М.Шуваеванинг "Лола" портрети, З.Шарипованинг "Автопортрет"лари намоиш этилди.

В. Шевченко Ўзбекистоннинг чегара химоячилари туркум – И. Иброхимов, Ш. Расулов, Р.Шоназаровлар портретларини яратади.

Портретчи рассомлар сонини юқорида таъкидлаб ўтганлар билан чегаралаб бўлмайди. Улар қаторида ўз матоларида замондошларимиз образларини муҳрлаган Й.Турсунназаров, Б.Саломов, И.Баҳромов, Ч.Бекмиров, М.Нуридинов, О.Бакиров, Б.Назаров ва бошқаларни санаб ўтиш лозим.

1990 йилларда манзара мазкур жанрнинг таниқли усталари М.Саидов, Р.Аҳмедов, Р.Чориев, В.Зиёев, Ю.Стрельников, Ю.Талдикин, М.Тошмуродов, В.Енин, Р.Ғалова, А.Мирсоатов, Ч.Бекмиров ва бошқалар ижодида ўз ривожига эришади. Водий ва тоғларнинг лирик манзаралар (Р.Аҳмедов, Н. Қўзибоев, М.Саидов, Ю.Стрельников) қаторида, кишлоқ ва шаҳарнинг янги ҳаёт аломат ва ху-

сусиятларини намоиш этувчи (В. Зиёев, В.Енин, Ю. Талдикин, А. Жибоедов, М. Тошмуродов) жанрли манзаралар яратилди.

Рассомларнинг янги авлодига мансуб реалистик йўналишда ижод этаётган истеъдодли мусаввирлар орасида 1999 йилда бўлиб ўтган шахсий кўргазмаси билан кўпчилик танқидчилар ва томошабинлар эътиборини тортган З.Шарипова ижодини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир.

Бошқа кўпгина ёш рассомларнинг реалистик йўналишда ишлашлари реализмнинг келажак ривожидан дарак беради.

1990 йилларда ўзбек рангтасвирининг кизиқарли кўринишларидан бири назмий-романтик услубда миллий ўзига хосликни талқин этиш авж олди. Бу йўналишнинг келиб чиқиши услубига кўра турлича ишланган асарларда, жумладан, Ч. Ахмаровнинг 1950 йиллардаги чизикли рангтасвирида ва 1970 йиллар бошларидаги Ш. Абдурашидов, А. Мирзаев, Р. Шодиевнинг ёрқин ранглар гаммасида бажарилган картиналарга бориб тақалади. Мазкур миллий-романтик оқимда 1990 йилларда А. Мирзаев, Р. Шодиев, О. Қозоқов, Н. Шин, И. Валихўжаев, Ш. Абдуллаева, Ч. Ахмаров, И. Мансуров, С. Раҳметов, Т. Шоймардонов ва бошқалар ёрқин безакдор ва чизикли-шаклий асарлар яратдилар.

А.Мирзаев, Р.Шодиевларнинг асарлари — шаклнинг эркин ўйини, ранг ва нурнинг қўтилмаган баъзан эса қарама-қарши қоришиклари, ута безакдорлик, анъанавий халқ санъатига таянганлик билан ажралиб туради.

А.Мирзаев ижоди 1990 йилларда деярли ўзгаришга учрамади. Рассом асарларида аввалгидек рангин ифодавий воситаларни оддий мавзулар асосида кучайтиришга интилиш сезилади. 1991 йилда яратилган "Ўтмишдан эртаклар", "Сўқоқда" (1995), "Қизил тоғ этагидаги учрашув" (1996) асарлари шу йўсинда яратилган. 1998 йилда, Францияга ижодий сафаридан кейин яратилган туркум асарлари ҳам мана шу ранглар услубиятига кўра бажарилган.

Р.Шодиевнинг 1990 йиллардаги асарларда олдинги ишларга нисбатан ўзгаришларни илғаш мумкин. У ўз ижодий ғояларини бир мунча эхтиросларга бурканган тарзда намоён этади. Рассом доимий ижодий изланишда бўлиб, кўпроқ кўтаринки руҳдаги жанрли картиналарни тасвирлайди. Мусаввирнинг "Манзара" (1999), "Байрам" (1999) сингари қара



А.Жибоедов. «Йул». 1995.

ма-қарши, ижодига хос бўлган ёрқин рангларда бажарилган асарларига қараганда, 1999 йилда ишланган “Даштда тонг” картинаси кўк-кулранг-қора совук гаммада яратилганлигига қарамай, қутилмаганда ўзида мукамал композицияни гавдалантиради.

Бу даврда бўлиб ўтган турли кўргазмаларда — миллий романтиклик бироз ёрқинроқ ранглар ва мураккаблаштирилган композицион ечимда шакллантирилган асарлари билан — О.Қозоқов фаол иштирок этади. Мусаввирнинг аксарият асарлари халқ фольклори ва дostonлари асосида вужудга келгандир. Бу борада О.Қозоқовнинг 1996 йилда ишланган “Канизақлар” триптихи намунали қаралади.

И.Мансуровнинг 1990 йиллар бошларида халқ байрамлари ва фольклор намоёйишлари асосида бажарилган “Наврўз”, “Катта Наврўз”, “Тўш”, “Баҳор” туркум картиналари алоҳида кизикиш уйғотади. Композициялар асосида ранглар гаммаси бўйсундирилган чизиклар ётади. Рангтасвирли безакдорлик, кескин пластик ечимлик, шунингдек, чизиклилик Ч.Ахмаров, С.Раҳмонов, Ш.Абдуллаева, Т.Шоймардоновлар ижоди учун жуда хусусиятлидир. Бу мусаввирлар дастгоҳли рангтасвир картиналарига илк ўрта асрлар ўрта Осиё деворий суратлари ва миниатюраси анъаналарини сингдирадилар. Ўзбекистон маҳобатли рангтасвири асосчиси Чингиз Ахмаров, шунингдек унинг шогирдлари С.Раҳмонов ва Ш.Абдуллаева ижодида янада яққолроқ намоён бўлади. Самарқандлик мусаввир Т.Шоймардоновнинг (“Хаётнома”, триптихи) ва тошкентлик рассом Э.Зайнидиновнинг (“Халқимга”) 1991 йилда яратилган картиналарида миниатюра анъаналарини қузатиш мумкин.

Айнан, 1990 йилларда Ўзбекистон рангтасвирида миниатюра анъаналарининг қайта туғилиши билан кўпгина миниатюрочи рассомлар (Н.Холматов, Б.Йўлдошев) дастгоҳли рангтасвирда асарлар ярата бошладилар.

Йирик рангтасвирчи рассом Н.Шин ижоди юкорида таъкидланган гуруҳ асарларидан кескин фарқ қилади. Муаллифнинг теран ғояли асарлари бир вақтинч ўзида ғожевий оҳанг беради. “Хотира йўли” номли туркум асарларидаги кайфиятга салбий таъсир этувчи оҳанглар “Сўқоқ” туркумларида қувноқ безакдор оҳанглар билан алмашинади.

Сўқоқ манзаралари туркумида услубнинг шартлилиги ва безакдорлиги манбаи — бу Ко-

реяда ҳам, Ўзбекистонда ҳам халқ амалий санаъатининг анъаналарига ўхшашликдир. Булар — фольклор мавзулари ва нақшлар, турли хил халқларга мансуб туқилган матолар ва кашталарнинг чекмалари, миллий ўйинчоқларнинг услубий ўхшашлиги, инсон ва табиат уйғунлашувининг белгисидир. Улардан Ниқолай Шин ўз нигоҳидан ўтказган ҳолда аслан мавжуд бўлмаган, аммо чинакамига ғаройиб реал оламга айланадиган санъат асарларида фойдаланади.

Умуман олганда изланиш ишлари олиб борилаётган мазкур даврда Ўзбекистон рангтасвирнинг миллий-романтик йўналиши ривожланишининг янги қобиғига кирди ва замонавий рангтасвирнинг ёрқин бадиий жиҳатларидан бири бўлиб қолди.

В. Охунов, С. Алибеков, Б. Жалол, Ғ. Бойматов, Ж. Умарбеков, Л. Иброҳимов, А. Исаев, З. Саиджонов, В. Ким, Ж. Усмонов, Ғ. Қодиров, Н. Имомов, А. Турдиев, Ғ. Ахмадалиев, Р. Ақромов, А. Нур, Ш. Ҳакимов, М. Қорабоев, Т. Аҳмедов, Б. Муҳамедов, Б. Исмоилов, Н. Шоабдурахимов, Т.Каримов ва бир қатор бошқа рассомлар ижодида фалсафий-таҳлилий ва ассоциатив-мажозий йўналишлар ўзининг тўла аксини топди. Шу билан бирга таҳлил мобайнида ушбу рассомларнинг ижодига алоҳида баҳо беришда ўзига хос ёндашлиб, мавжуд умумий йўналишга хос алоҳида хусусиятлар билан бирга, уларнинг ҳар бирининг шахсий услуби ҳамда рангтасвирни қўра билиш қобилиятга эга экани намоён бўлади. Тўла маънода уларни авангардчилар дейиш мумкин бўлмаса-да, айнан шу гуруҳ рассомлари Ўзбекистоннинг 90-йиллардаги рангтасвирининг янги услубиятини вужудга келишида асосий ўрин эгалладилар.

Охириги ўн йилликда В.Охунов ижодида бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Рассомнинг 90-йиллар бошида яратган (“Шарқона қиёфалар”, “Инкрустация”, “Будданинг тонги сайри” — 1991) мавҳумий-безакдор мавзудаги туркум асарлари, унинг кейинги ғоявий мураккаб асарларига асос бўлди (“Медитация” туркуми 2000). Бу асарлардаги чуқур фалсафий ғоя ўзининг мазмунини нодир ижод шаклида намоён қилади. В. Охуновнинг янги пластик ечимлар изланиши натижасида вужудга келган ноёб лойиҳали инсталляциялари, 2000 йилда Олмаотадаги Халқаро танловда Гран-прига сазовор бўлди.

90-йиллар Республиканинг етакчи рангтасвир устаси Б.Жалолов ижоди ҳам самарали бўлди. Шу даврда яратилган асарлари 80-йилларда юзага келган асарларининг тадрижий давоми тарзида шаклланиб, мутлоқ янги шаклий ва ёрқин ғоявий-пластик ечимларни ўзида намоён этди. Бинобарин, мусаввирнинг ижодига хос юксак маҳорат, рангтасвир пластик ечимларнинг бетакрор нафосати, коинот ва табиат, инсон ва борлиқ уйғунлашуви, мавжудлик ва руҳият мусаффолиги каби мавзулар ўз муҳимлигини сақлаб қолади.

Унинг чизмакашлик истеъдоди яна такрор ва такрор шаклий рангтасвирга мурожаат этишга ундайди. Рассомнинг ижодий заковати республикада кечаётган ижтимоий эврилишларга ҳамохангдир. Б.Жалоловнинг янги тарихий воқеликнинг ғоявий қадриятларини акс эттирувчи “Олтин аср” (1999) асари сиёсий воқеликка муносабат тарзида вужудга келган бўлиб, унда Хумо қушининг қаноти остида отлик Амир Темур ҳомиладор аёл ҳамроҳлигида тасвирланган. Композиция, расм ва ранглар мажмуаси назокати Сальвадор Далининг ҳаёлий асарларини ёдга солади. Миллий тимсолларнинг Ғарб эстетикаси билан уйғунлашувида мусаввирга хос — Шарқ билан Ғарбни узвийликда мушоҳада этиш хусусияти аён бўлади.



Ж.Умарбеков. «Киёфалар». 1997.

Мусаввирнинг ҳаётий шакллар олами чегараларини бузиб, беинтиҳом фантазияларни гавдалантириш истаги маъжозий-силсилавий талқиндаги қўлаб асарларнинг яратилишига олиб келди. У маҳобатли рангтасвир соҳасида аввалгидек шаклий ифодага мойиллигини сақлаб қолса-да, дастгоҳли рангтасвирда ўз ҳаёлотига чексиз эрк беради. Бироқ, у ранг шакл, чизикларни жилолантирар экан, ҳар сафар рангтасвирнинг янги имкониятларини ишга солиб, ўзини ҳеч такрорламайди.

Шундай қилиб, 1990 йиллар бошида бир қатор туркум ишлар пайдо бўлди ва уларда декоративлик бошчилик қилар эди. “Борлик сирлари” (1991), “Муҳаббат боғи” (1992), “Коинот устунлари. Бухоро” (1991), “Темур минораси” (1996) асарлари бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу асарларда чуқур фалсафий ечим ёрқин декоратив ва аппликация композиция тамойиллари билан уйғунлашган.

Б.Жалолов баъзи бир композицияларида юмшоқ чизгиларни афзал қўриб (“Меърож” (1996), “Шоир ва илҳом париси” (1996)) уларда ислом санъати эстетикасини тарғиб этса, бошқаларида эса ўткир ва аниқ шакл ҳамда чизгиларни тасвирлаш билан мудрок туйғуларни уйғотишга ҳаракат қилади (“Ой нури” (1995), “Қушонлар хотирасига” (1998)).

Мусаввир гўё бўёқлар ёрқинлиги ва ранг-барангликдан тин олгандек, сокин кайфиятдаги композициялар яратади ва уларда асосий урғуни полотнонинг фактураси ва дур-ранг жилоларга беради (“Чор-минор” 1996 й. “Туш пайти. Бухоро. 1996).

1999 йилда Бадий Академиянинг Марказий кўرғазмалар залида Б.Жалоловнинг шахсий кўрғазмаси бўлиб ўтди. Ушбу кўрғазма мусаввирнинг ёрқин ва тўкин иқтидори намоён бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Аввалига совуқ манзаралар ва мулоҳазали натюрмортлар муаллифи, 1980 йиллар ўрталарига келиб эса, “Инсон тафаккури” ва “Мен инсонман” сингари оддий, шунингдек, тасвирни олийжаноб, юксак кайфият ва хитоб билан ифода этувчи рассом Ж.Умарбеков, яна ўн йиллар ўтгач томошабинга қувноқ ва ҳатто нимаси биландир ғайри табиий асар (“Таомил”, “Қуча чарҳчиси”, “Лўли”) ларни намоён этиши унинг ижодига бўлган қизиқишни янада жонлантирди.

1980 йиллар ўрталари — 1990 йиллар бошлари санъати кишилар онгида ҳаёлий май-

ший ижтимоий ғоя тарқатувчи позитивизм эстетикасининг инкирозга учраганлиги ўз аксини топа бошлади. Лекин Ж.Умарбеков рангтасвири баҳолашга ошиқмади, балки ўз мулоҳаза ва ҳиссиётлари билан унга содиқ қолиб, ўзининг ички кечинмаларини ҳеч қандай ҳовлиқишсиз изҳор эта олди. Бу эса ўзининг фоживий оҳанги билан П. Пикассонинг машҳур “Герника”сига жуда яқин бўлган “Зилзила” номли композициясида ёрқин намён этилган.

Ўзининг колорити билан оҳантрабо қўшиқ сингари жаранглаб турувчи “Хаворанг мусичкачилар” картинаси гўё узок вақт қутилган тонгдан дарак бераётгандек тасаввур уйғотади. Бу асар маълум даражада унинг 1990 йиллар бошларида вужудга келган туркум картиналарининг мантиқан эйд томонларини тўшунтиришга хизмат қилади.

Миллий хусусиятга эга бўлган палитранинг барча кудрати ва бой томонини кўрсатишга бўлган интилиш Ж.Умарбековни тор доирадаги миллий услубий “чегара”дан чиқиб кетишга ундайди (ушбу чегарада – ёрқин безакдор ранглар, маиший атрибутлар, шунингдек, ҳаётга ижобий муносабат бир-бирдан аралашиб, фикран боғланади). Рухий кайфиятнинг рангин жилоси ва ўзбекона миллий хусусиятлар шубҳасиз кенг ва бойдир. Ж. Умарбеков буни ҳис қилади, унинг ишларида кайфиятнинг кенг гаммаси, оҳанг, жўшқин қиёфали нозик ранглар, халқнинг ўзига хос миллий фазилатлари иштирок этади. 90-йиллар бошларида яратилган янги масрур оҳангдаги асарлар юқоридаги фикрларни тўла тасдиқлайди, яъни ўз-ўзини англаш ва уни ижодда эркин кўрсатиш мантиқан Ўзбекистон давлати мустикалиги жараёни билан боғланади.

С.Алибеков ўз картиналарида образлар дунёсида яхлитлик ва уйғунликни маҳорат билан сақлаб, очикдан-очик ахлоқ ўргатишдан ва бадий публицистикадан қочса ҳам, унинг рангтасвир асарлари эстетикасида образлиқ, пластика, бадий пойдевор етакчи хусусиятдир. Айни пайтда С. Алибеков ўз асарларида гўё воқелиқдек тез ўзгарадиган, ўтмишдек мустахкам нарса йўқ демокчи бўлади. Ана шу маънода унинг асарларида хотиравийлик унсурлари яққол намён бўлади. Аммо, учлик – Тарих, Дин, Маданият унинг ваъз-хонлик йўли билан ўзгартиришга қаратилган интилиш мавжудким, бунда насиҳатгўйлик аломатлари мавжуд. С. Алибеков ишлари на-

фис рангларга бойлиги ва жозибадорлиги, образларнинг кўтаринки руҳдалиги, ажойиб колорити билан фарқланиб туради. Унинг композицияларидаги тарихий унсурлар, афсонавий ва маъжозий персонажлар ҳамда оҳанглар алоҳида бир ҳаёлот оламини ташкил этадики, уни ўзига хос сеҳрли дoston дейиш мумкин. Воқеалар тасвирида том маънода фикрлар муносабатда реаллик, ўйлаб топилган сахналар замирида ички маъно, изчил теранлик мавжуд бўлиб, ҳикоя баёни дунда, маъжозий ва ҳикматли фикрларга уйғунлашиб кетади. Рассомнинг сўнгги йилларда яратган туркум асарларида инсон ҳис-туйғулари ва қалб изтироблари ажойиб ҳаёлий афсонавий талкинда ифода этилган. Ҳар бир композицион асар – катта спектаклнинг бир парчаси – яхлит бадий воқеликнинг негизи мазмунини ифода этувчи жозига эга. Маънавий поклаиш – рассом асарларининг бош воқеасидир.

С.Алибековнинг ахлоқий-фалсафий муаммоларга бағишланган асарлари билан бир қаторда, гайри оддий, шоирона, чуқур мушоҳадаларга ундовчи ишлари ҳам борки, уларда рассомнинг нафис ҳаёлий олами ва адабий истеъдоди йўғрилган бўлиб, бу унинг ўзини (яъни рассом шахсини) тўла намён этади. “Пиёнгул гуллаган лаҳза” (1995), “Ғаройиб шарбат ҳиди” (1996), “Сузаётган фламинго учун ҳарорат” (1996) ва “Мувозанат боғи” (1997) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Сергей Алибеков ижодини белгилловчи муҳим омил – эстетик, бадий – нафис асослардир. Унинг картиналарида маълум бир чегарада ахлоқий фикрлар мавжуд, аммо рассом ижодида бош йўналиш – шоирона фикрлаш, ижодий фикрнинг эркин парвозидир. Уларда кўпроқ илиқ-совуқ ранглар ўйинига урғу берилиб, макон ва ривожланишдаги ечимлар: ҳаракатни, суръатни ёки аксинча, тўхтаб қолган вақтни (йиқилаётган таёқча, аскар ҳолати, капалаклар парвози, қадимги тритон юқори қисми одам, ярми балиқ думи шаклидаги денгиз худоси, тошга айланган никоб ва бошқалар) ҳис қилиш хусусиятлари устунлик қилади.

90-йилларда рангтасвир санъатига кўпгина графикачи рассомлар ҳам мурожаат қилдилар. Қатор туркум рангтасвир полотноларини яратган таниқли графикачи Леким Ибрагимовнинг ижодини шу йўналишга мисол тарикасида кўрсатиш мумкин. Унинг рангтас-

вирина таниш мушкул эмас, ўзи учун янги ижодий йўналишда у ўз услубига содик қолади: ишланмаган матода, шиддаткор чизгиларда кўхна Турфон деворий суратларидан илҳомланиб, енгил ва нафис шаклларни яратади. Л.Ибрагимов рангтасвирида аёллар образи етакчи ўрин эгаллаган бўлиб, Буюк уйгур маликаси (“Малика”, 1997), табиат кўйида ором олаётган ёки саҳрода ракс тушаётган қизлар (“Соҳилда” 1989, “Саҳродаги ракс”, 1998), қадимги Хўтон аёллари (“Хўтон аёли”, 1995), рангдор хонатлас кийган раққосалар (“Атлас қушлар”, 2000) бунга мисол бўлади. Гоҳида унинг қаҳрамонлари Шарқнинг қадимий анъаналарига хос аёллар илоҳийлашуви даражасига кўтарилади. “Амударё” (2000) асарининг композициясида жаннатмакон Осиё заминини тажассум этган дарё образи аёл кийёфасида ифодаланган. Барча мавжудот ва махлуқот унинг теварагида мужассамдир.

Сокин ранглар мажмуи, доимий ранглар нафосати, чизгиларга хос шартлилик, аён воқеликдан нусха кўчирмаса-да, мусаввирнинг индивидуал дунёқарабини ўзига хос бетакрор композицияларда тажассум этиш – нафақат мусаввирлик, балки шоирона истеъдод соҳиби бўлган Леким Ибрагимов асарларининг белгилловчи хусусиятидир.

90-йиллар мусаввир Акмал Нур ижодида муҳим давр бўлиб, унда рассом ижодида пластик мукамаллик ва ғоявий янгиланишлар кузатилади. Унинг фалсафий мушоҳадалари бир мунча ўзгаришларга учраб, яъни нигилизм ва чорасизлик кайфиятидан, шунингдек бефарқликдан кечган ҳолда, оламни идрок этишда ҳаётбахшлик тамойиллари сезилади. 90-йилларнинг бошидаги эврилишлар бирмунча ёрқин ва асосли кечди. Аввалги бўғиқ ранглар оҳангидан ва ифоданинг тор қобидан воз кечди. Рассомнинг янги умидбахш ижодий кайфияти ясси талкинлилиқ ва безакдорлик, ранглар жилоси ва ёрқинликда намоён бўлади. Шу билан биргаликда пластикага бўлган қизиқиш матода ўзгаришеиз қолади – услубга кўра безакдор бўлган асарлар полотноларда силлиқ-ҳажмли ва зич-фактурали ифода этилади.

Умуман олганда мусаввир ижодида муҳаббат мавзуси ва унинг умуминсоний аҳамияти етакчилиқ қилади. “Севги олмаси”, “Муҳаббат боғи”, “Муҳаббат дарёси” (1995), “Муҳаббат ороли” (1998) асарлари жозибали номланган. Мазкур асарларда мусаввир турли

рамзий-маъжозий тимсоллар, яъни ой, ҳўкиз шоҳи, балиқ, қайиқ кабиларни қўллайди. Бироқ, ушбу картиналарда асосий маъно ва умумий пластик йўсинни олма мавзуси эгаллайди. Баъзан эса олма бўлинган ҳолда, унинг фонида эса севишганлар, баъзан эса олмалар ҳавода муаллақ ҳолатда тасвирланган. Мавзунинг ботиний мазмуни аста-секин иккинчи планда берилиб, олма тасвири муваффақиятли жойлаштирилиб, услубни маҳорат билан алмаштириб туради. Бу даврда яратилган асарларнинг босқичлари сезиларли даражада бўлиб, мусаввирнинг 1998-йилда яратилган “Муҳаббат ороли” полотноси, 1995 йилдаги асарларидан томошабинга енгил кайфият бахш этиши ва композицион ечимнинг нафислиги билан ажралиб туради.

Рассомнинг бу туркумдаги картиналари безакдорлик услубининг нозиклиги билан 1998 йилда бажарилган “Илҳом париси”, “Риштон натюрморти”, “Даҳлдорлик”, “Доира чалаётган қиз” асарларига жуда яқин туради. Шундай қилиб, мазкур асарлар рангтасвир вазифаларини расмийлаштиришга уриниш, янада муайян ва мавҳумроқ пластик формулаларнинг изланиши билан А.Нур ижодидаги янги йўналишни аниқлайди.

Аслиддин Исаев 80-йилларда ўз ижодини намоён этган ўзбек рассомлари авлодига мансубдир. Бу рассомлар билан бирга ишлашни давом эттираётган “Самарқанд рассомлик мактаби” нинг кекса авлоди вакиллари З.М.Ковалевская, Р.М.Темуров, М.И.Калонтаров, А.Розиқов ва бошқа устозлар даври эди.

Табиатан романтик, қалбан лирик бўлган Аслиддин ўзининг илк ишларидаёқ ўртамиёналикдан узок, ижодда муайян мақсадни кўзлаган ва санъатда ҳеч қимниқига ўхшамасган “ўз” йўлини топган рассом эканлигини кўрсатди. 90-йиллар рассом ижодидаги мураккаб ва зиддиятли даврлардан бири бўлиб, ижодкор онгида бир талай бадий ва маданий бойликларни қайтадан англаб олиш кўзга ташланади. Рассомнинг умумий дунёқарашидагина эмас, балки бадий ифода этиш йўсинида ҳам ўзгаришлар юз берди. Энди унинг чизган суратларидаги рангли мўйқалам излари худди полотнога ётқизилган қадама нақшни эслатади. Рассом гоҳо тарқоқ услубни маъин бадий тасвир усули билан қўшиб, эски ва янги услуб тажассумини вужудга келтиргандай бўлади. “Бибиҳоним” (1992) ана шундай чизилган. Ушбу полотнонинг бадий

замирида қандайдир сирли ва ҳаёлий оҳанг бор.

Мазкур асар ва шу сирага кирадиган “Доҳил бўлиш”, “Йўлда”, “Шам” каби асарлар сир-асрорга чулганган бўлиб, ўзида кўп маънолик, режадорлик сирини мужассамлаштиргандир.

Истеъдодли рассом Жамол Усмонов полотноларидаги хотиржамлик ва мамнуният кишида самовий кайфият уйғотади. Унинг нигоҳларида яралган оламда кескин ҳаракатлар содир этилмайди, аксинча қиёфалар чуқур ҳаёл, орзу-умидлар ҳамда оромбахш ақл-идрокка йўғрилгандир. Марварид мисол товланган кулранг, хаворанг, тилларанг-яшилтоб рангларнинг латофатли уйғунлашуви ҳамда нафис чизгилар мусаввир композицияларига эътиборни жалб этувчи безакдорлик бахш этади.

Ўрта асрлар мусулмон санъатидаги ўзига хос нафосатли хилқатлари, айниқса, сўфиёна рамзий – илохий шеъриятда ўзини тўла намоён этади, фақат улар истиора ва аллегория билан тўйинтирилган. Ж. Усмонов асарлари билан сўфийлар шеърияти ўртасидаги боғлиқлик шубҳасиздир. Ўзининг ранг тасвирли композицияларида рассом сўфий шеърияти диққат марказида мавзу ва ғояларни жуда нафис ва енгил таассуротлар ёрдамида акс эттиришга ҳаракат қилади, бу эса унинг асарларига улуғвор оҳанг бахш этади.

Ж. Усмоновнинг “Қушлар” (“Ёлғизлик водийси”, 1992; “Севишганлар”, 1992; “Англаш”, 1993; “Мушоҳада”, 1994) деб номланган туркум асарлари ўзгача шеърий оҳанг таратади. Мусулмон маданиятида Қуш – “қалб” тимсоли, сўфий руҳини қалбнинг доимий мангуликка кетиш олдидан ўз асли билан қайта бирлашишга интилиши. Сўфий тилининг қуш тили “забони мурғон” деб анъанавий номланиши тасодифий эмас. Ўрта асрлар миниатюра манзараларини ифода этиш анъаналарини давом эттириб Ж. Усмонов табиат ва унинг бир бутунлигини, чексизлик ва ўзгарувчанликни яхлит мукаммал уйғунлик сингари талқин этади (“Кузги зикр”, 1994. Учлик, “Баҳорги шиддат”, 1996; “Уйғониш”, 1997.).

Рассом учун сўфиёна рамзийлик ва тасвирдаги нафис кўринишларни мумтоз шарқ шеърияти билан боғлаш муҳим эканлиги сўзсиз тушунарли. Унинг композициялари орасида енгил кайфиятда ишланган асарлари ҳам йўқ эмас, уларда ранглар нафислиги, шакл уйғунлиги, жозоба ва тасвирдаги ҳаракат етак-

чи аҳамият касб этади. Булар орасига “Марварид овловчи” (1998); “Буқаламун” (1998); “Балиқ парвози” (1998) кабилар киради.

Ж. Усмонов асарлари – яширин ва моддий дунё орасидаги уйғунликка эга эканлиги билан – Шарқнинг ўзига хос мумтоз санъатининг ёрқин намунаси сифатида қабул қилинади. Мусаввир ўз ижоди билан асрлар давомида юзага келган мавҳум фикрлар, гўзалликни зийраклик билан идрок этиш каби унутилган сўфиёна кўриниш ва мавзуларга янгитдан қизиқиш уйғотмоқда.

Темур Аҳмедов 80–90-йиллар рассомлар авлодидаги мансуб. Унинг рангтасвирида шаклий ижод нафислиги, ранглардаги мужассамликнинг нозик безакдорлиги, истеҳзо ва туйғу самимийлиги, енгил кулги мавжуд. Буларнинг барчаси биргаликда унинг рангтасвирдаги ўзига хос услубини белгилайди.

1997 йил Тошкентда халқаро “Осиё-Арт” кўргазмасида рассомнинг “Гран-при” билан тақдирланиши унинг меҳнатига берилган муносиб баҳо бўлди. Хайъат аъзолари томонидан “юксак рассомлик маҳорати учун” сўзлар ёнига унинг ишларида “ноёб лиризм ва самимият” борлигини тасдиқловчи сўзлар қайд этилган.

Т. Каримов ишларидан пайдо бўладиган илк таассурот – уларнинг кўзга ташланадиган турли услубдалиги, хайратга солувчи ҳар нарсани ҳазм қилишидир. Реалистик услубдаги ишлар билан бирга экспрессионистик асарлар ёнма-ён бўлиб, кишида ақл ва туйғуларнинг зўриккан қарама-қаршилигини, чизгилар ва рангли доғлар бўртишини, композициянинг қўламли моделлашуви ва ясси безак талқинини, шойрона ташбеҳларни ҳосил қилади, айни пайтда рассом фақат рангтасвир масалалар ечимини ҳал қилган полотнолар билан бир қаторда туради.

Қалам чизгининг бежиримлиги ва дунда, зид рангларнинг баралла жаранглаши унинг бир неча асарларига хос. Балки бу туркумдаги асарлар марказида латифлик рамзи сифатида отларнинг тасвир этилиши тасодиф эмасдир (“Зарғалдоқ тусда” 1999). Отларнинг кизил, қўқ, яшил шарпалари зид рангдаги фонда чизикларнинг бежиримлигини, рангларнинг ўткир тўйинганлигини илғашга имкон беради. Мавҳумлаштирилган ранг ва мухит етакчи майин чизиклар уйғунлигида шойрона кайфият ҳосил қилади. Рассомнинг ишлари ўзининг тозаллиги, борлиги билан мафтун этади. Гуё бир қарашда ҳеч қандай фикр синг-

дирилмагандай туюлган сюжетлар – отни кучоклаб турган бола, қўлида олма ушлаган кизча – ҳаётнинг ҳақиқий қадриятлари ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди.

Т.Каримовнинг ишларидаги турли хил йўналишдаги услубий ечимлар санъатда, ўз ўзини англашда ўзига хос изланишлар давом этаётганлигидан далолат бериб, бу илк ижод даврига хосдир.

Аёл, муҳаббат, оила – Нодир Шоабдурахимов картиналарининг асосини ташкил этади. У қалбан шоир, шу боисдан ҳам асарлари ва шарқона лириканинг анъанавий мавзулари ўртасидаги жуфтликда ташбеҳлару қочиримлар мавжуд. Нодирнинг полотноларида аёлларнинг вужудини ифода этувчи нафис, мулойим чизиклар, шарқона куйнинг сокин оҳангини такрорлаётгандек товланиш, сокинлик ва ижодкорлик – унинг рангтасвир асарларининг асосий хислатларини ташкил этади, худди мана шулар асарларининг шарқона дунёсини белгилаб беради.

90-йиллар бошида худди бошқа ёш rassomлар қатори Н. Шоабдурахимов олдида ҳам рангтасвирда йўл танлаш муаммоси кўндаланг бўлди. У шахсий ижодий услубининг асоси сифатида халқ амалий санъатида оммавий бўлган “қуроқ” техникасини танлади, бу услуб шубҳасиз ҳеч йўқотишларга йўл бермайдди. Халқ санъатининг мумтоз мероси бўлган бу ижод турли рангтасвирда шакл изланиш-

ларига мос тарзда ажойиб мутаносиблик бахшида этади. Қуроқ кўпгина замонавий rassomларни илҳомлантирган, ундан турли хил даражада муваффақият билан фойдаланишди. Бир қараганда осон туюладиган бу услуб алоҳида ранг уйғунлигини ва композиция тузиш маҳоратини талаб этади. Бу rassom учун самарали бўлди, рангни у савки табиийлик билан ҳис қилади. Айни пайтда бу хали мўлжал асоси, унинг учун асарларда сюжет, безак пойдевори муҳим. Натижада шаклли рангтасвир ва қуроқ услубида қайта ишланган колорит вобаста қилинади.

Н.Шоабдурахимов рангтасвир муҳитини, унда жойлаштирилган фигураларни рангли мозаикага ўхшатади, бунда ранглар ўзаро зид ҳолда ёхуд ягона тусга бўйсундирилади (“Одам Ато олган олма”, 1992; “Икар”, 1997; “Ёлғиз”, 1997; “Ракс”, “Минотавр туши”, 1998). Ҳар бир композиция худди декоратив панно сифатида қабул қилинади, ундаги сюжет кўпроқ иккинчи даражага тушиб қолади.

Б.Исмоиловнинг “Анор суви” (1998) номи асарида кўнғироқ устаси ўзига ўхшаган ниқоб ясовчи ўз қаҳрамонлари орасида сингиб кетмоқда. Унинг “Одам-қушлар” деган картинаси эса ҳаётнинг мангу байрами ҳақида сўйлаб, тушларимизда оралаб юрадиган дайди масхарабозлар ва созандалар, одамлар, ҳайвонлар, мевалар, олти қанотли қушлар афсонавий бир дунёни акс эттиради. Тушларнинг ранго-ранг хазинаси бизга янгидан-янги гаройиб-ажойиб нақшларни тақдим этаверади. Б.Исмоилов ишларидаги бу театр унсурлари тасодиф эмас, чунки яқиндагина К.Бехзод номидаги миллий rassomлик ва дизайн институтининг сахна беағи бўлимини битирган, у дунёни даврлар, тақдирлар ва ҳис-туйғулар алмашиб, интихосиз ҳаракат пайдо қилувчи улкан сахна тимсолида кўринади.

Юқоридаги таҳлилимиз шуни кўрсатадики, 1990 йилларга келиб, кўпгина rassomларнинг дунёқарашлари ўзгарди, рангтасвирда янги бадиий шакл ва ғоялар пайдо бўлди. Кўк отларни (Т.Каримов), сариқ товусларни (Ғ.Қодиров) ёки ўрқачларида ўсган буталарда кизил олмаларни кўтарган туяларни (Ф.Ахмадалиев) қора, ярим оқ ой остида тинч туришини қутилмаган, зид рангларда қачон кўриш мумкин эди. Ҳа, бу киноя қочирим, ифоданинг янгича тили, у маҳаллий муҳитга тушинарли бўлса-да, ранго-ранг шакл услубларига мафтун бўлган хорижликлар учун ҳам



Ғ.Қодиров. «Гурганж». 1998.

кизиқарли эди. Бу гуруҳнинг бошқа рассомларида эса реалликка баҳо, тавсиф бериш деярли истисно дейиш мумкин. Биз уларнинг асарларида ҳолис, бефарқ, локайд дунёнигина кўрамиз. Гузал манзара етарли бўлса-да, қушлар ҳеч нима ҳақида қуйлашмайди (Ж.Усмонов). Севишганлар баҳслашмайди, рашк қилишмайди, фақат ўзларининг ширин ўй-хаёлларига ғарқ ҳолатда (Ш.Ҳақимов, Л.Ибрагимов) гавдаланишади. Сюжетларнинг ранг-баранглиги асарлардаги декоратив йўналишларга зид келмайди, уларни мураккаблаштирамайди (Ж.Умарбеков). Ва ҳаттоки, фаол тимсоллар (қизил ва оқ атиргуллар фожеавий қора ёки қўқ либослар фонида, зид ранглар муносабатида) бу гуруҳ рассомлари асарларидаги ички хотиржамлик ва роҳат-фароғатни бузмайди (Ғ.Қодиоров). Ана шундай гуруҳ вакилларида бири – А.Нурнинг 1997–98 йилларда ишланган “Эврилиш”, “Хумсон мунчоқлари”, “Хумсоннинг кумуш тонги”, “Куз бўйлаб чапётган” асарлари хотирага Врубелъ, баъзан сон-саноксиз турли катталиқдаги шаклий унсурларни ўз ичига қамраб олувчи манба каби мавжуд реал дунёни ички тизимлар орқали берувчи Фолоновнинг ижодий изланишларини эсга солади. Худди тошчалардек қилиб ишланган рангларда зооморф унсурлари – ҳайвонлар, қушлар тасвирини кўриш мумкин, бу худди В.Охуновдаги пантеистик усулни эслатади, аммо, А.Нур ахлокий-фалсафий ҳулосаларга интилмайди. Унинг туркум картиналарида ойдинлик, шарқона нафислик, кўркемлик уфуриб туради (“Ок шеър”, “Малика”, “Оханг”), шахсий фалсафа, панд-насихат кўринмайди.

Ушбу гуруҳ рассомларидаги умумий хусусият – картиналарида панд-насихат, ҳатто, яширин тарзда бўлсада, унга ишора сезилмайди. 1990 йилларга келиб, рассомлар ўзлари дилдан севган мавзулар, шахсий фикрлаш, пластикага мурожаат этишлари учун фурсат туғилгани натижасида яратган асарлари социализм давридаги яратилган картиналардаги панд-насихат, ички мафкуравий тазйикка нисбатан жавобдир. “No comment” – “Шарҳсиз” – улар воқеликка бўлган шахсий муносабатларини, реал дунёга қарашларини мана шундай тарзда ифодаलाшади. Ҳар қалай, уларнинг сўнгги ишларида мана шундай муносабат бор. Ўй-мушоҳада, ички фикр-ўйчанлик ва ўй-хаёлларга сингиб кетиш, реал ва кундалик ҳаётга ижтимоий баҳо беришдек аввалги

хусусиятлар билан алмап қилишда ўзига хос тасвирчилар ижодидаги забинлар кўзи ўнги-хусусиятдир. Умумий фалсафий сиймолари, Ўзбекистонда бўлиш, реалликка баҳо бериш шох асарлар, таъқиқлаш уларнинг пластик ва хос босқичлабетақорор шаклга эга бўлишига мавдаланади. и Давлат муйди.

Соцреализм давридаги мафкуравий жихатиратнинг Ўзбекистон мустақиллигини ам рассом ритгандан сўнг бекор қилиниши раъ бу асарда янги жараёнларнинг пайдо бўлишига дарақелди. Шахсий услубнинг, бошқача паллаБельифода тили, алоҳида ташбеҳли усулларлар тимсоллар доирасида изланишлар дунёга келди. Бунинг устига аввалги санъат фалсафасидан фарқли ўларок, турли ёшдаги рассомлар ижодида бир-бирига ўхшамаган услублар яратишга интилиш иштиёқи сезилди. Ўзига хос пластик ва маъноли қочиримлар, шаклларда қутилмаган, қолипга тушмаган ечимлар аввалги жамоавий дидактик усуллар мавқеини туширган ҳолда мушоҳада қилишнинг поэтик кадр-қимматини оширади, дунёни ўзига хос кўра билиш имконини беради. Бунинг устига, янги рангтасвирдаги фалсафий-ижодий муносабатда дидактик оҳанглар истисно қилинмайди, аммо, улар анъанавий панд-насихатдан кўра, кўпроқ фаол мушоҳада қилишни ёдга солади.

* * *

Рангтасвирдаги реалистик йўналиш замонавий бадиий жараёнда ўз моҳиятини сақлаб турибди. Бу услубда йирик рангтасвир услулари билан бир қаторда ёш истеъдодли рассомлар ҳам тарихий ва портрет, манзара ва натюрморт каби жанрларда муваффақиятли ижод қилиб келмоқда. Мустақиллик шарофати билан рангтасвирдаги бадиий-услубий манзара янги хусусиятларга эга бўлди ва бойиди.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг миллий санъати жаҳон, Европа ва собиқ совет ҳудудидаги республикалар санъати орасида маҳаллий ҳам, ўта новатор ёки авангард ҳам бўлмаган ҳолда намоён бўлади. 90-йиллар рангтасвирчилари бадиий йўналишда тунтариш ясайдиган ҳаракатларга киришмадилар, уларнинг киритган янгиликлари “сокин инкилоб” тусини касб этди.

XX аср охири рангтасвирида ижтимоий-шартли ва умуман, ижтимоий баҳолаш тамойиллари ўз аҳамиятини йўқотди ва аслида йўққа чиқди. Ўзбекистонда 90-йилларда ус-

лубий жиҳатдан ўзига хос рассомлар гуруҳи шаклланди, уларнинг ижодига қизиқиш томошабинлар ва мутахассислар томонидан сусяётгани йўқ. Рассомлар ижодида жиддий эврилишлар содир бўлмоқда. Янги пластик йўғрилишларда жо қилинган ҳаёлий эртагу дostonлар, халқ оғзаки ижоди ва маталлардаги тимсоллар, сюжетлар, турли хил расм-русм ва маросимлар билан боғлиқ белгилар ҳамда рамзлар улар рангтасвирининг янги босқичини белгилаб беради.

90-йилларда санъатга янги кучлар кириб келди. Бу Б.Исмоилов, Т.Каримов, Б.Муҳаммедов, Н.Шоабдурахимов, Т.Ахмедов, Д.Содиқова, З.Шариповалардир. Улар ижоди за-

монавий тасвирий санъатни бойитиш билан бирга кўп жиҳатдан ХХІ аср истикболида унинг ўзига хос хусусиятини белгилаб берди.

Ўзбекистон рассомлари бугунги кунда тарихий хотираларни тиклаш, ўз бадиий меросини қайта мушоҳада қилиш билан бирга жаҳон бадиий маданиятининг энг сўнгги ютуқларини ўзлаштирмоқдалар. Ўзбекистон рангтасвирчилари замонавий жаҳон бадиий жараёнида муносиб ўринни эгаллашга ҳаракат қилиб, кўпгина халқаро анжуманлар, кўргазмалар, салонларда иштирок этмоқдалар, Европа, АҚШ, Осиё мамлакатларининг етакчи галерейларида ўз асарларини намойиш этмоқдалар.

МАҲОБАТЛИ РАНГТАСВИР

1990 йилларгача бўлган маҳобатли рангтасвир “Маҳобатли тарғибот режаси”, деб номланувчи мафкура ҳукмронлиги асосида шаклланди. Айнан шу, яъни тасвирий санъатнинг бирмунча сиёсийлаштирилган қобиғида ишлаш ҳаммадан кўра рассомлар учун қийин кечди. Улар услуби бир тахлитда бўлиб, плакат тилида баён қилишга ундовчи тошпирилган мавзу асосида асар яратишга мажбур эди. Лекин, бу даврда рассомларнинг ички дунёсини намоён этувчи ҳақиқий ва бадиий ёрқин асарлар яратилди. Улар орасида, сўзсиз Ч.Ахмаров, Б.Жалолов ва бошқа рассомлар томонидан яратилган маҳобатли рангтасвир асарлари мавжуд.

1980 йиллар охирларида маҳобатли рангтасвир ривожига баъзи бир сустликлар қайд қилинса-да, республикамиз умумиктисодий аҳволининг яхшиланиши, юқоридан буюртмаларнинг бўлмаслиги унинг аста-секин, ишонч билан одимлашига олиб келди. 1990 йилларга келиб эса маҳобатли рангтавир санъати ривожини асосий мезонларда ижодий эркинликни, мавзу, ҳолат ва услубий усулларнинг эркин танланишини, энг муҳими эса бадиий меросимизнинг бой анъаналарига мурожаат қилинишини намоийш этувчи янги саҳифа очилди.

Маълумки, маҳобатли санъат ўз шамойилига кўра меъморчиликдан холи тарзда мавжуд эмас. 1990 йилларда янги маъмурий-иж-

тимоий иншоотлар, кўҳна биноларни қайта таъмирлаш, ҳамда янги шаҳар ансамбллари-ни барпо этиш ишларининг жадаллашиб кетиши билан маҳобатли рангтасвирчилар ижод воситаларининг янги имкониятларини кидириб топишга бўлган ёндошувлари сезиларли даражада фаоллашди.

Замонавий шаҳарсозлик амалиёти икки йўналишда, яъни шарқ меъморчилигининг анъанавий қонунларига бўйсунган ҳамда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти сафларига собитқадамлик билан интилаётганлигини акс эттирган, жаҳон меъморчилиги янги ютуқларини намоийш этган тарзда шаклланди. Замонавий биноларнинг конструктив тузилишидаги ўзига хос жиҳатлари, яъни иншоотлар олд қисмларида қалин ойналарнинг кўп ишлатилиши, шунингдек, йирик яхлит ҳажмлиликнинг нисбатан кўпайиб кетиши маҳобатли рангтасвир асарлари камдан-кам ҳолларда меъморчиликда қўлланилишига қарамасдан, маҳобатли рангтасвир усталари шаҳар эстетик қиёфасини шакллантиришда фаол иштирок этмоқдалар. Шунингдек, маҳобатли безак санъати — кичик маконда интерьерни эстетик безатиш ишларида дастгоҳли рангтасвир асарлари ва амалий санъат буюмларидан фойдаланиш билан — ўзида янги элементларни ҳам мужассам этди. Маҳобатли-безак санъати устида олиб борилган тадқиқот ишлари шуни тасдиқлайдики, Ўзбекистонда

ҳозирда ҳам унинг қўлига турлари сақланиб қолган. Бу вақтга келиб, шунингдек, витраж санъати асарлари, шиша, сопол ва кандакорлик буюмларида ишланган бўртмаларда маконий композициялар яратиш, қошинли намёнлар ва безакли пластика санъати шаклланди. Санъатнинг барча турлари бу даврда кенг қўламда ривожланишига қарамай, маҳобатли рангтасвирда бадий жараён бирмунча қизиқарли ва серҳаракатлик билан кечди.

А Бу даврда маҳобатли рангтасвир соҳасидаги бирмунча ёрқин ишлар рассом Б. Жалолов томонидан яратилди. Ўн йил мобайнида у алоҳида аҳамият касб этувчи бир қатор туркум деворий суратлар яратди. Рассом 1993 йил Тошкентдаги “Туркистон” концерт саройининг ички интеръерида Шарқ лирикаси мавзусида ишланган “Умар Хайём туши” асарида у композициянинг ажойиб панноларида ва ранглар ечимига эришган. Ушбу асар сингари, бошқа бир қатор деворий суратлар, яъни Ўзбекистон Миллий банки биноси ички қисмидаги “Нимага туғилганимни ҳеч ким айтмади” (1993), Интерконтинентал меҳмонхонаси интеръеридаги “Наврўз”, “Афросиёб”, “Тун маъбудаси” (1996) каби панноларида мусаввир Қўқон театридаги (1997) композициялар услубиятига мурожаат қилади, лекин уларда аввалги дабдаба ва қўпфигураллик такрорланмайди. Таркидунёчиликни ифода этувчи атрибутлар, қандайдир “сўфиёна” мухит вужудга келади, рассом ўрта аср диний мистик таълимотининг боқий дунёвий руҳини ўз мушоҳадасида акс эттиришга интила бошлайди. Маҳобатли композицияларда авваллари қўп мурожаат этилган қиёфалар, яъни тарихий арбоблар, масҳарабозлар ва сервисор раққослар ўрнини эндиликда наво қилаётган файласуф-шоирлар ва дарвишлар эгаллай бошлади. Шарқ ва ғарб эстетикасининг фавқуллодда ва бетакрор уйғунлигини кўрсатишда рассом миниатюра услубиятини мумтоз реалистик маҳобатли рангтасвирнинг бирламчи воситалари билан ўринли равишда боғлайди.

1995 йил Ўзбекистон халқлари тарихи Давлат музейи ички деворида у илк маротаба йирик ҳажмда Ўзбекистон тарихи ва ўтмиш маданияти ҳақида ретроспектив тарзда хикоя қилувчи “Абадиёт гумбази остида” номли композицион асарини яратди. Бу панно янги Ўзбекистоннинг рамзий ғоясини ифодалашда, тарихий давомийлигини, ўзининг тарихий ва ма-

даний меросини эълон қилишда ўзига хос аҳамиятга эгадир. Томошабинлар қўзи ўнгидан буюк ватандошларимиз сиймолари, Ўзбекистоннинг бадий меросидаги шоҳ асарлар, бой миллий тарихимизни ўзига хос босқичларини аниқлаб келувчи даврлар гавдаланади.

1996 йилда Темурийлар тарихи Давлат музейи интеръерида ишланган, қўлами жиҳатидан анча ихчам композициясида ҳам рассом айнан шу услубни қўллади. Рассом бу асар композициясини умумлашма, мажозий даражада ечишга ҳаракат қилган. Кортрейк (Бельгия)да ишлаган маҳобатли деворий суратлар жозибаси мусаввирни ҳеч тарқ этмайди, лекин Ўзбекистонда бундай эстетика маҳобатли композицияларда у қадар ривож топмайди.

Бу даврда яратилган қатор маҳобатли композицияларга рамзий ёзувлардан фойдаланиш ва моҳиятан аллақандай тушунарсиз ечимликка интилиш ҳосдир. Б.Жалолов ўз мамлакатини, минтақанинг қадимги тарихи муаммоларини янгича англашга уринади. Маҳобатли санъатда бу нарсани унинг Самарқанд ва Бухоро меҳмонхоналари интеръери учун ишланган композицияларда ўз ифодасини топади. Бу йўналиш 1990 йилларнинг иккинчи ярмида Самарқанд меҳмонхонасидаги “Оламини акслантирувчи” деб номланган деворий бўртмада, шунингдек, Бухоронинг “Бухоро” меҳмонхонаси интеръерида ишланган “Нақшбандийга бағишлов: Бухоро коинот маркази” номли рамзий-мажозий композицияда ўзининг жўшқин-қиёфавий аксини топган.

Ў Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарларида жуда кенг тарқалган мавзулар Б.Жалолов ишларида қўтилмаган нозик матнда акс этади. Ўз фикрларини дунёни ҳис этишни миллий англаш орқали беришга интилиши унинг бош вазифасига айланиб қолди. Бу борада муаллиф шундай ёзади: Бухоро, Самарқанд маданият меросидир, уларни мен миноралар орқали эмас, қиёфа ва миллий хусусиятлар орқали моҳиятан англашга ҳаракат қиламан. Шундай қилиб Бухоро марказ, маданият чашмаси бўлганлиги боис Бухоро меҳмонхонаси деворий суратлари “Коинот маркази” Амир Темурнинг марказ шаҳри бўлмиш Самарқанддаги композицион деворий суратлар “Оламини акслантирувчи” деб номланган.

Б.Жалолов маҳобатли рангтасвир асарларини яратишда шак-шубҳасиз пешқадамдир, унинг асарларида академик мактабнинг мустахкам анъаналари, шунингдек, бой ҳаёлий та-

факкурга эга рассомнинг Фарб ва Шарк санъати эстетикасини усталик билан уйғунлаштиргани сезилади.

Унинг санъати 1990 йиллар маҳобатли рангтасвир санъатига муайян таъсир кўрсатди. Ўзбекистонда фаол иш олиб бораётган А. Аликулов, А. Агаханян, Б. Олимхонов, Ш. Бахриддиновлардан иборат маҳобатли рангтасвир гуруҳи ижодий ғояларида рассом услуби давомийлигини англаш мушкул эмас. Булар нафақат композициянинг пластик ечимида, балки деворий суратларни ишлашда рассом олдида турган вазифаларни тушиниб етишда, интерьернинг фазовий маконини композицияга мос равишда маҳорат билан уйғунлаштиришда кўзга ташланади.

Бу жамоанинг кўпчиликка маълум ишларидан бири “Алпомиш” спорт мажмуаси интерьеридagi “Шоҳона ов” ва “Тантанали сахна” асарлари шубҳасиз Б.Жалолов ижодий услуби таъсирида бажарилган (1995 йили мажмуада таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги сабабли деворий композиция сақланмаган). Композициялар персонажлари, уларнинг услубий ишланиши ранг ва пластик ечимлари Б.Жалоловнинг Кўкон театри (1987 й.) ва “Туркистон” концерт саройи интерьерларида ишланган “Умар Хайём туши” (1993 й.) деворий суратлари эстетикасига жуда яқин. А.Аликулов ва у билан ҳамкорликдаги муаллифларнинг кейинги пайтлардаги ишларида уларни ўз пластик тилларини топишга уринганликлари натижасида бирмунча бошқачароқ услубда ишланганини эътироф этиш жоиз. Рассомлар Тошкентдаги Ёш томошабинлар театри интерьерлари учун ишлаган “Жаҳон халклари эртаклари” мавзусидаги деворий суратда ёрқин ясси-безакдорлик тарзида машҳур эртаклар қахрамонлари дунёсини гавдалантиради. Рассомлар интерьернинг маълум меъморий қисмларидан шунчалар муваффақиятли ва унумли фойдаланишганки, кириш эшиклари, шунингдек, деворнинг ясси қисмлари композициянинг мазмуний ва пластик жиҳатлари билан оқилона уйғунлаштирилган. Деворий рангтасвирнинг композиция ва рангдаги ечими юксак маҳорат билан бажарилган бўлиб, интерьер дизайн ечимининг муваффақиятсиз топилгани деворий асарни тушуниб етишга ҳалакит беради.

А.Аликулов бошчилигидаги ижодий гуруҳ Тошкентдаги Олимпия шухрати музейи интерьерининг деворий сурати ечими ўзига хос,

яъни ҳаракатчан тарзда ечилган икки режалӣ композициянинг монохром силуэтидаги антик атлетларга қарама-қарши ҳолатда шарқ курашчилари, камондозлари ва чавандозлари киёфалари тасвирланган. Шунингдек бу гуруҳ рассомлари томонидан Мудофаа музейи интерьерлари учун (1990 йиллар охири) ҳам маҳобатли жангга оид рангтасвир энг яхши сифатларини акс эттирувчи асарлар яратилди.

Ёрқин безакдорлик йўсинини нозик дид билан ҳис этиш қобилияти Тошкентдаги янги хайвонот боғи бинолари деворий суратларда ҳам ўзининг тўлақонли ифодасига эришади.

А.Аликулов гуруҳининг Ўзбекистон халқлари тарихи музейи учун ишлаган охириги ишларидан бири “Халқ кўзғолонлари ва жадиличлик ҳаракати” (2000 й.) деворий суратида яқингача “ёпиқ” бўлган Ўзбекистондаги 1920—30 йиллардаги миллий озодлик ҳаракатлари мавзусига мурожаат қилинганлик билан ажралиб туради. У фуқоралик ва ватанпарварлик туйғуси жаранги билан сугорилган. Деворий сурат тили кенг қамровли ва сермаъно бўлиб, қарама-қарши рангларни уйғунлаштириш орқали ўша даврлар тарихий муҳити берилади. Бу иш мавзу ва услубий жиҳатдан рангтасвир асарига яқинлиги билан аввалги деворий суратлардан ажралиб туради.

Тошкентдаги “Туркистон” концерт саройи интерьерида Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарлари тарихий обидалари мавзусида ишланган А.Ганнинг деворий суратларини, Ю.Чернишовнинг Урганчдаги “Жайхун” меҳмонхонаси, шунингдек, О.Ҳабибуллиннинг Ўзбекистон Республикаси Халқ ижодиёти Давлат қўмитаси, миллий матбуот-маркази, байналмилал маданият маркази, ҳамда А.Икромов тумани банки биноси интерьерига ишланган деворий композицияларини бошқа тошкентлик маҳобатли рангтасвирчи-рассомлар ижодий намуналаридан алоҳида таъкидлаб ва эслаб ўтиш жоиздир.

Қадим Хоразм цивилизацияси тарихига бағишлаб ишланган маҳобатли асари ҳажман катталиги (200 кв.м.) билан кишини хайратга солади. Асар кейинги йилларда Ўзбекистонда ишланган йирик қўламдаги деворий суратлардан эътироф этилиб, Ю.Чернишов дастгоҳли рангтасвир устаси сифатида машҳур бўлишига қарамасдан, мазкур композицион асарда у ўзини моҳир маҳобатли рангтасвирчи рассом сифатида намоиш этади.



А.Аликулов. «Халқ қуғғоллари ва жадиғчилик ҳаракатлари».

Ўзбекистон халқлари тарихи Давлат музейи интеръеридаги маҳобатли рангтасвир асари. Тошкент. 2000.

О.Хабибуллин ишлари, асосан, тарихий мавзуга бағишланган бўлиб, Амир Темур даври ва Буюк Ипак йўлига оид бўлган Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси билан узвий алоқадордир. Унинг энкаустика техникасида ишланган асарлари ўзига хос тарзда Ўзбекистоннинг нақш санъати йўсинини бойитади.

1990 йиллар охирида тасвирий санъатдаги ўзига хослик рассомларнинг санъатни бир-бирига яқин жанрларига мурожаатларида яққол кўзга ташланади. Бу вақтда кўпгина рангтавирчи рассомлар ўзларини маҳобатли деворий суратларда синаб кўрдилар. Бу борада самарқандлик рассом А.Исаев ижоди эътиборга моликдир. 1990 йиллар охирида у темпера техникасида қатор деворий суратлар яратди. 1998 йилда Самарқанд Давлат чет тиллар институти интеръерига унинг томонидан “Буюк Ипак йўли” номли йирик композиция (узунлиги 43 м: марказий қисмининг бўйи 2 м.дан 8 м.гача) яратилган. Деворий

сурат деярли бинонинг бутун вестибюлини эгаллайди, унинг марказий қисми (“Меҳмонлар учрашуви”) Самарқандга бағишланадиган томонларида эса Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган Ҳиндистон, Хитой, Миср, Италия каби мамлакатларга бағишланган саноатийлик ўз ифодасини топади. Деворий сурат чекланган тарздаги оч-сарик ва ҳаворанг туслардан фойдаланиб амалга оширилган. Таъминан худди шундай ранг-пластик услуби Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институти интеръерига 1999—2000 йилларда композицияси жиҳатдан рамзий жарангловчи “Она зами саховати” (3х10) асари яратилди. Композиция уч қисмдан иборат бўлиб, композиция марказида Самарқанд устидан шитоб билан бораётган она тимсоли, чап қисмида эса эртанги кона сакраётган тулпор, ўнг қисмида эса ҳаёлар дарахти ва ҳосилдорликнинг рамзий белгиси сифатидаги аёллар фигуралари тасвирланган. 2000 йил А.Исаев Туркистон (Қозғистон) шаҳридаги Хўжа Аҳмад Яссавий меъмори



О.Хабибуллин. Байналминал маданият маркази интеръеридаги деворий сурат. Тошкент.

мажмуасидаги уч зални рамзий маънода уч давлат Қозоғистон, Ўзбекистон ва Қирғизистонга бағишлаб ишлади. Деворий сурат темпера техникасида бажарилган. Худди шу техникада Самарқанддаги Афросиёб меҳмонхонасининг ички интерьерига бир-биридан ганчли устунлар билан ажралиб турувчи бешта алоҳида деворий композициялар ҳам ушбу рассом томонидан ишланган бўлиб, ҳар бири 2х3м. ҳажмли ушбу композицияларда ўрта асрлар Самарқанд манзаралари тасвирланган. Қазилма ишлари натижасида сақланиб қолingan эски деворий суратлар бино кахвахонаси интерьерида мусаввир томонидан усталик билан уйғунлаштирилган, шунинг учун ҳам бу ўринда кўхна меъморчилик мавзуси етакчи ўрин эгаллайди. Бунда рассом учун ўрта асрлар шаҳарларининг экзотик кўриниш муҳитини бериш муҳимдир. А.Исаевнинг барча ишлари, асосан, оч-яшил, сариқ ранглар гаммасига йўғрилган ва тасвирнинг ясси тарзини ифода этиб, мусаввир алоҳида ҳоллардагина зарурий тасвир муҳитини ярата олади. Бу усулдан рассом, асосан, дастгоҳли рангтасвир асарларида фойдаланган бўлиб, катта ясси деворда ундан фойдаланиш ҳар доим ҳам муваффақиятли қабул қилинмайди. Самарқандлик маҳобатли рангтасвирчилар Э.Мухаммадиев ва Н.Султоновлар 2000—2001 йилларда А.Навоий номидаги Самарқанд Давлат Университети интерьерида ишлаган “Маънавият бўстони” номли йирик ҳажмли (192 кв.м.) деворий композиция ҳам шу услубда яратилган. Бешта алоҳида композициядан иборат бу деворий сурат қадимги даврдан то ҳозирги

кунгача бўлган Ўзбекистон маданияти тарихига бағишланади. Иш жуда маҳорат билан бажарилган бўлиб, унда рассом Б.Жалоловнинг деворий суратлари таъсири кузатилади. Композицияси ечими вертикал маромда, тўйинган ранглар гаммасига муҳим хиссий кайфиятни ҳосил қилади.

1980—90 йиллар оралиғида Шарқ миниатюраси анъаналари тасвирий санъатнинг турли кўринишларда, жумладан маҳобатли деворий суратларда фаол тарзда қайта тикланди. Бу жараённинг боши 1947 йил Тошкентдаги А.Навоий номидаги опера ва балет театри интерьерини деворий миниатюра суратлари билан безаган рассом Ч.Ахмаров ижодида кўринган эди. 1970—80 йиллар охирига келиб, “Усто” халқ усталари бирлашмасининг ижодий лабораторияси фаолияти ташаббуси билан Ч.Ахмаров раҳбарлигида ҳамда Н.Холматов ва Ш.Мухаммаджоновлар иштирокида миниатюра анъаналарини қайта тиклаш янги дан авж олди. Лекин лаборатория миниатюра рангтасвирини асосан, амалий санъат буюмларида (тош-қоғоз, чарм, носқовоқ ва қоғоз) қайта тиклашни йўлга қўйди. Бирмунча кейинроқ рангтасвир ва маҳобатли рангтасвир (Н.Холматов) асарларини миниатюра услубида яратишга уринишлар юзага кела бошлади. Биринчи маротаба 1980 йиллар охирига келиб миниатюра санъати услубида йирик маҳобатли деворий суратлар яратиш “Санойинафиса” гуруҳи томонидан муомалага киритилди. Гуруҳнинг деярли барча аъзолари — Т.Болтабоев, Х.Назирова, Ғ.Қамоллов ва С.Қорабоевлар ўз фаолиятини локли миниатюра-



А.Исаев, Х.Салоҳиддинов. «Буюк ипак йўли».
Самарқанд Давлат чет тиллар институти интерьеридаги деворий сурат. Лавҳа. 1998.

да бошлаганлар, бироқ биргина ўз устози ва раҳбарлари машҳур маҳобатли рангтасвирчи рассом Ч.Аҳмаров тажрибаларидан илҳомланиб, деворий суратларда Шарқ миниатюралари мавзуси ва услубидан фойдаланиб, уни деворга олиб чиқиш ғоясига келиб тўхтадилар. Миниатюра рангтасвири услубидан маҳобатли деворий суратларда фойдаланиш тўлиқ ўзини оқлади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларига қараганда, айнан бу услубдан Амир Темур томонидан курдирилган Самарқанд саройи деворий суратларида фойдаланилган. Гуруҳ рассомлари Ангрен шаҳрида 100 кв.м. ҳажмда “Улуғбек мактаби” деворий суратини яратдилар.

Лекин миниатюра услубида ҳақиқий ва ёрқин бадиий ғоялар билан мужассамлаштирилган биринчи маҳобатли рангтасвир асарлари 1990 йилларда яратилди. Бу катта ҳажмдаги иш 1996 йил юқорида номлари қайд этиб ўтилган “Санойи-нафиса” гуруҳи томонидан Тошкентдаги Темурийлар тарихи Давлат музейи интерьерини безатишда амалга оширилган. Интерьердаги 200 кв.м. ўлчовли Амир Темурга бағишланиб ишланган “Буюк Сохибқирон – буюк бунёдкор” учлиги (левкас, темпера, олтин) интерьернинг марказий қисмида 2000 кв.м. жойлаштирилган ва ўзида: “Туғилиш”, “Улғайиш”, “Мерос” мавзуларини бирлаштиради. Деворий сурат ранглар ва композицион-макониий ечимига кўра муваффақиятли чиққан. Тиллаҳал билан безакланган хошияли ички гүмбаз, марказий зал устунлари ва улкан биллур кандиллар билан учлик жуда нозик тарзда уйғунлашган. Деворий сурат ўзининг тантанавор жаранги билан унутилмас таассурот қолдиради. Асосий қаҳрамон, яъни Амир Темур қиёфасини акс эттиришда рассомларнинг сохта қайфият, дабдабаликдан четлашган ҳолда, шунингдек, салобатли тасвирлай олганликлари, айниқса, муҳимдир. Деворий суратда Амир Темурнинг асосий хусусияти, ҳукмдор шахсини ўзига хос жиҳатларини таъкидловчи яратувчанлик ва бунёдкорлик фаолияти сахна ва персонажлар билан мувофиқлаштирилган.

Музейнинг иккинчи қаватида Темурийлар давр ҳаётини у ёки бу жиҳатларини ёритувчи, яъни Темурнинг тахтга ўтириш маросими, ободонлаштиришга оид ва базму-жамшид сахналари, толибларнинг таълим олиши ва шунга ўхшаш мавзулар ўрта аср қўлёзмаларидан олинган миниатюралар нусхасининг катталаш-

тирилган ҳолатидан иборат жами ўнта деворий паннолар ҳам шу гуруҳ томонидан бажаририлган. Шундай қилиб, музей интерьеридаги барча маҳобатли деворий суратларда ягона бадиий услубда амалга оширилган янги эстетик борлиқни ифодаловчи миниатюра санъати замонавий тасвирий санъатнинг барча қатламларида табиий равишда кириб боради.

Темурийлар тарихи Давлат музейини ички интерьерини безатиш “Санойи-нафиса” гуруҳи учун ҳақиқий ижодий ютуғ бўлди. Миниатюра услубидан фойдаланган ҳолда катта девор сатҳида биринчи маротаба шундай маҳобатли рангтасвир асари устида иш олиб бораётган гуруҳ рассомлари ўзларининг юқори малакаларини намойиш этдилар. Қиёфалар ўлчови умумий композицияга мувофиқ тарзда олинганлиги боис улар ушбу маконий кенгликда йўқолиб кетмайдилар. Композициянинг юқори қисми шитоб билан парвоз қилаётган фаришталар (марказий қисмида), феникслар (учликнинг чап қисми) ёки оппоқ “хитой” булутчалар (учликнинг ўнг қисми) билан табиий равишда бир маромда ва енгил тарзда уйғунлаштирилган. Бу эса бутун учликка зарурий бўшлиқ ва маконни яратиб беради. Бундай йирик иш учун “Санойи нафиса” гуруҳи рассомлари Камолиддин Беҳзод номидаги Давлат мукофотига сазавор бўлдилар.

Маҳобатли рангтасвирчилар кўпинча витраж эскизларини яратишга мурожаат қилишди. Худди шунингдек, рассом Б.Жалолов витражчи рассом А. Аҳмедшин билан ижодий ҳамкорликда “Туркистон” концерт саройи, Тошкентдаги айирбошлаш маркази ва бошқа қатор жойларга витражлар ишлаганлар.

1990 йиллар А.Аҳмедшин витраж соҳасида бир мунча фаол шуғулланганлигини айтиш ўринлидир. 1991 йили у Урганч шаҳридаги “Жайхун” меҳмонхонаси интерьерини учун бинога ўринли равишда кўшимча меъморий-бадиий кўриниш бағишловчи “Флора” номли витраж ишлайди. Витраж ичкарида қандай қабул қилинса, ташқаридан ҳам худди шунингдек икки томонлама аҳамият касб этиб, рангли шишаларнинг ёрқин қарама-қарши уйғунлиги интерьерда кўтаринки қайфиятни ташкил этади. Устанинг биринчи муаллифлик иши бўлган ушбу витражда, Аҳмедшин рангдаги барча нозик жиҳатларни юқори даражада кўрсатишга интилади. Бунинг учун у шишанинг устки қисмини металл зарралари

билан қоплаб туриб, ундан кейин махсус мосламада пишириш тажрибасига таянади. Бундай усулда бўялган шиша юз йилгача ўз рангини сақлаб қолиш имкониятига эгадир. Демак, шишада рангтавир яратишда унинг барча ярим туслари иштирокидаги жилосини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди.

Охириги йилларда Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар биноси (1998 й.), Вашингтондаги Ўзбекистон элчихонаси учун “Ипак йўли” (1997 й. А.Болтабоев эскизлари асосида), шунингдек миллий мавзуларни тарғиб этувчи қатор кичик ҳажмли ва хусусий буюртмалар асосидаги витражлар А.Аҳмедшин томонидан яратилди.

1980 йил охири 1990 йиллар бошида Ш. Жамилова витраж соҳасида фаол иш олиб борди. Тошкентдаги химия ва физика полимерлаш институти (1986 й. “Хаво, Ер, Сув” учлиги, 50 кв.м), Наманган вилояти Косонсой шаҳридаги ипак тўқиш фабрикаси (1988 й., “Йил фасллари” туркуми, 100 кв.м), Тошкентдаги Беруний метро бекати, Самарканддаги темир йўл вокзали (1994 й. “Тонг, Кун, Окшом, Тун”, 150 кв.м) интерьерини унинг витраж ва қандиллари беэаб туради. Витражлар бетон боғламларда куйма шиша қўйиш техникасида бажарилган.

Маҳобатли рангтавирчи А.Бухорбоев Флоренция мозаикаси техникасида ишлайди. Ярим қимматбаҳо тошлар туридан фойдаланиш техникасини қўллаш бадий асарни меъморчилик билан мутаносиб тарзда алоқага киришишига имконият яратади. Тошкентдаги “Ле Меридиен” меҳмонхонаси даҳлизида Ҳиндистоннинг қадимги маданияти анъаналарига бағишланган уч қисмли композиция ушбу мусавир томонидан яратилган. Оқ ва жигарранг мрамартошдан ишланган Марказий қисм аниқ график чизиқлари билан интерьернинг барча нукталаридан яхши қабул қилинади. Ҳиндистон бадий ҳунармандчилигини рамзийлаштирувчи икки аёл қиёфасини тасвирлашда А. Бухорбоев лазурит, бронза, нефритдан фойдаланади.

Шу қисқа даврда маҳобатли санъатнинг бошқа турлари ҳам ўз ривожига эришди. Виктор Ган ҳам рангли ойналар билан шундай тўлақонли ва астойдил шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банкнинг вилоятлардаги филиалларидан бири, ажойиб меъморий-бадий

ансамбл намунаси Навоий шаҳри янги биносини беэашда В.Ган ва И.Егоровлар иштирок этдилар. Улар томонидан олти қандил ва биллур фаввора яратилди. Ўзида эмал билан сирланган чуқур косани намойиш этувчи фаввора интерьерни беэашда объектнинг умумий беэакли-пластик тизимига қиради. Унда металл қувурчаларга кичик ўлчовдаги биллур томчилар ёпиштирилган. Шифтда ҳам шундай, лекин ҳажмига қўра аллақачон ярим метрли қандилда йиғилган биллур томчилар шаффоф витражли деворлардан қўриниб туради. Интерьерни бадий қиёфаси қўринишини намойиш этишда ҳиссий восита бўлувчи ва унда ҳаракатни ташкил этувчи каскад ҳолатидаги бу қандиллар меъморий маконда муҳим конструктив-пластик унсур бўлиб хизмат қилади.

Осиё банки ҳозирги Қимматбаҳо тошлар ва маъданлар бўйича Қўмита залини таъмирлаш ишларида кенг фазовий композиция яратар экан, В.Ган ҳам худди шундай масалани ҳал этди. Ўз ўлчови билан аҳамиятли бўлган, биллурдан қилинган бу икки композиция интерьерда асосий ёруғлик ва композицион урғу сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Маҳобатли рангтавир асарлари шарҳи шуни қўрсатадики, 1990 йиллар санъатнинг бу тури ривожига янги имкониятлар яратди. Маҳобатли рангтавирчилар ишларидаги сезиларли фаоллик Маҳобатли санъатнинг барча турлари орасида деворий суратлар муҳим ўрин эгаллаганлиги, шунингдек, маҳобатли рангтавирчилар ишларида сезиларли фаоллик қайд этилади. Дастгоҳли-рангтавирчиларнинг маҳобатли рангтавирга мурожаатлари тасодифий эмас, бироқ улар ҳар доим ҳам ижобий натижаларга эриша олмадилар.

1991–2001 йиллардаги Ўзбекистон маҳобатли рангтавири ўз ривожига қўра янги босқични эгаллайди. Услубий лойиҳада миниатюра рангтавирининг таъсири аҳамиятли ўрин эгаллаганлиги; ватанимизнинг тарихий ва маданий ўтмиши билан боғлиқ бўлган мавзуларга мурожаат этилиши замонавий маҳобатли рангтавир санъатининг алоҳида хусусиятлари бўлиб қолди. Санъатнинг бу турининг келгусидаги ривожига маҳобатли-рангтавир усталарининг ижодий ғайрати ва замонавий босқичда талабчан ҳаракатлари кафолат бўлиб қолади.

ГРАФИКА

Графика санъатининг ривожини охириги ўн йил мобайнида бир йўсинда бормади. 1980—1990 йиллар бошида бозор иқтисодиёти шароитида хусусий буюртмачилар ёки сотиб олувчилар сони кескин камайиб кетганлиги боис дастгоҳли графикага бўлган эҳтиёж пасайиб кетди. Босма маҳсулотлар ҳажмининг пасайиб кетиши халқаро қўламда машҳур бўлган график-рассомлар М. Кагаров, Қ. Башаров, М. Содиқов, Ф. Қамбарова, Ғ. Бойматовлар ижодий йўналишларининг ўзгариши, ҳатто, уларнинг рангтаъсир билан шуғулланишларига олиб келди.

Шунга қарамадан дастгоҳли графика санъати ривожини илгариги қўламда бўлмаса-да, ҳар ҳолда давом этмоқда. Рассомлар сувбўёқ, чизматасвир, линогравюра, офорт техникасида ишладилар. Уларнинг қўлчилиги бадий

кўرғазмаларда ўз асарлари билан иштирок этдилар.

1990 йиллар охирига келиб Ўзбекистон графика санъатида сезиларли ижодий юксалишлар рўй берганлиги таъкидланади. Бадий кўрғазмалар жараёни, шунингдек, график асарларга нисбатан томошабинларнинг қизиқишлари бундан далолат беради. Санъатнинг бу тури жадал ривожланиши графиклар кўрғазмаларда тез-тез иштирок этишлари билангина эмас, уларнинг графикага бутунлай бошқача тарзда ёндашишлари билан ҳам боғлиқдир. Ундан ташқари графиканинг ўзига хос имкониятлари ҳам бу ўринда катта аҳамият касб этди, дейиш жоиз. Графика санъати ҳақидаги одатдаги тасаввурларни рад этган ҳолда бутунлай янги шакл ва бадий услублар вужудга келдики, уларда графика анъ-



Ғ.Бойматов. «Ургут». 1998.

аналаридан бутунлай четга чиқиб кетганлиги ва рангтасвир ҳамда маҳобатли рангтасвирга яқинлашганликни кузатиш мумкин. Бу жараён М. Кагаров ижодида яққол кўзга ташланади. Рассом охирги ўн йил давомида нафақат мойбўёқ техникасида, классик реалистик графикадан узоқлашиб, «монопринт» техникасида коллаж ёки аппликацияни эслатувчи («Ибодатхонага йўл», 1997 й., «Қайта тилрилган Орол», 1999 й.) композицияларини яратди. Бу мавҳум композицияларда график чизиклар эмас, балки рангтасвирга хос ёндашиш устунлик қилади.

1991–2001 йиллар давомида В. Апухтин ва П. Анненков каби республикаимизнинг таниқли рассомлари графика санъатининг турли техникаларида жуда фаол ишладилар. Ўзининг академик йўналишдаги график асарлари билан хориж мамлакатларига таниқли бўлган В. Апухтин 1980 йиллардаёқ қоғоздаги график тасвирлар моҳиятини тасвирнинг муқобил композицион ечими, образлар рамзийлиги, экспрессион шаклий воситалар орқали чуқур ҳал этган. Булар билан бир қаторда экспрессив ва рамзий хусусиятга эга бўлган абстракт (мавҳумий) ва ярим абстракт асарларни график услубда ишлашни давом эттиради («Коинот-Инсон», 1998 й., «Маънавият дарвозаси», 2000 й. Турқум композициялар).

Образларидаги реал аниқликни сақлаб қолиш билан П. Анненков ўзининг аввалги ижод услубига содиқ қолди, аммо охирги йилларга келиб, у компьютер графикаси асарларини яратиш билан машғул бўлиб қолди.

Ғ. Бойматов 1990 йилларда сувбўёқ техникасида фаол ва сермахсул ижод қилди. Ноанъанавий сувбўёқ техникасида ишланиши, зарурий аҳамиятли янги техник ечимларни қидиришга ундаши билан унинг асарлари киши диққатини жалб қилади. Рассом томонидан охирги ўн йил давомида кўргазмага қўйилган асарлар ёзиш имконларидаги Ёрқин ифодали безакдорлик ва ҳаёлий образлилик билан уйғунлаштирилган янгича услуб охирги ўн йиллик давомидаги кўргазмаларда рассом ижодини янада юксалтирди. 1990 йиллар бошида рассомнинг Бельгияга ижодий сафари натижасида унинг асарларида ғарб маданияти, ғарб минтақитети, ўткир ижтимоий муаммоларга мурожаати ўз аксини топди. 90-йиллар ўрталарига келиб мусаввир мавзулари сезиларли тарзда ўзгарганлиги: кескинлик, бўрттириш ва киноялиликдан четлашилганлиги

ва ўз анъанавий маданият қадриятларига қайта мурожаати сезилади. Бундай асарлари сирасига «Ўрта Осиёнинг қадимги тангалари» (1997 й.), «Ургутда тўй» (1996 й.), «Минг бир кеча» (1997 й.) композицион асарларини киритиш мумкин.

Таниқли ўзбек график рассоми Л. Ибрагимов узоқ вақт қадимги Турфон фрескалари таъсирида қолди. 90-йиллар график ва рангтасвир асарларида у ўзбек ва уйғур фолклорларидаги эпик ва лирик образли композициялар яратишни давом эттиради. Афсоналар, термалар, айтишувлар олами унинг тафаккури ва ижодида янада мустаҳкамроқ ўрин эгаллайди. Лирик график асарларидаги интилиши тез-тез Осиё мавзусини ифодаловчи кучли жанрдор шеърини матнлар билан уйғунлашиб кетади. Рассом ўз ижодида бирмунча катта ҳажмли ва тасвир тили лўнда бўлган образлар тимсолини яратишга интилади. Л. Ибрагимов асарларидаги ўзига хослик ва етуклик қўп асрли Узоқ Шарқ тасвирий санъати анъаналарини мужассам этишда кўзга ташланади («Осиё океани» циклидаги график ва рангтасвир композицияси, «Баҳор», «Куз» циклидаги манзара-жанрли композициялари. 1999 й.).

Графика санъати устаси А. Мамажонов (биринчи маълумоти бўйича рассом-қулол) ўз халқи қиёфаси ва ҳаётини яхши билган ҳолда график чизиги нафис ва ўзига хос бўлган композицияларини яратади. Унинг асарлари бизга халқ байрамлари ва сайллари, шунингдек, маҳаллий яшаш тарзи ҳақида ҳикоя қилади. Мунтазам тарзда тушъ билан перода ишлаган рассом Мамажонов ўз ижодида реалистик услубни қўллайди. Маҳаллий халқ вакиллари кучли хусусиятларини кўрсатиш, ҳамж依лик, мутаносиблик, натуралистларга хос ортикча унсурлардан чекланиш ва ҳазилга мойиллик рассом графикасига хосдир. Бу борада у машҳур графикачи ва миниатюрачи рассом Тельман Мухамедовнинг анъаналарини давом эттиради. Бунда Мамажоновга нақошлик соҳасида орттирган тажрибалари қўмаклашади. Ўз композицияларини у ўнг қўлида қандай ишласа, чап қўлида ҳам қайта ишлов бермаган ҳолатда айнан ўхшатиб ишлашга ҳаракат қилади («Қураш» композицияси, «Эски шаҳардаги бозор», 1998 й.).

Дастгоҳли графика композициялари устидан рассомлардан М. Карпузас ва Ю. Габзалилов ишлайди. Уларнинг иккинчи турлича

техник материаллар (тушъ, перо, қалам, гуашъ, граптография, сувбўёқ, аралаш техника)ни қўллайди. Габзалилов реалистик услубга қатъий берилганлиги, ўзбеклар турмушини яхши билиши, ҳазилни ўтқир ҳис этиши, баъзида эса фош этишчанлиги билан ажралиб туради. Рассом ижодида камдан-кам ҳолатларда абстракт услубни қўллайди. График безак ишларининг турли йўналишларини ҳис қилиши ва тушуниши, қалам тасвир сирларини яхши эгаллаганлиги мусаввирнинг дастгоҳли ишларида қандай намоён бўлса, китоб графикаси ишларида ҳам сезиларли бўй кўрсатди.

М. Карпузас ўзининг дастгоҳли композицияларида лирик, баъзан эса файласуф сифатида намоён бўлади. Китоб графикаси ишларида унинг (иллюстрациялари) сураглари характери адабий манба билан йўғирилган бўлса, дастгоҳли саҳифаларни эса у ўзининг лирик ҳис-туйғуларга бағишлайди. Карпузас ранглари жуда яхши ҳис этади, шунингдек, болалигиданоқ ўсиб-улғайган Ўрта Осиёни ва унинг одамларининг ўзига хос миллий ва этник хусусиятларини нозик тарзда илғайди. Антик мавзуга бағишланган, ўз ватани афсоналари руҳида ишланган бир туркум асарларида унинг греклардан келиб чиққанлиги дарҳол англанилади («Йигит ва Қиз». (Шарк мотиви) 1995 й.), («Ойкумена», (ернинг одамлар яшайдиган қисми) сувбўёқ, 1996 й.).

Карпузаснинг чизмалари экспрессивлиги, тасвир воситасининг лўндалиги, натуралис-

тик шаклларнинг иштирок этмаганлиги билан ажралиб туради. Рассомнинг ўзига хос эҳтисотлари дастгоҳли композицияларда буюк графикачи-рассом В. А. Фаворский усулларидан ҳеч иккиланмасдан, очикчасига тақлид қилишлаган китоб графикадан кўра ёрқинроқ намоён бўлади.

Кўпчиликлари машҳур автолитография сувбўёқ устаси М. Содиқов охириги ўн йилларда ўзига одат бўлиб қолган автолитография техникасидан воз кечиб, асосан, сувбўёқ техникасида ўзи учун сеvimли бўлган ҳоронинг эски шаҳар кўчаларини ишлайди.

1998 йилнинг сентябр-октябр ойлари Тошкентдаги киночилар уйида ўзининг график ва рангтасвир асарлари кенгайтирил кўргазмасини намоиш этган ёш рассом Исмоилов ҳам кейинги ўн йилликлар давомида дастгоҳли графика соҳасида иш оловор бормокда. Исмоилов ижодий асарларида унбой тафаккури ва фантазияси алоҳида ажралиб туради. У камдан-кам ҳолатларда романтик рамзий тушунча ва борлиқ инъикос берилади. Унинг график асарларида турмушда йўқолиб бораётган эскилик унсурлар соғинч билан назар ташлаш сезилади. тушъ, перо, қоғоз, шарикли ручка, темпикаби оддий техник воситаларидан фойдалиниб, тузилиши жиҳатидан мураккаб ва жаманли бўлган композициялар яратади. Шаклларнинг нақшинкорлигига, озгин юзли, к



М. Содиқов. «Бухоро». 1998.



Н. Калонов. «Кулол». 1991.

ра бурун киёфаларга берилиш рассомга хосдир («Орузлар дарахти» 1998 йил, «Одам қушлар», 1998 й.). Баъзан Б. Исмоилов графикасида сюрреализм қонуниятлари таъсири сезилиб туради («Хожиш», учлик).

XX асрнинг охириги ўн йили давомида ксилография устаси Д. Уразаев фаол тарзда ижод қилмоқда. Рассом ўз графикларида ксилографиянинг аввалги композицияларига хос бўлган кичик ўлчовликдан воз кечиб, сувбўёқ техникасида ишлашга ўтади. Унинг сувбўёқда ишланган «Ўзбек меъморий ёдгорликларининг сирли таровати» туркумидаги асари 2001 йил Тошкентда бўлиб ўтган шахсий кўргазмасида намоиш этилди. Бу асарида рассомнинг қаттиққўл, борлиқни зийраклик билан ҳис этиш каби хусусиятлари билан бир қаторда унинг баъзи асарларнинг ранг ва композицион тузилишига бир мунча номуносиб ёндашиши, шунингдек, услубан тақрорийлик ҳам кузатилади.

1990 йиллар Самарқандда кекса авлодга мансуб ўзбекистонлик графикачи рассом С. Редькин ижодий фаолият олиб борди. С. Редькин «Эски Самарқанд» мавзусида Самарқанд меъморий обидалари тасвирларини маҳорат билан ишлагани сингари, буюк аждодларимиз — Мирзо Улуғбек, Беруний, Навоий, шунингдек Садриддин Айний — портретларини ҳам яратади. 1990 йиллар бошларида самарқандлик графикачи рассом Н. Калонов ҳам графика соҳасида қатор асарлар яратган. Унинг «Авлодларимиз изидан» (1991), «Устанинг бир қуни» (1991), «Будда қўнғироғи» (1991) каби туркум асарлари она Ватан тарихи ва маданиятига бағишланган бўлиб, автолитография техникасида бажарилган.

90-йилларга келиб сиёсий плакатларга бўлган қизиқишининг пасайишига қарамай, Ахмадалиев фаол суратда сиёсий ва маиший жанрга оид муҳим муаммоларга ўз муносабатини билдиради. Бу унинг «Сенга омад темир йулчи» плакатида намоён бўлади. Мусаввир қўқонлик плакатчи рассомлар орасида жуда фаол иш олиб бораётган графикачи бўлиб, у 1970 йиллардаёқ Прагада бўлиб ўтган Халқаро кўргазмада Қумуш нишон билан тақдирланган.

Таниқли графикачи рассомлар М. Жағоров, В. Апухтин, М. Содиқов, Э. Исҳоқов, И. Василева ва уларнинг ёш ҳамкасблари Л. Тиора, Л. Зуфари, Т. Аюпов, О. Николаева,

Ю. Алагирлар иштирокида 1998 йил Тошкентда ўтказилган графика ва ҳайкалтарошлик санъати кўргазмаси графика жанрини ривож муҳим воқеа бўлиб қолди. Кўргазма ташкилотчиларининг асосий мақсадлари иқтидорли ёшларни томошабинлар ҳукмига ҳавола қилиш эди. Уларнинг бу мақсадлари ўзининг ижобий натижаларига эришиб, Р. Азизов, Д. Охунбобоева, Г. Султонова ва Т. Холмирзаев каби ёш графикачилар қўпчиликка маълум бўлди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, узок давом этган тайёргарликдан сўнг ўтказилган мазкур кўргазма 90-йиллар иккинчи ярмида графика санъатида содир бўлган салбий жараёнлар аксидир. Кўргазмада намоиш этилган асарлар шуни таъкидлайди-ки, сўнгги йилларда тасвирий санъатнинг барча соҳаларида пластик асосга таянган интиграцион жараён давом этмоқда. Линография, ксилография, офорт сингари графиканинг аниқ турларида 1990 йиллар охирида вужудга келган график асарлар, аввалги яратилганларидан кескин фаркланади. Буларнинг ҳаммасини графика санъатига анъанавий ёндашиш маҳсули деб қараш мумкин, бироқ рассомлар анъанавий графика имкониятларидан келиб чиққан ҳолда доимгидек реалистик йўналишга таянадилар.



Т.Аюпов. «Мавзу — 2». 1999.

Кўргазмани композицион «мустаҳкамлаш» мақсадида график элементларга инсталляция он жиҳатдан кириб борилади. Худди шундай Л. Тиоранинг «Каллиграфия-импульс» (драхт танаси қоғоз (матли) свиткалар билан қоришиб кетган инталляция) асарида ҳам араб ва хитой каллиграфик ёзуви уйғунлигига уруниш сезилади. Охириги йигирма йил давомида рамзлар ва белгилар тизимини ишлаб чиққан Э. Исҳоқов Л. Тиоранинг рухий устози эканлиги унинг ишларида яққол кўзга ташланади.

Ушбу кўргазмада Л. Зуфари томонидан намойиш этилган асарда Э. Исҳоқовнинг тизим ва белгилар концепцияси таъсирида яратилган бўлса-да, лекин унинг асарларида ўзига хос ва мустақил ёндошилганлик сезилади. Унинг асарларида тош ва унинг сиртига иш-

ланган рамзий белгилари ёзувлар уйғунлаштирилади («Турк рукнлари», 1999).

Т. Аюпов композицияларида («Мавзу — I», «Мавзу — II») рамзийликка интилиш кўзга ташланса, Ю. Алагир ижодида мавҳум белгилари композициялар устунлик қилади. Рассомлар асарларида рамзийлик ва мавҳум-бе-закдорлик руҳи сезилади.

Рассом Э. Исҳоқов ушбу кўргазманинг ташаббускори ва ташкилотчиларидан бири бўлиб, 1960—1980 йилларда у китоб безаги ва бадий ёзувлар устаси сифатида шуҳрат қозонган ва ўша вақтлардаёқ белгилар тизимини яратиш ва уни ёғоч ва маъданда синаш ишлари билан шуғулланган. Дастгоҳли графикада ижод қилувчи рассом бу сўзнинг анъанавий маъносини ўзида намойиш этиши жуда кам учрайди.

90-йилларда кўргазма ва галереяларда графикачи рассомлар Мурод ва Мухаммад Фозиловларнинг паргор ва чизгич ёрдамида яратган қатъий, рамзий ва космогоник ўзига хос руҳдаги асарлари пайдо бўлади.

Сувбўёқ техникасида 80-йиллар охири — 90-йиллар бошларида Д. Мирсалимов, А. Лигай ва А. Лилар катта ютуқларга эришди.

90-йилларда офорт ва сувбўёқ техникасида ажойиб асарлар яратган Д. Мирсалимов аста-секин мойбўёқ техникасига ўтади уни муваффақиятли ўзлаштиради. 1999 йил Байналминал Марказ Саройида А. Лигайнинг шахсий кўргазмаси бўлиб, унда мусаввирнинг сувбўёқда ишланган катор ишлари намойиш этилди. Сувбўёқ техникасида манзара туркумлари яратишда Лигай Шарқ рангтасвири учун анъанавий бўлган нафис мўйқаламдан фойдаланиб, Ўрта Осиё табиати нафосати ва руҳини чуқур ифодалаш билан ўз маҳоратини намойиш этди.

1990 йиллар бошларида кўпчилик графикачи рассомлар — дастгоҳли рангтасвирда ижод қилган бўлсалар, 2000 йилга келиб эса бунинг аксига дуч келинади. Машҳур рангтасвирчилар графика техникасида яратилган асарлари билан кўргазмаларда иштирок эта бошладилар. 2001 йил апрел ойида «Илхом» театрида бўлиб ўтган Б. Жалолов ва С. Алибековларнинг график асарлари кўргазмасида айнан шу ҳолатни кўриш мумкин.

Б. Жалолов чизматасвир устаси эканлигини яна бир бора намойиш этиш билан кўпчиликни ҳайратга солган бўлса, С. Алибеков



Ш. Мухаммаджонов. «Калила ва Димна» кўлэзма асаридан парча. 1997.

ўзининг бетакрор фантазиялари билан рангли қалам имкониятларини намойиш қилди.

Ў 90-йиллар дастгоҳли графика ривожда рамзий-мавҳумийлик ва безакдорлик услуби алоҳида таъкидланади. Шу билан бирга, республика бадий қоллежи ва К. Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти битирган ёш рассомлар ижодида реалистик услубнинг сақланиб қолганлиги кузатилади. Бу эса Ўзбекистонда анчадан бери академик малакали таълим қонун-қоидаларининг қатъий илдиз отганлигини кўрсатади.

Хозирги давримиздаги дастгоҳли графика санъати тасвирий санъатнинг барча турлари билан уйғунликда миллий анъаналарга таянган, баъзан эса тасвирий санъат чегараларидан чиқиб боровчи янгилик ва кашфиётлар сари фаол бораётганлиги таъкидланилади.

1991—2001 йиллар Ўзбекистон дастгоҳли графика санъати ривожини умуммаънавий восита сифатида кўп йиллар хизмат кўрсатган рассомлар сингари ёш рассомлар ижодида томошабинлар эстетик қарашларини ифодалашга

интилиш ҳамда жамиятдаги маънавий саволларга жавоб беришда намоён бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юртимизнинг қадимий тарихини ёритувчи китоб ва рисодалар кўплаб нашр этила бошланди. Уларда Ўрта Осиёнинг буюк шахслари Амир Темур, Аҳмад Яссавий, Хожа Аҳрор, Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, А. Чўлпон, А. Фитрат кабилар ҳақида маълумот берилди. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўндан ортиқ нашриётлар фаолият кўрсатмоқда. Бадий адабиётларнинг асосий қисми Ғ. Ғулом нашриёти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Чўлпон», «А. Қодирий» номидаги нашриётларда чоп этилмоқда. «Медицина» нашриёти ҳам ушбу соҳада фаол хизмат қилмоқда. Ушбу нашриётда, замонавий ўзбекистонлик муаллифлар билан бир қаторда аждодларимиз қаламига мансуб, шунингдек, хорижий муаллифларнинг асарлари ҳам чоп этилмоқда.

Жамиятдаги ўзгаришлар туфайли 80-йиллардан Ўзбекистондаги нашр ишларини тижорат соҳасига ўтиши кузатилади. Нашриёт-



Х. Солих. «Хаттотлик» намуналари. 2000.

ларда детектив, фантастик жанрлардаги китоблар сони кўпайди. Миллий фалсафий ва диний мерос китоблари нашри ортди. Китобларни безаш ишлари анча камайди. Лекин муқова ва сармуқова қилишга эҳтиёж ортиб кетди. Айнан ўшалар харидор эътиборини тортмоқда.

Китоб графикаси мутахассислари К. Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти битирувчилари ҳисобига бўлиб бормоқда.

«Ўқитувчи» нашриётида компьютер графикасига ихтисослашган бир гуруҳ ёшлар ишламоқда. Улар шу нашриётнинг китобларини муқова ва бошқа унсурларини безаш билан шуғулланмоқда. Рассомлар компьютер графикасини фотомонтаж билан мувофиқлаштирмоқда. Шу гуруҳдаги ёш рассом Ш. Мирфаёзов ўқув қўлланмаларини безаш билан шуғулланмоқда. У яратган муқовалар ёрқинлиги ва ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Ички иллюстрацияларини Ш. Мирфаёзов қўлда, реалистик услубда бажаради. Шу

нашриётда ишлаётган Э. Нурмоновнинг график ишлари композициясининг жиддийлиги ва симметриклиги ҳамда рангларнинг вазминлиги билан ажралиб туради. У бажарган муқова ва иллюстрацияларда реалистик услуб яққол сезилади.

Янги давр замонавий китоб графика санъатида фаол ижод этиб келаётган А. Бобров, А. Мамажонов, М. Карпузас, Ю. Габзалилов, А. Кива, А. Пономарёвлар, шунингдек, О. Васионов, Г. Миллер жиддий уста бўлиб қолмоқдалар.

1960–1980 йилларда дастгоҳли графика жанрида фаол ижод қилиб келаётган Қ. Башаров китоб графикаси санъатида шоир Б. Бойқобуловнинг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган «Янги Хамса» китобининг умумий безаги устида иш олиб бормоқда. Унинг томонидан мазкур китобнинг тасвирий ва нақшли макети ва Тошкент Шарқшунослик қўлёзмалар институтида сақланаётган миниатюралар нусхаларининг олтитаси бажарилди.



Н. Ҳақимов. «Тилга ихтиёрсиз – элга этиборсиз». 1991.

Р. Киплингнинг «Маугли» китобининг ўзбек нашрига Қ. Башаров анъанавий реалистик услубда ўттиз тўртта рангли иллюстрация ишлаган. Болалар китобларини (асосан эртақлар) безатиш устида Л. ва Ф. Башаровлар фаол ижод этиб келмоқдалар.

Қалам (неро), гуашь ва сувбўёқ техникаларини пухта эгаллаган А. Бобров халқ эртақларига ифодали, образли ва ўзига хос услубда иллюстрация яратмоқда.

Графика устаси А. Мамажонов «Алпомиш» эпосига реалистик ва мазмунан ифодали бўлган иллюстрацияларни тушъ ва перода бажарган. Шу билан бир қаторда у офорт техникасида Навоий асарлари «анталогиеси»га иллюстрациялар ишлаган, уларда миниатюра анъаналарининг таъсири сезилади. Шунингдек, қорақалпоқ достони «Маспаша» ҳам А. Мамажонов томонидан безатилган¹.

М. Карпузас китоб безатиш маҳоратини пухта эгаллаган ва ўзига хос ижодий услуб яратган. 90-йилларда ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг бир мунча ўзгарганлиги алоҳида нашриётларда китоб иллюстрациялари ҳажми қисқаришига олиб келди. Бу эса кўпчилик графикачи рассомлар қатори Карпузас ижодига ҳам таъсир этди. Кейинги йилларда у диққатини муқовалар, фронтисписларни безатишга қаратди.

Ю. Габзалилов ҳам китоб графикасининг моҳир устаси сифатида эътироф этилади. У услуб ва усулларни моҳирлик билан ўзлаштирган ҳолда, иллюстрацияларга дostonда таъриф этилган маиший ҳаёт руҳини сингдиради. Нозик дид эгаси Ю. Габзалилов реалистик ифодавий образ яратилишга мойилдир.

Китоб графикаси устаси А. Кива Ф. Фулом

номидаги адабиёт ва санъат нашриётида сермахсул ижод этмоқда. Мўйқаламда ишланган рангли иллюстрацияларда рассомнинг рангларни зийраклик билан ҳис этиши намоён бўлади. Аралаш услубларда бажарилган муқоваларда чизматасвирнинг шартлилиги, натуранинг яхши ўрганилмаганлиги бир оз сезилади.

Умуман олганда 1991—2001 йилдаги китоб графикаси усталарининг ижодий фаоллиги сусаймоқда. Чунки ижодий ўсишнинг асосий воситаси бўлган республикалараро, шунингдек, Халқаро китоб графикаси кўргазмаларида рассомларнинг иштирок этишларига имкониятлар етишмаяпти².

Юқоридаги айтганларимизга қарамасдан, 90-йиллар охирида полиграфик китоб чикариш техникасини янгилаш натижасида, китобнинг полиграфик сифати ўсиб бормоқда. Соҳага кириб келаётган иқтидорли ёш рассомлар тажрибали устозлар билан бирга китоб графикаси санъатини ривожлантиришни муваффақият билан давом эттирмоқдалар.

Тажрибали уста А. Маҳкамов томонидан «Шарқ халқлари эртақлари» китобига ишланган иллюстрациялар бадий жихатдан юксак бажарилган. Улардаги реалистик чизма асосида Шарқ миниатюраси таъсири яққол сезилади.

Феруза ва Лайло Башаровлар Ш. Перронинг «Она ғоз эртақлари»га («Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси) болалар дунёқарашига мослаб реалистик услубда иллюстрациялар яратганлар.

Юқоридаги фикрларни яқунлаб, шуни айтиш жоизки, республикамызда китоб графикасининг анчагина ривожы сезилади.

БАДИЙ КУЛОЛЛИК

Ўзбекистон амалий санъатининг қадимий, шунингдек, бизнинг давримизгача ўзининг аниқ чегараланган мактаб ҳамда анъаналарини сақлаб келаётган турларидан бири бадий кулолчилик ҳисобланади. Замонавий кулолчилик санъати XIX асрда тарихан шакллланган мактабларнинг анъанаси асосида ривожланиб келмоқда.

Маълумки, ўзбек кулолчилик санъати қадим

ий даврлардан шу кунгача кенг тарқалган ва аҳоли эҳтиёжларини қаноатлантириб келган, муҳим касб-хунар соҳасидир. Ўзбекистон жабҳасида қадимдан ҳар воҳанин хунармандчилик марказлари вужудга келиб шакллланган. Бу марказларда халқ эҳтиёжи учун энг керакли сопол буюмлар ишлаб чикарилган ва сотилган.

Ҳозирги вақтда бадий безатиш услуги,

пластик ва технологик хусусиятлари бўйича урта асосий кулолчилик мактабларига бўлиш мумкин. Фарғона бадий кулолчилик мактаби (асосий марказлари — Риштон, Ғурумсарой), Бухоро — Самарканд бадий кулолчилик мактаби (асосий марказлари — Самарканд, Ургут, Ғиждувон, Уба, Шахрисабз); Хоразм бадий кулолчилик мактаби (асосий марказлари Мадир ва Каттабоб кишлоқлари). Ҳар бир мактаб ўзининг ривожланиш ва ижодий тамойиллари, етакчи марказ ва усталари, бошқа мактаблардан фарқловчи хусусиятлари билан белгиланади. Улар ўз қонуниятлари доирасида фаолият кўрсатади ва асосий бадий тамойиллари умумийлигини сақлаб келади.

Фарғона бадий кулолчилик мактабининг асосий хусусиятлари унинг аҳоли этник таркиби, жойланиши ва тарихийлик тамойиллари билан бевосита боғлиқдир.

Риштон — Фарғона мактабининг анъаналарини ўзида мужассамлаштирган энг ёрқин ку-



Ўзбекистон халқ устаси, кулол С. Отажонов. Хива.

лоллик марказидир. Кейинги 30 йил ичида (1970 йиллардан бошлаб) Риштон сополи анъанавий бадий ва технологик усуллар асосида қайта тикланди. XIX аср охири — XX аср бошларида Риштон — Ўзбекистондаги сирланган сопол буюмлари ишланадиган энг машҳур ва қадимги марказлардан бири эди).

Ишқорли сир тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда бу ерда сопол идишларнинг япалоқ (косалар, лаганлар) ва узун бўйли (қўзалар, хумлар) турлари ишлаб чиқарилмоқда. Илгари ишлар ихтисослашган тарзда бажариларди — япалоқ буюмларни, яъни япалоқ ва қиска бўйли шакллар ясовчи усталар — косагар; баланд, бўйи чўзилган буюмларни ясовчи усталарни — қўзагар дейишган. Ҳозир бундай таснифлаш илгариги моҳиятини йўқотган; айрим усталар (И. Комилов, У. Ашуров, Х. Сатторов, К. Қосимов, М. Азизов, А. ва М. Тожаиевлар ва бошқалар) ҳам япалоқ, ҳам чўзинчоқ шаклли идишларни ясашади. Айни пайтда бир қатор кулоллар, асосан, ўрта ва ёш авлод вакиллари (Ш. Юсупов, А. Назиров, А. Исоков, А. Усмонов, М. Саидов, Р. Усмонов ва бошқалар) кўпроқ япалоқ идишлар — лаганлар яшаш билан шуғулланишади. Риштон мактабида буюмлар шакллариининг ниҳоятда ранг-баранглиги кўзга ташланади. Бу ерда лаганларнинг ҳар хил турлари учрайди, косаларнинг турли вариантлари — коса, шокоса, қўшқулоқ, дон маҳсулотлари учун катта хумлар ишлаб чиқарилади. Бундай буюмларнинг ишлаб чиқарилиши кейинги 25—30 йил давомида қайта тикланди ва янада нафис кўринишларга эга бўлди.

Риштон сополчилигининг маҳаллий бадий хусусиятлари кўп жиҳатдан буюмларга нақш берилишида кўзга ташланади. Унинг нақшлар мажмуи бой ва ранг-барангдир. Ўзбекистон кулолчилигида ишлатиладиган нақшли безаклар мажмуини — хандасавий ва ўсимликсимон безаклар, рамзий белгилар, буюмлар тасвирлари, ҳайвонлар ва антропоморфик мавзулар ташкил қилади. Бир қатор усталар (А. Назиров, А. Усмонов) япалоқ буюмларга чирмашиб кетган араб ёзувлари орқали безак бера бошладилар. 1990 йиллардаги гирих безаклар орасида тўрсимон нақш (“четан”), ромбсимон нақш (“турсимон”), учбурчакли шаклларнинг бир маромда жойлаштирилиши (“учбурчак”), доирасимон шаклларнинг занжир шаклида бир текис берилиши (“занжир”,

“жингалак занжир”), нуқтали нақш (“нӯхот”), қора ва оқ квадратларнинг навбат билан ўрин алмашиши шаклидаги нақш, эгри ва тўғри чизиклар шаклидаги, доирача ва тупбаргул шаклидаги мавҳумий-ҳандасавий безаклар кўп тарқалди.

Ўсимликсимон нақшлар айниқса турли-туман ва сермазмундир. Риштон кулолчилигида «чорбарг», услуб берилган бодом гули – “бодомгул”, “аноргул”, “барг”, “анор”, “сарв”, ўсимлик шохлари – “ислимий” каби мавзулар кўпроқ оммалашган.

Ўсимлик дунёсига оид мавзуларни талқин қилишда, айниқса анъанавий белгилар билан бу мавзуларнинг янгича талқинлари нисбатан яққол кўзга ташланади. Риштонлик усталар илгариги мавзулар кўринишини ҳиёл ўзгартириш усули билан янгича тузилма яратиш йўлидан бориб, безакнинг янги образлар тимсолида сайқаллашишига эришмоқдалар. Бундай услуб Ш.Юсупов ижодида, шунингдек кулоллар А.Усмонов, А.Назирова, А.Исанов, И.Комилов ва бошқалар асарларида, айниқса ёрқин намоён бўлмоқда. “Бодомгул” ва “анор” каби мавзуларнинг талқин қилинишида тез-тез ўзгаришлар қилиб турилади, улар бир текисда зич қилиб жойлаштирилиши туфайли кўпинча идишларга безак беришда етакчи ўрин тутлади.

Буюмларнинг тасвирланиш усули орасида Риштон, шунингдек Ғурумсарой кулолчилиги учун “қумғон” мавзуси энг кўп тарқалган ва ўзига хос хусусиятга эга. Бундай безак бир неча ўн йиллик давомида, XIX аср охиридан бошлаб япалоқ идишларнинг тубига ишланган. Риштонлик усталар қумғон билан бир қаторда Фарғона пичокларини кўпинча қумғон билан уйғунликда тасвирлайдилар. 1990 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб риштонлик усталар айрим буюмларнинг безаклари сифатида анъанавий меъморчилик мажмуалари – миноралар, масжидлар, мадрасаларнинг маълум бир кўринишидан ҳам фойдаланмоқдалар.

Ҳайвонот оламига оид ва антропоморфик мавзулар Риштон кулолчилигида “парчаси яхлит учун” тамойилига кўра тақдим этилган, унда инсон ёки ҳайвонлар ва паррандалар гавдасининг айрим унсурлари ёрдамида яхлитлик ғояси акс эттирилади. Масалан, “чашми булбул”, “пар-пашша”, “илон изи”, “хўкиз шохи” каби безаклар ана шундай ишланган. Баъзан бундай нақшли мавзулар бир-бири би-

лан уйғунлашиб, риштонлик усталар буюмларига бетақдор тимсол бахш этади.

1991–2001 йиллар Риштон кулолчилигининг ривожига қуйидаги тамойилларни қайд қилиш мумкин: риштонлик усталар анъанавий меросни астойдил эъозлаш билан бирга анча дадиллик ва кескинлик билан буюмлар шакллари талқини ҳамда нақшли безаклар характерида ўзгартиришлар киритишяпти. Улар изланишмоқда, бироқ бу ҳамиша ижобий самара бермасдан, баъзан эклектикага ҳам олиб келмоқда (масалан, миниатюрага оид тасвирлар, қора ва жигаррангларнинг Риштоннинг анъанавий мовий рангидан устунлиги ва ҳоказо).

Анъанавий шакллар ва нақшларни изчиллик билан тўлақонли қилиб қайта тиклаш, анъаналарга сўзсиз риоя қилиш ўрнини яқка тартибдаги ижодий ташаббускорлик, янгича усул ва нақшин безаклар турларини кенгайтириш эгаллаб бормоқда.

Ҳозирги пайтда Риштонда 1000 дан ортиқ кулоллар ижод қилмоқдалар. 1990 йилларнинг ўрталарида усталар Тошкент, Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида қатор кўргазмаларда катнашдилар. Шулардан 130 таси “Хунарманд” халқ усталари Ассоциациясининг аъзоларидир. 1995 йилда Ўзбекистон санъат музейи қошида Риштон усталарининг “Мовий афсона” мавзусидаги катта ретроспектив кўргазмаси бўлиб ўтди. Шу билан бирга, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан 1994–1996 йилларда бир қатор риштонлик кулоллар ишлаб чиқариш марказлари билан танишиб келдилар. Комачу шаҳридаги “Кутани” кулоллик марказида бўлиб, Асакура-сан кулолчилик музейида Риштон кулолчилиги мактаби намуналаридан иборат доимий экспозиция ташкил этилди. А.Назирова анъанавий “Ташаббус –2001” танловида “Йилнинг энг яхши хунарманди” номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллади.

Ўзининг ғаройиб ҳаворанг сополи билан машҳур бўлган Фарғона мактабининг яна бир марказида – Ғурумсаройда илгарилари минглаб усталар ишлаган. 1990 йилларнинг бошида бу ерда фақатгина бир уста – Мақсудали Туропов қолган эди.

Ғурумсарой кулоллик марказида Фарғона мактабининг қадимий кулоллик анъаналари кўп даражада сақланиб қолган. Бу сопол буюмларнинг ишланиш технологиясидан бадиий безатиш жараёнигача намоён бўлади. Ғурум-

сарой безаклари Риштон кулоллик маркази безакларидан ишланиш услубининг алоҳидалиги билан ажралиб туради. Гурумсарой сопол буюмларида безакнинг маҳобатли ойдинлиги ва соддалик ҳосдир. Яна бир ўзига хос хусусияти бу безакларнинг узок ўтмишга таллуқли (архаик)лигидадир. Одатда бу нақшлар кўп эмас, асосан уч-тўрт хил кўйидаги йўсин ўзгаришларни учратиш мумкин (“қумғон”, “чорбарг”, “бутсимон безак”, “кўп бурчакли юлдузсимон безаклар”). Буюмларнинг шакли ва турлари ҳам ўзига хос — диаметри ярим метрга етадиган йирик лаганлар, ўртача ҳажмдаги коса ва юзали идишлар, қўшқулоқлар (кенг бўғизли ва икки қулоқли косалар). Гурумсарой сопол буюмларидаги кўкмоий, ложувард, зангори ҳамда жигарранг бўёқлар гаммаси — Гурумсарой усталарининг анъанавий ишқорли сирдан фойдаланганлигидадир. М.Туропов ишқорли сир бўёқ олиш учун зарур “гулак” ўтини йиғиштиришдан тортиб, қўлда қолиплаш ва нақш чизишгача барча ишларни фақат анъанавий усулда бажарган. Ана шундай универсаллик Гурумсарой кулол-

ларининг ижодини белгиловчи қадимий хусусиятидир.

1997 йилдан бошлаб (М.Туробов вафотидан сўнг), Гурумсарой кулоллик санъати анъаналарини М.Туробовнинг шогирди Ваҳобжон Буваев давом эттирмоқда. Бир қатор ташкилий ва маблағ билан боғлиқ муаммоларга қарамадан, 1990 йилларнинг охирига келиб В.Буваев Гурумсарой кулоллик мактаби анъаналарини тиклаш билан бирга технологик жараёнга ва буюмларни бадий безаш борасида ижодий янгилик яратишда самарали изланишлар олиб бормоқда. Бу янгиликлар безак унсурларининг талкинида ҳамда шакл яратиш борасида намоён бўлмоқда (масалан, Гурумсарой анъанавий, диаметри ярим метрга етадиган йирик лаганларнинг ҳажмини кичрайтириш ва ҳоказо).

Бухоро — Самарқанд кулоллик мактабининг ўзига хослиги технологик омил билан боғлиқдир. Идишларнинг жарангдор нафис бўлиб чиқишида кўрғошинли сир ва сарғиш-яшил, жигарранг бўёқлар муҳим ўрин эгаллайди. Бухоро — Самарқанд бадий кулолчилик марказлари услубининг ички омиллари кўпроқ “Афросиёб” сополи анъаналарига асосланади. Шу билан бирга, идишларнинг шаклига кўра бу мактаб 1990 йилларда ўтган ўн йиллик анъаналарини ривожлантирди. Бухоро — Самарқанд кулолчилигида ўсимликсимон нақшли безак тури етакчилик қилади. Ҳандасавий нақшлар эса камдан-кам ҳолларда учрайди ва улар ҳандасавий-абстракт мазмунли нақшларда ўзини намоён этади. Сополларни безашда ҳайвон ва жониворларнинг тасвири ҳам кам ишлатилади. Улар асосан Ғиждувон кулолчилигида қўлланилади. Нақшларнинг ишлатилиш жараёни Бухоро — Самарқанд кулолчилик мактабининг турли гуруҳий хусусиятларида кузатилади. Ғиждувон Шахрисабз усталари асосан мўйқаламда нақшлар ишласалар, Ургут, Денов усталари чизма нақшларни кўп қўллайдилар.

Бухоро — Самарқанд кулолчилик мактабининг Ғиждувон маркази вакиллари Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар қулоллар авлодининг олтинчи бўғини ҳисобланиб, оталари Ибодулла Нарзуллаевдан мерос қолган кулоллик устахонасида ижод қиладилар. Нарзуллаевлар ўз ҳунарларини Ғиждувон кулоллик мактаби анъаналарини сақлашга, ривожлантиришга ва ҳунарнинг сир-асрорларини ворисларга етказишга муваффақ бўлмоқдалар.



К.Бобоева. «Хуштак». Уба. 1991.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси.
Тошкент. 1997.



Имом ал-Бухорий мемориал мажмуаси.
Самарқанд, 1998.



Ўзбекистон Миллий банки. Тошкент. 1996.



Ўзбекистон Марказий банки. Тошкент. 1996.



«Интерконтинентал» меҳмонхонаси.
Тошкент. 1995.



«Юнусобод» теннис корти.
Тошкент. 1998.



«Jar» спорт мажмуаси. Тошкент. 1998.



Темурийлар тарихи Давлат музейи.
Тошкент. 1996.



И. Жабборов. Амир Темур ҳайкали.
Тошкент. 1996.



Р.Миртожиев. «Ностальгия» (құмсап). 1999.



Д.Рүзібоев. «Хумо». 1999.



Т.Тожиҳўжаев. «Бехзол». 1998.



Э.Алиев, Н.Бондзеладзе, В.Дегтярев.
Алишер Навоий ҳайкали. Тошкент. 1991.



Р.Миртожиев. Бобур ҳайкали. Андижон. 1993.

Кулоллар томонидан ясалган товоқ, дуоби коса, машади коса, кўза, нақшин товоқлар билан бирга, уларнинг ижодида 60дан ортиқ анъанавий шаклга риоя қилиш хусусиятлари хосдир. Улар Бухоро — Самарқанд кулоллик мактаби анъаналарига асосан сопол буюмларга қўроғшин тусли сир қўллайдилар.

Ғиждувон кулолчилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири, унда ҳайвонлар тасвири-нинг қўлланишидир. Қўпинча усталар лаган ўртасига товуснинг соддалаштирилган тасвири ёки унинг дум қисмини жойлаштиришади. “Думи бургут”, “мурғи сафид”, “бойқуш”, “гули товус”, “минг оёқ” сингари тасвирлар шундай композициялардандир. Улар бир қарашда худди гулсимон нақшга ўхшаб кетиши, Ғиждувон кулолчилигига хос қадимий анъанадир. Ака-ука Нарзуллаевлар маҳаллий кулоллик нақшларини жуда мукаммал ўзлаштирганлар. Улар яратган буюмларда янгиликни ҳис этиш, ҳис-туйғуларни бевосита бера олиш, анъанавий шаклларга эркин муносабатда бўлиш каби хусусиятлар аниқ кўринади. Улар ижодида ўзига хосликка интилиш ёрқин намоён бўлади. Ғиждувон анъанавий йўналишини сақлаган ҳолда, унга қўшимча янгилик тақдим этадилар. Мазкур жиҳатларига кўра Нарзуллаевлар яратган сопол буюмлар ҳам анъанавий, ҳам замонавийдир.

Бухоро — Самарқанд мактаби Фарғона, Хоразм мактабларидан сопол ҳўштак ўйинчоқлар ишланадиган марказларининг борлиги билан ажралиб туради. 1980 йиллар ўрталарида ҳамда 1990 йиллар бошларида Ҳамро-биби Раҳимова анъаналарини убалик икки уста — унинг ўғли ва шунингдек шогирди Қуборо Бобоевалар давом эттирмоқдалар. Уларнинг ишларида анъанавийлик тўла сақланган, лекин ўзларига хос шахсий маҳорат ҳам сезиларлидир. Бу ўзига хослик ўйинчоқларга бериладиган рангларда, композицион-пластик ечимнинг мукамаллигида ҳамда ўлчамларнинг барқарорлигида намоён бўлади.

Хоразм кулолчилик марказларида ясалган бадий буюмлар ўзига хос бадийлиги, безаклари ранги ва ишланиш услуби билан Ўзбекистоннинг бошқа мактаблари ишлаб чиқараётган буюмларидан ажралиб туради. Хоразмда чуқур сопол товоқ — бодия қадимдан сақланиб келаётган миллий шаклдир.

Хоразм кулолчилигида нақшларнинг турлари унчалик кўп эмас. Улар асосан, геометрик ва ўсимликсимон безакли нақшлардир.

Баъзан ҳайвон ва жониворлар тасвири ҳам ишланади. Дарҳақиқат, бадий буюмларнинг марказий қисмига геометрик арабеска гирих тушириш Хоразм усталарининг ўзига хос услубларидан биридир. 1990 йилларда Хоразм усталарининг ижодида қадимий ўсимликсимон нақшларни ўзлаштириш жараёни кучайиб борди. Айниқса, бу жараён Хоразм кулолчилик мактабининг йирик вакилларидаан бири Р. Матчонов ижодида намоён бўлди. Р. Матчонов (Модир маркази) кўпинча сопол буюмларига тўқ кўк рангини ишлатади, шунинг учун ҳам унинг асарларининг аксариятида ҳаворанг-кўк ёки рангининг ўзига хос тўқ туси устунлик қилади. С. Отажонов (Каттабўғ маркази) эса тўқ кўк рангини кам ишлатади, буюмларига кўпроқ оқ анғобдан фойдаланади, шунингдек бўёқ таркибига ун қўшади. Шу билан бирга, бугунги кунда Хоразм кулолчилик мактабида давомийлик муаммоси биринчи ўринда турибди (яъни шогирдлик мактаблари муаммоси).

Ўтмишда донг таратган кулолчилик марказлари 1980 йилларга келиб путурдан кета бошладилар, кулоллар ўз ишларини йиғиш-тирдилар, уларнинг аксариятида бу ҳунарнинг зарурлиги ва ижтимоий жиҳатдан фойдали эканлигига ишонч йўқолди. Бу жараён ўша давр сиёсий, иқтисодий ўзгаришлари билан чамбарчас боғлиқ эди. 1980 йилларнинг иккинчи ярмида бу ўзгаришлар Ўзбекистоннинг деярли ҳамма кулолчилик марказларига таъсир кўрсата бошлади. Оқибатда, давомийлик муаммолари билан боғлиқ бир қатор кулолчилик марказларининг келажаги ҳавф туғдира бошлади, Шаҳрисабз кулолчилик маркази ҳамда ўзига хос сопол ўйинчоқлари маркази бўлган Қасби кулолчилик мактаблари йўқолди. Ғурумсаройда битта уста Максудали Туропов қолди ва шу мактабнинг анъаналарини давом эттириш муаммоси кескин тус олди. Шунингдек, кулолчиликнинг катта бир маркази ҳисобланган Хиванинг Модир қишлоғида ҳам сопол буюмлар ишлаб чиқариш сустлашди.

Ўзбек кулолларидаан биринчи бўлиб, ЎзБА-нинг академиги унвонига сазовор бўлган тошкентлик кулол А. Раҳимов, кулолчилик санъатининг мумтоз хусусиятларини ривожлантириш билан бирга, унга янги мавзулар ва сюжетлар, ноанъанавий нақш услубларини олиб қиради. Кирилган янгилик ва муносабатлар кулоллик санъати табиатига мос ва уй-

гун тарзда қабул қилинади. Уста учун асосий ижод манбаи халқ анъанавий кулолчилик намуналаридир. Шу билан бирга А.Раҳимов асарларида факат халқ усталарининг бадий тажрибаси, бой услублари акс этибгина қолмай, балки ўзи яратган гўзаллик дунёси ҳам назокатли тарзда тақдим этилади. 1990 йилларда уста Санкт-Петербургда (1991), Боннда (1992), Японияда (1997) шахсий кўргазмалар ташкил этди. Раҳимовлар сулоласи кулолчилик санъати сирларини ижодий анъана сифатида ўғли Алишер давом эттирмоқда.

1990 йилларда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг ўз ҳолига келиши натижасида, анъанавий қадриятларга диққат-этибор қаратилди. Чет давлатлар билан алоқалар кенгайтирилмоқда. Республикада бир қатор халқаро муассасалар очилди. Улар халқ санъатига бўлган этиборни кучайтирдилар. Чунинчи, 1995 йилда бўлиб ўтган (БМТнинг 50 йиллиги муносабати билан) 1-республика ярмаркасида Ўзбекистонда мавжуд кулолчилик марказларининг вакиллари усталари махсус тайёрланган “Уста гувоҳномаси” сертификатага сазовор бўдилар. Булар ўз мактаб анъаналарини қадрлаб ва ривожлантириб келаётган усталар Р.Зухуров (Денов), М.Туропов (Ғурумсарой), И.Комилов (Риштон), Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар (Ғиждувон), Намоз ва Нўъмон Облоқуловлар (Ургут), Р.Матчонов (Хоразм), А.Раҳимов (Тошкент).

1997 йилда мамлакатимиз Президенти Фармонига биноан Ўзбекистон Бадий Академияси ташкил этилди ва бир қатор етакчи кулоллар – Акбар Раҳимов (Тошкент), Шарофиддин Юсупов (Риштон), Худойберди Ҳақбердиев ва Шариф Азимов (Самарқанд) – Академиянинг ҳақиқий аъзоси бўлиб сайлангани Ўзбекистон кулолчилиги анъаналарининг юксак мавқеи ва даражасидан далолат берди, шунингдек, бу амалий безак санъат турининг анъаналарини ривожлантиришга самарали туртки бўлди.

* * *

Ўзбекистон кулоллик санъатининг энг бой меросини сақлаб қолган маскан ҳисобланади. Мустиқиллик қўлга киритилиши билан ноанъанавий кулоллик санъати вакилларида маҳаллий маданиятнинг тарихий қатламларига қизиқишлари кузатилди. Тўғри бу жараён расм кулоллар томонидан 1970–80 йилларда тамал тоши қўйилган бўлиб, Марказий

Осиё халқлари бой бадий маданиятининг авваллари маълум саҳифаларни очиб берувчи қадимшунослик ва тарихий фан ютуқлари эвазига эришилган эди.

1990 йилларда ҳамма соҳада – иқтисодий, сиёсий ва маданий йўналишларда халқаро аренага бевосита чиқиш имкониятлари кенг очилди. Айниқса, охириги жабҳа ўта бой маданий ва бадий меросга эга бўлган, XX аср расмлари ва усталари ижодлари билан самарали хазинага эга давлатимиз учун алоҳида муҳим аҳамият касб этди.

1991–2001 йиллар мобайнида Ўзбекистонда амалий санъатнинг ноанъанавий кулоллиги бўйича турли мавзуларни (“Орол фожиаси”, “Ўзбекистон –Амир Темури ватани”, “Буюк ипак йўли XX аср: Янги фалсафа” ва ҳоказо) қамраган бир неча халқаро симпозиумлар ўтказилди. Ушбу симпозиумларда (1990–1992–1995–1996) дунёнинг турли хил мамлакатларидан келган етук усталар кулоллик санъатининг энг гўзал намуналарини яратишга мушарраф бўдилар. Ушбу халқаро симпозиумлардан бири 1996 йил 1 майдан 17 майгача Тошкентда ноанъанавий кулоллик санъати бўйича “Буюк ипак йўли XX аср: Янги фалсафа” мавзусида ўтказилди. XX асрда Буюк ипак йўли халқларнинг бирдамлигини, ўзаро англашларини, ўзаро боғлиқлигини ифода этувчи рамзга, мажозга айланди, бутунлай ўзгараётган дунёнинг янги шароитида маданий анъаналар ва ижодий ғояларнинг бир-бирига сингиб боришини, элларнинг эркин аралашуви руҳини намоён этади.

Симпозиум иштирокчилари умумий мавзу доирасида ижодда ўз-ўзини ифода қилиш эркинлигини намоён этдилар. Бу эса улар асарларидаги композицион ва технологик ечимларининг ранго-ранглигини белгилаш билан бирга, айти пайтда усталарнинг нафакат ижодий индивидуаллигини, балки уларнинг қайси минтақадан ёки мамлакатдан келганлигини ҳам кўрсатиб берди. Симпозиумнинг шiori унинг асосий маъносини англатиб, индивидуал аниқ ечимларнинг яхлит экспозицияли мажмуага бирлаштириш учун имконият яратиб берди. Моҳиятан, Буюк ипак йўлининг янги фалсафаси мавзуга бағишланган якуний кўргазмада Ғарбу Шарқ замонавий маданиятларининг самарали учрашуви кўринди. Бу ажойиб яқинлашув замонавий дунё кулоллиги кўзгусида қизиқарли мазмун ва ҳаётийлик касб этди. Симпозиумда Шарқ мисо-

лида Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон кулоллари, Фарбдан эса Латвия, Швейцария ва Франция кулоллари асарлари тақдим этилди. Анжуман давомида ўзбекистонлик кулоллар Х.Мирзаев “Соат”, Н.Қўзиева “Бухоролик кизлар”, “Шамчироқ”, С.Смоляков “Замин хотираси”, Х.Худойбердиев “Саратон”, Б.Гулов “Чанковуз” асарларини яратдилар.

Тошкентлик кулол Н. Қўзиеванинг асарлари мўъжазгина ишланган. Улар ажойиб кичик муҳитга хос хислатга эга бўлиб, шинам ва ёркиндир, гўё лирик куйлар йўғрилгандек туюлади. “Бухоролик кизлар” асарининг нафис ишланган бош қисми, ўзига хос коник шаклидаги “Шамчироқ” шулар жумласидандир. Ёқилган шамчироқнинг чакнаётган нурлари унча катта бўлмаган тешиклар орасидан таралиб туради. Бу ишнинг шакл-шамойили шарқ мунажжимининг бош кийимини, ёритиб турган деворлари эса тунги юлдузли осмонни эслатади. Шуни таъкидлаш жоизки, Н.Қўзиеванинг охириги йилларда яратган ижодий намуналари (“Автопортрет”(2000), “Эркак ва аёл”, “Белгилар сеҳри”(2001)) мавзу қамровининг кенглиги, шакл-шамойилларидаги шартлилик, умумийлик хусусиятлари устун туриши, рангнинг мустақил ҳолдаги аҳамияти, шу билан бирга ижодкор танлаган лейтмотив турли талқинда давом этади.

С.Смоляковнинг “Замин хотираси” деб номланган қўламли-фазовий композицияси чор тарафдан томоша қилишга мўлжалланган бўлиб, асардаги ритм муттасил ривожланиб боради. Доира марказидан тарқалаётган қисмларда кум ётқизилган бўлиб, унда инсоннинг қўл-оёқлари излари акс этиб, соат милага тескари йўналтирилган. Бу эса ернинг айланиши ҳолатини эслатади.

Тошкентлик бошқа бир кулол Х.Мирзаевнинг “Соат” деб номланган иши мажозга эга вақтнинг тутқич бермас қадами улкан қумсоат тарзида рамзий ифодаланган. Кўзга кўринмас бўшлиқни эса шамотнинг кўндаланг ўрнатилган қисми мужассам этган.

Самарқандлик кулол Х.Худойбердиевнинг “Саратон” композицияси ечим яна ҳам кизикarli. Ёзнинг харорати, саратон тафтини хис қилиш сўндирилган оқимтир рангда ва фактурага тик йўл-йўл туширилган тўлқинлар тимсолида муваффақиятли ифода этилган. Томошабинни саробни томоша қилиш туйғуси тарқ этмайди, рангли пластик ечим муаллиф-

га ижодий илҳом бахш этган қумли даштликлар, Ўрта Осиёда анъанавий бўлган лойсувоқ уйлар юзалари кўриниши билан ҳамоханг бўлиб кетади. Қочиримларга бой бўлган халқ маданияти анъаналарига мурожаат қилиш бухоролик кулол Б.Гуловнинг “Чанковуз” асарида ҳам кўзга ташланади. Ўтмишда маҳаллий аҳоли томонидан сув учун фойдаланилган бу идишлар ўзига хос талқин қилинган. Муаллиф, кўзани бошларини осмонга чўзган икки ҳайвон танаси ўртасидан анъанавий мусика асбоби ўсиб чиққан ҳолда тасвирлайди. Б.Гулов фольклор-эртақ руҳидаги йўсинда безакли нақш ва шакллар ёрдами билан ҳаёлий афсонавий маҳлуқнинг юзасини безаган ҳолда ўзига хос ифода этади.

Ўзбекистонда ўтказилган симпозиумлар шундан далолат бердики, Марказий Осиё амалий санъатининг ноанъанавий кулолчилик соҳасидаги усталарнинг ижодий тамойиллари бир-бирига ўхшамаган ҳолда ўзларининг маданий-тарихий анъаналарига узвий боғлиқ — бу эса адабий, фольклор, эпос, афсоналардан фойдаланишда кўрилади. Бундай боғлиқлик уларнинг асарларига ҳамиша ўзига хос колорит ва керакли тамойиллик бахш этади. Бадий Академиянинг кўргазмалар залидаги “Наврўз”, “Энг улўғ ва азиз”, Мустақиллик байрамига бағишланган кўргазмалар, шу билан бирга БМТ лойиҳаси бўйича “Ле Меридиан” меҳмонхонасида (1998) ўтказилган “Ўзбекистоннинг хунармандчилик буюмлари” савдо кўргазмалари сўнгги йилларда анъанага айланди.

Ушбу кўргазмаларда ноанъанавий кулолчилик асарлари ҳам иштирок этмокда. Ми-



Ш.Мўминова. “Воҳа” декоратив композиция. 1995.

керина Л. – жигарранг, кук, мовий ранглар жилоси орқали йил фасллари акс этувчи “Декоратив лаганлар”(2001) туркуми билан, Козлова Л. Самарқанд терракоталарига ҳамонанг, аммо замонавий шакл-шамойиллар билан уйғунлашган ва аёл қиёфасида тасвирланган “Байрам”, “Романс”, “Афсонадаги қиз” (2000), “Шодлик”, “Оҳангдошлик”(2001) асарлари бунга мисол бўлиши мумкин. Шу билан бирга бу кўргазмаларда ноанъанавий кулолчилик соҳасида кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган усталарнинг ижодий изланишлари билан баҳраманд бўласиз. А. Тургунов асарлари ўзига хос шоирона матнга, сержилва қатламга эга “Оқшом”, “Сухбат”, “Олтин куз”, “Жанг” (2000), Ф.Тошмухамедов “Тақдир нилдираги” (1991), “Етуклик” (1996), “Саховат”(2000) асарлари фикрлашга мойиллик туғдирувчи теран фалсафий мушоадалар ва маданий кадриятлар инъикоси билан йўғрилган бўлса, Р.Янгибаевнинг “Шердор”(1991) асарида тарихий-маданий муаммолар пластик тарзда талқин этилган. Савдо кўргазмаларида самарқандлик кулоллар Х. Ҳақбердиев ва З. Мухторов асарларида турли ҳайвонлар ва қушларнинг кўринишларини ифодалаш, йўқолиб кетган шаклларни қайта тиклашга бўлган интилишдан далолат беради.

Академик Ш.Мўминова асарлари (“Воҳа”, “Куз”, “Шарк аёллари” ва ҳоказолар) шакл-

лари яхлитлиги, маконга ўзаро фаол муносабатда бўладиган мураккаб барокко композициялари каби нафис ифодавийлик, ёрқин рангдорликка эришишда истеъдодли кулолдан катта маҳорат сарф қилишни тақозо этади. У яратаётган нафис чинни маҳсулотларда акс эттирилаётган композицияларда персонажларнинг аниқ, таъсирчан тавсифини, сюжетларнинг ўзига хос образли ечимларини кўриш мумкин. Шу билан бирга унинг асарларида қатор аёлларнинг назокатли тимсоли мужасам этган чинни ҳайкалчаларни учратиш мумкин. Рассом кулолнинг хом ашё сифатида чиннидан фойдаланиши, ундан энг замонавий технология асосида иш кўриб, ранго-ранг, безаклари ғоят нафис ҳамда мураккаб буюмлар яратишига имкон яратади.

Давлат ёрдамини ҳис қилган усталар ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигига эътибор қилиб, манфаатдорликка эришиш учун иш қўламини кенгайтирмоқдалар. Бир қатор махсус кичик корхоналар тузилмоқда.

Агар 70 – 80 йилларда ноанъанавий кулолчиликдан кўргазмалардан ташқари, шаҳар муҳитига ўрнатиш ва интерьерларда қўллаш кенг тус олган бўлса, ҳозирда замонавий маҳаллий меъморчиликда кўпроқ қўлланилмоқда. Шу билан бирга шахсий иморат қурилишларида камин, фонтанлар ишлаш ҳам кенг тус олмоқда, бу ҳам Арт Бизнес (санъат тижорати) билан боғлиқ масалалардан биридир. Ноанъ-



Б.Баротбоев. «Лаганлар». Қўқон. 1998.

анавий кулолчилик асарларини шаҳар муҳи-тида, боғ ва хиёбонларда ўрнатиш каби йўна-лиш ривожини муаммоли соҳалардан бири бўлмоқда.

1991—2001 йилларда кулоллар ижодида нафақат афсона, дoston ёки фольклор оҳанг-

лари ва образларни, балки қадимги ва ўрта асрлар тасвирий санъати ёдгорликларида сақ-ланиб қолган сюжетларни ҳам ўз ичига қамраб олувчи тарихий-маданий муаммолар пластик тарзда талқин қилиш омилига айлан-ди.

БАДИЙ КАНДАКОРЛИК

1990 йиллар Ўзбекистон бадий кандакор-лигини ривожиди ўзига хос бир давр бўлди. Тошкент, Марғилон, Бухоро, Хоразм шаҳар-лари унинг асосий марказлари ҳисобланади. Бу даврда Ўзбекистон бадий кандакорлигини муайян мураккаб услублар, турли хил шакл-лар, техник ва бадий жиҳатлари билан аж-ралиб турувчи маҳаллий услубларни сақлаб қолган ҳолда ривожланди.

Қатор усталар ижодида ўйма-нашқларнинг турли хил: чуқур ўймалаш (кандакори), саёз ўйилган нақшлар (чизма), кесма кандакор-лик (шабака) каби услублари кузатилади. 1990 йиллар Ўзбекистон бадий кандакорлигида безакли нақшлар муҳим мавзули ва шаклли омиллар бўлиб хизмат қилди. У мусулмон даври кандакорлигининг бадий услублари ва анъанавий мавзуларини сақлаб қолди. Бади-ий кандакорликда ишлатиладиган хандасавий ва ўсимликсимон кўринишдаги нақшлар ус-луби буюмнинг вазифавий белгиланиши ҳамда унинг технологик жараёни, қўлланиладиган ашёси, шакли ва ҳажмий ўлчамлари билан узвий боғлиқ ҳолда кечди.

1990 йиллар мис кандакорлигини кўрғазма-ли-совғабоп жиҳатларини чекламаган ҳолда, моддий фойда келтириш хусусиятини эгалла-ганлигини намойиш эта бошлади. Масалан, офтоба, дастшўй, чойдиш каби буюмлар тўй ва диний маросимлар, шунингдек, юбилейлар-да кенг қўлланилади.

Бадий кандакорликнинг етакчи усталари-дан бири тошкентлик кандакор М.Мадалиев-дир. У анъанавий шакллар асосида чойдиш, офтоба, баркашлар тайёрлайди. У алоҳида буюмлар, шунингдек, таркибига чойдиш ёки офтоба ва мўъжаз ҳажмли нафис пиёдалар кирувчи тупламлар ҳам яратади. Бу буюм-лардан ташқари баъзан уста ноанъанавий шаклдаги гулдонлар ва пичоқлар қилади. Ма-

хоратли устанинг нақшлари аниқ ўйилганли-ги, бежиримлиги ва мазмундорлиги, кичик қисмлари нозик бажарилганлиги билан ажра-либ туради. Уста буюмнинг тагига ишлов бе-ришда пардозини, нақшларнинг устки қисмига эса чекма, кесма, катак, чокма каби турли хил услубларни қўллайди. Нақшлар орасида бодомсимон нақш, яъни қалампир уста кенг қўллайдиган йўсинлардан биридир.

Асосий нақшлар тузилиши жиякли ҳошия-лар билан ажратиш М.Мадалиев буюмлари беагининг асосий услуби ҳисобланади. Бар-каш ва косаларнинг ён деворлари албатта ҳошияли тарзда тугалланган. Ҳатто, идиш-нинг бутун танаси юқоридан ва пастдан ин-гичка нақшли белбоғлар ва чиқиб турувчи гардишлари билан чегараланган.

Гуллар, барглар, шунингдек, ўзида ўсим-лик гажакларини намойиш этувчи ўсимлик-симон нақшлар, яъни ислимий услуб усталар томонидан қўлланиладиган асосий нақшдир. Ислимий нақшлар ўзида саноксиз турларни



М.Мадалиев. «Чой сервиси». Тошкент. 1991.

намоён этади: ўралиб кетувчи шохчалар, бир маромдаги чизиклар, чирмашувчи шохчалар ёки айланиб кетувчи бурамалар тарзида. Халқ санъатида тез-тез қўлланувчи коидаларга мувофиқ — бутуннинг ўрнига бир қисм тарзида — баъзан бу нақшлар хайвонлар қисмлари билан муносиб уйғунлаштирилган. “Чашми булбул” (булбул кўзи), “кўчқорак” (кўчқор шохи), “пушти балик” (балик тангачаси), “қирмак” (қурт), “капалак”, “илон изи” нақшлари кўп учрайди.

Гишт, меҳроб, занжир каби ҳандасавий нақшлар ҳам тез-тез қўлланилган.

А.Мадалиев буюмларида идишнинг бутун сатҳини қўркам гуллар ва барглarning бир-бирига уйғунлашиб кетган тарзи калин тўр сингари ястанади. Композициянинг бундай ташкил этилиши унинг турланишини чексиз ташкил этсада, лекин баъзи унсурларнинг диққат ва маҳорат билан ишланганлиги томошабинга яхлит композицион услуб ва мавзунини илғаб олишга имконият беради. Бир хил кўринишни унсурларни такрорлаш билан уста янги-янги мавзуларни жонлантиради.

М.Мадалиев ўз ижодида фарғона ва марғилон кандакорлик мактаблари анъаналарини ривожлантиради, шунингдек, бошқа турли мактаблар, жумладан Бухоро мактаби анъаналарини фаоллик билан юксалтиради. У доимий ижодий изланишдадир. М.Мадалиевнинг ижодий муваффақиятларини унинг ўғли ва шогирдлари юксалтирмоқдалар.

Марғилон кандакорлик мактаби анъаналари марғилонлик усталар М.Мадалиев, З.Ғафуровлар томонидан сақланиб ва ривожлантирилиб келинмоқда. Чойдиш, офтоба каби анъанавий шаклдаги буюмлар қаторида усталар тўпламлар ишламоқдалар. Улар ясаган кандакорлик буюмлари, асосан, ўсимликсимон нақшлар билан бойитилган, унчалик чуқур ўйилмаган нақшлардаги аниқлик сезиларли даражада кўзга ташланади. Умуман олганда, ёш усталар томонидан яратилаётган ушбу кандакорлик буюмлари уларнинг анъанавий кандакорлик сирларини сақлаб қолиш борасида фаол иш олиб бораётганлигидан далолат беради.

Бадий кандакорлик санъатининг 1990 йиллардаги йирик марказларидан бири Бухородир. 1960 йилларда Бухоро кандакорлик мактаби сезиларли инкирозга учради, фақатгина 1990 йилларга келиб Бухоро мактаби яна ўз мавқеини тиклай олди ва мислсиз ривожига

эришди. Бугунги кунда Бухорода 200 га яқин кандакорлар фаолият олиб боришмоқда, улардан 20—25 таси юқори малакали усталардир. Уларнинг барчаси Бухоро кандакорлик мактабининг машҳур устаси С.Ҳамидовнинг шогирдларидир. Улар орасида Д.Халимова, Ғ.Рахматова, У.Алиев, С.Мухсин, Т.Қосимов, М.Аҳмедов, Р.Рўзиев ва бошқаларни санаб ўтишимиз мумкин. Уларнинг баъзи унутилиб бораётган Бухоро кандакорлик мактаби анъаналарини қайта тиклаган С.Ҳамидовнинг хотирасига унинг номи билан аталувчи “Кандакор” бадий кандакорлик устaxonасида фаолият кўрсатмоқдалар.

Д.Холидовани кандакорлик анъаналарини давом эттирувчи моҳир усталар сараси кiritишимиз мумкин. У устaзoдалар аvлoдига мансуб эмас, кандакорлик бўйича маълумотни С.Ҳамидовдан олган. Кандакор аvратган нақшлар oҳанрабо бўлиб, у “ислaм бoдoм нyсxa”, “хуришд” (яримқуёш нyлари), “зeб нақши” (чиройли нақш), “ислaм маoси” (нур тарaтиб турувчи нақш) кaтaбиaтнинг ранг-баранг, ажoйиб мавзyларини тaнлaб oлади.

Ғ.Рахматова ишлари ўзининг юқори даражаси билан ажралиб туради. Унинг чойди баркаш, офтобаларининг нақшли композицияларида ўсимликсимон ва ҳандасавий мавзулар уйғунлашиб кетади. У ишлаган буюмлар ўймакорликнинг турли услубларини усталик билан мукобиллаштирилиши, ўймакнинг чуқурлиги, шакллариининг пластика билан алоҳида ажралиб туради.

И.Ҳамидов, У.Алиев, М.Аҳмедов, Р.Рўзиев сингари усталар яратган композициялар текис-бўртмаларни учратиш мумкин. Улар иларидаги ўзига хос бўлган мавзулар: “низанжира” (тикка тарзда жойлашган яримзажира), “турна”, “ним-хигит-муғжа” (ғунча яримғишт), “барги мажнун” (мажнунтол бағи), “ситора” (юлдуз). Улар яратган буюмларини безашда феруза, қаралл(маржон) толари, шунингдек, рангли шишани қўллаш билан нақшлар тузилишига янада мутаносилик бахш этадилар.

Бухоро кандакор-усталари ўз буюмлари идишлигини янада бойитиш борасида иш олиб бора эканлар, безакли нақшлар билан буюмларда меъморий ёдгорликлар, қушлар, хайвонлар тасвири, шунингдек, портрет сингари анъанавий мавзуларни ҳам қўллашмоқда. Бухоро кандакорлик буюмларида хаттотл

ёзувларидан фойдаланиш ҳам кенг тус олмакда.

1990 йилларда Хоразм кандакорлик мактаби ўзига хос шакллар ва нақшларни сақлаб қолган ҳолда ривожланди. Хоразмлик устакандакорлар “селобча”, мисдан ясалган “ношиша”ларни анъанавий буюм сифатида тайёрлаб келишмоқда. Хивалик усталар Б.Бобожонов ва У.Машариповлар чуқур ўйиб ишланадиган “кандакорий” услубидан кенг фойдаланадилар. Буюмнинг сатҳи хоразмлик кандакорлар ижодида текис, бўлакларга ажратилмасдан талкин этилади. Замонавий хивалик кандакорлар ижодига хос нақшлар тизими ўзининг мутаносиб ўлчамлилиги ва қатъийлиги билан ажралиб туради. Нақшлар мажмуида ўсимликсимон йўсинлар етакчилик қилади. “Айланма ислимий”, “турунж”, “савр” мавзулари шулар жумласидандир.

1990 йилларда Ўзбекистон бадий кандакорлиги усталарининг кўпайиши ҳамда улар ижодидаги бадий изланишлар, бу турнинг технологик жиҳатларини сақлаш билан бирга, унутилиб кетган кўпгина анъаналарини қайта туғилишига олиб келди. Шу билан бирга, бадий кандакорликнинг Қўқон, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз каби йирик марказларининг анъаналари XX асрда унутилиб кетганлиги кишида афсус ҳиссларини уйғотади. Уларнинг қайта шаклланиши ҳали олдинда. Шундай қилиб, 1990 йилларда Ўзбекистон бадий ҳунармандчилигининг бошқа турлари каби кандакорлик соҳасида ҳам турли нақшли-тасвирий мавзулар, бетакрор бадий-технологик услубдаги буюмлар яратиш билан бирга, ажойиб намунавий санъат асарлари яратилмоқда.

Маълумки, XIX—XX асрларда Ўзбекистон пичоқчилик санъатида бир қатор мактаблар вужудга келган.

1990 йилларда ҳунармандчиликнинг ушбу тури Чуст, Хива, Андижон, Шаҳрихон, Қорасув, Қўқон, Самарқанд каби шаҳарларда ривожланиб келмоқда. Замонавий усталар маҳаллий мактаб хусусиятларини ўз асарларида тўла акс эттиришга эришмоқдалар. Анъана-

вий бўлган гулдон пичоқлар, қадама маъданлар, нақшлар билан безатилган чарм кинга солинган бўлиб, усталарнинг маҳоратидан, нозик дидидан далолат беради. Пичоқсозликда ишлатиладиган асосий хом ашёлар — темир ва лўлат; пичоқ кинини тайёрлашда эса тери, ёғоч, газлама; пичоқ банди учун ёғоч, мол шохи, фил суяги қўлланилмоқда. Ушбу кадимги санъат тури йирик ва машҳур пичоқчилик марказларидан бири бўлган Чуст шаҳрида ривожланиб келмоқда. А. Абдурахимов, Н. Даминжонов, М. Олимжонов, Р. Рахимов, Р. Қундузов, Э. Махмудов, К. Махмудов каби усталар Чуст пичоқчилигига хос бўлган бадий услубни сақлаган ҳолда ривожлантирмоқдалар. Уларнинг пичоқлари турли шаклда қилинган: тиглари ингичка ва узунроқ, кўпинча тигининг учи тескарига қайрилган бўлиб, сопи ёғоч ва суяк, қадама нақш билан бошқа мактаблардан фарқ қилади.

Қўқонлик О. Умаров, О. Қобилов, К. Ахоров каби усталарнинг пичоқлари бадий анъанага кўра тиги қалин, дастаси сарбастали бўлиб, маҳаллий мактабнинг ўзига хос жиҳатларини намоён қилади.

Қорасувлик пичоқсоз В. Асқаров пичоқлари анъанага кўра сукма сопли, гулбандига гуллар солинган.

Андижонлик А. ва Т. Мухиддиновлар, Т. Боиров каби усталарнинг пичоқлари сукма сопли, ўткир дастали, сийрак гуллилиги билан ажралиб туради.

1990 йилларда Хива шаҳри пичоқчилик санъатининг йирик марказларидан бири бўлиб қолди. Бу жараёнда Отажоновлар сулоласи ва М. Отажонов шогирдлари ўзининг ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. Уларнинг пичоқлари шаклнинг нозиклиги, тигнинг юзига ўйилган безакларининг нафислиги, маъданинг моҳирона ишланганлиги билан бошқа мактаблардан фарқ қилади.

Умуман олганда, 1990 йилларда пичоқчилик санъати янада юкори поғонага кўтарилган. Замонавий пичоқсоз-усталаримиз тарихий меросга таянган ҳолда бетакрор санъат асарларини яратмоқдалар.

ЗАРГАРЛИК

XX асрнинг бошларигача бўлган даврда хунармандчиликнинг ушбу тури кенг ишлаб чиқаришнинг таркибига кириб улгурганди. Бу эса ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг ягона қилип асосида яратилишига, аста-секин даврлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келаётган баъзи унсурларнинг йўқолишига ва баъзи анъанавий хом ашёларни, технологик жараённинг янги замонавийларига бўшатиб беришига олиб келди. Халқ усталарининг сони қисқара бошлади. Бу ўз навбатида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган, усталар учун отақасб ҳисобланган соҳани инкироз бўсағасига олиб келди. Ўтган даврларда усталарга қимматбаҳо металллардан фойдаланишга йўл қўйилмади. Кўп йиллар давомида улар фақат мелхиордан фойдаланишга мажбур бўлдилар. Заргарлик фабрикаларида ижод қилган уста-заргарлар иш жараёнида аста-секинлик билан мавжуд анъаналардан йироқлаша бордилар. Натижада улар томонидан ишлаб чиқарилган буюмларнинг шакл-шамойили ўзгариб “эkleктик” манзарани юзага келтирди ва баъзи анъаналарни буткул йўқолишига олиб келди.

Сўнгги ўн йиллик мобайнида маданий қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда, заргарларимизнинг ҳам ижодлари бирмунча жонланди. Унутилиб бораётган анъаналарни тик-

лаш бошланди, энг асосийси уларга қимматбаҳо металл, қумуш материалларидан фойдаланишга имкон яратилди.

90-йилларда ижод қилаётган усталар асосан икки йўналишда ишламоқдалар. Улар маҳаллий заргарлик санъатида кенг қўлланилган шаклларнинг унутилиб бораётган анъаналарини қайта тикламоқдалар. Баъзи усталаримиз эса ноанъанавий йўналишда ижод қилмоқдалар. Биринчи гуруҳ усталари қаторига Дадамухамедовлар сулоласи, Г.Йўлдошева, Р. Мухаметшин, М.Нозирхонов, Ш.Низомов, И.Олимов, Г.Тошева каби усталарни киритишимиз мумкин. Кўп асрлар мобайнида шаклланган анъаналарни қайта тиклаш, уларни замонавий жараёнда омухталаштириш ушбу гуруҳ аъзоларининг асосий мақсадидир. Ф. Дадамухамедовнинг фикрича “асрлар мобайнида шаклланган шакл ва пропорцияларда, бўёқ ва усулларда гўзаллик ва уйғунлашиш каби ҳислатлар яширинган. Ишланаётган ҳар бир асарнинг заминида ушбу ҳислатлар сингдирилмоғи даркор”. Замонавий анъанавий заргарлик буюмлари — туморлар, сиргалардан “уч қўзача”, “ой болдоқ”, “ер бидор”, “қашғар болдоқ” ва бошқа турларининг ривожланиши ҳамда уларни ишлашдаги технологик жараёнларда ҳам қайта туғилиш даври бўлмоқда. Замонавий заргар усталаримиз заргарлик техникасини бир неча турларини моҳирлик билан ўзлаштирганлар: босма, ўйиб ишлаш, зарб қилиш, қорамтир тус бериш, тўқиш, қуйиш ва ҳоказо.

Ўзбекистон анъанавий заргарлик санъати ўзига хос ранг-баранглиги билан ажралиб туради. У ўзининг ривожланиш босқичларида бир қатор мактабларни шакллантирди. Ушбу мактабларга хос буюмлар бир-биридан қўлланадиган ашёси, йўналиш ва буюмларнинг шакллари билан фарқ қилади. Шу сабабли, ҳозирда ижод қилаётган заргар-усталар учун анъаналарни ўрганиш, ривожлантириш ва янги йўналишларни кашф этишлари борасида қатор имкониятлар мавжуд. Масалан, Ф. Дадамухамедов заргарлик санъатидаги бирон-бир мактаб андозаларини кўр-кўроналик билан ўзлаштиришга ҳаракат қилмайди. Устанини асарларида Бухоро, Хоразм, Сурхондарё ва бошқа мактабларнинг айрим чизгилари бир-бирига уйғунлашган. Г.Йўлдошева, Р. Муха-



Ш.Низомов. Сирға “Қубба”. Тошкент. 1995.

метшиннинг асарлари эса ўзининг нозиклиги, ўйма нақшлар йиғмаларининг мохирлиги билан ажралиб туради. Уларнинг кенг қўллайдиган услублари – буюмнинг асосига бириктирилган қўшимча осилмаларнинг сонини кўпайтиришга аҳамият беришдир (туморларнинг гарнитури, “Уч кўзача” сирғаси, 1999 й.). Г.Тошеванинг заргарлик асарлари, аксинча, қадимги анъаналарни давомчиси сифатида намоён бўлади. М. Дадамухамедовнинг заргарлик буюмларида соҳанинг мумтоз шакллари ўз ифодасини топган. С.Муллануров ўз асарларида содда ва тоза шакллар эстетикасига кўпроқ аҳамият беради. Анъанавий шакллардан нафис фойдаланиш унинг асарларига миллий рух багишлайди.

Анъанавий йўналишдаги усталарнинг ижодларида безакдорликка интилиш сезилади. Мумтоз композициялар бирмунча мураккаблаштирилмоқда, янги унсурлар пайдо бўлмоқда.

Ўзбекистон заргарлик мактабининг вакиллари орасида Э.Гостев, У.Холмуродов ва А. Улумбековалар ҳозирда замонавий ноанъанавий йўналишда ижод қилмоқдалар. Улар орасида Э.Гостевнинг асарлари айниқса, таҳсинга сазовор. Чунки, охириги йилларда ташкил этилаётган кўргазмалар, либослар намоёнчиликлари унинг асарларисиз ўтмайди. У барча маданий тадбирларнинг фаол иштирокчиси. Ҳатто 2001 йилги “Офарин” республика танловида у йилнинг энг яхши ижодкори учун бериладиган дипломга сазовор бўлди.

Э.Гостев ўз ижодини айнан ноанъанавий йўналишда олиб бораётганига тўхталиб, “аввал заргарлик буюмлари ўзида илоҳий маъноларни, диний тушунчаларни ифодалаган бўлса, ҳозирги кунда улар кўп ҳолларда эстетик ва декоратив вазифаларни бажармоқда”, деган фикрни илгари сурди. Лекин шундай бўлсада, устанинг ҳар бир асари ўзининг шакл-шамойилига эга бўлиб, қўлланиладиган баъзи шакллар замида шарқона чизгилар намоён бўлади. Масалан, “Офарин” танлови учун яратилган тиллақош-диадемада, уста анъанавий ўймакорлик шаклини замонавий унсурлар билан уйғунлаштириб юборади. 12 циркон, феруза ва нефрит тошлари қадалган ушбу тиллақош шакл-шамойилларининг ўзаро ўйини натижасида бетакрорлик қасб этади.

Э.Гостевнинг асарларидаги ҳар бир безак жуда пухта ўйланган. Майда безак марказий

нақшга уйғунлашади. Уста бўлажак асарларининг шаклини даставвал ҳаёлан яратади. Ҳамма томонлари пухта ўйланганидан сўнггина у амалий ишга киришади. Агарда ҳаёлидаги кашф этилган нусха фақат маъданда ишланишни талаб қилмаса, дарҳол бошқа материал билан алмаштирилади. Масалан, тошларни оладиган бўлсак, ишлов бериш жараёнида Э. Гостев уларнинг табиийлигини сақлаб қолишга интилади. Балки шунинг учун унинг асарларида “минимализм” йўналишининг таъсири кучли сезилади. Қайси асарини олмайлик, асосий эътибор тошга ва у ўрнатилган маъдан асосга қаратилганининг гувоҳи бўламиз. Айнан мана шунда устанинг маҳоратини, заргарлик асарларидаги жозиба ва бетакрорликни кўрамиз. Шу билан бирга уста ижодий изланиш оқибатида заргарлик санъатида янги услуб ва йўналишлар устида ҳам тинмай изланади, металлари ўзига хослиги ва табиийлигини сақлаб қолиш мақсадида турли техник усуллар ёрдамида уларнинг тобланиши ва жозибadorлигини сақлашга интилади.

Ҳозирда Э.Гостев кундалик турмушда иш-



Ф.Дадамухамедов. “Уч кўзача” комплекти.
Тошкент. 1993.

латиладиган заргарлик асарлари – тақинчоқларни яратиш билан биргаликда, факат кўргазмалар учун намоиш этилиши мўлжалланган асарлар устида ҳам ижод қилмоқда.

Н.Холматовнинг заргарлик буюмлари ўзига хос конструктивлиги билан ажралиб туради. Бир вақтнинг ўзида ушбу заргарлик намуналари кичик ҳажмдаги ёрқин безакли бўртиб турган хайкалли композицияларни эслатиб, уларга маълум даражада семантик урғу берилган. Заргар буюмларининг асосини геометрик шакллар ташкил этиб, улар ярим айлана, тўғри тўртбурчак, уч бурчаклардан иборатдир. Уста асарларида металнинг текис сатҳини ранг-баранг тошлар билан уйғунлаштириш натижасида бадий ечимнинг лўндалиги ва сиполигига эришади (“Орол” туркуми, 2000).

Заргар Э.Гостев ижодига ҳамоҳанг Н.Холматов ҳам миллий йўсинларни мушоҳада этади. Масалан, тўғноғичларни яшаш жараёнида зарб этиш, қуйиш техникасидан фойдаланган ҳолда, заргарлик буюмларида ўзбек миллий матоларига хос нақш тизимини яратишга эришади (“Хон-атлас”, 2000).



Э.Гостев. “Парвоз” заргарлик композицияси.
Тошкент. 1998.

Заргарлик санъати ихлосмандларига рассом-модельер, заргар А.Улумбекованинг ижоди яхши таниш. Тошкентлик машҳур заргар Л.Авакяннинг шогирди А.Улумбекова ўзига хос ижоди билан республиканинг етакчи заргарлари қаторидан жой олишга муваффақ бўлди. Унинг асарларининг асортименти кенг – узук ва бўйин тақинчоқлари, тўғноғич ва бошқалар.

А.Улумбекованинг асарлари бошқа касбдошларининг буюмларидан композиция эркинлиги ва жўнлиги билан ажралиб туради. Уларда бирон-бир заргарлик мактабининг анъаналарини ёки бирон заргар устанинг таъсири кўринмайди. Ёш заргар ўзининг кузатув ва изланишлари орқали ҳар бир металнинг ўзига хослиги ва жозибасини қай йўсинда бўлмасин, кашф этишга ҳаракат қилгани намоён бўлади. Уста металл билан ишлаш жараёнида эритилаётган металллар бўлақларини турли шаклларга қириши орқали кутилмаган шакллар пайдо қилади. А.Улумбекова мана шу нозик пайтдан фойдаланиб, уларга озгина ишлов бериш орқали умуман кутилмаган, композиция томонидан қизиқарли шаклларни кашф этмоқда. Шунинг учун унинг асарлари ғайриоддий ва кутилмаган унсурларга, шаклларга жуда бой. Тақинчоқлар тўплами “Аёл” 1998, “Африка” 1999, “Қўнғизлар” 1998, “Балиқча” бўйин тақинчоғи 1999, “Гильотина” 2000 йиллар ва бошқалар. 1998 йилда А.Улумбекова – Тошкентдаги рассом-заргарлар орасида ўтказилган Ёшлар кўргазма танловининг совриндори бўлди.

Истеъдодли заргар уста У.Холмуродовнинг асарлари ҳам техник томондан нозиклиги ва металл безакдорлигини услуб томондан кўрсатишга ҳаракат қилганлиги билан диққатга молиқдир. Л.Авакяннинг шогирди У.Холмуродов ҳозирда устозининг анъаналарини давом эттирмоқда. Унинг олтиндан, латундан ва сунъий тошлар қадалиб ишланган заргарлик буюмлари — қўл ва бўйин тақинчоқлари ҳар вақт ўзида маълум бир кайфиятни сингдиради.

Шу билан бирга, баъзи бир усталар ижодига икки хил, яъни анъанавий ва ноанъанавий йўналиш хосдир. Э.Гостевнинг ижодига анъанавий шаклларнинг турли хил кўриниши хос бўлса, Тошкентлик заргар Р.Мухаметшин ижодий намуналари ўзининг безакдорлиги, тасвирнинг нозиклиги ҳамда халқ санъатининг мумтоз намуналари асосида яратили-



У.Холмуродов. Заргарлик комплекти. Тошкент. 1999.

ши билан фарқланади (“Хаёт дарахти”, 1993, “Тоғ ирмоғи”, 2001).

Ҳозирги кунда уста-заргарлар билан бир каторда бирнеча бирлашмалар – “Фонон” ИИЧБ, “Кумуш” бирлашмаси, “Нур” давлат заргарлик маркази, “Мусаввир”, “Устозода” каби марказлар ҳам ички бозорни заргарлик буюмлари билан тўлдирмоқдалар.

Ўзбекистон Бадий Академияси заргарлик санъатининг ривожланишига катта эътибор

қаратмоқда. Академиянинг ташаббуси билан 2001 йилнинг апрел ойида “Заргарлик – 2000” Халқаро кўргазмалари намоёниш этилди. Ушбу кўргазмаларда Ўзбекистон, Россия, Арманистон, Украина, Грузия, Канада, Италия ҳамда Хиндистон давлатлари заргарлари ўз асарлари билан қатнашдилар. Бу кўргазма Республика маданий ҳаётида сезиларли воқеа бўлиб, миллий заргарлик санъатининг ривожланишига яна бир муҳим туртки бўлди.

ГАНЧКОРЛИК

Ўзбекистон ганчкорлик санъатидаги асосий мактаблар XIX асрга келиб, шакллана бошлади: Тошкент, Фарғона, Хоразм ва Бухоро.

Маълумки, ганчкорлик санъати халқ амалий-безак санъатининг бошқа турларига қараганда, меъморлик санъати билан узвий боғлиқ. Унинг азалий хом-ашёси, ишлов берилган алебастр бўлиб, иш жараёни (катта объектларда) кўп кишиларнинг меҳнатини талаб қилади.

Дастлаб, қурилишларда маҳаллий мактабларга хос, анъаналар билан боғланиш кучли бўлган. Тошкент мактабида кенг тарқалган композициялар (Ўсимлик-ислимий) фарғоналик усталарнинг ишларига яқин бўлиб, кўпинча “Ўсимлик-занжира” туркумидаги нақшларни ташкил этади. Уларнинг ўйилиши ҳам бирмунча чуқур бўлиб, баъзи ҳолларда ганчнинг

умумий фони бўялади (ҳозирги кунда айниқса оммалашиб бормоқда).

Бухоро мактаби ганчкорлигининг техник жараёни бирмунча мураккаб. Унда уста Ширин Муродов томонидан кашф этилган – ойна устига ганч ишлаш кенг тарқалган. Тошкент мактабидан фарқли ўларок, Бухорода ўсимлик нақшлари билан биргаликда геометрик шакллар (айлана, кўпбурчак, киррали шакллар ва ҳоказолар) ҳам кўп ишлатилади. Хивада қўлланиладиган композициялар майда гулли нақшлардан иборат бўлгани сабаб, улар текисликда чуқур ўйилмайди.

Замонавий жараёнда ганчкорликдан нафакат девор текислиги ёки шифтларни безашда балки устунлар, равоқлар, хошияларни безашда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Чунки, у маҳаллий иқлим шароитига мос, хом ашё фақат ок рангдан иборат бўлгани сабаб, ҳар

қандай ўлчамдаги интерьерларга мос, ўзидан ҳаво ўтказади ва катта сарф-харажат талаб қилмайди. Шунинг учун, нафақат давлат аҳамиятига молик объектларда, балки кенг аҳолининг яшаш уйларида ҳам ганчкорликдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

1990 йиллардан бошлаб, фойдаланишга топширилаётган объектларда асосан “Усто” бирлашмасининг усталари фаолият кўрсатмоқдалар. Бирлашмада ҳозир М.Муродов, Х.Абдуллаев, А.Султонов, А.Пўлатов, М.Раҳматов, А.Мухторов, Х.Азизов ва бошқа йирик усталар бошлик гуруҳлар ишламоқдалар. Уларнинг ижодий намуналарини Ўзбекистон Президентининг “Оқ сарой” қароргоҳи (1998—99), Темурийлар тарихи Давлат музейи (1996), “Туркистон” концерт зали (1994), “Юнусобод” теннис корти (1994), Давлат “Цирк” биноси (1999), Тошкент шаҳар ҳокимлигининг янги биноси (1996—98), Россиянинг Воронеж ва Москва шаҳарларидаги “Ўзбекистон” ва “Наманган” магазинлари (1989—92), Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси (2000), Ўзбекистон Президенти Аппаратининг Матбуот маркази (1998), “Гулистон” спорт мажмуаси (1997), Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон (2000), Малайзия (1993) давлатларидаги элчихоналарининг бинолари, колаверса, Самарқанд вилоятидаги Имом-ал-Бухорий, Фарғона вилоятидаги Аҳмад ал-Фарғоний мажмуалари (1998) ва бошқа йирик объектларда учратиш мумкин. Шу билан бирга, усталар қайта таъмирланаётган биноларни ҳам тиклаш жараёнида қатнашмоқдалар (Сайилгоҳ кўчасидаги чойхона, Марказий универмаг, Тошкент метрополитени бекатлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги биноси, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйи ва хоказолар).

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Берлин шаҳридаги ўрта асрлар немис мумтоз меъморчилиги асосида қурилган элчихонаси биносидир. Бинони қайта таъмирдан чиқаришда “Усто” бирлашмасининг усталари фаол қатнашдилар. Элчихона биносига тааллуқли шифтдаги бир бўлак оркали бутун безак, А.Султонов, М.Раҳматов ва уларнинг шогирдлари томонидан дастлабки кўринишда қайта тикланди. Бинонинг қабуллар зали М.Султонов ва шогирдлари томонидан ишланиб, девор текислиги намоёниш кўринишидаги

бўлақлардан иборат. Ундаги ганч ойнакнинг устига ишланган.

“Усто” бирлашмаси усталари нафақат республика ҳудудида балки Яқин ва Узоқ ҳорижнинг қатор мамлакатларидаги ресторанларни, қаҳвахоналарни, чойхона ва шахсий уйларни безашда қатнашишлари, уларнинг ижодий намуналарига бўлган талаб Халқаро миқёсда эканлигини кўрсатади (Германия, Швейцария, Туркия, Россия, Малайзия, АҚШ ва б.).

1990 йиллардан бошлаб, жаҳон андозаларига жавоб берадиган биноларни қуриш омалашиб бормоқда (Банк, супермаркет, меҳмонхона, шахсий уй, дала ховлилари, коттедж ва хоказолар). Аммо, ганчкорлик намуналари фақат миллий услубдаги меҳмонхоналарни буткул безашда, қолган пайтларда эса фақат интерьерларнинг баъзи бўлақларини безашда қўлланилмоқда (фриз, девордаги намоёнлар, хошиялар ва б.).

Ўтмишда кенг тарқалган нақш унсурлари, новдалар ва геометрик шакллар, замонавий жараёнда ҳам бирдек қўлланилаётганлигини қуриш мумкин. Нақшларнинг умумий рўйхатида юзага келган янгиликлар яққол кўзга ташланмайди. Чунки, ўзига хос техник жараён билан боғлиқ ганкорлик санъатида турли ёт унсурларни ўзлаштириш қийин кечади. Санъатнинг ушбу тури асосан меъморлик билан чамбарчас боғлиқлиги, унинг қурилиш жараёнидан алоҳида ривожланишини тақозо этмайди. Шунинг учун усталар амалдаги мавжуд анъаналарга оғишмай амал қиладилар.

Меъморлик билан биргаликда турли катталикдаги (ўлчовдаги) намоёнлар ҳам ишланиб келинмоқда. Лекин уларнинг аксарияти кўرғазмалар ёки махсус буюртмалар учун хизмат қилади. Шу билан бирга, ганчдан қолип ясаш асосида ҳам катта композициялар учун бўлақлар қуйилмоқда. Бу услуб катта объектлар устида иш олиб борилаётганда айниқса қўл келади. Ушбу йўналишда ижод қилаётган усталарнинг аксарияти “Мусаввир” илмий-ишлаб чиқариш маркази қошида фаолият кўрсатмоқдалар: И.Аҳроров, Б.Исматуллаев, Ю. Одилов, О.Зокиров, М.Усмонов ва бошқалар. Усталар орасида М. Усмоновнинг асарлари айниқса диққатга молик. Тошкент ганчкорлик санъатининг энг яхши анъаналари унинг асарларида ўз аксини топган. Уста ишлаган намоёнлардаги нақш чизмаларининг

аник ва лундалиги, ўйиш ишларини мукам-мал-тозалиги М.Усмонов санъатини бадий томондан юқори эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги пайтда турли касб-хунар марказлари ва коллежларда соҳага мослаштирилган махсус бўлимлар очилган ва уларда ёш кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди (Ўзбекистон Бадий Академиясининг Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги тасвирий ва амалий санъат билим юртлари).

1991—2001 йилларда Ўзбекистон ганчкорлик санъати азалий анъаналарига суянган ҳолда ривожланмоқда. Ҳозирда ижод қилаётган усталар, маҳаллий мактаблардаги мавжуд

анъаналарни асраб-авайлаган ҳолда ижод қилаётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ганчкорлик санъатидаги маҳаллий мактабларда кенг тарқалган унсурларни амалий санъатнинг бошқа турларидаги нақшлар тизими билан аралашиб кетмаслиги, мавжуд техник жараёнларни асл ҳолича сақланиб қолганлиги ҳақида далолат беради.

1997 йилда М.Усмонов ЎзБА Фахрий аъзоси этиб сайланди. А.Умаров эса ганчкорлик санъатидаги ижодий ютуқлари туфайли 1999 йилда Ўзбекистон Бадий Академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. /

ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ ВА НАҚҚОШЛИК

1990 йиллар Ўзбекистон ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик санъати тарихида янги босқич бўлди.

Ўзбекистон ёғоч ўймакорлик ва наққошлик мактабларини асосан Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хива мактаблари ташкил этмоқда. Ушбу мактабларнинг техник, услубий ва композицион томонларида кўпгина ўхшашликлар билан бирга, фарқли томонлари ҳам мавжуд. Масалан, Тошкент ёғоч ўймакорлигида, “паргори” услуби кенг тарқалган бўлиб, “паргор” ёки “паргол” сўзларининг ўзи услубга қараганда кўпроқ нақшлар рўйхати-га мос ибора ҳисобланади. У циркулда чизилган деган маънони англатади. Шу сабабли, ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик композицияларида кенг тарқалган доира ёки айлана кўринишидаги нақшнинг гулларни “паргорий” деб номлашади. Бу услуб деярли ҳамма усталарнинг асарларида учрайди. Лекин асримизнинг бошларида тошкентлик уста С.Хўжаев ижодида у ўзининг юқори чўққиларига эришган.

Фарғоналик усталарнинг наққошлик асарларида “бута”, “гулдастала”га кенг ўрин берилади. Лекин улар ушбу мактабда бирмунча яхлит, нақшларнинг ораси очик, йирик-яхлит кўринишларда ишланади. Бундан ташқари, Фарғона наққошлигида Риштон кулолчилигига хос мовий бўёқлар кўп ишланиб, унда асосан ўсимлик дунёси нақшлари етакчилик қилади. Чунки, айнан уларда маҳал-

лий аҳолининг “жаннат боғи” ва космогоник, диний фалсафа ҳақидаги тушунчалари ўзининг ифодасини топган.

Самарқанд ва Бухоро ёғоч ўймакорлиги ҳам кўп томонлардан Хива мактабининг анъаналарига яқин бўлсада, ушбу вилоятларнинг наққошлиги ўзидаги композиция ва ранглар мажмуаси билан Фарғона — Тошкент мактабига яқиндир. Чунки, наққошлик санъатидаги мактаблар бир-биридан асосан нақшлар тизими ва ҳар бир композициянинг тасвирланиши билан фарқланади. Масалан, Тошкентда ўйладиган гулларнинг ораси очик, тасвирлар бирмунча эркин бўлиб кўринса, Хоразмда бирмунча зич, новдаларнинг орасидаги бўш жой қолдирилмаслигига катта аҳами-



Наманганлик наққош ҳунарамандлар

ят қаратилади. Уларда ишлатиладиган ранглар деярли барча вилоятлар учун ўзига хос. Хива мактабида кўп ҳолларда меъморчилик кошчиларида кенг тарқалган майда гул ва новдалардан иборат ислимий нақшлар кўп учрайди (ислимий-моргула, ислимий-занжира, ислимий-шобута ва бошқалар).

Ўтмишда халқ санъатининг бошқа турлари каби ёғоч ўймакорлиги ва наққошлиги санъатларида усталар асосан “уста-шоғирд” анъанаси орқали тайёрланади. Бу анъана ҳозирги давргача сақланган бўлиб, шу билан бирга санъатнинг ушбу турларига сезилаётган эҳтиёждан келиб чиқиб, соҳага мослаштирилган қатор коллежлар ҳам профессионал усталар тайёрлашга киришдилар (Ўзбекистон Бадий Академиясининг Тошкент шаҳри ва вилоятларидаги тасвирий ва амалий санъат билим юртлири).

90-йилларга келиб, мустақил ижод билан шуғулланаётган “профессионал” халқ усталарининг аксарияти, марказ ва уюшмалар таркибига аъзо бўлган ҳолда ижод қилмоқдалар. Республика махсус ижодий-ишлаб чиқариш “Усто” бирлашмасига аъзо бўлган усталар Давлат аҳамиятига молик йирик объект ва қурилишларда қатнашсалар, “Мусаввир” ва “Хунарманд” илмий-ишлаб чиқариш марказларига аъзолари уйда ижод қиладилар ва маҳсулотларини мана шу марказлар орқали тарқатадилар. Марказ эса уларга методик ёрдам кўрсатади, усталар ижодини кенг омма орасида, республика ва хориждаги йирик кўргазмаларда тарғиб қилади ва ҳоказо.

Ҳозирда, ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик санъати ўзининг аввалги даврлардаги мавқеини қайта тикламоқда. Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа йирик шаҳарларида қуриб, фойдаланишга топширилаётган ёки қайта таъмирдан чиқарилаётган қатор диний ва дунёвий характердаги қурилишларда унга бўлган талаб кун сайин ортнб бормоқда. “Усто” бирлашмасининг Тошкент шаҳри ва вилоятларидаги бўлинмаларида ишлаётган усталар, охири ўн йил орасида кўплаб йирик объектларда муваффақиятли қатнашдилар: Ўзбекистон Президентининг “Оқ сарой” қароргоҳи (1998—99), Олий Мажлиснинг янги биноси (1997), Темурийлар тарихи Давлат музейи (1996), “Туркистон” концерт зали (1994), Тошкент шаҳар ҳокимлигининг янги биноси (1996—98), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги биноси (1995), Бекобод шах-

ридаги металлургия комбинатининг оромгоҳи (1993), “Алгоритм” заводи (1994), Россиянинг Воронеж ва Москва шаҳарларидаги “Ўзбекистон” ва “Наманган” магазинлари (1989—92), Ўзбекистон Банклар Ассоциацияси (2000), Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйи (1993), Ўзбекистон Президенти Аппаратининг Матбуот маркази (1998), “Юнусобод” теннис корти (1994), “Тулистон” спорт мажмуаси (1997), Давлат “Цирк”и биноси (1999), “Шератон — Тошкент” меҳмонхонаси (1999), “Хотира майдони” (1999), Ўзбекистон Республикасининг Хиндистон (2000), Германия (2000), Малайзия (1993) давлатларидаги элчихоналарининг бинолари, Тошкент шаҳридаги Сайилтоҳ кўча-академидаги чойхона айвони, Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий, Фарғона вилоятидаги Аҳмад ал-Фарғоний мажмуалари (1998) ва бошқалар.

Ёғоч ўймакорлиги ушбу объектларда бир ва икки табақали эшиклар устун коллонадалари, пештоқларни пардозлашда қатнашган. Наққошлик эса асосан гумбазларни ва галерейлар шифтини безашда қўлланилган.

Ёғоч ўймакорлиги асарлари орасида Тошкент шаҳридаги Олий Мажлиснинг янги биноси учун ишланган эшиклар диққатга молик асарлардан. Иш жараёнида кўплаб ёғоч ўймакорлар қатнашдилар. Уларнинг орасида тошкентлик М. Иброҳимова (машҳур уста Н. Иброҳимовнинг кизи) ижодига тааллуқли эшиклардир. Ҳозирда қурилаётган бинолар ўлкамизнинг иқлим шароитларига мос бўлиши, дизайни бўйича жаҳон андозаларига жавоб бериши ва коммуникациянинг замонавий асбоб-анжомлари ва иситиш-совутиш тармоқлари билан таъминланмоғи лозим.

М. Иброҳимованинг Олий Мажлис биноси учун ишлаган эшиклари Малайзиядан келтирилган пальма дарахтидан (субтропик зона) тайёрлангани сабаб, фақатгина анъанавий безак вазифасини бажариб қолмай, замонавий бошқа талабларга ҳам жавоб берди. Улар 2,5х8,2 м., қалинлиги 40,5 см. ўлчамда бўлиб, сиртига асосан “ўсимлик-ислимий”, “гажаксимон” ва “занжира” нақшларининг турлари ўйилган.

Юқоридаги объектлардаги наққошлик ишларини бажаришда М. Тўраев, А. Илҳомов, С. Маҳмудов, Қ. Шоисломов, Х. Нуралиев, С. Шукуров ва бошқа йирик усталар шоғирдлари билан қатнашдилар.

Уларнинг орасида айниқса, А.Илхомов ва Х.Нуралиевлар катта муваффақиятларга эришмоқдалар. А.Илхомовнинг Темурийлар тарихи Давлат музейи (1996) учун ишланган безаклари К.Бехзод номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Уста ижоди давомида фақат Тошкент наққошлигининг аъёналарини ривожлантириб қолмай, нақшларнинг мумтоз намуналарини ўзлаштирган ҳолда замонавий кўринишларини ҳам кашф этмоқда.

Олий Мажлис биносининг марказий Мажлислар залида, Тошкент наққошлик мактабига хос бўлган “қундал”нинг худди Темурийлар тарихи Давлат музейи гумбазидаги варианти учрайди. Кейинги йилларда гумбазларни безашда мовий рангдан умумий фон тарикасида фойдаланиш оммалашиб кетди. Аслида, ушбу ҳолат замонавий жараёнда янгилик эмас. XV–XVI асрлардаги Темурийлар даври қурилишларидаги гумбазларда бошқа ранглар қаторида мовий ранг етакчилик қилган. Шу билан бирга, “қундал” XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошидаги қурилишларда асосан тиллаҳалда бажариларди. Ҳозир эса усталарнинг техник имкониятларининг кенгайиши оқибатида тилла сувидан фойдаланмоқдалар.



С.Раҳматуллаев. Дарвоза. Тошкент. 2000.

Фарғона наққошлигида ҳам худди Тошкентда бўлгани каби, кўп учрайдиган элементларни “меҳроб”, “мадохил”, “бодом” ва “бута” нақшлари ташкил этади. Ундаги асосий нақшларнинг атрофида ёрдамчилари — “чоргул”, “шобарг”, “ойгул”, “занжира” нақшлари турлари ҳамкорлик қилади. Наққошлик санъатида ижод қилаётган ҳар бир уста, амалиёт давомида, мавжуд аъёналарни ўзлаштириб, иш жараёнида классик нақшнинг жуда кўп кўринишларига муваффақ бўлади. Нақшдаги бир арзимаган чизиқ ҳам нақшнинг шакл-шамойилини ёки тасвирдаги мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. 90-йиллардан бошлаб қурилатган бир қанча маданий-маиший хизмат кўрсатиш биноларида ва маиший характердаги буюмлардаги наққошликда ушбу вазият намоён бўлмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши кезлари ҳалок бўлган ҳамюртларимиз учун қурилган “Хотира майдони” ҳам йирик объектлар қаторига қиради. Объектнинг гоявий мазмуни бўйича, унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари учун махсус павильонлар ажратилган бўлиб, уларнинг ҳар бирида урушга кетиб, қайтмаган кишиларнинг исм-шарифлари кўрсатилган.

Майдоннинг икки томонида усти ёпиқ, ҳар бир томони 17 ёғоч устундан иборат айвонлар мавжуд. Ундаги ёғоч ўймакорлиги нақшлари турли мактабларга тааллуқли.



С.Раҳматуллаев. Қутича. Тошкент. 1999.

Лойиха муаллифлари объектда барча вилоятларнинг ўзига хослигини кўрсатишга ҳаракат қилишган. Қорақалпоғистон Республикаси павильонидаги устунларга ўйилган айрим нақшларда, уларни ушбу мактаб анъаналаридан бироз узок эканлиги сезилади. Улар кўпроқ Тошкент — Фарғона мактабидаги нақшларга яқин. Қорақалпоқ ёғоч ўймакорлиги учун кўпроқ, козов ва туркман амалий санъатида кенг тарқалган унсурлар характерлидир. Шунга қарамай, объектда, Ўзбекистон ёғоч ўймакорлигининг илғор анъаналаридан кенг фойдаланилган. Устунлар билан бирга шифтдаги ҳавоза, пешток, “қош”, вассаларга ҳам ўймакорлик услубида нақш солинган. Лекин бунда, нақшлар текисликнинг сиртини буткул копламай, лавҳаларда берилади. Устунларнинг бўйи (2,5х3 м.), айвонларнинг умумий баландлигига ҳамоҳанг танлангани сабаб, улар бирмунча енгил ва нозик бўлиб кўринади.

“Хотира майдони” Мустақиллик майдонидаги очик майдонда жойлашган. Объектнинг атрофидаги табиат манзараси билан боғлиқлигини сақлаб қолиш мақсадида, ундаги “қош”, “ҳавоза”, “васса” ва бошқа қисмлар учун ўсимлик-ислимий нақшнинг бир қанча турлари танлаб олинган. Шу орқали муаллифлар табиат билан объект орасидаги ўзаро уйғунлашувни сақлаб қолишга муваффақ бўлганлар.

Бундан фарқли ўларок, Самарканд вилоятининг Челақ туманида қад рослаган Имом ал-Бухорий мажмуасида бошқачароқ манзара учрайди. Мажмуа буткул меъморлик санъатининг намунаси бўлиб, у ўз навбатида наққошлик, ганчкорлик ва тоштарошлик санъатларининг уйғунлашувидир. Масжит-мажмуа

даги ёғоч ўймакорлиги асарларини юқоридаги “Хотира майдони”да бўлгани каби, устун-пештоқлар, ҳамда 3,60х5,5 метрдан иборат катта дарвоза ташкил этади. Дарвоза М.Абдороров бошлиқ гуруҳнинг махсули бўлиб, у ёғоч ўймакорлигининг “чока пардоз” ва “дула пардоз” услубларида бажарилган.

Ушбу объектларда нафақат Тошкент шаҳри балки республиканинг бошқа вилоятларидан келган ёғоч ўймакор ва наққош усталарнинг қатнашишлари оқибатида, кўпгина унсурлар, композициялар ва услублар аксариyat ҳолларда бир-бири билан уйғунлашиб кетгани кузатилади.

Замонавий сайёҳликнинг ривожланиши оқибатида, совгабоп буюмлар ишлаб чиқариш ҳам кун сайин оммалашмоқда. Бунда “Мунаввир” илмий-ижодий-ишлаб чиқариш маркази аъзолари — О.Файзуллаев, А.Азларов, Э.Алиев, А.Сайдалиев, З.Алимбоев, С.Рахматуллаев, М. Жалолов, Х.Ғаниевларнинг, наққошлардан — М.Тураев, А. Илҳомов, С.Махмудов, Қ.Шоисломов, А.Асқаров асарларини эслаб ўтиш мақсадага мувофиқдир. Бу усталар нафақат республика балки хориж кўргазмаларининг ҳам фаол қатнашчилари (Германия, Япония, Швейцария, Туркия, АҚШ, Буюк Британия, Белгия, Хиндистон, Япония ва бошқалар).

О.Файзуллаевнинг асарларида анъанавий ўсимлик нақшлари билан биргаликда геометрик нақшларга ҳам кенг ўрин берилади. Устага 1995 йил 26 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилган биринчи республика халқ амалий санъати ярмаркасида “Халқ устаси” сертификати берилди. Шу билан бирга, 1994 йили Покистондаги 46 мусулмон мамлакатлари қатнашган амалий санъат усталари фестивалида О.Файзуллаев тўртинчи фахрий ўринни эгаллаб қайтдилар.

Булардан ташқари, А.Азларовнинг маиший характердаги асарлари ҳам ўзидаги композициянинг бежиримлиги, мукаммал техник ишлови билан бошқа усталарнинг асарларидан кескин ажралиб туради. Уста ҳар қандай ёғоч турида ишлагани, ёғочнинг табиий кўркемлиги ва фактурасини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Фақат баъзи асарлар устида ишлаётганида ёғочнинг сирти тўқ жигарранг-қорамтир рангга бўялади. Ёғочнинг сиртига нақш ўйилганда эса, ундаги қорамтир тус билан ёғочнинг ўйилган оч-қизғиш ранги бир-бирига қарама-қарши бўлиб, асарнинг жозибасини



А.Азларов. Лавҳ. Тошкент. 1996.

янада оширади. А.Азларов ҳам Республика халқ хунармандлари “Ташаббус — 2000” куриктанловининг ғолибидир.

А.Асқаровнинг наққошлик асарларида нафақат водий, балки Ўзбекистон наққошлигининг етук усталари О.Қосимжонов, Т.Тўхтаҳўжаев, Ж.Ҳақимов, З.Қодиоровларнинг энг яхши анъаналари давом этмоқда.

Ушбу манзарадан кўриниб турганидек, охириги ўн йил мобайнида ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик санъати ҳақиқатан ҳам ривожланиб, унутилиб бораётган баъзи услубларини қайта тиклаётгани, нақшларнинг рўйхати йил сайин кенгаётгани ва ислимийнинг бир неча турлари уйғунлашаётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Биргина юқорида келтириб ўтилган “паргори” услубини олсак, у XIX—XX асрнинг бошларидаги Тошкент мактабиде айниқса машҳур бўлиб, сўнги пайтларда эса деярли қўлланилмаётганди. Ҳозир эса у қайта тикланди. Хом ашёлардан маҳаллийларига бўлган талаб катта: ёнғоқ, чинор, қайрағоч, нок, ўрик. Четдан келтириладиганлари орасида Руминия буки, дуб каби ёғоч сортлари ҳам кўп ишлатилмоқда.

Ҳозирги кунда, бозор иқтисодиёти муаммолари санъатнинг бошқа турларида бўлгани каби ёғоч ўймакорлик ва наққошлик санъатларига ҳам шиддат билан кириб келмоқда. Бу эса, усталаримизга замонавий шароитда яшаб, ижод қилишнинг янги кўринишларини излашга сабаб бўлмоқда. Улар нафақат ижодий изланишларини давом эттирмоқдалар, балки интернет ва коммуникациянинг бошқа

замонавий алоқа воситалари орқали соҳаларига тааллуқли янгиликлар билан танишмоқдалар, хорижий кўргазмаларда, Халқаро ташкилотлар томонидан хомийлик қилинадиган турли лойиҳаларда, кўргазмаларда қатнашиб, ўзларининг касбий маҳоратларини оширмоқдалар (1995 йил Тошкент шаҳрида ЮНЕСКОнинг лойиҳаси асосида ташкил этилган халқ хунармандларининг ярмаркаси, 1996 йили Париж шаҳрида ўтказилган Амир Темурунинг 660 йиллик тантаналари доирасидаги кўргазма, 2000 йил Ганновер шаҳридаги Бутун жаҳон кўргазма ва б.).

Усталар, юқоридагилар билан бирга, буюртма бўлган тақдирда, асосий йўналишларидан ташқари, истеъмолчининг талабидан келиб чиққан ҳолда, хоҳланган ўлчам ва услубдаги буюртмалар устида ҳам ишламоқдалар. Европа андозаларидаги буфет, трюмо, сервант, стол ва стулларнинг тўпamlари фикримизнинг далилидир. Уларда ўйиладиган нақшлар анъанавий ёки буюртмачи томонидан тақдим этилган чизмалар асосида, европаликларнинг амалий санъатига хос нақшлар ҳам бўлиши мумкин.

Шулар билан биргаликда, Ўзбекистон ҳукумати халқ санъати ва хунармандчилиги анъаналарини асраб-авайлаш борасида ҳам кўпгина хайрли ишларни амалга оширди.

Усталарнинг даромад солиғи ва бошқа божхона тўловларидан беш йилга озод қилинишлари халқ хунармандлари қаторида ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланадиган усталарга қатор қулайликларни яратмоқда.

БАДИЙ МАТОЛАР

Тўқсонинчи йилларга келиб, Ўзбекистонда анъанавий кадрятлар тизимининг қайта тикланиши билан боғлиқ жараёнлар бадий-маданий ҳаётни жонлантириб, халқ усталари ижтимоий мақомининг юксалишига олиб келди. Бу ижобий ўзгаришлар хунармандчилигининг тўқимачилик турида ҳам акс эта бошлади. Марғилон, Наманган, Андижон, Қўқон шаҳарлари замонавий анъанавий тўқимачиликнинг марказларидир.

1990 йилларда анъанавий тўқимачиликни тиклаш жараёнида Марғилондаги “Ёдгорлик”

акциядорлик корхонаси етакчи мавкега эга бўлди. Бу корхонанинг тарихи XIX аср охири — XX аср бошларидаги дастлаб Марғилоннинг косибчилик анъаналари асосида пайдо бўлган устахоналарга, сўнгра фабрикага айлантирилган артелларга бориб тақалади. 1993 йилда янги иқтисодий ислохотлар натижасида фабрика хусусийлаштирилиб, “Ёдгорлик” ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Корхонада бош рассом Д.Умаралиев, санъатшунос Г.Акбарова, рассом-абрбанд М.Мамадалиев ва тўқувчилик цехи бош устаси М. Исо-


ков сингари ижодий жамоа фаолият кўрсади. 1994 йилдан эътиборан “Ёдгорлик” корхонаси жамоасининг ижодий изланишлари асосан Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанднинг анъанавий абрли газламаларини қайтадан тиклашга йўналтирилди. Марғилонлик усталар ўтган асрлар тўқимачилигининг бадий анъаналарини тиклаб, унинг асосий тамойилларини ўзлаштиришга интилмоқдалар. Ушбу нафис матоларнинг беадад гўзаллиги замирида мураккаб технологик жараён билан биргаликда, табиий бўёқлар ҳамда нақш маъноларининг сиру синоатлари яширинган.

XVIII—XIX асрларда мавжуд бўлган маҳаллий мактабларнинг ўзига хослигини ифода этиш билан бирга, ишлаб чиқаришни бадий анъаналар асосида давом эттириш, ҳозирги замонга мос анъанавий матолар турларини танлаб олиш Марғилон замонавий тўқувчи-хунаромандлари учун долзарб муаммолардан ҳисобланади. Зотан, бадий тўқимачиликнинг ўзига хослиги унинг халқ амалий-безак санъатининг бошқа кўпгина турларидан фарқли равишда, бугунги кунда ҳам ўзининг турмушдаги аҳамиятини сақлаб қол-

ганлигидадир. Шундай бўлса-да маҳаллий аҳолининг кўпчилиги адрас, шойи ва бекасам каби матоларни унута бошлади. 1930 йиллардан бошлаб эса, атлас асосий миллий газлама турига айланди. Ярим асрдан ортиқ давом этган узилишдан кейин абрли газламаларни тиклаш жараёни анча мураккаб вазифа бўлиб, қатор муаммоларни юзага келтирмоқда.

Бугунги кунда “Ёдгорлик” корхонасида газламалар тўқиш жараёнида 200 киши банд бўлиб, миллий газламаларнинг шойи, бекасам, адрас, бахмал, атлас, хонатлас сингари турлари қайтадан ишлаб чиқарилмоқда.

Замонавий абрли газламаларни ишлаб чиқаришда энг жиддий муаммолардан бири — уларни табиий рангларга бўяшдир. Марғилонлик усталар анор пўсти, тўхумак, рўян, пиёз пўсти, ёнғоқ пўстлови каби табиий моддалардан ранглар тайёрлашда фойдаланмоқдалар. Кўк, яшил, кизил рангларни берувчи табиий бўёқларни топиш муаммоси борлиги боис, ҳозирги вақтда ҳам ана шундай рангларни ҳосил қилиш учун анилин бўёқлари ишлатилмоқда. Табиий ва сунъий бўёқлардан олинадиган ранглар омухта ҳолида кенг қўламда қўлланилади.



Марғилон газламалари

Матоларнинг безакларини шакллантиришда XVIII—XIX аср анъаналаридаги чизгилар ва XX асрда пайдо бўлган янги тасвирлар ишлатилади. Биринчилари жумласига “тароқи”, “уроқи”, “косагул”, “ноғора”, “чакрим”, “илон изи”, “шоти”, “капа” каби тасвирларни киритиш мумкин. XX асрда пайдо бўлган “Хосиятхон”, “Гулнора”, “Баҳор”, “Мустақиллик”, “Амир Темури”, “Навруз капалаги”, “Ғалаба”, “Фарғона дарвозаси” кабиларни айтиш мумкин. Уларнинг маънолари ўз номларидан ва тасвир услубидан сезилиб турибди.

Марғилонлик замонавий усталар нафақат Фарғона водийси, балки Бухоро, Самарқанд мактаблари тажрибаларидан фойдаланишади. Буни “Бухоро нусха” ва “Тунги ёғду” деб номланган матоларда кўриш мумкин. Уларда Бухоро ва Самарқанд матоларига хос услублар бор. Матонинг ҳар бир туридаги безак тизимининг тарихий-бадий тажрибасини чуқур ва жиддий ўрганиш, фикрлаш замон талабидир. Ўтмишда атласга хос бўлган безаклар шохига ёки адрас учун мўлжалланган тасвир бахмалда ишлатилмаган. Бугунги кунда бу қоида шарт бўлмай қолган.

Ҳозирги даврда Марғилондаги “Ёдгорлик” корхонаси олдида ечимини қутаётган талай муаммолар турибди. Бу ҳом ашё ва табиий бўёқлар тайёрлаш, маҳсулотни жаҳон бозорига олиб чиқиш муаммолари, шунингдек, Ўзбекистон бадий тўқимачилигининг тарихий анъаналарини сақлаган ҳолда, уни синчиклаб мушоҳада қилиш вазифалари шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда Марғилон анъанавий тўқимачилиги ривожини “Ёдгорлик” корхонасининг ижодий гуруҳи, айни шу корхонада узок йиллар ишлаган, эндиликда эса уйда фаолият кўрсатаётган уста Турғунбой Мирзааҳмедов, наманганлик усталар К.Ўроқов, С.Икромов, Б.Турғунов, С.Тўхтабоев ва бошқаларнинг ташаббуслари туфайли сақланиб турибди. Улар замона зайли билан унутилган анъаналарни қайтадан тикламоқдалар.

90-йиллар Ўзбекистонда гул босилган мато тайёрлашда ўзига хос ривожланиш босқичи бўлди. Маълумки, амалий безак санъатининг энг кўҳна турларидан ҳисобланган, гул босилган матолар тайёрлаш 1950 йилларда амалда барҳам топиб, фақат 1980 йиллардан эътиборан ота-боболарининг касбини давом эттирган тошкентлик усталар

Х. ва А. Раҳимовлар ижодида қайта тиклана бошлади.

1990 йилларда гул босилган матолар тайёрлаш нафақат дастурхон, чойшаблар тарзида, балки замонавий либосларни ишлаб чиқаришда кенг қўлланила бошланди. Масалан, гул босувчи уста А.Раҳимов билан кийим дизайнери Н.Петросовалар ҳамкорликда гул босилган газмолдан тикилган замонавий бичимдаги либосларнинг ноёб тўпламини яратдилар. Шунингдек, Х.Раҳимов ва тошкентлик таниқли модельер В.Репинлар ҳамкорликда гул босилган газмолдан тайёрланган либослар туркуминини яратишга муваффақ бўлдилар. Бу либослар бадий салоҳияти турли мода намоиш-кўрикларида, фестивалларда эътироф этилди.

Х.Раҳимов “Устозода” халқ санъати ишлаб чиқариш устахоналарида 1979 йилдан бери ишлайди. У ҳозирда XIX—XX асрларда кенг тарқалган қора-қизил бўёқларда гул босиш анъаналарини давом эттирмоқда. Гул босилган газмолни тайёрлашнинг технологик усуллари ҳам анъанавийдир. Гул босиладиган ип газламага тинин эритмаси шимдирилади, гул қолиплар – ёғочдан ясалган қолиплар ёрдамида дастаки усулда босилади. Х.Раҳимов кўп ҳолларда асосий тағзаминдан ва тор хошиядан таркиб топган яхлит композициялардан фойдаланади. Х.Раҳимовнинг нақшли композицияларида барқ уриб очилган гуллар, ғунчалар, новдалар, шохчалар, барглари, аноргул, бодомгул нусхалари устунлик қилади. Ҳандасавий нақшлар унинг асарларида бутун композициянинг раван аниқ маромига бўйсундирилади. Асарларидаги ранг уйғунлиги, композициялардаги нақш турларининг чекланганлигига қарамай, Х.Раҳимовнинг ишлаган буюмлари жозибалилиги ва таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

А.Раҳимов ҳам гул босилган газмол тайёрлашни қайтадан тиклаш ва уни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда. А.Раҳимов касб маҳорати кўникмаларини отасидан ўрганган. У XIX аср охири – XX аср бошларига оид гул босилган газмолларнинг музей тўпламларига оид намуналарини синчиклаб ўрганган. Устанинги ижодий асарларида ўтган юз йилликларга тааллуқли Бухоро, Тошкент мактабларига хос гул босиш анъаналарининг тикланаётганлигини кўрамыз. У матога қора-қизил гул босиш анъаналари асосида турлича янги нусхаларни яратган. Булар пушти

тағзаминга тўқ қизил ранг берилган қора гулдан ёки қизил тағзаминга тим қора ранг берилган сарғиш гуллардан иборатдир. А. Рахимов ўзининг қатор ишларида асосий эътиборни марказлашган композицияларга қаратади. Шу аснода марказий майдонни энли хошия билан ўралган доирасимон нақшларда тасвирлайди.

А. Рахимов қадимги қолиплардан фойдаланиш билан бир қаторда ўзи ҳам янги қолиплар яратади. Уста анъанавий шаклдаги “ой”, олти қиррали “юлдуз”, “бодомсимон” нақшлардан ҳамда ислимийнинг турли вариантларидан кенг фойдаланади. Шу билан бирга, у хандасавий нақшнинг ҳар хил қўринишларини ҳам яратади. Устанинг ишларида хандасавий шакллар композициянинг раван ва аниқ маромига бўйсундирилган бўлади. А.Рахимовнинг асарларидаги ранглар мутаносиблиги, тағзамин ва нақшнинг ўзаро нисбатига монанд уйғунликда мохирона танланганлиги билан ажралиб туради. Гузаллик ва уйғунликни теран ҳис этиш уста ишларининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

90-йилларда Ўзбекистон амалий-безак санъатида бадий газламанинг батик, деган янги тури пайдо бўлди. Бу сўз яванча бўлиб, иссиқ мум билан сурат солиш деган маънони билдиради. Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида пайдо бўлган ушбу қадимий нақш солиш усули ҳамда у билан безатилган мато “батик” деб аталади. Батик Ҳиндистон, Индонезия, тропик Африка халқлари орасида азалдан машҳурдир. Европада батик безакли мато сифатида XX аср бошларида қўлланила бошланган. 1990 йилларга келиб санъатнинг бу тури Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалди.

Ўзбекистонда батикнинг пайдо бўлиши 1992 йилда тузилган “Батик” гуруҳи билан боғлиқдир. Унинг таркибига Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий Рассомлик ва дизайн институти ҳамда республика Рассомлик коллежининг битирувчилари Л.Сайфий, И.Лисенко, О.Колесникова, Н.Кучина, М.Стрельникова, Р.Мираҳмедовалар қирадилар. Рассомлар батик технологиясини эгаллашлари билан бирга, ижодий характердаги вазифаларни ҳал этишга киришдилар. Гуруҳ расомлари рўмол, дуррача, бўйинбоғ, кийик рўмолларга гул солишдан бошлаб, аста-секин турли либосларга гул туширишга, батик усулида муайян мавзуга бағишланган расмлар яратишга, чармга нақшлар босишга ўтдилар.

Жаҳон санъат тарихи расомлар учун илҳом манбаига айланди. Уларнинг асарларида ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда, япон, ҳинд, қадимги Миср, Африка санъати мавзулари учрайди. Масалан, Л. Сайфий ижодида М.Врубельнинг иблисга ўхшаб кетадиган “Хотин дарахт” (1998), расом А.Рублев иконаларининг композицион тамойилларига асосланган “Осмон подачиси” (1999) асарлари ўзига хос маънога эгалиги билан ажралиб туради. Шуниси диққатга сазоворки, расомлар санъатнинг бошқа турларига хос бўлган бадий ифодалаш тамойилларидан кенг фойдаланган ҳолда, уларни айнан батик санъатига хос қонун-қоидаларга бўйсундиришга муваффақ бўладилар.

“Батик” гуруҳи ва Л. Сайфийнинг либослар тўпламида анъанавий Шарқ маданиятининг анъаналари яққол намоён бўлади. Бу либосларга туширилган нақшларда, уларда қўлланилаётган аноргул, бодомгул шаклларида, анъанавий ўзбек ва туркман гиламдўзлигига хос хандасавий нақшларда, зардўзлик санъатига оид тасвирларда ўз ифодасини топмоқда. Маълумки, анъанавий Шарқ либосларида асосан атрофдаги муҳит ва бутун олам табиий ҳодисалари ўз аксини топиши ҳамда кўтаринки руҳдаги афсонавий, шеърый тасаввурлар билан мужассамлаштирилиши, уларга ўзига хос қўриниш, ранг ва рамзий ифодалар бахш этилишига олиб келади. Эҳтимол, замонавий расомларнинг ижодий изланишлари гоҳо онгли, гоҳо ички ҳис билан юқоридаги талқинга яқинлашса-да, айни чоғда, дунёни замонавий ҳис этишга кўпроқ йўналтирилган. Гуруҳ томонидан иссиқ батик усулида ишланган “Баҳор” маҳобатли паннолар туркуми (“Шератон – Тошкент” меҳмонхонаси, 1998–99 йиллар) ижодкорлар ўрта аср миниатюра санъати анъаналарини ижобий ўзлаштирганликларининг ёрқин намунаси.

“Батик” гуруҳидан ташқари санъатнинг бу турида Л.Бойматова, А.Аллабергановалар ҳам ижод қилмоқдалар. Л.Бойматованинг ижодий изланишлари негизини манзарали, авангард йўналишидаги асарлар ташкил этса, А.Аллаберганова ижодига эса миниатюра, меъморлик ёдгорликлари, халқ амалий безак санъати мавзуларидан фаол фойдаланиш хосдир.

Умуман олганда, Ўзбекистонда батик санъати қўлланиш доирасини кенгайтираётган ва кенг ривожланиш истикболларига эга бўлган амалий безак санъати туридир.

КАШТАЧИЛИК

Каштачилик – Ўзбекистон амалий безак санъати турлари орасида ўзининг қадимий анъаналарига эга бўлган санъат тури ҳисобланиб, Урта Осиёнинг йирик савдо-ҳунармандчилик марказлари ва кишлоқларида кенг тарқалган. Кулолчилик, бадийи кандакорлик санъати билан эркаклар машғул бўлган бўлсалар, каштачилик билан асосан аёллар шуғулланишган. Шунинг учундир, санъатнинг ушбу тури ўзининг поэтик хусусиятларини сақлаб қолиш билан бирга, халқ орасида ҳозиргача кадрланиб, ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. Каштачилик асарлари маҳаллий халқнинг байрамлари, тўй маросимларининг ажралмас қисми саналиб, турмушга чиқаётган кизлар учун бериладиган “сеп”-ни ўзлари тайёрлашган. Бу орқали улар меҳнатга бўлган муносабатларини кўрсатиб, эстетик гузалликка бўлган монеликларини ифодалаганлар.

1990 йилларнинг бошларигача бўлган давр мобайнида каштачилик асосан кишлоқ аҳолисининг кундалик машғулоти сифатида сақланган. Ўзбекистон мустақиллигини эълон

қилгандан сўнг, у халқ санъатининг бошқа турлари каби бозор ишлаб чиқариш тизимига киритилди. Ҳозирда каштачилик санъати Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Ургут шаҳарларида, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон ва республикамизнинг бошқа қўплаб шаҳар ва кишлоқларида ривожланмоқда. Каштачилик кундалик либосларнинг маълум бир қисмларини ва маиший буюмларни безашда қўл келиб, ҳозирги кунда ички ва ташқи бозорни жадал сурат билан эгаллаб бормоқда.

Қўп асрлар мобайнида каштачиликнинг йирик марказларидан бири Бухоро саналган. Бухоро кашталари тасвирларнинг аниқлиги, чокларнинг нозиклиги ва ўсимлик нақшларининг сержилвалиги билан бошқа мактаблардан ажралиб туради. Бу мактабда қўлланиладиган композицияларни Шаҳрисабз, Нурота, айрим унсурларни ҳатто Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида яратилган каштачилик асарларида учратишимиз мумкин. Ҳозирда Бухоро каштачилик санъатининг анъаналарини “Зебинисо” маданий маркази давом эттирмоқда.



Бухоролик каштачи З.Аълобердиева. 1999.

Марказда 17 та аёл (1998 йил маълумотларига кўра) фаолият кўрсатиб, уларнинг аксарияти учун бу касб отамеросдир. Уларнинг орасида З. Аълобердиева (Бухоро вилояти, Шофиркон туманида таваллуд топган) гуруҳнинг сардори ҳисобланиб, унинг ҳам ота-бувалари каштадўз бўлишган. З. Аълобердиева профессионал каштачилик билан охириги олти йил давомида узлуксиз шуғулланиб келмоқда. Ҳозирда эса ижод қилиш билан бирга коллежда ёш каштадўзларга соҳанинг сирларини ўргатиб, таълим бериб келаяпти. Марказнинг яна бир моҳир каштачиларидан бири З. Облоқуловадир. У ҳам Бухоро кашталари анъаналарини давом эттирган ҳолда янги асарларни яратмоқда. Бухоро каштадўзлари ўз асарларини яратишда фақат табиий мато ва бўёқлардан фойдаланишади. Ҳозирда унутилиб бораётган технологияларни қайта тиклашда уларга қатор халқаро ташкилот ва фондлар яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. “Кантерпат консорциум” ташкилотининг “хунамандларга ёрдам” лойиҳаси асосида “Зебинисо” марказининг каштадўзлари Ҳиндистонда ижодий сафарда бўлиб, анъанавий мато-

ларни яратиш ва уларни турли бўёқларга бўяш босқичлари билан танишишга муваффақ бўлдилар.

Бухоро вилоятидан ташқари, каштачилик билан Ўзбекистоннинг яна бошқа марказларида ҳам ижодий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Сурхондарёда А. Холёрова, Ургутда С. Раҳматуллаева, М. Ҳайдарова ва Н. Расулова, Самарқанд вилоятида эса Ш. Облоқулова каби моҳир каштадўзлар ижодлари шулар жумласидандир. Улар томонидан яратилган қатор асарлар республика кўргазмаларида муваффақиятли намойиш этилмоқда. Азалдан удум ҳисобланган одатларга биноан, кашталарни уйда тикадиган тикувчилар матонинг устига гул туширишда “чизмакаш”ларнинг андозаларидан кенг фойдаланишмоқда. Уларнинг орасида ургутлик М. Розикова ва Т. Суярова, каттақўрғонлик Б. Доминова, нуроталик Н. Аҳмедова, жиззахлик Х. Ясакова, С. Нодирова, А. Қуббаева, З. Турсунова, фарғоналик К. Ҳикматидинова, китоблик З. Ҳамидова, қосонлик М. Жумаева, сурхондарёлик М. Авазова ва С. Чориеваларнинг номлари айниқса машҳурдир. Чунончи, С. Раҳматуллаева сўзаналари чизматасвир аниқлиги ва соддалиги, қарама-қарши ранглар уйғунлиги билан ажралиб туради. Ижодий изланиш, классик композицияларнинг услублашуви С. Раҳматуллаева кашталарига замонавий рух, ёрқин безакдор йўналиш ҳаёя этади.

Тошкент шаҳрида ҳам анъанавий технологияларни замонавий жараёнда қўллаб, сўзаналар ишлаб чиқараётган каштадўзларнинг гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Гуруҳни халқ санъатининг ихлосманд ва жонкуярлари И. Давлатов ва З. Файзуллаевалар бошқариб келмоқдалар. Улар томонидан охириги уч йил мобайнида ипак ипларни табиий бўёқлар билан бўяш, матоларни қайта ишлаш технологиялари, XIX—XX асрнинг бошларида кенг қўлланилган чокларни (йўрма, босма, кандахаёл) қайта тиклаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 1999 йилда Тошкент шаҳридаги халқ амалий санъати музейида ушбу гуруҳнинг тайёр маҳсулотларидан иборат илк кўргазмаси намойиш этилди (гуруҳ ушбу музей биносида фаолият кўрсатади). 2000 йил маълумотларига кўра гуруҳда 40 та уйда ишловчи тикувчилар фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳозирги гуруҳ аъзоларининг асарлари АҚШ, Исроил, Франция ва Италия каби



С. Раҳматуллаева. Жойпўш. Ургут. 1992.

мамлакатларда машҳурдир. И. Давлатов ва З. Файзуллаевалар асли Хоразм вилоятидан бўлиб, каштачилик санъати билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Ваҳоланки, Хоразмда халқ санъатининг ушбу тури ривож топмаган. Ишлаб чиқаришнинг бутун жараёни — матоларни тайёрлаш ва уларга тикиладиган кашталар учун ишлатиладиган ипак ипларни тайёрлаш босқичларини қайта тиклашда улар ўз беназир хиссаларини қўшмоқдалар. Улар учун асосий хом ашё уй шароитида тайёрланадиган карбос ва адас матоларидир. Бу матолар ва табиий иплар ҳозирда Марғилон шаҳрида шўъба корхоналарида тайёрланмоқда.

И. Давлатов ва З. Файзуллаевалар томонидан тайёрланадиган маҳсулотларнинг ассортименти ҳам сўзана, нимсўзана, такъяпўш, номозлик ва бошқаларни ташкил этади. Гуруҳда икки мусаввир фаолият кўрсатиб, улар бўлажак асарлар учун каштачиликнинг классик намуналаридан андоза олган ҳолда хомаки андозалар тайёрлашади. Бунда Бухоро, Нурота, гоҳида эса Шахрисабз кашталарига ҳамоҳанг гул ва тасвирлар яққол намоён бўлади.

Қорақалпоғистонда Г. Ембергенова раҳбарлигида “Оролнинг олтин мероси” бирлашма-

си фаол иш олиб бормоқда. Бу ерда таҳсил олаётган ўқувчиларга Нукусдаги И. Савицкий номидаги Давлат Санъат музейи захираларидан ўрин олган каштачилик намуналари асосида таълим берилади. Қорақалпоғистон каштачилиги анъаналарини ўрганиш, соҳага оид безаклар тизимини ўзлаштириш билан бирга, замонавий истеъмолчининг дидини қондирадиган, совғабоп буюмларни тикишни ҳам ўргатадилар.

Бугунги кунда юқоридагилар билан бир қаторда машина чокида тикиладиган каштачилик асарларини ҳам тайёрлаш йўлга қўйилган. Улар ҳозирда Тошкент шаҳридаги “Шарк гули” корхонасида тикилади. Корхонада тикилган маҳсулотларда, тикувчилар амалда кенг фойдаланилаётган нақшлар намунасини ўзгартиришга, уларнинг таркибига қўшимчалар киритишга ҳаракат қилмаганликларидан далолат беради. Буни биз табиий жараён деб қабул қиламиз. Зеро, замонавий амалий санъатга хос хусусиятлардан бири безак тизимининг классик намуналарига оғишмай риоя қилиш. Айнан уларни пухта ўзлаштиргандан сўнг, келажакда уларга ҳамоҳанг янги безакли тасвирлар яратиб, соҳани кейинги даврлардаги ривожини белгилаш мумкин.

ЗАРДЎЗЛИК

1990 йилларга келиб, анъанавий каштачиликнинг кенг тарқалган тури зардўзлик қайта тикланди. Анъанавий урф-одатлар ва маросимларнинг тикланиш жараёнида зардўзлик буюмлари турли мақсадларда қўлланила бошлади. Зардўзликни чопон, тўн, дўппи, пешонабанд, белбоғ, қийикча, нимча каби ўзбек анъанавий либосларининг ажралмас қисмига айланди дейиш жоиз. Шу билан бирга, маҳобатли шаклдаги зардўзи буюмлар, яъни, мавзули паннолар, театр пардалари ҳамда совға буюмлар, игнадонлар, кўзойнак вилофи, упаллик сумкачаларини ушбу санъат турига хос бўлган усулларда безатиш кейинги йилларда кенг ривожланди.

Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Ургут, Қарши, Жиззах шаҳарлари, Сурхондарё вилояти замонавий зардўзлик санъатининг марказларидир. Б. Жумаев,

С. Акбарова, Т. Содиқова, Г. Бозорова, Г. Пиримқулова, М. Ҳабибова, Г. Нуртеева, М. Мухитдинова, Д. Тошева ва бошқалар замонамизнинг уста зардўзларидир.

Бухоролик Б. Жумаев азалдан шу касб билан шуғулланиб келган зардўзлар оиласида туғилган бўлиб, унинг ижодий шаклланишига машҳур уста — зардўз Н. Аминов катта таъсир кўрсатган. У узок йиллар Бухоро зардўзлик корхонасида бош расом вазифасида ишлади. 1995 йилда Б. Жумаев рафиқаси М. Жумаева билан биргаликда XIX аср охири XX аср бошларига оид Бухоро зардўзлик санъати мактабини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида марказ ташкил этди. У зарбофт мато сифатида асосан баҳмалдан, тикиш учун эса Ҳиндистон, Эрон, араб мамлакатларидан олиб келинадиган турли хилдаги зар иплардан фойдаланади. Унинг асарлари-

да тўпбаргтул, пальма барглари, гултуваклар, бодомгул, жимжимадор ёзувлар, хандасавий нақшлар, меъморий шакллар асосий нақш турлари вазифасини бажаради. Зардўзи усулида тикиш мураккаб, кўп боскичли жараёни ўз ичига олади. Зотан, “зардўзи-заминдўзи” — безак заминини тўлдириб тикиш; “зардўзи-гулдўзи” — қоғоздан кесилган нақшли андозани матога қўйиб, зар ип билан тикиш; “зардўзи-гулдўзи-заминдўзи” — юқоридаги иккала усул уйғунлаштирилган курама тикиш; “зардўзи-беришимдўзи” — курама тикиш усули; “зардўзи-пулакчадўзи” — пистонча қадаб зар тикиш шулар жумласидандир.

Б. Жумаевнинг “Бухоройи Шариф” (1997), “Қўштовус” (1998), “Гултувак” (1998), “Баҳовуддин Нақшбандий” (1997), “Алишер Навоий” (1998) мавзуларидаги деворий панноларининг юқори даражадаги техник ижроси ҳамда муаллифнинг ўзига хос услуби ва бадий аънааларнинг уйғунлашганлигидан далолат беради. Уста-зардўз Республика Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ўтказадиган аънавий “Ташаббус – 97” танловида “Йилнинг энг яхши хунарманди” номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллади.

Бухоролик чеварлар Д.Тошева, М.Хабибова, Н.Эргашева, В.ва Н.Саъдуллаевалар зардўзлик санъатининг “зардўзи-заминдўзи”, “зардўзи-гулдўзи”, “зардўзи-беришимдўзи”, “зардўзи-пулакчадўзи” сингари аънавий турларига амал қилиш билан бирга, турли хилдаги чокларни тикиш маҳоратини пухта эгалламоқдалар. Улар унча катта бўлмаган паннолар, шунингдек, тўн, нимча, шиппак, елпич, дўппи, ҳамён, белбоғ, тумордон, игнадонлар тикиб безатадилар. Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, бахмал, чий духоба, сатин, атласдан тайёрланган зардўзлик буюмларининг ташки қўриниши канчалик хашаматли бўлмасин, уларнинг нақш доираси жуда чекланган бўлиб, асосан XIX аср охири — XX аср бошларига тааллуқли Бухоро зардўзлигига хос бўлган нақшлар бодомгул, тўпбаргтул, гулдонлар, товус, китоба нусха сингари воситалардан иборатдир. Нақш солинадиган асос муҳим аҳамиятга молик бўлганлиги сабабли, чеварлар тағзамин учун кўпинча тўққизил ёки кўк бахмал ишлатадилар.

Самарқандлик чеварлар М.Фахриева ва М.Мухиддинованинг ижоди учун ҳам тўн, нимча, говрапўш, дўппи, ҳамёнларга кашта



Бухоролик зардўз Б. Жумаев шогирдлари билан. 1996.

тикиш хосдир. Улар зардӯзи буюмларини безашда аноргул, товус, тупбарггул, гул нусхаларидан кенг фойдаланмоқдалар.

Тўксонинчи йилларда Ўзбекистонда бир қатор зардӯзлик маркаслари пайдо бўлди. Таассуфки, бу ўз навбатида зардӯзи буюмлари ижро тарзи даражасининг бадийлик, анъанавийлик муаммосини келтириб чиқарди. Маҳаллий аҳоли орасида талаб катта бўлган буюмларнинг аксариятининг сифати паст бўлиб қолмоқда.

Бироқ замонавий зардӯзлик маркасларининг сони сифатини акс этмаган ҳолда, ана шу ўзига хос анъанавий ҳунарнинг бадий даражаси муаммосини юзага келтирмоқда. Масалан, жиззахлик чеварлар С. Саримсокова ва Г. Бозороваларнинг зардӯзи буюмлари кенг истеъмолчи харидага мўлжалланган бўлса ҳам, уларнинг сифати юқори даражада эмас. Бу тикиш усулида, чоклар сифатида, қўлланилаётган нақш нусхаларининг содда ва жўнлиги ҳамда маҳаллий мактаб анъаналарининг нақш тизимига ҳар доим ҳам риоя қилмасликларида намоён бўлмоқда.



М.Умарова. Ургут. Дўшпилар. 1991.

Зеро, ҳозирги даврда, Н.Аминов ва Б.Жумаев сингари халқ усталарини шакллантириш, чинакам бадий анъаналарни ўрганиш ва сақлаб қолиш, жамиятнинг эстетик дидини тарбиялаш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

ГИЛАМДЎЗЛИК

Ўзбекистонда гиламдӯзлик ҳунармандчиликнинг қадим турларидан бири ҳисобланади. Гиламчилик ярим кўчманчи тарзда ҳаёт кечирувчи юнг маҳсулотларига жуда бой маҳаллий қабилаларнинг асосий машғулотидир бўлган. Ундан ташқари табиий иқлим гиламчилик билан шуғулланувчи қабилаларга йиллар давомида ўз жилосини йўқотмайдиган, мустаҳкам, олий навли юнг етиштиришларида катта имкониятлар яратган. Уй жиҳозлари ва кундалик ҳаётда ишлатиладиган майда буюмларга ҳам гиламнусхали юнг тўқималаридан ишлатишган. Шу билан бир қаторда гилам маиший ҳаётнинг энг яхши, кўркем безакларидан ҳисобланган. Осиёликлар табиатига мос равишда танланган ўткир ранглар билан ҳаракатчан композицияларнинг уйғунлиги киши нигоҳини бир қарашдаёқ ўзига жалб этмасдан қолмайди, албатта.

XX аср давомида техниканинг ривожланиб кетиши билан барча амалий санъат турлари қаторида гиламчилик санъатига ҳам бир

мунча путур етди ва у аста-секин инқирозга юз тутиб, аёллар гиламчилик маҳорати, сирларини унута бошладилар.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга кириштириши билан унинг олдидаги энг муҳим вазифа анъанавий маданий қадриятларни қайта тиклаш ва юксалтириш бўлиб қолди. Бунинг натижасида қадимий ҳунармандчилик ва ишлаб чиқаришга яна қизиқиш уйғонди.

Ҳозирги пайтга келиб эса гиламчилик уч йўналиш бўйича ривожланмоқда: анъанавий хонадон ҳунармандчилиги, давлат корхоналарида қўл меҳнатига асосланган ҳолда гиламлар тўқиш, хусусий корхоналарда гиламлар тайёрлаш.

1990 йилларда ҳам Фарғона водийси, Нурота тоғ оралиғи, Сирдарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва қишлоқларида хонадон гиламчилиги сақланиб қолинди. Лекин Ўзбекистоннинг асосий гиламлари Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ва Хоразмда тўқилмоқда дейиш жоиз. Гилам тўқиш ишла-

ри билан, асосан, аёллар шуғулланиб, улар узун юнгли (жулхирси) ва киска юнгли гиламлар, номоз учун мўлжалланган кичик жойномозлар, юнгсиз гиламлар, маиший турмушда ишлатиладиган турли ҳажмдаги рўзгор буюмлари (хўржин, тўрва), юк ташувчи уй хайвонлари учун ёпинчиклар (жабдук), безакли тўкилмалардан ташкил топувчи соч попуклар ва бошқа шунга ўхшаш буюмлар тўкишади. Турли шаклдаги буюмлар, асосан, уй-рўзгор шароитида қўлланилиб, уларнинг кўпчилиги совғалар учун мўлжалланган. Бугунги кунга келиб хонадонлар кўрки бўлган гиламлар ўзининг аввалги мавқеини эгалламоқда, уларсиз бирор бир оилавий тантанани тасаввур этиш мушкул.

Гиламларнинг асоси ва юнгли ери учун, асосан, жунли иплардан фойдаланилади. Симметрик тарздаги, тебраниб турувчи юнглари турли буюмларда турлича узунликда: 2 мм дан 6—7 мм гача бўлиши, тўкима бўлиб ўтувчи иплар эса ҳар кв. дм да 1500 гача жойла-



Гиламдўз иш устида

шиши, ранглари табиий ва сунъий бўлиши мумкин. Замонавий гилам тўқувчи аёллар бувлари қўллаган қадимги нақшларга қайтишмоқда. Хоразмлик гиламчилар туркман ва ёмуд гиламларига, шунингдек, оммабоп афғон безакли нақшларига тез-тез мурожаат қилмоқдалар. Қашқадарё ясси гиламлари эса, асосан, анъанавий хандасавий нақшлар билан безатилади. Гиламлар ранго-рангликка бой: ок, жигарранг, зарғалдоқ, кўк, яшил ранглари композицияларига уйғун ҳолда танланади. Бадий ҳунармандчилик ва амалий санъат республика илмий-ишлаб чиқариш маркази бўлмиш “Мусаввир” ва унинг ёнида ташкил этилган “Хунарманд” халқ ишбилармонлари уюшмаси, шунингдек, “Усто” Давлат уюшмаси томонидан қадимий нақшлар ва технологияни тиклаш борасида катта илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бу ташкилотларнинг асосий вазифаси республикада унутилиб бораётган ҳунармандчиликни тиклаш, ишлаб чиқаришда ҳунармандлар билан ҳамкорлик ишлари олиб бориш ва уларнинг қўл меҳнати асосида, қийинчилик билан ишлаб чиқараётган маҳсулотлари қийматининг тушиб кетишини олдини олишдан иборатдир. Ташкилотлар мутахассислари қадим нақш турларини ва технологиясини ўрганиш мақсадида туманларда бўлиб, ўзбек гиламларининг асл нусхаларини кидириб топадилар.

Фақатгина охириги йиллар мобайнида ўзбек ҳунармандчилиги, жумладан, гиламлар Малайзия (1997), Франция (1998), Германия (1998)да ўтказилган Халқаро кўргазмаларда намойиш этилмоқда.

“Мусаввир” уюшмаси раҳбарлигида Ўзбекистон туманларида турли кўринишли гилам-ли буюмлари ишлаб чиқарувчи гиламчилик корхоналари ташкил этилмоқда. 1999 йилда Қорақалпоғистон, Сирдарё, Қарши, Жиззах, Наманган вилоятларида янги гиламчилик корхоналарини очиш лойиҳалаштирилди. Янги корхоналарнинг ишга туширилиши билан бир қаторда туманлар ва қишлоқларда доимий долзарб бўлиб келган бир муаммо — аёлларни иш билан таъминлаш масаласи ҳал этилди.

“Хунарманд” уюшмаси И. Давлатов (Хоразм), О. Шойимова, К. Сориев (Қашқадарё), С. Долиева (Қашқадарё) сингари гиламчилик усталари билан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. Унчалик катта бўлма-

ган оилавий устахоналарда 12 тагача гилам туқиш дастгоҳлари бўлиб, уларда гиламларнинг 10 дан ортиқ турлари тайёрланади. Маиший талабларга кўра нафақат гиламлар балки, хўржинлар, ёстиқлар, йўлак тушлама ва бошқа кундалик жиҳозларидан фойдаланилади. Қашқадарёнинг унчалик катта бўлмаган Кўкдала қишлоғи гилами 1998 йил Францияда ўтказилган Халқаро кўرғазмада совринга сазовор бўлди. Кўп йиллардан бери гиламчиликда қўлланилиб келинаётган анилин бўёғи гиламлар нафосатига бирмунча путур етказиб, уларнинг оддий маиший маҳсулот қаторидан юқори сифатли санъат асари даражасига кўтарилишига тўсқинлик қилмоқда. Бугунги кунга келиб эса ўзбек заминидан табиий ҳолда олинадиган бўёқлар олиш ва улар билан жун ипларни ранглаш ишларини йўлга қўйиш борасида иш олиб борилмоқда.

Кўл меҳнатига асосланган мумтоз нақшли гиламлар Хоразм фабрикасида, гиламчилик маҳсулотлари артели бўлимиш “Нукус маданият мероси” корхонасида тайёрланмоқда. Савицкий номидаги Нукус Музеи қоидада ташкиллаштирилган гиламчилик корхонасида эса унчалик катта бўлмаган гилам буюмлари қорақалпоқ гиламчилиги анъаналарига асосан бўртма нусхали, юнгли ва юнгсиз аралаш техника асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда гиламчиликни қайта тиклашда хусусий корхоналар ҳам ўз улушларини қўшишмоқда. Уларнинг гиламлари ўзининг сифати билан ажралиб туради яъни, жуң, пахта ва ипак каби табиий хомашёлардан ва табиий бўёқлардан фойдаланмоқдалар. Гиламчилик корхоналари асосан, унга сарф этиладиган манбалар макони бўлган қишлоқ жойларида жорий этилмоқда. Уларнинг биринчи галдаги мақсадлари тижорат ишларини юксалтириш бўлишига қарамай, ишбилармонлар сайт-ҳаракатларининг самараси ўлароқ жун иплар тузилиши тарзини мукаммал ўрганган ва анъанавий зийнатлаш сирларини моҳир эгаллаган қишлоқ аёллари кўпчиликни ташкил этиб бормоқда. Тадбиркорлар аёлларга

хунар сирларини ўргатиш мақсадида хориждан, асосан, Афғонистондан мутахассисларни таклиф этишмоқда. Гиламларни безакли нақшлашда қадимий туркман ва ўзбек мумтоз гиламлари намуна сифатида хизмат қилмоқда.

Самарқанд, Бухоро ва Марғилонда Шарк мамлакатларида катта мавқега эга бўлган ҳамда оммабоп ҳисобланган ипак гиламлар ишлаб чиқариш технологияси қайта тикланмоқда. Ипак гиламлар барча даврларда ҳам ажойиб совға тариқасида эъзозланган. 1992 йилда Самарқандда “Афғон — Бухоро — Самарқанд” қўшма корхонаси ташкил этилди, унинг асосий мақсади Ўзбекистонда гиламга ишлов бериш ишларини ўрнига қўйишдан иборатдир. Гилам бир қанча босқичда тайёрланади: ипак пилласи ипини ёзиш, бўёқларни тайёрлаш, ипларни бўяш ва ишни охирига етказиш. Бунда маҳаллий шароитда тайёрланган табиий бўёқлардан фойдаланилади.

Хусусий корхоналарда тайёрланадиган гиламларнинг композицион суратлари каталоглардан танланади, бунда Шарқ гиламларининг намуналари афзал деб билинади. Ўзбек санъатига бегона бўлган мавзулар сараланмайди, албатта. Лекин ҳозирда ўзбек безак санъатига хос руҳ ва хусусиятларни гиламлар композицияларига беришда мусаввирлар ва санъатшуносларнинг иштироки зарурий деб қаралади.

Гиламчилик соҳасида маълумот тизимини ташкил этиш Ўзбекистон Бадий Академияси ўқув юртлари тизимида лойихалаштирилмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятидаги каби Ўзбекистонда ҳам замонавий маҳсулотлар бозор савдосотик ишларини ташкил этишда иш олиб бораётган халқаро фонд ва ташкилотлар ҳам Ўзбекистонда гиламчиликнинг юксалишида ўзининг улкан ҳиссасини қўшмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда маданият анъаналарининг тугилиши билан боғлиқ бўлган гиламчилик анъаналари бугунги кунда ўзининг янги истикболини намойиш этмоқда.

ГОБЕЛЕН

Гобелен – замонавий Ўзбекистон амалий санъатининг янги турларидан бири ҳисобланади. Чунончи, республикада бадий мато, тўқимачилик соҳаларининг қадимий анъаналари мавжуд бўлса-да, бошқа маданий қатламда пайдо бўлган гобелен, улардан фарқли ўлароқ алоҳида тарзда ривожланди. Бугунги кунда ҳам замонавий гобелен санъати анъанавий тўқимачилик ва унинг безак захиралари доирасидан холи ривожланмоқда.

1970–80-йилларда гобелен республикада кенг таралган этиб, бу соҳада таниқли ва кучли мутахассислар М. Чурлу, Я. ва А. Исҳоқовлар, И. Ярема, Л. Талдикиналар ижод қилдилар... Кейинчалик уларнинг кўпчилиги республикани тарқатишга қарамасдан (миграция, эмиграция билан боғлиқ ҳолда), ҳозирги пайтда Ўзбекистонда бу соҳанинг асл ташаббускорлари ишламоқдалар.

Булар орасида – М. Чурлу шоғирди Вячеслав Усеинов. Унинг асарларини икки гуруҳга бўлиш мумкин: анъанавий текис услубда тўқилган гобеленлар ҳамда чий тўқиш жараёнини ўзлаштириб, ўзида мужассамлаштирган ҳажмли композициялар.

В. Усеинов ўзининг биринчи гуруҳ асарларида классик услубдаги зич тўқилган технологик жараёнга таянган ҳолда, расмининг асосий чизик, ритм, ранг уйғунлиги, ипнинг тузилишига ҳамда ранг жиҳатларига аҳамиятни қучайтиради.

В. Усеинов гобеленлари бир бадий мақсадга бўйсундирилган бир неча қисмдан иборат, ҳар бири ўзига хос фалсафий мазмунга эга абстракт ёки шакл-шамойилли композициялардир. Ижодкор асарларидаги фикрнинг ички, яширинган фалсафий маъноси, унинг ижодининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Уларда ҳар доим мулоҳаза учун мавзу берилган. Медитатив рухий ҳолати билан “Реан-Зи боғининг ўн бешинчи тошининг кесиги”(1995) асари ажралиб турса, “Тамғага тенглаштириш” (1998) гобеленида лабиринтда сарсон-саргардон юрмоқни эслатса, “Оқнинг емирилиши”(1995) асарида бетинч ва беихтиёр кўрқувни кўриш мумкин.

Унинг шаклли композициялари ўзига хос тўқилган сувратлардир. Бирламчи материалнинг ғайриоддийлиги, содда безакли мавзулардан фойдаланганда ҳам ўзгача, рангтас-

вир оҳангли кучли таассурот қолдиради (“Чирмовикли натюрморт”,1998).

Вячеслав ўзининг иккинчи гуруҳ композицияларида турли хил материалларидан фойдаланади. Шойи, жун, синтетик иплар, қувурларга ўраладиган каноп, чий ёки маъданли стулнинг каркаси(синчи) (“Ёруғлик ва соя партитураси”1996, “Ботаётган қуёшнинг кертиглари”1995, “Тамғалар салтанати”1992, «Ҳажмли композиция”1997) шулар жумласидандир. Ушбу асарлар ўзларининг шакл-шамойиллари билан классик гобеленлардан йироқ бўлсаларда, бироқ, айна пайтда улар тўқимачилик жараёнининг беҳад чексизлиги, ижоднинг анъанавий турида янги йўналишлар ҳосил қилиш мумкинлигидан далолат беради. Конструктивизмнинг ўзига хос услубда бажарилган ушбу гуруҳ асарлари ўзининг шакл ва материалнинг ностандартлиги (сўйқаси чиқмаганлиги билан), ранглар уйғунлигининг хилма-хиллиги билан мафтун этади. Улар замонавий интерьерда ғайриоддий табиий ва оригинал ҳолатда қабул қилинади.

В. Усеинов бир қатор композицияларида халқ орасида кенг тарқалган курама “қурок” техникасидан фойдаланади (“Ойналанган пейзаж” 1998; “Халқ беағининг аранжировкаси” 1999). Профессional рассомлар орасида машҳур ушбу техник тури В.Усеинов ижодида ўзига хос жиҳатларини намоян қилди. Унинг композициялари фақатгина ёрқин декоративлик билан чекланиб қолмасдан, балки ҳажмининг мазмундорлиги билан фарқланиб туради. Бугунги кунда Т. Умарова (“Хуш келибсиз” панноси), Р. Ибрагимова (“Печворт” композицияси) ва бошқалар ҳам қурок техникасида ижод қилмоқдалар.

Фарғоналик гобелен устаси, Ўзбекистон Бадий Академиясининг Фарғонадаги Ижодкорлар Уюшмаси раиси Л. Семизорова 1970 йилларда ўз ижодий фаолиятини бошлаган эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Фарғона водийси гобелен санъатининг энг ривожланган марказларидан бири бўлиб ҳисобланган. Таниқли Ўзбекистон гобелен усталарининг аксарияти айна Фарғонада таваллуд топганлиги ҳам бежиз эмас.

Л.Семизорова асарларида табиат мавзуси етакчи ўрин эгаллайди.Чунончи, абстракт тасвир ва текис туксиз ва тукли матоларнинг

мос равишда уйғунлашувининг омухта техникаси, маъноли фактура ва рангтасвирли бўртма нақшларни англагувчи декоратив композицияларни юзага келтиради (“Ер гулламоқда”). Охириги йиллардаги кўргазмаларда намоиш этилган фарғоналик С. Шихованинг ҳам гобеленлари ижодий етуқлиги, касбий маҳорати ва бадий ғоясининг қизиқарлилиги билан диққат эътиборни тортади.

Охириги 10 йил ичида М. Тюрина гобелен соҳаси билан фаол шуғулланмоқда. Л. Талдикин шогирди бўлмиш М. Тюрина, ҳақиқий маҳорат мактабини мосқалик ва петербурглик гобеленчилардан ўрганди. М.Тюрина асарлари 1990 йиллардан бошлаб республика ва хорижий (Москва, Украина) кўргазмаларига қўйилмоқда. 1990 йилларнинг бошларида ижодкорнинг Тошкентда ҳам бир неча шахсий кўргазмалари бўлиб ўтди. Унинг асарларининг мавзулар доираси кенг бўлиб, бир қатори бир-бирига зид ранглар уйғунлашуви билан графикавий асарлари эслатса, бошқаларида эса табиат мавзуси ижодкоргагина хос услубда назокатли-нозик бадий тилда ифода этилган. Мавзулар ижодкорнинг кўрган билганлари таассуроти оғушида табиий пайдо бўлганлиги ғояни ўзига мос равишда ифода этилишини тақозо қилади.

М. Тюрина гобеленларида эксперименталлик кўзга ёрқин ташланади. Тасвирга урғу берилган классик услубдаги текис гобелен, тўкилатган мато фактурасининг мазмундорлиги, ностандарт расмий услублар билан уйғунлашуви, бизга тўқимачиликнинг кенг имкониятларидан далолат беради. У ўз асарларида тўқилган – ўрилган, кашталанган тарздаги турли хил матолар: жун, синтетика, маъдан, ишлов берилган ва ишлов берилмаган юнг матоларни маҳорат билан уйғунлаштириб, композицион ҳажмлилиikka эришишга ҳаракат қилади. Тўқувчилик картиналарга ўзига хос жило берар экан, бўртма хошияларни қўллаш билан унсурлар тузилишига ўз қизиқишини қаратади. (“Вакт сонатаси” 1998, “Хистуйғу” 2001).

Гобелен матоси ва маъдан пластикасининг ишлов берилган юнг билан уйғунлашуви М. Тюрина ижодининг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Маъдан деталлари (юнг билан ўралган назокатли сим) композицияга ҳажм бахш этиш билан бирга, асарга графикавий мойиллик, тасвирнинг сайқалланганлигидан далолат беради. Уларнинг қўлланилиши асар маз-

мундан келиб чиқади. Масалан, “Шаршара” (1997) гобеленидаги маъдан қисмларининг назокатли чизмаси, худди сувнинг равон ҳаракатини қайтараётгандек бўлса, “Энергия” (1998) гобеленида эса вертикал маъданли конструкциянинг тағзаминидаги текис тўқилган мато билан уйғунлашуви кучли ҳис-ҳаяжонни ифода этади.

М. Тюринанинг гобеленлари – ҳам нақшли ҳамда сюжетлидир. Сюжетли ишлар – кўпинча кўп фигурали мураккаб композициялар ёки портретлардан иборат бўлиб, ижодкор ушбу асарларида тўқимачиликнинг тасвирий жиҳатларини муваффақият билан намоён қилган.

Р. Иброҳимова ҳам гобелен техникасида фаол ижод қилмоқда. Унинг ижодидан нақшли ва сюжетли композициялар ўрин олган. Биринчи гуруҳ “Анор”, “Греция”, “Ҳажмли”, “Печворт” композицияларида асосий урғу материалнинг чексиз расмий декоратив жиҳатларига қаратилган. Сюжетли композицияларда тасвир ва ранглар уйғунлигига катта аҳамият берилади (“Уй”, 1999).



М.Тюрина. “Шарқ шаҳри” гобелени. Тошкент. 1995.

Р. Иброҳимова ҳам хилма-хил техник турларидан фойдаланади. Жумладан, турли қалинликдаги ипларни текис тўқиш ва ўришни қўллаган ҳолда, бўртма нақшнинг пластик мазмундорлигига эришилади ва декоратив сифати бойитилади. Бир-бирига мослаб ҳосил қилинадиган техник усуллар ижодкорга гобеленнинг тузилишини янгича тушунишга имкон яратади. Тасвирнинг юқори маданияти, композиция ечимининг аслий моҳияти – Р. Иброҳимова асарларининг асосий чизгиларидир. Шу билан бирга унинг асарлари ранглар уйғунлиги ҳамда мувофиқлиги билан ўзига мафтун этади.

90-йиллар мобайнида гобелен билан тошкентлик усталар С.Азимова ва И.Бурмистровалар фаол шуғулланмоқдалар. Тўқимачиликда юзага келган композицияларни тўғридан-тўғри гобелен маҳсулотлари қаторига киришиб бўлмайди, чунки ушбу гобеленларнинг асоси пахтали ип билан тўқилган. Тамойилга қўра улар ҳажман унча катта бўлмаган, интим тарздаги интерьерлар учун мўлжалланади.

Мазкур ижодкорлар асарларининг бадий қиймати турлича. Улар эклектизм ва машҳур анъанавий тасвирлардан аён нусха кўчиришдан хануз халос бўлолмаяптилар. Аксариyat ҳолларда С.Азимова ва И.Бурмистрова

эскиз ўрнида бошқа рассомлар томонидан ишланган расмлар ва машҳур рангтасвир усталарининг асарларини қўлламоқдалар. Аввалам бор бу миниатюрага оид мураккаб сюжетли композицияларга тааллуқли. Шу билан бирга ижодкорлар бор нусхаларни такрорламасликка ҳаракат қиладилар. Ашё билан ишлаш жараёнида ижодий ҳамкорлик ўта муҳимдир. Аввалдан белгиланган чизгиларга мурожаат этмай, улар ўзларининг мавзу ва ранг ҳақидаги тасаввурларини ифодалайдилар.

Сўнгги йилларда яратилган гобелен намуналари етакчи усталарининг хорижга кетиши натижасида юзага келган ижодий таназзул ортда қолгандан далолат беради. 90-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, республикада ёш гобеленчиларнинг янги авлоди шаклланди. Уларнинг ижодлари бу ажойиб санъат соҳасида янги йўналишдаги изланишларнинг мавжудлигидан далолат беради. Уларнинг кўпчилиги маҳорат сирларини мустақил ўрганиб, индивидуал йўналишда ўзлигини намоён эта биладилар. Ижодларини гобелен техникасини мукаммал эгаллаганликлари, ашёни янгича тушуниш ҳамда декоратив шакл-шамойилларни ўзига хос идрок этиш хусусиятлари ўзаро бонғлайди.

ЛОКЛИ МИНИАТЮРА

Шарқ ўрта аср китоб миниатюраси 1970 йиллар охири – 1980 йиллар бошларида Ўзбекистон локли миниатюраси заминида қайта тикланди. 1990 йилларга келиб, у ўзига қоғоз, мато, чарм, газмолга ишланган миниатюрадан то миниатюра услубида бажарилган маҳобатли асарларгача қамраб, яхлит бадий-услубий хусусият касб этмоқда. Мағзи сохта (папье-машедан) буюмларни бадий безатиш, айниқса, унинг локли миниатюраси бўлиши 1990 йилларда Ўзбекистон халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турларидан бири бўлди.

Умуман олганда, 1990 йиллар Ўзбекистон миниатюра рассомчилигида ўзига хос ривожланиш, унинг мазмундорлик ва шаклий-ҳажмий тамойилларини чуқурроқ мушохада қилиш босқичи бўлди. Локли миниатюра санъати-

нинг шаклланиш жараёни мураккаб кечди. 90-йилларга келиб ижоднинг ушбу тури ривожидан иккита тамойил аён бўлди. Биринчиси – миниатюра рангтасвири бадий меросига ижодий ёндашган ҳолда ва нақшнинг сюжетда замонавий воқеликни акс эттириш бўлса, иккинчиси – классик миниатюранинг бадий қонун-қоидаларига қатъий риоя қилишдан иборат.

Мағзи сохтадан қилинган буюмларни бадий безатишда икки: нақш безакларида жимжимадор ёзувлардан фойдаланиш ҳамда ўрта аср миниатюраси анъаналарига таяниш асослари мавжуддир. Масалан, А.Исроилов, Ш.Шомансуров, К.Омоновнинг нақшли композициялари ўзининг услубий яхлитлигини кўпроқ безакли нақшларда ифодалаб, муайян услубга солинган хандасавий ва ўсимлик-

симон нақшлар уйғунлиги асосида тузилади. Миниатюрachi рассомларнинг аксарияти, Республика Бадий колледжида лок миниатюраси бўлими бўлишига қарамай, наққошлик бўлимининг битирувчилари эканликлари бежиз эмас. Чунки, бундай йўсиндаги ишлар бадий мазмуни ва услуби ҳамда шакл ва ҳажм жиҳатидан, ёғоч ва ганч ўймакорлиги сингари мусулмон санъати анъаналарини ривожлантирувчи энг “серҳашам турларига” ҳам оҳангдир.

Миниатюрachиларнинг дастлабки тўлкини (Ш. Мухаммаджонов, Н.Холматов, Г.Камолов, Т.Болтабоев, Х.Назирова, А.Йўлдошев ва бошқалар), Шарқ классик шеърляти, ўзбек халқ эртаклари (Алишер Навоий ғазаллари, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” дostonлари, Фирдавсийнинг “Шохнома”си каби асарларга)нинг аниқ адабий сюжетларини тасвирлашга афзаллик берганлар.

Шартли равишда айтганда, “иккинчи тўлкин” миниатюрachилари (Б.Йўлдошев, У.Қосимов, Ф.Раҳматуллаев, Ш.Шоаҳмедов, А.Турсунов, М.Собиров, М.Пўлатов ва бошқалар) ўрта аср адабий манбаларига мурожаат қилиш билан бирга, уларни шунчаки расмлар билан тасвирлашга эмас, балки уларнинг мавзулари асосида эркин композициялар яратишга афзаллик бермоқдалар.

Ш. Мухаммаджонов ижоди локли миниатюра билан шуғулланадиган рассомлар учун ибрат бўлди. Ўрта аср Шарқ миниатюраси, унинг технологик усулларига оид чуқур билим ва айни чоғда академик дастгоҳли ранг-тасвир малакалари мусаввирда ўзига хос бадий услубнинг шаклланишига замин бўлди. У нақшларда ўрта асрлар миниатюраси қонунларига амал қилади: уларда перспектив тасвир йўқ, шаклларнинг ўлчамлари мақоида қандай жойлашганидан қатъи назар бир хил. Рассом қахрамонлари руҳий ҳолатини қиёфа, вазият, имо-ишоралар, рангларнинг рамзий маънолари орқали акс эттиради. Бироқ Ш. Мухаммаджонов ўрта асрлардаги усталардан фарқли равишда, миниатюра санъатининг анъанавий тизимига замонавий муаллифнинг ўзига хос бадий тафаккурини ҳам сингдиришга ҳаракат қилади.

Ҳозирги босқичда миллий маданий меросни ўрганиш жараёнлари тадқиқотчилар олдида нафақат тарихий ўтмишда, балки уларни замонавий бадий ижодиётда талқин қилиш жараёнларида ҳам янги кенгликларни, кир-

раларни, мойилликларни намоён этади. 1990 йилларда замонавий рассомлар томонидан ўрта аср миниатюраси бадий тажрибасини ўзлаштиришда унинг мазмуний тузилишини теран мушоҳада қилиш, унинг шартли чизгилар замирида ифодаланган мақсадни – рамзий, мажозий маънони тушуниб етиш муҳим жиҳат ҳисобланади. Бошқача айтганда, замонавий миниатюра рассомлик санъатида тасаввуфни англаш жараёни кечмоқда. Шу муносабат билан рассомларнинг асарларини сўфийлик таълимоти руҳининг ўзи, унинг эстетик назарияси ифодасини топган асарларга ва тасаввуфга хос мавзулар, сюжетлар, қоидаларни ғайриихтиёрий равишда тасвирловчи асарларга ажратиш мумкин.

Тасаввуф таълимотини энг теранроқ англаш, тушуниб етиш Н.Холматов, А.Йўлдошев ижодида намоён бўлмоқда. Улар ўз асарларида дунёни ҳис этишнинг ўрта асрларга хос бўлган рамзий маъносини акс эттиришга ҳаракат қилмоқдалар. Чунончи, Н.Холматовнинг “Фоний дунё” (1997) деб аталган охириги асарларидан бирида йўлдошлар билан тасвирланган кеманинг сўфийлик белгиларини, муаллиф томонидан унинг диний-афсонавий моҳияти мушоҳада қилинганлигини сезмаслик мумкин эмас. Манзаранинг мазмуни денгиз рамз вазифасини ўтаган Ҳаққа (Оллоҳ Таолога) етишишга бўлган ишоравий мақсад би-



Т.Болтабоев. Тошқоғоз кутида ишланган локли миниатюра. Тошкент. 1991.

лан ифодаланади. Ҳаққа (Оллоҳ Таолога) денгизга гарқ бўлибгина етишиш мумкин ва бунда кема тўсиққа айланади холос. Тасаввуф таълимотининг чуқур мазмуни рассомнинг “Шоҳ дарвиш”(1998), “Ҳаёт кемаси”(1998) сингари асарларида ўз аксини топган.

А.Йўлдошев узок йиллар давомида ўрта асрларга оид буюк мусаввирларнинг миниатюра асарларига таклид қилиб, улардан нусхалар кўчирди. Рассомнинг фикрича, нусха кўчириш жуда мушкул ҳисобланади, негаки рассом қайси асардан нусха олаётган бўлса, ўша рассомнинг руҳий ҳолатига кириши лозим. Тасаввуф қоидалари унинг “Йўлда”(1994), “Севишганлар”(1995), “Дарвиш маъшуқаси билан”(1995), “Дарвишлар рақси”(1996), “Шикор”(1997) деб номланган ишларида энг тўлароқ мужассамлашган. Мисол учун, “Шикор”(1997) асарида мусаввир сипоҳийнинг йиртқич билан яккама-якка олишуви орқали аввало инсондаги мудҳиш, ғайри шуурий туйғудан устун келиш, “хайвоний феъл-атвори” енгил зарурлиги ҳақидаги фикрни беради.

1990 йиллар миниатюра санъатида рассомларнинг тасаввуфга хос мавзуларни ғайриихтиёрий равишда тасвирловчи асарлари кенг тарқалди. Миниатюрачиларнинг бу тоифаси тасаввуф ҳақида деярли ҳеч қанақа тасаввурга эга эмаслар, ўзлари мурожаат этган образларни изоҳлаб бера олмайдилар. Хусусан, ёш миниатюрачиларнинг асарларида хониш ва навозиш ҳолатидаги, маъшуқаси билан висол оғушидаги, дарбадарликдаги дарвишлар мав-

зуи кенг тарқалган (Ш.Шоаҳмедовнинг “Дарвиш”(1993), М.Пўлатовнинг “Дарвишлар”(1994), У.Қосимовнинг “Дарвиш”(1998) асарлари). Ваҳоланки, тасаввуфда дарвишликка сўфий ҳаётининг муайян шартӣ ёки даври сифатида қаралади.

Тантанавор, викор билан юришлар ёки саёхат мавзулари замонавий миниатюрачилар ижодида кенг тарқалган. Бу дарвиш, сайёҳ, қарвонларнинг юришлари ва ҳоказолар бўлиши мумкин (М.Пўлатов “Қарвон”(1997), Ш.Шораҳмедов “Қарвон”(1996), Ф.Раҳматуллаев “Йўл”(1998), У.Қосимов “Қарвон”, А.Турсунов “Қарвон”). Тасаввуфда инсон ўзини бу дунёдаги йўловчи, дарбадар деб тан олади. Сўфий учун йўл – бу чуқур маънавий изланишлар йўли, Оллоҳга олиб борадиган йўлдир.

Ишқ, шарқ гўзаллари тимсолларини яратиш тасаввуфга ёндош яна бир мавзудир. (Ш.Шораҳмедов, М.Пўлатов, Ф.Раҳматуллаев, У.Қосимовларнинг “Ишқ”, Ш.Шоаҳмедов, М.Пўлатовларнинг “Шарқ гўзали” асарлари ва бошқалар.) Маълумки, ўрта асрлардаги тасаввуф тариқатида хос асарлар, санъат туридан қатъи назар ишқни, Оллоҳга бўлган муҳаббатни мадҳ этишга асосланган. Масалан, Жомийнинг дунёқарашига кўра, бутун дунё – бу илоҳий бирламчи асоснинг намоён бўлишидир, инсонни эса – парвардигор яратгандир. Ибн ал-Арабийнинг “Заковат қирралари” деган асаридаги Худони бирон-бир номоддий шаклда қўришга интизмаслик керак деган иборасини олайлик. “Худони аёл-



Ш. Шоаҳмедов. Тош қоғоз қутида ишланган локди миниатюра. Тошкент. 2000.



Б.Жалолов. «Абадият гумбази остида». Ўзбекистон халқлари тарихи
Давлат музейининг марказий фойеси деворидаги маҳобатли рангтасвир асари. Лавҳа.
Тошкент. 1995.



Х.Назирова, Т.Болтабоева, Г.Камолова, С.Қорабоева «Санойи нафиса» гуруҳи.
«Буюк Соҳибқирон — буюк бунёдкор». Темурийлар тарихи Давлат музейи
интерьердаги маҳобатли рангасвир асарининг марказий қисми. Тошкент. 1996.



Темурийлар тарихи Давлат музейининг
марказий зали. Тошкент. 1996.



А.Алиқулов. «Спорт ўйинлари тарихидан».
Олимпия спорти музейи. Тошкент. 1995.



А.Аҳмедшин. "Буюк ипак йўли".
Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси
интеръеридаги витраж. Вашингтон. 1997.



С.Рахметов. «Султон Аҳмад Мирзо» портрети. 1999.



Н.Имомов. «Ўғлимга совға», 1992.



Н.Шоабдурахимов. «Бахт қуши», 1996.



А.Исаев. «Донишманд». 1998.



Ж.Усмонов. «Медитация». 1999.



Р.Акромов. «Келин салом». 1999.



Ш.Ҳакимов. «Баҳор. Интиқдик». 1999.

да ҳис этиш энг мукамалдир”, деган эди сўфий. Замонавий ўзбек миниатюрачиларининг ишлари ана шу сўфиёна ҳақиқатни гўё тасдиқлаётгандек.

1990 йиллар миниатюра санъати рассомлари учун кенг қўламдаги ижодий изланишлар даври бўлди. Локли миниатюра соҳасида ижод қилиш билан бирга, миниатюра услубида деворларни безаш билан шуғулланувчи “Санои нафис” ижодий гуруҳини (Х.Назаров, Г.Камолов, Т.Болтабоев) алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. “Санои нафис” гуруҳи рассомлари Темурийлар тарихи Давлат музейи, Олий Мажлис биноси, Президент қароргоҳидаги миниатюра услубидаги деворий нақшларнинг муаллифларидир.

Ҳамкорликда ишлашларига қарамай, рассомларнинг ҳар бири ўзига хос ижодий баркамолликка эга. Масалан, Г.Камолов ўзининг локланган қутичаларида кўпроқ маънавийлик муаммоларини тасвирлайди. Айни чоғда, унинг ижоди ўз мавзулари, ёрқин ранг-баранг бўёқлар билан ишланганлиги, миниатюра анъаналарининг Оврупа реалистик рангтасвир усулларида уйғунлашганлиги билан ажралиб туради. Т.Болтабоев миниатюралари халқ достонлари, афсоналари, ўзбек мумтоз шеърини бадий тўқималаридан олинган. Ҳис-туйғуларга таяниш ва романтик образли-ҳиссий кайфият унинг ижодига хос хусусиятдир. Х.Назаров яратган локли миниатюра асарларида шарқ мумтоз шеърини мурожаат этилганлиги сезилиб туради. Унинг асарлари учун безакларнинг мўллиги, воқеаларнинг қўтаринчилиги характерли бўлиб, улар ўзига хос композиция ва рангин воситалар орқали акс этирилади.

Охириги йилларда Б.Йўлдошевнинг ижодий истеъдоди юксак даражада намоён бўлди. Дастлаб локли миниатюраси соҳасида тажриба тўплаган Б.Йўлдошев вақти келиб ўз ижодий изланишларини дағал матода миниатюралар чизишга қаратди. Рассом мурожаат этган образлар ўрта аср миниатюраларининг жозибadorлигини ўзида мужассам этади. Масалан, “Шарқ гўзали” (1998), “Қўғирчоқбозлар” (1999) асарларида рассом миниатюранинг услубий йўлларида йироқлашиб, эркин дастгоҳли композициялар яратади. Рассомнинг асарлари маҳорат билан ишланганлиги ҳамда ўрта аср миниатюрасининг поэтик тузилишига яқинлиги билан ажралиб туради.

1990 йилларда амалий санъатнинг заргарлик элементлари билан локли миниатюрани уйғунлашган тури пайдо бўлди. Бу йўналишда М.Собиров, А.Исроиловлар ишламоқдалар. Уларнинг асарлари ҳар иккала санъатнинг ноёб намунаси сифатида эътироф этилади.

Қўнға нақш босиш ва унинг турларидан бири сифатида қўнға миниатюра босиб тушириш Ўзбекистон амалий санъатида 90-йилларда пайдо бўлган яна бир янги услубдир. С.Пўлатов, У.Қосимов, Ш.Шоахмедовларнинг фаол хатти-ҳаракатлари билан қадимги қўлёмалар асосида қўнға босиб нақш солиш технологияси тикланди. Бу усулда ишлаётган усталар ўз ишларида эпиграфика билан уйғунликдаги ўсимликсимон ва геометрик нақшларнинг анъанавий қўринишларига ҳамда миниатюра тасвирлари мавзуларига ҳам мурожаат этмоқдалар. Миниатюрага хос бўлган тасвирларнинг жозибadorлиги чармга ўтказилмоқда, натижада жонлилик ва таъсирчанликка эга бўлган ажойиб асарлар пайдо бўлмоқда. Локли миниатюрага хос манзаралилик йўқлигига қарамай, қўнға миниатюрасидаги сидирга хромланган жигарранг доираси, мазмун тизимининг канчалик чуқурлигини, миниатюра тасвирининг бутун жўшқинлиги ва гўзаллигини акс эттиришга қодирдир.

1990 йилларда қовоқ пўстига миниатюра усулида нақш солиш ҳам кенг ёйилди. С.Зиёмов халқ санъатининг ана шу турининг ёрқин вакилларида биридир. Қовоқларга нақш чизилган олдин ўзига хос технология жараёни амалга ошириш керак бўлади. Бу жараён қовоқнинг сувқовоқ ва томошақовоқ деб аталувчи махсус навларининг уруғини топишни, уларни ўстириш ва қуритишни, етиштирилган қовоқнинг сиртига қум ва ёғлар билан ишлов беришни, ундан сўнг мойбўёқлар билан нақш солишни ва ниҳоят, бўёқни қовоқнинг сиртида қотиришни ўз ичига олади. С.Зиёмов ўз нақшларида ўрта аср китоб миниатюрасининг бадий тўқималари ва мавзуларига мурожаат этган ҳолда, уларга қайта ҳаёт бахш этади.

Ҳозирги тараққиёт босқичида миниатюра санъати юксалиш даврини бошдан кечирмоқда. Миниатюрачи рассомларнинг сафи кенгаймоқда, улар асарларининг бадийлик даражаси ошмоқда. Миниатюра санъат тури сифатида қатта истикболга эга.

Ўзбекистонда собиқ Иттифок даврида дизайн санъати бирмунча ривожланган бўлсада, жаҳон андозалари талабларига тула жавоб бера олади дейиш қийин. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Бу, энг аввало республиканинг мустақил равишда чет эл мамлакатлари билан иқтисодий алоқа қила олмаслиги, жаҳон тараққиётига ўзи фаол аралаша олмаганлиги билан изоҳланади.

Мустақиллик даврида санъатнинг бу турига алоҳида эътибор бериш давр талаби эканлиги республикамизнинг ўнлаб мамлакатлар билан савдо-сотик, иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишида ҳам кўзга ташланмоқда.

Республикамиз дизайнерлари эришаётган ютуқлар асосан бадий конструкциялаш, интерьерни лойиҳалаш, саноат (графикаси) дизайнида ўз ифодасини топмоқда. Сўнгги йил-

ларда Республикамизнинг етакчи дизайнерлари ўз асарлари билан жаҳоннинг АҚШ, Хиндистон, Хитой, Португалия, Болгария, Австралия, Юнонистон каби мамлакатларидаги кўргазмаларида катнашишди. Айниқса, Англияда ўтказилган кўргазмаларда катта муваффақиятларга эришилди. Жумладан, Л.Садриддинов, Ф.Тошмухамедов, С.Сейтьягеев, К.Турсунов, Т.Турғунов каби дизайн рассомлари халқаро танлов кўргазмаларнинг катнашчилари ва ғолибларидирлар.

Келажакда дизайнер-рассомлар тайёрлаш учун замин бўлиб хизмат қиладиган муваффақиятларимиз ҳам анчагина. Хусусан, Россия Федерациясида ўтказилган танловлар ғолиби, ҳозирги К.Бехзод номидаги миллий институтнинг собиқ талабаси Бекмабетов Темур ҳаммага таниш бўлиб қолган “Буюк Темур”, “Аниқлик шохларининг илтифоти”, “Лаҳзаларгача аниқ” деб номланган рекламаларининг муаллифидир. У тарихий манбалардан моҳирона фойдаланиб, сахналаштирувчи режиссёр ва ижодкор дизайнер-рассом сифатида юқоридаги асарлари учун 1993 йили Россия Федерациясининг энг яхши рассом-режиссёри деб тан олинди.

1997 йили Москва шаҳрида Имо-Дизайн студияси журналининг 1-сонида Континент-банк учун фирма услубида Эркин Кагаров ишлаган бир қанча амалий ишлар чоп этилди. 1999 йил 8 февралда у Умумроссия график дизайн Академиясининг ҳақиқий академиги деб сайланди.

Б.О.Семейкин, Т.О.Холмирзаев каби ижодкорларимиз АҚШнинг Атланта шаҳрида 1996 йил Халқаро Олимпиадага бағишланган кўргазмада, шунингдек, 1997 йил 4 сентябрдан 28 сентябргача Англияда “Кока Арт — Фолк Арт” кўргазмасида муваффақиятли катнашдилар. Юқорида келтирилган мисоллардан Ўзбекистон дизайн-рассомлар тайёрлаш жаҳон талабларига жавоб бериш билан бирга, бу соҳа мутахассисларига бўлган талабни қондириш учун катта ишларни амалга ошириш лозимлиги кўриниб турибди.

Сўнгги йилларда, қатор институтларда шу соҳа бўйича бўлимлар фаолият олиб бормоқда.

Бозор иқтисодининг шаклланиши юксак эстетик камолотни, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни гўзал ва сифатли бўлишини талаб қилади. Зеро, маҳсулот инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжини ҳар томонлама қонди-



Буюк Британияда ўтган “Кока-Арт — Фолк-Арт” кўргазмасида дизайнчилар Б.Семейкин ва Т.Холмирзаевларнинг лойиҳаси ғолиб бўлди. 1997.

риш билан бирга, хариддорларнинг дид ва талабларига жавоб бера оладиган гўзал, бежирим, ишлатишга қулай, рақобатбардош бўлмоғи лозим.

Ҳозирда хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга бирмунча қулай шароит яратилиши туфайли илмий текшириш, рассомлик лойиҳалаш ишлари яхши йўлга қўйилмоқда. Дизайнерлик ишлари ҳар томонлама муштарак даражада ривожланмоқда. Дизайн йўналишлари бўйича конструктор-рассом ҳамда лойиҳаловчи рассомлар купгина амалий ишларни олиб бормоқдалар.

Сайилгоҳ ва кўргазмалар дизайни, либослар ва газламалар дизайни, реклама ва амалий графика дизайни, саноат дизайни, интерьер ва меъморлик дизайнлари ривожланиш жараёнидадир. Тошкент шаҳрида ҳамкорликда қурилган Интерконтинентал меҳмонхонаси, Миллий Банк, Олий Мажлис бинолари қурилишларида Фарб ва Шарк меъморчилигининг энг яхши ютуқларини уйғунлаштириш билан бирга замон талабларига ҳам жавоб бермоқда.

Интерьернинг ички қурилишларини бадий безашда ҳам Фарб ва шарқона миллий безакларнинг анъанавий усулларида фойдаланиш орқали замонавий миллий меъморлик мактаблари яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Мебель лойиҳаси соҳасида Кувасой, Тошкентдаги “Файз” холдинг компанияларини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ерда ишлаб чиқариладиган мебеллар конструкцияси ҳамда лойиҳалаш соҳаси безатиш бўйича жакон талаблари даражасида эканлиги кўпчиликка маълум.

Шу ўринда мазкур фабрикалар маҳсулотларининг бетакрор гўзаллиги, безакларнинг бежирим ва нафислиги, энг асосийси эса фойдаланиш жиҳатидан қулайлигини таъкидлаш лозим. Маҳсулот ишлаб чиқариш билан бовлиқ соҳаларнинг қайси бирига назар ташламанг, илгор технологиялар, конструкциявий ечим, мукамал лойиҳалаш мавжуд бўлиб, улар миллий анъаналаримиз билан уйғунлашганда ўзининг тугал ечимини топаётганлигини кузатасиз.

Реклама ва тижорат соҳасида дизайнерчи рассомлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг фойдаланиш даражаси, қулайлиги, хариддорбонлигини оширишга интилишмоқда. Ҳозирги кунда дизайнерчи рассомлардан Ю. Эгамов, С. Умарбеков, Р. Аюпов, Ф. Файзиев ва бошқаларнинг ишлари диққатга сазовордир.

Дизайн рассомлари буюмга ўзига хос нафосат битиб, унда инсоний қадриятларни шакллантиради, буюмларга нисбатан муносабатларни шакллантиради ва бу орқали инсонда жамиятга қадр уйғотади. Бадий лойиҳалашнинг муҳим маънавий, рухий ва тарбиявий аҳамияти, унинг жамиятда тутган ижтимоий-маданий ўрни ҳам шундадир.

Кейинги йилларда Бадий Академия тасарруфидаги ўқув муассасаларида дизайн йўналиши соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва ўқув жараёнларини йўлга қўйишда ўқув устахона ва лабораторияларни техник жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув муассасаларида бадий либос, меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш, рангтасвирда ашёлар технологияси лабораторияларини ташкил этилиши талабаларга илмий-ижодий йўналишда изланиш ҳамда ишлашда янгилик яратиш учун имкон беради.

Бу борада А.Хўжаев номидаги Тасвирий ва амалий санъат билим юртида илк қадамлар ташланди, десак муболаға бўлмайди. Ҳозирда мазкур ўқув юртида “Бадий либос илмий-ижодий устахонаси” фаолият кўрсатмоқда. Устахона барча зарур ашёлар, замонавий жиҳозлар билан тавминланган. Модельер-дизайнер Ирина Шиповская раҳбарлик қилаётган ушбу устахонада ўтмишдаги миллий либосларимиз тарихини илмий ўрганишга ва уларни тиклашга асосий эътибор берилмоқда.

Бадий Академия тасарруфида 1997 йили махсус Миллий рассомлик ва дизайн институтининг очилиши Республикамиз раҳбарияти мазкур мутахассисликда алоҳида эътибор бераётганлигидан далолатдир. Бу ўқув юрти олдида Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланиб, бутун жаҳонга танилган нафис санъат мактабларининг ноёб анъаналарини авайлаб-асраш, ўрганиш ва уларни янада бойитиш вазифаси қўйилди.

Кўп мамлакатларда мода жиддий бизнеснинг бир бўлаги ҳисобланади. Ўзбекистонимизда эса у эндигина биринчи қадамларни ташламоқда, яъни мода – саноатда ишлаб чиқарилаётган либослардан фарқли ўлароқ янги газламалар ва шаклларни ўзлаштираётган, ҳамда либослар дизайнига ўзига хос, индивидуал ёндашаётган маълум бир модельер-рассомларнинг ижодий изланишлари натижасида шаклланимоқда. Турфа хил урф-одатлар ва йўналишлар тўғрисида телевидение, журналлар, Интернет орқали билиб олиш имконияти туғилганлиги, республикада ёш, истеъдодли модельер-рассомлар етишиб чиқаётганлиги

туфайли мода бугунги кунда янада халқчиллашиб бормокда. Ёш модельерлар орасида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг енгил саноат факультетининг битирувчилари билан биргаликда, юқори малакали дизайнерларни тайёрловчи К.Бехзод номидаги рассом ва дизайнерлар Миллий институтида 2000 йилда очилган “газлама ва либослар” дизайнери бўлими ва Ўзбекистон Бадий Академияси рассомлар коллежининг томошавий костюмлар бўлими битирувчилари ҳам бордир.

1994 йил Ўзбекистон Бадий Академияси қошида “Либос” эстетик маркази ташкил топди. Бу марказда дизайн бўлими, “Либос” модалар театри, эркак ва аёлларнинг кийимлари бўйича мукамал тикиш ва бичиш курслари, тўқиш – либосларни бадий безаш, тўқимачилик, машинада ва қўлда гул солиш, расм студия мактаби, болалар ва катталар учун мой-буёк каби курслар фаолият олиб боради. Ўтган йиллар ичида ушбу марказ дизайн ва замонавий костюмлар бўйича миллий ўзбек андозачилиги мактабининг етакчи кучларини



А.Ашурбоев. Окшом либоси. 2000

ташкил этувчи 100 дан ортиқ мутахассисларни етиштириб чиқарди.

Бўлғуси дизайнер-модельерларни етиштириб чиқаришда шахсан тўқимачилик ва енгил саноат институти ва факультети декани, Бадий Академия ижодий уюшмасининг дизайн секцияси ўринбосари, 2001 йилнинг энг яхши дизайнери номли “Офарин” мукофотининг совриндори Х.Комилованинг хизматлари беқиёс. Айнан шу аёлнинг ташаббуси билан институтнинг “Тикувчилик махсулотларини лойиҳалаштириш” кафедраси қошида талабалар либослари модалар уйи ташкил топди. Бу коллектив талабалар ва ўқитувчиларнинг ижодий ғояларини рўёбга чиқариш йўлида ўзига хос тайёргарлик мактаби вазифасини ўтамоқда. Испания, Сурия, Греция, Хитой, Польша каби мамлакатларда бўлиб ўтган кўргазмаларда ТЛМУнинг коллекциялари бир неча бор совринларни қўлга киритган.

Дизайн ва либосларни андозалаштиришнинг замонга мос бадий ривожланиши учун охириги йилларда ўз фаолиятини кенгайтириб бораётган Бадий Академия ижодий уюшмаси қошидаги дизайн секцияси муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Ёш мутахассислар билан бир каторда, малакали мутахассислар орасида ҳам ушбу бўлимга аъзо бўлишни истовчиларнинг сони ортиб бормокда. Бўлим томонидан бир қанча катта кўргазмалар ва фестиваллар ўтказилгандир. Улар орасидаги “Дизайн ва тўқимачилик” кўргазмасида бутун Ўзбекистон корхоналарида матолар ва тўқимачилик устида ишловчи рассомлар иштирок этдилар. 2001 йилда эса Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига таяниб тўқимачилик муаммоларига бағишланган методик семинар ўтказиш кўзда тутилган.

Замонавий мода икки йўналишда ривожланмоқда. Унинг дастлабкисида ҳар бир модел алоҳида санъат асари бўлиб шаклланган, ғайриоддийлик билан мазмундорликнинг, модельер иқтидорининг махсули бўлган юқори мода вужудга келади.

Иккинчи йўналиш прет-а-порте бўлиб, у кундалик либосларнинг муаллифлик коллекциясини яратишдан иборат.

Бадий Академия Республика коллежининг битирувчилари И. Шиповская, Н. Ялишова, Ф. Файзутдинова, Б. Нодир, В. Шевченко, Н. Абдураимова, Л. Магдиева, Н. Шатрова модалар дунёсига янги ғояларни олиб келишди. Улар икки хил йўналишдаги моданинг ғайриоддий, ёрқин томошавий, театрга хос йўналиши бўйича ижод қиладилар.

Кизлар тахсил олаётган вақтларида тарихий ва миллий костюмлар устида жуда кўп ишладилар. Ўрта Осиё регионларида беҳисоб анъанавий миллий либослардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш ёш модельерлар учун оддий тикилган кийимдан жозибador мафтун этувчи костюмлар яратиш имкониятини берди. Уларнинг коллекцияларини турли тақдирот маросимида, бадий ва саноат кўргазмаларида томоша қилиш имконияти туғилди. Охириги бир неча йил ичида улар “Илҳом” театрининг сахнасида ўз моделларини намойиш этдилар.

А.Ашурбаев маҳаллий хом ашёдан рақобатлаша олувчи матолар ва кийимлар яратиш бўйича ўтказилган “Ўзбекистон пахта-си—2000” халқаро кўргазмасида аёллар ва эркеклар коллекциялари, маҳаллий усулда тайёрланган тери махсулотларидан яратилган “Она” аёллар либослари мажмуаси билан иштирок этади. Шу билан бирга А. Ашурбоев малакали дизайнер-модельерларнинг “Биллур кўйлак” номли халқаро модалар фестивали ҳамда ёш дизайнерларнинг “Осиё XXI асрда” халқаро фестивалининг ташкилотчиси ва бадий раҳбаридир. Унинг кундалик ва байрамлар учун тайёрлаган либослари сифатининг юксак даражада эканлиги, бичимининг бенуксонлиги, газламаларининг сифат даражаси юқори эканлиги билан ажралиб туради. Унинг бисотида ёшлар модасидан тортиб, тадбиркор эркеклар ва аёллар костюмларигача мавжуд. Бу либосларни “классик романтизм” услубида яратилган дейиш мумкин. Чунки улар аёллар анъанавий либоси, шунингдек, калта ва узун чарм камзулларни ҳам енгил, нафис либосларга муқоялаш асосида яратилган. Модельер яратган чарм либослар соддалиги, қатъийлиги ва қулайлиги билан ажралиб туради.

“Биллур кўйлак” халқаро фестивалининг золиби Л. Бойматова юқори даражадаги малакали модельердир. Унинг “Қора-оқ жаз”, “Куз оҳанглари”, “Ностальгия” каби коллекцияларини “матоларнинг фусункор манзараси” дейиш мумкин. Л. Бойматова жисмининг шаклини акс эттирувчи либосларга майинлик, жозибadorлик бахш этиб, аёлни тор кийимлардан озод этишга уринади.

Тошкентлик ёш расом-модельерлардан О. Колесникова, Л. Сайфи, Л. Лисенко, М. Стрельниковалар анъанавий батик санъатидан фойдаланиб, замонавий йўсинда ижод этадилар. Улар фақатгина табиий матолар (шойи, пахта, лён) дан ва одатдаги анилини

бўёқларидан фойдаланиб, иссиқ ва совуқ батик техникасида ишлайдилар. Уларнинг маиший миллий либослар коллекциясидан анъанавий андозадаги аёллар кўйлаклари, эркек ва аёллар чопонлари ўрин олган. Нотабиий бўёқлардан фойдаланганлик маҳаллий усталар тўқиган газламаларда доимий урф бўлган кўк жигарранг бўёқлардан озод бўлишни кўрсатади. Матонинг асосий ранги ва нақшларнинг бир-бирига зид боғланиши безакларга ёркинлик берувчи манзара ҳосил қилади.

Таниқли уста-модельер Д.Сайфи кўп йиллардан бери тери билан ишлаш иштиёқини ўзгартирмай келмоқда. У пальто, чакмон, костюм, камзул, бош кийимлар каби ранг-баранг махсулотларни яратади.

Тери билан ишловчи бошқа усталардан фарқли равишда Д. Сайфи бу матога одатдан ташқари ёндашиб, уларни гоҳ ипакка, гоҳ тўқима ашёга айлантириб юборади. Маълумки, бутун ғарбда “адл қомат” деб номланган



Л.Сайфи. “Бахт қуши” либослар коллекциясидан.
2000.

мода ҳукмрон. Шу услубдаги қора чармдан тикилган либос кийган аёл қандайдир қаҳрли гавдаланади. Д. Сайфининг “чарм либосдаги аёл”и кийимининг жозибаси билан кишини мафтун қилади. Бу либос аёл қомати гўзаллиги ва нозиклигини бутун таровати билан намоён этиб, романтик қахрамон қиёфасини ҳаёлда жонлантиради.

Уста тери билан ишлар экан, бу матонинг барча имкониятларини кўрсата олади. Бундаги меҳнат узлуксиз сабр-тоқатни талаб этиб, исталган натижага эришиш ниҳоятда секин, босқичма-босқич амалга ошади. У одатдагидек кўнғир ранглар: жигарранг ва қора ранглардан фойдаланади. Енгил, майин кийимлар учун эса ёрқин, тўқ бўёқларнинг уйғунлигини афзал кўради.

Мохир модельер Д.Тен газламаларга ва уларнинг замонавий ёшлар модасида қўлланилишига умуман янгича йўналиш билан ёндашади. Унинг сўнгги коллекцияси конструктивизм услубида яратилган. Унинг янги силуэтларида мумтоз миллий ўзбек матоларидан — адрас, хонатлас, шойилар мутлако бошқача моҳият касб этган ва янгича кўринишга эга. Д.Тен ижодий иш жараёнини ҳар томонлама ўзлаштира олган: бу ерда бичиш технологиясини жуда яхши билиш ҳам. Яратилаётган кийимга бадийий ёндошиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Теннинг ишларини бошқалардан ажратиб турувчи ўзига хослиги унинг ягона тўлиқ ансамбль-либослар, оёқ кийимлар, аксессуарлар мутаносиблигини яратишида кўринади.

Ҳеч вақт модадан тушмайдиган жуда кўп модельер-дизайнерларнинг сеvimли газламаси трикотаж Ўзбекистондаги таниқли “Агама” трикотаж уюммасида сермахсул иш олиб боровчи О.Сўрбаеванинг авангард коллекциясида ўзига хос ечим топди. Сўрбаеванинг коллекциялари матонинг ажойиб тўқилиш техникаси, трикотажнинг ҳар турли тўқималарда ишлатилиши боис услубий таққосланиши металл конструкциялар кўринишидаги бош кийимлар билан биргаликда ягона мукамал ансамбль ҳосил қилган юқори профессионалиги билан ажралиб туради.

Дизайнер Э.Сўрбаева коллекцияларининг илдизи Европанинг ўрта аср либосларига бориб тақалади. Ҳақиқий шарқ дизайнери сифатида Европа костюмларининг анъаналарини ўзлаштириб матога гул солишда ўзининг мутлако янги хусусиятларга эга композициясини яратади. Янги моделлар бутунлай ўзгача маъно касб этиб, либослар дизайнида гўё

шарқ ва ғарб анъаналарининг уйғунлашган намунаси сифатида намоёиш этилади.

Пахта ва шойи иплардан тўрсимон либослар тўқувчи Л.Тен коклюшка билан тўқиладиган турлар бўйича ноёб истеъдод эгасидир. У ўзининг хайратланарли маҳоратини блузкалар, калта кофталар, кўйлақлар, аёлларнинг ҳашаматли ёпинчикларида намоён этади.

Модельер Н.Петросова ўз коллекцияларини яратишда ҳар бир фаслда долзарб ва сўнмас бўлган шойи, адрас, чит, шифон, бўз матолардан фойдаланади. У яна ўз ижодида Шарқ ва Ғарб модел санъатини уйғунлаштиради. Бир кўйлақ танловида ҳакамлар ҳайъати соврини билан унинг миллий матони ноанъанавий дизайнда қўлланилган асари таъдирланган. Ўзининг сўнгги ишларида Марғилон шойиси ва бўз мато асосида Петросова аёллар кийимининг ажойиб тўпламини яратди. Унда модельер замонавий усулда ўзбекча кўйлакнинг анъанавий бичимидан фойдаланади.

90-йиллар охиридаги минимализм услубидан секин-аста қайтиш янги минг йиллик модасини белгилаб берди. Ҳозирда кийимда услублар аралашуви нозик дид бўлиб ҳисобланади. Минимализм ўрнига эклектизм келиб, этнографик мавзулар жуда долзарб ҳисобланади. Ёрқин безакдорлик, ўзбек амалий санъати тури бўлган кашгачилик, читгарликнинг анъанавий элементлари Л.Бобоева ва Л.Сайфи тўпламлари учун хосдир.

Л.Бобоева асарларида таниш матолар янгича тус олади. Ўз тўпламларини яратишда у ўзбек анъанавий ипак матосининг ажойиб дунёсини очди ва уларни кийим моделларини яратишда кенг қўллаган биринчи дизайнерлардандир. Л.Бобоева доимо янгиликлар киргазди, масалан, беқасамдан тикилган моделлари миллий кийим — чопон техникасига асосланган бўлиб ўзининг тугаллиги ва нафислиги билан ажралиб туради. Лола моҳирлик билан анъаналарни янги услублар билан замонавий модада уйғунлаштиради. Тошкентда бўлиб ўтган “Хамса — 2000” Халқаро фольклор мода фестивалида у йилнинг энг яхши дизайнери совринини қўлга киритди.

Л.Сайфи модельер сифатида “Батик” гуруҳида фаолият кўрсата бошлади. Л. Сайфининг илк моделлари ўзининг ранглар мажмуаси ва усули билан миллий анъаналар ва илдизларга таянади. Сайфи моделлари замонавий мода янгиликларига уйғун кириб бориб, томошабинларда экзотик қизиқиш уйғотади ва

ижодий муваффақиятлар олиб келади. Бишкекда бўлиб ўтган модалар Халқаро фестивалида Л. Сайфи асарлари “Моодаги этнография” номинациясида 1-ўринни олди.

Сўнгги йилларда табиий мўйна жуда долзарб бўлиб қолди. Худди атрофдаги барча нарсалар — жакетлар ва юбкалар, сумкалар, оёқ кийимлар, белбоғлар ва қўлқоплар мимикдай бўлиб қолгандек. Ўзбекистон азалдан қорақўл ишлаб чиқаришнинг қадимги анъаналари билан машҳурдир. Модельер У.Икромов ва мўйнага янгича ёндашувни таклиф қилади. У мўйнани енгил ва қулай қилиб, ундан аёллар ва эркекларнинг мумтоз кийимларини яратди. Унинг сўнгги асари — кўнчилик технологиясини сайқаллаштиришда катта меҳнат талаб қилган асардир. Оғир, қўпол ва букланмас мўйна кийимларни енгил ва қулай қилиш учун ижодий ихтиро, мўйнани мураккаб қайта ишлов бериш талаб қилади.

Сўнгги минг йиллик Тошкентда ўтган модалар фестивали, модали тўпламлар кўргазмаларга эга турли-туман шоулар билан белгиланади. “Осиё XXI аср” Модалар Халқаро Фестивалининг асосий ғояси — ёш истеъдодли дизайнер-модельерлар билан танишувдан иборат. Кўрикда 14 та ёш рассомлар иштирок этиб, улар ишланиш техникаси, матолардан фойдаланиш услублари жиҳатидан турлича бўлган тўпламларни олиб чиқишди. Фестивалнинг асосий тухфаси рассом-модельерлар М. Кўзиева ва М. Отақўзиевдир.

“Оналар ва болалар” йилига бағишлаб Ўзбекистон дизайнерлар Уюшмаси “Болажонлар — ширин тойлар” номи билан баллар ва фарзанд кутувчи аёллар учун қулай кийимлар фестивалини ташкил қилди. Унда 20 та ёш дизайнерлар ўз модельерлари билан иштирок этдилар. Модельерлар олдида бўлажак оналар учун кийимлар мажмуасини кўрсатиш масаласи қўйилди. Уларда табиий ва иссиқ-сочдан сақловчи матолар танланиб, қулай бичим ва ёқимли ранглар мажмуасидан фойдаланилди. Худди шундай талаблар гўдаклар кийимиغا қўйилди.

Фестивал катта муваффақиятга эришди, унда 150 га яқин байрамона, ҳар кунги, мактаб, коллеж ўқувчилари учун мўлжалланган кийимларнинг турлича моделлари намойиш этилди. Шуниси диққатга сазоворки, уларнинг барчаси ҳудудий матолардан Наманган шойи, Марғилон, Бухаратекс комбинатлари ишлаб чиқарган креплешин, хонатлас, креп-жоржетлардан бажарилган.

Шу йил апрел ойида Тошкентда бир неча

йирик кўриқлар бўлиб ўтиб, уларда ҳам таълик хамда ёш, эндигина ижодга кириб келган модельерлар иштирок этишди. Айниқса “Илҳом” театрининг 25 йиллигига бағишланган “Кутюрлардан эскизлар” альтернатив модалар фестивали диққатга сазовордир. Фестивал ўз ичига кўпгина иштирокчиларни, яъни республиканинг 17 та таълик ва ёш модельерларини бирлаштирди. Улар орасида И.Шиповская, А.Шляхтина, Л.Сайфи, С.Осмонов, Н.Ниёзова, Ф.Файзиддинова, Л.Исmoilхўжаева, Н.Ялишева, А.Чиченова, Т.Воликов, “Батик” гуруҳи, В.Шевченко, Д.Тен, М.Гайфулина, В.Эм, Е.Козевлардир.

Кўрик дастурига киритилган мажмуаларни фантазия, ёркин тимсоллар, ўзига хос бадий ва технологик усуллар ажратиб туради. Уларда альтернатив моданинг авангард йўналишига қаратилган йўл аён бўлди. Кўрик — ўзбек замонавий мода янги сифатли даражага кўтарилганини аниқ кўрсатди. У ўзининг шахсий, бетақор услубига эга бўлиб, ўзининг шахсий йўлини дизайнерлик изланишининг улкан оқимида изламоқда. Энг асосийси — у рассом-модельерлар сиймосида ажойиб талқинига эга бўлиб, улар молиявий мураккабликка қарамадан юқори мода сари олдинга бормоқдалар.

Ўзбекистон модаси аҳволига қисқача шарҳлаш шунини кўрсатмоқдаки, Республикада кийимларни моделлаштиришнинг миллий мактаби шаклланди, ёш дизайнерлар сиймосида яхши онгли куч акс этгани аён бўлди. Аммо афсуски, бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг ечимсиз бизнинг мода муҳлислар ва модельер-мутахассисларнинг тор доирасида қолиб кетиш хавфи бор. Рақобатбардош даражада кийимларни яратиш ва ривожлантириш учун ҳам давлат, ҳам ҳомийлар томонидан яхши молиявий қўмак керакдир. Муаллиф маркази остидаги кийимларнинг кичик ҳажмдаги тўпламсини чиқариш учун кичик корхоналар ва устахоналарни яратиш, инвесторларни жалб қилиш, замонавий моданинг асосий оқимлари ҳақида янги маълумотлар керакдир. Бухаратекс, Марғилон ва Наманган шойи комбинати модельерларга етарли ёрдамни бермоқда. Бу ёрдам ушбу корхоналар раҳбариятининг Республика модел бизнесининг кейинги ривожига самимий қизиқиши ва узоқни кўра билишини исботламоқда. Шу билан бирга, ҳудудий матолар сифатини яхшилаш, уларни сифатли янги технологик даражага чиқариш учун тўқимачилик корхоналарига катта куч сарфлаш лозимдир.

II б о б. МУСИҚА САНЪАТИ

Ўзбек мусиқа маданияти қадимий ва ранго-ранг, айни пайтда янги замон анъаналарини ўзида мужассам этган ҳолда ривож топмокда. Бунда аввало беназир халқ мусикаси, мумтоз мусикий мерос, миллий бастакорлик, ҳозирги замон бастакорлиги, шунингдек, халқ хаваскорлиги ҳамда жўшқин оммабоп эстрада ижодиёти каби шаклан ва услубан ниҳоятда сержило жабҳалар намоён бўлади.

Истиклол шарофати билан миллий-маънавий кадриятларимизга бўлган диққат-эътибор, унутилаёзган анъаналаримизни тарихан қисқа муддат ичида қайта тикланиши, муттасил тараққий эттириш мақсадидаги янгиланиш, ислоҳ этиш жараёнларида устиворлик касб этди. Шунингдек, қўшни ва узок хорижий мамлакатлар билан маданий-мусикий алоқаларни ўзаро бойитиш йўлида ривожлантириш саъй-ҳаракатлари ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлди.

Собик шўро даври мафкураси исканжаларида бўйилган ўзбек мусиқа меросининг Шарқ халқлари анъаналари билан тарихий алоқалари янги босқичга кўтарилди ва ижодий ҳамкорликлар йўлга қўйила бошлади. Айнан шу маданий алоқалар, мусиқанинг илоҳий таъсир кучи ва ўзбек халқининг бой мусиқа меросининг аҳамияти ва мавқеини, унинг Шарқ мусикаси билан муштараклигини назарда тутган Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг “Шарқ мусикасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя бук... Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмокда”¹ деган сўзлари юкоридаги фикрлар исботидир.

Бугунги ўзбек мусиқа санъатининг жаҳон сахналарида эришаётган ютуқлари таҳсинга сазовордир. Бунга, хусусан, Ўзбекистон композиторлари асарларининг йирик ва нуфузли хорижий ижрочи жамоалари репертуарларидан ўрин олиши, етук санъаткорларимиз — Турғун Алиматов АҚШда, Абдухошим Ис-

моилов АҚШ, Франция, Германияда, Мунжот Йўлчиева Францияда, Юлдуз Усмонов Голландия ва Германияда, Насиба Абдуллаева ва “Ялла” ансамбли АҚШда, Миллий симфоник оркестри Туркияда, “Сувдиёна” ўзбек халқ чолғулари камер оркестри Испания, Голландия, Германия мамлакатларида муваффақият қозонган гастрол ва концертлари ёрқин мисолдир. Шунингдек, ушбу ўн йиллик даврида элликдан ортиқ ёш истеъдодли созанда ва хонандалар нуфузли Халқаро танловларнинг совриндорлари бўлишди. Улар орасидан пианино ижрочилари — Улуғбек Полвонс (Португалия, 1991; Италия, 1996; Германия, 1996; Грузия, 1997; АҚШ, 1998), Гулнора Алимова (Франция, 1993; Португалия, 1994; АҚШ, 1995), Наргиза Алимова (Италия, 1996; Беларуссия, 1996; Шимолий Корея, 1997), Ирина Гульзарова (Италия, 1997; Италия, 1999; Украина, 2000), Рустам Абдуллаев (Греция, 2000), хонандалар — Анна Гузаиров (Италия, 1993), Саида Мамадалиева (Шимолий Корея, 1996), Севара Назархонова (Болгария, 1999), камонли-торли чолғу ижрочилари — Дилшод Назаров (виолончель, Франция, 1999), Суннат Иброҳимов (виолончель, Қозоғистон, 2001), Марина Саркисова (скрипка, Туркия, 2000), Анастасия Юденич (скрипка, Франция, 2001), дамли чолғу ижрочиси — Али Измайлов (Қозоғистон, 1995) ва бошқалар бор.

Президент И. Каримов таъкидлаганидек “Маънавият — инсониятнинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қувватидир”. Ушбу олий мақсадларни ҳаётга жорий этиш соҳасида республикамаизда турли-туман тадбирлар ўтказилмокда. Бу борада, Президентимизнинг ва республика ҳукуматининг кейинги беш йилликда эълон қилган Фармон ва Қарорлар (“Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида (1996), “Ўзбекистон — Ватаним маним” кўшиқлар байрамини

¹ И.Каримов. Асарлар, 6-жилд, 322-б.

ўтказиш тўғрисида (1996), “Республикада му-
 сикий таълими, маданият ва санъат ўқув
 юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида”
 (1996), “Ўзбекистон Бадий Академиясини
 ташкил этиш тўғрисида” (1997), “Ўзбекис-
 тонда эстрада санъатини янада ривожланти-
 риш тўғрисида” (1998, 2001) ва б.) ўзбек му-
 сика маданиятининг янада ривож топишига
 ва юксалишига қаратилган. Шунга мувофик,
 ушбу ўн йилликда республикада ва унинг
 музикаий ҳаётида тарихий воқеалар ва муҳим
 ўзгаришлар бўлиб берди, жумладан, Самар-
 қандда “Шарқ тароналари” Халқаро музика
 фестивали (1997, 1999), Тошкентда Халқаро
 симфоник музика фестивали (1998, 2000),
 1995 йилдан бошлаб Тошкентда “Илхом — XX”
 Халқаро замонавий камер музикаси фестива-
 ли, 1996 йилдан “Ўзбекистон — Ватаним ма-
 ним” кўшиқлар танлови, 1999 йили “Алпо-
 миш” достонининг 1000 йиллиги, 2000 йил-
 дан бошлаб “Наврўз” кўшиқ-танлови, Амир
 Темури Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий,
 ал-Фарғоний каби буюк аждодларимиз тавал-
 лудларига бағишланган шонли саналар кенг
 нишонланди; ушбу йиллари ўзбек эстрада
 санъати ҳам қатор ютуқларга эришди. “Офа-
 рин”, “Она замин юлдузлари”, “Ниҳол” сов-
 ринларининг таъсис этилиши фикримиз да-
 лилидир.

Маълумки, ўзбек халқининг маънавий гу-
 заллиги асрлар қаъридан келаётган куй-оҳанг-
 ларида ўзининг ажойиб, бетакрор бадий
 инъикосини топган. Улаомларимиз берган таъ-
 рифлардан бирига кўра, музика — инсон ру-
 хининг озиғидир. Бинобарин, миллий музика
 кўп асрлар давомида аждодларимиз бой маъ-
 навиятининг, теран тафаккурининг, баркамол
 руҳиятининг садолардаги жонли ифодаси ва,
 айти пайтда, янги, буюк давлат бунёдкори
 бўлмиш жамиятимизнинг руҳ қуввати ва жон
 озиғидир.

Мустақиллик йиллари ўзбек анъанавий му-
 сикасига эътибор янада кучайди. Миллий қад-
 риятлар, урф-одатлар ва маросимларнинг
 тикланиши музика соҳасида ҳам анча ўзга-
 ришларга сабаб бўлди. Қадимий миллий му-

сикамиздаги бой бадий-тасвирий воситалар
 билан бир қаторда, янги жанр ва турларини
 ўзлаштириш натижасида ўзбек музика санъа-
 ти яна ҳам юксак даражага кўтарилди. Шу
 боисдан республика миқёсида кўплаб кўрик-
 танловлар ташкил қилинмоқда. Хусусан, ушбу
 ўн йилликда катта ашула ижрочилиги ва оила-
 вий ансамбллар (Қўқон, 1991; Шахрисабз,
 1994), “Алла” ижрочилари (Тошкент, 1992,
 1994, 1998, 2000; Марғилон, 1996), тўй-маро-
 сим кўшиқлари ижрочилари (Тошкент, 1993),
 фольклор-этнографик жамоалари “Чашма”
 танлови (Тошкент, 1994), “Истеъдод” номли
 ёш хонандалар (Тошкент, 1995), бахши-шо-
 ирлар (Денов, 1991; Нарпай, 1993; Тошкент,
 1995, 1997; Термиз, 1999), мақом ижрочила-
 ри ва халқ чолғулари ансамбллари (Шахри-
 сабз, 1996), “Барҳаёт сиймолар” (Тошкент,
 1996, 1997, 1998), оилавий ансамбллар (Жиз-
 зах, 1998), фольклор-этнографик ансамблла-
 ри (Тошкент, 1999), М.Узоқов ва Ж.Султо-
 нов номидаги ёш хонандалар (Марғилон,
 1997, 1999), Хожи Абдулазиз Расулов номи-
 даги ёш хонандалар (Самарқанд, 1997), Ко-
 милжон Отаниёзов номидаги ёш хонандалар
 (Урганч, 2001), Ю. Ражабий номидаги IV
 Халқаро ва V Республика Мақом ижрочила-
 ри (Тошкент, 1995, 1999), оилавий ансамбл-
 лар (1995) ва фольклор-этнографик жамоа-
 лари (1996), телефестиваллар шулар жумла-
 сидандир.

Турфа маҳаллий анъаналар ва хилма-хил
 кўринишларни ўз ичига олган ўзбек музика
 мероси шу кунга қадар икки асосий қатламда
 етиб келган бўлиб, бири “халқ музикаси” ёки
 “музикаий фольклор”, яна бири эса “мумтоз-
 касбий” ёки “устозона” музика деб юритила-
 ди. Уларнинг ҳар қайсиси “кўп ва ҳўб” бадий
 баркамол айтим ҳамда чолғу намуналари-
 дан иборат. Айти вақтда қадимий ва бой му-
 сикаий меросимиз янги даврларда қарор топ-
 ган бастакорлик анъаналарини ҳам ўзида му-
 жассам этган ҳолда ривож топмоқда. Бунда
 аввало беназир музикаий фольклорнинг сер-
 жило ва ранг-баранг турлари намоён бўла-
 ди.

ХАЛҚ МУСИҚА ИЖОДИЁТИ

Республикаимизнинг Истиклолга эришиши
 муносабати билан азалий халқчил қадрият-

ларни тиклаш, шу жумладан бадий-музикаий
 меросимизни атрофлича ўрганиш ва ундан бах-

раманд бўлиш учун етарлича имкониятлар вужудга келди. Эндиликда эски мафкура тобеълиги остида эътиборсизлик оқибатида анчайин сусайиб қолган, айрим мисолларда эса унутилаёзган ўзига хос миллий мусиқий қадриятларимиз қаддини ростлай бошлади. Турфа маҳаллий анъаналар, бадий баркамол айтим ҳамда чолғу куйлардан иборат халқ мусика ижодиёти дурдоналари нуфузли халқ тантаналари ва муҳим саналарга бағишланган байрамларда тараннум этила бошлади. Мамлакатимиз бўйлаб Мустақиллик байрами, Наврўз шодиёналари, "Ўзбекистон — Ватаним меним" республика қўшиқ байрамлари билан бир қаторда алла, лапар, ялла, ашула ижрочиларининг вилоят — республика кўрик танловлари ва бошқа оммавий тадбир (байрам, фестивал ва танлов)ларнинг ўтказилиши бунга яққол мисол бўла олади.

Айни пайтда, мусиқий фольклорнинг халқ маънавий ҳаёти ва турмуш тарзидаги табиий кўриниши ҳам давом этмоқда. Бу вазиятни ойдинлаштиришда санъатшунос олимларимизнинг илмий-амалий сафарлари, хусусан, 1991—1992 йиллари Жиззах вилоятига, 1991—2001 йиллари — Тошкент вилоятига, 1991, 1997—1999 йиллари Қашқадарё — Сурхондарё вилоятларига, 1993 йили — Фарғо-

на водийсига, 1995 йили Сирдарё — Жизз вилоятларига, 1998 йили Жиззах ва Самарқанд вилоятларига, 1999—2000 йиллари хоро вилояти ва Қорақалпоғистон автоном публикаси ҳудудларига уюштирган мусиқий фольклор — экспедициялари катта аҳамиятга бўлди (мазкур экспедиция иштирокчилари: Р. Абдуллаев, Ф. Кароматли, О. Ибраҳимов, С. Бегматов, Н. Тоштемиров, М. Сиров ва бошқалар). Бу меҳнатнинг натижаси ўлароқ, бугунги кунга келиб Республика ҳудудларида қўшиқ, терма, лапар-ашула ва ялла тусидаги жанрлар энг оммавий айтимлардан эканлиги маълум бўлди. Заман бу турдаги намуналар қарийб барча вилоят туманларида учрайди. ✓

Маросим ёки муайян вазият билан боғлиқ айтимлардан "Ёр-ёр", "Келин салом", "Рамазон" қўшиқлари ҳам шу қўрсаткичларга деярли тақрорлайди. Шу билан бирга ашула ва қарсақ жанрлари маълум ҳудудларда, яъни ашула Фарғона водийси, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Урганч шаҳарлари қарсақ жанри эса асосан Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ҳудудларида яшовчи аҳоли орасида ижро этилиб келинмоқда.

Ва, ният, кичик ҳудуд миқёсида ёки



Фольклор-этнографик жамоалари кўрик танлови. Қашқадарёлик иштирокчилар. Тошкент. 1999.

ган намуналардан **мавриги** — асосан Бухоро шаҳри ва вилоятидаги айрим қишлоқларда, қисман Самарқанд ва Жиззахда, **ёввойло** — Фарғона вилоятининг Сўх туманида, ривоят қўшиқлари Жиззах вилоятининг Бахмал ва Ғаллаорол туманларида, шунингдек дўмбира ва сибизга куйлари кенгроқ миқёсда Сурхондарё — Қашқадарё воҳаларида қайд қилинган.

Шу билан бирга, Республикамиз мусиқасида тавсиф этилган туртта асосий маҳаллий услуб — Фарғона — Тошкент, Бухоро — Самарқанд, Сурхондарё — Қашқадарё ва Хоразм мусиқий анъаналарининг ўзаро яқинлашуви ҳам етакчи тамойиллардан эканлиги маълум бўлди. Бунга вилоятлараро аҳоли миграцияларининг фаоллашганлиги, аҳоли турмуш тарзининг ўзаро яқинлашуви, шунингдек, оммавий ахборот воситалари, айниқса радио, телевидение ва бошқа овоз таратиш техник воситалари орқали маданий қийматлар алмашинувининг жадаллашганлиги каби муҳим омиллар сифатида кўрсатилиши мумкин. Айни пайтда, юқорида қайд этилган маҳаллий мусиқий услубларнинг айрим хусусиятларини инъикос этган Жиззах вилояти халқ мусиқаси ҳам эътиборни ўзига тортмоқда. Зеро бу ҳудудга Республикамизнинг турли вилоятларидан (Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразм ва б.) янги ерларни ўзлаштириш мақсадида миграция қилинган деҳқон оилалари ўзлари билан бирга маҳаллий мусиқий анъаналарни ҳам олиб келган эдиларки, натижада уларнинг ёнма-ён ҳаёти ва ўзаро таъсирланиш жараёнлари бошланиб кетди.²

Шуни ҳам айтиш керакки, халқ мусиқа ижодиётининг алоҳида гуруҳи сифатида тасниф этилган “муайян вазият ва тадбиру — маросим билан шартланган айтим — куйлар”нинг ҳозирги кундаги ҳаёти бирдек кечмаяпти. Табиийки, айрим маросим, урф-одат ва меҳнат турларининг ижтимоий моҳияти ўз кучини йўқотиб бориши натижасида улар билан боғлиқ айтим ёки куйларнинг ҳам дастлабки вазифаси ўзгариб, эндиликда “номаросим” халқ мусиқаси гуруҳига тааллуқли бўлиб қолмоқда, баъзи намуналар эса буткул унутилиш даражасига етган. Юзага келган бу вазиятда Республикамизда бир қатор чора ва тадбирлар (шу жумладан, фольклор-этнографик ансамбллариининг тузилиши ва фаолиятига катта эътибор берилга бошланганлиги, кўплаб кўрик-танловларнинг ўтказилиши, му-

сиқий фольклор намуналарининг турли даражадаги таълим-тарбия жараёнларига жалб этилиши) амалга оширилдики, бу ҳусусда ба-тафсилроқ тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Эътироф этиш керакки, бизнинг давримизга қадар етиб келган мусиқий фольклор намуналари кўпроқ вилоятларнинг қишлоқ туманларида ўзининг табиий ҳаётини давом эттириб келаётган бўлса-да, бироқ шаҳар муҳити, турли ижтимоий гуруҳларнинг маънавий талаб-эҳтиёжлари таъсирида хилма-хил тус олмақда. Алаҳусус, бугунги шаҳар фольклорининг ажралмас қўҳна қисмини “Ёр-ёр,” “Келин салом”, “Алла” каби ҳозирда ҳам асл қиёфасини деярли сақлаган оилавий маросим қўшиқлари, шунингдек, оҳанг ва сўз “матн”лари маълум ўзгаришларга юз тутган “Рамазон” айтими сингари қарийб санокли намуналар ташкил этади. Қолган қўпгина маросим ва номаросим айтим-куйлари эндиликда тобора “сахна фольклори”га айланиб бораётганлигини кўрамиз. Бу жаҳада яъни халқ айтими ва куйларини тингловчига сахна орқали етказиш борасида ҳам бир неча кўри-нишлар юзга келганки, уларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Фольклор намуналарини табиий асл ҳолига мос қайта садолантириш;
2. Мусиқий фольклорни “сахна талаблари”га мувофиқ қайта ишлов асосида ижро этиш;
3. Халқ айтимлари ва куйларини эстрада йўсинида ижро этиш.

Мусиқий фольклорнинг эстрада қиёфасига тобора жадал кириб бориш тамойили жаҳоннинг қарийб барча йирик марказий шаҳарларига хос жараён бўлиб қолмоқда. Бизда эса бу жараён яна ёш эстрада соҳасининг миллийлашуви билан ҳам боғлиқдир. Ва, кўп ҳолларда, айнан шундай бадиий жараёнлар воситасида ёш авлод вакиллариининг турфа мусиқий фольклор билан “илк танишувлари” рўй бермоқда. Бинобарин, халқимизнинг мавсумий маросим қўшиқларидан тортиб то қўшиқ, терма, лапар, ялла, ашула сингари айтимларигача (“Ёмғир ёғалок”, “Бойчечак”, “Марварид”, “Ум-уфу”, “Мажнунтол” ва б) ўз даврасига тортаётган ушбу эстрада йўналиши мусиқий фольклорнинг шаҳар шароитида ўзгача яппаш шакли ва тарғиботи сифатида баҳоланиши мумкин. Бироқ шу асосда мусиқий диди ва тинглов малакаси ҳосил бўлган ёшларнинг аксарияти фольклор қий-

² Н.Б.Тошгемиров. Жиззах халқ қўшиқлари. Т., 1994.

матини унинг асл табиий ҳолида намоён бўлишини тула идрок эта олмаётганликларини таъкидлаш керак.

Шахар мусикий маданиятининг муҳим жihatларидан яна бири бу мусикий фольклор намуналарини турли ижодий гуруҳлар, хусусан, фольклор-этнографик ансамбллари томонидан “сахна шароитида” ижро этилиши бўлиб қолмоқда.

Авваламбор таъкидлаш зарурки, сўнгги ўн йиллик мобайнида фольклор-этнографик ижодий жамоаларининг фаолияти янги, юқори босқичга кўтарилди. Зеро, Мустақил Ўзбекистонимизда илк бор нишонланган Наврўз, шунингдек, Мустақиллик байрамларидан бошлаб фольклор-этнографик ансамбллари “катта сахна” майдонларига чиқишлари анъана тусини ола бошлади. Бу ўринда Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок алоҳида эътибор билан ўтказиб келинаётган фольклор жамоалари билан бир қаторда яккахон кўшиқ, лапар, ялла ва ашула ижрочиларининг, шунингдек, оилавий ансамбллари анъанавий республика кўрик-танловлари ҳам муҳим рағбатлантирувчи омиллардан бўлиб қолмоқда. Эндиликда турли авлод вакилларида инборат мусика ва рақс дасталарини республикамизда кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, бугунги кунга келиб фольклор-этнографик ансамбллари умумий сони 300 дан ортиб кетганлиги қайд қилинмоқда. Муҳими, бундай ансамбллар ўз бисотидаги маҳаллий меҳнат айтимлари, мавсумий-маросим кўшиқлари, тўй маросими кўшиқлари, шунингдек, лапар, ялла, ҳажвий кўшиқ ва ашулаларни сахнавий кўринишларда маҳорат билан ижро этиб келмоқда. “Беш қарсак”, “Бойсун”, “Гулёр”, “Омонёр”, “Гулчехралар”, “Достон”, “Бесперде”, “Орзу”, “Ёр-ёр”, “Чавки”, “Моҳи ситора” ва бошқа кўплаб ансамбллар миллий-бадий меросни, унут бўлаётган анъаналарни ўрганиб ва ўзлаштириб, сўнгра уларни томошабинларга “тортиқ” қилаётганлари алоҳида диққатга сазовордир.

Хусусан, халқ оғзаки мусиқа ижодиётининг энг қадимий намуналаридан бири бўлган меҳнат айтимлари инсон жисмоний фаолиятининг айрим кўринишлари, хусусан, ер ҳайдаш, экин экиш, қўл тегирмон (ёрғучок)да дон янчиш, чархда ип йигириш каби жараёнларда ижод этилган маълум. Муайян меҳнатни бир маромда, уюшқоқлик билан бажаришга кўмак бериш қаторида яна инсон қалбига оро берган, роҳат бағишлаган, умидворлик, кўтаринчилик қайфиятини жо қилган меҳнат кўшиқ-

лари замонавий муҳит ва шароитлар таъсирида ўзгаришларга юз тутаетганлигини, баъзан дастлабки ижтимоий аҳамиятини йўқотаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Масалан ўтмишда қўш ҳайдаб бугдой янчишда айтилувчи “Майда-ё, майда” хирмон кўшиги эндиликда амалиётда деярли қўлланилмайди. Б.айтим “Бойсун” (Сурхондарё вилояти Бойсун тумани) ва “Чавки” (Самарқанд вилояти, Булунғур тумани) фольклор-этнографик ансамбллари томонидан қайта тикланган бўлса-да, аммо ўзига хос замонавий-сахнавий кўринишларда иккиламчи фольклор тусин олган.

Шу билан бирга бугдой ўрими вақтида икки киши томонидан далаларда, яйловларда ижро этиладиган “Ёзи”, бугдой ун қилиниши жарғенида айтилувчи “Ёргучок”, шунингдек сиргир соғимида айтилувчи “Хўш-хўш”, эчки соғимидаги “Чирай-чирай”, қўй соғимидаги “Турай-турай” ҳамда дон экинлари хосиятларини таъкидловчи “Бобо дехкон” эпик айтимлар ҳозирча асосан мутахассис-тадқиқотчилар томонидан илмий ўрганиш объекти бўлиб қолмоқда, холос.

Айни пайтда мавсум ва маросим куй-қўшиқларини ўрганиш (баъзи ҳолларда қайта тиллаш) ва тарғиб этишда фольклор-этнографик ансамбллари хиссаси салмоқли бўлмоқда.

Мавсумий маросим кўшиқлари ўзбек халқининг узун тарихий ўтмиши давомида юза келган турли-туман маросим ва урф-одатлар тарихида узил-кесил шаклланган бўлиб, уларда халқнинг дунёқараши, фалсафаси, ҳаёти воқеликларга муносабати, орзу-умидлари, иттиқ-интилишлари, хуллас, бир сўз билан айтганда, маънавий дунёси ўзига хос акс этади.

Бизга маълум бўлишича, мавсумий маросим кўшиқларининг энг кўп намуналари гуз баҳор фасли ва ундаги ардоқли, ижтимоий маданий аҳамиятга молик ҳодиса – Наврўз байрамига боғлаб ижод этилган экан.

“Бойсун” фольклор-этнографик ансамбли шу тоифага мансуб ва эндиликда кўпроқ тарихий-бадий қизиқиш уйғотаётган Наврўз сайли, Лола сайли, Суст хотин, Шох мойла Арғумчоқ каби мавсум айтимларини қайта тилаб, оммабоп сахна томошаларида ижро эти келмоқда.

Инсоннинг ҳаётий йўли билан боғлиқ муҳим сана ва воқеалар ҳар бир халқда ўзи хос тарзда урф-одат ёки маросимлар билан нишонланиб турилиши анъанага айланган. Ашулар сирасига оилавий шароитда ўтказил

диган оммавий тадбирлар киради. Оилавий маросимларнинг турлари ҳам кўп бўлиб, улар инсонга бутун умри давомида доимий йўлдош, ҳамроҳ бўлиб келган. Хусусан, ўзбекларда бешик тўйи, мучал тўйи, хатна (суннат) тўйи, никоҳ тўйи, мотам (аза) каби оилавий маросим турлари мавжуддир. Ушбу маросимлар гарчанд “оилавий” деб аталса-да, одатда, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар ва дўст-биродарларнинг қатнашишлари эвазига улар оммавий тус олади.

Этиборли томони шундаки, тўй айтимлари воситасида халқимизнинг маънавий гузаллик ҳақидаги теран тушунчалари бадий муҳассам бўлади. Бунга “Ёр-ёр” ва “Келин салом”лар ёрқин мисолдир. Зеро бу айтимлар, гарчанд уларни келин бевосита қўйламаса-да, халқимиз тасаввурдаги “иболи келин” сиймосига бевосита дахлдор бўлиб чиқади.

Афсуски, яқин ўтмишимизда “Ёр-ёр”у “Келин салом”ларнинг шеърӣ матнлари “тахрир” этилиб, қисқартирилган ҳолда ижро этилди. Эндиликда бу айтимларнинг шеърӣ матнлари тўлалигича (қайта тикланган ҳолда) айтиладиган бўлди. Бу ҳол нафақат “сахна”да, фольклор жамоаларининг анъанавӣ республика кўрик-танловлари ва турли фестивалларда, балки бевосита никоҳ тўйи жараёнида ҳам қўзғатилмоқда.

Халқ мусика ижодиётининг “номаросим” айтимлари гуруҳига мансуб терма, кўшиқ, лапар, ялла ва ашула каби намуналарга оммавий ахборот воситалари кўмагида кенг тус берилиб, турли фестивал ҳамда кўрик-танловларнинг ўтказиб турилиши ҳам ўзига хос анъана бўлиб қолмоқда. Худди шу йўналишга оид аёллар даврасида намоен бўлувчи Фаргона водийси “яллачилари”, Хоразм “халфа”лари ҳамда Бухоро “созанда” дасталарининг фаолияти замонавий кўринишларда давом этгани ҳолда, ана шу анъана давомчиларини мусика ўқув юртларида (жумладан, Хоразм халфалар санъатининг мусика мактабларида амалий ўзлаштирилиши) тайёрлана бошланганлиги ҳам этиборга лойикдир. Мазкур жанрлар ҳам фольклор-этнографик ансамбллар этиборидан четда қолмади. Аксинча, баъзи айтим намуналари ансамбллар репертуарининг асосини ташкил этмоқда. Масалан, “Омонёр” фольклор-этнографик ансамбли (Фаргона водийси, Қўқон шаҳри) лапар, ялла ва термаларни, “Достон” фольклор-этнографик ансамбли (Хоразм вилояти, Хива туман

ни) достонлардан парчалар билан бир қаторда лапар, терма, халфа кўшиқларини, “Моҳи ситора” фольклор-этнографик ансамбли (Бухоро шаҳри) эса кўшиқ, лапар, ялла ҳамда созанда дасталарига хос кўшиқ-раксларни маҳорат билан ижро этади.

Шу билан бирга, кўшиқ, терма, лапар ва яллаларимиз бутун Ўзбекистон бўйлаб ўтказилаётган катта байрамларда, айникса, Мустақиллик, Наврўзга бағишланган тантана ва оммавий сайилларда, таниқли ва ёш санъаткору-хаваскорлар иштирокида берилган турфа концерт-томошаларда ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

1991 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва Маданий-маърифий ишлар республика маркази томонидан “Алла” ижрочиларининг Республика кўрик-танлови мунтазам ўтказила бошланди. Шу аснода халқимизнинг қадимий маросими билан боғлиқ, айни пайтда, муҳим тарбиявий аҳамиятга эга айтимлар силсиласининг асл бўғинларини қайта тиклаш ва тарғиб этишга кенг йўл очилди.

Маълумки, азалдан янги оилада туғилган тўнғич фарзанд шарафига бешик тўйи маросими ўтказилиб, шу вақтдан этиборан чақалоқ ҳаётида муҳим бўлган икки-уч йиллик “бешик даври” бошланган. Она чақалоқни ухлатиш мақсадида бешиқни тебратиб, анъанавий “Алла” кўшигини қўйлайди. “Бешик вазиёти” билан бевосита боғлиқ оналар ижоди бўлган бу самимий ва беғубор айтимларда болани овутишга, тинчлантириб ухлатишга қаратилган сўз-иборалар, шунингдек, онанинг фарзандига нисбатан эзгу ниятлари, орзумидлари баён этилган тўртлиқлар бадиҳа этилади. Аллага ҳар бир она ўз хис-туйғулари, орзу-умидлари, истак-ниятлари, дарду-ҳасратларини ҳам боғлаб айтади. У юксак ахлоқий, тарбиявий аҳамиятга молик ижод намунасидир. Замондошимизнинг: “Алла нафақат онанинг болага меҳри, балки боланинг онага меҳр-оқибатини ҳам маънан таъминлайди”³,— деган гапларида чуқур маъно ётади. Бинобарин, она алласи билан бирга гўдақ қалбига миллий оҳанглар ҳам жо бўла бошлайди. Чунки ҳар бир аёл ўзининг беғубор, мусаффо туйғуларини айнан она тилида самимий ифода этади. Ёш боланинг миллий оҳангларга асосланган руҳий тарбияси унинг ўсиб улғайиши ва вояга етиши билан боғлиқ давр давомида бир неча кўринишларда, хусусан, болалар

³ Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. Т., Фан, 1993. 10-б.

халқ ўйинлари, Рамазон, Наврўз кўшиқлари сингари мавсумий маросим айтимлари, халқ сайллари, бешик тўйи, суннат тўйи, никоҳ тўйи каби тантаналарда узвий давом этган. Пировардида, мусикий қомусимиз ҳисобланмиш мақомларни қалб билан идрок этиб, уларни кўзкорачигидек авайлаб асраган қанчадан-қанча авлодлар ушбу соғлом ва табиий муҳитда етишиб чиққан. Уларни азалий қадриятларимизни чин маънода эъзозлайдиган, ўз Ватанига, халқига садоқатли, шунингдек, оқилли, меҳр-шафқатли, мурувватли бўлганлар, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги ўн йиллик мобайнида болалар (мусикий) фольклорига ва шу асосда ёш авлодни таълим-тарбия этиш ишига жиддий эътибор берилга бошлади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки болалар халқ айтим-қуйлари миллий мусикий мероснинг таркибий ажралмас қисми ва шу боис, ёш авлодда миллий бадий қадриятлар идрокини шакллантиришда муҳим омилдир.

Мутахассислар орасида кенг ёйилган қарашларга кўра, ҳар бир халқнинг кўхна қатлам мусиқа унсурлари айнан болалар (халқ) айтимларида муқим сақланиб қолар экан. Иттифоқо, болалар халқ кўшиқларида узок ўтмишда “хукм сурган” бирламчи тузилма (қуйи оқим қуйлари) хусусиятлари, даракчи оҳанг “сақрамалари” кенг намоеён бўлиши ва ҳатто мақом намуналарига хос жиҳатларнинг ўзгача инъикос этиши маълум бўлмоқда.

Болалар халқ кўшиқларининг “қатта”лар мусиқасига боғланиши сабаблари бир қатор омиллар билан, шу жумладан, ёш авлоднинг “тақлидчилик ижоди”, “буви-набира” занжири, “оналик фольклори” (алла, бешик ашулалари ва б.), шунингдек болалар ва ўсмирларнинг узок ўтмишда қатта ёшдагилар қаторида турли маросимларда иштирок этганларидан худди шу жараён қуй-қўшиқларини яхши ўзлаштириб олганликлари билан-да, изоҳланади.

Маълумки, болалар ўйинга қанқок бўладилар, аини пайтда “ўйин” орқали оламни ўзлаштирадилар, борлиқни ўзига хос англаб борадилар. Шу боис болалар миллий кўшиқларининг аксарияти ўйин билан ёки “ўйин вазияти”га боғлиқ ижро этилган. Тарихдан аёнки, Марказий Осиё халқлари ислом ди-

нини қабул қилиши муносабати билан ғайриэътиқодга боғланган одаг-маросимлар ўзининг ижтимоий моҳиятини йўқота бошлаган. Аммо бир қатор маросимлар (шу жумладан баҳор фаслига боғлиқ айтимлар) маълум воқеълик ўйинларига асосланганлиги пировардида болалар табиатига низоҳатда мос эди ва шу жиҳатдан ҳам уларнинг фольклорига сингиб кетган.⁴ Хусусан, “Бойчечак”, “Лайлак келди”, “Қалдирғоч”, “Читти гул”, “Оқ теракми, кўк терак” сингари ҳозиргача машҳур ўйин-кўшиқлар шу аснода бизгача етиб келди. “Яллама ёрим”, “Қичқир хўрозим”, “Ука алласи” каби болалар кўшиқлари эса ёш авлоднинг қатталарга “тақлидчилик ижоди”нинг маҳсулидир. Бунда халқ орасида машҳур айтимларнинг қуй-оҳангларига болалар ижоди бўлган шеър, сўз-ўйин айтишувлари боғланганлиги кузатилади.

Эндиликда бу каби ўйин-айтимлар болалар эстетик таълим-тарбиясининг муҳим қисми сифатида мактабгача муассаса ва бошланғич синфларда махсус дарсликлар асосида ўргатилмоқда. Шунингдек, умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларда фаолият кўрсата бошлаган “Чаман”, “Қуралай”, “Зилола” каби кўплаб фольклор ансамбллари томонидан ёшлар орасида тарғиб қилинмоқда.⁵

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирда халқ мусикаси намуналарини тарғиб этишда фольклор-этнографик ансамбллариининг ҳиссаси қатта бўлмоқда. Кўпгина ҳолларда унитилган маросим ёки меҳнат кўшиқларининг қайта тикланиши ва эндиликда “сахна” кўшиқларига айланиб қолишида ҳам фольклор-этнографик ансамбллариининг фаолияти сабабкор бўлиб қолмоқда. Бунга “Майда-майда”, “Лола”, “Чарх”, “Суст хотин”, “Арғамчи” каби кўшиқлар мисол бўлиши мумкин. Лекин шу билан бирга бу тоифа ансамбллар халқ мусикаси намуналарини асосан сахна маданияти орқали тарғиб этаётганликларини, демакки, бу жараёнда мусикий фольклор намунасига айрим “ишловлар” берилётганлигини назардан қочирмаслик керак. Бинобарин кўп ҳолларда тингловчига “сахна” орқали халқ мусикасининг асл нусхаси эмас, балки “иккиламчи” кўринишлари тақдим этилмоқдаки, бу ҳолат ҳамма ҳам мақсадга мос келавермайди. Чун-

⁴ Филолог олимларимизнинг илмий хулосаларига кўра айнан “болалар фольклорига мавсум ва маросим кўшиқларига асос солинган”. Китоб: Ўзбек фольклори очерклари. Т., «Фан», 1988. 275-б.

⁵ Фольклор ансамбли. Умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларининг тўғарак раҳбарлари учун дастур. Тузувчи Ф. Хидиров, Т., 1993.

ки бирламчи фольклор айтимларини маҳаллий аҳолининг асосан кекса ва қисман ўрта ёшдагилари билгани ҳолда, ёш авлод вакилларининг аксарияти бундан бебаҳра қолмоқдалар. Шу боис ҳам халқимиз миллий мусиқасининг асл чашмаларини, асл тўзалликларини оммага “тортиқ” қилишни ҳам энг мумим ижодий вазифалар қаторида қараш лозим.

Ҳозирда ўзбек халқ мусиқа ижодиёти педагогика, маданият ва санъат билим юртлари ўқув жараёнларига қатор фанлар (Ўзбек халқ мусиқа ижоди, Шарқ халқлари мусиқа маданияти, Анъанавий мусиқа асослари ва б.лар) тарзида татбиқ қилинган. Шу билан бирга ўзбек халқ мусиқаси дурдоналаридан ёш авлодни баҳраманд этиш асосида умумтаълим жараёнига ҳам мусиқий мерос жалб этилаётганлиги кузатилмоқда. Жумладан, мусиқий фольклор намуналари мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактабларининг мусиқа дарслари дастуридан кенг ўрин олган⁶.

Сўнгги ўн йиллик мусиқий фольклор бора-сида юзага келган илмий тадқиқотлар, монографиялар, мумим ўқув-услубий қўлланмалар билан ҳам тавсифланади. Хусусан, таниқли олим (“Эл-юрт хўрмати” ордени нишондори) Ф.М.Кароматли “Ўзбек халқ мусиқа мероси” туркумининг янги жилдларини нашрга тайёрлади, қатор мақолалар эълон қилди.

Р.С.Абдуллаев “Марказий Осиё халқлари маросим мусиқаси”га бағишланган илмий монографияни нашрдан чиқарди (1994й.).⁷ Шунингдек, Р.Ю.Юнусов ва О.А.Иброҳимовларнинг “Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти” ўқув-услубий қўлланмалари чоп этилди.⁸

Мустақил Ўзбекистонимизда миллий мусиқамиз равнақиға, унинг тарғиботиға давлат томонидан алоҳида эътибор берилаётганлиғини 1997 ва 1999 йиллари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Шарқ тароналари” Халқаро мусиқа фестивали мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур фестивал нафақат ўзбек халқ мусиқа санъати ривожиди, балки бир қатор Шарқ халқлари мусиқа маданиятида ҳам ижодий ҳамкорликнинг янги саҳифаларини очиб берди, десак муболаға бўлмайди.

Мустақил Ўзбекистоннинг ўтган ўн йиллиғи даврида Қорақалпоғистон Республикаси маданий ҳаётида, хусусан, мусиқа санъати соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди.

Аввало, миллий қадриятларимизға катта эътибор қаратилиши қорақалпоқ мусиқа санъатида кенг ифодасини топти. Узок йиллар давомида мафкуравий қатағонға учраган қорақалпоқ дostonчилари — жировлар, бахшилар, қиссахонлар санъати ўтган XX асрнинг 70—80 ва айниқса 90-йилларига келиб кенг тарғибот этилди. Қорақалпоқ дostonчилик санъатининг ўтмишдағи ва ҳозирғи қундағи йирик намоёндалари халқ зиёлилари қаторида тилға олиниб, уларнинг ижодий мерослари бўлмиш дostonлари, насихат термалари, тарихий тулғовларини ёзиб олиш, уларни нашр қилиш каби ишлар янада жадаллашди. Шунингдек, дostonларнинг мусиқий матнларини нотаға олиш ҳам бирмунча йўлга қўйилди. (А. Хайратдинов “Қобўз намалари” Нукус, 1986, “Жиров намалари” Нотаға олувчи М. Жиемуратов, Нукус, 1991). Бу борадағи ижобий ҳаракатлардан яна бири — Бухоро ва Навоий туманларида яшовчи қорақалпоқ жировлари билан ижодий алоқаларнинг қайта тикланиши диққатға сазовордир.

Оғзаки анъанадағи қорақалпоқ халқ мусиқасини ёш авлодға ўргатиш, устоз-шогирд анъанасини қайта тиклаш мақсадида 1992 йили Жапақ баҳши Шамуратов номидағи Нукус давлат санъат билим юртида фольклор бўлими очилди. Ушбу бўлимда таҳсил кўрган ёш жиров ва бахшилар, созандалар бутунғи қунда Республикаимизнинг мусиқий ҳаётида фаол қатнашмоқда. Улар орасида бир қатор чет давлатлар (Франция, Германия, Хиндистон)да ўз санъатини намоиш қилиб келган ёш ижрочиларнинг борлиғи қувонарлидир. Ёш жировлар — Бахтиёр Есемуратов, Бақберген Сиримбетов, бахши-қиз Зиёда Шариповалар шулар жумласидандир.

Миллий мусиқамиз мавқеини халқ орасида янада оширишға оммавий ахборот воситалари ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Радио ва телевидениенинг ҳафталик кўрсатувлари қаторидан жой олган халқ ижодиёти билан бовлиқ турли мавзудағи янги кўрсатувларнинг пайдо бўлиши (“Бахшилар лапизи”, “Дастма-даст” “Соз ўрганиш мактаби”, “Мерос”) бунинг ёркин далилидир.

Мусиқа ижодкорлиғи барча йўналишларининг пойдевори ҳисобланмиш халқ мусиқаси эркин ва тўлақонли ривож топанғи сари унинг шифобахш маънавий таъсири ажойиб бадий

⁶ Умумий таълим мактаблари мусиқий дастурлари. Т., 1996.

⁷ Р.С. Абдуллаев. Обрядовая музыка Центральной Азии, Т., «Фан», 1994.

⁸ О. А. Иброҳимов. Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти. 1. Т., 1994. Р. Ю. Юнусов. Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти. 2. Т., 2000.

ютуқларда тобора намоён бўлмоқда. Халқ му-
сиқаси намуналари ҳозирда мавжуд барча за-
монавий муסיқа ижодкорлиги — бастакорлик,

композиторлик, оммавий эстрада соҳала-
учун бебаҳо манба, миллий ижтимоий оҳан-
ларнинг “соф булоқ”лари бўлиб қолажак.

МУМТОЗ АНЪАНАВИЙ КАСБИЙ МУСИҚА

Ўзбекистон ўз давлат Мустақиллигига
эришганидан сўнг бошқа бадиий ижодиёт со-
ҳалари каби муסיқа маданияти ва санъатида
ҳам чин маънода ҳаётбахш ўзгаришлар рўй
бера бошлади.

Хусусан, мамлакатимизда юксак мумтоз
касбий муסיқа намуналарини авайлаб-асраш,
жонлантириш, равнақ топтиришга қаратилган
бир қанча ибратли ишлар амалга оширилди.
Бу борада Ўзбекистон Республикаси Мадани-
ят ишлари вазирлиги томонидан 1991, 1995
ва 1999 йиллари ўтказилган мақом ижрочила-
рининг Юнус Ражабий номидаги республика
танловлари, 1992 йили ўтказилган Жўраҳон
Султонов, Саиджон Калонов, Набижон Ҳаса-
нов, Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Со-
диқов ва Жанак Шомуротовлар асарлари иж-
рочиларининг “Бокий овозлар”, катта ашула
ва дostonчи-бахшиларнинг кўрик-танловлари,
“Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмасининг

вилоят ҳокимликлари билан биргаликда Са-
марқанд, Хоразм ва Фарғонада уюштирилган
ҳожини Абдулазиз Расулов, Комилжон Отани-
ёзов, Маъмуржон Узоқов номларидаги “Асо-
лар навоси” ёш анъанавий ижрочилар та-
нловлари пировардида эътиборга молик юту-
қлар қўлга киритилди. Шу аснода буюк а-
ждодларимиз — “нафосат куйчилари” томон-
дан ижод этилган мумтоз асарларга қайта-
дан жон бағишлангандек бўлди ва булар милли-
маънавий хазинамиздан ўзига муносиб ўр-
олмоқда.

1997 йилдан бошлаб кўҳна Самарқанд ша-
рида ҳар икки йилда ўтказилиши анъанага
айланган “Шарқ тароналари” Халқаро му-
сика фестивали нафақат республика-
миз, ва Мақказий Осиё минтақаси доирасида, балки жа-
ҳоншумул аҳамиятга молик ҳодисага айлан-
десак муболаға бўлмайди. Зеро, Шарқ ма-
лакатларидан ташқари яна Франция, Польша



Ўзбекистон халқ ҳофизлари (чапдан ўнгга) — Ҳ.Ражабий, Ф.Мамадалиев, О.Юсупов, О.Отахонов.

Германия, АҚШ, Англия каби Европа ва бошқа китъалардан ташриф буюрган машхур ва таниқли мусиқа санъати намояндалари иштирок этган мазкур байрамона тадбир боис қадимий ва муштарак анъаналар ўзаро янада яқинлашди, ижодий ҳамкорликка кенг йўл очилди, қолаверса, жаҳон халқлари ўртасида тинчлик, барқарорлик, ҳамжихатлик ўрнатилиши ишига салмоқли улуш қўшилди.

Айни пайтда фестивал боис ўзбек мумтоз касбий мусиқасини жаҳон “сахнаси” узра тарғибига кенг йўл очилди. Хусусан, Ўзбекистон халқ артисти, “Офарин” мукофоти соҳибаси (2001) Муножот Йўлчиева 1997 йили “Шарқ тароналари” I Халқаро мусиқа фестивалида биринчи ўринни қўлга киритди, 1999 йили “Шарқ тароналари” II Халқаро мусиқа фестивалида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторова бош соврин — “Гран-При”га сазовор бўлди.

1991 йили Турғун Алиматов ва Муножот Йўлчиева АҚШ да, М.Йўлчиева 1995 йили Францияда, 1997 йили Германияда, 1997 йилда Францияда чиқарилган “Ўзбекистон. Дутор санъати” номида А.Ҳамидов, Ш.Раззоқов ва С.Худойбердиевларнинг, 1999 йилда “Ўзбекистон мумтоз ашулалари (1940—1965 йиллар)” компакт-дисклари ҳам ўзбек мумтоз мусиқаси довуғини жаҳонга ёйишда салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Маълумки, мусиқий меросимизнинг энг сабобатли, энг сермахсул ва энг ардоқли қисмини мақом ижодиёти ташкил этади. Унинг таркибига турли даврларда бастакорлар томонидан ижод этилган ҳар хил ҳажмли, туркумли ва алоҳида-алоҳида, шаклан ва мазмунан мукаммал чолғу ҳамда айтим намуналари кирган.

Бугунги Мустақил Ўзбекистонда мақомотнинг уч тури — Бухоро мақомлари (ёки “Шашмақом”), Хоразм мақомлари ва Фарғона — Тошкент мақом йўллари мусиқа амалиётида жорий бўлиб келмоқда. Алоҳида таъкид жоизки, жонли жараён билан йўғрилган мақомчилик анъаналари бастакорлик (ижодкорлик) ва ижрочилик санъати билан бевосита боғлиқдир. Бунда ижодкорлик жабҳаси икки асосий қўринишда намоён бўлиши маълум бўлмоқда — бири мақомчилик анъаналарига мувофиқ янги намуналарни ижод этишда, яна бири мақом йўлларини ижро этиш талқинида кўзга ташланади. Мусиқий ижодиётнинг ҳар иккала бу соҳаси сўнгги йилларда ёрқин намоён бўлмоқда.

Яқин-яқинларгача улғувор мақом намуна-

лари ардоқли мерос сифатида тўғридан-тўғри қабул қилиниб, эндиликда фақат ижро талқинлари орқали янгиланиши, бойитилиши мумкинлиги эътироф этилар эди. Дарҳақиқат, кўп ўн йилликлар давомида жонли амалиётда худди шундай аҳвол кузатилган. Аммо тасаввурларимиз тез орада бунчайин кескин ўзгариб қолиши кўпчилик учун ҳеч кутилмаган воқеа бўлди. Бу борада Ўзбекистон халқ хофизи, бастакор Фаттоҳхон Мамадалиев ўз фаол ижодкорлиги орқали анъанавий услубда мавжуд намуналарни қайта ишлаш, овоз ёки созларга мослаштириш билан кифояланмай, балки, янада жиддийроқ янгиланган кешф этиш мумкинлигини тўла исботлашга муваффақ бўлди. Хусусан, ижодкор 1994—97 йилларда бизгача муайян шаклда етиб келган “Мискин”, “Насруллоҳий”, “Муножот” сингари ардоқли чолғу ва ашула туркумларини қимматли тўлдиришлар билан қайта ишлади.

Боз устига, Ф.Мамадалиев ёшлик чоғларида андижонлик забардаст устози Умурзоқ



Ўзбекистон халқ артисти, созанда Т.Алиматов.

Полвон Сайдалиевдан кўп эшитиб ўзлаштириб олган “Қадимги Ушшоқ”, “Зикри Ушшоқ”, “Умурзоқ Полвон Ушшоғи” каби ноёб мақом намуналарини садоларда жонлантирди ва шогирдларига ўргатди. Шу билан бир қаторда устоз буткул янги — “Савти Фаттоҳхон” номли мақом услубидаги ашула туркумини ижод қилди.

Ўзбекистон халқ ҳофизини, атоқли созанда ва бастакор Орифхон Ҳотамов “Ушшоқ”, “Гиря” туркумларини янги ашула йўллари билан бойитди. Бунинг натижасида ҳозирги замон бастакорлигида асл — анъанавий мусиқий тафаккур йўлида ҳам янги-янги ноёб асарлар яратиш мумкинлиги амалда исботланди.

Мақомларда мужассам бўлган маънавий-бадий гузалликлари жонли жараёнда намоён этиш ва уларни тингловчига етказиб беришда ижрочилик санъати қарийб ҳал қилувчи аҳамият касб этиши маълум. Бинобарин, қадимий ва доимо навқирон мақомларнинг асрлар оша ҳаёти ва ривожига, бир қатор омиллар қаторида, шубҳасиз устоз-ҳофиз ва созандаларнинг юксак ижрочилик маҳорати билан ҳам узвий боғлиқдир.

Ўзбек мумтоз мақом ижодиёти ва ижрочилиги соҳасида кузатилаётган янги жараёнларнинг ёрқин ифодасини кекса, етук ҳамда ёш авлодга мансуб ўнлаб санъаткорлар, ажойиб халқ ҳофизлари-ю таниқли хонанда, созанда ва бастакорлар фаолиятида кузатиш мумкин. Булардан атоқли созанда, Ўзбекистон халқ артисти, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Турғун Алиматовнинг беназир ижрочилик санъати ва М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясида устозлик фаолиятининг самарали давом этиши, унинг беvosита иштирокида энди наинки республика-миз бўйлаб, балки хорижий мамлакатларда, жумладан Франция, Америка Қўшма Штатларида Ўзбек миллий мумтоз мусикамизга бағишланган қатор концертлар бериши, у ерда CD лазер дискларга муҳрланган ёзувларининг чиқарилиши муҳим аҳамият касб этди.

Бу ўринда Ўзбекистон халқ ҳофизлари, атоқли хонанда, созанда ва бастакор Орифхон Ҳотамов ва Фаттоҳхон Мамадалиев, Ўзбекистон халқ артисти, созанда ва бастакор Ғанижон Тошматов, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Муҳаммадҷон Каримов, Қувондиқ Искандаров, Ҳасан Ражабий, Ўзбекистон халқ артисти, ҳофиз Отажон Худойшукӯров, Ўзбекистон халқ артисти, созанда ва бастакорлар Фуломжон Ҳожиқулов, Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистон халқ артистлари Муножот Йўлчи-

ева ва Марям Сатторов, Ўзбекистонда хизмат қурсатган артист, созанда ва бастакор Ўлмас Расуловларнинг ижодкорона ишла-айниқса ибратли деб баҳолашни мумкин. У сусан, бу устоз-санъаткорлар олдинги садошлари — Юнус Ражабий ва Рисқи Ражабий, Фахриддин Содиков, Ҳожи Абдулаз Расулов, Домла Ҳалим Ибодов, Матюсуф Ҳаратов, Комилжон Отаниёзов ва б. синга мақомлар ҳамда бастакорлик ижодиётига мансуб асарларнинг бетакорор ижровий талқиларига эриша олди ва бу йўналишда ўзгача хос ижро ва ижод услубларини муштарак қилган мактабга асос солдилар.

Шу билан бирга “ижодий ёндашув тамойили” мақомларни жамоавий (ансамбл) тарзда ижро этишда ҳам кузатилмоқда. Бу борда энг аввало мақом анъанавий ансамблларнинг таркиби эътиборни ўзига тортади.

Манбалардан маълумки, ўтмишда мақом ансамбли таркибида иккита танбур, битта дотор, битта қубиз, нижжак ёки сато, доира, бир неча жўрхон хонандалар бўлишган. Шунингдек, анъанавий ансамблларнинг маҳалла турлари ҳам шаклланиб улгурган. Хусусан Бухоро анъанасида танбур, най ва дойра, Фарғона — Тошкент услубида танбур ва дуту, Хоразмда эса дутор, буламон, нижжак ва дойра жўрсозлиги жорий бўлган.

Ҳозирги кунга келиб республика-мизда мақом ансамбли ижрочилиги анъаналари янги шаклларда ўз ҳаётини давом эттирмоқда. Чунинчи, республикада етакчи ижодий жамоа бўлган Ўзбекистон Телерадиокомпанияси қўшмадаги Юнус Ражабий номидаги Мақом ансамбли ушбу мумтоз ижрочиликда муҳим ўринга эга танбур ва дойра чолғулари мавқини сақлаган ҳолда яна уд ва қонун касб созлардан (нижжак, най, қўшнай, чанг, рўбоб қаторида) кенг фойдаланиб келмоқда. Ансамбл репертуаридан асосий ўрин олган Шайма мақом туркуми ва Фарғона — Тошкент мақом йўллари ижро этишда устоз санъаткорлар Юнус Ражабий ва Фахриддин Содиковлардан мерос қолган бадий анъаналар ижодий давом эттирилмоқда. Бу ҳол, масалан, 1980 йиллар охирида ансамбл таниқли созанда А.Исмоилов раҳбарлигида Бузрук мақомининг Наср (айтим) бўлими туркумларини ўзига хос ижро талқинида акс эттирган грампластинка ёзувларида яққол намоён бўлган эди. Айни пайтда амалга оширилган ушбу ижодий меҳнат мақомларни магнит тапчаларига, грампластинкаларга, қолаверса замонавий лазер дискларига ёзиб олишде-

бениҳоя муҳим тадбирларнинг янги даври бошланганлигига далолат этади. Бинобарин, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ ва Ирок мақомларининг, қолаверса Фарғона — Тошкент мақом йўлларининг янги ижро талқинларини ҳам лаппакларга муҳр этиш ишини галдаги ижодий вазифалардан бири сифатида белгилаш мумкин. Зеро ансамблнинг кўп йиллар давомида ортирган ижро малакаси ва жамлаган ижодий қуввати бу каби вазифаларни хал этишга етарлидир.

Маълумки, мақом санъати тарихининг узун ўтмиши давомида ҳар бири ўзига хос услубли (маҳаллий) ижро мактаблари қарор топган эди. Шулардан энг йирик марказлари қаторида Бухоро, Самарқанд, Хоразм (Хива), Қўқон, Хўжанд, Андижон, Тошкент мактабларини қайд этиш мумкин. Қувонарли томони шундаки, эндиликда бу мактабларнинг унутилаёзган илғор ижодий анъаналарини қайта тиклаш, давом эттириш ва ривожлантириш учун шарт-шароитлар юзага келди. Хусусан, Бухоро — Самарқанд мактабларида Шашмақом айтим йўлларини турк-ўзбек ғазалиёти (Лутфий, Саккокий, Навоий, Машраб ва б.лар) билан бирга форс-тожик тилида битилган ғазаллар (Рудакий, Табризий, Ҳофиз, Жомий, Бедил ва б.лар) асосида “ўқиш” анъ-

анаси мавжуд эди. Бу анъана ва шу воҳа услубига хос бошқа бадиий жиҳатлар Бухорода фаолият кўрсатаётган Мақомчилар ансамбли, Бухоро санъат билим юрти талабалар ансамбли, Самарқанддаги анъанавий ансамбллар фаолиятида, шунингдек, Фарғона — Тошкент мақом ижро йўлларига доир айрим кўринишлар Тошкентда Улмас Саиджонов раҳбарлигидаги ансамбл, М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси қошидаги “Тавоис” ёшлар ансамбли, водийда машҳур “Анор”, “Сарвиғул”, “Мерос” каби ансамбллар томонидан ҳаётга тадбиқ қилинмоқда.

Хоразм мақомларига мансуб кўҳна бадиий анъаналар Хоразм вилоят телевидениеси қошидаги Ҳожиҳон Болтаев номидаги Мақом ансамбли (асосчиси Рўзимат Жуманиёзов, бадиий раҳбари Бозорбой Ўринов) томонидан қайта тикланди. Хусусан, ансамбл ўзининг 1980 йилларнинг охиридан то 1990 йилларнинг ўрталарига қадар давом этган фаолиятида Хоразм мақомларидан Рост, Бузрук, Наво, Дугоҳ ва Сегоҳ айтим йўлларини анъанавий ижрочилик асосида садолантиришга ҳамда уларни магнит тасмаларига туширишга муваффақ бўлди.

Шашмақом, Хоразм мақомлари ва Фарғона — Тошкент мақом йўллари илғор ижрочи-



Мақом ижрочилари — А.Исмоилов (ғижжак), А.Ҳамидов (датор).

лик анъаналарини намоён этиш — пойтахтимизда ҳар тўрт йилда бир маротаба мунтазам ўтказилаётган мақом ижрочиларининг Ю. Ражабий номидаги Республика танловларидан муҳим тус олмоқда.

Хусусан, танлов Низомига кўра созанда рақобатчилар биринчи босқичда Шашмақом Мушқилоти қолғу бўлимидан Тасниф, Таржеъ, Гардун куйларини, шунингдек, Хоразм мақомлари ва Фарғона — Тошкент мақом йўлларида бир мухтасар туркумини ижро этишлари шарт бўлгани эътиборлидир.

Танловнинг иккинчи босқичига ўтган созандалар Шашмақомнинг Наср бўлимидан Талқин ва Наср шўъбаларини (тароналари билан), шунингдек, Савт ёки Мўғулча шўъбалари шохобчаларидан Талқинча, Қашқарча, Соқийнома, Уфарларидан биронтасини ва Мушқилот бўлимидаги Мухаммаслардан бирини садолантириши керак. Ва, низоҳат, учинчи босқич “беллашуви”да Шашмақом Наср бўлимидаги Сарахборлардан бири (барча тароналари билан), Мушқилот бўлимидан эса Сақил куйларидан бири ҳамда созанда ихтиёр этган асар ижро этилиши керак.

Танловда иштирок этувчи хонандалар ҳам мақомотнинг қарийб барча йўлларида намуналар ижро этишлари шарт. Жумладан, биринчи босқичда Шашмақомнинг Талқин ёки Наср шўъбаси (тароналари билан), иккинчи босқичда Савт ёки Мўғулча шўъбалари барча шохобчалари билан, шунингдек Хоразм мақомларидан ёки Фарғона—Тошкент мақом йўлларида Чоргоҳ, Дуғоҳ—Хусайн, Баёт, Баёти-Шерозий каби бир мухтасар туркум, учинчи босқичда эса Шашмақом Сарахборларидан бири (тароналари билан) ва хонанда ихтиёр этган асар ижро этилади.

Диққатга сазовор томони шундаки, 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган мақом ижрочиларининг ушбу танловида иштирок этувчи созанда ва хонандалар сони тобора ортиб бориши қайд қилинмоқда. Масалан, 1983 йилда илк бор ўтказилган мақом ижрочиларининг I - Республика танловида жами 38 созанда ва хонанда қатнашган бўлса, 1999 йили бўлиб ўтган V Республика танловида бу кўрсаткич 70 дан ортиб кетди.

Шу билан бирга, мазкур танлов доирасида асосан яқка ижрочилар қатнашиб келган бўлсалар, сўнгги йилларда ансамбл ижрочилигига ҳам кенг ўрин берилди. Жум-

ладан, 1995 ва 1999 йилларда ўтказилган Республика танловларида яқканавоз созанда ва яқкахонлар қаторида қолғу ансамбллари ҳам ижодий беллашувда қатнашдилар. Шунингдек, ушбу танлов микёсида ҳозирги мақомчиликда мавжуд деярли барча ижрочилик мактаблари билан яқиндан танишиш ва улардаги устувор тамойилларни белгилаш имкониятлари юзага келмоқда. Зеро бу ижодий мусобақада Тошкент, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси каби йирик мақом “марказлари”, сўнгги йилларда эса Тожикистонлик мақомчилар ҳам иштирок этмоқдалар. Албатта, бу каби танловлар нафақат мақом ижрочилиги юксалишида, балки шу баробарида мумтоз санъатимизни тарғиб этишда ҳам аҳамиятлидир.

Муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда қарийб барча вилоятларда турли таркибга эга анъанавий мақом ансамбллари ёки ҳар ҳолда мақом намуналари ижросини “четлаб ўтмаётган” ижодий гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Ва, ҳатто, умумий таълим мактабларида ҳам фольклор гуруҳлари қаторида мақом ансамблини тузиш сайёи-ҳаракатлари муайян режа ва дастур асосида бошлаб юборилди.⁹

Қайд этилаётган бу ижобий ҳолатлар мақом ижрочилиги соҳаси тобора кенг тус олаётганлигини, бу юксак санъат намуналаридан халқимизнинг турли ижтимоий гуруҳларини баҳраманд этиш имкониятлари мавжудлигини, шу жумладан, сўнгги асрларда мақомчилик анъаналари анча сусайган воҳаларга (масалан, Сурхондарё, Қашқадарё ва б.) ҳам бу санъат ёйила бошлаганлигини кўрсатади. Бу қувонарли ҳол, албатта.

Сўнгги пайтларда мақомларни, хоҳ катта, хоҳ кичик шаклда бўлсин, туркум тарзида ижро этиш анъанасига доим ҳам риоя қилинмаётганлиги ва, аксинча, унинг таркибий қисмларини концерт сахналарида алоҳида (яқка кўринишда) ижро этиш тамойили тобора оддий тус олаётганлиги кўзга ташланмоқда. Мазлумки бу салобатли санъатнинг теран мазмун-маънолари туркум даражасидагина ўзининг барча (бошланғич, ўрта ва яқуний) босқичларини тўла ифода эта олади. Шу боис устозлар мақомларни имкон борича туркум ҳолда ижро этиб келганлар.

Асрлар давомида халқимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олиб, унинг жон озиғи бўлиб келган мумтоз мақомлар ҳозирда шакллана-

⁹ Мақом ансамбли. Умумтаълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларнинг тўғра раҳбарлари учун дастур Тузуви О.А.Иброҳимов. Т., 1993.

ётган миллий мафкурамиз учун ҳам бебаҳо маънавий қадриятлардан эканлигини унутмаслик керак. Бинобарин, уларнинг оммавий ташвиқоти ва, айниқса радио, телевидение воситаларида кенг ва малакали тарғиб этиш ишига янада жиддийроқ эътибор бериш зарур.

Мумтоз монодияга мансуб жанрлар қаторида катта ашула ва сувора намуналарининг янги даврдаги ҳаёти ҳам алоҳида диққатни ўзига тортади. Ҳар бири ўзига хос бу ноёб айтим турларининг маҳаллий мусиқий анъаналар доирасида тутган ўрни қўп жиҳатдан ўзаро ўхшаш — катта ашула Фарғона-Тошкент ашулчилик анъаналарининг янги сифат босқичидаги ривож ва алоҳида мумтоз қўриниши бўлса, сувора — Хоразм ашулчилик санъатининг фавқуллодда муҳим ва ноёб қирраларини ўзида мужассам этган мукаммал айтим намунасидир.

Табиийки, турли мусиқий услуб фазилатлари теран инъикос этган бу айтимлар ижрочилиги юқори бадиий савия, махсус амалий билим ва малакалар билан ҳосил бўлади. Айни пайтда мазкур жанрларнинг бевосита яшаш шакли ҳам бўлган бу каби ижодий талаблар амалиётчи мутахассислар эътиборидан четда қолмади. Алаҳусус, сўнгги ўн йиллик давомида катта ашула анъаналари Ф.Мамадалиев, М.Тожибоев, М.Йўлчиева, Р.Қурбонов ижро талқинларида, сувора айтиш анъаналари эса Қ.Искандаров, О.Худойшукуров, Р.Қурбонов ва бошқа хофизлар санъатида шунингдек, катта ашула ва сувора ижрочилигининг турли даражадаги (республика-вилоят) кўрик-танловларида кашф этилган истеъодлар ижросида ўз жилोलарини тўла-тўқис намоён этди.

Мусиқий меросимизнинг махсус билим ва малака талаб этувчи яна бир ижодиёт турини дostonчилик анъаналари ташкил этади. Адабий-мусиқий ижодиётнинг энг қадимийларидан бири бўлган ўзбек дostonчилиги бошқа Марказий Осиё халқлари, қолаверса жaxon туркий халқлари дostonчилик мероси билан узвий боғлиқ ҳолда ривож топиб келган.

1999 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан диёри-мизда “Алпомиш” дostonининг 1000 йиллик тантаналари бўлиб ўтди. Шу муносабат билан мамлакатимизда катор тадбирлар ўтказилди. Хусусан, “Алпомиш” дostonининг турли вариантлари, шу жумладан, Ф.М.Қаро-

матли ва Тўраҳожӣ Мирза томонидан тайёрланган Қорақалпоқ версияси куй-айтимлари билан нашр этилди,¹⁰ турли миқёсдаги илмий анжуманлар ўтказилди. Шунингдек, Термиз шаҳрида “Алпомиш” — боқий асар” деб номланган Ўрта Осиё республикаларининг бахши-шоирлари ва оқинлари иштирокида I Халқаро кўрик-фестивал бўлиб ўтди. Жами 80 дан зиёд бахши-оқинлар қатнашган ушбу кўрик-фестивалда бойсунлик Шоберди бахши Болтаев олий ўрин совриндори бўлди. “Ёш бахши-шоирлар ва оқинлар” бўйича олий ўринни Хоразм вилояти, Хива шаҳри “Достон” фольклор-этнографик ансамбли (бадиий раҳбари Норбек бахши Абдуллаев) эгаллади.

Янги даврда бахшичилик санъатини ривожлантириш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш ва ўзбек халқ оғзаки ижодиётини кенг тарғиб этишдаги, ўз ижоди ва ижрочилик фаолияти билан халқимизни, айниқса ёшларни қўп минг йиллик маданиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд қилишдаги салмоқли ҳиссалари ҳамда Ватан Истиқлоли ва шон-шарафини улўлаш йўлидаги ижодий фаолиятни рағбатлантириш мақсадида 2000 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус Фармони билан “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони белгиланди. Биринчилар қаторида бу юксак унвонга Шоберди Болтаев, Жумабой Бозоров ва Абдулла Қурбонназаровлар сазовор бўлишди.

Ўзбекистонда “устоз-шогирд” каби қадимий анъаналарга таянган бир неча дostonчилик мактаблари, машҳур ижрочилик марказлари мавжуд. Улар асосан Сурхондарё, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм воҳаларининг ҳар хил ҳудудларида жойлашган. Ҳозирги пайтда дostonчи-бахшиларнинг турли даражада ўтказилаётган кўрик-танловлари бу кўҳна ижодиётни рағбатлантиришга, айрим унути-лаётган анъаналарни қайта тиклашга хизмат қилиши мумкин. Шу билан бирга, қадимдан дostonчилик анъаналари мавжуд ҳудудларнинг мусиқий билим юртларида ушбу соҳа ижрочилигини амалий ўзлаштирган дostonчи бахшилар (яъни ихтисослашган профессионал ижрочилар)ни етиштириш мақсадга мувофиқ келади. Бу борада Хоразмда амалга оширилаётган бошланғич чора-тадбирлар ибратлидир.

Шўролар тузуми даврида мусиқий таълим-

¹⁰ “Алпомиш”. (Қорақалпоқ версияси). Нашрга тайёрловчилар: Ф.М.Қароматли, Тўраҳожӣ Мирза. Т., “Санъат”, 1999.

тарбия соҳасида олиб борилган мафкуравий “раҳнамолик” оқибатида ўзининг миллий куй-оҳангларида бирмунча бегоналашган, қатор авлодлар ичида миллий ўзлигини унутаётган йигит-қизлар ҳам вояга етди. Оқибатда миллий қадриятларимиз учун ёғ, салбий ҳолатларни юзага чиқарадиган йўналишга чатишган айрим услублар ниш урди.

Энг сўнгги йилларда ўзбек халқ мусиқий меросини ўрганишга, ўзлаштиришга ва тарғиб этишга, демакки янада равақ топтиришга қаратилган қатор эътиборли ишлар амалга оширилди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлири фаолиятини яхшилаш тўғрисида”ги 1996 йил декабр ойидаги Фармони муҳим аҳамият касб этди.

Эндиликда миллий мусиқа меросимиз маҳсус қатор фанлар сифатида маданият ва санъат таълим тизимига жорий этила бошланганлигини таъкидлаш керак. Маъқул ва манзур томони шундаки, миллий мусикамиз нафақат маҳсус билимгоҳларда (маданият, санъат олий ва ўрта ўқув юртлири, мусиқа ва санъат мактаблари), балки умумтаълим мактабларининг ўқув ҳамда таълим-тарбия тизимидан ҳам муносиб ўрин ола бошлади.¹¹

Бу ўринда мумтоз мусикага доир олимларимиз томонидан бажарилаётган илмий-тадқиқот ишлари, чоп этилаётган монография, ўқув-услубий қўлланма ва дарсликлар ҳам эътиборга моликдир. Хусусан, атоқли мақомшунос олим И.Р.Ражабовнинг “Мақом асослари” ўрта ва олий ўқув юртлири учун методик қўлланмаси (1992), Р.Юнусовнинг “Мақом ва муғом”га бағишланган илмий монографияси (1992) ҳамда “Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти” ўқув-услубий қўлланмаси (2000), А.Назаровнинг “Форобий ва Ибн Сино мусиқий ритмика хусусида” (1995), О.Иброҳимовнинг “Мақом ва макон” (1996), Б.Матёкубовнинг “Хоразм дoston ижрочилигининг зарҳат саҳифалари” (1999), Ф.Мамадалиевнинг “Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари” (2001)

номли илмий рисоалари¹² нашрдан чиқди. Шунингдек, 1993 йили Абдурауф Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи”, 1997 йили Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи мусиқий”си (Ўзбек тилига ўғирилган ҳолда), 1998 йили Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзодаларнинг “Хоразм мусиқий тарихчиси” рисоалари қайта нашр этилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мусиқа санъатининг энг янги даврдаги ҳаёти республикамизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий туб ислохотлар билан боғлиқдир. Унга ҳолисона баҳо берилар экан, эндиги мусиқий муҳит, бир томондан, миллий тикланиш, маънавий покланиш йўлидаги ижтимоий-маданий жараёнларнинг катта оқимида туташганини, бошқа томондан эса бозор иқтисодиётига ўтиш даврига ҳос мураккабликларга дуч келганини кўриш мумкин. Ўтган ўн йил мобайнида аввало эски мафкура тазйиқи ва таъсири иллатларидан бутунлай ҳалос бўлиш, бурунги сохта байналмилаллик асоратларидан қутилиш осонликча кечмади. Айни пайтда мусиқа санъатида теран миллийлик, халқчиллик ва тараққийпарварлик йўлидан бориш, мусиқий ижодиёт, тегишли илмий-тадқиқот, тарғибот ва ташвиқот муассасалари ҳамда ташкилотларнинг мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш, уларнинг тузилмаларини янгилаш, маҳсус ўқув юртлирини тўғри йўналтириш борасида талайгина ишлар амалга оширилди.

Табиийки, кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда халқчил, миллий, шу жумладан ўзбек анъанавий мусиқа санъати йўналишлари ва уларнинг тарғиботига замон тақозо этувчи кенг йўл ва имкониятлар очилди. Тингловчилар оммасининг маънавий талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга жиддий эътибор берилга бошланди. Бундай жонланиш нафақат пойтахтимиз, балки Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва туманларнинг янги ижтимоий-мусиқий ҳаётида аниқ ва равшан кузатилмоқда.

¹¹ Умумий ўрта таълимнинг давлат стандарти ва дастури. Т., “Шарқ” нашриёт-матбаа конперни. 1999 йил, 6-маҳсус сон, 40-41, 46-48, 78-85-бетлар.

¹² Марҳум Ф. Мамадалиевнинг ушбу рисоласи Р. Юнусов маҳсус муҳаррирлигида нашрга тайёрланиб чоп этилди.

СОЗАНДАЛИК САНЪАТИ

Ватанимиз истиқлолга эришган даврдан бошлаб, миллий санъатимизнинг барча турларида бўлганидек, созандалик санъатининг ўзига хосликларини сақлаб қолиш, ривожлантириш, янгича тус бериш борасида устоз созандалар қаторида ёш иқтидорли ижрочилар томонидан ҳам маълум изланишлар олиб борилаётган.

Ўзбек миллий созандалик санъатида шаклланиган якка, икки ёки ундан ортиқ чолғу созлар иштирокидаги ижро услублари, уларнинг турли миллий ва умуммиллий кўринишлари такомиллашиб, янги ижрочилик услубига эга бўлган турли оқимларнинг вужудга келиши кузатилаётган.

Айни пайтда “Мақом ансамбли”, шунингдек “Ўзбек чолғулари” ёки “Ўзбек халқ чолғулари”¹³ “карнай-сурнай”, “дўторчилар”, “доирачилар” ва ижро дастурида чолғу куйлари мавжуд бўлган “халфалар” ансамбллари мустақиллик даврида шаклланиган байрамлар, фестиваллар, кўрик-танловлар мазмунини тўлдириш билан биргаликда, анъанавий чолғу мусиқаси жанри қонун-қоидалари асосида яратилган асарлар ҳисобига ўз репертуарларини бойитиб бормоқдалар.

Зеро, мустақиллик даврида миллий мусикага бўлган эътибор, хусусан чолғу жанрининг маҳаллий кўринишлари, куйларнинг шакл, фактура ҳамда оҳанг жиҳатлари, соз ижрочиличининг маҳаллий ва бадий мезонлари ва ниҳоят, унинг аутентик кўринишдаги ижросига имкон яратмоқда. Айниқса, Хоразм маҳаллий мусика санъати хусусиятларини белгилаб берувчи қўл сози (гармон) ва буламон, Сурхондарё, Қашқадарё (қисман Самарқанд) ҳудудларидаги турли Ўзбек уруғларининг асосий мусика воситаси ҳисобланган дўмбира созларининг най, қўшна, сурнай, карнай, чанг, қонун, қашғар ва афғон рубоблари, дўтор, танбур, сато, уд, ғижжак, доира, ноғораларнинг умумўзбек чолғу созлари сифатида ўз вазифа ва қиёфаларини сақлаб қолиш ўзбек миллий созандалик санъатининг тўғри йўлда эканлигидан далолат беради.¹⁴ Бу жараёнга мусиқий товуш воситаси бунёдкорлари — созгарлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Пировардида, ўтган аср 80-йиллар охи-

ри 90-йиллар бошларида ўзбек созгарлари Абдунаби Абдуғафуров ва Абдумалик Абдураимовлар томонидан ўрта асрлар китобий миниатюраларида акс эттирилган чолғулар асосида дастлаб “ғижжак Бобурий” номли камонли соз яратилди. Сўнгра Абдумалик Абдурахимов янги товуш тусларига эга бўлган конструктив жиҳатдан мукаммал, тоза садоланувчи “Дилрабо”, “Қўшнаво”, “Қўштор”, “Мерос” номларида қатор созлар яратди. Мазкур созлар миллий созандалар томонидан ижобий баҳо олди ва андижонлик моҳир созанда, Ўзбекистон халқ артисти Фуломжон Ҳожиқулов назоратида мусиқа шинавандалари синовидан ўтказилди. Ғижжак Бобурий якка соз ижрочиличига ҳам қўлланиб келмоқда.

Мустақиллик даврида ўзбек гуруҳли чолғу ижрочиличига санъатида бадиха (импровизация) услубидаги йўналиш пайдо бўлди. Мазкур оқим миллий мусикамиз табиатидан яхши бохабар, назарий ва амалий мушоҳадали, ижровий имкониятлари юқори даражадаги созандалар — Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов (ғижжак), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Абдулахад Абдурашидов (най), Абдурахмон Холтожиев (қонун) ҳамда Умарали Бултуров (уд), Қўчқор Саидов (доира) ҳамкорликлари натижасида вужудга келди. Гуруҳ ижросидаги асарларнинг шаклий қурилмаси, интонацион хусусиятлари, товуш безаклари, усуллар мажмуи ўзбек мусиқий ижрочилик анъаналарига хос ва мос тарзда, товушқатори температураданмаган созлар иштирокида яратилди.

Ижро жараёнида созандалар томонидан соф чолғу асарларидан тортиб айтим йўллариға қилинадиган журналистик асносида тўсатдан, эркин, (экспромт) тарзда ишлатиладиган турли “қочиримлар” мазкур гуруҳ амалиётида одат тусига кириб борди. Айнан ушбу ҳодиса ғижжак, най, қонун чолғуларининг техник имкониятларини тўла очиб берилиши натижасида бадиха услубининг шаклланишига асос бўлди. Ижродан ижроға қочиримлар билан биргаликда кичик мусиқий лавҳалардан фойдаланила бошланди.

А.Исмоилов томонидан бадиха учун мах-

¹³ Мазкур номланишлардаги ансамблларнинг чолғулари сонлари, турлари қарийб бир хил бўлиб, мақом ансамбллари нисбатан мақомлар ижросига мосланган.

¹⁴ Чўпон най, сибизик, сафойл, қайроқ, занг чолғулари илгаридан уларға нисбатан кам қўлланилади.

сус куй бўлаги тўкилиб, композиция билан боғлиқ барча унсурлар “уй шароитида”, ғижжак, уд, қонун чолғулари имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, яхлит асарнинг шакл-қолипи тайёрланадиган бўлинди. Қисқаси, ижро қилинадиган асарнинг оҳанг тўқимаси, композиция андазаси муайян машқлар давомида меъёрига етказилиши одат тусига кирди. Ушбу гуруҳ ижро услубига хос бўлган маҳорат, ижро пайтида келадиган илҳом, оҳанг таровати ва товуш безакларини жозибадор ижро қилишга имкон яратди.

Оддий “пайванд”дек туюлган мусикий лавҳаларни тизимлаштириш, созандалар орасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш натижасида оҳанг яхлитлигига эришилди ва ҳар бир асар ўзига хос бадий ечимда ниҳояланадиган бўлди. Бунда асар суръати, унинг барқарорлиги ғижжакнинг зиммасида бўлиб, доирачи томонидан ҳосил қилинадиган остинант ритмик шакл қўшимча ҳамусул сифатида садоланади. Якка чолғу томонидан амалга ошириладиган бадиха пайтида оҳанг тизимида иштирок этмайдиган чолғулар кварта, квин-

та, октава интервалларида садоланган ҳолда усул бериб турадилар.

Одатда барча куйлар ижроси ўртача суръатда бошланади. Бадиха асосан асарнинг аввал нукталарида, товуш кучи кучайтирилиб, суръати тезлаштирилиши ҳисобига амалга оширилади. Жараён сусайтирилмасдан, ўта тез суръатда дастлаб, ғижжакчи ижросида бошлаб бериладиган бадихани найчи ва қонунчи “или кетади”. Куйнинг тўлақонли ифодаси мусик ижрочилигида маълум бўлган унсурларда ташқари чолғуларнинг тембр, акустик хусусиятлари ва ғижжакчи томонидан бериладиган “жушқин туртки” эвазига бойитилади. Юзасак техник даражада ҳосил қилинадиган оҳанг тизими ва безаклар манتيқий изчилликка эришган ҳолда сайқаллашади ҳамда гуруҳнинг муваффақиятли чиқишларини таъминлайди.

Ижрочилар захирасидаги куй бўлаклари усуллар мажмуи, товуш безакларининг илгиридан мавжудлиги, бир томондан оҳанг шайли, иккинчи томондан чолғучилар яқдиллиги натижасида эришиладиган ижро тарзига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада гуруҳ томонидан акс эттириладиган миллий мусикий-эстетик меъёр бадиха жараёнини томоша даржасига кўтарилишида муҳим омил вазифасини ўтайди. Гуруҳ фаолиятида мустақилли мавзусига бағишланган асарлар алоҳида ўрин олган. А.Исмоиловнинг “Тўёна”, “Дил байрми”, “Буюк чинор”, “Аҳмад Фарғоний” ва яна қатор асарлари шулар жумласидандир.

Ўзининг ижро услуби мазкур гуруҳ ўхшаш яна бир жамоанинг ижодий йўли алоҳида эътиборга лойиқ. Гуруҳ асосини карна сурнай, қўшнай, доира ва турли урма созла ташкил қилади. Уларнинг меъёрий сони 4 карна, 1 сурнай, 1 қўшнай (қўшнай кам ишлатилади) икки ёки ундан ортиқ доиралардир. Бу гуруҳ ҳам концертолди тайёргаликларини “уй шароитида” амалга оширад. Мавзу гуруҳ раҳбари Аббос Қосимов томондан оғзаки тарзда, “ритмик формула” шаклида “тўкилади” ва чолғуларга бўлиб чиқилди. Бўлиниш пайтида чолғулар ҳамда создаларнинг шахсий ижро имкониятлари ҳисобга олинади ва гуруҳ ижросидаги мураккаб ритмик тизим карнай ва доира чолғулари саноқли бажарилади. Ижро учун гардишлари нобатан кичик, каттиқ қиздирилган доиралар “каба” қисми “миёнча” қисмига тескари қиздирилган карнайлар ва “соло” вазифаси ўтовчи сурнай, усул меъёрини сақлаб турган ноборалар танланади.



Ғижжак Бобурий

Карнайлар томонидан ишлатиладиган “тир-бон” ва “сапил”¹⁵ усуллари доираларнинг “бак” ва “рез” усулларига “та-а-а-а”, “бум” усулига “ту-у-у-у” оҳангидаги товушлар билан жўр бўлиш ансамбл томонидан қўллаб қўлланилади. Бадиҳанинг авж нуқтаси карнайлар ва доираларнинг қарийб бир хил баландликда садоланиши, доираларнинг кучсиз хиссаларда, мураккаб зарблар ёрдамида ишлатиладиган қочиримлари, карнайларнинг “дахана” бўлаклалиги ҳосил қилинадиган товушлар билан ифодаланади. Гуруҳ репертуари асосан Мустақиллик ва Наврўзга бағишланган — “Байрам таронаси”, “Истиклол таронаси”, “Баҳор”, “Қўшчинор”, “Зарбга-зарб” каби асарлардан иборат. Ҳар иккала гуруҳни эркак ижрочилар ташкил этади.

Ўзбек чолғу ижрочилигида асрлар мобайнида аёл созандалар ижро қилган куйлар ҳам ўзларининг бадиий жиҳатлари, жанр доираси, услуб ва усулларининг ўзига хосликлари билан шу кунларгача ўз давомийликларини сақлаб келганлар. Мазкур асарлар халқ мусиқий мулкнинг мазмуни, қўлами ва ривожига ўз ўрнига эга. Пировардида дутор ва қўл сози чолғулари негизида ташкил топган гуруҳлар ўзларининг сифати билан ажралиб турадилар. Соф дуторлар ёхуд дуторлар ва турли миллий чолғулар аралашмасидан иборат гуруҳлар асосан, Фарғона — Тошкент маҳаллий услуби доирасида шаклланган бўлсалар, қўл сози чолғучи ижрочилиги фақат Хоразм маҳаллий услубига мансуб.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида Х.Болтаев номли мусиқа ва А.Отажонов номли санъат мактабларида халфалар синфлари мавжуд. Мактабларда таълим олаётган ўқувчиларга Хоразм халфа йўлларида ташқари дostonлардан парчалар, халқ куйлари ва лапарларининг чолғу версиялари ҳам ўргатилиб келинади. Ижродаги миллийлик, юқори техник баркамоллик натижасида 1992 йилда А.Отажонов номли мактаб ўқувчилари Украинанинг Хмельницкий шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро болалар фольклор фестивалида 1 ўрин совриндори бўлишган.

Дутор ансамбллари эса касбий ҳамда хаваскор ижрочилар даражасида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Улардан касбий ижрочилик даражасида фаолият кўрсатиб келаётган ягона жамоа — Ўзтеледиорадио компанияси қошидаги “Дуторчилар” ансамбли ҳисобланади. Жамоа халқ куйларини (қўшиқлари) ўрга-

ниш, ўзлаштириш билан биргаликда маҳаллий бастакорлик асарларидан ҳам фойдаланадилар. Улар репертуарларидан Ю.Ражабийнинг “Раъноланмасун”, З.Рахматуллаеванинг Ф.Тошматов хотирасига бағишланган “Хотира”, “Наврўз тонги”, халқ куйларидан: “Назми ҳол”, “Алла”, Р.Хожиева ижросидаги “Усмония”, Д.Азимова ижросидаги “Қўштор”, М.Зуфарова ижросидаги “Ажам тароналари” каби куйлар ўрин олган. Кейинги пайтларда бошқа чолғу гуруҳлари қаторида фақат қатор чолғуларидан иборат гуруҳлар махсус ўқув муассасаларида ҳам мавжуд. М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси муаллимаси М.Зиёева раҳбарлигидаги талаба кизлар ансамбли шулар жумласидандир. Ансамбл гуруҳли дутор ижрочилиги учун мураккаб бўлган — билак ва бармоқлар ҳаракатларидаги синхрон ҳолат, товушлар софлиги ва товуш безакларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Мустақиллик йилларида ўқув тизимида ҳам миллийлик сари бурилиш ўз ифодасини топмоқда. М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида фаолият кўрсатаётган махсус ўқув муассасаларида миллий созандалик бўйича олиб борилаётган сабоқ тизimini талаб даражасида таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Истикболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика Маркази томонидан қатор дарсликлар, қўлланмалар ва дастурлар чоп қилинди. Уларнинг орасида Р.Қосимовнинг “Рубоб наволари”, “Рубоб дарслиги”, “Анъанавий рубоб ижрочилиги”; Ж.Расултоевнинг “Ўзбек дутор ижрочилиги”; М.Тошмухамедовнинг “Ғижжакда анъанавий ижрочиликни ўзлаштириш”, “Ғижжак дарслиги”; С.Азизбоевнинг “Ғижжак наволари”, А.Собировнинг “Най наволари”; М.Абдукаримовнинг “Танбур наволари”, А.Хамидовнинг (тўпловчи) “Анъанавий ижрочилик бўйича хрестоматия”-си алоҳида ўрин тутди.

Шунингдек, ўзбек миллий чолғу ижрочилигига бўлган кизиқиш ва эътиборни кучайтириш ҳамда иқтидорли ёш ижрочиларни аниқлаш мақсадида 1995—1999 йилда республика миқёсида Ю.Ражабий номидаги мақом ижрочилари танлови ўтказилди. 1995 йилдаги танловда Н.Лутфуллаев (қашқар рубоби), Р.Хайдарова (чанг), С.Жўраева (дутор), М.Ашрафий номли Тошкент Давлат консер-

¹⁵ Ансамбл томонидан асосий усуллар қўлланилади.

ваторияси Ф.Содиқов номидаги созандалар ансамбли, Маргилон шаҳар “Навбахор” ансамбли 1 даражали диплом ва лауреат; Т.Қўзиев (танбур), М.Маматқулов (танбур), И.Хусанова (дутор), М.Ашрафий номидаги Бухоро билим юрти ансамбли, Тожикистоннинг “Дурдона” ансамбли 2 даражали диплом; С.Азизбоев (ғижжак), А.Аскарров (доира), С.Рашидов (ғижжак), М.Каримов (дутор), Э.Худойбердиев (ғижжак), С.Усмонов (чанг, қоиун), Фарғона билим юрти талабалари ансамбли, Х.Ниёзий номидаги Тошкент мусиқа билим юрти талабалари ансамбли, М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси талабалари ансамбллари 3 даражали диплом билан тақдирландилар. 1999 йилда ўтказилган танловда: М.Азимов (чанг), К.Мўминов (қўшна), З.Юсупова (чанг), биринчи ўрин; С.Усмонов (чанг, қонун), О.Халилов (уд), С.Рашидов (ғижжак), А.Раҳимов (рубоб), Х.Орипов (най), Ш.Матёкубов (қўшна) иккинчи ўрин; Н.Собиров (танбур), Р.Тўғайқулов (доира), Д.Жўраев (ғижжак), О.Расулов (танбур) учинчи ўрин соҳиблари бўлдилар.

Шу мақсадда “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси томонидан ҳам мунтазам равишда чолғу ижрочилари танловларини уюштириш йўлга қўйилди ва хозирги кунга қадар икки мартаба ўтказилди.

Аммо, мазкур ижобий ўзгаришлар қаторида, афсуски, касбий даражалари етарли бўлмаган ансамбллар ва яққохон ижрочиларнинг ноанъанавий муҳит доираси шаклланиши ҳамон давом этмоқда. Юқсак бадиийлик, устозона ижрочилик санъати ва созлар хилларини нисбатан сақлаб келаётган “Мақом ансамбллари” бу нуқсонлардан холи бўлсаларда айрим бошқа турдаги ансамбллар ва яққохон созандалар ижросининг бадиий-эстетик жиҳатлари миллий созандалик қанонларидан узоклашган. Қолаверса, Республикада фаолият кўрсатиб келаётган барча мусиқа ўқув муассасаларида ўтган асрнинг 30-йиллари иккинчи ярми, 40-йиллар бошларида овропача кўповозли мусиқани тарғиб қилиш мақсадида қайта ишланган, яратилган чолғулар “Ўзбек халқ

чолғулари” номланишида ўргатилиб, ижролари тарғиб қилиб келинмоқда.

Товуш туслари, фактураси, ижро услублари ва репертуарлари миллий ижрочилик аъёнalarидан фарқ қилган ушбу йўналиш фаолиятида миллийлик сари бурилиш (“Сувдиёна”, Ўзтелеерадиокомпания, Ўзбекракс миллий ракс бирлашмаси қошидаги жамоаларни хисобга олмаганда) суст кечмоқда.

Республикаимизда Турғун Алиматов, Гулмолжон Хожиқулов каби забардаст санъаткорлар қаторида Бахтиёр Алиев, Темур Маҳмудов, Ўлмас Расулов, Шавкат Мирзаев, Тоҳир Ражабий, Рифатилла Қосимов, Абдурахим Ҳамидов, Раҳматулла Самадов, Аҳмаджон Собиров, Ўткир Қодиров, Матрасул Матёкубов, Шўхрат Раззоқов каби қатор иқтидорли созандалар мавжудлигига қарамасдан, Ўзбекистон телевидениесига, турли концертларда енгил-елпи, шакли, ижроси ноаниқ, тез суръатли¹⁶ мусиқий асарлар хисобига яқка соз ижрочилиги чеклаб қўйилган. Ансамбллар ижросидаги соф чолғу куйлар эпизодик тарзда экранга чиқарилади ёки концерт дастур таркибига киритилади, холос.

Ўқув муассасаларида касбий мусиқа ижодиётида қўлланиб келинган устоз-шоғирд аъёнalarлари, унинг тарбиявий хусусиятларидан тўқис фойдаланилаётгани йўқ.

Бинобарин, мусиқа ёрдамида маънавий баркамол инсонни шакллантириш ғояси эндиликда мустамлака даврининг сунъий тарздаги тўсиқлари, йўналишлари ва сохта бунёдкорликка асосланган мураккаб тамойилларидан бутунлай воз кечишни тақозо этади. Айтиш жоизки, Мустақиллик даври созандалик санъати оддий мусиқий жараён бўлиб қолмасдан, миллий ижрочилик ғояси асосида шаклланди ва миллий-маданий юксалишини таъминлашда муҳим омил сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Зеро, санъатнинг бу тури мустақиллик ғояси кесимида шаклан ва мазмунан бойиган Ўзбек миллий созандалигининг барча қўринишларини ўзида уйғунлаштирган бадиий фаолият натижасининг ижобий намунаси.

¹⁶ Вақтни тежаш мақсадида шундай қилинади.

БАСТАКОРЛИК ИЖОДИЁТИ

Қарийб 15 асрлик тарихи, муайян услубий тамойиллари, шаклан ва мазмунан бекиёс анъаналарга эга, миллий музикий тафаккуримизнинг асосзаминини ташкил этувчи — ўзбек бастакорлик ижодиёти Шўро даврида бир чеккага суриб қўйилган эди. Истиклол шарофати билан, узоқ ва яқин ўтмиш бастакорлари томонидан яратилган ҳайратомуз садолар яна халқимиз музикий тафаккурига қайтиб келмоқда. Хусусан, сўнгги ўн йилликда Ғанижон Тошматов, Ориф Қосимов, Муҳаммаджон Мирзаев, Мухторжон Муртазоев каби тўнғич авлод бастакорларимиз қатори, Орифхон Хотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Неъматжон Қулабдуллаев, Салоҳиддин Тўхтасинов, Ғуломжон Ҳожиқулов, Бахтиёр Алиев, Турсунбой ва Ҳалимжон Жўраевлардек иккинчи бўғин вакиллари ва айни Мустақиллик даврида ижодининг сермахсуллиги билан танилаётган кенжа авлодга мансуб — Абдуҳошим Исмоилов, Ўлмас Расулов, Аҳмаджон Дадаев, Рифатилла Қосимовларнинг бадиий етук асарлари нафақат Ўзбекистон, балки бутун Осиё, Европа ва ҳатто Америка Қўшма Штатларида ҳам ўз мухлисларини топомқда.

Тўнғич авлод вакилларида Фаттоҳхон Мамадалиев (1923—1999) катта ҳофиз, М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси профессори бўлатуриб, 90-йиллар давомида асл ўзбек бастакорлик ижодиётининг анъаналаридан бири, мусика меросимизнинг оммавийлашиб кетган намуналари асосида — кўп қисмли *туркумлар яратиш* анъанасини тиклади. Бастакор томонидан 8 қисмли «Мискин» (Муқимий, Саккокий, Фурқат, Мискин, Улфат ва Тўроб Тўла шеърларига), 8 қисмли «Ушшоқ» (Увайсий, Фурқат, Навоий, Огахий, Гавҳарий ғазалларига), 4 қисмли «Насрулло» (Навоий, Ф. Мамадалиев ва Улфат шеърларига) муаллифлик туркумлари тузилган бўлиб, бунда Шашмаком шўбаларига хос ва айниқса Фарғона-Тошкент маком йўлларига мос туркумлашув тамойилларга таянган. Мазкур асарларда бирламчи асосий кўринишлар кетидан зарурий равишда — қашқарча, соқийнома ва уфар тизимидаги микроцикллар киритилган.

Ф. Мамадалиевнинг «Муножот» ва «Савти Фаттоҳхон» деб номланган туркумлари эса

нисбатан ихчамроқ шаклларда бўлиб, иккаласида ҳам фақат Алишер Навоий меросидангина фойдаланилган ва пировардида ижодкор яхлит, теран ва серқирра бадиий умумлашма яратишга муваффақ бўлади.

Ардоқли ҳофиз Орифхон Хотамов (1925 йил туғ.) ўнлаб айрим-айрим куй, қўшиқ ва ашулалар муаллифи сифатида танилган. Булардан, «Аҳбоби билан» (С. Абдулла шеъри), «Фироқингизда» ва «Сенсан севарим» (Лутфий), «Қаро бўлубдир» ва «Қоши ёсинму дейин» (Навоий) сингари дурдона асарлар — аввалроқ яратилганига қарамай айни мустақиллик даврида кенг доираларда кулоч ёзди. Ҳозирги кунга келиб, «Сенсан севарим» қўшиғи ўзининг асл нусхаси ва эстрада («Нола» гуруҳи) талқинида янграб, бу соҳада ҳам ўзига хос янги бир йўналишга асос солди.

О. Хотамов сўнгги йилларда бир қатор *туркум*ли асарлар яратмоқда. Ҳожа Аҳмад Яссавий битикларига басталанган — «Билдингизму», «Умринг елдек ўтаро», «Дунём менинг» ва «Саҳоват йўқ» деб номланган асарлар, ҳассос шоир Қустийнинг «Индамаслар олами» тўплами асосида жами 14 қисмли мажмуъа — ана шулар жумласидандир.

Истиклол шарофати билан бастакор изчил диний мавзуларга мурожаат этмоқда. Аҳмад Яссавий билан бир қаторда, Сулаймон Боқирғоний («Дармондин ортиқ»), Хувайдо («Ҳайрон бўла қолдим», «Даржи йўқ»), Ҳазиний («Ул шўҳи ситамгарлар») шеърлари асосида яратилган ашулалар шулар жумласидандир. О. Хотамовнинг эркаклар овози («Айламиш», «Яхши дилбарсиз») ва айниқса аралаш овозлар («Раҳм айладинг», «Баҳона қилиб») учун яратган дуэтлари анъанавий монодияни бойитди.

Юқоридаги асарлар ичида — халқимизда Ҳаким ота, Қул Сулаймон номлари билан кенг ёйилган Боқирғоний (1186 й. ваф.) шеърига яратилган ашула О. Хотамовнинг ижодий услубини англашда қулай бир воситадир. Зеро бунда бастакорнинг деярли барча асарларига хос интонацион эркинлик яққол намоён бўлади. Бу эса, ўз навбатида, шеър матнига маълум ўзгартишлар (қавсларда кўрсатганимиздек) киритилишига сабаб бўлган:

*Сани дардинг банго (менгаё) дармондин ортуқ (ортиқ),
Санга қул бўлгоним (бўлгонима) султондин ортуқ. — 2 марта*

Санинг ёдингни айсам (айтсам) чўл ичинда,
 Бўлур ул чўл манга(ё) бўстондин ортуқ.
 Санинг ёдинг агар кетса тилидан (дилимдана-о),
 Вужудим қўриюр(а), вайрондин ортуқ. — 2 марта
 Манинг (мани) хор бўлмишим (ўлмишим) ўз гафлатимдин (а-ей),
 Магар қилсанг (қилса) назар, эҳсондин ортуқ (ай).
 Азиз, хор қилгувчи султон сануқсан(а-ей),
 Санинг лутфинг қамуг (ҳама-ей) алвондин (унвондин) ортуқ — 2
 марта
 На хуш бу дунёда Иймону Қуръон,
 Не бўлғай дунёда Иймондин ортуқ. : иккала мисра қисқарган?
 Манинг бу дардими ҳеч кимса билмас(ай).
 Агар билса Ҳаким Луқмондин ортуқ (ай).
 Бу янглиғ осий эркан... Кул Сулаймон (ай),
 Иноят ум(м)анур(а) борондин ортуқ,
 Сани дардинг манга... дармондин ортуқ(а),
 Санга қул бўлганим(а) султондин ортуқ¹⁷.

Яққол кўриниб турибдики, тажрибали бастакор шоирнинг фалсафий фикрини теран ифода этиш, мусикий-семантик воситалар билан таъсир доирасини бойитишга интилган.

Бастакорларимизнинг кейинги, яъни кенжа авлод вакиллари ижодининг нисбатан сермахсуллиги ҳамда жанрлар қамрови кенгрок эканлиги билан диққатга сазовордир. Буларнинг аксарияти Тошкент давлат консерваториясида 1972 йили очилган «Шарқ мусикаси» куллийетининг «Анъанавий ижрочилик» кафедрасида Фахриддин Содиков, Махмуд Муҳаммедов, Ориф Алимахсумов, Турғун Алиматов каби устозларда таҳсил кўришган. Шу боис, энг истеъдодлилари мохир созанда (баъзан хонанда)чилик билан бир қаторда, бастакорлик ижодиётига ҳам дадил қадамлар билан кириб келишди.

Ўлмас Расулов (1951 й. туғ.) — нозиктаъб созанда-ғижжакчи, бастакор ва сўнгги йилларда хонанда сифатида ҳам танилмоқда. Унинг асарларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

I. Мумтоз шоирларнинг ғазал, рубоий ва бошқа шакллардаги шеърий матнларига яратилган анъанавий ашула йўлларидаги асарлар — Ҳофиз Шерозий: «Бишукуят боз»; Алишер Навоий: «Васлидин дармони йўқ», «Яхши қол», «Керак эрди» ва б.; Заҳириддин Бобур: «Ғунчадек кўнглим», «Кўргаймен» ва б.; Бобораҳим Машраб: «Дилбари хуш, адоийман»; Нозикбиби Ҳуқандий: «Эй, кофири фаранж»; Доий: «Ширу шакар».

II. XIX—XX аср шеърини намуналарига

яратилган эркин шаклдаги ашула ва қўшиқлар — «Парвона» (Махзуна), «Таронаи шўх» ва «Ширу шакар» (М. Ғаффорова), «Куйла, булбул» (Зулфия), «Мухаббатнинг саройи...», «Юпатгай кимлар...» (Абдулҳамид Чўлпон), «Мажнунтол», «Малоҳат» (Тошпўлат Ҳамид), «Кел, гўзалим», «Айтмадим», «Бахтимиз таронаси» (С. Салимов), «Кулгимиздан янгра син олам» (Э. Воҳидов).

III. Лирик, омма(рақс)боп чолғу куйлар — «Тахайюл», «Хаёл», «Карашма», «Ноз», «Сени эслаб...», «Кўнгил навоси», «Висол», «Дийдор».

IV. «Ўзбектеелефильм» студиясида яратилган — «Лайли ва Мажнун», «Бобур», «Кеча ва кундуз», «Изтироб» ва б. кўп серияли бадиий фильмларга махсус басталанган куйлар, қўшиқлар, ашулалар.

V. Турли ансамбллар учун яратилган туркум тарзидаги асарлар.

Мазкур авлодга мансуб бастакорлар орасида Абдухошим Исмоилов (1952 й. туғ.) — юксак ижро маҳорати, ижодий сермахсуллиги ва серуслублиги билан ажралиб туради. Турли йилларда у М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг «Анъанавий ижрочилик» кафедрасида таълим берган, Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги «Мақом» ансамблининг бадиий раҳбари, шу билан бирга, мохир (Абдурахмон Холтожиев, Абдулахад Абдурашидов каби) созандалар иштирокидаги «Ўзбек виртуозлари» ансамбли ташкилотчисидир. Ижодий изланишларини асосан оммабоп қўшиқлар («Бўлмас», «Тоғлиқ қиз» каби)лардан бошлаб, кейинчалик қуйидаги

¹⁷ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби: Шеърлар ва достон. Т., Ёзувчи, 1991. 18-б.

йўналишларда шаклан хилма-хил ва жанр жихатидан кенг қамровли асарлар¹⁸ яратмоқда:

I. Ўзбек мумтоз шоирлари шеърларига яратилган шаклан йирик ашулалар — Ҳофиз Шерозий: «Дилиннга ғамзадан», «Ёрсан», «Осмонда ҳам йўқ», «Мунаввар қил»; Навоий: «Айрилик», «Ёр эмас», «Сарвиноз», «Тараххум этмадинг»; Гадоий: «Унутма»; Бобур: «Сенсиз мушкулдир»; Фузулий: «Уйғонмасун»; Огаҳий: «Ёрима айтинг»; Фуркат: «Сайёра» ва б.

II. Соф чолғу монодик асарлар — «Наргиз» (уд сози учун), «Манзур» (манзур ёки дутор учун) ва б.

III. Соф чолғу полимонодик* асарлар — аксари ғижжак ва созандадар ансамбли учун: «Базм куйи», «Дил ноласи», «Камон нидоси», «Холим сўрма», «Қалб садоси», «Гуллола», «Хаёли қиз», «Висол» ва б.

IV. Ўзбек чолғуларининг камер (най, қонун, ғижжак ва доирадан иборат) таркибига мўлжалланган ва ҳар бир соз имкониятларини тўла очиб берувчи асарлар — «Мустақиллик», «Фаввора», «Тўёна» ва б.

V. Табиатан қўшиқсимон, бироқ соз (ғижжак) ва ансамбл ижросида бадий таъсирчан-

лиги ортиб боровчи асарлар — «Учрашув», «Қўшиқ» ва б.

VI. Муайян хонандага мўлжалланиб, унинг ижро имкониятларини кашф этувчи асарлар. Айтайлик, Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов талқинига мосланган «Ё охумидинг», «Зилола», «Инсонни инсон урмасин», «Меҳнатим», «Мажнунтола», «Ошиқнома», «Соғиниб», «Сен ўзинг», «Севаман», «Тошкентим», «Хотирот», «Учрамасанг яхши бўларди», «Чиройли», «Қарайсан» кабилар айни шулардандир.

Ўлмас Расулов ва Абдуҳошим Исмоиловларнинг ижодий баркамоллиги, ўзигагина хос бастакорлик услуби, бадий-мантикий ечимларини пухта эгаллаб улгурганликларининг асосий сабаблари қатори узлуксиз ижрочилик фаолиятларини мақом мулкимиз талқини билан изчил боғлаётганликлари, ижодкор-салафлари асарларини кенг тарғиб этаётганликларини қайд этиш лозим. Зеро, бундай ибратамиз тамойиллар Истиқлол йилларидагина танилиб, муҳими — касбдошлар ва кенг тингловчилар доирасида тан олина бошлаётган бир қатор навқирон бастакорларимиз учун ҳам одат тусига кираётганлиги қувонарлидир.

КОМПОЗИТОРЛИК ИЖОДИЁТИ

Истиқлол йилларида ўзбек мусиқасида композиторлик ижодиётининг жанрлари ривожланиши билан боғлиқ янги анъаналар, шакллар, мавзулар, янги техник воситаларга таянган асарлар пайдо бўлди. Муҳим ижодий масалаларнинг англаниши тубдан ўзгарди ва тيرانлашди. Композиторлик ижодиётида миллий анъаналарга, халқимиз ва давлатимиз тарихига, ўрта асрларда яшаб ижод этган буюк алломалар ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижодига эътибор кучайди. Ҳар қайси жанр ўзининг ички қонунияти доирасида ривожланиб бориши жараёнида анъанавийлик ва замонавийликнинг муштарақлиги устувор бўлиб қолди. Бу даврга оид қатор асарларда миллийликни ифода қилишнинг ижодий доираси аста-

секин кенгайиб борганини, воқеълик аниқроқ ва чуқурроқ англана бошлаганини кузатиш мумкин. Композиторлик ижодиётининг таркиби мусикали-сахна жанрлари, симфоник, вокал-симфоник ва хор мусиқаси, қўшиқчилик ва романс ижодиёти, киномузыка, драма ва қўғирчоқ театрлари мусиқаси, ўзбек халқ чолғулари оркестрлари каби жанрлар билан боғлиб борди.

Замонавий ўзбек мусиқасининг бу даврдаги яна бир асосий хусусияти — миллий мусиқа меросимиз, адабиётимиз, тасвирий санъатимизнинг бой анъаналарига мурожаат этишдир. Бу борада янги сахна асарлари, жумладан А. Ҳидоятнов номидаги театр сахнасида Мустафо Бафоев мусиқаси асосида «Буюк

¹⁸ Абдуҳошим Исмоиловнинг сараланган ижролари ва асарлари (қўшиқлар, чолғу куйлар ва ашулалар) бир неча тўпламлардан жой олган, «Ойбулоқ» (Т., 1993); «Ғижжак навалари» (1997); М. Тошмухамедов «Ғижжақда анъанавий ижрочиликни ўзлаштириш» (Т., 1999) ва б.

* Йигирманчи аср ўзбек бастакорларига хос бу йўналиш ҳақида қаранг: Т. Ғофурбеков. Полимонодия — ўзбек бастакорлиги махсули. «Ўзбекистон», 2001, 1-сон.

Ипак йўли» (режиссёр Б. Йўлдошев, рас-
сом Г. Брим) тасвирий санъат, муסיқа, плас-
тика, чироқ безаклари воситалари орқали
ўрта аср Шарқ давлатларининг муштарак об-
рази яратилди (Самарқандда ўтказилган
«Шарқ тароналари» I Халқаро муסיқа фес-
тивали очилишида ушбу спектакль янги тал-
қинда томошабинларга тақдим этилди. Али-
шер Навоийнинг «Қушлар тили» достони
асосида намойиш этилган йирик томоша (ком-
позитор Д. Янов-Яновский, режиссёр Н. Аб-
дурахмонов, рассом Н. Гуленко) ҳам шундай
асарлар сирасидандир).

Композиторлик ижодиётининг ушбу дав-
ра хос ютуқлари бевосита Ўзбекистон муסיқа
маданиятининг концерт-ижрочилик ва муси-
қали театр ҳаёти, анъанавий ва академик иж-
рочилик, муסיқа таълими, муסיқашунослик
илми каби соҳаларида кузатилаётган умумий
юксалиш билан боғлиқдир.



Ўзбекистон халқ артисти, композитор М.Бурҳонов
ва Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби,
муסיқашунос А.Жабборов.

Муסיкий-саҳнавий жанрлар. Ижтимоий-ма-
даний турмушимизнинг долзарб масалалар-
ни ёритишда, миллий руҳдаги саҳна асарла-
рининг юзага келишида муסיқали театр фа-
лияти алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада Ўз-
бекистон композиторларининг муסיқали теа-
р учун ижод этган турли жанр ва шаклда-
(муסיқали драма, муסיқали комедия, опер-
балет, оперетта, мюзикл, муסיқали эртақ, др-
ма, ёшлар ва кўғирчоқ театрлари) асарла-
этиборга лойиқдир. Айни шу даврда комп-
озиторлар, балетмейстерлар ва телережиссё-
лар ҳамкорлигида янги — телеопера ва тел-
балет жанрлари юзага келди. Турли жанрла-
муштараклиги натижасида янги шаклдаги аса-
рлар пайдо бўлди; М. Бафоевнинг «Зарду-
стийлар маросими» балет-ораторияси (1995),
яккахоҳонлар, хор ва симфоник оркестр учун
«Бухорои шариф» — опера-достони (1995),
бадий ўқиш, яккахоҳонлар, хор ва ўзбек ха-
лқ чолғулари оркестри учун), И. Акбаровни-
«Ибтидо хатоси» опера-ораторияси (1995),
Э. Шукур либреттоси, Тошкент давлат кон-
серваторияси қошидаги Муסיкий театр-студ-
томонидан намойиш этилган, 1998) шул-
жумласидандир.

Муסיкий-саҳнавий жанрларда ижод этг-
композиторлар орасида И. Акбаров, М. Ба-
фоев, Ф. Олимов, Х. Раҳимов, Н. Зокиров,
А. Эргашев, Ф. Янов-Яновский каби комп-
озиторларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Истеъдодли композитор Фарҳод Олимо-
нинг «Нодирабегим», «Фотима ва Зухра»,
«Девона», «Сойибхўжа операцияси», «Суп-
ер қайнона», «Ўлдинг, азиз бўлдинг», «Асса-
лму алайкум, қизлар», «Чеча» номли муסיқа-
ли драма ва муסיқали комедия жанрларида
асарлари алоҳида ўрин тутди. Унинг «Ф-
тима ва Зухра», «Сойибхўжа операцияси»,
айниқса, «Супер қайнона» муסיқали комед-
яси Муқимий номидаги муסיқали драма теа-
ри репертуаридан муқим ўрин олган спе-
такллар сифатида диққатга сазовор. Ком-
позитор асарларининг ўзбекона руҳдалиги
муסיкий оҳанглариининг халқчиллиги ҳам,
муסיкий воситаларининг ўзига хослиги ул-
муваффақиятининг омилidir.

90-йилларда Муқимий номидаги муסיқа-
драма театрининг ижодий жонланиши ва ре-
пертуарининг бадий етук асарлар билан б-
йишида ўзбек композиторлари — Ф. Алимов,
М. Бафоев, В. Лутфуллаев, М. Маҳмудов,
Т. Қурбоновларнинг хизматлари катта бўлди.
Ушбу даврда театр жамоаси Т. Хасановни-
«Куёвлар конкурси» (Р. Азизхўжаев пьес-

си, 1991), Н. Халиловнинг «Дилафрўза турт ошик» (Т. Минуллин, Х. Валиуллинлар пьесаси, 1992), «Тошкентга саёҳат» (Б. Дарвеш пьесаси 1992), А. Расуловнинг «Бири кам дунё» Т. Юнусов пьесаси, 1993), М. Махмудовнинг «Тўйлар муборак» (Ў. Хошимов пьесаси, 1994), М. Бафоевнинг «Севги нидоси» (С. Жўра пьесаси, 1994), С. Ҳайитбоевнинг «Башпорат» (Э. Самандаров пьесаси, 1995), А. Исмоиловнинг «Ҳар кимки вафо қилса» (Х. Муҳаммад пьесаси, 1996), Ф. Алимовнинг «Нодирабегим» (Туроб Тўла пьесаси, 1996), «Фотима ва Зухра» (Ў. Умарбеков асари, 1997), «Сойибхўжа операцияси» (С. Имомов пьесаси, 1998), Б. Умиджоновнинг «Оқибат» (Р. Маъдиев либреттоси, 1996), Х. Раҳимовнинг «Келин танлови» (Р. Азизхўжаев пьесаси, 1997), А. Мансуровнинг «Бир соатлик халифа» (Н. Қобул асари, 1997), Т. Қурбоновнинг «Иброҳим Алайхиссалом» (Н. Қобул асари, 1998), К. Комиловнинг «Диёнатга хиёнат» (К. Аваз асари, 1998), Б. Лутфуллаевнинг «Такдир» (Р. Маъдиев либреттоси, 1998), Ф. Алимовнинг «Суперқайнона» (С. Имомов пьесаси, 1999), «Ўлдинг, азиз бўлдинг» (Х. Хурсандов пьесаси, 2000) каби мусикали драма ва мусикали комедияларни сахналаштирди.

Композитор Ф. Алимов ва режиссёр Б. Ёлдошевнинг ижодий ҳамкорлигида яратилган «Нодирабегим» (Туроб Тўла драмаси, 1996) мусикали драмасини театр ҳаётида муҳим воқеа сифатида қайд этиш мумкин. Асарнинг мусикий партитураси қўп қатламли бўлиб, унда мусикий образлар йирик ария, қўшиқ, дуэт ва ансамбллар орқали очиб берилган. Мусикий драматургияни очиб беришда симфоник оркестр ва хор имкониятлари самарали қўлланилган. Шунингдек, ўзбек анъанавий мусикаси намуналаридан — Фарғона ижрочилиги услубига хос анъаналардан (ашула ва арияларда; Нодирабегим, Увайсий, Фаррух ва Махмуд Султон кватретида — катта ашула ижро услуби) ижодий фойдаланилган.

«Фотима ва Зухра» мусикали драмаси (Ф. Алимов мусикаси, Ўлмас Умарбеков асари асосида Р. Маъдиев либреттоси, 1997, Муқимий номидаги театр) долзарб мавзуга бағишланган бўлиб, икки опа-сингил қисматини баён қилиш орқали уюшган жиноятчилар гуруҳи қилмишларини фош этади.

Мусикий матн муаллифи Ф. Алимов бутун спектакл давомида асосий лейтмотив — мусика фони сифатида фортепиано симларини пиццикато тарзида (ўзига хос усул — маъ-

лум вақт ўтиши белгиси сифатида) ишлатади. Бу усул сўз диалоглари ва мусика номерларига жўрнавоз бўлиб спектаклнинг драматургиясини намоён этишга хизмат қилади. Оркестр муқаддимаси (композитор симфоник оркестрнинг кичик таркибидан фойдаланган) бош қаҳрамон — Зухра образи мавзуси асосида тузилган ва у мусикали драманинг турли кўринишларида лейтмотив сифатида (жумладан, Зухранинг туши, унинг арияси ва парилар рақси саҳнасида) намоён бўлади. Композитор оркестр ва хор воситаси образли характеристикаларни яратиш ва сюжетнинг муайян фурсатларини ифодалаш мақсадида мусикани драматик воқеалар мазмуни билан пайваста этиш услубини сақлаган.

«Девона» мусикали драмаси (Ф. Алимов мусикаси, Р. Маъдиев пьесаси, 1996) ҳам ҳозирги куннинг долзарб мавзуси — кирди-корлик, фирибгарлик, жиноятчиликни фош қилишга қаратилган. Спектакл мусикаси психологик ҳолатларни янада ёрқинроқ кўрсатишга ёрдам беради. Композитор мазкур асарда эстрада жанрлари ва услубларидан кенг фойдаланган.

«Иброҳим алайхиссалом» (Н. Қобул асари, Т. Қурбонов мусикаси; 1998, Муқимий номидаги театр) асарининг мусикаси ариялар ва ансамбллар, оркестр партитурасининг яхлит ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. Композитор Т. Қурбонов ўз ижодиётида мусикий драматургияни очиб беришда опера жанрига яқин бўлган шакллардан — ария, дуэт, қўшиқ, ариозо, оркестр муқаддимаси ва айрим лавҳаларда воқеликка жўрнавоз бўлиши, хор имкониятларидан фойдаланиб келган. Аммо ушбу спектаклда бу имкониятлар, айниқса, хорнинг вазифаси тўла-тўқис намоён бўлмаган.

Б. Лутфуллаевнинг «Такдир» мусикали драмаси (Р. Маъдиев либреттоси, 1998, Муқимий номидаги театр) замонавий мавзу — оила муносабатларига бағишланган бўлиб, мусиканинг миллийлиги, мусикий драматургиянинг яхлитлиги, мусикий характеристикаларнинг ранг-баранглиги билан томошабинда ёрқин таассурот қолдиради.

«Ўлдинг, азиз бўлдинг» мусикали спектакли композитор Ф. Алимов ва драматург Холик Хурсандовнинг ҳамкорлиги маҳсулидир (қўшиқлар матни муаллифи Н. Нарзуллаев, режиссёр Б. Назаров, 2000, Муқимий номидаги театр). Ушбу икки пардали мусикали трагикомедиянинг ғояси ва мазмуни асосан катталарни ҳаётлиги даврида эъозлашга, му-

рувватли бўлишга чақиришдан иборат бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга эга. Спектаклга яратилган мусиқа ўзининг ранг-баранглиги, миллий оҳанглар билан суғорилганлиги, ҳар бир образ мусиқий тавсифининг яхлитлиги билан ажралиб туради ва умуман асарнинг бадиий савиясини белгилайди. Асарда сўз диалоглари мавжуд бўлишига қарамасдан, мусиқа номерлари асосан лирик оҳангларда, ария ва ансамбллар (трио ва кваттет) ҳам асосан воқеа муҳотида изҳор этилган ҳис-туйғулар, кечинмалар ва ҳатти-ҳаракатлар уйғунлигида ифода этилади. Композитор ўз асарида, жумладан, марсиячи аёлнинг йиғиси ва Э. Григнинг мотам маршининг янграшида қоллаж услубидан фойдаланган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу асари ўзининг мазмундорлиги, мусиқий драматургиясининг яхлитлиги ва бақувватлиги билан томошабинда чуқур таассурот қолдиради.

Ф. Алимов мусикали драмадан ташқари мусикали комедия жанрига ҳам мурожаат этди ва ушбу йўналишда Муқимий номидаги театр жамоаси билан ҳамкорликда «Сойибхўжа операцияси» (С. Имомов асари, 1997) ва «Суперқайнона» (С. Имомов асари, 1998) асарларини яратди. Театр репертуаридан муносиб ўрин олган мазкур спектакллар замонавий мавзуси, адабий мазмундорлиги, ёрқин ва жозибали мусикаси билан ҳозирги кунгача томошабинни ўзига жалб этиб келмоқда.

Спектаклнинг асосий иштирокчилари ёшлар бўлгани сабабли композитор кўпроқ эстрада жанрларига эътибор қаратган. Асарлар партитурасидан турли услубдаги оддий — терма ва қўшиқдан тортиб, лирик характердаги ариялар ҳамда қувноқ ансамбллар, лапар ва яллаларгача ўрин олган. Сўз диалоглари турли характердаги мусиқа номерлари билан узвий боғланган бўлиб, яхлит драматургияни яратади.

Юқорида номлари зикр этилган спектакллар айрим вилоят театрларида ҳам, жумладан, А. Навоий номидаги Наманган вилояти мусикали драма театрида муваффақият билан намойиш этилмоқда.

Кўрилаётган даврда Ўзбекистон композиторлари томонидан ёш томошабинлар учун ҳам янги мусиқий-сахнавий асарлар яратилди. Чунончи, М. Махмудовнинг «Давлат болалари» (Р. Муҳаммаджонов, 1994), А. Икромовнинг «Тилла тухум» (Ф. Файзиев, 1998) ва «Бўш келмайсиз шоввозлар» (Ф. Файзиев, 1998) каби мусикали эртаклари; А. Мансуровнинг «Хайвонлар подшоҳи» бир актли

операси (реж. Ф. Сафаров, дир. Ф. Тўлаганов, 1997), Ф. Алимовнинг «Бир эшак хангомаси» (Я. Даренмат, 1996), «Наврўзой» (М. Авазова, 1997), «Сеҳрли ҳасса» (П. Антокольский, 1998) каби мюзикллари ёш томошабинларга олам-олам завқ-шавқ улашмоқда.

Ўзбекистон композиторлари драматик спектакллар ва кинофильмларга мусиқа яратганда ҳам ижодий ютуқларга эришдилар. Ушбу соҳада М. Махмудов, А. Эргашев, Ф. Алимов, Э. Солиҳов, Д. Янов-Яновский, Ф. Янов-Яновский каби ижодкорларнинг асарларини қайд этиб ўтиш лозим, жумладан, «Исломотарихи» мулътфильм сериали (Ф. ва Д. Янов-Яновский мусикаси), «Меҳробдан чаён» видеофильми (Ф. Алимов мусикаси, 1998), «Ўтган кунлар» кинофильми (М. Махмудов мусикаси, 1998), «Амир Темур» кинофильми (Д. Янов-Яновский мусикаси, 1996), «Қуёп ботмайдиган юрт» кўп сериали телефильми (А. Эргашев мусикаси, 1999) ва б.

Опера ва балет. 90-йилларда опера театрининг репертуари янги асарлар билан бойиди мумтоз опералар (Т. Содиқов ва Р. Глиэрнинг «Лайли ва Мажнун», 1995; М. Ашрафийнинг «Дилором», 2001) қайта ишланиб янги талқинда намойиш этилди. Композиторларимиз томонидан тарихий мавзуларга бағишланган янги миллий руҳдаги асарлар яратилди. Булар орасида А. Икромовнинг «Буюк Темур» (И. Жиянов либреттоси, 1996) ва М. Бафоевнинг «Ал-Фарғоний» (Ж. Жаббаров либреттоси, 1998) опералари А. Навоий номидаги Опера ва балет театри жамоаси томонидан сахналаштирилди.

А. Икромовнинг «Буюк Темур» асари зонг-опера шаклида ижод этилган бўлиб, касбий маҳорати, миллий руҳдаги ёрқин, шиддатли хаяжонли мусикаси билан ўзига жалб этади. Икки пардали ушбу операда соҳибқироннинг ҳаёти ва ижоди, дунёқараши, oilаси ва яқинлари билан ўзаро муносабатлари ўз ифодасини топган. Операнинг асосий образлари — Амир Темур, Бибихоним, ўғиллари — Мироншоҳ, Шохруҳ, набиралари — Халил Султон ва Пирмуҳаммад, вазир — Шох Малик, шунингдек, Испания, Юнонистон ва Хитой элчилари.

«Буюк Темур»да муаллиф симфоник оркестрга сурнай, дўмбира тембрлари, доира услулларини киритган. Опера мукаддимаси увертюра жанрида ёзилган бўлиб, ундаги «Буюк зафар муборак» хор сахнаси Буюк Темур образини ифодалайди. Соҳибқироннинг «Кўнгилларни тинчлантирувчи бот» сўзлари



Ш.Юсупов. Лаган. Риптон. 1991.



А.Матчонов. Бодия. Хоразм. 1991.



М.Рахимов. Қўшқулоқ. Гурумсарой. 1991.



М.Турупов. Лаган. Гурумсарой. 1991.



М.Назиров. Кўза.
Самарқанд, 1991.



Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар.
Ғиждувон сополи. 1990.



М.Қодиров. Сирға. Тошкент. 1995.



Э.Гостев. «Орзу» заргарлик комплекти. Тошкент. 1998.



А.Раҳимов. Хумча. Тошкент. 1997.



Х.Назирова. «Ҳофиз лирикаси». Қутича, локли миниатюра.
Тошкент. 1999.



Б.Бобоназаров. «Наво». Қутича, лоқли миниатюра,
Тошкент. 1999.



Т.Икромов. Нақшинкор қутича. Тошкент. 1998.



Р.Фатхуллаев. Патнис.
Бухоро. 1998.



М.Қурбонова. Зарбофт тун. Бухоро. 1991.



С.Рахматаллаева. Сўзана. Ургут. 1991



Миллий либосдаги қорақалпоқ қизи.



В.Усеинов. «Анор доналарининг муаллақлиги».
Гобелен. Тошкент. 1998.

билан бошланган монологи лирик характерда бўлиб, Помир куйлари оҳангида яратилган. Композитор операда насрий асосдаги эркин декламация усулидан самарали фойдаланган. Темурнинг ўз фарзандлари ва набиралари билан учрашуви кватрет шаклида ифода этилган. Кейинги сахна — «Элчилар қабул маросими»да ҳар бир элчи ўзига хос рақс оҳанглари, усуллар ва табрик нутқлари билан ажралиб туради. Испан элчиси образи испанча «хабанера» рақс оҳанглари ва усуллари билан суғорилган, Хитой элчисининг чиқиши речитатив куйи журналистикда ўзига хос лад тузилмаси орқали тасвирланган. Юнон элчиси образини муаллиф грек халқ рақси «Сиртики» оҳанги заминидан ифода этган.

Сўнгги йилларда А. Навоий номидаги опера ва балет театрида сахналаштирилган М. Бафоевнинг «Ал-Фарғоний» («Муҳаббатим осмони», Ж. Жабборов либреттоси, 1998) операси буюк алломанинг ҳаётига оид лавҳаларни ифода этади. Беш пардали ушбу операнинг фақат учинчи («Обсерватория»), тўртинчи («Маъмун саройида») ва бешинчи («Нил дарёси ва ал-Фарғонийга мадҳия») пардалари сахналаштирилган. Опера мусиқаси ал-Фарғонийнинг кечинмаларини, эхтиросларини мусиқий нутқ — ариялар орқали ифода қилади. Операнинг мусиқий образларида халқ қўшиқчиликлари санъати ва анъанавий услублари билан мумтоз операнинг кўп марта синалган жанрлари ва ифода воситаларидан кенг фойдаланган. Чунончи, М. Бафоев ҳар бир образни ифода этишда лейтмотив тизими таянган, жумладан ал-Фарғонийнинг турли рухий ҳолатлари ва ҳис-туйғулари муайян халқ куйлари асосида ёритилган; бош мавзу — ал-Фарғонийнинг инсоний фазилати ва унинг жожеаси — «Сурнай тановари» оҳангида, алломанинг илмий салоҳияти ва Ватанга муҳаббат туйғуси — «Сайёра» куйи, севги ҳисси эса «Галдир» куйи оҳанглари замирида ифодаланган. Бундан ташқари, композитор ал-Хоразмий ва ал-Фарғоний дуэтида (I парда) — «Шитоб айлаб» куйи асосида яратган; Софина образи талқинида шарқона оҳанглардан, айрим хор лавҳаларида эса халқ лапарларидан фойдаланган.

Операнинг мусиқий драматургиясидан тарихий сиймолар (ал-Хоразмий, Маъмун, Умар Хайём, Аҳмад Яссавий, Ибн Сино, юнон олимлари), донишмандлар билан бир қаторда, сайёралар, юлдузларнинг образли талқини ҳам ўрин олган.

М. Бафоевнинг «Бухорои Шариф» асари

(Х. Даврон либреттоси, 1997) Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган бўлиб, айрим сахналари илк бор Бухоронинг юбилей тантаналарида оммавий кўринишда тақдим этилди. Ўзбекистон ўз асарини опера-дoston деб атаб, уни 2 дoston ва 22 нақшларга бўлади. Опера бадий ўқиш, бахши, солистлар, хор ва ўзбек халқ чолғулари оркестри учун яратилган. Асар Бухоро ва унинг тарихий обидаларини, қолаверса, Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуллоҳиқ Гиждувоний, Рудакий, Ибн Сино каби асл фарзандлари — буюк алломаларини мусиқий оҳанглар орқали мадҳ этади. Асар телевидениега мўлжалланган бўлиб, видеофильм жанрида намойиш этилди (режиссёр Саид Мухторов). Операнинг бош образи — бахши, у маълум мусиқий оҳанглари орқали (Ироқи Бухоро куйи асосий лейтмотив сифатида ушбу образни ифодалайди) тасвирланиб, ҳар бир нақшни бир-бири билан боғлаб беради ва опера бир йўналишда яхлит тасаввур этилади. Биринчи дoston тўққиз нақшдан иборат бўлиб, Бухоро тарихига ва унинг тарихий обидалари, меъморчилик ва маданий ёдгорликларига бағишланган; иккинчи дoston ўн уч нақшдан иборат бўлиб буюк аждодлар образларини мадҳ этади. Операда Сиёвуш, Афросиёб, Амир Темур, Рудакий, Ибн Сино образлари рамзий маънода меъморчилик обидалари воситасида тасвирланган. Оркестр таркибига чанг-қўбуз, сато, дўмбира, конун чолғулари киритилган, айрим чолғулар маълум образларга журналистик бўлиб ифодаланган, жумладан, бахши образи чанг-қўбуз солоси журналистикда намойиш этилган. Асосий мусиқа мавзуси Ироқи Бухоро куйи («Бузрук» мақоми таркибидан) орқали гавдаланади. Етти нақшдаги мусиқий образлар тўй маросимларида ижро этилган Бухоро мусиқий анъаналарига хос мақом санъати; созандаларнинг қўшиқ ва лапарлари, маврити анъаналари, зангбози усуллари асосида ифодаланган (жозибали характердаги «Таралилалилай», лирик «Хой нозанин», уйноқи «Норинживой», тезроқ-уйноқи «Бой-бой-бое, абрекеш думе море», тез-жозибали «Махваши нозик»).

М. Бафоевнинг «Буюк Ипак йўли» шоу-балети (1995), «Нодира» (1991), «Улғубек буржи» (1992), «Мозийдан нур» (1995) телебалетлари «Тановар» халқ рақс театр-студияси (балетмейстер Ю. Исматова) томонидан миллий рақслари ва халқ хореография услубларида тайёрланган бўлиб, катта қизиқиш уйғотади. Ушбу балетларнинг айрим лавҳалари

видеоклиплар тарзида, шунингдек, оммавий томошаларида (Амир Темур ва Мирзо Улду-бекнинг таваллуд саналарига бағишланган тантаналарда, «Шарқ тароналари», Бухоронинг 2500 йиллик тўйида) намоёниш этилди.

Опера санъатининг ривож топишида Тошкент Давлат консерваториясининг Мусиқали театр-студияси фаолиятининг ҳам ўрни бор. Студия репертуаридан Ўзбекистон композиторларининг асарлари, мумтоз опера асарлари билан бир қаторда ўрин олган. Ушбу йиллар даврида театр-студия томонидан Ф. Янов-Яновскийнинг «Оркестр» (Ж. Ануйя пьесаси, 1995) операсида фожиа ва водевилга хос енгиллик уйғуллашиб кетган. Ҳар бир мусиқий образ мусиқий-драматик манба тақозосига кўра юзага келган оҳанглар билан боғлиқ ҳаракатлар ижрочилардан ижодий оригиналликни талаб этади (режиссёр Ф. Сафаров, дирижёр В. Неймер).

Х. Раҳимовнинг «Она қалби» камер операси (Жамол Камолнинг «Армон» достони асосида, 1995, режиссёр Ф. Сафаров, дирижёр Д. Абдурахмонова) ўзининг мазмундор ва ифодали мусиқаси билан ажралиб туради. Опера талкинида муаллиф мусиқа партитура-сига эҳтиёткорона ёндошган ҳолда, муҳим жиҳатларга урғу берилади, асар ғоясини замондош нуқтаи назаридан ёритишга муваффақ бўлади. Театр репертуарига эътибор берилса, гарчанд сўнгги йилларда бир қатор янги опералар сахналаштирилган бўлса-да, репертуар негизини миллий асарлар ташкил этмаётгани кўзга ташланади. Қайд этиш мумкинки, опера театри, асосан, Европа мумтоз опера ва балет асарларини сахналаштириш билангина чегараланиб қолмоқда. Янги ўзбек опера ва балетларига бугунги кунда эътибор, афсуски, бирмунча сусайган.

Кувонарлиси, қорақалпоқ композиторлик ижодиётида ҳам қатор янги изланишлар кўзга ташланади. 1996 йили композитор Н. Мухамеддинов «Айжамал» номли биринчи қорақалпоқ балетини муҳлисларга тақдим этди. Тарихий мавзуга асосланиб ёзилган мазкур балет халқ куй-қўшиқлари намуналаридан кенг фойдаланилгани билан тингловчини ўзига жалб этади.

1997 йили Нукус шаҳрида қорақалпоқ халқ достони «Қирқ қиз»га бағишланиб ўтказилган Халқаро илмий конференцияда ижро этилган иккинчи қорақалпоқ операси «Қирқ қиз» (композитор Н. Мухамеддинов) Республика

маданий ҳаётида йирик воқеалардан бири бўлди.

Бундан ташқари, мусиқий-сахнавий асарлардан эртақ мавзусидаги «Одамлар қандай бузилган» мусиқий спектакли (композитор С. Полвонов, 1991), «Ғариб Ошиқ» мусиқали драмаси (композитор Қ. Заретдинов 1993) театрларимиз сахнасидан муносиб жой эгалладди.

Кези келганда, кўрилатган даврга ҳос қатор жиддий муаммоларни ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Биринчи навбатда, Қорақалпоғистондаги русийзабон аҳолининг маълум қисми кўчиб кетиши билан боғлиқликда вужудга келган кадрлар танқислиги муаммосини қайд этиш лозим. Ушбу муаммо маданий ҳаётнинг барча соҳаларида ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Профessional мусиқачи-ижрочиларни тайёрлаб берувчи бирдан-бир ўқув маскани — Ж. Шамуратов номидаги Нукус давлат санъат билим юртида ўқитувчиларнинг етишмаслиги, республикада ягона бўлган симфоник оркестри соҳнадалари сафида юқори категорияли ижрочиларнинг камайиб кетиши жуда ачинарли ҳолдир.

Симфоник мусиқа. Ўзбекистонда олиб борилган изчил изланишлар натижасида симфония жанри 70-йилларда ривож топган бўлса-да, «унинг довуғи тобора халқаро даражага кўтарилганини, ҳатто шарқшумул воқелик сифатида тан олинганлигини» инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон композиторлари ўзларининг янги-янги асарлари билан «Ўзбек миллий симфониясига баркамоллик бағишлай олдилар»¹⁹. И. Акбаров, М. Тожиёв, М. Бафоев, Р. Абдуллаев, Х. Раҳимов, А. Латифзода, Ф. Янов-Яновский, Д. Янов-Яновский каби композиторларимизнинг симфоник асарлари чет эл давлатларида ўтказилган турли фестивалларда ижро этилиб, йирик симфоник оркестрлари дастурларидан муносиб ўрин олмоқда. Шунингдек, 1998 йилдан бошлаб пойтахтдаги Тошкентда ўтказила бошлаган Халқаро симфоник мусиқа фестивали республикамизни ҳамдўстлик давлатлари орасида йирик симфоник мусиқа маркази даражасига кўтарди.

Биринчи Халқаро симфоник фестивалда АКШ, Франция, Люксембург, Корея, Япония, Туркия, Хитой, Таиланд ва Марказий Осиё давлатлари вакиллари катнашган бўлса, Иккинчисида (2000 й.) АКШ, Швейцария, Англия, Япония, Германия, Франция, Корея, Латвия, Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистон дав-

¹⁹ Юнусов Р. Мирсодиқ Тожиёв ва ўзбек симфонияси. Мусиқа ижодиёти масалалари. Тошкент, 1997, 86-б.

латларидан келган ижодкорларнинг чиқишлари мазкур муסיкий анжуман савиясини янада оширди. Ўзбекистонлик композиторлар — Мустафо Бафоев ва Тўлкин Курбоновнинг II фестивалда ижро этилган симфоник асарлари тингловчиларда катта кизиқиш уйғотди. Фестиваллар доирасида бўлиб ўтган давра суҳбатларида замонавий симфоник муסיка муаммолари мувоҳаса этилди; бунда Шарқ ва Ғарб бадий анъаналарининг муштараклиги ва ушбу маданий жараёнда Ўзбекистон композиторлари эришяётган ижодий ютуқлар хорижлик мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Дарҳақиқат, ушбу ўн йиллик ичида Ўзбекистон композиторлари томонидан қатор янги симфоник асарлар яратилди. Муаллифларнинг халқимиз тарихига эътибори кучайди, ушбу жанрдаги асарлар ғоявий-мазмуний жиҳатдан чуқурлашди, шакллан ва услубан мукаммалашди. Чунончи, И. Акбаров, Т. Курбонов, М. Тожиев, М. Бафоев каби композиторларимизнинг симфоник асарларида муҳим мавзулар кўтарилди, миллий анъаналар муштараклигида замонавий симфоник тафаккур ва услублар юзга келди. Асарларда ҳозирги кунда мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва маданий ўзгаришлар, халқимиз тақдирини белгиловчи оламшумул воқеалар ўз аксини топди.

Ўзбек симфоник муסיкаси ривожига ўзининг катта ҳиссасини қўшган Мирсодиқ Тожиев (1944—1966 й.) ижодиётида долзарб ғоявий-фалсафий мавзуларни тасвирловчи учта катта симфониядан иборат «Сомон йўли» туркуми — (15-, 16- ва 17-симфониялар) алоҳида ўрин тутди. Изчил ижро этилган асарларда умумбашарий маънавий қадриятлар, муайян тарихий жараёнлар тараннум этилади. 15-симфония «ГУЛАГ архипелаги» деб номланган бўлиб, А. Солженициннинг шу номи романи асосида яратилган ва унда қатағон йилларининг муҳиш воқеалари ўз тасвирини топган. Дастурга кўра, зулм ва адолатсизлик, ҳақиқат ва инсонпарварлик, эзгулик мунгли-драматик, шиддатли ва мотамсаро муסיкий образлар орқали ёритилиб берилган.

16-симфония «Рўҳлар нидоси» деб номланган бўлиб, композитор бу асарига қуйидагича изоҳ берган: «Лаҳад қушандалари, арвоҳлар фарёд қилмоқда». Симфония дастурига кўра бирин-кетин ижро этилган қисмларда зиддиятли образлар ўзига хос, замонавий композиторлик услуб-йўналишида қайғули ва жўшқин муסיка садоларининг кантрастида ифода этилади.

17-симфония («Сомон йўли»)да «Замин — инсон — коинот — инсон — Она замин» доираси ўз ифодасини топган. Асарда халқимизнинг айрим тарихий «қонли» воқеалари (композитор таъбири) ўз аксини топади. Шу туфайли, муסיкий оҳанглар жиддий, тантанавор, айримларида, чуқур психологик кайфият билан сугорилган. Ушбу «трилогия (учлик)» — ҳозирги замон ўзбек симфоник муסיкасининг ҳар жиҳатдан нодир, ноёб ва энг ёрқин кўринишларидандир. Зеро муаллиф унда тақдирнамо тарихий-замонавий, шунингдек абадий мавзу ҳамда мураккаб муаммоларни мутлақ кенг қамровда кўтариб, кишини хаяжонга солувчи таъсирий-таъсирий, юксак бадий даражада ифода эта олган»¹⁹.

М. Тожиевнинг сўнгги 19-симфонияси (умрининг сўнги кунларида композитор 20-симфония қўлёзмаси устида иш олиб борган, аммо ушбу асар тугалланмай қолган) «Қаҳрамонлик» деб ном олган ва у Мустақил Ўзбекистонга бахшида этилган (1995). Ушбу асарда тантанавор ва улуғвор муסיкий образлар орқали истиқлол шарофати мадҳ этилади.

Т. Курбоновнинг «Аския» симфоник асари рапсодия жанрида ёзилган бўлиб, биринчи маротаба симфоник фестиваль концертларида (2000) ижро этилиб, тингловчиларнинг олқишига сазовор бўлди. Композитор симфоник оркестри услуби ва воситалари орқали аскиячиларнинг анъанавий томошасини ифода этган. Оркестрнинг турли гуруҳлари ва айрим чолғулар маълум мавзунинг ўртага ташлаган ҳолда, жозибали, тез суръатда муסיкий пайров намоиш этади. Т. Курбонов муסיкаси ўзининг чуқур миллийлиги, замонавий муסיка услубларидан, жумладан, полифония имкониятларидан кенг ва эркин фойдаланганлиги билан ажралиб туради.

Р. Абдуллаевнинг 3-чи «Тай оҳанглари» концерти (1993, ўзбек ва тай оҳанглари мутаносиблигида яратилган: 1999 йили Бангкокда ушбу концертнинг лазер диски нашр этилди), 4- ва 5-фортепиано концертлари: И. Акбаровнинг Симфония-эпитафияси, М. Бафоевнинг 4-чи «Мовароуннаҳр» (1991), 5-чи «Ҳолати Алишер Навоий» (1991), Н. Ғиёсовнинг 11-чи «Адашганлар» ва 12-чи «Порламок» симфониялари, фортепиано ва симфоник оркестри учун 8-чи концерт-макоми, симфоник оркестр учун 9-чи концерт-макоми, Х. Раҳимовнинг симфоник асарлари дунёга келди ва Ўзбекистонда симфоник муסיкасининг раванқ топишига ҳисса қўшди.



"Сугдиёна" халқ чолғулари камер оркестри. Бадий раҳбар ва дирижёр — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф.Абдурахимова. Тошкент. 1998.



Халқаро симфоник мусиқа фестивали. Ўзтелерадиокомпанияси камер оркестри концерти. Дирижёр — В.Мидюлянов. Тошкент. 2000.

Ўзбекистонда симфоник мусиқанинг ривожининг миллий санъат сифатида шаклланиш жараёни босқичма-босқич кечаётганини таъкидлаш лозим.

Вокал-симфоник ва хор мусиқаси. Ушбу ўн йиллик даврида юртимизда содир бўлаётган воқеаларнинг мавзу ва образлари билан боғлиқ вокал-симфоник асарлар яратилди. Уларда кўпроқ давлатимиз ва халқимиз тарихи, содир бўлаётган ижтимоий-маданий ўзгаришлар ўз ифодасини топди. Ўзбекистон композиторлари сюита, поэма, кантата ва оратория жанрларида ижод қилмоқдалар. Булар орасида И. Акбаровнинг «Харбий йиллар шеърляри» ораторияси (1991), «Менинг шахрим» кантатаси (1991), М. Бафоевнинг «Ҳажнома» (А. Орипов сўзи, 1995), «Зафарнома» (З. Обидов сўзи, 1995) ораториялари, «Зардуштийлар маросими» яккахонлар, хор ва оркестр учун оратория-балет (1995), М. Бурхоновнинг «Абадий хотира» (А. Фитрат, У. Носир, А. Чўлпон ва М. Бурхонов сўзлари, 1996) реквием-марсия; Ф. Алимов, М. Бафоев, Б. Умиджонов, Б. Лутфуллаев, К. Комилов каби композиторларнинг хор асарлари шулар жумласидандир. Бу асарларга баъзи бир муштарак белгилар — анъанавий ва замонавий воситалар, бадий ўқиш, яккахонлар, хор ва оркестрнинг уйғунлиги, айниса, ифодавий воситаларининг ижодий қўлланилиши, ҳар бир қисмларнинг бир-бири билан боғланиши ва шу тарзда яхлит образнинг яратилиши хосдир.

М. Бафоевнинг «Зардуштийлар маросими» оратория-балети (1995) яккахонлар, хор ва симфоник оркестри учун яратилган бўлиб, композиторнинг ғояси бўйича оммавий томоша кўринишларида ҳам намоиш этилиши режаланган.

Ораторнинг айрим лавҳалари Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган тантаналарда намоиш этилди. Асарнинг матнлари «Авесто»дан олинган. Унинг мусиқали драматургияси жиддий колорит садолари шиддатли-драматик характери ва ранг-баранг усуллар билан муштаракликда ўтмиш билан боғлиқ образни ташкил этади.

М. Бурхоновнинг «Абадий хотира» мумтоз мотам-реквиemi ва анъанавий марсия жанрлари уйғунлигида яратилган бўлиб, қатағон йиллари шахид кетган зиёдилар — Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирӣ, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон, Усмон Носир каби элнинг асл фарзандлари ва композиторнинг акаси Мисбох, амакилари Масҳариддин, Му-

камил ҳамда Муаммур Бурхоновларнинг порлоқ хотирасига бағишланган. Сўз матнлари сифатида Фитрат, Усмон Носир, Чўлпон ва Мутал Бурхоновнинг шеърларидан фойдаланган. Беш қисмлик реквиem бадий ўқиш, яккахонлар, хор ва симфоник оркестри журнавозлигида янграйди (оркестр таркибига сато чолғуси киритилган, унинг майин, лирик садолари мотамсара-драматик образни ташкил этади). Мазкур қисмлар мусиқасининг жалб қиладиган томонлари — асосий мазмун ва ғоядан келиб чиққан ҳолда эпик, лирик-вазмин, мунгли-драматик ва ғир-мотам характеридаги ёрқин ва таъсирчанг оригинал ва анъанавий оҳанглар заминидан суворилган. Қисмларни боғловчи восита — «Фотиха» тилова-тидир. М. Бурхоновнинг бошқа асарлари каби «Хотира» ўзининг драматик лиризми, мусиқанинг таъсирчанлиги, ҳис-туйғулар мажмуаси билан тингловчини жалб этади.

Ўзбек халқ чолғулари оркестри мусиқаси. Мазкур даврнинг буткул мураккаблиги ва кўп қирралилиги унга умуман хос бўлган муштарак қонуниятларнинг мавжудлиги турли жанрларнинг раванқига олиб келди. Мусиқа ижодиёти ривожининг жадаллашиши халқ чолғулари оркестри мусиқаси ва ижрочилиги билан ҳам боғлиқдир. Ўзбекистон композиторлари ушбу даврда ҳам Т. Жалилов номидаги ва Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрларига тобора кўпроқ мурожаат қилиб, уларнинг репертуарларини йирик ва мураккаб жанрлар билан тўлдириб бордилар. Ушбу жанрлар орқали оркестрларнинг имкониятлари кенгайди ва мукаммаллашди; унга янги услублар ва воситалар кириб келди. Ижрочиликда Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг фаолияти (бадий раҳбари ва бош дирижёр М. Бафоев) унумли ва ижодий бўлди. Афсуски, бу даврда Ўзбек давлат филармонияси қошидаги Т. Жалилов номидаги оркестрнинг илгариги мавқеъи сўна борди. Оркестр фаолиятига қизиқиш сўнгги йилларга келиб бирмунча жонлана бошлади. Бунга 1998 йилдан бошлаб ҳар йили Тошкент давлат консерваториясининг Катта концерт залида оркестр кўрик-фестивалининг ўтказилаётгани яхши таъсир кўрсатди. Ушбу фестивалларда оркестрлар Ўзбекистон композиторларининг янги асарларини тингловчиларга тақдим этиб келмоқдалар.

Оркестрларнинг мавқеини оширишда Ўзбекистонда 1992 йили янги «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғулари камер оркестрининг ташкил этилиши (бадий раҳбар ва бош дирижёр

Ф. Абдурахимова) ҳам аҳамиятга моликдир. «Сўғдиёна» қисқа вақт ичида ўзининг репертуарини яратиб, тингловчилар эътиборини қозонишга муваффақ бўлди. Оркестр ушбу ўн йиллик даврида Олмония, Голландия, Франция, Миср, Туркия, Испания мамлакатларида ижодий сафарларда бўлиб, Халқаро микёсдаги турли мусикали фестивалларда — «Шарк тароналари», Халқаро симфоник мусикаси, Республика халқ чолғулари оркестри фестивали, ХХХ Испания Халқаро мусика фестивалида (оркестр ушбу фестивал совриндори) муваффақият билан катнашди.

Оркестр таркибига торли ўзбек мусика чолғуларидан ташқари най, сурнай, чанг-қўбуз, дўмбира, конун, уд чолғулари кирган.

Унинг репертуарларидан ўзбек халқ куйлари, жаҳон халқлари чолғу куйлари, Ўзбекистон ва Жаҳон мумтоз композиторлари асарлари ўрин олган, жумладан, М. Бафоевнинг «Бухорча концерт», Ф. Алимовнинг «Андижон полькаси» ва «Марказий Осиё куйлари асосида попури», О. Каримовнинг «Сурхон наволари», А. Мансуровнинг «Янгра доира» увертюраси, А. Исмоиловнинг «Тонг», Х. Рахимовнинг «Эрта тонг» ва б. 1997 йили олмон композиторлари томонидан оркестр учун махсус асарлар («Узоқдан», «Фрателли», «Кўприк») яратилди. Ушбу асарлар Бавария миллий ансамбли билан ҳамкорликда ижро этилиб, «Сўғдиёна» оркестрининг «Ўзбек-Бавария мулоқоти» номидаги иккинчи компакт дискдан ўрин олди (2000 йили Мюнхенда чоп этилди). Шу давр ичида яратилган асарлари орасида Т. Қурбоновнинг уч қисми 7-ва 8-чи симфониялари (1991, иккинчиси Аҳмад Яссавийга бағишлов), 8-та нақшлар (1991—1997), М. Бафоевнинг «Уд ва оркестр учун поэма»си (1991), «Хоразмча каприччио» фортепиано ва оркестр учун, «Бухорча занг» концерт (1999), Танбур ва оркестр учун концерт (1999), А. Мансуровнинг «Мустақилликка бағишлов» Одаси (1992), «Шодиёна» (1994), Х. Рахимовнинг «Тарона ва уфур» конун ва оркестр учун (1992), Фортепиано ва оркестр учун фантазия (1993), А. Навоий ғазаллари асосида овоз ва оркестр учун Поэма (1991) ва х.

Ўзбекистон композиторлари ҳамон амалиётда мавжуд барча шакл ва жанрларда ижод этиб келмоқдалар. Қувонарлиси, И. Акбаров, М. Тожиев, Р. Абдуллаев, Н. Зокиров, Ф. Янов-Яновский, Д. Янов-Яновский каби композиторларимизнинг асарлари чет элларда ижро этилиб, йирик ижрочилик жамоа-

ларининг репертуарларидан салмоқли ўрин олди.

Сўнгги йилларда, аввалги даврларга нисбатан, мусикий драма ва комедия жанрлари га, қўшиқчилик санъатига қизиқиш ортган сезилади. Композиторлар ўзларининг асарларида халқ характерининг моҳияти, миллий психологияси, миллий-бадний тафаккурини тушуниб етишга ҳаракат қилдилар. Б. даврга оид қатор асарларда, айниқса, қўшиқларда ватан, истиклол мавзулари мадҳи суртувор бўлди.

1996 йилдан бошлаб республикамизда «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ-танлови ва 1997 йилдан бошлаб қўшиқ байрамларини ўтказиш ушбу санъатнинг моҳиятин ва мавқеини янада оширди. Р.Абдуллаев, А.Мансуров, Х. Раҳимов, А. Назаров, А. Иромонов, А. Расулов, Д. Омонуллаева, М. Бафоев, Ф.Алимов, Н. Норхўжаев каби композиторларнинг қўшиқлари ушбу тадбирларда ғолиб топилиб, кенг омма орасида тарғиб этилди. Бу борада, айниқса, эстрада қўшиқчили санъати кенг қўламада ривож топа бошлади.

Композиторлик ижодиёти ривожининг турли жанрлар соҳасида жадаллашиши, айри жанрларда юксалиши, ижодий изланиш ва улубий йўналишининг бойиши кўрилаётган даврда ўзбек мусикаси соҳасида бир эмас балки қатор композиторлар авлоди ишлаётганлигининг натижасидир. Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу даврда ёш композиторлар ижодий жараёнга серкирра ва мазмундор асарлари билан кириб келмоқдалар. Ойдин Абдуллаева ўзининг асарлари учун Зулфия номиди Давлат мукофоти (2000), Д. Янов-Яновский «Ўзбекино» томонидан таъсис этиган «Грифон» совринига (1995), Швейцария АҚШ, Францияда ўтказилган композиторлар танловларида олий мукофотларга (1991—1995), А. Эргашев ўзининг драматик спектакллари мусикаси учун бир неча совринларга (1995), Хуршида Ҳасанова ўзининг «Туналар» қўшиғи учун Республика «Наврў» қўшиқ-танлови совринига (2000) сазовор бўлдилар.

Композиторлик ижодиёти равнаки Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюмаси фаолияти билан ҳамбарчас боғлиқдир. Уюшма республикамизда турли танловлар, фестиваллар, жумладан, «Шарк тароналари «Илхом — ХХ» замонавий камер мусикаси симфоник мусикаси фестиваллари ташкилчиларидан бири. Ушбу давр мобайнида ўзбек бастакорлари ижодиёти, ёш композиторлар

ижодига бағишланган пленумлар (1991, 1992) ва Ўзбекистон композиторларининг навбатдаги курултойи (1995) бўлиб ўтди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жойизки, композиторлик ижодиётининг жадал юксалиши

бевосита Ўзбекистон мусика маданиятининг концерт-гастрол ва театр ҳаёти, ижрочилик, мусика таълими ва мусикашунослик фани каби соҳаларида қузатилаётган умумий юксалиш билан боғлиқликда давом этмоқда.

МИЛЛИЙ ЭСТРАДА МУСИҚАСИ

Мустакил Республикамизда серкўлам мусика ижодиётининг нафақат жиддий йўналишлариغا, балки оммабоп эстрада санъатига, шунингдек, унинг узлуксиз ва узвийлик таомийллариغا асосланган таълимига ҳам катта эътибор берилганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, 1996 йилда М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида эстрада мусикаси факултетининг очилиши, Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги мўъжазгина эстрада-цирк Студияси негизидан илк бор махсус Эстрада-цирк коллежининг ташкил этилиши, энг сўнгги пайтларда эса пойтахт ва вилоятлар бир неча махсус ўқув юрларида эстрада бўлими ва синфларининг очилиши бунинг яққол исботидир.

Замонавий ўзбек мусикасининг таркибий қисмига айланиб улгурган эстрада соҳаси тарихан жуда қисқа муддат ичида шаклланди ва маълум натижаларга эришди. Хусусан, бугунги кунда эстрадага оид қўшиқ жанрлари юртимизда ўтказилаётган Мустақиллик, Наврўз ва бошқа оммавий халқ байрам тантаналари, шунингдек, махсус танловлар (“Янги тароналар”), фестивал (“Ўзбекистон — Ватаним маним”), маълум мавзу доирасидаги шоу-концерт (“Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон”) ва Республика телерадио дастурлари (“Ёшлар”, “Ўзбегим таронаси”, “Гранд”, “Водий садоси”, “Сезам”, “Орият доно”, “Ҳамроҳ”), қолаверса, куча-кўйда садоланаётган мусиканинг салмоқли қисмини ташкил қилмоқда.

Шу билан бирга Мустақил Ватанимиз халқаро, минтақавий ва республика миқёсидаги фестивал ҳамда курик-танловларни ўтказиш марказига ҳам айланиб бормоқда. Жумладан, 1995 йилдан эътиборан “Ўзбекистон — Ватаним маним” қўшиқлар фестивали, 1997 йилдан эса “Шарқ тароналари” Халқаро мусика фестивали ўтказила бошланди. Шунингдек, 1999 йили “Садо” Республи-

ка профессионал янги қўшиқлар фестивали, 2000 йили Болалар санъат фестиваллари бўлиб ўтди.

Бугунги ўзбек эстрада мусикаси ҳозирда ёш авлод таълим-тарбиясига ҳам бевосита катта таъсир ўтказа оладиган маънавият соҳасига айланиб бормоқда. Ўзбекистоннинг буюк келажagini ёшларимиз баркамоллигида кўраётган юртбошимиз 1998 йили Наврўз байрамини ўтказиш бўйича масъул ижодий гуруҳ билан учрашув пайтида: “Ўзбек эстрада мусикаси қандоқ бўлиши керак?”, “XXI аср Ўзбекистон бунёдкор ёшлари мумтоз мусикий меросимиз билан бир қаторда эстрада мусикасидан қандай озуқа олиши керак?” — каби муҳим саволларни ўртага ташлаши ва мутахассислар эътиборини шу нуқталарга жалб этиши бежиз эмас, албатта.

1991—2001 йиллар мобайнида улкан “индустрия” даражасига етган серкўлам Ўзбекистон эстрада мусикаси тобора мустақил йўналиш ва ўзгача таъсирчан кучга эга бўлган оммавий санъат тури мақомига эришмоқда.

Поп-мусика миллий қўринишларининг бутунлай бошқа, янги босқичга чиқиб олиши ҳам айнан 1990 йиллар билан боғлиқдир. Миллий санъат чегараларидан чиқиб, қисқа муддатда чет эл мамлакатларида ҳам донғи кетган Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров ва “Ялла” вокал-чолғу ансамбли, Ўзбекистон халқ артистлари Мансур Тошматов, Гуломжон Ёкубов ва Насиба Абдуллаеваларнинг эстафетасини янги авлод эстрада санъаткорлари давом эттиришмоқда. Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, Ўзбекистонда хизмат қурсатган артистлар Қозим Қайомов, Қумуш Раззоқова, Нуриддин Ҳайдаров, Равшан Номозов, Азим Муллахонов, Мухриддин Холиқов, Ғиёс Бойтоев, Мавлуда Асалхўжаева, Салоҳиддин Азизбоев, Моҳира Асадова, Гулбаҳор Сулаймонова ва бошқа ўнлаб эстрада ижрочилари ўзлари устида ишлаб,



“Замин юдузлари” гала-концерти. Тошкент. 2000.

қисқа вақт ичида тингловчиларнинг сеvimли санъаткорларига айланди.

Эстрада музикасини телевидение ва видео техника воситаларида кенг оммага ёйишда “клип” жанри қўллана бошланди. Хусусан, бугунги кунда асосан шеър мавзусидан келиб чиққан сюжетли, тасвирий ҳамда мультипликация компьютер графикаси асосида ишланаётган “клип”лар қўшиқ жанрини тарғиб этишда кучли воситалардан бирига айланиб улгурди.

Дарҳақиқат, сўнгги ўн йилликда рўй берган сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар боис миллий-музикаий эстрада соҳасида ҳам мазмунан, ҳам моҳиятан туб янгиланишга ҳал қилувчи асос яратилди. Маълумки, Шўро давридаги мафқуравий муҳит оммавий санъат турларига ўз таъсирини ўтказган эди. Собиқ йўлбошчи партия ва унинг “дохий”ларига бағишланган қасидалар, “халқлар дўстлиги”, собиқ иттифок давлатини мадҳ этувчи қўшиқлар эстрада санъатида тобора ижодий носамимийликнинг юзага чиқишига, қолаверса мавзулар доираси торайиб қолишига олиб келди.

Бу ҳол табиийки, эстрада санъати умумлари ҳамда жанрларининг бир хиллигига, сан “руҳсат берилган” шакллардагина илқилишга олиб келди. Ваҳоланки, инсоннинг олижаноб мақсадларидан бўлган эстетикликни мустаҳкамлашда, кишиларнинг ижодий фазилатларини юксалтириш ҳамда эстетик дидларини тарбиялаш ва ўстиришда сан турлари орасида эстраданинг ўз ўрни. Шунинг учун ҳозирда давлатимиз унинг ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бу ўринда 1996 йилда Ўзбек давлат филармонияси ҳамда “Ўзбекконцерт” негизини “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмаси ташкил этилиши алоҳида аҳамиятга сазовдор. Ушбу бирлашмага Ўзбекистон халқ артисти, эстрада санъатида миллий мумтоз ва замонавий музиканинг ривожлантириш, асраш ва тарғиб қилишда катта ҳисса қўладиган ва кўп вақт вазибалар белгилаб берилди.²⁰ Ўтган йиллар мобайнида мазкур бирлашма кўп вақт бир қатор эстрада хонандалари ва гуруҳларининг фаолияти янада самарали бўлди.

Ўз ҳаёти, ижодини ўзбек эстрада қў

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисидаги қарори. Тошкент шаҳри, 1996 йил, 5 апрел. ПФ 1419-сон.

чилик санъатининг равнақи-ю, истикбол келажигига бағишланган, номи мустақил юртимиздагина эмас, балки хорижлик санъат мухлисларига ҳам яхши таниш Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаеванинг ўзига хос ёқимли, ширали овози, юксак диди, ижро дастурининг кенг ва ранг-баранглиги минглаб тингловчилар юрагига чуқур из қолдирмоқда ("Самарқанд", "Ёқасиз жоним", "Тушингизга кирган малак", "Келасиз").

Ўзбек эстрада санъатининг истеъдодли намояндalarидан бири, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова туғма санъаткорлик қобилияти, кенг нафасли, айна пайтда нафис ва дардли овози ила тингловчилар қалбидан чуқур ўрин олди ("Халқим", "Халқ бўл элим!", "Дунё", "Бегим, бегим", "Болажоним").

Чинакам изланувчи ижодкор, Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов бадиий тафаккурининг кенглиги ва ўзига хос жўшқин овозининг таъсирчанлиги билан кенг тингловчиларнинг дилларини ром қилди ("Хуш келдинг, муборак сарварим Наврўз", "Дилором").

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қумуш Раззоқованинг ёқимли ва нафис овози билан таралган севинч ва муҳаббат қўшиқлари сахна ҳаракатлари билан бир бутунлик, яхлитлик касб этади ("Ёмғир ёғди", "Сиз ёққансиз менга ҳамиша", "Мен сени ҳеч кимга бермайман"). "Ўзбекнаво" таркибига кирган "Наво", "Тошкент", "Омон", "Шофайз" ва бошқа эстрада ғурухлари, Моҳира Асадова, Анвар Ғаниев каби ёш санъаткорлар ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Ушбу ижодий бирлашма ўзбек миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, ёш хонанда ва созанда-ларнинг ижодий изланишларини қўллаб-қуватлаш, ёш бастакор ва шоирларни кашф этиш мақсадида "Янги тароналар" миллий эстрада қўшиқ ва куйлар Республика танловларини ўтказди. 1998 йилда Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган биринчи танловда "Сарбон" ғуруҳи, Шахло Рустомова, "Сидериз" қизлар айтим кватрети, "Анор" йигитлар айтим кватрети, Нилуфар Сантова, Лариса Москалёва, 2000 йилда Гулистон шаҳрида ўтказилган иккинчи танловда Фарход Иброҳимов, Ахрор Комилов, Мирзоҳид Мамадалиев, Даврон Дауров, Дилором Ғуломова, Шухрат Абдуллаев, "Шод" ғуруҳи каби ёш иқтидорли ижрочилар ижодий мусобақа ғолиблари деб танилдилар.

Дарҳақиқат, миллий эстрада соҳаси энг на-вқирон санъат турларидан бири бўлса-да, республикамизнинг ҳозирги замон маданияти ти-зимида ўта муҳим ўрин тутмоқда. Чунки у,

оммавий санъат тури сифатида, минг-минглаб кишиларга таъсир кўрсатиб, кундалик руҳий эҳтиёжларини қондириш қудратига эгадир.

Ўзбек эстрада мусиқасининг сўнгги йил-лардаги тараққиётини эстрада-симфоник ор-кестрларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу-гунги кунда Ўзбекистон телерадиокомпания-си қошидаги эстрада-симфоник оркестри (ба-дий раҳбари А.Икромов), "Ўзбекнаво" гас-рол-концерт билашмасининг концерт-эстрада оркестри (бадий раҳбари Е.Живаев) ҳамда М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат кон-серваторияси эстрада ижрочилиги кафедраси-нинг Биг-бенд (раҳбари М.Муртазоев) жамо-алари серқўлам фаолият кўрсатмоқдалар. Ху-сусан, 1996 йилдан Республика эстрада-сим-фоник оркестрига раҳбарлик қилиб келаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ис-теъдодли композитор ва дирижёр Алишер Икромов таркиби жиҳатидан камер оркестри ҳолатига келиб қолган мазкур ижодий жамо-ани тўлақонли эстрада-симфоник оркестри да-ражасига қадар кўтариб, унинг фаолиятини кенг қамровли "универсал" жамоа сифатида шакллантирмоқда. Ҳозирда эстрада-симфоник оркестри студия ишлари билан бир қаторда юртимизда ўтказилаётган турли байрам ва тан-тана фонограммаларини тайёрламоқда, шу-нингдек, Ўзбекистон телевидениеси ҳамда ра-дио тўлқинлари орқали сара асарлар ижроси билан халқимизнинг оммавий мусиқага бўлган маънавий эҳтиёжини қондириб келмоқда.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилла-рида эстрада-симфоник оркестри билан бир-галикда баҳоли-қудрат ижодий ҳамкорлик қилаётган ўзбек композиторларининг сафи ҳам кенгайди. Жамоанинг ижро дастуридан эс-трада-симфоник оркестри ижросига мослашти-рилган (аранжировка) анъанавий мусиқа на-муналари (А.Икромовнинг "Насри Сегоҳ", "Ёввойи Тановор", "Наманган Тановори", Қ.Комиловнинг "Гулзорда", "Эй, нозанин" ва б.), ўзбек композиторларининг қўшиқлари (Р.Абдуллаевнинг "Хур ўзбек қизиман", Ҳ.Ра-ҳимовнинг "Самарқанд", Н.Норхўжаевнинг "Ишқ асири", М.Махмудовнинг "О, муҳаб-бат", А.Назаровнинг "Бизга инон", С.Анва-ровнинг "Турналар", Б.Лутфуллаевнинг "Тош-кентим" ва б.), шунингдек европа классик мусиқа намуналари ("Неополетан қўшиғи", "Далила арияси", "Ариоза" ва б.), ғарб ом-мавий мусиқаси ва жаз санъатига доир (Т.Ку-туньонинг "Сирли дунё", Б.Гудменнинг ор-кестр учун пьесаси, Ч.Корианинг "Фиеста", Н.Рота ва М.Легранларнинг кино мусикала-

ри ва б.) ранг-баранг асарлар ўрин олган. Ўзининг хонандалик маҳорати билан тингловчилар эътиборини қозонган М.Раззокова, М.Дадабоева, Н.Ҳайдаров, Э.Рўзиматов, Г.Эрқулова, О.Мадраҳимова, Б.Лутфуллаев, Ю.Абдуллаева, П.Борисов, Р.Бўронова, Х.Ҳақимов, Х.Шеров, Н.Носирова, Д.Маросулова, А.Содиқов каби таниқли хонандалар ушбу жамоа билан доимий ижодий ҳамкорлик қилмоқдалар. Бундай ижодий ҳамкорлигининг самараси ўлароқ юзага келган оммавий кўшиқ ва куйлар нафақат Республикамиз ва Марказий Осиё минтақасида, балки бир қатор ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ўз тингловчиларини топган. Оркестр ижро этган асарлари асосида Италияда нашрга тайёрланган СД лаппаги жамоанинг қатта ижодий ютуқларидан бири бўлди.

Шу ўринда кўриляётган давр Қорақалпоғистон эстрада мусикасига назар солсак. Афсуски, қорақалпоқ оммавий мусикасининг бугунги аҳволи мактанарли даражада эмас. Оддийгина мисол: эстрада йўналишида ижод этиб келаётган қорақалпоқ санъаткорлари Yamaha фирмасининг ҳозирги кунда энг содда ҳисобланадиган PSR-510, PSR-530, ёки PSR-730 русумли электр-клавишали чолғулари билангина чекланиб қолган, боз устига, ақалли бирор овоз ёзиш студияси ҳам мавжуд эмас. Аммо, юқоридаги ҳолатлардан қатъи назар, қорақалпоқ санъаткорлари бугунги кунда ҳам самарали ижод қилиб, халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётида муносиб ўрин тутиб келмоқда. Ўзбекистон Республикасида бўлиб ўтаётган турли мусикий анжуманлар, байрамлар ("Наврўз", "Мустақиллик"), фестивал ва кўрик-танловларда ("Шарқ тароналари", "Ўзбекистон — ватаним меним", "Алла" ва б.) қорақалпоқ санъаткорлари ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар. Қолаверса, 1993, 2000 йилларда Ўзбекистонда Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунларининг ўтказилиши халқларимиз орасидаги дўстона алоқаларнинг янада мустаҳкамланишида яхши восита бўлди.

Ўзбек эстрада санъати соҳаси ташкилий ўзгаришлар билан бирга балки мазмун-моҳият жиҳатлари бўйича ҳам янгиланиб бормоқда. Шу билан бирга эстрада мусика воситасида энг олижаноб ва муқаддас ҳисобланган Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини ифода этиш, уларни миллионлар қалбига жо этиш имкони мавжуддир.

Кун сайин ривож топаётган, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич

амалга ошираётган жонажон юртимизнинг раънақи, истиқлолининг порлоқ келажаги маънавий борасида аввало Ватанга меҳр-муҳаббат боқий қадриятларимизни тараннум этиш мавзудари билан беvosита боғлиқдир. 1998 йи. "Ўзбекистон — Ватаним меним" республик. кўшиқ байрами танловида олий мукофотга сазовор бўлган "Ўзбекистон — дўстлик диёри" (А.Мансуров ва Н.Назруллаев), кўхна Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" Халқаро мусикий фестивалида баралла янграган "Фестивал мадҳияси" (Д.Омонуллаева ва У.Азим), Ғ.Ёқубов ижросида машҳур бўлган "Элим деб", "Ҳақиқат излаган армон" (Алишер Расулов), "Менинг элим" (Юлдуз Абдуллаева), "Ҳақ дўст" (Равшан Номозов ва "Тошкент" гуруҳи), Сафия Сафтарова ижросидаги "Ватан — ягонадир", Дилшод Каттабековни эл-юртимизга танитган "Озод элнинг ўғлиман", Рашид Холиқовнинг "Эй, азиз юртим" каби кўшиқлари ўзбек замонавий эстрада санъатининг дурдоналарига айлангани бежиз эмас.

1990 йилларда ижод этилган кўшиқларнинг салмоқли қисмини болалар мусикий эстрадаси ташкил этади. Бу соҳада айниқса композиторлар Надим Норхўжаев, Аваз Мансуров, Дилором Омонуллаева, Алишер Расулов, Муҳаммад Отажонов, Хуршида Ҳасанова ва Гулнора Қўчқоровалар фаол ижоди меҳнат қилмоқдалар. Хусусан Надим Норхўжаевнинг "Салом кўшиқ байрами", "Қапала ва камалак", Дилором Омонуллаеванинг "Тўқистон фарзандимиз", "Хумо қушим", Муҳаммад Отажоновнинг "Болаларнинг кўзлари", "Онажон Ўзбекистон", Хуршида Ҳасанованинг "Турналар", "Соғлом авлод", Гулнора Қўчқорованинг "Ўзим айланай", "Билан хор" каби кўшиқларида болалар фольклор охангларига хос жиҳатлар поп мусикасининг айрим услублари ("поп-фолк", "поп-рок" ва б.) билан мохирона уйғунлаштирилган. Шунинг ҳам бундай услубдаги кўшиқлар минтақаболлар ўзбек болалари томонидан севиб тингланади. Айниқса, Аваз Мансуровнинг "Рамзон", "Оқ тераки, кўк терак?" каби халқ маросим ва урф-одатлари негизда басталган ажойиб сахнавий ўйин-кўшиқларининг куйларида "жаз-рок", "Бу чаманзор кимники" кўшиғида эса "рэп" услубига хос бадиҳасуусиятлар миллий оханглар билан узиб берилган. Композиторнинг "Охангларда этаклар", "Истиқлолим", "Ҳайр мактаб" ситари болалар учун лирик кўшиқлари шунчаки республика кўшиқ танловларида соврин

ўринларни эгаллаб қолмасдан, балки минглаб ўзбек болалари, ўсмирлари ва, умуман, кенг тингловчилар қалбидан мустахкам жой олган, десак муболага бўлмайди.

Шунингдек, Алишер Икромов, Дони Илёсов, Сарвар Қозиев, Вагиф Зокиров ва Файзулла Қўлдошевлар ўзларининг мусикий-эстрада аранжировкалари билан минглаб ўзбек болаларига танилди.

Болалар (оммавий) кўшиқчилигини тарғиб этишда Ўзбекистон телерадио компанияси қошидаги “Булбулча” болалар кўшиқ ва ракс жамоаси (раҳбар Шермат Ёрматов), “Томоша” гуруҳи (раҳбар Нодира Қурбонова), шахар болалар ижоди маркази қошидаги “Севинч” гуруҳи (раҳбар Саодат Рустамова), шахар боғча, лицей, мактаб қошидаги “Ором” кўшиқ ва ракс жамоаси (раҳбар Гулнора Қўчқорова), “Юлдузча” поп-шоу гуруҳи (раҳбар Равшан Зокиров) ва “Оловуддин” болалар ва ўсмирлар вокал чоғу гуруҳларининг (раҳбар Вадим Кариев) фаолияти эътиборга моликдир.

Айни пайтда мазкур жамоалар фаолияти истеъдодли хонандаларни тарбиялаш ва “юлдузча”ларни кашф этишда ўзига хос мактаб вазифасини ўтамоқда. Чунки ҳозирги кунда халқимиз орасида машҳур Илҳом Фармонов, Севара Назархон, Наргиза Мирзаева, Абдулла Қурбонов ва Достон Убайдуллаев каби эстрада хонандалари айни шундай ижодий жамоаларда вояга етиб “катта сахна”га йўл олган эдилар.

Истеъдодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва имон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ижодкорларни маънавий ва моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан 2000 йили “Нихол” мукофоти таъсис этилди. “Нихол — 2000” мукофотига тавсия этилган 36 та номзод ижодий фаолияти махсус кенгаш томонидан ўрганилиб, натижада Севара Назархон, Тохир Содиқов, Изатилла Иброҳимов, Абдулазиз Карим, “Сетора” гуруҳи, Нилуфар Рахматова, Дилфуза Раҳимоваларга “Нихол — 2000” мукофоти берилди.

Шунингдек, 2000 йили янги аср бўсақасида Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмаси, Оммавий ахборот воситаларини

демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ва яна бир қатор жамоатчилик ташкилотлари “Офарин” — йилнинг энг яхши ижодкори танловини ўтказишга қарор қилдилар.

“Шу азиз Ватанни, азиз халқимизни, мусаффо осмонимизни ва она заминимизни ҳар қанча куйласак оз!” — шиори остида ўтказилган танловда энг иқтидорли ижодкорларнинг танлаб олинishi уларнинг жамиятимизнинг миллий-маданий раўнақи йўлида тобора ортиб бораётган хизматларини яққол намоён этади. Хусусан, бетақрор санъати, тинимсиз изланишлари билан эр оғзига тушган Юлдуз Усмонова ўзининг янги кўшиқлар туркуми учун “Офарин — 2000” танловининг “Йилнинг энг яхши мусиқа асари” — номинацияси бўйича муносиб, деб топилди.

Республикаimizда эстрада мусиқа соҳасини рағбатлантириш борасида қатор муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, “Замин — СТВ” студияси раҳбари С.Абдуллаев ташаббуси билан 1998 йилдан буён эътиборга молик “Замин юлдузлари” шоу-фестивали ўтказила бошланди. Республикаimiz санъат ва спорт усталарини қўллаб-қувватлаш мақсадларини кўзлаган мазкур фестивал дунё миқёсида ўтказилаётган “Оскар”, “Ника”, “Олтин Глобус”, “Олтин овен”, “Олтин айиқча” фестиваллари каби нуфузга эга бўлиб бормоқда. 2000 йилдан бошлаб фестивал “Халқаро фестивал” мақомига эришди. Айнан шу йилдан “Замин юлдузлари”га хорижий мамлакатлардан ҳам машҳур санъат ва спорт юлдузлари таклиф қилинди, ҳамда улар ҳам “Замин юлдузлари” мукофотининг совриндорлари қаторида ўрин олишди. Турк кино санъатининг юлдузи “Чоликуши” фильмининг бош қаҳрамони Айдан Шанер, Озарбайжонлик ёш эстрада юлдузи Гунел шулар жумласидандир. Шунингдек, бир қатор эстрада санъати намояндалари, хусусан, Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева, Рустам Ғойипов, Муҳриддин Холиқов, Нуриддин Ҳайдаров, Кумуш Раззокова, Юлдуз Абдуллаева каби машҳур хонандалар ва “Сетора” гуруҳи ҳам “Замин юлдузлари” мукофотига сазовор бўлдилар. Келажакда “Замин юлдузлари” фестивали доирасини янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда ўзбек эстрада мусиқаси ўзининг услуб нуқтаи назаридан мураккаб жараёнини бошдан кечирмоқда. Хусусан, унда Яқин ва Ўрта Шарқ эстрадасидан тортиб то Лотин ва Шимолий Амери-

ка ҳамда Фарбий Оврупа мамлакатлари оммавий музикасининг куй-оҳанг ва ритм-усуллари таъсирини қўришимиз мумкин. Олдинги даврда ман этилган ёки давлат томонидан “қўллаб қувватланмаган” оммавий музика услубларидан (“диско” ва “хард-рок”дан бошлаб “рэп” ва “хеви” металлгача) эркин фойдаланиш, миллий анъанавий музика намуналарининг эстрада сахнасига олиб чиқиш тажрибалари ҳам 1991 йилдан бошлаб кенг ўрин тутди. Шу билан бирга эндиликда Ўзбекистонда музика эстраданинг янги оқимлари, жумладан, ёшлар орасида “техно-поп”, “панк”, “хард-рок”, “реггей” ва “жаз-рок”, “бард” қўшиқчилиги каби йўналиш ва услублар ривожланмоқда. Сарвар Қозиев раҳбарлигида камол топган ҳамда турли эстрада танловлари совриндори даражасига кўтарилган “Қарс” (“Чипродалли-далли”, “Ёр-Ёр, ёр-ёй”), шунингдек “Тошкент” (“Бедана”) ва “Манзур” (“Етолмайсиз”, “Мени ёр дема”) гуруҳлари, Муҳаммаджон Рўзимухаммедов ва “Шофайз”, Дониёр Мамедов ва “Байрам”, Абдулла Шомағрупов ва “Нола” (“Назокат”, “Сенсан севарим”), Рашид Холиқов ва “Шаҳзод” (“Ўйнайсан”, “Келинчак”), Севара Назархон ва “Сидериз” (“Унутма”), Абдулазиз Карим ва “Аср” (“Қурбон бўламан”), Тоҳир Содиков ва “Болалар”, “Хўжа”, “Тоғ” каби гуруҳлар ҳозирги давр ёшлар эстрада музикасининг сараланган бўғинини ташкил этади. Албатта, бу жараёнда айрим натижалар билан бир қаторда хорижий мамлакатлар эстрадасига юзаки таклид қилиш, “европача” ва “шарқона” услубларда “ижод” этиш тамойиллари кенг тус олмақда. Шунингдек, яна бир алоҳида тамойил сифатида жаҳонда машҳур оммавий эстрада (турк, эрон, араб, француз, инглиз ва б. эстрада юлдузлари) қўшиқларининг куй-оҳангларига ўзбекча сўз ва шеърларни “боғлаб” ижро этиш тажрибаларини қайд қилиш мумкин. Аммо бу каби тажрибаларни бадиий-ижодий жиҳатдан доим ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Унутмаслик

керакки, бундай жараёнда юзага келган қўшиқлар ва шу асосда “руҳий озуқа” олаётган ёшларимиз пировард-натижада она тилим миллий оҳангларимиз тароватини, қолавларнинг кадр-қийматини теран ҳис этган қўшиқлари мумкин.

Албатта, республикамызда миллий эстрадаривожига жараёнда барча ютуқ ва айримсонлар ижодкорларнинг билими ва саводхонлиги ва меҳнатига бевосита боғлиқ. Эстрада санъати табиатига биноан юқори баъзнатижалар хонанда ва созандалар билан қаторда бастакор ҳамда аранжировкачи ва дирижёр хамкорлигининг меваси сифатида кўриб келади. Маълумки, ўз вақтида Ботир Зарифов ҳамда Икром Акбаров, Энмарк Солиев, кейинчалик “Ялла” гуруҳи ва Евгений Шендеров, Муҳаббат Шамаева, Раъно Шарипова, Юнус Тураев ва Евгений Живаев, сўнгра “Тошкент” гуруҳи Зокиров, Дони Илёмовларнинг ижроси меҳнатлари туфайли замонавий ўзбек эстрадасида қўшиқчилигининг мустақкам пойдевори асос солиниб, у касбий-бадиий баркасифатларига эга бўлди.

1991—2001 йиллари ҳам ўзбек эстрадаларининг юлдузлари даражасига кўтарилган иштирокчилар хонандалар — Юлдуз Усмонова, Гулнора Карина, Кумуш Раззокова, Козим Юсупов, Азим Муллахонов, Равшан Номанов ҳамда “Қарс” ва “Тошкент” гуруҳлари шер Икромов, Дилором Омониллаева, Шер Расулов, Владимир Барамиков, Сафар Қозиев каби композитор ва аранжировкачилар билан яқин хамкорликда ижод қилмоқда.

Дарҳақиқат, Мустақил юртимизда миллий эстрада музикасини ривожлантиришга қўйилган имконият ва шароитлар мавжуд. Бинобарин, биз шу соҳа ижодкорлари — хонанда-созандалар ва бастакорлардан халқимизга маълум бўладиган янги бадиий баркамол қўшиқ хонандаларни кўйлар ижод этишларини кутиб қоламиз. Ҳозирги замон ўзбек эстрадаларига санъат фидоиктидорли ёш санъаткорларга бой.

III б о б. ТОМОША САНЪАТЛАРИ, КИНО ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви театр санъати тараққиётига ҳам ўзининг табиий таъсирини кўрсатди. Замонавий ўзбек театри ўз анъаналарини авайлаб сақлаб келаётган, шунингдек инсоният кўлга киритган нодир ютуқларни ўзига сингдиришга интилаётган санъатдир.

Ўзбекистонда кунда республикада театр санъатининг ҳар хил турлари ва жанрлари ривожланмоқда. Ёшлар, болалар ва кўғирчоқ театрлари ҳам алоҳида мавқега эга. Мустақиллик шарофати билан тикланган миллий қадриятлар, жамият маънавияти ҳақидаги янгиланган тушунчалар, тарих ва замонавийлик муаммолари ушбу театрлар эътиборида турибди.

Истиклол туфайли жамиятимизда содир бўлаётган сиёсий, иқтисодий, маданий ўзгаришлар театр санъатига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ўзбек театри ривожини давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралаётгани бу йўлдаги ишларнинг янада ривожланишига сабаб бўлмоқда. Мамлакатимиз Президентининг “Ўзбек театр санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги 1998 йил Фармони миллий театр санъатининг истикболини белгилаб берган ҳужжат бўлди. Ушбу тарихий Фармонда театр санъати зиммасига қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарор натижасида юзага келган ташкилот ўз фаолиятини миллий томоша ва театр санъатининг энг яхши анъаналарини асраб авайлашга ҳамда бойитишга йўналтирди. Бирлашма раҳбарлигида театр жамоалари ўз фаолиятларини тўғри ташкил этиб, тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан иш юритган ҳолда бадий баркамол сахна асарлари яратиш йўлида изланмоқдалар.

Ўтган қисқа вақт давомида яратилган юз-

лаб сахна асарлари орасида “Пири коинот”, “Кундузсиз кечалар”, “Ҳаётдан тўйган тун” (Ҳамза номидаги театр), “Амир Темур” (Сирдарё театри), “Буюк ипак йўли” (Аброр Ҳидоятномли театр), “Ато қилинган муҳаббат тариқати” (Ёшлар театри), “От кишнаган томонда”, “Боз масҳарабоз” (Й.Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театри), “Беддуа” (Қорақалпоқ театри), “Кампир топайми, дадажон» (Фарғона театри), “Рангин тушлар” (Илҳом), “Тақдир” (Муқимий номли театр), “Американча никоҳ” (Оперетта театри), “Фигаронинг уйланиши”, “Оққуш кўли” (Алишер Навоий номли ДАКТ) сингари спектакллар театр муҳлислари ва мутахассислари эътиборини қозонди.

Мустақиллик шарофати ила ижодий ҳамкорликларга ҳам кенг йўл очилди. Америкалик режиссёр Дэвид Каплан Аброр Ҳидоятном театрида “Кирол Лир” трагедиясини, Буюк Британиялик Майкл Брут Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик театрида “Князь Игорь” операсини сахналаштирди. Ўз навбатида Ўзбекистонлик режиссёрлар ҳам чет элларда спектакллар сахналаштириш учун таклифлар олмоқдалар. Аброр Ҳидоятномли театр бадий раҳбари Б.Йўлдошев Францияда, Ўзбекистон Ёшлар театрининг бадий раҳбари Н.Абдурахмонов Исроилда асарлар сахналаштирди.

Истиклол шарофати билан ўтган “Шарқ ва Ғарб”, “Наврўз–97” Халқаро театр фестиваллари маданий ҳаётда муҳим воқеа бўлди. Бу фестивалларда қатор Европа ва Осиё мамлакатлари – Англия, Германия, Финляндия, Россия, Япония, Ҳиндистон, Сянган, Туркия, Қозғистон, Қирғизистон каби қатор мамлакатлар театр жамоалари иштирок этдилар.

Театр жамоаларимизнинг АҚШ, Франция, Германия, Ҳиндистон, Малайзия, Сянган, Россия, Миср сингари мамлакатларда ўтган халқаро фестиваллардаги муваффақиятли ишти-

роклари, балет усталарининг Лондонда малака оширишлари ҳам шу йўлдаги хайрли ишлар сирасига киради. Ёшлар театрларининг “Хумо” халқаро фестиваллари жуғрофияси йилдан-йилга кенгайиб бораётганлиги, иккинчи тарафдан унинг марафон шаклида ўтаётганлиги санъат мухлисларига ҳорижлик меҳмонлар санъати билан яқиндан танишиш имконини туғдирмоқда.

Истиклол даврида рақс санъатида ҳам ўзига хос ижобий тенденциялар кўзга ташланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 январ қарорига кўра “Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида”ги Фармони ва мазкур Фармонни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 февралда қабул қилинган қарори рақс санъатини янада ривожлантириш учун қонуний имконият ва имтиёзлар яратди. Ўтган давр мобайнида тайёрланган янги дастурлар ва янги рақс спектакллари бу соҳадаги излашларнинг нечоғлиқ самарали бўлаётганидан далолат беради. Республика микёсида ўтаётган кўрик танловлар, ижодий жамоаларнинг йил якунлари асосидаги ҳисобот концертлари ва республика микёсида нишонланаётган байрам томошаларидаги иштироклари уларнинг маҳоратлари йилдан йилга ошаётганидан далолат беради. “Ўзбек рақс” бирлашмаси жамоалари миллий ўзбек рақсини қатор чет мамлакатларда – Франция, Туркия, АҚШ, Бельгия, Германия, Япония, Нидерландия Қироллиги, Жанубий Кореяда намойиш этиб, олқишларга сабаб бўлаётганлиги ҳам истиклолимиз неъматидир.

Мустақиллик йилларида нафақат замонавий, шунингдек анъанавий цирк санъатида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди. 1992 йилда “Ўзбекдавлатцирк”нинг ташкил этилиши натижасида Тошкент цирки ижодий лаборатория, изланиш ва тажрибалар майдонига айланди. Натижада, анъанавий ўзбек циркининг асрий анъаналари ва жаҳон циркининг бугунги энг янги ютуқларини ўзида уйғунлаштирган қатор янги номерлар яратилди. Юқори бадиий савиядаги томоша номерларининг яратилиши ўзбек циркини халқаро микёсга чиқишига сабаб бўлмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг артистлари Франция, Монако, Хитой, Россия, Бельгияда ўтган қатор фестивал ва кўрикларда муваффақиятли иштирок этдилар. Уларнинг ўзига хос санъатларидан йигирмадан ортиқ чет мамлакатлар санъат ихлосмандлари баҳраманд бўлдилар.

Мустақиллик шарофати билан асрлар давомида шаклланган оммавий халқ байрамлари театрлашган томошалар тимсолида янги халқ рақс касб этди. Қисқа вақт мобайнида келмиш микёсларда нишонланадиган театрлашган томоша томошалари номли янги санъат тури дунёга келди. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, буюк давлат арбоблари ва алломалар юбилейлари, Бухоро ва Хива шаҳарларининг юбилейлари, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали муносабати билан ўтказилган театрлашган томошалар шундан гувоҳлик беради.

Маънавий-руҳий камолотни шакллантиришда, инсон тафаккурига таъсирчанлик ва кино санъатининг имкониятлари беҳаддир. Театр, тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт унсурларини ўзида мужассам этган экран санъати бир томондан – жамиятда кечаётган жараёнларга бадиий, фалсафий, эстетик умумлашмалар нукта назаридан ёндашиш имкониятига эга бўлса, иккинчи томондан – унга ҳаё бўлган оммавийлик бу умумлашмаларни катта-катта аудиторияларга мароқли ва таъсирчан шакл-шамойилда етказиб бериш имконини яратади.

Ўзбекистон киносанъатининг ривожини учун Республикаимизнинг мустақиллиги кенг йў очиб берди. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилиёқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Фармони билан кино соҳасининг алоҳида тармоқ тизими сифатида қайтадан тикланиши, 1996 йил 29 апрелдаги Фармонга асосан “Ўзбеккино” давлат-акционерлик компаниясининг тузилиши ана шу ғамхўрликнинг амалий натижасидир. Хозирги кунга келиб кино соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш янада юқори бола кичга ўтди. Миллий кино санъатимиз ривож учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилиб, ишлаб-чиқариш базасини ривожлантириш учун кенг йўл очиб берилди. Ҳар йили миллий кино эҳтиёжлари учун давлат бюджетидан қўлатланган мақсадли маблағлар ажратилиб, қўшимча сармоялар жалб этиш учун зарур қонуний шарт-шароитлар яратилди.

Давлат томонидан ажратилган маблағларга суратга олинган “Буюк Амир Темур”, “Имом ал-Бухорий”, “Ўтган кунлар”, “Отанидан қолган далалар”, “Абдуллажон”, “Воёқ” фильмлари маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлиб, томошабинлар томонидан илиқ қабул қилинди. Умуман, “Ўзбеккино” ДАК фаолиятининг дастлабки даврида, яъни 1996–1997 йиллар давомида муайян ижобий жиҳатлар

устунлик қилди. Масалан, сценарий ёзиш ишига тажрибали ёзувчиларнинг жалб этилгани, шунингдек, бадий асос сифатида замонавий ва мумтоз адабиётининг сара намуналари танлангани натижасида кенг томошабинлар эътиборига, “Ёлғиз ёдгорим”, “Севги”, “Чаёнгул”, “Аёллар салтанати” каби турли жанр ва мавзулардаги фильмлар ҳавола этилди.

1998 йилдан эътиборан “Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин” шиори остида ўзбек миллий фильмлари фестивалининг жорий этилиши ҳам республика маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. 1998–2001 йилларда Бухоро шаҳрида I, II, III, IV ўзбек миллий фильмлари фестиваллари ўтказилиб, сўнгги йилларда яратилган ҳужжатли, бадий, анимацияли фильмлар кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Шу давр оралиғида Фарғона (1999) ва Навоий (1998, 2001) вилоятларида ўтказилган “Ўзбек киноси кунлари”, “Кино байрами” кунлари миллий киносанъатимиз намуналарини тарғибот ва ташвиқот этишда муҳим аҳамият касб этди. Бундан ташқари, Россия, Германия, Франция, Корея, Малайзия каби давлатларда ўтказилган “Ўзбек киноси кунлари” миллий кинофильмларимизни жаҳонга танитиш ва тарғиб этишнинг ўзига хос тажрибаси бўлди.

Шунингдек, сўнгги йилларда миллий бадий ва ҳужжатли фильмларимиз кўплаб нуфузли киноанжуманларда иштирок этиб, тақдирландилар. Республика бадий ҳаётида улкан воқеа бўлган “Ислом Каримов: Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” (муаллиф ва реж. В. Исхоков, реж. Ш. Қурбонбоев, операторлар Т. Қурбонов, Ғ. Шукуров, У. Ортиқов, Э. Шоюнов) туркум фильмининг “Миллий хавфсизликнинг ҳарбий стратегик асослари” деб номланган 4-қисми Москва шаҳрида бўлиб ўтган МДХ ва Болтик бўйи давлатларининг ҳужжатли кино ва телефильмлар фестивалида МДХ давлатлари ва Мудофаа Вазирлари Кенгашининг махсус мукофоти, III Евроосиё телефоруми дипломи ва махсус “Терроризм хавфига қарши МДХ давлатларининг ҳамкорликдаги курашини кенг ва ёрқин акс эттиргани учун” дипломи билан тақдирланди. Режиссёр Ю. Розиковнинг “Воиз” фильми (сц. муал. Ю. Розиков, оператор У. Ҳамроев) 1999 йилда Анапа шаҳрида ўтказилган МДХ ва Болтик бўйи мамлакатларининг “КиноЦок” фестивалидан Бош соврин ва кинотанқидчиларнинг энг юқори соврини билан қайтди. Шунингдек, мазкур фильм Берлин Халқаро кинофестивали, Дехли, Сиятлда бўлиб ўтган

киноанжуманлар кўрик-танловида иштирок этди. 2000 йилда “Артек”да бўлиб ўтган Болалар халқаро кинофестивалида З. Мусоқовнинг “Кичкина табиб” (сц. муаллифи ва реж. З. Мусоқов, оператор А. Исmoilов) фильми Бош совринга, М. Махмудовнинг “Булбул” анимацияли фильми эса Москвада ўтказилган “Золотая рубка” фестивалида I Совринга сазовор бўлди. М. Абзаловнинг “Ўтган кунлар” фильми ҳам Гатчина шаҳрида ўтган “Кино ва адабиёт” фестивалида махсус соврин билан мукофотланган.

1991–2001 йилларда Ш. Аббосов, Л. Файзиев (мархум), Т. Камолова, Х. Файзиев, М. Абзалов каби устоз санъаткорлар билан бир қаторда — И. Эргашев, З. Мусоқов, Ю. Азимов, С. Назармухамедов, Ю. Розиков, Б. Одилов, Ж. Қосимов, Т. Қалимбетов, Ю. Собитов, Н. Аббосов сингари ёш режиссёрлар ижод қилмоқдалар. М. Тўйчиев, Ш. Бошбеков, Р. Муҳаммаджонов, З. Мусоқов, Ю. Розиковлар каламига мансуб сценарийларда миллий кионинг ўзига хос жозибаси, марокли хусусиятлари акс этмоқда. Операторлардан Х. Файзиев, Р. Иброҳимов, Х. Ҳасанов, Д. Абдуллаев, У. Ҳамроевларнинг, шунингдек, киномусаввирлар Ю. Гусейнов, Д. Абдурахмонов, И. Гуленко, З. Носироваларнинг ижодлари киносанъатимизда алоҳида ўрин тутди. Замонавий киномусиқанинг ривожига композиторлар Э. Солихов, М. Махмудов, Д. Янов-Яновский, Ж. Изомовларнинг улушлари салмоқлидир.

1991–2001 йилларда ўзбек бадий киноси кескин ижтимоийликдан бир қур чекиниб, маънавий-руҳий изланишлар қатламида гавдалана бошлади. Ҳаёт муаммолари, мавжудлик муаммолари билан боғлиқ мавзулар билан бир қаторда тасвирчан мелодрама ва енгил комедия фильмларидан иборат “этник кино” йўналиши ҳам ўз ривожини топа бошлади. “Темир хотин”, “Шариф ва Маъриф” (реж. И. Эргашев), “Шўрпешоналар” (реж. Ж. Қосимов, Б. Одилов), “Даллол” (реж. Б. Одилов), “Қариб қуйилмаган”, “Чимилдик” (реж. М. Абзалов), “Адашганлар” (реж. Р. Муҳаммаджонов), “Бомба”, “Кичкина табиб” (реж. З. Мусоқов) фильмлари фикримиз далилидир.

Кино санъатида 1991–2001 йилларда кечган бадий-ижодий жараёнлар таҳлили сўнгги йилларда экранларга чиққан айрим асарларда бадий-эстетик дид танқислиги, замонавий мавзу ва қаҳрамон таркинидаги юзакилик, баъзининг томошабин учун зерикарли, суст маромда кечиши ҳолатларини ҳам аниқлашга

имкон берди. Бу ўринда “Пиёда”, “Бахт қадри”, “Пари Момо”, “Олийжаноб севги”. “Фазли”, “Гурбат” фильмларини мисол тарикасида келтириш мумкин. Бунинг асосий сабаблари миллий кинодраматургия муаммолари доирасида бўлиб, хусусан, сценарий танлашда мезонларнинг пасайиб кетгани билан боғлиқдир. Шунингдек, фильмлар намоиши (кинопрокат), мутахассисларни тайёрлаш, томошабин билан алоқани мустақкамлаш ҳамда кино соҳасининг молиявий ўз-ўзини қоплай олин-олмаслиги билан боғлиқ муаммолар ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Тарихимизни ўрганишга талаб бор экан, бу тарихни кино тасмаларида мухрловчи ҳужжатли фильмларга ҳам эҳтиёж ошмоқда. Ис-

тиқлол киносолномасини яратишда ҳужжатли фильмларнинг ўрни бекиёсдир. “Ўзбекистон мустақиллик йўлида”, “Истиқлол фидойилари”, “Ўзбекистон Қаҳрамонлари”, “Ислоҳотлар”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” рукнларидаги ҳужжатли фильмлар фикримизда далилидир.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимида тайёрланаётган бадий ва ҳужжатли-ахборот дастурлари, турли мавзудаги кўрсатувлар, видеофильмларнинг гоявий-бадий савияси миллий истиқлол мафкуриси мезонларига ҳамоҳангдир. Миллий телевидение юртимизда кечаётган туб ислохотларни кенг тарғиб этиш юзасидан самарали фаолият олиб бормоқда.

ДРАМА ТЕАТРИ

Ўзбекистон мустақиллиги театр санъати тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Замонавий ўзбек театри ўз анъанавий қадриятларини авайлаб сақлаб келаётган, шу билан бирга инсониятнинг энг нодир ютуқларини ўзига сингдирган санъатдир. Ахлоқий қадриятлар, инсон ва оламнинг муштараклиги ҳақидаги янгича тушунчалар, тарих ва замонавийлик — бугунги ўзбек театрини кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Миллий театр тақдирига қизиқишнинг ортиши, ҳаётга яқинлик, янги томошабин авлоди театр санъати арбобларини янги изланишларга ундамоқда.

Агар 90-йилларнинг бошида бадий маданият тизимида анъанавий бадий қадриятларга қизиқишнинг ортиши туфайли театр бироз биқикликка учрагандай туюлган бўлса-да, сўнгги ўн йилликнинг иккинчи ярмига келиб, у жамиятдаги ўрнини қайтадан эгаллай бошлади. Театрнинг оммалашуви кўп жихатдан умуммаданият даражасига, ахлоқий тарбияга, жамиятнинг маънавий эҳтиёжига боғлиқ. Шу маънода театр тараққиёти давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 1998 йил Фармони-га кўра ташкил этилган “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, шунингдек, биринчи сони 1999 йилда чоп этилган махсус “Театр” журнали бу йўлдаги саъй-ҳаракатлардан далолат беради.

Ўзбекистонда ўтган вақт мобайнида (со-

биқ совет иттифоқи республикалари орасид бундай ҳолат деярли кузатилмайди) — бирорта ҳам театрнинг ёпилмаганлиги маданият сиёсатининг нечоғлиқ мувофиқлаштирилганлигидан далолатдир. Давлатнинг қўллаб-қувватлаши туфайли мамлакатимизда бугунги кунда 35 та профессионал театр ва театр студиялар фаолият кўрсатмоқда. Турли жанрлар — европа типидagi драма, миллий мусиқали драма, опера ва балет яшаб, бақамти ривожланиб келмоқда. Ҳар бир вилоятда қўғирчоқ театрлари, Фарғона, Самарқанд ва Тошкентда рус драма театрлари, шунингдек мусиқал театрлар фаолият кўрсатмоқда.

Республика театр ҳаётида Тошкент алоҳида ўрин тутади. Бу ерда мамлакат театрларининг учдан бири жойлашган бўлиб, уларда ўзбек ва рус тилларида спектакллар намоиш қилинмоқда. Бугунги кунда Аббос Ҳидоятов номли, “Илҳом”, Ўзбекистон Ёшлар театрлари бадий ва ташкилий жихатдан таъриба майдонига айланганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбек театрининг дарғаси бўлмиш Ҳамза номидаги театр жамоаси (ҳозирги) Ўзбек Миллий академик драма театри фаолиятида ўз анъаналарига содиқлик кўзга ташланса, А.Навоий номидаги опера ва балет театри мамлакат ташқарисидида ҳам машҳурлиги қалбларга илиқлик бағишлайди.

Мустақиллик туфайли содир бўлаётган сivil сий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётдаги, маданият

жараёндаги туб ўзгаришлар театрлар сахнасида ўзининг ёрқин ифодасини топаётганлиги, бу ўзгаришлар билан боғлиқ тенденциялар сахна ҳаётида ҳам кўзга ташланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тарихий хотиранинг кучайиши туфайли маданий қадриятларга кизикишнинг ортганлиги, ўзбек театрини ижтимоий тарихга интилишини кучайтирди. Сахналаримизда мамлакат тарихи билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар бугунги кун нуқтаи назаридан мушоҳада этилмоқда.

Театрлар мамлакатимиз тарихида алоҳида ўрин тутган буюк алломалар ҳаёти ва фаолиятига бўлган кизикишларни қондириш йўлида ҳам фаол иштирок этмоқда. Утган қисқа вақт мобайнида Ат-Термизий, Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Ал-Фарғоний, Нодирабегим сингари буюк алломаларга бағишланган тарихий спектакллар сахна юзини кўрган фикримизни исботлайди.

Қатор спектаклларда яқин тарихга — тарихий, маданий, ижтимоий-психологик планда ўзига хос бўлган Туркистоннинг аср бошидаги ҳаётига кизикиш кўзга ташланди. Сиёсий таъйиқлар олиб ташлангач, бир пайтлар жамиятдан узоқлаштирилган давр театрларимиз сахналарида тўлақонли яшаб, эмин эркин нафас ола бошлади. Сахналаримизда фожиавий тақдири халқ ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган Чўлпон, Фитрат, Қодирий сингари ўтмишда қатағонга учраган адиблар ижодий меросининг ўрин ола бошлагани фикримизнинг далилидир. Шунингдек, халқ қадриятлари ва анъанавий миллий бадиий маданиятга мурожаат этишда турли изланишлар кўзга ташланмоқда, ўзбек халқининг қулғу дунёси ва майдон томошалари ўзлаштирилмоқда.

Тарихий драма ўзбек драматургияси ва театрида асосий жанрлардан ҳисобланади. Театр санъати тарихидан маълумки, узоқ тарихий ўтмиш ҳақидаги спектакллар репертуарда қўп учрамаса-да, улар одатда катта кизикиш уйғотарди. Бу спектакллар хотирада узоқ сақланар, танқидчилар томонидан тўлиқ таҳлил қилинар, қўпинча театр тараққиётида алоҳида ғилобга вазифасини ўтарди. Буюк тарихий шахслар сиймосида мардлик, ватанпарварлик, маънавий камолот, ахлоқий гўзаллик каби хислатларни намоён этар экан, театр асосан, уларни бугунги кунга хизмат этиришга интиларди. Тарихий драма ўзбек театр санъатининг барча даврларда режиссура ва актёрлар санъатидаги муҳим эстетик тамойилларни ифодаловчи восита бўлиб келган.

Сўнгги даврда тарихий драма театрлар репертуарида мустахкам ўрин эгаллади. Факат 1996 йилнинг ўзидагина Ўзбекистон театрларида тарихий мавзуда 16 та спектакл сахналаштирилган. Айнан шу йили Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги нишонланганлиги сабаб, уларнинг аксари буюк давлат арбоби Амир Темур ва Темурийлар даврига бағишланди.

Бир йўла бир неча театр Абдулла Ориповнинг Амир Темур ҳаётининг асосий босқичларини очиб беришга қаратилган “Соҳибқирон Темур” асарига мурожаат этди. Сирдарё театри озарбайжон драматурги Х.Жовиднинг “Амир Темур”, Фарғона театри Тўра Мирзанинг “Амир Темур ва Тухтамиш”, Жиззах театри О.Ёқубовнинг “Авлодларга васият”, Сурхондарё театри Қ.Абдунабиевнинг “Амир Темур ва Йилдирим Боязид”, Қўқон театри Н.Абдуллахоновнинг “Муҳаббат қасри”, Каттақўрғон театри Темурнинг ёшлиғига бағишланган “Замин ўғлони” драмаларини сахналаштирди. Амир Темур сиймосини сахнага олиб чиқиш, у яшаган даврни театр воситаларида қайта жонлаштириш осон иш эмас. Бу каби буюк ва мураккаб шахснинг ички дунёсини бутун мураккаблиги билан тушуниш қийин бўлса-да, санъат ихтиёрида ҳар қандай мураккаб образ ҳақида ўз бадиий қарашларини тақлиф этиш имконияти бор. Шу маънода сахнада Амир Темур сиймосини биринчи бор талқин этган актёрлар Т.Мўминов, Ё.Аҳмедов, Х.Икромов, Г.Йўлдошев, Х.Орипов, Б.Ризокулов, В.Узоқберганов ва бошқаларнинг тажрибалари нафақат бугунги кун балки келажак учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тилга олинган спектаклларда Амир Темурнинг деярли бутун ҳаёти — ёшлиги, балоғат ва етуқлик даври томошабин кўз ўнгидан бирма-бир ўтади. Урушлар оқибатида инсонлар тортган ғам-андуҳлари, музаффарлик тантаналари билан алмашиб, душманлар билан ғоявий баҳсларида унинг мамлакат келажаги ҳақидаги қарашлари намоён бўлади. Баъзи бир спектаклларда бу қарашлар тантанавор рухга сингиб кетган.

Анъанавийлик ва новаторликнинг азалий муаммолари бугунги кунда сахналаштирилаётган тарихий драмаларда ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Замонавий театр эстетикасида кечаётган изчил жараёнларга беэътибор сахналаштирилаётган спектаклларда сахнавий принципларнинг мустахкам эмаслиги яққол кўзга ташланди.

Постановкалар кўп бўлишига қарамай, қатор театрлар тарихий драма жанрининг мураккабликларига дош бера олмагани кузатилди. Тарихий ҳақиқат ва инсоний характерларга муносиб бўлмаган лавҳалар, анъанавий ечимлар, драматургик қолиплар ва юбилей дабдабалари қатор спектаклларда учрайди. Икки маданий қатлам — анъанавий қадриятларга эҳтиёткорона ёндашган ҳолда янги шаклларга интилиш оқибатида юзага келган спектакллар муваффақият қозонди.

Ҳамза номидаги театрда режиссёр Олимжон Салимов Абдулла Орипов қаламига мансуб “Сохибқирон Темур” спектаклини ички драматизм, характерларнинг нозик психологик талқини билан бойитиб, фалсафий-романтик драма сифатида талқин этди. Режиссёрнинг бутун эътибори буюк давлат арбобининг кўп қиррали образини, қудратли давлат барпо этишга интилган шахснинг мураккаб изтиробли ички дунёсини очишга қаратилган. Теша Мўминов ижросида Амир Темур мақсад сари интилувчи шахс. Томошабин кўз ўнгида жисман кучли бўлса-да, қалбан содда, шу билан бирга ақл ва куч уфуриб турган шахс киффаси намоён бўлади. Т.Мўминовнинг Амир Темира — қатъиятли, улуввор ва босиқ инсон.

Режиссёр О.Салимов сахнавий характерни жаҳон маданиятида кенг қўлланиладиган кўп маъноли тимсоллар билан бойитар экан, ўзининг томошавий-тимсолий театрга содиқлигини яна бир қарра исботлади.

Прологдаги юкориға интилувчи бешик — қаҳрамоннинг туғилиши ва олий мақсадига ишорадир. Саҳнани чегараловчи ойналар, ҳаракатда унсиз иштирок этувчи ниқобли кишилар — тақдирнинг қора, қутилмаган, сирли қучлари рамзини англатса, тахтга келиб урилган найза сотқинлик ва ҳокимият сари интилиш тимсолидир.

Режиссёр жўн баёнчиликдан қочиб, спектаклни сахнавий маъжозий тимсоллар билан бойитар экан, Амир Темур тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос сахнавий ечимни тақдим этди.

Фарғона театрида 1996 йилда режиссёр М.Юсупов томонидан (рассом Ш.Абдумаликов) сахналаштирилган Тўра Мирзонинг “Амир Темур ва Тўхтамиш” спектакли ҳам асарни шу каби “қайта ўқиш” натижасида дунёга келган. Ҳаракат саҳна ўртасидаги доиранинг гоҳ ичида, гоҳ ташқарисида юз бериб, бу сатҳ баъзан кураш майдониға, баъзан томошани қўғирчоқлар ва жонли иштирокчилар қузатаётган амфитеатрга айланади.

Ҳ.Жовид асари асосида Гулистон театрида сахналаштирилган “Амир Темур” спектаклида тарихий спектаклларга хос патриархал-статика ўз ўрнини ҳаракатчан мизансахналарга, улуввор кўтаринкилик — рангбаранг рухий ҳиссиётларга бўшатиб берди, саҳна безакларида анъанавий қўлланиб келинган мадраса ва минораларнинг кўм-қўқ гумбазлари ўрнини икки қаватли ёғоч қурилмалар эгаллади.

Спектакл оддий қурилишлардаги каби болғалар зарби овозлари билан бошланади. Унда шуъла, сахнавий техник воситалардан, доира, айлана, пиротехникадан кенг фойдаланилган... Режиссёр барча иштирок этувчилар тақдирини бош қаҳрамон — давлатнинг адолатпарвар ҳимоячиси, туркий халқларни бирлаштиришга интилган саркарданинг маънавий қудратини очишга бўйсундирган. Амир Темур (актёр Б.Ризоқулов)га хос илоҳий қудрат спектаклнинг монументал-эпик композициялари ва ёрқин мизансахналарида намоён бўлади.

Спектакл финали эсда қоларли. Аста-секин айланаётган ёғоч устунлар — Амир Темур қудратига ишора. Урушни диққат билан қузатаётган сохибқироннинг қатъий нигоҳида галабага ишонч туйғулари яққол намоён. Бу ерда шакл ва мазмун омукта бўлиб, спектаклнинг эсда қоларли тимсоли яратилган.

Спектакл постановкаси тарихий драмаларни сахналаштиришда анъанавий қўлланиб келинаётган изчил ривожланиб боровчи сахнавий ечим тузилишиға ўзгаришлар киритди. Янги сахнавий талқинда ўзига хос муҳит яратилиб, у актёрлар ҳолатларига ҳам таъсир кўрсатган ва персонажларни жонлантирган.

Яна бир мисол. Бугунги кунда масҳарабозлар театри услубларидан фойдаланиш оддий ҳолға айланмокда. Сирдарё театри қатори Сурхондарё театрининг (режиссёр М.Равшанов) постановкаларида ҳам ўзбек саҳнаси учун янги бўлган, Европа, аниқроғи, Шекспир драмаларидаги Шуг — масҳараға монанд персонаж пайдо бўлмокда. Масҳара никоби остида аччиқ ҳақиқатни айта олиш унинг имкониятидир. Бу образнинг тарихийлиги ҳақида бирор бир фикр айта олдасак-да, юкоридаги мисоллар театрларимиз миллий анъаналардан фойдаланган ҳолда дунё санъати майдониға қиришға интиляётганидан, унинг қизиқиш доиралари кенгайиб бораётганини исботлайди. Шундай қилиб, тарихий драмадаги янгиликлар жанр ичида ўзига хос ўзгаришлар содир

бўлаётганидан далолат бермоқда, сахна тарихий ҳодисаларга янгича ёндашувни изламоқда, замонавий театр эстетикаси ва маданий тарихий анъаналар ўзаро таъсиридаги фойдаланилмаган манбаларни очмоқда.

1999 йилда сахналаштирилган Х.Расулнинг “Пири Коинот” спектаклида Ҳамза номидаги академик театр жамоасининг (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) романтик руҳдаги спектакл анъаналарини тиклашга бўлган интилиши кўзга ташланди. Спектаклга IX асрда яшаб ўтган Шарқнинг буюк астроним олими ал-Фарғоний тақдири, унинг Боғдодда ўтказган йиллари асос қилиб олинган. Спектаклда буюк олим шахсий интилишларининг мутаассиблар қаршилигига учраши натижасида юзага келган кураш, сахнавий ҳаракатга изчиллик бағишлайди. Томошабин кўз ўнгиде мақсад сари интилувчи, чуқур кечинмалар ва ўтли эхтиросларга бой инсон қиёфаси намоён бўлади. Ал-Фарғоний образини ижро этган Ғ.Ҳожиев иқтидорли, ролнинг чуқур таҳлилини шакл билан омухта қила олиш имкониятига эга актёрдир. Актёр образ яратар экан, ижрода аниқлик ва туйғуларнинг эркинлигини беришда ўзига хос муваффақиятга

эришди. Бутун образ гўё икки йўналиш — олимнинг борлиқни билиш йўлидаги интилишлари ва она юртидан узокда, яқинлари билан айрилиқда яшашга маҳкум бўлган инсоннинг чуқур қалб кечинмаларидан иборат.

Ҳозирда театрнинг ижодий фаолияти йиллар давомида тўпланган анъаналарни давом эттиришга йўналтирилган. Романтик анъаналарнинг тикланиши, актёрлар мактабининг психологик ёндашувларини мустаҳкамлашга бўлган интилишларнинг барчасини юқорида тилга олинган “Соҳибқирон” ва “Пири Коинот” каби спектаклларда куриш мумкин. Шунингдек, У.Азимовнинг яқин тарихимизга, адабиётимизнинг қатағонга учраган намоёндаларига бағишланган “Кундузсиз кечалар” спектакли ҳақида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин.

1997 йилда сахналаштирилган “Кундузсиз кечалар” спектакли марказида 20—30-йиллар маданиятининг ёрқин намоёндаси Абдулҳамид Чўлпоннинг тақдири ётади. Спектакл ҳужжатли биографик манбаларга асосланган бўлиб, шоирнинг жожеавий тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Шоир қаламига мансуб ажойиб шеърларнинг воқеаларга сингдирилиши



Ўзбек Миллий академик драма театри. “Пири коинот” спектакли. Маъмун — Т.Мўминов.

натижасида унинг руҳий дунёси, нозик ички кечинмалари ишонарли очилиб, унинг қарашлари ва давр ўртасидаги қарама-қаршиликлар кўзга яққол ташланади.

Композитор А.Эргашев мусикаси ўзининг чуқур эмоционал таъсир кучига эга бўлиб, спектаклга фожиавий рух бериш билан бирга ундаги асосий ғояни ёрқин намоён этган. Бош рол ижроچиси М.Абдуқундузов образни руҳий зиддият билан тўлдиради. Актёр ўз эҳтиросини фақат финал сахнада, шоирнинг сабр қосаси бўлиб, қалби ҳақорат ва ҳўрланишларни кўтаролмай қолганидагина намоён этади.

1996 йили А.Хидоятлов театрида сахналаштирилган “Буюк Ипак йўли” спектаклида режиссёр Б.Йўлдошев, расом Г.Брим ва композитор Ш.Бафоевлар ҳамкорликда мусика, пластика, хореография, нур ва ранг воситаларидан фойдаланиб, ипак йўли ўтган қатор ўрта аср Шарқ мамлакатлари кўринишларини тасвирлайди. Хар бир мамлакат, бу ҳоҳ Хитой, Хиндистон, Эрон ёки Ўрта Осиё бўлсин, ўз тақдорланмас таровати ва сирли олами билан кишини ўзига ром этади.

Бутун сахна юқоридан осилган ранг-баранг ингичка ипларнинг гулли панноси сифатида гавдаланади. Актёрлар кўнғироклар овози остида, ритмик ҳаракатлар ила ушбу арконларни тортишлари натижасида ипак матоларнинг гўзал гуллари юзага келади. Бу “ритмик” фонда янги-янги шаҳарлар, мамлакатлар, одамлар ва умуминсоний муносабатлар намоён бўлади.

Режиссёр гоҳ айлана шаклида, гоҳ инсонлар ҳаракатланиб, сахродан ўтаётган бир-бирига ип аркон билан боғланган қарвоннинг реал кўринишини тасвирловчи кенг микёсли мизансахналар яратган. Хар бир эпизод, хар бир сахна кўриниши ўз сюжети ва аниқ умум пластик-мимик ҳаракатларига эга.

Бу ерда 1993 йил сахналаштирилган Сурхондарё театрининг И.Султон ва Уйғун қаламига мансуб “Алишер Навоий” спектаклини эслаб ўтиш лозим. Режиссёр М.Равшанов ва расом В.Михайличенко давр ҳаракатини гўзал ва лирик образларда яратдилар. Бу образ шафтоли дарахтининг тўкилаётган баргларида, жуда катта, деярли сахна ойнасининг ярмисини ташкил этган, қувачалардан сизиб оқаётган сувларда, гоҳ тўхтаб, гоҳ қайта чарх ураётган чархпалакда, томоша залининг нақшинкор безаклари билан бирлашиб оқетадиган сахнанинг икки четидаги равоқларда, ҳаракатлар давомида худди ўрта аср Шарқ миниатюралари мисол бир зумга қотиб қолади.

ган спектакл иштирокчиларида акс этади. Спектаклда Навоий ҳам финалда худди Маҳмуд Музаҳҳибнинг машҳур “Навоий портрети” миниатюрасидаги каби қайғурган ҳолатида қотиб қолади.

1999 йилнинг алоҳида эътиборга молик томошаларидан бири режиссёр Н.Абдурахмонов, композитор Д.Янов-Яновский ва расом И.Гуленко томонидан А.Навоий асари асосида сахналаштирилган “Ато этилган муҳаббат тариқати” (“Қуш тили”) томошасидир. Ёшлар театрининг биноси олдидаги зиналарда кўрсатиладиган ушбу катта микёсли мусикий-пластик томошада барча диний ва ирқий чегараларни бузиб ўтувчи инсоний севги овози баралла янграйди.

Н.Абдурахмонов спектакл асосини ташкил этувчи мусика ва пластик хореографиянинг ажойиб умумлашмасига, гўзал ва таъсирчан тасвирий ва техник воситаларининг жозибали уйғунлашувига эришди. Оммавий кўринишлардаги 300га яқин иштирокчиларнинг ҳаракати ва пластик эпизодларнинг алмашинувида Каба Шайхи Санъон ҳақидаги афсона бўй кўрсатиб, чироқ ва сояларнинг гўзал ўйинида ўрта асрлардаги Шарқ ва Ғарб ўртасидаги тафовутлар намоён бўла боради ва томошага сирли оҳанг бағишлайди. Режиссёр Н.Абдурахмоновнинг Ёшлар театрида сахналаштирилган ушбу спектакли ўзбек театрида янги ҳодиса бўлиб, у “Офарин” республика кўрик танловида муносиб тақдирланди. Режиссёр улуғ мутафаккир Алишер Навоий поэмасини замонавий услубда талқин қилиб, байрамона халқ томошасини яратиш билан бирга, ўрта асрлар ва Шарқ театри анъаналарига бўлган қизиқишнинг ортишига сабаб бўлди.

Театр санъатида маданий анъаналар ва миллий урф-одатларни кўрсатишга ҳам эътибор қаратилди. Бунинг исботи сифатида Ҳамза театрида (ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театри) сахналаштирилган Э.Хушвақтовнинг “Чимилдик” (режиссёрлар Т.Азизов ва М.Абдуллаева) ва Аброр Хидоятлов театрининг С.Айний асари асосидаги “Судхўр” (режиссёр Б.Йўлдошев) спектакллари мисол қилиб кўрсатиш мумкин. “Чимилдик” 1997 йилда сахналаштириб, томошабинлар томонидан илик қутиб олинди. Фольклор асосида сахналаштирилган спектаклда воқеа биргина ўзбекона тўйдан кейинги бўладиган ҳодисалар атрофида кечади.

1999 йилда режиссёр Б.Йўлдошев С.Айнийнинг повести асосида “Судхўр” спектаклини сахналаштирди (Н.Каримов инсцениров-



А.Ҳидоятлов театри. "Судхўр" спектакли. Судхўр — Э.Носиров, хизматкор — А.Ҳошимов.

каси). Ижодкорлар спектаклда XX аср бошларидаги Бухородаги маиший ҳаёт воқеалари тасвири билан чегараланмасдан, бошқа усул қўллайдилар.

Режиссёр талқини ҳам ўзига хос бўлиб, спектаклдаги турли ижтимоий тоифалар ўртасидаги мураккаб муносабатлар фольклор театри анъаналари услубида содир этилган. Саҳнадаги ҳатти-ҳаракатларга қадимий қўшиқлар, рақслар сингдирилган бўлиб, улар Бухоро маданиятининг колорити ва мусикавий хусусиятларини бера олган. Спектакл воқеалари ҒоҒеавий комедия жанрида ривожланиб, ўтмишга айланган инсоний тақдирлар намоён бўлади. Бош қаҳрамон образини талқин этган актёрлар Э.Носиров (Судхўр) ва Х.Арслонов (ҳикоячи) ўз қаҳрамонларининг ёрқин бўёқларда акс эттирадilar ва характерларга таъсирчанлик бағишлашга интиланлар. Спектаклдаги воқеалар аста-секинлик билан томошабинни ўзига жалб қила боради. Ўзбек сахнаси тажрибаларини давом эттириб, майдон театри услубидаги спектакл яратилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. "Тошкентга саёҳат" (1990й.) спектаклида Фарғона театри ўз олдига улкан вазифаларни қўяди. Режиссёр О.Салимов спектаклни сатирик комедия жан-

рида талқин қилди. Спектаклда ҳаётдаги баъзи иллатлар ўткир қулги остига олинаиб, асримиз бошларида шаклланган майдон театрига хос услуб қўлланилди. Ўткир қулгуга йўналтирилган воқеалар, ўзбек театрининг анъанавий ечимларидан бўлган импровизацияга эркин ўрин қолдириш ушбу постановкада сезилиб туради.

Спектаклдаги қулгили ва қувноқ лавҳаларда ҳаддан зиёд ўзига ишонган маҳаллий бойларнинг камчиликлари, жумладан, уларнинг иш юритишни билмасликлари қаттиқ қулги остига олинади. Воқеа Тошкентдаги меҳмонхоналарнинг бирида бўлиб ўтади. Бош қаҳрамон образини таниқли актёр М.Юсупов ажойиб талқин этади.

О.Салимов ушбу спектаклда қўллаган жўшқин услуб Ёшлар театрида ҳам давом эттирилди. 1992 йилда режиссёр Н.Абдурахмонов томонидан сахналаштирилган Мольтернинг "Зўраки табиб" спектаклида ҳам шу каби ғайрат ва шижоат сезилиб турди. Спектаклда актёрлар томошабин кўз ўнгидан бир қиёфадан бошқасига ўтиб, қувноқ, эркин ва нафис ҳатти-ҳаракатлар ила театрлашган томоша кайфиятини уйғотадилар.

Сўнгги йилларда Ёшлар театри ҳам Ёш

томошабинлар театри каби театр ҳаётида ўзига хос ўрин эгалламоқда. Маълумки, бугунги кунда мусиқа, кино ва телемахсулотлар каби техник воситаларнинг кўпайиши болалар ва ўсмирларни театрға жалб қилишни бирмунча мушкуллаштирмоқда. Шу маънода болалар ва ёшлар театрларида кечаётган ижобий жараёнлар алоҳида аҳамият касб этади. Ёш томошабинлар театри бадий раҳбари О.Салимов ва Ёшлар театрининг бадий раҳбари Н.Абдурахмоновнинг ҳар бири ўз йўналишига эга. Лекин улар ижодида умумийлик бўлиб, бу эскирган шакллардан воз кечиб, болалар театрига янги ҳаёт бағишлаш йўлидаги интилишларда кўзга ташланмоқда.

Ёшлар театрининг сўнгги даврдаги ҳар бир спектаклида ўзига хос ўйин табиатини кузатиш мумкин. 1994 йили режиссёр Р.Кашаева жаҳон театри тарихидан ҳикоя қилувчи байрамона томоша шаклидаги туркум спектакллар яратиб, уларни “Театр пиллапоялари” деб номлади. Бу спектакллар ўзининг томошавийлиги ва мантиқан давомийлиги билан эътиборли. Лекин бу томошаларнинг барчасига жиддий маънавий - маърифий ғоя сингдирилган. Халқ театри, антик театр, профессионал театр тарихи ҳақида қадам қадам ҳикоя қилувчи спектакллар томошабини театрининг сеҳрли дунёси томон етаклайди, қизиқчи, аскиячи, масҳарабоз ва қўғирчоқбозларнинг кувнок муносабатлари йўл йўлақай, ижтимоий зиддиятлар билан тўқнашувларда намоён бўлади.

Томошавий ўйин театри тамойиллари кейинги йиллардаги турли жанр ва услубий изланишларда сайқаллашиб борди. Ўйин томоша негизлари театрининг галдаги иш жараёнида сайқалланиб, уларда драматик оҳанглар кўзга ташлана бошлади. Айниқса, Шалом-Алейхемнинг “Сутчи Тевье” повести асосида “Томдаги скрипкачи” (1995), Г.Х.Андерсеннинг “Тугурт сотувчи қизча” (1997), Т.Зулфиковров повести асосидаги “Умар Хайём юлдузлари” спектакллари бунга ёрқин мисол бўла олади. Театрининг пластик мусиқали спектакллари сахналаштириш борасидаги изланишлари “Томдаги скрипкачи” спектаклида давом эттирилди. Унда аҳудий халқининг Россиядаги аср бошида фожеали тақдири намоён бўлади.

Режиссёр Н. Абдурахмонов бастакор Д.Янов-Яновский, балетмейстр Ш.Тўхтасинов ва рассом И.Гуленколар билан ҳамкорликда “Тугурт сотувчи қизча” спектаклини сахнага олиб чиқди. Эски эртақ ва ажойиб театр мусикаси режиссёр ва балетмейстрлар ижодий фантазияси учун кенг имкониятлар яратди.

Томошабин кўз олдида ички драматик мазмун билан бойитилган яхлит сахнавий ҳаракатлар намоён бўлади. Спектаклдаги етакчи мавзу бахт, эзгулик, муҳаббат топишга интилаётган ёлғиз Қизча (актриса Д.Мирбоязова)нинг ички оламини очишга йўналтирилган.

Кувонарлиси шундаки, ёшлар театри бугунги кунда ўзининг ёрқин қиёфасига эга. Театрни бошқа жамоалардан ажратиб олиш қийин эмас. Ватанимиз Мустақилликка эришгач ўтган даврда театрдаги ўзгаришлар унинг бадий раҳбари Н.Абдурахмоновнинг ўзбек сахна мактаби анъаналарини тиклашга йўналтирилган интилишларида кўзга ташланади. Режиссёр Т.Зулфиковров “Умар Хайёмнинг дил изҳори” повестига мурожаат қилиб, жаҳон маънавий меросига улкан хисса қўшган аллома ҳақида ўзига хос спектакл яратди. Спектаклда томошабинлар кўз ўнгига шоир ҳаётининг энг муҳим даврлари намоён бўлади. Инсоннинг дунёни билиш йўлидаги интилишлари ва бу йўлдаги қувончу-изтироблар спектакл воқеаларини ҳаракатга келтиради.

Ёш томошабинлар театри бош режиссёри О.Салимов ижодда ўз йўлини ва томошабинлар ишончини топишга интилаётган ижодкорлардандир. 1995 йилда Т.Мурод асари асосида ушбу театр сахнасида “От кишнаган томонда” спектаклини сахналаштирар экан, режиссёр эътибори ижтимоий фалсафий бўрттирмага йўналтирилди. Чуқур мазмун, ифодали сахнавий воситалар, ёш томошабинлар театрига хос бўлмаган шартлилик, томошабинлардан эътибор билан кузатишни талаб этади.

Ўз хошияга кўра яшаш имкониятидан маҳрум инсоннинг ички изтироблари, инсоний кадр-киммати оёқ ости қилиниши спектаклнинг асосий лейтмотивини ташкил этади. Воқеалар томошабини 60- йилларнинг бошларига етаклайди. Бош қахрамон Зиёдулла монолоғида ижтимоий ҳаёт ва инсоннинг шахсий драмаси қўшилиб кетади. Фақат суюкли рафикасини эслаганда, дунёга келмаган ўғил ҳақидаги орзу-умидларда ва ўлдирилган оти қайғусида у ўзининг инсон эканлигини ҳис этади.

“От кишнаган томонда” спектакли томошабин ва танқидчилар томонидан юксак баҳоланди. Актёр Ф.Аминов ижросидаги Зиёдулла образи сўнгги йиллардаги энг яхши актёрлик ишлари қаторида тақдирланди. Спектакль 1996 йилги “Наврўз” республика фестивалида биринчи мукофотга сазовор бўлди.



Й.Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театри.
"Минг бир кеча" спектаклидан лавҳа.

Орадан кўп ўтмай, режиссёр В.Умаров "Минг бир кеча" спектаклини саҳналаштириш билан Ёш томошабинлар театрида Ёшлар театри жамоаси изланишларига ҳамоҳанг келадиган янги бир йўналишни шакллантирди. Бастакор А.Эргашев билан ҳамкорликда ўзбек ёш томошабинлар театри учун янги болалар мюзикли жанрини яратди. Эртакнамо сюжетга бой мўжизавий воқеалар замонавий мусикий ритм ва пластика билан уйғунликда намоён бўлади. Ижрочиларнинг шижоатли ва қувноқ чиқишлари ёш томошабинларни саҳна санъатига қизиқишини оширишга хизмат қилди.

Режиссёр О.Салимовнинг тажрибаларга чанқоқлиги, болалар театри эстетикасини янгилаш йўлида изланишлари 1998 йилда саҳналаштирган Молъернинг "Уچار табиб" спектаклида яна қайта намоён бўлди. Режиссёр гоёсига қўра, асар "Тошкентга саёҳат" спектаклининг давомидай жаранглаши лозим эди. Янги асарда ҳам халқ театри ва аср бошидаги овозсиз кино услублари ишга солинди. Режиссёрнинг яна бир ўзига хос тажрибасифатида саҳналаштирган "Боз масҳарабоз" спектакли "Офарин — 2001" танловининг совриндори бўлди. Қатор мустақил пластик эпи-

зодлардан иборат ушбу спектаклда режиссёр анъанавий ўзбек масҳарабоз театрининг услубларига таяниб, унинг пластик ифода воситаларидан мохирона фойдаланади ва уларнинг умуминсоний моҳиятини намоён этади. Актёрларнинг ижрочилик санъати алоҳида таҳсинга лойиқ. Бундай ажойиб ижро нафақат тошкентликларни, шунингдек Германияда ўтган гастроль сафарларида маҳаллий танқидчилар эътиборини ҳам қозонди.

Театрларнинг ватан тарихига бўлган кучли эътибори — узоқ ва яқин ўтмиш воқеалари, анъанавий халқ театри, бир вақтлар таъқиқланган мавзу ва шахсларга бўлган қизиқиши маълум бир вақтгача жаҳон мумтоз асарларига бўлган диққатни сўндирган эди. Айтиш лозимки, ўзбек театри тарихининг энг ёрқин саҳифалари, режиссёрлик ва актёрлик маҳоратининг юксак чўққилари Фарбий Европа мумтоз асарлари саҳнавий талқини билан бовлиқ. 90-йилдан эътиборан ғарб классикаси яна ўзбек саҳнасида намоён бўла бошлади. Жаҳон классикаси — режиссёрлик ва актёрлик маҳоратининг реал имкониятларини аниқловчи ўзига хос ижодий торозу ҳисобланади. Мумтоз драмаларда театр доимо боқий муам-

моларни ҳал қилишга, тарих ва одоб-ахлоқ сабоқларини излашга ҳаракат қилади.

Шу маънода 1996—97 йилларда А.Хидоят-тов номли театрда сахналаштирилган икки мум-тоз асар — В.Шекспирнинг “Отелло” ва “Қи-рол Лир” трагедиялари аҳамиятлидир. Удун инглиз драматургининг ўзбек сахнасида қўйил-ган асарларини эслайдиган бўлсак, бу асарларга бўлган томошабин қизиқиши доимо катта бўлганлигини этироф этмаслик мумкин эмас.

“Отелло” спектаклини сахналаштиришга ки-ришган режиссёр Б.Абдураззоқов трагедиянинг анъанавий ишончнинг алданишига қаратилган талкинидан қочган. Режиссёрни ёвузликнинг ижтимоий моҳияти ва унинг инсонни парокан-да этишга йўналтирилган бузғунчилик ҳара-кати қизиқтиради. Режиссёр спектаклни роман-тик кўтаринкиликдан кундалик ҳаёт қатлами-га олиб тушди. Натижада, сахнада ўз эҳтирос-лари, муҳаббат ва изтироблари билан яшовчи оддий инсонлар гавдаландилар.

Отелло оддий ва очикқўнгил инсон. Чу-кур драматик иктидорга эга актёр Э.Носи-ров обрў-этиборли инсон образини яратди. Аммо, режиссёр ечимига биноан, А.Рафиков ижросидаги Яго сахнада ҳукмронлик қилади. Актёр бу ролда фожиавий йўналишни тўла-қонли талқин этди. Спектакл якунида Яго майда ғаламисликлар қиладиган, исми қабих-лик, мунофиқлик, маккорлик рамзига айлан-ган инсон эмас, балки емирилаётган шахс сифатида намоён бўлади. Режиссёр ўз ғояси-ни мантикий якунига етказиши — яъни бир умр севиб келган инсонлари — Отелло ва Дездемонанинг бошига етган Яго томошабин-ларнинг нафақат тавқӣ-даъватига, балки ачи-нишига ҳам сазовор бўлади.

Анъанавий қолиплардан чиқишга интилиш, янги сахнавий воситалар америкалик режис-сёр Д.Каплан сахналаштирган “Қирол Лир” спектаклида ҳам кузатилади. Постановкачи Анг-лияда кечадиган воқеаларни Шарқ муҳитига қўчирди, яъни либослар ва сахнавий безак-ларда шарқнинг ёркин колорити уфуриб ту-ради, шу билан бирга трагедиянинг умумин-соний кадриятларига урғу беради. Спектакл қаҳрамонлари яшаётган ғўзал дунёда оила-нинг шайқатсиз парчаланиб кетиши ўйнала-ётган драма учун фон бўлиб хизмат қилади.

Д.Каплан тасаввуф фалсафасининг: ҳаётий иноятларни онгли инкор этиш ва онгнинг юк-сак ҳақиқатга интилиш йўлида тарққ дунё қилиш каби тамойилларини пьесанинг калити сифатида қўллади. Аммо режиссёр ечими до-имо ҳам сахнада аниқ амалга ошавермайди.

А.Хидояттов театрида Шекспирнинг икки асари постановкалари анъанавий талқинлар-дан йироқ ва баъзи бир жиҳатлар билан му-нозарали. Спектаклларда қатор актёрларнинг янги қирралари намоён бўлди ва катта мум-тоз асарлар устида кўпроқ ишлаш зарурлиги яна бир бор таъкидланди. Маъқур постанов-калар Шекспир трагедияларининг ўзбек сах-насида шаклланиб улгурган андозаларини кес-кин ўзгартириш билан бирга, миллий театрда мумтоз пьесаларини ўзлаштиришнинг янги уфқларини ҳам очиб берди.

Жаҳон мумтоз санъат асарлари намунаси-га айланган Шекспирнинг “Қирол Лир” тра-гедияси ўн беш йиллик танаффусдан сўнг яна Ҳамза театри (ҳозирги Ўзбек Миллий акаде-мик драма театри) сахнасида режиссёр С.Кап-риелов томонидан сахналаштирилди. Бош рол-ни маъқур постановка ташаббускори Т.Ази-зов ижро этди.

Т.Азизовнинг Лири — нимжон ва кучсиз қария эмас, балки ҳали анча тетик ва бақув-ват. Унда қариллик аломатлари сезилмайди. Қария юртни қизларига бўлиб бериши адо-латлидай, зеро улар доимо оталари ёрдамига таяниши мумкин. Шундан-да, унинг нонқўр қизларидан ранжи кучли, шу билан бирга бу каби кучли инсоннинг ўз имкониятсизлиги-дан қийноқ ва изтироблари ҳам ўта аянчли. Фарзандлари ташлаб кетган отанинг қалб ке-чинмалари бу фожеанинг анъанавий талқин-ларидан бўлсада, руҳиятига она сути ила ота-она ва қарияларга ҳурмат эҳтиром сингди-рилган ўзбек томошабинига бу каби талқин яқин ва тушунарли бўлди.

Наманган театрининг 1999 йилда режис-сёр К.Йўдошев томонидан сахналаштирилган “Қирол Лир набиралари” номли бир ярим соатли спектаклда икки мумтоз муаллиф Шекс-пир ва Пушкин асарлари бирлаштирилди. Ре-жиссёр Шекспир қаламига мансуб “Макбет” трагедиясини биринчи қисмини ва Пушкин-нинг “Хасис рицар”ини бирлаштирар экан, инсоннинг ҳаётдаги мақсадини танлаш имко-нияти мавзунини талқин этишга интилди.

1999—2000 йилда Қаршининг “Эски ма-чит” театр-студияси Ж.Байроннинг “Каин” драмаси асосида “Қобил ва Ҳобил” номли янги спектаклни намоёйиш этди. Пьеса воқеа-ларини режиссёр Шарққа, яъни уч дунёвий дин яратилган маконга яқинлаштиради. Ер юзидаги дастлабки қотиллик ҳақидаги спек-такль сюжетига сингдирилган афсонага асос-ланган диний қараш муҳим ва табиийлик касб этади. Шу билан бирга, спектаклда замона-

вий театр учун муҳим бўлган ижтимоий-ахлоқий ҳулосаларга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Театр талқинида Қобилнинг тубанлашуви ва тавба-тазарруси падаркушлик ва зўравонликка қарши кураш бўлиб жаранглайди.

1990 йиллар ўрталарида ташкил этилган ушбу студия қисқа фурсат ичида Ўзбекистон театрлари орасида танилди. Театрнинг репертуари ўзининг фалсафий-теранлиги ва кучли ахлоқий эстетик муаммолари ила ажралиб туради. Театр сахнасида Ф.Аттор ва Навоий поэмалари асосида “Шайх Санъон”, Ч.Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романи асосида “Найман она”, Ш.Шамадзенинг “Катта айвонли кичик хонадон” пьесалари сахналаштирилди.

Сўнгги ўн йилда мамлакатимиз театрлари репертуарида замонавий мавзудаги спектакллари ҳам қўриш мумкин. Бугунги кун муаммоларини акс эттириш театрлар олдида турган доимий ва энг мураккаб вазифалардан ҳисобланади. Замонавий театрда анъанавий эски қолиплардан воз кечиш зарурияти вазифани янада мураккаблаштиради. Замонавий қаҳрамон хануз ўз муаллифини кутаётган бўлса-да, театр баъзан ўта эҳтиёткорлик билан бугунги кун муаммоларини турли бадий воситалар ёрдамида сахнага олиб чиқмоқда. Бу жараён халққа яқин ва тушунарли сатир, эксцентрик, маиший ва фольклор-комедия, мелодрама шаклларида намоён бўлаётгани табиий ҳол.

Режиссёр М.Хачатуров ёш драматург С.Имомовнинг “Шайтон ва фаришта” асарини Ҳамза театри сахнасида сахналаштиришга киришар экан эндиликда анъанага айланган сатирик жанр талқинини тиклашга интилди. Режиссёр пьеса ечимини ва характерларни сатирик комедияга хос бўлган фарс ва гротеск элементлари орқали очиб беради. Воқеа қўринишлари бугунги кунда, Тошкентда бўлиб ўтади. Лойсувоқ девор билангина ажратилган ҳовлиларда икки оила қўшни бўлиб яшашади. Айнан шу хонадон эгалари билан ўйнашга ҳазм қилган Шайтоннинг хагги-харакатлари воқеалар ривожига туртки беради. Т.Мўминов, Х.Нурматов, Г.Зокирова, С.Юнусова, Р.Авазов, С.Умаров каби таниқли театр актёрлари драматург томонидан маҳорат билан битилган матнларни энгил, эркин ва шўхчан қилиб ижро этадилар.

Шу даврда Фарғона театрида М.Юсупов “Кампир топайми, дадажон?” спектаклини сахналаштирди. Режиссёр спектаклга халқ

ўйинлари ва фольклор — мусикали қўринишларни киритади. Х.Хурсандовнинг пьесаси самимий юмор, халқ ҳаётини ўзига хос ҳислатлари ва миллий характернинг нозик томонларини яхши очиб бериши, чуқур ахлоқий асослари ила ўзига тортади.

Театр санъати ўз репертуарини томошабинга тақдим этар экан, дунё драматургияси ютуқларини ўзлаштирган ҳолда замонавий театр оқимларига муносиб спектакллар яратмоқда.

Ф.Зулфиколев асарлари асосида 1999 йил режиссёр О.Ҳожакули томонидан сахналаштирилган “Рангин тушлар” спектаклини алоҳида қайд этиш лозим. Режиссёр Т.Зулфиколев асаридаги афсона асосида фантастик дунёни рўёбга чиқаришга интилар экан, асар сюжетининг асосини — ёш йигитнинг балоғатга етиши давридаги қалбидаги ўзгаришлар, Ҳаёт ва Ўлим, Худо ва Шайтон каби тушунчаларни англаш жараёни ташкил этади. Театрнинг ёш актёри В.Кисаров ижро этган ўн беш ёшли Насриддин Бекнинг қизи гўзал Сухайлни севиб қолади. Тушда киз унинг ёнига сеҳрли ва сирли қуш тимсолида келади. Ушбу спектаклда поэтик нур, ҳаётнинг гўзаллиги, романтик ҳиссиётлар билан уйғунлашган ҳаёт ва ҳақиқат уйғунлашиб, макр ва муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик ўз кирраларини намоён этади. Поэтик кўтаринкилик спектаклнинг умумий руҳига сингдирилган бўлиб, ундаги ҳар бир образ ёрқин бўёқларда ижро этилган. Айниқса, Талгат-Бек образини яратган Валерий Цветковнинг қатъиятли ижроси эсда қолади. Актёр бу образдаги характерли чизгиларни топа олган.

1976 йилда экспериментал студия сифатида шаклланган “Илҳом” театри, бугунги кунда нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам машҳур. Театрнинг ғоявий-бадий дастури аниқ ва ижодий кизикичларининг пухта уйланганлиги билан ажралиб туради. М.Вайль раҳбарлигида театр ижодий қувватини ошириб, санъатнинг муҳим вазифаларини ҳал этмоқда. Театр репертуари бугунги кунда ранго-ранг бўлиб, унда чет эл ва рус драматургияси асарларига кенг ўрин берилган. Айниқса, сўнгги йилларнинг постановкалари катта кизикич уйғотади. О.Михайловнинг “Жизель”, Э.Ионесконинг “Каркидонлар”, А.Жаррининг “Қирол Юбю”, О.Уайльднинг “Саломея”, Еврипиднинг “Медея” каби спектаклларида театр режиссураси ва актёрлар маҳоратининг янги кирралари намоён бўлди.

Ж.Стейнбек романи асосида сахналашти-

рилган “Тортилья Флэт квартал” спектакли театр ҳаётида ўзига хос воқеа бўлди. Спектакл алоҳида аҳамият касб этиб, кўп жихатдан якуний, шу билан бирга келажакка қаратилган эди. Бу спектаклда театр ва унинг бадий раҳбарининг шу вақтга қадар сахнавий ечимлар ва актёрлар ютуқлари ҳақидаги мулоҳазалар соясида қолиб келадиган сифатлари ярқ этиб кўзга ташланди. Тажрибага чанқоқлик, сахнавий тилни мукаммаллаштиришга интилиш, анъанавий маданий қадриятларга содиқлик ушбу театр жамоасига хосдир. Балки, шу боис 1999 йилда Абдулла Қодирий асарлари асосида сахналаштирилган “Ошпоқ, ошпоқ, қора лайлак” спектакли унинг репертуарига сингиб кетди. М.Уйғур номли санъат олийгоҳи студентлари Е.Тўйчиев ва Б.Қамоловнинг театр жамоаси билан ҳамкорлиги натижасида рус сахнасига ўзига хос фикрий ва ҳиссий дунёга эга ажойиб ўзбек романистининг хайратланарли ва мураккаб образлари кириб келди. Инценировка (режиссёр Б.Қамолов, бадий раҳбар М.Вайль) А.Қодирийнинг “Қалбак Маҳзумнинг ён дафтарида” номли тугалланмаган қиссаси асосида яратилган. Томошабин кўз ўнгиде Тошкентнинг 19 аср сўнгги йилларидаги воқеалар намоён бўла бошлайди. Ёш, ҳали тақдир қийинчиликларида тобланмаган йигитнинг мунофиқлик ва фикрий қолоқлик билан тўқнашуви асар сюжетини ҳаракатга келтиради. Бош қаҳрамонлар Б.Зокиров ва Б.Назармухамедовлар ижросидаги Ота ва ўғил ижролари эсда қоларли. Спектаклда банд бўлган актёрлар икки сахнавий мактабнинг энг яхши анъаналарини — ўзбек сахна санъати усталарининг маромига келтирилган ифодавийлик ва рус театрининг психологик анъаналарини бирлаштиришга интилдилар.

Ўзбекистон театрлари бугунги кунда мамлакат маданий ҳаётининг ажралмас бир қисмидир. Турли кўрик ва танловлар, фестивал ва конкурсларда қатор режиссёрлар, актёрлар, театрлар спектаклларининг кўплаб соврин ва мукофотларга сазовор бўлаётгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўтказиладиган театр фестиваллари сон жихатдан кўпайди. 1992 йилда минтақа миқёсида ўтказилган Наврўз фестивалида Марказий Осиё мамлакатлари театрларининг энг яхши спектакллари намойиш этилди. 1993 йилда ўтказилган “Театр Шарқ — Ғарб” халқаро фестивали Европа ва Осиё мамлакатлари театрларини бирлаштирди. Япония, Англия, Финлян-

дия, Германия, Хиндистон, Ганконг, Россия, Туркия ва бошқа қатор мамлакатлар театр жамоалари фестивалда иштирок этдилар.

Хар йили Маданият ишлари вазирлиги, бугунги кунда “Ўзбектеатр” томонидан мавзу ва жанр жихатдан турли туман кўриклар, танлов ва фестиваллар ўтказмоқда. Улар орасида драматурглар, режиссёрлар, актёрлар, сценографлар ва композиторларнинг энг кизикarli ечимларини тақдирловчи йиллик якуний кўриклар алоҳида аҳамият касб этади. Кўғирчоқ театрлари фестивалларини ўтказиш анъанага айланди. Уларга турли мамлакатлар театрлари ва мутахассислари меҳмон сифатида тақлиф этилмоқда.

1999 йилда Амир Тему́р таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тарихий мавзудаги асарлар фестивали маданий ҳаётда катта воқеа бўлди. Фестивалда Қирғизистон ва қозоғистонлик санъат усталари ҳам иштирок этишди. Фестивалдаги байрамона кайфият, ҳар бир спектакл намойишидан сўнг ташкил этилган ижодий баҳслар, театр санъатининг замонавий муаммолари ҳақида фикр юритувчи суҳбатлар ўзбек театри ривожига бу каби фестивалларнинг аҳамияти нечоғлик катта эканлигини яна бир бор намойиш этди.

1996 йили ўтказилган катталар театрларининг болалар учун спектакллари танлови театр санъатининг болалар муаммоларига кизиқшини яна бир қарра намоён этди.

1998 йилда Тошкентда ўтган “Баҳор чорраҳаларида” фестивалида пойтахт театрларидаги ижодий изланишларга эътибор қаратилди.

Ижодий изланишларни қўллаб-қувватлаш, театр арбоблари — режиссёрлар, актёрлар, рассомларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳар бир фестивалнинг олдида қўйилган вазифалардандир. Одатда фестиваллар ва театр кўриклари оммавий ахборот воситаларининг диққат маразиде бўлиб, газета, радио, телевидение, шунингдек жамоатчиликнинг эътиборини замонавий бадий маданиятдаги театр санъатининг ўрни ва даражасига жалб этишга йўналтирилган. Шунингдек, бугунги кунда театрларга меценатлар, спонсорлар ва тиждоратчиларнинг эътиборини жалб қилиш фестивалларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Ўзбекистон театрлари чет элларга тез-тез сафарларга чиқмоқдалар. Фақатгина сўнгги йилларда Англия, Германия, Франция, Голландия, Словакия, Хиндистон, АҚШ. Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Израилда ўтган фестивалларда Ҳамза номли (хозирги Ўзбек Миллий академик драма театри).



Й.Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театри. "Уچار табиб" спектаклидан лавҳа.

А.Хидоятлов номли, Ўзбек ТЮЗи, Ёшлар театри, "Мулоқот" театр-студияси, "Эски маъит" театр студиялари бўлиб қайтдилар. 1998 йилда Ёшлар театри Россияда ўтган учинчи фестивалда муваффақият билан иштирок этди.

Шундай қилиб, замонавий ўзбек театри — турли йўналишлар ва қарашлар, кўплаб сахнавий ечимлар, турли-туман жанр ва услуб-

лардан иборат. Бугунги кунда ўзбек театрларининг катта изланишлари учун катта кенгликлар очилди. Ҳаётнинг ўзи уни янги мавзулар сари йўналтирмоқда, сахнавий ечимлар тақдим этмоқда, янги театр тилини шакллантирмоқда. Бу ижодий жараён мураккаб ва кўп қирралидир. Бу эса театримиз янада қизиқарли бўлиб бораверишига ишонч уйғотади.

ОПЕРА ВА БАЛЕТ

1991—2001 йилларда Ўзбекистонда опера ва балет санъатининг ривожининг бир текис кечмади: кескин юксалишлар билан бир қаторда турғунлик паллалари ҳам бўлган. Бирок ушбу зиддиятларга қарамай, опера ва балет театри тарихида ижобий тенденциялар яққол кўзга ташланади.]

Айнан 90- йиллар опера ва балет санъати ривожига алоҳида давр бўлиб қолади, зеро айнан мана шу йилларда унинг жуда кўп янги қирралари юзга келди. Бу янгиланиш кўплаб спектаклларнинг сахналаштирилиши ва ёш ис-

теъдодли артистларнинг пайдо бўлиши ёки изланишлар йўлида юзга келган қатор опера ва балет асарларининг яратилиши билангина белгиланмайди. Мухими шундаки, мазкур ўн йилликда жанрнинг ўзига муносабат сезирарли ўзгарди. Замонавий маънода опера мусикий сахна ҳаракатига кўпроқ эътибор қаратмоқда. Бу шунчаки сахнадаги мусиқа эмас, балки мусиқа билан сахнавий ижоднинг уйғунлигидир. Бунда спектакл сахналаштирувчисининг роли ошиб кетганлиги кўринади. Зеро, услуб ва сахнавий талкин маданияти актёрлар образлари-

нинг киёфалари, хор ва кордебалет хатти-хара-катларигина эмас, балки спектакл концепция-си ҳам худди шунга боғлиқдир. Ҳали ҳеч қачон опера ва балет театри учун сахналашти-риш омили бу қадар катта аҳамият касб этма-ган эди. 90-йилдаги опера театрини ва унинг ҳолатини, айтилиқ, 60-йилларга таққослаш бу борада қанчалик қучли ўзгаришлар юз бер-ганлигини аниқлаш имконини беради. 60-йил-лардаги жанр мезонлари қанчалик эскиргани-ни, амалда яроқсиз бўлиб қолганини кўриш мумкин. Бу ҳулосамиз замонавий балет амали-ётига ҳам тегишлидир.

Мумтоз опера ва балет асарларига кенг мурожаат 90-йиллар бадий жараёнининг ўзи-га хос хусусиятларидан ҳисобланади. Бу ҳол опера театри репертуарида устувор аҳамият касб этди. Шу йиллардаги театр афишалари-ни кузатадиган бўлсак, Вердининг “Аида”, “Травиата”, “Риголетто”, “Трубадур”, “Бал-маскарад”, “Отелло”, Моцартнинг “Фигоро-нинг уйланиши”, “Сехрли найча”, Сен-Санс-нинг “Самсон ва Далила”, Леонковаллонинг “Масхарабозлар”, Доницеттининг “Тунги қўнғироқча”, “Лучия ди Ламермур”, Пуччи-нининг “Фауст”, Чайковскийнинг “Пиковая дама” каби асарлари кўзга ташланади. Мум-тоз опера меросига мурожаат этар экан, те-атр яхши маълум бўлган асарларни янгича талқин этишга, уларда бугунги кунга яқин хусусиятларни топишга интилди.

90-йилларда мумтоз асарлар устида иш-лаш зиддиятлардан ҳоли деб бўлмайди. Бу йилларда асарлар матнига ўзгартиришлар ки-ритиш, қисқартириш ёки муаллиф мақсадни сезиларли даражада бузиш ҳоллари юз бер-ди. Мисол тариқасида Гунонинг (реж. Ф.Са-фаров) “Фауст” операсини олайлиқ. Бунда муаллифнинг етарлича аниқ белгиланган му-сикавий концепцияси сахнавий талқинда тур-ли сабабларга кўра режиссёр томонидан очиб берилмаган. Ф.Сафаровнинг спектакли анъа-навий қолиплардан ҳоли бўлса-да, сахнавий талқинда образлар қаторининг опера мусика-си билан ўзаро мувофиқ эмаслиги баҳслидир. Режиссёр концепцияси операнинг мусикий драматургиясига эмас, балки шахсий фанта-зияга асосланган. Мана шундан спектаклда зиддият пайдо бўлган.

Албатта, режиссёр мумтоз операни сах-налаштиришда ўзгача ёндашиб, операнинг қайсидир томонларини қучайтиришга, илға-ри кўзга ташланмай қолган муҳим жиҳатла-рини бўрттиришга ҳаққи бор, лекин изла-ниш асарнинг мусикий ва драматургик мат-

ни асосида бориши керак. П.Чайковскийнинг 1999 йилда тикланган “Пиковая дама” опе-расини сахналаштириш бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур сахнавий талқин дра-матик асарга тўла мувофиқ тарзда амалга оширилди. Спектаклда бутун диққат-эътибор шахснинг бахт сари интилиши билан инсон ва инсонийликни ҳалокатга етакловчи зўра-вонлик ўртасидаги тўқнашувни теран очиб беришга йўналтирилган. Ф.Сафаров талқи-нида қахрамон билан муҳит ўртасидаги зид-дият ҳамда Германнинг руҳий драмаси ри-вожи яққол сезилади. Режиссёрнинг бутун диққат-эътибори бош қахрамондаги барча инсоний ҳислатларни очишга, уни олижаноб қилиб гавдалантиришга қаратилган.

“Пиковая дама”нинг сахнавий талқинида режиссёр ва рассом қарашларининг бирли-ги муваффақиятга замин яратди. Мусика ус-луби декорациянинг образли эмоционал мо-хиятини белгилади. Рассом мусика билан алоқадорликни аввало колорит орқали яра-тишга, зарур руҳий ҳолатни ранг ва нур-ларнинг алмашиб туриши орқали ифода қилишга эришган. Мусикий образлар ҳара-кати спектаклда рангтаъсир оҳанглари-ни сезирлик ва нозик ҳис этиш билан уйғун-ликда кечади.

“Пиковая дама”нинг янгича талқини му-сика ва ҳаракат яхлитлиги намунаси сифати-да қабул қилинади. Режиссёр мумтоз опера-ни Чайковский мусикаси билан тўла муво-фиқликда талқин этар экан, асосий ғоянинг самимий ва юксак инсонпарварлик руҳида жа-ранглашига эришди. Мусикавий тўлақонлик, оҳанглар таъсирчанлиги туфайли операдаги образлар бадий кўтаринкилиги ва компози-торнинг ўзига ҳослигини очиб берган. “Пи-ковая дама” 90-йиллар театр сахнасида мум-тоз асарни талқин этишдаги энг яхши анъана-ларни ўзида акс эттирди. Бир режиссёрнинг икки постановкасини қиёсий ўрганиш мумтоз асарни (умуман истаган асарни) сахналаш-тиришда муаллиф ғояси ва композитор ижо-дий фикрига содиқлик нечоғлиқ катта аҳамия-т касб этишини кўрсатди. “Фауст”даги кам-чиликлар келгуси ишларда сабоқ бўлиши ло-зим. Опера драматургияси қанчалик эзгу ниятлар билан ўзгартирилмасин, улар асосий талаб — мумтоз асар партитурасини диққат ва эҳтиётлик билан ўқиш лозимлигини четлаб ўтишга асос бўлмаллидир.

“Тоска”, “Фигаронинг уйланиши” каби спектакллари-нинг муваффақияти тасодифий бўлмай, биринчи галда режиссёрнинг асар му-

сикий драматургиясига ижодий ёндашуви, унинг ботиний ғоя-мазмунига кириб боришга интилиши билан изоҳланади.

“Тоска”да мусикий ҳиссиёт аниқ, таъсирчан ифодага эришди. Спектаклнинг таркиби уйдирмаликдан йироқ бўлиб, ҳаётий асосга эга ва актёрларнинг куйлашлари учун қулай бўлиши ҳисобга олинган. Спектаклнинг диққат марказида севги мавзуи — икки севишган Тоска ва Каварадосиларнинг қисмати туради. Шафқатсиз Скарпия туфайли бу севги фожеавий якун топади.

Харакатчан мусикий “импрессионизм” муаммосига онгли тарзда ёндашиш, автор матнини шунчаки иллюстрация қилмасдан мусиқа партитурасида мавжуд туб максад ва ўзига хосликни ифода қилиш — бу сифатлар Моцартнинг “Фигаронинг уйланиши” спектаклининг сахнавий талқинида яққол кўринади. Мазкур операда барча характерлар жуда нафис берилган, бунда сўз билан жонбахш мусиқа, бой тасвирий воситалар билан чуқур инсоний ҳиссиётлар бирлашиб, ажиб бир яхлитлик кашф этади.

Спектаклга театрининг барча етакчи актёрлари жалб этилган десак муболага бўлмайди. Г.Гафаров ижросидаги Фигаро захарханда, ўта ақли, айёр ва башанг. Григорьеванинг Сюаннаси ниҳоятда ҳушбичим, табиий ва шу билан бирга самимий ҳиссиётли, Граф Алмавива — К.Муҳиддинов эса гоҳ ўзига ишонган, гоҳ калавасининг учини йўқотиб қўйган, таъби нозик, ўз қасрида тўлақонли ҳукмдор бўлишни истайдиган жаноб сифатида гавдаланади. Ш.Тўхтабоева ижросидаги Графиняни икки жозибали хусусият алоҳида ажратиб туради: юзу қарашма (кўп ҳолларда никоб сифатида танланган), шунингдек айёрона режаларни амалга оширишга қаратилган ўта усамонлик. О.Александров ижросидаги Керубино бўлса спектаклда Моцартнинг ўзини эслатади. (“Ҳамиша аёлларга шайдо бўладиган бу қаҳрамон менинг табиатимга яқиндир” деб тан олган эди ўз хатларида композитор).

“Фигаронинг уйланиши” опера — буфф бўлиб, ҳар қандай жиддий драмадан кўра жиддийроқ ёндашуви талаб этади. А.Слоним режиссёр ва расом сифатида мазкур операни сахналаштиришга киришар экан, ўз тамойилига — ҳаракатларни очиб бериш ва образлар яратишда биринчи галда муаллиф партитураси драматургиясига асосланади. Спектаклда Моцарт мусикаси ҳақиқатдан ҳам етакчидир. Режиссёрлик фикри ва тасвирий ечим характери ҳамда етакчи партияларнинг ижро-

чилик талқинлари мусиқа образлари орқали намоён бўлади.

Опера сахнасида муҳим ўрин эгаллаган мумтоз меросни ўзлаштиришни чуқурлаштириш, асарларни янгича талқинини излаш билан бирга театр ўзбек муаллифлари асарлари устидаги ишларни ҳам давом эттиради. Ушбу йилларда С.Жалилнинг “Маликаи айёр”, Н.Зокировнинг “Тамлет”, “Макбет”, М.Ашрафийнинг “Дилором”, М.Бафоевнинг “Умар Ҳайём”, Р.Глиер ва Т.Содиқовнинг “Лайли ва Мажнун”, М.Бафоевнинг “Аҳмад ал-Фарғоний”, А.Икромовнинг “Амир Темури” каби опералари сахна юзини кўрди.

90-йилларнинг бошларидан аста-секин замонавийликка яқинлашиб юз берди, янги образлар юзга келди, ўзгарган ҳаёт тарзига мос келувчи ижро услуби шаклланди. Композиторларнинг янги асарларида мувозанат маркази вокал ижросида чолғу соҳасига қўчгани сабабли баъзан салбий натижалар ҳам учрайди. Қўшиқчиликдан четлашиб баъзи ўзбек операларининг тингловчи-томошабинлар томонидан яхши қабул қилинмаслигига олиб келди. Негаки, ижрочининг овоз имкониятлари, муаллифнинг қўшиқда қаҳрамонлар қалбини, ҳиссиёти ва изтиробларини ёрқин очиб бера олиши, мусиканинг оҳангдорлиги опера муваффақиятини таъминловчи омиллар бўлиб келган. М.Бафоевнинг “Умар Ҳайём” операси бунга яққол мисол бўла олади. Опера мусикаси ҳиссиётларга тўлиқлиги, шиддатли ривожланиши билан диққатга сазовордир. Композитор М.Бафоев миллий халқ оҳангларига суяниб, мумтоз операнинг синалган таъсир воситаларидан фойдаланади. Операнинг яхлит қурилмаси ариялар асосига қўйилган. Вокал ҳукмронлиги, кантиллик композиторга эмоционал образли нутқ учун энг таъсирчан воситалардир. М.Бафоевнинг операсидаги барча вокал партиялар оҳанг жиҳатидан мураккаб. Умар Ҳайём (Абдуқодиров), Феруза (Ш.Тўхтабоева), Фазуллох (Бозоров) образлари бутун сахнавий ҳаракат давомида ўсиб, ривожланиб боради.

Сўнгги ўн йилликдаги опера ижодиётини таҳлил қилар эканмиз, композитор ва режиссёрларнинг турли йўналишдаги изланишларини кузатамиз. 1996 йилнинг декабрида Алишер Навоий театрида Н.Зокировнинг “Тахтга йўл” опера дилогиясининг премьераси бўлди. “Тахтга йўл” — бу Шекспир трагедиялари мавзуларидаги ҳаёлий талқинларидир. Спектакл яратувчилари буюк инглиз драматурги очиб берган муҳим ахлокий муаммо-



А.Навоий номи Давлат Академик Катта театри.
"Насридиннинг саргузаштлари" спектаклидан
лавҳа.

лардан биттасинигина, яъни — ҳокимиятга интилишнинг ҳалокатли эканлиги, бу йўлда инсонийлик талабларини топтаган шахснинг инқирозга учраши муқаррар эканлигини кўрсатганлар.

Мазкур диалогия аввало ўзининг драматургик ечими ва жанр йўналиши билан кизиқарлидир. Н.Зокировнинг операларида бир-бири билан боғлиқ икки тенденция: ўзбек мусиқаси учун янгилик бўлмиш лирик - психологик опера жанрининг яратилиши ва камер мусиқачилигига интилиш кўзга ташланади. Шу билан бирга мазкур опера бугунги опера театрида композитор билан режиссёрнинг яқиндан ҳамкорлиги муҳим омил эканини кўрсатди. Спектакл устида ишлаш жараёнида композитор томонидан айрим сахналар⁹ тўлдирилди (Қисмат ва Макбет хоним маросим рақси), режиссёр томонидан эса иштирок этувчилар сафига янги персонажлар киритилди.

Тор-концерт опера жанри композиторга персонажлар ички олами, рухиятига киришга, уларнинг ўзига ҳосликларини кўрсата олишга, улар мусиқий тавсифига мос нафис ва аниқ оҳангларни топа олиш имконини берди. Бироқ, афсуски, Н.Зокиров операларида мусиқий драматургия характерларни ҳаракатда, тўкнашувларда акс эттирмайди. Бу ҳол сахна драматургиясида ҳам ўз аксини топмай қолмайди. Спектаклда ҳар бир актёрнинг ўз қаҳрамони характерини ўзи мустақил англашга ва яратишга интиланлиги аниқ сезилади, зеро воқеалар якунига қадар характерни тугал идрок этиш мушкул. Бунда ўта эмоционал ҳолатлардаги кескин ўзгаришлар, бир сахнавий вазиятдан бошқасига зудлик билан ўтиш алоҳида ўрин тутати. Н.Зокировнинг А.Навоий номидаги театр сахнасида қўйилган диалогиясига айнан актёрлик ишлари ўзига хос рух бағишлаганлиги тасодиф эмас. Булар — Макбет хоним (О.Александрова, Л.Ғаибова), Кирилл, Ҳамлет отасининг арвоҳи, Макдуф (К.Мухитдинов, М.Хуррамов), Ҳамлет (Е.Баронин). Уларнинг сахнавий ечимлари "имо-ишоралар театри" эстетикасига яқин бўлиб, ҳар бири бўрттирилган, бамисоли маҳобатли қилиб, катталаштириб берилган.

Истиклол йилларида театрнинг балет труппаси фаолияти худди операники сингари кизгин изланишларга бой бўлди. 90-йилларнинг бошларида унинг ижодий жамоаси янгиланди, жамоага ёш артистлар келиб қўшилди; бакувват ансамбль вужудга келди, хизмат кўрсатган мохир усталар ёшлар билан ёнма-ён ишлаб, уларда ҳақиқий санъатга ҳурмат руҳини шакллантиришда намуна бўлдилар.

Труппага машҳур балетмейстер И.Юсупов бошчилик қилади. Бу йиллардаги кенг қўламли репертуар ҳам мумтоз меросга таалукли балетларни ҳам замонавий асарларни ўз ичига олади; тажрибали педагогларни тўплайди. Шу билан бир вақтда 90-йиллар балети бутун тарихи мобайнида босиб ўтган йўللарга яқун ясайди ва санъат арбоблари олдига, янги шароитларда у қандай бўлиш керак, деган саволни қўндаланг қилиб қўяди.

Худди операда бўлгани сингари, балет труппасининг ҳам бутун эътибори мумтоз меросни сақлаб қолишга йўналтирилади, шунга кўра унинг репертуари асосини мумтоз балетнинг энг яхши намуналари ташкил этади. Шу йиллардаги репертуардан жой олган мумтоз ижод

намуналари орасида биз Б.Асафьевнинг “Бог-часарой фаввораси”. Аданнинг “Жизель”, “Корсар”, Минкуснинг “Дон Кихот”, Глазун-овнинг “Раймонда”, П.Чайковскийнинг “Оккуш кўли”, “Уйкудаги гўзал”, “Шелкун-чик”, Прокофьевнинг “Ромео ва Жульетта”-лари ва бошқа кўплаб асарларни кўришимиз мумкин. /

Аданнинг “Корсар” балет спектаклида сах-навий талқин яхлит ҳолда ва айрим детал-ларда қанчалик муҳим ўрин тутишини кўриш мумкин. Балетмейстер Э.Юсупов дивертис-ментни рад этади. Айрим рақслар воқеаларга узвий равишда боғланади, улар воқеалардан ўсиб чиққандай гўё. Одатдаги яккаҳон ва дуэт шакллари ҳам, вариациялар ҳам бўлди, фа-кат улар эркин ва драматик фабуланинг ри-вожланиши билан гипс боғлиқ монолог ва диалоглар билан уйғунлаштириб юборилди.

Балетнинг сахнавий талқинидаги энг ким-матли жиҳат — авж нуктанинг мохирона ҳал этилганлигидир. Бу шундан далолат беради-ки, балетмейстер шунчаки анъанавий шакл-даги балет яратмаган, балки яхлит хореогра-фия асарини бунёдга келтирган. Бунда бош мақсад рақс эмас, балки образнинг, ҳис-туй-

ғулар, ғояларнинг пластик ифодаси муҳим. “Корсар”да романтик балетга ҳос бутун дра-матургик қурилма сақланган, лекин янгилик сюжет-фикрий коллизия, спектакл образлари, уларнинг жойлаштирилишида кўринади.

Балетмейстер сюжет ривожига эмас, бал-ки кўпроқ ички мавзу ривожига эътибор бе-ради. Сахналаштирувчининг кордебалетга ян-гича ёндашуви ҳам қизиқиш уйғотади. И.Юсу-пов оммавий сахналардаги ижрочиларнинг бир-бирига мутаносиб, бир зайлдаги ҳаракатла-ридан воз кечиб, ундаги ҳар бир иштирокчи-га индивидуал вазифа топшириб, ўзига ҳос характерлар яратишларига қўмаклашади. Сах-нада ҳамма нарсаси жонли, ҳаракатда, жўшқин бўлиб, яккаҳон рақслар оммавийга ва аксин-ча қуйилиб кетади. Бу ҳол томошабинларни ҳам рақс ҳаракатлари гирдобига тортади. Спектакл муваффақиятида балетмейстер би-лан бирга, шубҳасиз, балет артистлари И.Гел-лертов (Конрад), Т.Муҳамедова (Медора), А.Шалберкин (Бирбанто), С.Махлина (Гул-нора), И.Кистанов (Шох), Н.Шилова (Ёв-войи)ларнинг хизматлари катта.

Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ўз репертуарида ўтган йилларнинг энг



А.Навоий номи Давлат Академик Катта театри. “Ромео ва Жульетта” балет-спектаклидан лавҳа.



А.Навоий номли Давлат Академик Катта театри. "Уйкудаги гўзал" балет-спектаклидан лавҳа.

сара асарларини сақлаб қолишга интилди. Шу маънода Аданнинг "Жизел"и (сахналаштирувчи гуруҳ: балетмейстер И.Юсупов, дирижёр А.Абдурахманова, рассом М.Новиковский) эътиборга молик. "Жизел" узок йиллар мобайнида театримиз сахнасини тарк этмади. Энг яхши ижрочилар томонидан бир неча бор янгиланди (ажойиб балерина Б.Қориева театримиз сахнасида 60-йилларда ижро этган Жизели ҳали кўпчиликнинг ёдида. Нозиккина, фариштадай қаҳрамони образига актриса поэтик кўтаринкилик ва инсоний туйғуларни сингдира олган эди). 90-йилларда И.Юсупов томонидан қайта тикланган мазкур асар томошабинларни юксак поэтикаси билан мафтун этди. Зеро, балет мохиятини ҳаракат ва ракс бирлиги белгилайди. И.Юсупов спектаклда инсоний садоқат, гўзал муҳаббат ва бурч мавзуйига алоҳида урғу берган.

"Жизел"даги образлар раксда уйғунлашиб кетган. Балет ижрочилари спектаклга муваффақият келтирганликлари тасодифий эмас. Бунда шубҳасиз, етакчи ўрин, З.Давлатмуродовага тегишли. Балерина алданган севги изтиробларидан кўра кўпроқ севгисига садоқатини сақлаб келаётган инсон қалбида кечаётган нозик ҳиссиётларни ифода этади.


"Жизел"ни сахналаштириш учун театр ўзининг энг сара кучларини сафарбар этган Т.Мухамедова, А.Ерилина, И.Кистанов, Н.Умарова, В.Ражабова ва И.Аленьтевала ўз партияларини маҳорат билан гавдалантирдилар. Ҳамжихатлик ва интизом, ижро техникасидаги аниқлик ва ҳаракатлар мутаносиблигини намоён қилган кордебалет мактобига сазовордир. Спектакл муваффақиятида шубҳасиз дирижёр Д. Абдурахмонованинг ҳақиқий хизмати катта. Айниқса, шу спектаклда унинг энг кичик жиҳатларга нисбатан ҳам хушёрлиги, юксак мусиқийлиги ва нозик диди намоён бўлган. Мазкур балетга кўп йиллар давомида дирижёрлик қилган Д. Абдурахмоновани ўзига хос "хореографик хотира" шаклланган Театр афишасида Чайковскийнинг И.Юсупов томонидан сахналаштирилган аjoyиб икки балети — "Уйкудаги гўзал" (1979 йилда сахналаштирилган. Сахналаштирувчи гуруҳ: балетмейстер И.Юсупов, дирижёр А.Абдуғаниев, рассом В.Клементьев) ва "Шчелкунчик" (1991 йили сахналаштирилган. Сахналаштирувчи гуруҳ: балетмейстер И.Юсупов, дирижёр Д.Абдурахманова, рассом С.Фесько) алоҳида ўринга эга. Мазкур спектаклларнинг ҳар бирига балетмейстер ўзгача ёндашади. "Уйку



Мустақиллик байрами тантаналари. Тошкент.



Мустақиллик байрами тантаналари.



Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган байрам томошалари.
Бухоро. 1998.



«Наврӯз» байрами томошалари, Тошкент.



«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали.
Самарқанд, 1999.



«Наврӯз» байрами томошалари. Тошкент.



Фольклор-этнографик жамоалар кўрик-танлови.
Қорақалпоғистонлик иштирокчилар. Тошкент. 1999.



А.Навой номдаги Давлат катта опера ва балет театри. «Жизель» балет-спектакли.
Ўзбекистон халқ артисти З.Давлатмуродова ва В.Геллертовлар.



«Етти гузал» рақс ансамбли.



«Буюк Амир Темуր» бадий фильми.
Амир Темуր ролида Б.Муҳаммадкаримов. 1996.



Дордаги цирк.
Дорбоз Тошкенбоевлар оиласи.



«Шарқ эртаклари»
цирк томошалари. 1991.

даги гўзал”да мазмун ҳеч бир ўзгаришсиз сақланган, мусика бирмунча қисқартирилган, бугунги идрок учун қулай, балетнинг пантомимик ва бошқа сахналари янгидан яратилган. Лекин спектаклда янги ғоялар йўқ. Шундай бўлсада, театр труппаси артистлари учун, хусусан Ф.Саъдуллаева (Аврора) ва Г.Ҳамроева (Карабос) ижодий ҳаётида мазкур спектаклдаги иштирок катта воқеадир. Уларнинг “Ўйқудаги гўзал”даги рақси ўзининг мазмундорлиги ва мусиқийлиги, ифодалилиги ва ижро маҳорати билан ажралиб туради. “Шчелкунчик” спектаклида концепция янги бўлиб, мусикадан келиб чиққан. Либретто қайта қўриб чиқилган, бироқ партитура ўзгармай қолди. И.Юсупов томонидан яратилган балет хореографияси асосан мусика ва образлар табиатидан келиб чикувчи тасаввурларга таянган. Балетмейстер ўзини нихоятда эркин сезганлиги спектаклда ижобий аҳамият касб этди.

Мазкур сахна асари ҳақида гапирганда оркестр ва Чайковский мусикасини эркин ва теран хис эта олувчи дирижёр Д.Абдурахмоновани тилга олмай бўлмайди. Балетнинг афсонавий колоритини кучайтиришда рассом С.Феськовский ҳам муносиб хизмати бор. Асосий партиялар ижрочилари — Ф.Саъдуллаев, В.Клочко, Т.Мухамедов, Н.Шилов, И.Кистановларни алоҳида қайд этиш зарур.

1994 йилда театр сахнасига И.Юсупов Прокофьевнинг “Ромео ва Жульетта” балетини (1994 йил. Сахналаштирувчи гуруҳ: балетмейстер И.Юсупов, дирижёр А.Абдуқаюмов, рассом С.Фесько) олиб қикди. Балетмейстер Шекспир трагедиясини лирик трагедия тарзида талқин қилди. Улуғвор ва шу билан бирга даҳшатли фожиа лирик хиссиётларнинг ёркин дунёси билан ёнма-ён туради. Бунда жаҳолат илоҳий ишққа қарши қўйилиб, шартлилик умумлашмалар учун кенг имкониятлар яратган. Пантомимик сахналар ҳам рақс унсурларига эга. Балетмейстер ўз хореографияси билан адабий асарни поэтиклаштирган. Яккаҳон рақс кордебалет билан боғланмаган. Кордебалет давр, қаҳрамон, фожеа руҳини тараннум эта олган. Бироқ қаҳрамонлар билан омма ўртасида иккита “боғланиш” мавжуд бўлиб, бу бир-бирига карама-қарши икки дунёнинг вакили, яъни Тибальд ва Меркуцио қиёфасида қўринади. Майдондаги олишувда икки дунё, икки дунёқараш ўртасидаги ҳаёт-мамот тўқнашуви зоҳир бўлади. Меркуционинг хореографик ҳаракати енгил, нафис нимраксдан иборат. Тибальднинг ҳаракати залворли, пантомимага яқин. Сахналаштирувчи томонидан бир

қолипдаги кордебалетдан даврнинг типик персонажлари гуруҳига айналтирилган тўда сахнадаги ана шу яккама-якка кураш билан яшайди. Даврнинг мана шу бутун манзараси фонида балетни бошлаб ва яқунлаб, турмуш ташвишларидан юксакликка кўтарилган Ромео ва Жульеттанинг қиёфаси қад ростлайди. Жульетта (З.Давлатмуродова) аёлларга хос қаътият, муросасизлик ва садоқат рамзига айланади. Ромео (З.Нурумбетов) образида ёшлиқнинг туганмас кучи, жозибаси намоён бўлиб, образга миллий руҳ бахш этган.

1997 йилда Алишер Навоий номидаги театр сахнасида биринчи ўзбек комик балети С.Юдаковнинг “Насриддиннинг иши” (балетмейстер Б.Аюханов, рассом Б.Исмоилов, дирижёр З.Хақназаров.) сахналаштирилди. Мусика оҳангдор ва ёркин бўлиб, мусиқий тавсифлар ва рақс усуллари билан фарқланади, бу спектакл балетмейстери Б. Аюхановга ижод қилиш учун кенг имконият яратган. Юмористик асосга эга бу асар хореографиянинг ҳам комик табиатини белгилаб берди. Спектакл анъанавий халқ комедияси услубида яратилган. Унинг барча образлари муайян қиёфалар — ниқоблар сифатида талқин қилинган. Бунда тарозунинг палласи гоҳ ақлли ва тadbиркор Насриддин (З.Нурумбетов) томон, гоҳ ақлли, эпчил ва айёр Зумрад (Г.Ҳамроева), гоҳ Насриддиннинг эшаги (А.Шелбекин) томон оғади. Ўзаро боғлиқ образларнинг хатти-ҳаракатларида ва комик сахналарда намоён бўлади. Хореографиянинг ифода воситалари образлар ва вазиятларга танланган. Бу воситалар миқёси кенг ва ранг-баранг: бунда кечинмали лирик монологни ҳам, кулгили дуэтни ҳам, ёркин ва бўёқдор оммавий сахнани ҳам учратасиз. Гули Ҳамроева мохирона ижро этган Зумрад образи ҳам мусикада, ҳам хореографияда ўзининг кўпқирралилиги билан ажралиб туради.

90-йилларнинг энг аҳамиятли опера ва балет спектаклларининг таҳлили ҳозирги кун опера ва балет санъатидаги манзарани яққол намоён этиб, унинг ривожигади асосий йўналишларни аниқлашга имкон беради. Бу йилларда опера ва балет ижодиёти учун мусиқий драматургиянинг ривожланишида таҳлил қилиш ва ана шу асосдаги мусиқий-сахнавий концепцияга интилиш тамойиллари ҳосдир. Бу ҳам мумтоз, ҳам замонавий мавзудаги асарларнинг сахнавий талқинига бирдек тааллуқлидир. Бинобарин, мазкур соҳаларда жанр-услубий изланишларни жадаллаштириш, лирик-руҳий опера ва комик балет жанрлари-

нинг яратилишига эътиборни кучайтириш лозим.

Айнан шу даврда Бердак номидаги театр (Қорақалпоғистон) ижодий жамоаси томонидан мустақиллик даврида жанр, мавзу ва мазмун жиҳатидан қорақалпоқ миллий санъати ва маданиятида мутлақо янгилик ҳисобланган биринчи миллий опера ва миллий балетига асос солинди. Композитор Н.Мухаммадинов Ибройим Юсупов либреттоси асосида қорақалпоқ классик шоири Ажиниёз ҳаётига бағишланган шу номдаги миллий опера, балетмейстер Т.Қўжасов ва Н.Мухаммадиновлар ҳамкорликда театр санъатининг энг мураккаб турларидан бўлган балет санъатида “Ойжамол” миллий балетини яратдилар. Халқнинг бой мусика меъро-

си асосида яратилган “Ажиниёз” операсида халқ севики шоирининг мураккаб, ички тугёнлар дарду-аламларга бой образи қорақалпоқ театр сахнасида биринчи бор жонланди. Таниқл опера солисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мақсет Хўжаниёзов сахнада Ажиниёзнинг гўзал, муҳаббатга бой ички ҳиссиётлари нозик диди ва адолатсизликдан эзилган қалбни, тўлғонишларини зўр актёрлик маҳорати ва бой вокал имкониятлари орқали ишонарлиқ қилиб очиб беришга эришди.

Умуман, сўнгги ўн йиллик кўп жиҳатда мураккаб бўлган вазифаларнинг ҳал этилиш ва шубҳасиз, томошабинларга қувонч ва заволлиб келганлиги билан Ўзбекистон опера ва балет театри тарихидан жой олади.

МУСИҚАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ

90-йилларнинг бошида Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусикали театрида сахналаштирилган аксарият спектаклларда асосан 80-йиллар ижодий амалиётига хос хусусиятлар, услубий ва ғоявий йўналишлар давом эттирилди.

Янги сахна асарлари маиший сюжетлар асосида яратилган мусикали комедиялардангина иборат бўлиб, улар нихоятда оддий, содда шаклларда намоён бўлди (“Қуёвлар конкурси”, “Дилафрўзга тўрт ошиқ”). Бу, ўз навбатида, театрда замонавий ғояга асосланган мусикавий-драматик репертуар ҳамон шаклланимаганлигидан, театр олдида бадиий ижрочилар гуруҳини мустақамлаш, малакали, истеъдодли драматург, композиторларни жалб этиш масаласи алоҳида долзарблик касб эътигидан далолат берар эди.

1993—94-йилларда мусикали комедиялардан: “Бири кам дунё” (Т.Юнус асари, А.Юнус мусикаси), “Тўйлар муборак” (Ў.Ҳошимов, О.Мухтор асари, М.Маҳмудов мусикаси), “Тошкентга саёҳат” (Ҳамза асари асосида Б.Дарвеш инценировкаси, Н.Халилов мусикаси), “Тошболта ошиқ — тадбиркор” (Х.Ғулом асари, М.Левиев мусикаси) каби спектакллар илгаригидек театр сахнасидан тушмай келди. Уларнинг айримларида мароқли воқеаларни, ёрқин қаҳрамонларни, эндиликда “учраган йўсинда” эмас, балки жанрнинг табиатига хос бўлган юмор, таъсирчан ибора ва мажоз, актёрлар ва режиссёрлар маҳора-

ти, оригинал топилмалар воситасида яратилгани кўзга ташланади. Айнан “Тошкентга саёҳат” (реж. О.Салимов, дир. Н.Халилов, расм. В.Михайличенко ва С.Бекматов, хорм. К.Садуллаев, балетм. К.Мўминов) спектаклининг иштирокчилари кўчманчи труппа артистлар ролларида сахнага чиқиб, Асомбойнинг Тошкентдаги кўргуликларини намоиш этадилар. Ушбу спектаклда халқ оҳанглари, ҳазиллар, пар-қўшиқлар ва рақслар қаҳрамонлар характерларини теранлаштириб, муаллиф илгари сурган ғояни ёритишда, персонажларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Режиссёрнинг “театр ичиди театр” усулини ўринли қўлагани, лантомичалар, ниқоблар, жушқин ритмика — буларнинг бари қадимий майдон санъатининг анъаналарини ёдга солиб, спектаклнинг ғоясини мос равишда ҳаётнинг бутун шодликлари, ташвиш ва сабоқларини акс эттиради. Анъанавий меъросга мурожаат, актёрларнинг маҳоратли ижроси, янги тажрибалар ва изланишлар асарга замонавий руҳ бахш этади. Бинобарин, бу спектаклларда мусика воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳаяжонли таассуротни сўзсиз ошириб бора-да, мусикавий драматургия ечимига келганда, унинг ҳануз 90-йилларнинг илк палласи комедиялари услубида экани сезилади.

Муқимий номидаги театр ижодида мураккаб тарихий материални ўзлаштириш, миллия-

тарихи ва маданияти ривожига муҳим ҳисса қўшган йирик тарихий шахслар образини ёритишдаги самарали силжишларни кўрсатувчи мусиқали драмалар сирасига 1993–1994-йилларда сахналаштирилган “Нодирабегим” (Т.Тўла асари, Ф.Алимов мусиқаси), “Хар кимки вафо қилса” (“Х.Муҳаммад асари, А.Исмоилов, С.Хайитбоев, М.Отажоновлар мусиқаси) каби драмаларни киритиш мумкин.

“Нодирабегим” (реж. Б.Йўлдошев, дир. Н.Ҳалилов, расм. Г.Брим, балетм. К.Муминов) спектаклида ўзининг тинчликпарвар ва яратувчилик сиёсати билан танилган Қўқон давлатининг ҳукмдори, машҳур шоира Нодирабегимнинг сўнгги кунлари баён этилади. Воқеалар ерлик амалдорларнинг тахт учун кураши фонида ривожланиб борар экан, шафқатсиз ва бераҳм Амир Насрулло Нодирани енгиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди.

З.Бойхонова ижросидаги Нодира қалб сазовати ва кучли иродаси билан ажралиб туради. Ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин уни тан ола билади, нафақат азоб-уқубатдан қутулиш, балки жаҳолатпараст маърифат душманларига бош эгмаслик учун ҳам ўз ўлимини

мардонавор қарши олади. Турли рухий иккиланишлардан сўнг Нодирага чексиз садоқати йўлида ўзини қурбон этган, изтироблар, кечинмалар гирдобидagi Хонпошшаойим (актриса Г.Мирзажонова) роли ҳам диққатни тортади. Қаҳрамонларнинг мураккаб ички туйғуларини рангин бўёқларда ифодалаган ва образга маънавий изчиллик бағишлаган масҳарабозлар сахнавий ҳақиқатни янада теранлаштирадilar. Асарнинг ғоясини очиб беришда, уни мазмунан ва бадиий жихатдан бойитишда спектаклнинг негизини ташкил этувчи омилларнинг (адабий матн, мусиқа, бадиий безак) тугаллиги билан бир қаторда жанр ва услубнинг ўзаро уйғунлиги ҳам эътиборлидир.

“Хар кимки вафо қилса” (реж. Х.Аппанов, дир. Н.Ҳалилов, рас. А.Жибоедов) спектаклининг драматик коллизияси Бобурнинг Қобул тахтига қўтарилиши даври билан боғлиқ бўлиб, спектаклдан қўзланган мақсад тарих сарҳадларини сатрма-сатр варақлашдан иборат бўлмай, балки тарихий ҳақиқатни шарҳлашдан, Бобурнинг йирик давлат арбоби ва шоир сифатидаги алоҳида фазилатларини давр билан боғлиқ ҳолда ёритишдан



Муҳимий номидаги мусиқали драма театри. “Тўйдан кейин томоша” спектаклидан лавҳа.

иборат. Театр истиоралардан фойдаланиб, ўтмиш, бугунги кун ва келажак билан мулоқотга киришар экан, воқеаларни тарихий изчилликда гавдалантирмасдан, замон ва макон чегараларини ўзгартириб боради. Персонажларнинг характерлари эса, анъанавий услуб йўналишида — ўзаро қарама-қаршилик, зиддиятлар ва тафовутлар маромида аён бўлади. Яъни айёр ва ёвуз Хисравшоҳ, қўпол ва мутаассиб Ҳамзабий ёки кўрқоқ ва разил Боқибекларга қарши юксак маънавий ахлоқли Бобур образи қўйилади.

Урушлар, ўзаро низо ва фитналар оқибатида харобага айланган юрти қисмати учун куйинаётган ўзлигини ғуссасига ҳамдард она — Қутлуннигорхоним образини яратишда актриса М. Ихтиёрова бутун маҳоратини намоиш эта олган. Унинг ижросидаги монолог ва арияларда мужассам бўлган турфа хиссиётли овоз гаммаси образнинг тугаллигини таъминлаш учун хизмат қилади. Миллий руҳда яратилган спектаклнинг мусиқий қатламида (марказий қаҳрамон партиясидагидек) лирик оҳанглар етакчилик қилади. Бўёқларнинг кескин кутбийлашуви, қарама-қаршилиги образлар тавсифида йирик планнинг устун эканлиги кўзга ташланади.

Бир сўз билан айтганда “Ҳар кимки вафо қилса” ва “Нодирабегим” спектакллари театрнинг катта ва жиддий қадамлари бўлиб, ижодий жамоанинг изланишлари янги босқичга кўтарилганини намоиш этди.

1995—97 йиллар театр репертуарида “Фотима ва Зухра” (У.Умарбеков асари, Р.Маъдиев инсценировкаси, Ф.Алимов мусикаси), “Девона” (Р.Маъдиев асари, Ф.Алимов мусикаси), “Оқибат” (Р.Маъдиев асари, Б.Умиджонов мусикаси), “Бу қандай бало?” (Э.Юсуфалиев асари, Н.Ҳалилов мусикаси), “Келин танлов” (Р.Азизхўжаев асари, Х.Раҳимов мусикаси) ва бошқа қатор спектакллар 80-йилларда авж олган — жамиятдаги нуқсонларини фош этиш йўналишидадир. Мазкур спектаклларнинг сахналаштириш услуби, жанр-мавзуйий йўналиши ҳамда ғоявий-бадий қиймати турличадир.

“Фотима ва Зухра” мусикали драмасининг эътиборли жиҳати — унда воқеаларнинг кескин алмашинуви, чуқур инсоний туйғулар асосан мусикавий қатлам ва актёрлар маҳорати орқали намоён бўлган.

Агар маиший ҳаёт мавзусига бағишланган “Девона” спектакли томошабинлар хиссиётини уйғотишга йўналтирилган бўлса, “Оқибат” спектаклидаги ёвузликка қарши курашга

киришган ва кучлар тенгсизлиги натижасидан нобуд бўлган қаҳрамонлар воқеаси бешафқат реализм анъанасида баён этилиб, орзу ҳаётотга ўрин қолдирмайди. Шунингдек, “Бу қандай бало?” фарс комедиясида қўлланилган таъсирчан, ўзига хос ифода воситалари алоҳида эътиборга молик.

1998—2001 йиллар давомида театр амалётида кескин ўзгаришлар учрамайди. Бугун бу жараён ўзига хос изчил ривожланиш босқичида бўлиб, кадрларни тайёрлаш, режиссёрлар ва ижрочилар маҳоратини ошириш каби муаммолар, жумладан, ижтимоий ҳаракатдаги (аудиторияни тарбиялаш, унинг талабларини ўрганиш) масалаларни ҳал этиш билан машғулдир.

“Соибхўжа операцияси” (С. Имомов асари, Ф.Алимов мусикаси), “Қоматингдан ўргилай” (С.Раҳмон асари, Э.Собит мусикаси), “Суперқайнона” (С.Имомов асари, Ф.Алимов мусикаси) мусикали комедиялари томошабинлар мураккаб ҳис-туйғу ва тасаввур уйғотмасида, актёрларнинг турфа киёфланишлари, ижродаги янгилик ҳамда спектаклнинг жўшқин темпо-ритми ҳазил-ўйин томошасига чорлайди.

“Суперқайнона” (реж. М.Отажонов, дир. — Н.Ҳалилов, рас. Т.Шораҳимов, балетм. Ш.Аҳмедов ва С.Сатторовлар) спектакли турмуш ҳақиқатидан кўра, кўпроқ бадий тўқимага асосланади. Бироқ, бу ерда завқли ва аини чоғда, ибратли кўринишлар ҳам таллайгина. Театр муболағалар, хиссиётларга эришиб, фавқулодда ҳодисаларни гавдалантирар экан, ўзининг томоша яратиш ҳукукига эгаллигини эслатса-да, ҳар доим ҳам бу имкониятдан ўринли фойдаланмайди. Шу боис актёрлар баъзида меъёрни унутиб, дидсизликка йўл қўядилар, нозик муболага дағал ҳазилга айланади. Бундай ҳолларда мусиқанинг ҳам таъсир кучи сусайиб, фақатгина воқеаларга жўр бўлиб туради, холос. Лекин рақсбон қўшиқ шаклидаги яққохон ашулалар ўзининг мароқли интонацион ритмикаси, хушоҳанглиги билан диққатни жалб этса-да, муҳим драматургик аҳамият касб этмаслигини қайд этиш керак.

“Тўйдан кейин томоша” (Шукрулло асари, Н.Норхўжаев мусикаси) пьесасининг ечими эса тамомила ўзга йўсинда ҳал этилган. Зотан, ҳақиқий томоша ҳаддан зиёд дабдабали тўй ўтказиб, қарзларини тўлаш вақти етганда қаҳрамоннинг мушкул вазиятга тушиб қолишидан бошланади. Театр бу ерда мунозарага киришиб, мулоҳаза юритиб ўтирмай-



Муқимий номидаги мусиқали драма театри. "Ўлдинг, азиз бўлдинг" спектаклидан лавҳа.

ди, аксинча истехзо қилади. Ва бу истехзода ҳақиқат бўй кўрсатади.

"Тақдир" мусиқали драмаси (Р.Маъдиев асари, Б.Лутфуллаев мусиқаси) оилавий турмуш можаролари хусусида бўлиб, спектакл марказида бахт истаган, аммо орзулари турмушда учраб турувчи айрим эскилик сарқитлари заволига айланган аёл тақдири туради (реж. Р.Маъдиев, дир. Н.Халилов, рас.Т.Шорахимов, хорм.Б.Умиджонов, балет. Ш.Ахмедов).

Ойжамол, Бўрон, Норжон образлари талкинидаги ўзига хос руҳий ва хиссий тўлақонлилик театрнинг ноёб имкониятини сафарбар этиб, залдаги томошабинларда жонли ҳамдардлик туйғусини уйғотади. Постановканинг бадий салоҳияти ҳам шунда. Айниқса, гоҳ воқеаларнинг бевосита иштирокчисига айланиб, гоҳ қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини изҳор этувчи мусиқа (Б.Лутфуллаев басталаган) ўзининг хаяжон бахш этувчи таровати билан эътиборга моликдир.

Бу спектаклда ёрқин рангдорликни, кўзни камаштирувчи бўёқларни, воқеаларнинг бирма-бир тахлилини учратмаймиз, аксинча, расм-русумлар, урф-одатлар оддий турмуш маъромида гавдаланади ва шу аснода инсонлар-

нинг чуқур, покиза туйғулари, эзгуликка мойил қалб қиёфалари намоён бўлади.

Ҳикматли иборани эслатувчи "Ўлдинг, азиз бўлдинг" спектакли (Х.Хурсанов асари, Ф.Алимов мусиқаси) ўз номланиши билан бир қарашда пьесанинг контекстини таърифлайди. Яъни, кексайган оила бошлиғи фарзандларининг ўзига нисбатан носамимий муносабатда эканидан хавотирланиб, шубҳалардан холи бўлиш ниятида ўзини ўлганга солади. Бирок, отага аён бўлган ҳақиқат унинг гумонларидан кўра минг бор аччиқроқ экан. Ана шу шафқатсиз ҳақиқат Мавлон отани чинакамига бу дунёдан олиб кетади.

Спектаклнинг ўзига хослиги — воқеалар баёнининг узлуксиз ритмик динамикада ривожланиши, бўрттирилган сахнавий ифодаларнинг мавжуд ҳаётий воқеликка монанд эканлигидадир (реж. Б.Назаров, дир. Н.Халилов, рас. А.Ўринов, хорм. Б.Умиджонов).

Саҳнада ва саҳна орти воқеаларида турли тоифадаги кишилар иштирок этадилар. Улар — беихтиёр қалтис ўйинга қизиқиб қолиб, оқибатда вазиятни бошқара олмаган — бош қаҳрамон Мавлон ота ва унинг аёли Ойдона, дўсти Аваз ота ҳамда маҳаллий маъмурият, маҳалла қўмитаси вакиллари, шофёр,

марсиячи, гўрковлар, ювғучилар ва бошқа ўлимни одатий ҳол деб билган ва бундан пул ёки обрў орттириш истагида бўлган кишилардир. Шунингдек улар қаторида ўз ташвиш-муаммоларига ўралашиб қолган, фақат ўз манфаатини кўзлаган, отасига қарата ўринсиз таъналар отиб, заиф қалбида оқибатсизликни яширган — бош қаҳрамоннинг фарзандларидир.

Театр томонидан тақдим этилган аянчли, ғамгин ва ўта ишончли бўлган ушбу воқеада жавобларга нисбатан саволлар кўп. Зотан, ҳолис жавоблар шууримизда, виждонимизда, қолаверса, маънавий ва ижтимоий ҳаётда танлаган кадриятларимиз мезонларидадир. Айнан мана шу спектаклдаги таъсирчан, қалбни ғуборлардан тозаловчи ҳаққонийликни театрнинг маънавий тавбаси сифатида қабул этмоқ даркор. Муҳими, спектакл мисолида санъатнинг жиддий талабларидан бўлмиш постановканинг барча компонентлари уйғунлашувини, жанр поэтикаси шаклланиши билан биргаликда актёрларга ўзларини тугал намоён этиш имконини берган ижродаги жисмоний ва ҳиссий эркинликни кузатамиз.

ОПЕРЕТТА ТЕАТРИ

Тошкент Давлат Оперетта театри нисбатан ёш (1972 й. очилган) бўлишига қарамасдан, ўзининг шаклланиб улгурган мумтоз ва замонавий репертуарига эга. Бугунги кунда унинг жанр диапозони француз опереттаси, Вена ва янги Вена опереттаси, водевиллар, мусикий комедиялар, комедия-буффлар, мюзикллар, шунингдек, хилма-хили услубий оқимлар муштараклигидан вужудга келган муқобил шакллари камраб олади.

Театр мумтоз асарларга (бундай асарлар айни вақтда репертуарнинг катта қисмини ташкил этади, улардан баъзилари — янги, баъзилари эса анча олдин сахналаштирилган бўлиб, айнан 90-йилларда янгидан сахнага олиб чиқилди) жузъий қисқартиришлар киритганида ёки уларни қисман ўзгартирганда умумий қоидага қўра муаллиф талқинига риоя этади. И.Кальманнинг “Лўли-премьер”, “Баядера”, “Толландиялик оймикиз”, “Қабаре сохибжамоллари”, “Цирк маликаси”, “Марица”, И.Штрауснинг “Лўлилар барони” “Кўршапалак”,

Ўтган ўн йил давомида мусиқали драма жанрида нафақат тарихий ва маиший мавзулар билан боғлиқ асарлар, балки эртак ва афсоналар (“Бир соатлик халифа”, “Иброҳим алайҳиссалом таваллудлари”) билан бир қаторда болалар пьесалари ҳам яратилди. Афсуски, бу спектаклларнинг барчаси ҳам ҳозирги кун репертуаридан ўрин олмаган. Лекин ижодий изланишлар жараёнидаги турли эврилишлардан сўнг тўғри мўлжални топа билишда бу спектаклларнинг ҳам ҳиссалари салмоқли эканини айтиб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда Муқимий номидаги театр ҳаракатда. Ижодий жамоа тарих сарҳадларига назар солиш билан бирга, аён воқеликка ҳам ўз муносабатини билдиришга интилаяпти. Мазмун ва шакл борасидаги изланишлар натижасида ҳавойи шиорлар ўрнини — ўймулоҳазалар, иллюстрациялар ўрнини — актёрлик маҳорати ва жонли томоша, насихатгўйлик ва баландпарвозлик ўрнини — чуқур мушоҳада эгалламоқда. Сўнгги ўн йилликдаги айнан шу янгиланиш тамойиллари театрнинг ижодий йўлини белгилайди.

Ф.Легарнинг “Кувноқ бева”, Ж.Оффенбахнинг “Гүзал Елена” асарлари фикримизни ишботлайди.

Айрим ҳоллардагина, чунончи Ф.Эрвенинг “Мадемуазель Нитуш” (1999 й.), И.Кальманнинг “Монмартр бинафшалари” (2000 й.) асарларида сюжет ёки образлар таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида бирламчи манбага анча эркин ёндошув сезилади. Хусусан икки хил концепцияда яратилган — В.Мопсартнинг “Фигаронинг уйланиши” комик операси ва Д.Россинининг “Севилия сартароши” (1997) асарларини парчалаб, уларни боғлаб, яхлит бир асар яратишга уриниш аҳамиятлидир.

И.Кальман қаламига мансуб “Лўли премьер” (А.Сушенко либреттоси) спектаклининг эътиборга лойиқ жиҳати унинг венгер халқ қўшиқ-раксларига асосланган ва характерлар зиддиятида баён этилган муҳаббат коллизияси ёрқин, хис-туйғуга бой мусиқада намоён бўлишидадир. Бу ерда асар билан уйғунлик.

сержило рангдорлик, томошавийлик ва асосийси — яккахон скрипкачи В.Юденич ижро этган қахрамоннинг бетакрор руҳий олами нинг жонли ифодаси диққатни жалб этади.

“Баядера” спектаклида моҳиятан мустақил икки драматургик йўналиш мавжуд бўлиб, улардан бири шарқона мотивларга бой Одетта ва Ражами бўлса, иккинчиси Мариэтта, Наполеон ва Филиппларнинг каскад триоларидир. Улардан дастлабкиси лирик талкинга, иккинчиси эса комедикликка мойил бўлиб, ҳаётий мувозанатни акс эттиради. Бу ўз навбатида, композиторга ҳам, театрға ҳам рангбаранг (контрастли, зиддиятли) бўёқлар ва усулларни кенг қўллаш имкониятини яратган. Ушбу асарда шоирона лирик образлилик актёрлик талкинлари билан уйғунлашиб, бири иккинчисини тўлдиради.

“Лулилар барони” спектаклида оммавий хор ва рақс сахналари, муттасил ҳаракатга асосланган хореография, лексик ва пластик чизгиларнинг ўзига хослиги, калоритли (рангдор), эҳтиросли персонажлар муҳим аҳамият касб этади. Бунда театр мазмунан — ғоявий теранликни ўзлаштиргани баробарида, кўлами ва монументаллиги жиҳатидан опера партитурасидан қолишмайдиган мураккаб мусиқий партитурани ҳам муваффақиятли ўзлаштира олган.

Режиссёр К.Васильевнинг юқорида қайд этиб ўтилган уччала постановкасида ҳам сахналаштирувчи ва ижрочилик гуруҳларининг ўзаро ҳамжиҳатликлари самараларини эътироф этиш ўринли. Дирижёр Б.Расулов, расомлар В.Факторович, Т.Мирова, хормейстер Г.Гольдман, балетмейстерлар А.Хорст, А.Лян, шунингдек актёрлар Г.Шумский, И.Шаломов, Ю.Летов, В.Мишин, В.Гостишев, Л.Бессарабова, З.Соловей, Н.Димова, Н.Чамина, В.Василенко, Н.Шибаева ва бошқаларнинг ҳамкорлиги мутаносиблик касб этиб, театрнинг ижодий камолотига ўз хиссасини қўшди.

90-йиллар охирида театр И.Штрауснинг “Кўршапалак” опереттасига (К.Гафнер ва Р.Жене либреттоси) яна қайтади, бироқ бу сафар аввало мусиқий матнга, яъни асарнинг кайфияти, изчиллиги, суръати — ритмикаси ва яхлит ҳолда поэтикасини белгиловчи асосига муайян қисқартиришлар киритилади. Ўзак йўқолгач, ўз жанрида ноёб ва нодир бўлган мусиқа ҳамда сўзлашув диалоглари орасидаги мувозанат бузилган. Комик унсурлар заифлашиб, нафислик, ёрқинлик ва енгиллик фазилатларини йўқотаёзди; пировардида мазкур спектаклнинг тугал яхлитлигига путур

етди. “Кўршапалак”дан фаркли ўлароқ, И.Кальманнинг “Монмартр бинафшалари” (Ю.Браммер ва А.Грюнвальд либреттоси, реж. Л.Бессарабова, балетм. Р.Биктемирова, рас. С.Чуфарнов) асарида асл манбаага ўзгартиришлар киритилган бўлса-да, мусиқанинг мазмун-моҳияти сақланиб қолган. Театр мелодрамага урғу берар экан, характерларнинг матни, ҳазин лирикаси билан чекланмайди, балки ёрқин, кўтаринки-романтик оҳанглар излайди.

90-йилларда театр мумтоз опереттадан ташқари, ўзига янги репертуар танлашга интилади (“Тентак киз” — Лопе де Вега пьесаси асосида С.Солихов асари, Д.Шевцов либреттоси, “Америкача никоҳ” В.Колло асари, Жусто ва Густасен либреттоси). Бундай интилиш айниқса 90-йилларнинг иккинчи ярмида қучаяди: А.Канчелининг “Имеретиялик келин” (Б.Рацер, В.Константинов либр. 1997 й.), В.Дмитриевнинг “Бурга” (В.Константинов ва Б.Рацер либр. 2000 й.) мусиқали комедиялари, В.Ильин, В.Лукашовнинг “Муҳаббат гирдобии” (Д.Шевцов либр. 2000 й.) комедия буффи, В.Баграмовнинг В.Шукшин киссаси асосидаги “Хўрознинг учинчи қичкириғига” (2000 й) мусиқали эртаги шулар жумласидандир. Қайд этилган сўнгги асарнинг ўзига хос хусусияти — рус деҳқонлар хороводи услубидаги халқ қўшиқчилигидан кенг фойдаланилгани бўлиб, бу мусиқий фабулани характерлайди.

“Америкача никоҳ” (реж. Л.Бессарабова, расомлар В.Фесько, Т.Мирова) спектаклида Д.Гершвин ва Уоррен мусиқаси муаллиф концепцияларини тўлдиради. Ўткир водевиль вазияти мюзикл хусусиятини касб этиб, кенгайтирилган камер лирик сахналар жаз, вокал, чолғу ва рақс мусиқаси билан уйғунлашган.

Шиддатли ҳаракат, актёр-хонанда талқини, 1930—40-йилларда оммавийлашган шаҳар услубидаги рақсларга хос пластик драматургия бутун ижрочилик мажмуаси иштирокидаги постановкага оммавийлик ва замонавий рух бахш этади.

Театр жамоасининг сўнгги йиллардаги қўлаб спектаклларида театрға янги келиб қўшилган артистлардан: Т.Баталова, Д.Миняева, О.Нугаева, И.Новикова, Ф.Мақсудов, Н.Комарь, С.Ортиков, А.Каримов, К.Измайлов, Е.Исаева, Б.Аршан, У.Максумов, Х.Қориев, Ф.Газзаева ва бошқалар илк марта сахнага чиқишди. Етакчи санъаткорлар эса одатдагидек характерли ва катта ёшли ролларга ўта бошладилар.

Оперетта жанрининг ижодий биографиясида Ўзбекистон композиторларининг асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Э.Солиховнинг “Ойгул пари совғалари” (М.Шербаченко либр.), “Қувноқ гуноҳкор” (В.Виткович либр.), “Сехрли доира” (Д.Рубин либр.), “Тентак киз” (Д.Шевцов либр.), А.Эргашевнинг “Ушоқкина” (Ж.Летраз пьесаси асосида А.Колмогоров либр.) асарлари маҳаллий ҳамда таржима манбаларга асосланган. Бундай асарлар сон жиҳатдан қўп бўлмай, турли даврларда яратилганига қармасдан уларнинг баъзи бирларигагина узоқ сахна ҳаёти nasib этди. Масалан, миллий оперетта услубининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган “Ойгул пари совғалари” мусикали эртаги ажойиб ифодавий хусусиятлари туфайли ҳозирга қадар театр репертуарида сақланиб келмоқда.

Мазкур постановканинг қиммати — унинг мавзунинг ривожлантириш услуби ва замонавий талқинда янграган куйлари, шунингдек ғоя ва образларнинг аниқ ва серқатламлигида; шартли — эртақнамо (маконий) шаклга монандлик, ҳамда актёрлардан талаб этилган пластик ечим орқали намоён бўлган (реж. Л.Вилькович, дириж. А.Серебряник).

90-йилларнинг биринчи ярмига қадар “Қувноқ гуноҳкор” спектакли (реж. К.Васильев, дир. Б.Расулов, балетм. В.Завьялов, рассомлар В.Факторович, Т.Мировалар) театр сахнасидан тушмай келди. Ушбу спектакл ўзининг мазмунини, мусикий оҳанг ва сахна тилининг раволиги ҳамда Э.Каприелов, Н.Шацкий, Ф.Оленева каби актёрларнинг ролга ижодий ёндошуви натижасида асар ғоясини янада кенгрок очиб бергани ила эътиборга молик.

90-йилларда сахналаштирилган “Тентак киз” спектаклида оперетта аъёналари жаз элементлари ҳамда услублашган испан мусикасининг ўзаро уйғунлашгани сезилиб туради. Сценографик безак, костюмлар, жушқин испан мусикасига монанд рақслар қахрамонларнинг нозик, рангинг ички дунёсини ёритишда, сахна ифодавийлигини намоён этишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, ёқимли ва қувноқ, кинояли ҳазилга мойил жаз ва услублаштирилган мусика ўз вазифасини бажарган.

Театр сахнасида 1999 йил пайдо бўлган “Ушоқкина” спектаклида қўпроқ замонавий усулга урғу берилиб, лирик комедия услубидаги асар ғоясида мусика ечимнинг янги сифатлари намоён бўлади. Бироқ, миллий репертуар қатор ютуқларга эришганига қара-



Тошкент давлат оперетта театри. «Қувноқ гуноҳкор» спектаклидан кўриниш.

масдан, сон жиҳатидан ниҳоятда чеклангандир. Театр бундай тақчилликни жанр ва актёрларнинг ижро йўналишига доим ҳам тўғри келмайдиган, диалогларнинг қўплиги ҳисобига мусиканинг аҳамияти саёз, ўз дастурига монанд бўлмаган (“Хотин, ишонмасанг ўламан” Э.Қаландаров ва У.Солихов мусикаси, Исфандиёр либреттоси) асарлар билан тўлдиришга уринди.

Оперетта жанри — томошабин учун қанчалар “енгил” ҳисобланса-да, театр учун шунча “машаққатли”дир. Гуруҳнинг тузилиши (симфоник оркестр, хор, балет, актёр — қўшиқчи), бадий бошқариш (режиссёр, дирижёр, хормейстр, балетмейстер, сценограф, концертмейстерлар) жиҳатидан, актёрлардан ҳар томонлама баркамолликни — қўшиқ айтиш ва рақс маҳорати, сахнавий пластика, драматик ижро ва тапшиқ кўринишдаги тўқислик ҳамда катта истеъдодни талаб этиши бу жанрни ҳамиша мураккаб санъатлар қаторига қўшган.

Бугунги кунда ноёб хусусиятга эга оперетта театри олдида томошабинга қувонч ва

эстетик завқ бағишлаш, санъатга астойдил хизмат қилиш вазифаси турибди. Спектакл сахналаштирувчилари ва ижрочилари (асосан яккахон ва етакчи гуруҳлар) малакасини ошириш, сахна асарининг бадий-ғоявий даражасини кўтариш, мумтоз ва замонавий опереттанинг бой муסיкий анъаналарини тиклаш ҳақида ўйлаб кўриши зарур.

Қорақалпоғистон республикасида учта профессионал ижодий жамоа — Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат муסיқали театри, С.Хўжаниёзов номидаги республика ёш томошабинлар театри ва республика қўғирчоқ театрлари фаолият кўрсатади. Булар орасида ўзининг кўп йиллик тажрибаси, салоҳияти, ижодий имконияти, жамоадаги актёрлар ва режиссёрларнинг профессионаллик даражаси нуктаи назаридан Бердақ номидаги театр етакчи ижодий жамоа ҳисобланади.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат муסיқали театри XX аср давомида ва ҳозирги кунда ҳам Қорақалпоқ миллий драматургиясининг маҳорат мактаби, таянч нуктаси, профессионаллик даражасини белгилайдиган адолат тарозусидир. Театр репертуаридан ўрин олган Муратбой Низановнинг “Икки дунё овораси” сатирик комедияси, Қишлоқбой Матмуратовнинг “Шаръяр” афсонавий драмаси, А.Алламуратовнинг “Заул” пьесаси, Кенгесбой Раҳмоновнинг “Инжикнинг муҳаббати” ҳазил комедиялари асосида режиссёрлар Жалғас Султабаев, Бауатдин Баймирзаев ва Бердибой Ўтебоевлар томонидан яратилган ҳаётий, кулгили ҳолатларга бой, қорақалпоқ актёрларининг имконият ва маҳоратларини кенг очиб берадиган спектакллар театр жамоасининг бугунги кунда ҳам ўз анъаналарини давом эттираётганликлари, уни янги-янги мавзулар, янги мазмун ва шакл билан бойитиш йўлида астойдил меҳнат қилаётганликлари, изланаётганликларининг ёрқин далилидир. Театр жамоаси ўзининг “Шаръяр” спектакли билан 1995 йилда Ашхабод шаҳрида бўлиб ўтган халқаро театр фестивалида республика миқёсида муваффақиятли иштирок этганлигининг ўзи мустақиллик йилларидаги Қорақалпоқ миллий театри имкониятларининг даражасидан далолат беради. Драматург Кенгесбой Раҳмонов ўзининг бой ижодий тажрибасидан фойдаланиб, ниҳоятда сахнабоп комедия яратганини инкор этмаган ҳолда театр ижодий жамоасининг, айниқса, ёш режиссёрлар ва актёрларнинг яратувчилик, янгиликка интилиш руҳида олиб бараётган изланишларини, томошабинларни театрга қайтариш бо-

расида Қорақалпоқ миллий театр санъати учун анъанавий бўлиб қолган айрим қарашларни чўчимасдан ўзгартираётганликларини таъкидлаш ўринлидир. Ёш, иқтидорли режиссёр Бердибой Ўтебоевнинг (ҳозирги Сапар Хўжаниёзов номидаги республика ёш томошабинлар театрининг бош режиссёри) “Инжикнинг муҳаббати” спектакли ихчам, кулгили ҳолатларга бой, қорақалпоқлар учун миллий хусусиятга айланиб қолган ҳозиржавоблик ва аскияга мойиллик спектакль қаҳрамонларининг сажияларида кўзга яққол ташланади. Бундай хусусиятлар асар бош қаҳрамони Фаррибой ва унинг отаси Худоёр тимсолларида ўзининг чиройли ифодасини топган. Асарда ҳам, спектаклда ҳам барча кулгили ҳолатларнинг асосий сабабчиси Фаррибойдир. Ота кенжа ўғли Фаррибойни ҳам уйлантириб, уни уйли-жойли қилиш орзусида. Лекин Фаррибойга отаси олиб бермоқчи бўлган қизларнинг бирортаси ҳам ёқмайди. Инжиклик Фаррибой учун бир никоб, холос. Ана шу воқеалар спектаклдаги конфликтни ҳаракатга келтиради. Спектаклда Фаррибой ролини театрининг умидли ёш актёрларидан Курбонбой Қаландаров ижро этади.

Спектаклда режиссёр миллийликнинг кичкинагина бир тимсоли сифатида аравадан фойдаланади. Арава спектаклнинг бошидан охирига қадар сахнанинг қок ўртасида туради. У спектаклда қатнашувчи барча персонажларга хизмат қилади. Режиссёр Б.Ўтебоев воқеаларнинг ривожига, қаҳрамонларнинг тўқнашувларида, ўзаро муносабатларини белгилашда, сахнада кулгили ҳолатларни яратишда ундан усталик билан фойдаланади. Арава бир сўз билан айтганда, персонажларга ҳар хил шароитларда ҳам сахнада эркин ҳаракат қилишга қўмақлашади.

Театр жамоаси кейинги йилларда профессионал драматурглар асарлари асосида тайёрланадиган спектакллар билан бир қаторда республика ёшлари дидига мос шоу-дастурлар тайёрлашга ҳам эътибор қаратмоқда. Жамоа ёшларининг сўнгги йилларда тайёрлаган “Шомурод шоу” ва “Совға”, “Сўнгги кўнғирок” каби дастурлари серзавқ, мазмунан бой миллий удумлар, урф-одатлар, халқ характери, ҳаёт тарзига мос ҳандалар, сатирик чизгилар, минниатюралар, ҳажвий шеърлар, кулгили хангомалар, замонавий эстрада қўшиқлари, ёшлар дидига мос ритмик, рақсбоп муסיқаларга бой. Айниқса “Шомурод шоу” ва “Совға” шоу-дастурларида қорақалпоқ шоирлари ва эстрада қўшиқчилари, минниатюра

театри усталари, Қорақалпоқ аскиячилари, яъни лаққиларининг чиқишлари, дастурлар ижодкорлари, муаллифлари ва бошловчилари Қурбонбой Қаландаров ва Бозорбой Назаримбетовлар импровизацияга бой қочиримлари томошабинларга завқ бағишлайди.

Фикримизча, анъанавий томоша шаклининг эстрада ва цирк санъати ифода воситалари билан бойитилиши махсули сифатида майдонга келган Қорақалпоқ ёш санъаткорларининг янги шоу-дастурлари бозор иқтисодига ўтиш жараёнига мослашиш, янги шароитда изланиш, ижод қилиш ва маблаг топишнинг бир кўринишидир. Бу давр талаби, янгича иш юритиш санъат жамоаларига янгича раҳбарлик қилиш, янгича фикрлашга даъват қиладиган театр санъатининг янгича изланиши. Ва нихоят бу шоу-дастурлар кулгисевер халқимизни, санъатсевар ёшларимизни томоша санъатининг янги замонавий шакллари билан яқинлаштириб, уларга маънавий озуқа, эстетик завқ бағишлаш, театрларимизнинг молиявий режаларини бажариш, иқтисодий шароитларини яхшилаш, нақд даромад олишнинг йўлларидадир.

Умуман олганда, қорақалпоқ театри мустақиллик йилларида даврга монанд фаолият кўрсатишга, халқнинг ўтмиши ва бугунги ҳаётига бағишланган, пухта заминга эга бўлган, жамиятимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни сахна тили ва ифода воситалари орқали ишонарли қилиб гавадалантирадиган спектакллар яратишга интиломда. Биринчи қорақалпоқ миллий операси “Ажиниёз”нинг муваффақиятидан сўнг С.Юдаковнинг “Майсаранинг иши”, С.Рахманиновнинг “Олеко” опералари томошабинларга тақдим этилди. Биринчи миллий балет “Назлимхон сулу” (композитор И.Мухаммадинов, балет-мейстер Т.Қожасов) устида ижодий изланишлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бозорбой Ўзқоберганов бош соврин соҳиби бўлди.

1997 йилда Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган республика театрларининг “Наврўз-97” театр фестивалида театрнинг Абдулла Орипов асари асосида сахналаштирилган “Соҳибқирон” спектакли пойтахт жамоатчилиги ва мутахассислари томонидан ижобий баҳоланди.

Театр ижодий жамоасининг “Бэдъа”, “Жетимлер” (“Етимлар” Б.Боймирзаев асари) спектакллари, режадаги “Муҳаббат ва дўзах” (Қ.Матмуротов пьесаси), “Чингизхоннинг оқ

булути” (Чингиз Айтматов асари) асарлари ҳам миллий театр ижодий изланишларининг мазмундорлиги, бадиий пухта, давр талабига жавоб берадиган замонавий ва тарихий мавзулардаги асарларга асосланганлигидан далолат беради.

Лекин эрксевар, меҳнаткаш, лабзи ҳалол халқимиз, мустақил давлатимизнинг ўтган ўн йил ичида амалга оширган бунёдкорлик ишлари, яратувчанлик фаолиятлари, даврнинг янгича фикрлайдиган азамат йигит қизлари, замондошларимизнинг ташаббускорлик, маънавий покланишга қаратилган сайё ҳаракатлари Қорақалпоқ театри сахнасида ўзининг тўлақонли бадиий ифодасини топди, деб бўлмайди. Халқимиз, замондошларимиз меҳнатининг қайноқ, таъсирчан нафасини томоша залида ўтирган ёшлар қалбига, онгига сингдира оладиган, улар маънавий дунёсини бойитадиган, ибрат олса арзийдиган бадиий баркамол образларни ўзида мужассамлаштирган драматургик асарларга эҳтиёж сезиларли даражада.

Театрнинг бугунги репертуарларида жаҳон классикларининг асарларига эътиборининг камайиб кетганлиги, театр репертуаридаги таржима асарлар бадиий даражасининг пастлиги ташвишланарли ҳол. Театрнинг сўнгги йиллардаги репертуарида қорақалпоқ томошабинларининг севиқли жанрларидан бири бўлган мусиқали драма ва комедияларининг кўзга ташланмаётганлиги, репертуар сиёсатини олиб боришда асосий урғу адабий композициялар бадиий даражаси шубҳали таржима асарлар, соф драма ва комедияларга берилаётганлиги, жамоа раҳбарларининг театр анъаналарига бефарқликларни кишини ўйлантиради.

Фикримизча, театр раҳбарлари сахнада замондошларимизнинг серкирра ички ҳиссиётларга бой, бадиий баркамол образларни яратишда мусиқали драма ва комедия жанрларининг бой имкониятларидан ҳам тўла-тўқис фойдалансалар, миллий театрнинг эътиборга молик, бой анъаналарини қайта тиклаб, уни янада бойитсалар, Қорақалпоқ театри репертуарининг ранг-баранглигини, жанрлар хилма-хиллигини таъминлаган бўладилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Қорақалпоқ театри мустақиллик йилларида шаклан ва мазмунан бойиди, миллий театрнинг янги турларини яратишга биринчи қадамлар ташлади, давр руҳига монанд, халқимиз маънавий дунёсини бойитадиган, сермазмун, бадиий пухта асарлар яратишга муваффақ бўлди.

ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

Истиқлол йиллари қўғирчоқ театрлари учун ҳам изланиш йиллари бўлди. Гарчи давлат республика Маданият ишлари вазирлиги ва маҳаллий бюджет орқали қўғирчоқ театрларини муайян дотация билан таъминлаб турган бўлса-да, барибир ҳар бир театр маъмурияли бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳомийлар топиш ва ижодий ишларни янги тартибда олиб боришга ҳаракат қилиб келмоқда.

Бу даврда ҳам Республика қўғирчоқ театри етакчилик қилди. 1999 йилда ўзининг 60 йиллик юбилейини нишонлаган, катта ижодий йўлни босиб ўтиб, муайян тажриба ва анъаналар орттирган ушбу ижодий жамоа 90-йилларда янги ижтимоий шароитларда болаларга хизмат қилиш билан чекланиб қолмай, мамлакатимиздаги бошқа энди-энди шакллана бошлаган театрларга ҳам ёрдам қўлини қўшиб турди.

Давр бошида режиссёр И.Ёкубов билан расом В.Акудин ҳамкорликда И.Лукьянованинг «Карвонсарой» асарини анъанавий театр драматургияси, услуби, воситалари ва қаҳрамонларидан фойдаланган ҳолда сахналаштириб, яхши натижаларга эришдилар. Унда анъанавий қўғирчоқ театрининг барча турлари, воситалари ишга солинди, қаҳрамонлари қайта тикланди. Гарчи Буюк Ипак йўлида ва карвонсаройда рўй берган ранг-баранг воқеаларни ҳам жонли қиёфада кўринувчи, ҳам чодир ортига ўтиб қўғирчоқларни ҳаракатга келтирувчи икки актёр - Алишер Мирзағиёсов (Али) билан Фатҳулла Ҳўжаев (Вали) ижро этса-да, спектакл ҳар томонлама қизиқарли, бадиий яхлит бўлиб, нафақат болаларнинг, балки катта ёшдаги томошабинларнинг ҳам эътиборини қозонган.

Ёш режиссёр Б.Ёдгорхўжаевнинг «Ур тўқмоқ» (С.Преображенский асари) спектаклида ҳам ёш актёрлар синовдан яхши ўтдилар. Репетиция жараёнида спектаклга воқеаларни таърифлаб берувчи масҳарабозларни киритишга қарор қилинди. Яъни масҳарабозлар анъанавий корфармон вазифасини бажарди. Натижада ўзига хос томоша пайдо бўлди. Композитор Аваз Мансуровнинг маҳсус мусиқаси ҳам спектаклнинг лирик эртак жанрига мос келди. Зеро, мусиқада доира, рубоб каби миллий чолғулардан ўринли фойдаланилган, қўшиқларни Лола Валиева билан Анвар Ниёзовлар ёқимли ижро

этишган эди. Актёрлардан айниқса, Ф.Ҳўжаев (масҳарабоз, шох ролларида), А.Мирзағиёсов (шох), Д.Солиев (чол), А.Ниёзов (солиқчи)лар маҳорат кўрсатишган.

Б.Ёдгорхўжаев сахналаштирган «Уچار ковуш» (И.Жуманов асари) спектакли ҳам таъсирли чиққан. Бунда расом Руслан Камолитдинов билан композитор А.Мансуровнинг ҳам ҳиссаси бор. Зумрад ролини Муниса Эгамназарова, Ўғай она ролини Шохиди Комилова маҳорат билан бажарган. Спектаклга «Зумрад ва Қиммат» эртаги асос қилиб олинган бўлса-да, режиссёр ижодий ёндошиб, унга ковуш моҳаросини киритган ва эртакни қўғирчоқ театри табиатига мослаштирган.

Тажрибали режиссёр И.Ёкубов 1992 йилда театрдан кетиб, театр фаолияти ёш режиссёрлар Б.Ёдгорхўжаев, М.Бобожонов, Т.Қобулов, С.Седухинларга қолган бўлса-да, ижодий ишлар давом этди. С.Седухин В.Орловнинг «Олтин жўжа» асарини, Т.Қобулов В.Селеховнинг «Али бобо ва қирқ қароқчи» эртагини сахналаштириб, маълум даражада театрининг анъаналарини давом эттирдилар.

«Олтин жўжа»да атиги учта персонаж қатнашади: Тулки, Бўри ва Жўжа. Тулки билан Бўри олтин тухумни ўғирлаб, уни катта қилиб ўстириб сотмоқчи бўлишади. Бироқ олтин тухумдан оддий жўжа чиқади. Йиртқич Бўри меҳрибон отага айланади. Ижрочилар Ш.Комилова (Тулки), О.Отабоев (Бўри), М.Эгамбердиева (Жўжа) гавдалантирган образлар, уларнинг ўзаро муносабатлари мароқли ишланган. Асли расом С.Седухин қўғирчоқларни ифодали қилиб ишлаган ва уларни ўйнатишганда ҳам ўша ифодавийлик сақланишига интилган.

Аммо бир тажриба сифатида қўйилган «Али бобо ва қирқ қароқчи» спектакли мосвалик актёрларнинг овозлари ёзилган тасмага таянгани, ижрочиларнинг қўғирчоқларни механик тарзда ҳаракатга келтириш билангина банд бўлганлари сабабли ишонарли чиқмади. Ҳатто В.Акудиннинг ифодали декорацияси ва характерли қўғирчоқлари ҳам спектаклни маълумиятдан асраб қололмади.

1993 йили театрга Шомурод Юсупов бош режиссёр этиб тайинланди. У сахналаштирган биринчи спектакл — Е.Сперанскийнинг «Бахт ахтарган Ҳасан» асари (У.Саидов таржимаси) биланоқ жамоатчилик эътиборига тушди. Спектаклга композитор А.Икромов

махсус мусика басталади. Рассом В. Акудин режиссёр ечимидан келиб чиқиб, воқеаларни бутун сахна бўйлаб жойлаштирди. Томошани яркироқ шарқона либосларда икки бошловчи бошлайди. Сўнг ҳаракатланувчи сахнада декорация қисмлари пайдо бўлади. Хуллас, режиссёрнинг ифодали талқини, композиторнинг таъсирли мусикаси, рассомнинг ранг-баранг безаклари ва кўғирчоқлари, актёрларнинг мафтункор ижролари бир-бирини тўлдириб, Ҳасаннинг унга жуда-жуда ўхшаб кетувчи қароқчи Алининг ҳийла-найрангларига қарамай, соф туйғуларини сақлаб қолиши ва пировардида севгилиси Шохсанам висолига етишиши воқеаларини мароқли акс эттиради. Ҳасан (А.Мирзағиёсов), малика Шохсанам (Л.Валиева), Али (О.Отабоев) образлари тўлақонли гавдаланган. Рассом қаҳрамонлар ва бошқа персонажлар киёфаларини умумлашма тарзда яратгани сабабли уларнинг оғизлари ҳаракатланмайди.

1994 йилда актриса Шохида Комилова Ю.Елисеевнинг «Сэмбо» асарини сахналаштирган бўлса-да, театрнинг бадий киёфаси ва йўлини Ш.Юсупов сахналаштирган асарлар белгилади. Чунончи, «Минг бир кеча» асосида ёзилган «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи» спектакли (Ғ.Имонбердиев асари) ҳам Ш.Юсуповнинг, ҳам театр жамоасининг бор имкониятларини намойиш этди. Унда театр сахнасининг ҳамма томонлари ишга солинди, эффектларга, «жонли» чиқишларга катта эътибор берилди. Бу ўринда рассом В.Акудиннинг хизмати алоҳида таъкидлаш керак. Композитор А.Икромовнинг махсус мусикаси спектаклга романтик рух бағишлаб, ҳам ижрочи актёрларни, ҳам томошабинларни илҳомлантирди. Ш.Комилова (Султон), Ф.Ҳўжаев (Дев), А.Мирзағиёсов (Жаъфар), А.Отабоев (Оловуддин), А.Маҳкамова (Жасмин), Ғ.Назарова (Тўти), К.Жабборов (Маймун Абу), Ш.Жабборов (Фолбин) каби актёрлар эхтирос билан ўйнаб, ҳар бири ўз қаҳрамонининг энг муҳим жиҳатларини таъкидлаб кўрсатди.

Режиссёр Ш.Юсуповнинг анъанавий театр турларини замонавий сахнада тиклаш борасидаги уринишлари эътиборли бўлди. Илк бор Бухоро театрида сахналаштирилган «Чодир жамол» спектаклини Тошкентда ҳам тиклади. Унда олти татаффул кўрсатилади. Уч паранжи ортидан уч доирачи чиқиб, доира чалишда мусобақа қилишади. Кейин чачвон кўтарилиб, кўтаринки кайфиятда Качал полвон кўриши ва корфармон (Ш.Жабборов) билан му-

лоқотга киришади. Анъанавий сюжет ишланиб бойитилган: Качал полвонни ҳо Бичахон ташлаб кетган бўлади, кейин яради, тўй бўлади, тўйда Качал кўп мева кўйиб, қорни оғриб қолади, хитой табиблиб уни даволайди; Качал полвон қозиндаб, тарвуз сотади ва ҳоказо. Спектакл «Чодир жамол» деб аталган бўлса-да, баъзи воқеалар иплар ёрдамида ҳаракатга тирилувчи «Чодир ҳаёл» ва соя тебўлмиш «Фонус ҳаёл» воситаларидан фойдаланилганини кўрамиз.

1997 йилда В.Павловскининг «Н бола» (Ғ.Имонбердиев таржимаси), Н.матов ва Ш.Юсуповнинг япон эртаги асёзган «Иссу́мбоси» асарлари ҳам яхши ий савияда сахналаштирилди. Айниқса, сумбоси» спектакли театрнинг кашфиёт фатида жаранглади. Воқеалар кунчиқарлакати — Японияда бўлиб ўтади. Фајтирноғига зор чолу кампир худодан бўлайдилар. Куёш уларга миттигина Иссу́сини ҳадя этади. Иссу́мбоси ақли, мардқо, хушчакчақ бўлиб ўсади. Қора, ҚЯшил иблислар унинг йўлида ҳар хил ноқлар уюштириб, жигига тегадилар. Идовюрак Иссу́мбоси уларни енгади ва Хонако висолига етишади. Спектакль Ддошева таржимасида дастлаб рус тўйналган. 2000 йилда ўзбек тилида кўрсди. Муниса Эгамназарова Иссу́мбоси оғни яратди. У Иссу́мбосининг довиюракли шўхлигига урғу берди. К.Исомова (Қам А.Дехқонбев (Чол, Қизил иблис), Қ.борова (Хонако) ва бошқаларнинг ижрҳам томошабинлар эътиборини қозонди.

Аммо 90-йилларнинг иккинчи ярми кент кўғирчоқ театри учун осон бўлмади зи истеъдодли артистлар бошқа соҳаларгакетишди. Бироз вақт (1998-1999 йиллар режиссёр Ш.Юсупов театрдан узокди. Рассом В.Акудин нафақага чиқди. Ш.учун театр кўп ҳолларда эски спектаклтиклаш билан қаноатланди. Чунончи, «Н бола», «Қор маликаси», «Фотиманинг заштлари», «Оловуддиннинг сеҳрли чиқ» «Ғозча» қайта-қайта тикланган.

Тошкент театрининг сўнгги йилларда ган янги спектаклларида «Алпомиш» нининг 1000 йиллигига бағишланган би «Қанотли одамлар» спектаклини кўрмумкин. Зеро, мазкур сахна асари ўз баркамоллиги, мазмунан теранлиги била хида ажралиб туради. Унга Нозим Т.жаевнинг мультфильмга мўлжалланган

нарийси (сахна нухаси ўзбек тилида Ф.Жўраев томонидан тайёрланган) асос қилиб олинган. Маълумки, дoston ҳажми катта бўлиб, бир дунё воқеаларни ўз ичига олади. Шунинг назарга тутган муаллиф ва сахна нухасини яратувчи таржимон кўп мавзулардан воз кечиb, Алпомиш билан Ойбарчин муҳаббати ва бу йўлда уларнинг бошига тушган савдолар, улар олиб борган кураш мавзусини ёритади. Саҳналаштирувчи режиссёр Бекбулат Пармонов, рассом Бобур Исмоилов ҳам шу йўлдан бориб, спектаклда ўз муҳаббати ва Ватани озодлиги учун курашган Алпомиш билан Ойбарчиннинг бамисоли қанот чиқариб учган, яъни маънан ва руҳан юксакликка кўтарилган буюк инсонлар қиёфасида гавдалантиришга ҳаракат қилишган.

Мустақиллик даврида бир неча янги давлат кўғирчоқ театрлари ва ўнлаб театр-студиялари ва ҳаваскорлик кўғирчоқ гуруҳлари иш бошлади. Қорақалпоғистон давлат кўғирчоқ театри 1990 йил 27 февралда, Фарғона вилоят кўғирчоқ театри 1993 йил 1 мартда, Хоразм вилоят кўғирчоқ театри Хива шаҳрида 1993 йил 14 майда иш бошлади. 1994 йилда Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театри қоши-

да очилган кўғирчоқ театри эндиликда мустақил фаолият кўрсатмоқда. Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти ҳамда Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти театрлари қошида ҳам кўғирчоқбозлар дасталари иш бошлаган.

Вилоят кўғирчоқ театрларининг фаолиятлари ҳам бир текис ва равон бўлгани йўқ. Бозор иқтисоди шароитларига ўрганиш оғир кечмоқда. Имкониятлар, шароитлар ҳам турлича. Андижон, Бухоро кўғирчоқ театрларининг махсус бинолари бор. Самарқанд кўғирчоқ театрига яқинда Ўзбекистон халқ артисти марҳум Асрор Жўраев номи ва неча ўн йиллар Х.Олимжон номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театри ишлаган тарихий бино берилди. Хива кўғирчоқ театри биноси таъмирланди. Фарғона кўғирчоқ театри эса биносиз, вақтинча ҳарбий гарнизон клубини ижарага олиб ишлаб турибди. Жиззах кўғирчоқ театри жамоаси ҳам ўз биноси бўлмагани сабабли ишида салмоқ ва қўним йўқ. Албатта, гап фақат бинода эмас. Биноси бор театрларда ҳам баъзан хотиржамлик, боқимандалик, ўзибўларчилик кайфиятларини кўрамыз. Аксар театрлар кўғирчоқлар ясовчи устахоналарга эга эмас. Дам-бадам уларнинг Тошкент театри рассомлари ва кўғирчоқсоз усталарига мурожаат қилишлари шундан. Актёрлар ва бошқа сахна ижодкорларининг қўнимсизлиги кузатилмоқда.

Аммо шунга қарамасдан, вилоят кўғирчоқ театрларида ҳам турли мавзуларда янги спектакллар яратилмоқда, ижодий изланишлар олиб борилмоқда, саҳнавий талқинларда рангбаранг оқимлар ва йўналишлар кўзга тобора яққолроқ ташланмоқда.

Мазкур театрлар орасида Фарғона кўғирчоқ театри жамоаси ўз ижодий ишлари савияси ва самарасига кўра алоҳида ажралиб туради. Бунинг боиси театрга истеъдодли режиссёр Ҳабибулла Ҳақимовнинг раҳбарлик қилиб келаётганидир. «Уч апелсин» (И.Калвино асари) спектакли билан иш бошлаган мазкур театр етти йил ичида «Исқирт ўрдакча», «Қишки эртақ», «Кицик, Мицик ва масҳарабоз амаки», «Минг бир кеча», «Алпомиш» каби бир қатор спектакллар яратиб, Фарғона вилоятида эътиборли ижодий жамоа сифатида кўзга ташланиб қолди.

Фарғона театрининг «Алпомиш» (Жўра Маҳмуд асари) спектакли 2000 йилда Самарқандда ўтган кўрик-танловда биринчи ўринни олган экан, бунда рассом В.Акудиннинг хизмати салмоқлидир. Рассом режиссёр Ш.Юсу-



Республика кўғирчоқ театри. «Алпомиш» спектакли. 2000.

пов билан бирга асарни қахрамонона-романтик томоша сифатида талқин этади. Бунга ок, мовий, пушти ранглардан фойдаланиш, Алпомишнинг оти Бойчиборни учқур қилиб кўрсатиш, ҳавода турналар галасининг учиб ўтишини ажиб бир нафосат билан акс эттириш орқали эришилган. Ватанпарварлик воясига, баходирлик ва қахрамонлик намоишига урғу берилган бўлиб, бунда албатта актёрлардан Солижон Ҳақимов (Алпомиш), Сусанна Тайёрова (Барчиной), Барот Икромов (Қоражон), Қаҳҳор Толипов (Қўқалдош), Меҳри Ҳақимова (Сурхайл)ларнинг улуши катта. Спектакл композитор А.Икромовнинг ифодали мусиқаси жўрлигида боргани, ўрни-ўрнида Барчиной ва Қалдирчоннинг куйлаши ҳам спектаклга майинлик бағишлаган. Ниҳоят, спектаклнинг бадиий жиҳатдан эътиборли қикишида қўғирчоқларни ясаган уста Венера Сагадеевнинг ҳиссасини ҳам унутмаслик керак.

Вилоят театрларида ҳам халқ ижодига, анъанавий қўғирчоқ театри услуби ва воситаларига кизиқиш, бир текис бўлмаса-да, жиддий тус олаётгани эътиборга молик. Бухоро ва Тошкент театрларининг «Чодир жамол», Хива театрининг «Афанди ҳангомалари», Жиззах театрининг «Томошада томоша» (1993), Андижон «Лола» театрининг «Бор экану йўқ экан...» (2000) спектакллари бунга мисол бўла олади. Анъаналарни тиклаш борасидаги энг зўр спектакл — бу шубҳасиз, Жиззах театрининг «Томошада томоша»сидир. Режиссёр А.Ҳўжаев ва актёрлар астойдил меҳнат қилишган. Унда қўғирчоқ ўйини билан Насриддин Афанди образи ва халқ сайили бирлаштирилган. Саҳнада шотиси кўтарилган арава, орқада мадраса кўриниши, олдинда майдон. Жарчилар, исирик тутатувчи, чўпоёқ ўйнатувчи, ҳазил-мutoйиба, кураш лавҳалари бир-бир ўтади.

Афсуски, Жиззах театри мана шу даражани, изланиш гуйғусини, кашф этилган услубни изчил давом эттира олмади. Анъаналарни ривожлантиришда Жиззах театри ўрнини Андижон театри эгаллади. Масқур театрининг «Бор экану йўқ экан, чулу кампир бўлган экан» (Э.Жусупалиев асари) номли спектакли анъанавий «чодир жамол» услубида тайёрланган. Фарқи шундаки, қўғирчоқбознинг ўзига кийиб ишлатадиган чодир битта эмас, иккита бўлиб, уларнинг ёна-ён келиши, бирининг орқасига иккинчисининг ўтиши, баланд-паст бўлиб туриши орқали ранг-баранглик, томошавийлик юзага келган. Бошловчи

(яъни корфармон, бу ролни Р.Чўққиев бажарган) жарчилик қилиб, чилдирма чалиб томошани бошлайди. Икки чодирга кириб олган икки актёр — К.Парпиев билан К.Қосимов ҳар бири иккитадан тўртта қўғирчоқ овоз бериб, уларни ҳаракатга келтириб, ҳаёдан олинган воқеаларнинг бутун бир силсиласини ҳаққоний акс эттирадилар Полвон Қачал саргузаштларидан ҳикоя қилувчи анъанавий қўғирчоқ театри комедияси янгича, бойи-тиб таҳлил қилинган.

Шуни унутмаслик керакки, қўғирчоқ театрида ҳаммасини қўғирчоқ ҳал қилади. Шундан боисдан жонли қиёфаларда кўринишлар метёрида бўлиши лозим. Бизнингча, баъзи театрларда шу меъёр бузилгандай. Самарқанд театрида шундай ҳол кузатилади. «Манқур ҳақида қисса» (Ч.Айтматов оҳанглари асосида Исфандиёр сценарийси, режиссёр В.Г.Қамошев, 1993 йил) спектаклида воқеалар рамаана катта саҳнада кўрсатилиб, актёрлар қўғирчоқларни босиб кетган, натижада драмадай бўлиб қолган эди. Аммо актёрлар ролларда кўрингани сабабли саҳнани гўё арвоҳлар эгаллагандай тасаввур ҳосил бўларди. Театрнинг «Қўғирчоқсоз ва қўғирчоқбозлар томошаси» ҳам (2000 йил) топиламаларга бой, ижро даражаси юксак бўлса-да, асақаҳрамони Шохиста, ўғай она Жавра буви ва унинг тантиқ қизи Чоқимчаҳоннинг жонли ўйинида саҳна олдида кўринишлари чодирдаги кўринишларини босиб кетгани сезилди. Аммо масқур спектаклда Юлдуз Злоянова (Чоқимчаҳон), Жамила Мардонова (Жаврабуви)нинг ҳам жонли қиёфаларда, ҳам қўғирчоқларни бошқаришдаги маҳоратига, бўрттирма оҳанглари таҳсинга лойиқ. Мунира Истадова эса Шохистанинг мунислиги, содда ва самимийлигини таъсирли ифода қилиб, томошабин эътиборини қозонди.

Умуман, қўғирчоқ театрларида қуйидаги тенденциялар мавжуд:

Биринчидан, қўғирчоқ театрларимиз барчатаркибий қисмларда (чодирлар, қўғирчоқларнинг ясалиши ва ўйналишида, ижрочилик, мушиқада, «жонли» ижрочининг қўғирчоқлар билан мулоқотида, жанр шаклларида) ранг-барангликка интиломқдалар. Бир қолипдаги шаклларни бузиб, қўғирчоқлар чодирда ташқарига чиқиш ва пешсаҳнани, қанотларни эгаллаб, томошабинларга тобора яқинлашибориш майли кузатилмоқда. Бу режиссуранинг изланишлар йўлидан бораётганидан далолат беради.

Барча театрларда анъанавий чодирларни



Республика қўғирчоқ театри.
Спектаклдан сахна.

тарк этиб, актёрларнинг ўз қиёфаларида қўри-нишга интилишлари кучли. Бу даврда ижро-чилари чодир ортида қолиб кетган спектакл-лар кам учради. Айниқса, бошловчиларни, доирачи ёки чолғу дастасини пешсаҳнада «жонли» қиёфаларда ишлатиш, базм қўри-нишлари, кураш, раққосаларнинг ўйинлари-ни чодир олди ёки бевосита томоша залида кўрсатиш, персонажлардан баъзиларини одам шаклида, лекин юзига ниқоб тортиган ҳолда гавдалантириш, баъзан қаҳрамонларни ҳам жонли, ҳам қўғирчоқ қиёфаларида кўрсатиш, актёрларнинг ок ёки қора ридо кийиб, томо-шабинга қўринган ҳолда қўғирчоқларни ҳара-катга келтиришлари каби усуллар дам-бадам ишлатилади.

Иккинчидан, қўғирчоқ театри сахналари-да рассомларнинг овози тобора баралла ян-грай бошлади. Тўғри, бунда рассомнинг ўрни илгари ҳам катта бўлган. Аммо мустақил-лик даврида у — Тошкент театридагина эмас, вилоятларда ҳам постановкachi режис-сёр билан тенг, баъзан ҳатто етакчи мавқе-га эга бўла бошлади. 90-йилларнинг бошла-рида ёлғиз В.Акудин бу соҳада сардорлик қилган бўлса, бугунги кунда қўғирчоқ те-атр табиитини яхши сезган Николай Султо-нов, Сергей Седухин, Солий Қодиров, Сер-гей Жабоедов каби рассомлар унинг қато-ридан ўрин олмоқда. Венъямин Акудин гар-чи нафақага чиқиб эркин ижодкор рассом сифатида ижод қилаётган бўлса-да, қўғир-чоқ театрини тарк этгани йўқ. Режиссёр Ш.Юсупов билан ҳамкорликда яратилган «Бахт ахтарган Ҳасан», «Исумбоси», «Оло-вуддиннинг сеҳрли чироғи» (Тошкент теат-ри), «Алпомиш» (Фарғона театри) спектакл-ларида В.Акудиннинг асарлар мазмунидан

келиб чиқиб, хилма-хил ўйин майдонлари яратиш, декорация ва қўғирчоқларнинг қиёфалари ва тузилишида ранг-барангликка, умуман образли ечимга интилишини қўри-шимиз мумкин. Унинг тасвирида ҳар бир қўриниш маълум воқеа ўрнини белгилаш-дан ташқари рангтасвир асари мазмунига эга бўлади. Қўғирчоқларни рассомлар ўйлага-нидек ифодали, образли ва ишлатишга қулай қилиб яшашда ҳамон рассом В.Сагадеева етакчилик қилмоқда. 2000 йилги Самарқанд фестивалида унинг режиссёр Ш.Юсупов, композитор А.Икромов, рассомлар В.Аку-дин ва С.Седухин билан бирга «Алпомиш» (Андижон), «Исумбоси» (Тошкент), «Қуёш нури» (Қашқадарё) спектаклларида ишлаган қўғирчоқлари учун совриндор бўлиши бе-жиз эмас.

Мамлакатимиз доирасида ўтказиб кели-наётган фестиваллар ҳам қўғирчоқ театри-ни ривожлантиришга туртки берувчи манба-лардандир. Мустақиллик йилларида Самар-қандда (1991), Андижонда (1993), Тошкент-да (1995) ва нихоят яна Самарқандда (2000) ўтказилган III, IV, V, VI республика қўғир-чоқ театрлари анжуманлари мазкур соҳа ижодкорлари ва жажжи томошабинлар учун чинакам байрамга айланди. Гарчи мазкур анжуманлар мамлакат доирасидаги қўрик-танлов мақомига эга бўлса-да, ҳар гал унда узоқ ва яқин мамлакатлардан ҳам баъзи ижодий жамоалар ва атоқли санъаткорлар таширф буюришади. Чунончи, Самарқанд фестивалида (1991) канадалик ва қозғистон-лик қўғирчоқбозлар, Андижон фестива-лида Туркиядан анъанавий «Қарағёз» теат-ри, Ўш қўғирчоқ театри, Тошкент фестива-лида эса Нижний Новгород (Россия), Ал-мати, Октепа (Қозғистон), Бишкек, Қизил-кия (Қирғизистон) театрлари ўз спектакл-лари билан қатнашдилар. Бир-бирларининг спектакллари қўриш, муҳокамалар, меҳ-нат жамоалари ва ўқув юртларидаги учра-шувлар, томошабинлар билан мулоқотлар, ўзаро суҳбатлар фестивалларнинг қатнаш-чилари ва меҳмонларида унутилмас таассу-ротлар қолдириб, уларни янги ижодий иш-ларга отлантиргани шубҳасиз.

Театр жамоалари имкони борица санъат-лари, эришган ютуқларини ўз томошабинла-рига кўрсатиш билан чекланиб қолмай, бош-ка томошабинларга, шу жумладан хорижий юртларда ҳам намойиш этишга интилмоқда.

Шу жиҳатдан Республика қўғирчоқ теат-рининг фаолияти эътиборлидир. Театр Тур-

киянинг Бурса шахрида ўтган «Карагёз» фестивалида «Карвонсарой» спектакли билан (1994, 3–4 октябрь), Покистоннинг Лаҳор шахрида қарор топган анъанавий халқаро фестивалда «Фотиманинг саргузаштлари» спектакли билан (1994, 3–24 октябрь) қатнашди. Томошалар турк ва урду тилларида намоёиш этилди. Мазкур театр 1996 йил Лаҳор фестивалида ўзининг «Чодир жамол» спектакли билан қатнашди. Бундан ташқари, Республика Қўғирчоқ театри АҚШ ва Германиянинг турли шаҳарларида ҳам «Чодир жамол» спектакллари намоёиш этиб, яхши баҳо олди.

Умуман олганда, қўғирчоқ театрларимизнинг салоҳияти ва имкониятлари катта. Улар ҳар қандай тараққий этган ҳорижий мамла-

катда ҳам ўз санъатларини қўз-қўз қилишга қодир. Бинобарин, бу йўлда дастлабки қадамлар ташланган, ҳолос. Асосий ишлар ҳали олдинда.

Қўғирчоқ театрлари авваламбор жажжи болаларга хизмат қилади, албатта. Бирок айни чоқда бу санъат ўспиринларга, ёшларга ва ҳатто катта ёшдаги томошабинларга хизмат қилишини ҳам унутмаслик керак.

Шунингдек, репертуарни ташкил қилиш, миллий асарлар салмоғини ошириш ва савиясини кўтариш, спектаклларнинг миллий ўзига хос хусусиятларини янада кучайтириш, жамоаларда барқарорлик, ижодий изланиш муҳитини яратиш театрлар, уларнинг бадий раҳбарлари ва режиссёрлари олдида турган вазифалардандир.

СЦЕНОГРАФИЯ

Ўзбекистон сценография соҳасининг ривожланишидаги муҳим силжишлар 1990 йилларга келиб яққол намоён бўлди. Тарихга мурожаат этиш, халқ урф одатларидан кенг фойдаланиш, «замонавий спектакль» тушунчасини чуқурроқ англаш сценография соҳасига янги вазифаларни қўйиш билан биргаликда, сахнада замон муҳитини яратиш ва бу борадаги масалаларни ҳал этишдаги мавжуд қоидаларга ўзгартириш киритиш, янги тамоийилларни вужудга келишига олиб келди. Маълумки, расом спектаклнинг бадий яхлитлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Вақт ўтгани сайин театр санъатида расом ва режиссёрнинг ўзаро ҳамкорликлари тобора жипслашиб, расом спектаклнинг ҳаммуаллифига айланиб бормокда.

1991–2001 йилларда Г. Брим, А. Жибоедов, А. Михайличенко каби тажрибали сахна усталари фаол ижод қилдилар. Айнан мана шу вақтда театрларга Б. Тўраев, Д. Ражапов, В. Мазитов, Ж. Абдумаликов, З. Ботиров, Б. Исмоилов каби ёш расомлар ҳам дадил кириб кела бошладилар. Театр расомини маълум маънода ҳам меъмор, ҳам маҳобатли рангтасвир устаси, ҳам ҳайкалтарош деб аташ мумкин, чунки у ўз ижодида ушбу санъат турларининг ҳаммасини жамлай билади. Нафис ифодавийликнинг барча воситаларини эгаллаган ва таърифлай олган театр расом-

лари декорация санъатининг ривожланишидаги янги йўналишларни қидиришда ва шакллантиришда давом этмокдалар.

Ўзбек театрининг ривожланишида тарихий спектакллар мавзуси алоҳида қатламни ташкил этади. Ўрта Осиё илмий ва бадий тафаккури ривожидида муҳим ўрин тутган тарихий шахслар, буюк давлат арбобларига нисбатан янгича нигоҳ 80-йиллардаёқ режиссёр Б. Йўлдошев ва расом Г. Брим ҳамкорлигидаги яратилган постановкаларда шаклланган эди. «Юлдузли тунлар», «Зебинисо», «Нодирабегим», «Искандар» ва бошқа бир қатор спектакллар ўзбек театр санъатининг «олтин сарҳад»ларидан жой олдилар. «Янгича нигоҳ» тушунчасида факатгина тарихий спектаклларнинг режиссёрлик изланишларига Б. Йўлдошевнинг инқилобий ғоялари эмас, балки бу пьесаларнинг тасвирий ечимига янгича шартли ёндошиш ҳам назарда тутилади. Расом Г. Брим академик театрларга хос бўлган тарихий спектаклларни безатишда ўрин олган ўта дабдабалилик ва юзакиликдан қочиб, режиссёр кўтарган ғояга сахнавий ечимни бўйсундиришга, ҳамда илк маротаба сахнавий ечимни фалсафа даражасига кўтаришга эришади. Айнан, А. Навоий асари асосида сахналаштирилган «Искандар» спектаклида барча мақсад ва безакларни ягона образда жамлаган Г. Брим, сахнада ибодатхона муҳитини яратади.

Бу ибодатхонада турли динларнинг бир вақтда намоён бўлиши, маданиятларнинг ўзаро уйғунлашувидан далолат беради.

90-йилларда Ўзбекистон театрларида ундан ортик буюк тарихий шахсларнинг ҳаётини акс эттирувчи спектакллар сахналаштирилди. «Алишер Навоий» (реж. Т. Азизов, рассом А. Жибоедов, 1991 й.), «Сохибқирон», «Пири коинот» (реж. В. Умаров, рассом Б. Тўраев, 1996—1997 й.) спектакллари шулар жумласидандир. Фарғона Драма театрида сахнага қўйилган «Амир Темур» (реж. М. Юсупов, рассом Ш. Абдумаликов, 1996 й.) спектаклининг сахнавий безаги янги, ўзига хос услубда намоён бўлди. Бу спектакл режиссурасига хос ғоявий ёндошув — турли хил театрлар анъаналарига хос қонуниятларни, яъни шекспирона театр билан анъанавий ўзбек масхара театри унсурларини уйғунлаштиришга уринишдир. Ҳикоячи ўрнида масхарабоз сахнага чиқади ва иштирок этаётган персонажлар, яъни ёғоч қўғирчоқлар ёрдамида чапдастлик билан ўзини гўё бош қахрамонга таққослагандек бўлади. Амир Темурнинг қахрамонликларини шунчаки шархлаш ўрнига, режиссёр буюк саркарданинг қарама-қаршиликларга бой ички дунёсини чуқурроқ очиб бериш мақсадини илгари суради. Буюк Амир Темурнинг муқаддас мақсад йўлидаги қурбонликлар бериш ҳақидаги ўйлари, унинг ўзи билан ички кураши спектаклнинг бадийй туқимасига сингдириб юборилган.

Рус ёш томошабинлар театрида 1997 йилда «Умар Ҳайёмнинг «Юлдуз туркумлари» (Т. Зулфиқоров, реж. Н. Раҳмонов, рассом И. Гуленко) спектакли сахналаштирилди. Шарқнинг буюк алломаси ва файласуфининг нозик нафосатга бой шеърляти ҳамда, Т. Зулфиқоровнинг ўзига хос шоирона тили ушбу сахна асарига алоҳида оҳангдорлик ва жозиба бағишлади. Пьесанинг асоси шарқнинг энг романтик шоирининг сўнги кунлари ҳақидаги афсонага асосланган. Ҳаёлида бутун ҳаётини «жонлантирган» шоир абадиёт олдида мавжудлиқнинг бебаҳо нъмат эканини англаб етади. Бинобарин, рассом И. Гуленко пьесанинг руҳини, Н. Абдурахмонов танлаган драматургия ва режиссёрлик ечимини аниқ ифодалаган. Бир қарашда жўн, оддий безатилган сахна спектакл жараёнида турли рамзий белгилар ва ёрликлар билан пьесани тўлдириб, бойитиб борди. Сахна мараказида қандайдир арқини ёслатувчи дарбозалар, рамзий кириб чиқиш жойлари қурилган. Инсон мана шу дарбозаларнинг биридан ҳаётга кириб келади.

Спектакл мазмунининг очилишида турли пластик ифодавийлик воситалари бўлган костюмлар, хореография, нур ва соядан фойдаланилган.

Спектаклда сахна билан зал, томошабин ва актёр ўртасидаги ўзаро узвийликни топиш муаммосининг ажойиб ечими топилган. Бундай тажрибалардан бири «очик осмон остидаги театр»ни яратишдир. Анъанавий ўзбек майдон театрининг замонавий драматургия билан бирикиши «Майсаранинг иши» спектаклида (А. Ҳидоятлов театрида, реж. Б. Йўлдошев, реж. Г. Брим, 1988 й.) ўзгача «санок нуктаси»ни ўтади.

Спектакл одатдаги театр сахнасида эмас, балки театр биноси олдидаги майдонда ижро этилди. Спектаклнинг сценографияси масхарабозлар майдон театри билан чамбарчас боғланиб кетади. Майдон гилам ва анъанавий сўзаналар билан безатилган бўлиб, парда ўрнига дорбозларнинг бўялган дор устунларининг ўрнатилиши, спектаклнинг сахнавий ечимини цирк томошаларига яқинлаштиради. Спектаклнинг сценографиясидаги яна бир муваффақиятли унсурлардан бири миллий матолар ёрдамида кўп сонли чиқиш ва киришларни ифода этишдир. Улар пьесанинг қизиқарли сюжетини алоҳида таъкидлаб боради. Шу билан бирга, юзаки чизилган декорациялар, Худоёрхон, қози ва мулла каби қахрамонларнинг қоғоздаги тасвирлари, персонажларнинг кўзга ташланувчи грим ва либослари ўзига хос сахна образларини яратиш билан бирга, комедиянинг ғоясини ойдинлаштирган.

90 йилларга келиб Ўзбекистон сценографияси театр безаги санъатининг турли босқичдаги тажрибаларига мурожаат қилди. Замонавий теар сахналарида аён воқеликни ифодалаш кўпроқ 40—60-йилларга хос ҳаёлий-рангтасвир ечимлар орқали намоён бўлмоқда. Ушбу тамойиллар мусиқали театрларнинг спектакллари билан безадида қўлланади. Масалан, А. Навоий номидаги опера ва балет театридаги постановкалар XIX асрларга оид рус театр безаги санъати анъаналари асосида сахналаштирилган. Шу билан бирга, театр постановкаларида анъанавий сахна безаклари билан янги ечимларнинг уйғунлашуви яққол кўзга ташланади. Айнан 1998 йилда Ҳамза номидаги драма театрида В. Шекспир асари асосида сахналаштирилган «Қирол Лир» (реж. А. Каприелов, рассом Б. Исмоилов) спектаклида Шарқ ва Ғарб классика ва замонавийлик анъаналарининг уйғунлашувини кузатамиз.

Саҳна сатҳи ҳар доим ҳам маълум тарихий даврнинг аниқ хусусиятларини акс эттиравермайди. Рассомнинг асосий вазифаси муқобил муҳит яратишдан иборатдир. Бундай рамзий-ассоциатив ёндашув «Илҳом» театрининг «Кломадеус» (реж. М. Вайль, рассом Г. Брим, 1991 й.) спектаклида кўзга ташланади. Мазкур спектакл ҳаёт фалсафаси мавзусига бағишланган бўлиб, буффонада, понтими ва фарс унсурларидан ташкил топган. Аниқ сюжет ривож кузатишмайди, унда мақом ва замон тушунчалари мавжумдир. Саҳна мавжуд воқеликнинг акс инъоси таассуротини берувчи қора баҳмал тортилган хона кўринишида ҳал этилган. Нотўғри шаклдаги ром ва эшик 20-йиллар конструктив рангтавирини ёдга солади. Бу ерда ҳар бир унсур ўз рамзий маъносига эга: стол-тобут, жомадон-вокзал шулар жумласидандир.

90-йиллар сахнанавислигида фактурали асос кенг расм бўлди. Рассомлар турли ашёлардан — ёғоч, металл, қанор матоларидан

унумли фойдаландилар. Шунга кўра чизилган декорациялардан воз кечиш тамойиллари сезила бошлади.

Сўнгги ўн йиллик сахнанавислиги ривожда яна бир қирра — сахна ва томошабинлар залининг яхлит томоша майдонига айлануви кўзга ташланди. Бундай тажрибалар спектаклнинг бадиий беағида ва сахнанависликда янги хусусиятларини кашф этди. «Рўйхатларда йўқ» (реж. Б. Йўлдошев, рассом Г. Брим), «Муҳаммад, Мамед, Мамиш», «Ўрдақ ови» (реж. М. Вайль, рассом Г. Брим) спектакллари шу йўсинда сахналаштирилган. Шунингдек, 90-йиллар сахнанавислигида спектаклнинг театрлашуви, «театр ичида театр» услуби ҳам кенг қўлланилди. Маҳобатли декорациялар, маиший предметлар шаклига хос жўнлик, ифоданинг шартлилиги бу услубнинг асосий белгиларини ташкил этади.

Г. Бримнинг шоғирди Ш. Абдумаликов ўз устози яратган мактаб анъаналарини давом эттираётган театр рассомларидандир. У на-



Ш. Абдумаликов. «Оқ, оппоқ, қора лайлақлар» спектакли декорациялари эскизи. «Илҳом» театри. 1998.

ган. Раққосаларнинг эгниларидаги зар тикилган кенг кўйлақлар, қасавали бош кийимлари, ялтироқ рўмоллар, уларнинг чирманда ва қайроқларда берган усуллари, айниқса, бири-бирига чатишиб кетган ва секин-аста жадалланиб борадиган, қандай бошланган бўлса, шундай ҳолатга тушадиган даромад (ўйин боши) ва биродами (ўйин охири), ашула ва рақслари чиндан-да эхтиросли ва антикадир.

80—90-йилларда режиссёр Ҳолик Хурсанов, муסיқа раҳбари Ҳабиб Умаров бошчилигида «Бойсун» ансамбли Наврўзга алоқадор туркум маросим, қўшиқ, ўйин, айтишувларнинг, қадимий «Суст хотин», «Яда», «Лола» сайли, «Ҳалинчак», «Шохмойлар» (қўшчи қўшиғи), «Хўп майда» (бугдой янчиш) каби театрлашган халқ маросимларини, «Судхўр акам жон беради» номли масҳара ўйинни, уйланиш маросими билан боғлиқ урфодатлар ва ўйинларни тиклаб, уларга янги ҳаёт бағишлади.

«Чавки» (Самарқанд вилояти, Булунғур тумани) фольклор-этнографик ансамбли ўз фаолиятини қадимий «Қарсак ўйин» туркумининг «Беш қарсак» йўналишида олиб бориб, халқ орасида яшаб келган кўпдан кўп термалар, пластик ва рақс ҳаракатларини сахнага олиб чиқди. Нукул эр-йигитлардан ташкил топган ва қарсаклар билан ўзларига ўзлари усул берувчи мазкур ансамбл фольклор-этнографик жамоалар орасида ўзига хослиги билан яққол ажралиб туради. Сўнгги йилларда «Чавки» ансамбли репертуаридан «Беш қарсак» ўйинлари билан бирга чорвадорликка тааллуқли анъанавий «Пода тўп», «Говмиш» сингари ўйин, терма ва қўшиқлар ҳам ўрин олмоқда¹.

Қўшнай, буламон, сурнай ва қайроқлар жўрлигида ўиналадиган оташнафас ва ўиноки, гоҳ майин, гоҳ жўшқин, гоҳ кулгили Хоразм рақслари ҳам услуби, ҳам ижрочилик хусусиятларига қўра ҳамон энг ноёб ва яшовчан маънавий-эстетик ҳодиса бўлиб, ўзбек халқ рақси маданиятида етакчи ўринлардан бирини ишғол қилиб келади. Бу жараёнда фольклор-этнографик ансамбллариининг хиссаси катта. Хоразмнинг «Достон» (Хива), «Наврўз» (Гурлан), «Қалдирғоч» (Богот), «Оразу» (Қўшқўпир) ва бошқа ансамбллари «Норим-норим», «Юз бир», «Уфори», «Уфори бузрук», «Оразибон» рақсларини ва ўнлаб рақсларни ўз ичига олган «Лазги» туркумини тиклашдаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

Аммо анъаналарни тиклаш ва ривожлантириш барча халқ ансамблларида бир ҳилда изчил ва кўнгилдагидай олиб борилди, деб айтиш қийин. Зеро, бу масала бадий раҳбарларнинг билимдонлиги, ижодий изланишларига боғлиқ. Лекин қандай бўлмасин, Тошкент шахрида қарор топган «Баҳор», «Лазги», «Зарафшон» каби давлат ансамблларида Фарғона, Хоразм ва Бухоро ижро услублари қоришиб кетаётган, ансамбллар ўз манбалари — халқ ижодиётидан узоқлашиб бораётган, эр-йигитлар рақси инқирозга юз тута бошлаган бир пайтда вилоятлардаги халқ ансамбллариининг анъаналарни қайта тиклаш ва ривожлантириш борасидаги фаолияти ибратли бўлди.

Истиклол йилларида турли даражаларда ўтказилган фестиваллар, кўрик-танловлар ҳам рақс санъатини ривожлантиришга туртки берди. Айниқса, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, «Шарқ тароналари» фестивали, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги, Амир Темури, Жалолитдин Мангуберди юбилейлари муносабати билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз шаҳарларининг бош майдонларида ўтказилган театрлашган байрам томошалари умуман рақс санъатининг ривожини учун, қолаверса, халқ ва профессионал ансамбллариининг юзлаб артистлари ва балетмейстерлари учун катта аҳамият касб этди.

90-йилларнинг аввали ва ўрталарида профессионал рақс санъатида ижобий тенденциялар ҳам кўзга ташланди, албатта. Бири Уста Олим Комилов билан Тамарахоним томонидан яратилган «Дойра дарс» усуллариини кўз қорачиғидай асраб, шу асосда ёш рақсчи қиз ва йигитларни тарбиялаш, Мукаррама Турғунбоева, Исохор Окилов каби устоз балетмейстерлар сахналаштирган ва эндиликда мумтоз санъат асари бўлиб қолган рақсларни соф ҳолда янги ижрочиларга ўтказиш тенденциясидир. Бу ишда Тошкент хореография билим юрти ўқитувчилари ва «Баҳор», «Лазги», «Шодлик» ансамблларидаги рақс усталарининг хизмати катта. Иккинчи тенденция Давлат телерадиокомпанияси қошида ташкил топган «Тановар» рақс театри билан боғлиқ бўлиб, миллий рақс театри яратиш ҳаракатидан иборатдир.

1989 йил октябр ойида Юлдуз Исмазова ташаббуси билан ташкил топган «Тановар» рақс театри 16 раққоса ва 2 раққос билан иш бошлаган. Дастлабки дастури «Шарқ аёли» деган театрлашган концертдан иборат бўлди. Унда «Муножот», «Анор-анор», «Раққоса», «Хоразмча», «Дойра», «Эй сарви равон».

¹ Абдуллаев Р. Халқ ижоди байрами. «Гулистон», 1995. № 4, 32-б.

«Сув париси», «Афғонча», «Ўхшар» каби соф ва яллал рақслар «Совчи кутиш», «Нон ушатиш», «Қизлар базми», «Келин салом», «Бешик алласи» сингари этнографик лавҳалар билан уйғунлашди. Шундан кейин либреттолар асосида махсус мусиқа ёзилиб, рақс спектакли яратиш бошланди. Алишер Навоийнинг «Сабъи сайёр» достони негизида 1991 йилда яратилган «Севги нидоси» (либретто муаллифи М.Бобоев, бастакор Қ.Комилов) ана шундай дастлабки спектаклдир. Ю.Исмазова сахналаштирган. Муаллифлар ўз олдларига Алишер Навоийни тахрир қилмай, тузатмай, достоннинг асл матнига таяниб туриб, ўзига хос миллий балет яратиш вазифасини қўяди. Афсонавий шох Баҳром (Д.Хотамов) билан гўзаллик тимсоли, созанда Дилоромнинг (Н.Саидова) изтиробли, оташин, буюк муҳаббати тараннум этилади. Юлдуз Исмазова ўзбек рақс услублари ва қисман балет ҳаракатлари негизида ижод қилиб, ажойиб рақслар яратган. Аммо мақсад рақслар, ўйинлар, манзаралардан яхлит бир сахна асари яратиш бўлган. Рақс устаси шунга эришган: ранг-баранг ҳаракатлар, мусиқа, кўзни қамаштирувчи либослар асосида воқеалар, лавҳалар, тўқнашувлар бир-бири билан занжирдай боғланиб кетади. Гулноз Акромова, Зебо Турсунова, Наима Юсупова, Раъно Жўрабоева, Барно Исроилова ва Муяссар Сотиболдиева ижросидаги етти гўзал ҳамда Ольга Усмонова, Зебо Эрматова, Барно Ҳамдамова, Феруза Рахимова, Мавлуда Рўзматова гавдалантирган охуларнинг рақслари ҳам мазмунан, ҳам шаклан қизиқарли бўлиб, ҳаммани лол қолдирди.

Композитор Мустафо Бафоев билан ҳамкорликда «Нодира» (1992), «Улуғбек буржи» (1994), «Мозийдан нур» (1996) миллий рақс спектакллари яратилди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан «Темурий маликалар» (1996) спектакли вужудга келди. Унинг мусикасини композитор Алишер Икромов басталаган. Мазкур миллий рақс спектакллариининг ҳар бири тўғрисида кўпгина ижобий фикрлар билдириш мумкин. Балетмейстер Ю.Исмазова ўзи ёзган либретто мазмунидан келиб чиқиб, махсус ёзилган мусикаларга таянган ҳолда ҳамда миллий рақс ҳаракатлари, пластика, кўлларнинг нафис ҳаракатлари, айланишлар, рафторлар, нигоҳлар, жилвалар, ўзаро бўладиган нозик муомалалардан фойдаланган ҳолда халқимизнинг узок тарихидан замондошларимизга тушунарли ва ёқимли охангларда ва тимсолларда ҳикоя қилади. «Темурий маликалар»да, масалан, Амир Темур ролида Ўзбекистон халқ артисти

Теша Мўминов гавдаланади. Гарчи у бир сўз демаса-да, ўзини туттиши, салобати, қарашлари билан Амир Темурнинг атрофида бўлаётган воқеаларга, Сароймулкхоним, келини Гавҳаршодбегим, невараси Халил Султон ва унинг севгилиси Шодимулкка бўлган муносабатини ифодалай олди. Умуман, 5 кўринишли ушбу спектаклда воқеалар сохибқирон Амир Темурнинг Самарқанддаги саройларидан бирида бўлиб ўтади. Суюкли ёрининг жангдан эсон-омон қайтишини кутаётган Сароймулкхонимнинг (бу ролда Дилором Мирзаева ўйнаган) ички кечинмалари, маликалар (Д.Алимова, З.Сафарова, Қ.Бўронова) нинг ўзаро муносабатлари, Халил Султон (Э.Қаххоров) билан Шодимулк (Л.Мухитдинова) нинг севги драмаси рақс воситалари билан акс эттирилган.

«Тановар» рақс театри ўз спектакллариини Тошкент театрлари сахналарида ўйнаб, телевидение орқали қайта-қайта кўрсатиб, Самарқанднинг Регистон майдонида намойиш этиб, минглаб (балки миллионлаб) томошабинлар олқишига сазовор бўлди, ўзи танлаган йўлнинг тўғрилигига аксар мутахассисларни ишонтирди. Яъни олдий фольклор-этнографик ансамбли даражасидан катта тарихий-эпик мавзуларни ҳам рақс воситалари, пластик ва мимик ҳаракатлар ёрдамида тулақонли акс эта олувчи театр мавқеига кўтарилди.

Аммо қайд этилган ютуқлар, ижобий тенденциялардан қатъий назар, миллий рақс санъатида муаммолар йиллар давомида кўпайиб борди. Бир қисми рақслар тўқиб, сахналаштирувчи балетмейстерларга, бир қисми артистларга тааллуқли бўлган ушбу муаммолар кўп жиҳатдан рақс санъатини бошқарадиган ягона марказнинг йўқлигидан, рақс муаллимлари, балетмейстерлар, раққос ва раққосаларнинг тарқоқлигидан келиб чиққан эди.

Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 8 январда чиқарган «Ўзбекистон миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва мазкур Фармонни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўша йил 21 февралда қабул қилган 101-сонли Қарори айни муддао бўлди. Шу асосда М.Турғунбоева номидаги «Ўзбек-рақс» миллий рақс бирлашмаси ташкил топди, бирлашма қошида ижодий жамоаларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида махсус жамғарма тузилди, хореография билим юрти негизида эса Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий рақс мактаби барпо этилди.

«Ўзбекракс» бирлашмаси таркибига «Баҳор», «Зарафшон», «Лазги», «Тановар», «Айкулаш» (Қорақалпоғистон) номли катта ансамбллар, «Сумалак» (Андижон), «Лола» (Бухоро), «Гулираъно» (Жиззах), «Момогул» (Қашқадарё), «Навойи наволари», «Наманган гуллари», «Самарқанд баҳори», «Гулдаста» (Сурхондарё), «Шалолла» (Тошкент вилояти), «Анор», «Камалак» (Фарғона), «Хоразм наволари» ансамбллари киритилди. Миллий ракс ва халқ ижодиётини ривожлантириш, ёш истеъдод эгаларини аниқлаш мақсадида ҳар йили М.Турғунбоева номидаги республика кўрик-танловини ўтказиш вазифа қилиб белгиланди. Ўшунда қилиб айтганда, бутун мамлакат бўйича ракс ижодкорларини бирлаштириш, давлат ва халқ ансамбллари фаолиятини йўналтириш, ракс ҳаваскорлиги ҳаракатини янада кучайтириш, йигитлар рақсини изга солиш, анъанавий ракс ижро услубларини асраб-авайлаш асосида янги-янги рақслар яратиш, унутилган қадимий рақсларни, ҳаракатлар ва ҳолатларни тиклаш, ракс таълиминини яхшилаш, жойларда ракс коллежлари очиш, ракс тарихини ўрганиш, миллий рақсларни ёзиб олишнинг энг қулай услубини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ракс санъати танқиди ва тарғиботини йўлга қўйиш, рақсшунослар, ракс муаллимлари ва балетмейстерларнинг бақувват захирасини вужудга келтириш каби вазифаларни бажариш учун қонуний ва ташкилий асос яратилди. Аммо бундай имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, ракс санъатини янада ривожлантириш учун «Ўзбекракс» бирлашмаси раҳбарияти, бирлашма таркибидаги ансамбллар, бошқа мутасадди ташкилотлар бир ёқадан бош чиқариб, ғайрат билан ишлашлари талаб қилинади.

Бирлашманинг ташкилий даври ўтиб, ўз вазифаларини бажаришга киришиб кетди. Янги дастурлар, янги ракс спектакллари яратилмоқда. Ҳар йил баҳорда М.Турғунбоева номидаги ёш ракс артистларининг республика кўрик-танлови ўтказилмоқда. Тошкент театрлари сахналари ва «Баҳор» концерт залида ўтган бундай кўрикларда Тошкентдаги ва вилоятлардаги ансамблларнинг энг ёш қизлари ҳамда Миллий ракс ва хореография олий мактаби талабалари икки шарт бўйича — М.Турғунбоева сахналаштирган бир ракс ва ўзи таллаган бир рақсни ижро этишда ўзаро куч синашмоқда. Кўрик-танловлар ўнлаб истеъдодли янги раққосаларни рўёбга чиқарди. 2000 йил кўригида жами 200 га яқин раққоса қатнашган. Аммо кўрикларда йигитлар йўқлиги бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар қўпигидан далолат беради. Қандай бўлмасин, шу

бахонада Мукаррама Турғунбоева сахналаштирган «Тановар», «Рохат», «Пилла», «Муножат», «Завқим келур» ва бошқа рақслар ёш ижрочиларга сингдирилди. Бирлашма қошида устозлардан шогирдларга ўтиб келаётган рақс меросини сақлаш ва ёшларга ўргатиш мақсадида «Мукаррама» студияси ташкил этилган бўлиб, унда Р.Каримова, Ў.Муҳамедова сингари устозлар машғулот ўтказишмоқда. Шунингдек, яқка рақс ижрочилигини ривожлантириш мақсадида бирлашма қошида «Етти ғўзал» ракс ансамбли тузилди. Бирлашманинг республиканинг кўпгина вилоятларида ташкил этилган бўлимлари ҳам ёш ижрочиларга алоҳида эътибор бериб кўрик-танловлар ўтказиб, ҳар бир минтақанинг ўзига хос анъаналарини тиклаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилиб келаётир.

Бирлашманинг ёшлар орасида олиб борган энг муҳим ишларидан бири — бу, шубҳасиз, 1998 йилда «Зарафшон» ансамбли қошида атоқли раққос ва балетмейстер Нарзиддин Шерматов раҳбарлигида ўйинчи йигитлар гуруҳининг вужудга келишидир. 1999-2000-йилларда йигитлар дастаси кенгайди. Ҳозир унда 15 та йигит бор. Раққос йигитларнинг «Ёғоч оёқ ўйини», «Дучуба», «Зарблар завқи», «Армуғон», «Андижонча», «Лаган ўйин» каби рақслари ҳисобот концертларида ва телевидение орқали намойиш этилди ва томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Мазкур рақслар мазмунан ва шаклан эътиборли бўлиб, ўз мардонаворлиги, жўшқинлиги ва кизиқарлилиги билан томошабинни ўзига ром этади.

«Зарафшон» ансамбли сўнгги йилларда Зарафшон водийси ҳаққ рақслари билан бирга Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари санъатини ҳам ёритишига эътибор бермоқда. 2000 йилги дастурга кирган «Қашқадарёча ракс», «Дучуба» рақслари шундан далолат беради. Аммо дастур асосини Зарафшон водийси рақслари ташкил этади. Н.Шерматовнинг юкорида тилга олинган ракс композициялари, «Дилхирож» (Фузулий ғазали), «Зарафшон қизлари» (И.Раҳматуллаев мусикаси), «Бухороча мавриги» (В.Оқилова сахналаштирган), «Анди бор», «Биё як» рақслари шу жумладандир. Яқкаҳон хонандалар Замира Намозова, Рустам Абдуллаев, Гулноз Акрамовалар дастурда муҳим ўринга эга.

Сўнгги йиллар ракс санъати ривожига турли мавзу ва услубдаги театрлашган томошалар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Масалан, «Тановар» ракс театри «Эзгу ният дарахти» томошасида (халқ қуйлари, либретто ва хореография муаллифи Ю.Исмаилов, сахналаштирувчи балетмейстер Д.Юнусова) қадим



Миллий рақс ансамбли "Лазги".

мий даврларда аجدодларимиз томонидан яратилиб, Наврӯз байрами билан боғланиб кетган баҳорда йигитларнинг қирларга чиқиб кетиб, арча, шамшод, тол ёки терак кесиб келиб кишлоқ ва шаҳар майдонларига ўрнатишлари, унга яхши ният билан тугун ва ширинликлар осишлари ва қизлар билан дарахт атрофидан айланиб ўйнашларидан иборат театрлашган маросим янгича бир талқинда акс эттирилади. Баҳор фасли. Дарахтлар гуллаган. Қушлар сайраган. Боласини йўқотиб қўйган Она унинг бир пой оёқ кийимини эзгу-нийат дарахтига осиб, уни йиллар давомида мушток бўлиб кутади. Бола катта йигит бўлиб, қиз ва йигитлар билан келиб, онасини излайди ва ўзи билан қолган иккинчи пой оёқ кийимини эзгу-нийат дарахтига илиб қўяди. Қолганлар ҳам яхши ният қилиб дарахтга тасмалар, тугунлар иладилар. Она иккинчи пой оёқ кийимини кўриб, ўзига йўқ хурсанд бўлиб кетади. Пировардида Она билан Ўғил

учрашадилар. Умумий шодлик, сайл бошланади. Бу воқеалар рақс воситалари, пластик ва мимик ҳаракатлар билан тасвирланади.

«Зебуннисо» спектакли (либретто ва хореография муаллифи Ю.Исмазова, Н.Юсупова сахналаштирган) тўрт кўринишдан иборат бўлиб, буюк шоиранинг муҳаббат фожиасидан ҳикоя қилади. Шох Аврангзеб боғи. Зебуннисо ғазал битмоқда. Канизаклари унинг ғазалларига маҳлиё бўлиб рақсга тушадилар. Шодиёна авжида бош канизак кириб келиб Зебуннисога севгилиси Оқилхондан хат узатади. Шундан кейин Зебуннисо билан Оқилхон учрашиб, бир-бирига муҳаббат изҳор қилади, бироқ тўсатдан кириб келган шох Аврангзеб Оқилхонни зиндонга ташлашни буюради. Зебуннисо отасига ёлвориб, Оқилхонни қатл этмасликни ўтиниб сурайди. Жоҳил Аврангзеб қизининг илтижоларини писанд қилмай, жаҳл билан чиқиб кетади. Зебуннисони Наима Юнусова, Оқилхонни Эркин Қаҳ-

хоров, Аврангзебни Тождидин Абдувоҳидов гавдалантирганлар.

Иккала спектаклда ҳам рақс ва пластика воситалари билан қаҳрамонлар (бирида — Она ва бола, иккинчисида — Зебуннисо ва Оқилхон) нинг ички изтироблари, кечинмаларини тасвирлаш ҳамда атрофдагиларнинг уларга муносабатларини акс эттириш сахналаштирувчи ва ижрочиларнинг диққат марказида турган. Шу боисдан спектакллар рақслар дастасидан иборат бўлиб қолмай, бир-бирига чамбарчас боғланиб, уйғунлашиб кетган ҳолатлар, кайфиятлар, воқеалар сифатида намоён бўлади.

«Ўзбекрақс» бирлашмаси жамоалари гоҳ алоҳида-алоҳида, гоҳ биргаликда халқ орасида пуллик ва хайрия тариқасида, нафақат Тошкент, шунингдек вилоятларда ҳам мутғасил ўз дастурларини кўрсатиб келади. Улар Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, йил давомида ўтган бошқа байрамлар муносабати билан яратилган театрлашган томошаларда, «Оила», «Аёллар», «Соғлом авлод», «Она ва бола» йили дастурлари, спорт мусобақалари ва бошқа турли-туман тадбирларда фаол қатнашадилар, меҳрибонлик уйлари ва пансионатларда, маҳаллаларда, бог ва ўйингоҳларда, санаторий ва дам олиш уйларида, санъат байрамлари ва фестивалларда, пахтакор дехконлар, талабалар, ўқитувчилар, аскарлар орасида, қабул маросимлари ва меҳмонхоналарда концерт бериб, учрашувлар ўтказмоқдалар.

Айниқса, бирлашма жамоаларининг байрамларда фаол қатнашуви натижасида ўзига хос майдон рақслари вужудга келди. Сўнгги йилларда бирон бир байрам томошаси йўқки, унда ансамбллар, рақс усталари, ёш раққос ва раққосалар қатнашмасин. Юзлаб ҳаваскор ва профессионал рақс артистларини махсус қурилган маҳабатли майдонларда умумий ғоя ва бадиий яхлитликни ушлаб турган ҳолда маълум қуйлар ва зарбларда бир хил ўйнатиш, тезлашиб борадиган суръатда бир гуруҳнинг ўрнини иккинчиси эгаллаши, умумий руҳий ҳолатлар ва кайфиятлар яратиш катта маҳорат талаб қилади. Бунда ўнлаб балетмейстерларнинг хизмати бениҳоя катта бўлмоқда.

Ниҳоят, «Ўзбекрақс» бирлашмаси миллий ўзбек рақсини чет элларда намоёниш этиш ва шу йўл билан ҳам Ўзбекистон нуфузини ошириш масаласига етарли эътибор бериб келаётир. 1997—2000 йиллардаги ижодий сафарлар шундан далолат беради. 1997 йил июн ойида Париж шаҳрида Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги муносабати билан ўтган ҳафталикда, июлда Туркиянинг Бурса

шаҳрида ўтган «Олтин Карағёз» фестивалида, ноябрда Олмонияда ўтган Ўзбекистон маданияти кунларида, 1998 йил 25 май — 2 июн кунлари Белгиянинг Сен-Гарлен шаҳрида ўтган халқаро фольклор жамоалари фестивалида, «Баҳор» ансамбли 7—11 июн кунлари АҚШнинг Атланта шаҳрида ўтган «Суперком-98» халқаро кўргазмасида, 30 ноябр — 7 декабрда туристик компаниялар таклифига кўра Японияда, 1999 йил февралда «Лазги» ансамбли Олмониянинг Гамбург шаҳрида ўтган Ўзбекистон иқтисодийоти кунларида, 23—28 июн кунларида «Тановар» рақс театри Нидерландия Қироллигининг Ендаш ва Варфум шаҳарларида ўтган халқаро фестивалда, 24 июн — 8 июл кунлари «Баҳор» ансамбли «Фукусима—Ўзбекистон» маданий ва иқтисодий ассоциацияси 20 йиллигига бағишланган тадбирларда, 2000 йил апрелида «Лазги» ансамбли Сеул шаҳрида ўтган учрашувларда қатнашдилар. Хориждаги сафарларга пухта тайёргарлик қўрилди, либослар янгиланди, дастурлар ва ҳар бир чиқишнинг юксак бадиий савияда бўлишига алоҳида диққат қилинди. Натижада ансамбллар, раққосалар ҳар гал яхши баҳо олиб, бир жаҳон таассуротлар билан қайтдилар. Бу ҳаммаси, шак-шубҳасиз, истиқлол неъматлари бўлиб, рақс жамоалари, раққос ва раққосаларни, балетмейстерларни янги ижодий уфқларни забт этишга қўрлайди.

Шундай қилиб, ютуқлар бир талай. Бироқ ечилмаган муаммолар, баҳсли масалалар ҳам йўқ эмас. Раққос ва раққосаларнинг байрамлар муносабати билан катта майдонларда ўтадиган театрлашган томошаларда қатнашуви бир томондан уларнинг фаолият доирасини кенгайтираётган бўлса, иккинчи томондан уларни ёрдамчи ижрочиларга айланиб қолишларига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, яллаларда раққосалар яқкаҳон хонандаларга эмас, хонандалар раққосаларга хизмат қилсин. Умумий рақсларнинг кўпайиб, композицияларнинг мукамаллашиб бораётгани яхши. Дастурлардан кулгили рақслар, лапарлар ҳам муносиб ўрин олиб, жанрлар доираси кенгайиб бораётгани ҳам эътиборга сазовор. Аммо шу билан бирга яқка ва жуфт-жуфт бўлиб ўйналадиган лирик ва романтик рақсларга ҳам эътиборни янада кучайтириш зарур. Айниқса, йигитлар рақси «Ўзбекрақс» бирлашмасининг, ансамблларнинг диққат марказида туриши керак. Шу билан бирга махсус болалар рақсларини яратиш борасида ҳам хормай-толмай изланиш, меҳнат қилишга тўғри келади, токи жужуқларимиз катталарнинг рақсларига таклид қилмай, ўз рақсларига эга бўлсинлар.

Миллий ўзбек цирк санъатининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. У маданиятимизнинг таркибий қисми сифатида шаклланган, моҳир усталар томонидан ривожлантирилган, сайқал берилган, томошабинларга завқ-шавқ бахш этиб келган, навқирон авлодни мардликка, довжоракликка даъват этиб келган ва келмоқда.

Замонавий ўзбек цирки ҳақида галирар эканмиз, унда иккита йўналиш — яъни профессионал ва анъанавий циркни мавжудлигини назарда тутмоқ керак. Профессионал цирк намуналарини Тошкент цирки майдонида намойиш этилаётган ва «Сахнадаги цирк» кўчма жамоалари томонидан мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида кўрсатилаётган ранг-баранг дастурларда кўриш мумкин.

Анъанавий цирк республикамызда кенг тарқалган бўлиб, асосан, ойлавий гуруҳлар сифатида шаклланган бой ва ранг-баранг анъаналарни маҳорат билан намойиш қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши миллий цирк санъати тарихида янги даврни бошлаб берди. Ўзбек цирк санъатининг сўнгги ўн йиллик тараққиёти бунга яққол мисол бўла олади. Миллий цирк санъати тарихан шу қисқа вақт ичида мисли кўрилмаган даражада раванқ топди ва халқаро цирк майдонида муносиб ўрин эгаллади. Бу даврда цирк репертуари анча кенгайиб, қатор янги асарлар билан бойиди. Моҳир ўзбек цирк усталари қаторида ёш ижрочилар ҳам етишиб чиқди. Улар цирк санъати хазинаси миллий руҳдаги, янги жанрлардаги халқчил асарлар билан тўлдирмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти бозор муносабатларига ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, ўзбек цирки санъати усталарининг самарали ижод қилишлари, янги-янги халқчил асарлар яратиб, маҳоратларини оширишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб бермоқда.

Бунда собиқ Иттифок тугатилганидан сўнг республика тасаруфига ўтган Тошкент Давлат цирки ва «Сахнадаги цирк» кўчма жамоалари асосида ташкил этилган «Ўздавлатцирк» Республика бирлашмаси муҳим маданий ва ташкилий ишларни амалга оширмоқда.

1991 йилда Тошкент циркига дорбозлар сулоласи асосчиси, Ўзбекистон ва Россия халқ артисти Тошкенбой Эгамбердиев номи берилди, биноси замонавий талаблар асосида қайта таъмирланди. 1996 йилда эса эстрада-цирк қоллежи ташкил этилди. У цирк санъати йўна-

лиши бўйича Ўрта Осиёдаги ягона махсус ўқув даргоҳидир. Булардан ташқари, шу йиллар мобайнида бир қатор бадий ранг-баранг, етук цирк дастурлари, аттракционлари ва алоҳида номерлари яратилди. Улар миллий ўзбек циркини янги томошалар билан бойитди. Ўзбек цирк санъати вакиллари қатор нуфузли халқаро фестивал ва кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашдилар. Циркнинг гастрол харитасида янги мамлакатлар, янги-янги шаҳарлар пайдо бўлди.

1992 йилдан иш бошлаган «Ўзбекдавлатцирк» Республика бирлашмаси ўз олдига қатор вазифаларни қўйди. Чунончи, анъанавий цирк санъатининг унутилган турларини тиклаш ва ривожлантириш, жаҳон талабларига жавоб берадиган замонавий цирк асарлари яратиш, ёш истеъдодли ижрочиларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ўсиш учун зарур шароит яратиб бериш, юксак маҳоратга эришган анъанавий цирк жамоаларини профессионал цирк майдонида олиб чиқиш, мавжуд цирк таълимини ислоҳ қилиш, ўзбек циркини чет эл мамлакатларига гастрол сафарларини уюштириш мақсад қилинди.

«Ўзбекдавлатцирк» бирлашмаси, ўзбек миллий цирк санъати усталари ана шу эзгу ишларни рўёбга чиқариш устида қўл билан меҳнат қилганликлари ажойиб самара берди ва бермоқда. Томошабинлар талабига тўла жавоб берадиган бадий юксак, рақобатбардош цирк асарлари яратилмоқда. Навбатдаги вазифамиз уларни жаҳон цирк майдонида олиб чиқишдир. «Ўзбекдавлатцирк» ижодий бирлашмаси жамоаси бу шарафли вазифани амалга ошириш учун истеъдодли ижрочиларнинг маҳоратини ҳар томонлама оширишга, турли жанрлардаги репертуарни шакллантиришга, ўзбек цирк санъати миллий анъаналарини бутун жозибаси билан намойиш қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Чунки собиқ Иттифок даврида, «Ўзбек цирки» дейилганда, яхлит цирк дастури эмас, балки «Союзгосцирк» деб аталмиш Бутуниттифок Бирлашма таркибидаги бир нечта цирк номерлари ва аттракционлари назарда тутилган эди. 1990 йил бошларида бу бирлашмага СССР халқ артисти Ҳаким Зарипов раҳбарлигидаги «Серқуёш Ўзбекистон чавандозлари», Ўзбекистон халқ артисти Мамлакат Тошкенбоева раҳбарлигидаги «Шарқ жилोलари» номли тўялар устидаги акробатлар аттракциони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Тошкенбоев раҳбарлигидаги «Ўзбекистон дорбозлари»

гуруҳи, Жумабой Тошкенбоев раҳбарлигидаги «Хаво гимнастлари», Карима Зарипова ижросидаги «Чавандозлик олий мактаби» ва Раъно Рӯзиҳўжаеванинг «Чиўирикдаги гимнастика» ўйинлари кирган бўлиб, «Ўзбек цирки» деган тушунча шулар билан чегараланган эди.

Ўша даврда Тошкент цирки «марказ»га қарам бўлиб, мустақил ижод қилиш ҳуқуқидан маҳрум эди. У ўз ижодий жамоасига эга бўлмагани сабаб, ташаббускорлик билан янги цирк асарларини яратиш имконияти йўқ эди. Бунинг натижасида миллий циркнинг бир қатор ўзига хос жанрлари унутилди, янги ижрочилар, янги номлар онда-сонда бир кўриниб қоларди. Бир сўз билан айтганда, ўзбек циркини миллий аъналар, шон-шухрат тарк этганди.

«Ўзбекдавлатцирк» бирлашмаси ташкил этилгандан сўнг, аввал фақатгина гастролга келган цирк жамоалари дастурларини намойиш этиш учун мўлжалланган Тошкент цирки ҳақиқий ижодий устахонага, изланиш ва тажрибалар масканига айлантирилди. 1993 йилда цирк қошида янги номер ва аттракционлар яратиш мақсадида махсус студия очилди. Студия нафақат машғулотлар ўтказиш билан, шунингдек мураккаб асбоб-ускуналар ва аппаратлар тайёрлаш, йиртқич ва экзотик ҳайвонлар сотиб олиш билан ҳам шуғулланди. Лекин янги дастурни тайёрлаш осон бўлмади. Чунки ўзбек цирки қатор жанрларни яратишда тажрибага эга эмас эди. Бу камчилиқни бартараф қилиш мақсадида студияга қатор моҳир цирк усталари, сахналаштирувчи режиссёрлар, тренерлар, балетмейстерлар, композиторлар жалб этилди. Улар цирк репертуарини бойитиш, томошабинларда завқ-шавқ уйғотадиган янги-янги жанрлар устида кунг билан изланишлар. Натижада, кўп вақт ўтмай, оммавий акробатик номерлар ва ўргатилган ҳайвонлар билан ижро этиладиган томоша пайдо бўлди. Кейинчалик бу ерга эстрада-цирк коллежи битирувчилари ҳам келиб қўшилди.

Дастурнинг премьераси 1996 йил ёзида муваффақият билан ўтди. Унда асосан, Тошкент цирки қошида тайёрланган янги чиқишлар кўрсатилди.

Агар мустақиллик даврида яратилган цирк асарларини таҳлил этадиган бўлсак, авваламбор, унинг жанрлар қўлами анча кенгайганини кўриш мумкин. Янги номер ва аттракционлар циркнинг барча замонавий жанрларида яратилди. Улардан бир нечасини айтиб ўтайлик.

Рустам Матчонов раҳбарлигидаги «Ракқос айиқлар» ва «Бўғма илон билан олишув»и, Нежат Усеинов раҳбарлигидаги «Батут устидаги акробатлар», Ольга Кормишина ижро-

сидаги «Хаво гимнастикаси», Акмал Абдулаевнинг «Найрангбозлик ўйинлари», Элд Гилазиев раҳбарлигидаги «Иргитувчи тахустидаги акробатлар», Елена Рӯзиҳўжаеванинг «Чамбарак ўйинлари», Равшан Холмикназаровнинг «Симдор рақслар»и, Борис Смирнов раҳбарлигидаги «Жонглёрлар гуруҳи», Хусановларнинг «Акробатик трио»си, Евгений Жамин раҳбарлигидаги «Хаводаги училар», Азиза Маслакаеванинг «Ўргатилган кучуклар»и шулар жумласидандир. Бир сўз билан айтганда, ўн йил ичида турли жанрдаги эллидан ортиқ номерлар яратилди ва томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Энг муҳими, цирк дастурларида асосан ўрин тутган йирик шаклдаги цирк асарлар яъни аттракционлар сахналаштирилиб, цирк ихлосмандларига тақдим этилди. Фурқат Юнусовнинг «Ўргатилган йўлбарслари», Нисо Алиева раҳбарлигидаги «Икки поғонали дор»и, Казбек Краевнинг «Чавандоз йигитлар», Равшан Шарабиддинов раҳбарлигидаги «Туя устида акробатлар» аттракционлари шулар жумласидандир.

Турли жанрдаги цирк асарлари ўзбек цирки репертуарига ўзига хос янгилик олиб келди ва уни янги ранглар билан бойитди. Асосан, уларнинг бадий савияси, ижрочилар маҳорати, ўйинларнинг мураккаблиги, ўзига хослиги нуқтаи назаридан олиб қараганда, янги асарлар бир-биридан фарқ қилади. Ўзбекистон цирк асарлари «Ўзбекдавлатцирк» бирлашмаси фаолиятидаги катта ижодий юксалишдан дарак бериб, ўзбек миллий цирк санъатида янги, кўпқиррали репертуар вужудга келтирилганини яна бир бор намойиш этди.

Янги томошаларни сахналаштиришда Ўзбекистон халқ артисти Ҳаким Зарипов, Ўзбекистон халқ артисти Обиджон Тошкенбоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Тошкенбоев, «Ўзбекдавлатцирк» бирлашмасининг бош директори Баҳром Мажидов, бадий раҳбар Брий Розенберг, сахналаштирувчи режиссёр Галина Рубинштейн, Туркменистон халқ артисти Нисо Алиевалар фаол иштирок этишди.

Пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига томошалар кўрсатувчи Тошкент циркидан фарқлиқларок, «Сахнадаги цирк» гуруҳлари Тошкентдан олисда — яъни вилоят ва туман томошабинларини ўз санъатларидан баҳраман қилмоқдалар. «Сахнадаги цирк» Ўрта Осиёда бу турдаги ягона ижодий жамоа бўлиб, ўзининг ранг-баранг цирк томошаларини кўшни давлатларда ҳам намойиш этиб келмоқда. Мустақиллик даврида учта кўч цирк — «шапито» тайёрланди. Улар йилнинг

иссиқ фаслларида минтаканинг турли шаҳарларига ўрнатилиб, томошабинларни ўзларининг ажойиб ўйинлари билан хушнуд этадилар.

Ҳозир «Саҳнадаги цирк»да бешта ижодий жамоа бирлашган — «Мўъжизалар цирки», «Ўзбек дорбозлари», «Шарк», «Мўъжизасиз мўъжиза» ҳамда дилипутларнинг «Ажойиб юлдузлар» номли мюзик-холл гуруҳлари шулар жумласидандир. Уларнинг дастурларидан ҳам замонавий, ҳам анъанавий цирк ўйинлари кенг ўрин олган.

Сўнгги йилларда «Саҳнадаги цирк» репертуари бир неча янги томошалар билан бойиди. Улар орасида — Тўйчи Тожибоевнинг «Сехрли шоу»си, Муроджон Тошкенбоев раҳбарлигидаги «Ўзбекистон дорбозлари», Баҳром ва Фахриддин Ахназаровларнинг «Полвонлик достони», Тўлқин Галимовнинг «Ўргатилган айиқлар»и ва ҳоказолар.

Ўзбекистон цирк санъати арбоблари, сайёр цирк гуруҳлари халқлар, давлатлар ўрта-

сидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик муносабатларини кенгайтиришга, ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Улар Россия, Украина, Молдова, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон томошабинларига турли-туман спектакллар кўрсатиб, мустақил Ўзбекистонда вужудга келаётган янги цирк томошалари билан таништирмоқдалар. Бу ижодий ҳамкорлик халқаро цирк санъатини ривожлантириш, дастурларни биргаликда саҳналаштириш имкониятини бермоқда. Масалан, 2000 йилнинг январ ойида Санкт-Петербург цирки қошида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Алишер Тошкенбоев «Шарк жилolari» туялар устида акробатлар аттракционини қайта тиклади. Ҳозир эса Самара шаҳри циркида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Анвар Зарипов раҳбарлигида «Йиртқич хайвонлар» аттракциони тайёрланмоқда.

Мустақиллик йилларида ўзбек миллий цирк санъатини дунёнинг турли мамлакатларида намойиш этиш имконияти вужудга келди. Табиийки, бу цирк усталаридан замонавий томошабинларни тула қаноатлантирадиган ижрочилик маҳоратини намойиш этишни талаб этди. Худди шундай бўлди. Жозибали, томошабинларга завқ-шавқ ҳадя этадиган цирк томошалари яратилди. Мазкур томошаларга чет эллик цирк тадбиркорлари томонидан қизиқинг-ўртиб борди. Миллий тусда безатилган, анъанавий ва замонавий цирк ўйинларидан иборат дастурлар Миср, Иордания, Фаластин, Покистон, Малайзия цирк ихлосмандлари томонидан қизғин кутиб олинди. Бундан ташқари, турли номер ва аттракционлар халқаро цирк дастурларига киритилиб, Ҳиндистон, Хитой, Сурия, Ливан, Бирлашган Араб Амирлиги, Эрон мамлакатларида намойиш этилди.

Олимжон Тошкенбоев раҳбарлигидаги «Ўзбекистон дорбозлари» гуруҳи 1996 йилда Европа цирклари билан алоқа ўрнатиб, ўтган беш йил мобайнида Польша, Германия, Франция, Бельгия, Швейцария каби давлатларда гастрол сафарида бўлиб, икки мингдан ортиқ томоша кўрсатди.

Демак, ўзбек цирк санъати усталарининг довури жаҳон бўйлаб таралмоқда. Дунё халқлари ўзбек халқининг миллий цирк ўйинларини завқ-шавқ билан томоша қилмоқдалар. Етакчи ижрочилар халқаро фестивалларда ва кўрик-танловларда қатнашиб, совринлар олмоқдалар, талабчан томошабинларнинг тахсин ва ташакқурига сазовор бўлмоқдалар. Бу мустақиллик ва истиқлол шарофатидир.



М.Тошкенбоев раҳбарлигидаги «Ўзбекистон дорбозлари» группаси. 2001.

1997 йилнинг январ ойида жаҳондаги энг кўхна цирклардан бири — Париждаги Буглион циркида ёш цирк артистларининг аънавий халқаро фестивали бўлиб ўтди. Цирк оламидаги бундай нуфузли анжуманда қатнашиш учун дунёнинг турли мамлакатларидан истеъдодли ижрочилар келиб, турли жанрларда ўз санъатини намойиш этишди. Улар қаторида 15 ёшли Карима Зарипова ҳам бор эди. У юксак маҳорат билан ижро этган «Пластик этюд», яъни бесуюяк ўйини, акробатика жанридаги ниҳоятда мураккаб ва камдан-кам ижро этиладиган машқлардан тузилган бўлиб, цирк томошабинлари ва мутахассислари орасида қатта кизиқиш уйғотди. Натижада Карима фестивалнинг энг олий мукофоти — олтин медални қўлга киритди. Париждаги фестивалдан илгари К.Зарипова яна бир ижодий беллашувда иштирок этди. 1994 йилда Монте-Карлода бўлиб ўтган Олтинчи халқаро болалар цирк фестивалида қатнашиб, 12 ёшли Карима лауреатлик унвонига сазовор бўлди ва Монако телевидениеси ва матбуотини махсус соврини билан мукофотланди.

1995 йил 2 сентябрида Тошкентда Биринчи Марказий Осиё ўйинларини тантанали очилиши маросимида дорбоз Тохир Тошкенбоев қатнашиб, спорт тарихида биринчи марта олимпия машъалини дор устидан олиб ўтди. Дорбознинг бу жасоратига юксак баҳо бериб, Халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Хуан Антонио Самаранч Т.Тошкенбоевга ўзининг махсус совғаси ва Фахрий Ёрлиғини топширди.

1996 йилда Москвада илк бор ўтказилган Биринчи халқаро цирк санъати курик-фестивалида Э.Арзуманов раҳбарлигидаги миллий услубда сахналаштирилган «Туялар устидаги акробатлар» аттракциони намойиш этилиб, учинчи ўринни эгаллади ва олий мукофотлардан бири — «Бронза айиғи» совринини қўлга киритди.

Бирлашган Араб Амирлиги пойтахти Дубай шаҳрида 1999 йилда бўлиб ўтган Биринчи халқаро фестивалда мамлакатимиз вакиллари — Тўлқин Болтабоев раҳбарлигидаги «Дорбозлар» гуруҳи ва Қазбек Қараевнинг «Чавандоз йигитлари» қатнашиб, иккинчи ўринни эгалладилар.

Ўша йили Саратов шаҳрида ўтказилган Иккинчи Бутунроссия цирк фестивалида ёш полвон Фахриддин Ахназаров «Российская газета»сининг махсус соврини билан мукофотланди. Кўп вақт ўтмай, унинг полвонлик ўйинлари билан Нью-Йорк, Лас-Вегасдаги минглаб томошабинлар танишди ва АҚШнинг «Фокс»



Ёш дарбоз — Ж. Тошкенбоев. 2001.

телекомпанияси таъсис этган «2000 йилнинг энг яхши артисти» деган унвонга сазовор бўлди.

2000 йилда Хитойнинг Ухан шаҳрида бўлиб ўтган Бутунжаҳон цирк фестивалида республикада хизмат кўрсатган артист Нисо Алиев раҳбарлигидаги «Икки поғонали дор» аттракциони муваффақиятли иштирок этиб, шарасли иккинчи ўрин эгаллади.

Бельгиянинг Льеж шаҳридан (2001й.) Европа циркларининг аънавий X фестивали бўлиб ўтиб, унда жаҳоннинг 15 мамлакатидан келган цирк артистлари қатнашди. Улар билан бир қаторда бундай нуфузли анжуманда ўзбек цирки усталари — республикада хизмат кўрсатган Олимжон Тошкенбоев раҳбарлигидаги «Ўзбек дорбозлари» гуруҳи ҳам илк бор иштирок этди. Фестивал натижалари кўра улар энг олий совринлардан бири бўлиб «Маҳорат ва жасорат» кубогини қўлга киритишди. Уларнинг санъатига бундай

сак баҳо берилишининг сабаби шуки, дорбозлар ўз маҳоратларини намойиш этибгина қолмай, баланд дор устида мураккаб ўйинларни муҳофаза воситаларисиз ижро этиб, ҳақиқий жасорат кўрсатишди.

1998 йилда ёш истеъдодларга амалий ёрдам бериш мақсадида К.Зарипова раҳбарлигида Тошкент цирки қошида болалар студияси очилди. Болалар бу ерда тажрибали мураббийлар ёрдамида ўз имкониятларини турли жанрларда синаб қўриб, катта манежга йўлланма оладилар.

Анъанавий цирк соҳасида ҳам кўзга қўринарли ўзгаришлар юз бермоқда. Агар 1990 йилларнинг бошида мамлакатимизда фақатгина 7 та анъанавий цирк гуруҳи фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир уларнинг сони 20дан ортиб кетди, бу эса анъанавий томоша санъатига бўлган қизиқиш тобора ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Сўнгги йилларда анъанавий цирк соҳасида фаолият кўрсатаётган Юнусали Ғозиев (Андижон), Аҳад Муродов (Қўқон), Тўлқин Болтабоев (Тошкент вилояти), Аҳад Набиев (Фарғона), Баҳром Жаббаров (Хива), Турсунали Мамажонов (Фарғона) раҳбарлигидаги жамоаларни ижрочилик маҳорати сезиларли даражада ошди. Бу жамоалар республикаимизда

мунтазам равишда ўтказилаётган қўрик-танловларда етакчи ўринларни эгаллаб келмоқдалар, хорижий мамлакатларда цирк ўйинларини кўрсатиб, чет эллик томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Хуллас, анъанавий ва замонавий ўзбек цирки мустақиллик йилларида босиб ўтган йўл ижодий изланишлар ва тажрибаларга бой бўлди. Бу даврда ёш истеъдодли ижрочиларнинг маҳорати қамолотга етди, миллий цирк санъатида ўз ўрнига эга бўлди, эл-юртга танилди.

Лекин миллий цирк санъати соҳасида муаммолар ўз ечимини топди ва барча масалалар кун тартибидан олинди десак, хато бўлади. Тўғри, улуғвор ишлар амалга ошди, аммо ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Истиқлол ўзбек миллий цирк санъати усталарига нурли истиқбол ва қанот берди. Бу санъатни ҳар томонлама ривожлантиришнинг равон йўллари энди очилди. Ўзбекистон цирк арбоблари бу тўғри ва равон йўлдан бориб, аждод мерос миллий анъаналарни давом эттириб, уларни рағнақ топтиришга, ўзбек цирк санъатининг шухратини жаҳонга тарқатишлари жаҳон цирки тарихига ёрқин саҳифалар ёзиб қолдиришларига ишонамиз.

БАЙРАМ ТОМОШАЛАРИ

Мустақиллик даврида асрлар давомида шаклланган халқ байрамларини қайта тиклаш ва ударни оммавий тарзда нишонлашга алоҳида эътибор қаратилди. Оммавий халқ байрамлари театрлашган томошалар тисолида янги мазмун касб этмоқда ўтган қисқа вақт мобайнида бу соҳада ўзига хос тажриба тўпланди ва байрамлар билан боғлиқ янги санъат тури дунёга келди. Бу кенг миқёсларда нишонланадиган театрлашган майдон томошаларидир. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари, буюк давлат арбоблари, саркардалар ва алломалар юбилейлари, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, "Шарқ тароналари" мусика фестивали, "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги тантаналари муносабати билан ўтказилган театрлашган томошалар шулар жумласидандир.

Айниқса, Наврўз ва Мустақиллик кунларини бутун мамлакат миқёсида ўзига хос кутаринки руҳда нишонлаш анъанага айланди. Ушбу байрамлар шунчаки шодиёна эмас, балки миллатнинг маънавияти, руҳи, ғурури, кадр-қиммати тикланаётганидан, халқ онги уй-

фонаётганидан далолат бермоқда. Наврўз ва Мустақиллик байрами кунларида пойтахтда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида алоҳида театрлаштирилган дастурлар тайёрлаш ҳам анъанага айланди.

Наврўз ва Мустақиллик томошалари ўзида ўзбек халқи санъатининг энг нодир ютуқларини бирлаштиради. Бу томошалар шунчаки турли санъатлар, қўшиқ, рақс, аския, миллий урф-одатлар, ҳаётдан олинган ҳодисаларнинг ёнма-ён, бирин-кетин берилиши эмас, балки уларни катта майдонларга мослаштириб, бадиий қайта ишлаш, бир-бирига синдириб мутаносиблик ва уйғунлик ҳосил қилишдир. Бинобарин, Наврўз ва Мустақиллик томошаларини ташкил этиш ва ўтказиш моҳиятан бир-биридан тубдан фарқ қилмасда, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Мустақиллик байрами кўпроқ сиёсий йўналишда бўлиб, мамлакатимизнинг истиқлол даврида қўлга киритган ютуқларини намойиш этишга қаратилган бўлса, Наврўз байрами қадимий анъаналар ва урф-одатларни сақлаган ҳолда, замонавий пластик восита-

лар ёрдамида уларни гавдалантиришга йўналтирилган. Шунингдек, бу байрамларлар ўтадиган жойлар ҳам айри, Наврўз байрамини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида, яъни табиат қўйнида нишонлашга, Мустақиллик байрамини пойтахтнинг бош майдонида ўтказишга келишилган. Наврўз байрами қадимий тарихга эга бўлгани сабаб уни нишонлашда қатор урф-одатлар ва маросимлар шаклланган бўлса, Мустақиллик том маънода янги байрамдир. Наврўз байрамини нишонлашда асосий эътибор қадриятларни тиклаб, уларни ўрганиб, янги бадий шаклларда сахнага олиб чиқишга қаратилаётган бўлса, Мустақиллик байрамларида асосан санъат ва ижтимоий ҳаётдаги ютуқларни намойиш этиш мақсад қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Наврўз² янги даврда ҳам ўз моҳияти ва хусусиятларини сақлаб қолди. У баҳорнинг тенгқунлик куни, табиатнинг уйғониши ва йилнинг бошланиши муносабати билан нишонланадиган халқ байрамидир. Маълумки, узоқ тарихга эга Наврўз байрами шўро даврида гўё эскилик сарқити сифатида таъқиб ва тазйикларга учраган бўлиб, 1989 йилга келибгина, жамиятда йўл қўйилган ошқоралик ва демократик ҳаракатлар туфайли унинг тартиб қоидалари ва асосларини, у билан боғлиқ бўлган томоша ва маросимларни тиклаш ҳаракати бошланди.

Дастлабки йиллардаги байрам томошалари миллий қадриятларини тиклашга қаратилди. Ўзбекистон республикаси Президенти И.Каримовнинг “Наврўз” халқ байрамини ўтказиш яқунлари тўғрисида” Махсус қарори ва ҳар йили 21 март дам олиш куни ва умумхалқ байрами деб эълон қилиниши бу йўлдаги катта қадам бўлди.

1991 йил Наврўз байрамининг Тошкентнинг бош майдонида ўтказилган асосий томошасида (сценарий муаллифлари У.Қорабоев, Б.Аминов, Б.Норбоевлар, бош режиссёр Б.Хамидов) дўстлик, турли миллатларни бирлаштириш ғояси, шунингдек она ватанимиз тарихидан ҳикоя қилиш кўзда тутилди. Томошада рамзий тасвирий услублар қўлланди. Жумладан, майдоннинг турли томонларига ўрнатилган Тошкентнинг 12 дарвозаси ва улардан кириб келаётган қарвонлар ҳаракатига, турли туман афсонавий образларга ўзига хос маънолар юкланди. Томошада вилоятларнинг энг яхши фольклор жамоалари, жумладан Сур-

хондарёнинг “Бойсун”, Андижоннинг “Сумалак”, Самарқанднинг “Бешқарсак”, Бухоронинг “Нозанин” ансамбллари иштирок этиб, ўз репертуаридаги асосан халқ анъаналари билан боғлиқ ўйин ва томошаларини намойиш этдилар. “Бойсун” ансамблининг сув ва деҳқончилик билан боғлиқ қадимий “Суст хотин” номли театрлашган томошаси, ёмғир чакириш одати ифодаланган “Яда топи рақси” бунга яққол мисол бўла олади. Шунингдек, томошада далага қўш чиқариш, биринчи уруғ қадаш каби деярли унут бўлаётган маросимлар тикланиб, бадий шаклда тақдим этилди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган, Наврўз мамлакатимизнинг расмий байрамларидан бирига айланди. Республиканинг бутун маънавий ва бадий кучлари мамлакат тақдирини учун зарур бўлган осойишталик, тинчлик, барқарорликни ўрнатишга, халқлар ўртасида дўстлик ва биродарликни тарғиб қилишга йўналтирилди, уруш, ҳахс ва ўзаро совуқчиликка барҳам бериб, ҳалол меҳнат, ҳашар, инсоф, адолатга чорлаш асосий мақсади бўлган Наврўз анъаналари шунга бўйсундирилди.

1992—93-йиллардаги Наврўз байрамларининг Тошкентдаги, вилоятлар ва туманлардаги сайллари, томошалари ва маросимлари айнан миллий қадриятларни тиклаш ҳаракатининг ёрқин ифодаси бўлди. Наврўзнинг пойтахтда ўтказилган асосий театрлашган байрам томошасида ҳам айнан турли миллат, турли табақадаги кишилар ўртасида ҳамжихатликни тарғиб қилиш, ўзаро тотувлик Мустақилликнинг гаровидир, деган ғоя томоша концепцияси қилиб белгиланди ва оммавийликка алоҳида эътибор қаратилди.

Дастлабки йилларда сценарийлар этнограф ва маданиятшунослар томонидан тайёрланиб, томоша мавзулари, ғояларини белгилашда бош режиссёрлар етакчилик қилгани сабаб, улар турли ансамбллarning этнографик номерлари йиғиндисидан иборат бўлган бўлса, 1995 йилда томоша драматургиясида ҳам бурилиш рўй берди. Шоир Хуршид Даврон ўзига хос воқеалар ривожини ва тугал маънога эга бўлган сценарий яратар экан, Наврўз тарихи, маросимларини беришда тарихий манбаларга таянишга интилди. Сценарий мукаддима, хотима ва тўрт асосий қисмдан иборат бўлиб, унга Абу Райҳон Берунийнинг “Осор ул-боқия” асарида ёзиб қолдирилган фикрлар сингдирилган. Наврўз Коинот, Куёш, Ер, Сув яратилган кун сифатида тақдим этилди. Режиссёр Б.Йўлдошев сценарий асосида ўз бадий ечимини тақдим этди.

Театрлашган томошада ҳаётнинг яратили-

² Б.Шодиёв. Наврўз байрами. Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2001. (Наврўз байрами билан боғлиқ театрлашган томошаларни ёритишда ушбу тадқиқотга таянилади.)

ши тарихининг Наврӯзга келиб боғланиши ҳақидаги фалсафий фикр образли талкинда, ёрқин бўёқларда намоён этилди. Томошанинг ҳар бири алоҳида тугал маънога эга бўлган қисмлари ўзининг мазмундорлиги ва ўзаро бир бири билан узвий боғлиқлиги яхлит ва мантиқли спектакл яратилишига сабаб бўлди. Ундаги Ер, Сув, Қуёш, Етти сайёра, Баҳорой, Дехқонбобо сингари рамзий образларнинг ҳар бири муаллифлар илгари сурган ғоялар ва максадларни юзага чиқаришга, томошанинг қисмларини боғлашга бўйсундирилди, айнан ана шу йилги томоша ўзининг тарихий фалсафий қўлами, мазмуни ва майдон томошалари талабларига аксар мувофиқлиги ила илгаригиларидан ажралиб турди. Композитор Нодир Норхўжаев томонидан томоша учун ёзилган махсус симфоник мусика ўзининг оҳангдорлиги ва фалсафий теранлиги билан спектакл руҳига монанд бўлди. Ракслар ва сахна безаклари ҳам муаллиф илгари сурган ғояни очишга йўналтирилди. Шуларнинг барчаси, мазкур театрлашган томоша Наврӯз драматургияси ва режиссурасида ўзига хос сакраш рўй берганини кўрсатди.

1997 йилдан эътиборан Наврӯз сценарийлари Абдулла Орипов томонидан ёзила бошланди. Абдулла Орипов сценарийлари ўзининг бадий жиҳатдан пишиқлиги, поэтик образли ечими ва замонга ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Бу сценарийлар ҳажман қисқа ва лўнда бўлса-да, уларга қатъи мазмун сингдирилган. Жумладан, “Наврӯзнома” деб аталган сценарий (1997й.)да Ўзбекистоннинг буюк Туркистон қўйнидаги қуёш ўлкаси экани, унда меҳнаткаш инсон ва янгилаштирилган байрами улуғланиб келингани тараннум этилади. Мазкур мазмун образли — рамзий ечимни талаб этишидан келиб чиқиб, муаллиф Қуёш, Инсон, Нихол, Мучаллар тимсолларидан ўринли фойдаланган. Сахналаштирувчи бош режиссёр Р.Ҳамидов сценарий асосида ўзига хос маҳобатли спектакл яратар экан, сценарийда бир чизик билангина қайд этилган лавҳалар ва образларни тўлақонли гавдалантириш, ожиз томонларини бартараф этишга, кўриниши, ижро маҳорати ва мазмунига кўра ниҳоятда ранг баранг бўлган манзаралар, воқеалар, тимсолларни бир-бирига боғлаб, уйғунлаштириб, бадий яхлитликка эришган. Томошадаги 12 мучалга бағишланган вокал хореографик композиция айниқса ўзининг ечими ила ажралиб туради.

Ўтган қисқа вақт давомида Наврӯз аъёнлари нафақат тикланди, айтиш лозимки, унинг тарихида янги бир давр бошланди. Йилдан йилга ҳар бир театрлашган томоша-

нинг қўлами ва мазмун доираси бойиб бормокда, унда ўзига хос ечимлар пайдо бўлмокда. Байрам сценарийларининг янада қизиқарли, томошавий воситаларга бой бўлиб бораётгани, сахнага олиб чиқиладиган воқеаларнинг тарихийлиги ошаётгани, янги-янги сахнавий безаклар ва ифода воситалари пайдо бўлаётганини кузатиш мумкин. Жумладан, 2001 йил томошасида (сценарий муаллифи А.Орипов, сахналаштирувчи бош режиссёр Р.Ҳамидов) Миллий боғдаги асосий сахна, унинг атрофи, Алишер Навоий ёдгорлиги зиналари, зина ва асосий сахна ўртасидаги кўприклар, шунингдек майдон устидаги фазо ҳам қамраб олинган. Ўшбу маҳобатли спектаклдаги кўринишдан турлича бўлган композицияларнинг ҳар бири ўзига хос тугал мазмун ва ижрога асосланган бўлиб, унга тайёрланган декорация ва либослар, никоблар, ҳаракатланувчи қурилмалар, байроқлар, пуфлаб шиширилган қиёфалар, табиий ва ясама гуллар ажиб бир манзара яратди. Ҳамма ёқда бир бири билан ҳам мазмунан, ҳам бадий жиҳатдан боғланган байрам манзаралари намоён бўлади.

Байрамга чорловчи мусикий оҳангларга табиатнинг уйғониши, борлиқнинг яшариши, қушларнинг чуғур-чуғури, жилғаларнинг шилдираши уйғунлашиб кетади. Қўққа учирилган ранг-баранг шарлар ажиб камалак ҳосил қилади, фурсат ўтмай, рангин камалак алвон бўлутга айланиб кетади, Навоий ҳайкали гумбази қуёш мисол атрофга заррин нурларини таратади, бутун майдон гулларга бурканади, улар устида рангин капалаклар қанотларини ҳилпиратиб учди. Ана шундай ажиб бир манзаралар фонидаги она ва боланинг суҳбати театрлашган томошани бошлаб беради. Отларни елдек учуриб кириб келган жарчиларнинг байрамга чорлови ва шаҳарнинг қадимий 12 рамзий дарвозасидан кириб келган бадий жамоалар, дорбозлар, қўғирчоқбозлар, чавандозлар, масҳарабозлар, полвонлар, чеварлар, қўйинчи, барча қадимий ва замонавий касб эгалари ўз маҳоратларини намоиш этадиган сахнавий кўриниш ўзига хос мутаносиблик ва шиддатли ҳаракат билан ўз ўрнини келгуси сахнавий кўринишга бўшатиб беради. Сахнадаги воқеаларнинг шиддатли ҳаракати, мазмунан ва моҳиятан бир-бирини тўлдириши томошага яхлитлик бағишлайди. Қадим тарихимизнинг илк даврлари ҳақида ҳикоя қилувчи “Авесто” ҳақидаги сахна кўринишлари, шунингдек, Наврӯз билан боғлиқ қатор яратувчилик удумлари эътиборга молик. Вилоятлар жамоаларининг чиқишларида ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари, удумлари, ўзига хос санъати намоён. Агар Тошкент вилояти жамоалари

чикишлари халқлар ўртасидаги дўстлик, байналмилалликнинг ёрқин тимсоли сифатида намён бўлса, фарғоналикларнинг аскияси, сурхондарёликларнинг халқ термалари асосидаги “Бахши ва киз айтишуви”, қорақалпоқларнинг халқ қўшиқлари асосидаги “Хайдар тўйи”, қашқадарёликларнинг халқ термалари асосидаги “Наврўз келди, чиқ-хо чиқ”, Хоразмликларнинг машҳур “Лачагингни эгри қўймагил” каби халқ қўшиқларининг ҳар бирида турли воҳаларнинг ўзига хосликлари муҳрланган. Бу йилги томошаларда эстрада жамоалари чиқишлари бир мавзуга — Баҳор ва Наврўзни қўйлашга бўйсундирилди. Ҳар йилги кўтаринки руҳдаги финал ўз ўрнини лирик кечинмаларга бой “Хуш келибсан, Баҳор” (Ю.Усмонова ижросида) қўшиғига бўшатиб берди.

1992 йилдан бошлаб ҳар йили Мустақиллик байрамини жуда кенг миқёсда нишонлаш анъанага айланди. Истиклолнинг дастлабки йилиданоқ қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор қаратила бошлагани Мустақиллик байрамининг дастлабки нишонланишидаёқ кўзга ташланди. Томоша айнан аجدодларимизни хотирлашга бағишланган кўриниш билан бошлангани ва қарвонлар қўнғироғи садолари остида майдоннинг ўнг ёнидан сўл томонга Буюк ипак йўли бўйлаб туя қарвони орасида буюк аجدодларимиз Тўмарис, Спитамен, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улугбек, Алишер Навоий узок йиллардан сўнг қўлга киритилган эрк ва озодлик байрамлари ила халқни қўтлаб, муборакбод этаётгандек тавозе билан ўтишларига ана шу маъно юклатилган. Томоша болалар дасталари, миллий гвардия аскарлари, жаҳон чемпионатлари ва олимпиадалари ғолиблари ва иштирокчилари чиқишлари, талабалар, ўқувчилар, вилоятларнинг вакиллари иштирокидаги бадий лавҳалар, шунингдек республикамиздаги етакчи жамоалар — “Баҳор”, “Шодлик”, “Лазги”, “Зарафшон” ансамбллари, “Тановор” рақс театри рақсларидан иборат бўлди.

Дастлабки йилларда Мустақиллик байрамлари томошаси моҳиятан Наврўз томошаларидан унчалик фарқ этмас эди. Зеро, бу театрлашган томошаларда санъатимизнинг бугунги ютуқлари ила қадриятлар, урф-одатлар билан боғлиқ чиқишлар ҳам бор эди. Жумладан, 1994 йилги театрлашган томошанинг “Истиклол тўйинг муборак, Ўзбекистон” қисмида таниқли ҳофиз ва хонандалар чиқишларидан кейинги номерда қадимий чолғулардан чанқовуз, шунингдек қошиқ, ликопча ҳамда рақс мазмунини бойитиш мақсадида са-

ватлардан фойдаланилгани, халқ ўйинларидан улок, қўчқор ва хўроз уриштиришлар, аркон тортиш, масҳарабозлик ва шунга ўхшаш халқ удумларининг намойиш қилингани фикримизни исботлайди. Йил ўтган сайин томоша таркибида ҳам ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Агар 1993 йилда Мустақиллик байрами томошаларида пойтахт ва вилоятларнинг машҳур санъаткорлари, ҳофизлар, бадий жамоалар ўз маҳоратларини намойиш этган бўлсалар, Мустақилликнинг 3 йиллиги тантаналарида янги санъат ғунчаларини сахнага олиб чиқишга асосий эътибор қаратилди ва бу тажрибага бугунги кунда ҳам амал қилинмоқда.

Мустақиллик байрамлари театрлашган томошаларида тарих ва бугунги кун, улар ўртасидаги муносабатларга алоҳида ўрин бериш анъанага айланди, десак муболаға бўлмас. Бу томошаларда асосан буюк тарихий сиймолар, улар фаолияти билан боғлиқ лавҳаларни сахнага олиб чиқиш асосида амалга оширилади. Жумладан, 1996 йилги байрам томошасининг бутун бир бўлими Соҳибқиронга бағишланди.

Сўнгги йилларда Мустақиллик байрами сценарийларини яратишда ўзига хос сифат ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бу ишга жалб этилган, сценарийлар ўзига хос бадий шаклга туширилди. Сценарийлар ўзининг бадий, ғоявий ва поэтик ечимлари, ўзига хос топилмалари ила ажралиб туради.

Жумладан, Мустақиллик байрамининг етти йиллик тантаналари сценарийси олайлик. Сценарий ўзига хос бўлиб, унда қадимдан шарқда ҳосиятли, илоҳий саналган 7 рақамга алоҳида ўрин берилган. Сценарий 7 қисмдан (“Истиклол тухфалари”, “Сабъай сайёр”, “Оила—мамлакат таянчи”, “Етуқлик йўлларида”, “Баҳодирлар юрти бу”, “Ўзбекистон гулдастаси” “Санъатим саодатим”) ибора бўлиб, ҳар бир қисмда ҳам лавҳалар шу ҳосиятли 7 рақами асосида қурилади. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Сабъай сайёр” достони асосидаги композиция етти қаср, етти иқлим, етти малика рақси орқали ёритилса, ҳозирги Ўзбекистон вакиллари ҳам ўзига хос камалак мисол 7 рангли миллий либослардаги раққосалар тимсолида намён бўладилар. Замон бобо ва тиллари бурро, ҳаракатлари чاقқон 7 ёшли болалар — Мустақилжонларнинг, умуман болаларнинг чиқишларида тантананинг рамзий 7 сони устивор. Болаларнинг қўнғироқлар чалиб майдонга кириб келишлари, қўшиқ ва рақсларида илк бора мактаб оstonасига қадам қўйишдаги ҳаяжонлар, шўҳликлари мужассам. Театрлашган то-

мошанинг "Етуклик йўлларида" қисми айниқса завқли чиққан. Майдонда спортчилар ўз маҳоратларини намоён этаётганларида бирдан узокдан қор бўрон шовқини эшитилиб, майдон ортида қорли чўққилар пайдо бўлади. Бирдан чўққи устида Ўзбекистон байроғи хилпирайди. Бу Ўзбекистонлик альпинистларнинг яқинда дунёнинг энг баланд Эверест чўққисини забт этиб, у ерга Ўзбекистон байроғини ўрнатганликларига ишора. Умуман, бу байрамларда майдон сатҳининг барча имкониятларини ишга солиш, сахна безаклари, жонли ва электр паннолардан ўринли фойдаланишга интилиш кучли.

Мустақилликнинг 8 йиллиги томошаларида истиқлолга ўз-ўзидан эришилмаганлиги, бу йўлда курашлар бўлгани, шу билан бирга ўтган йиллар давомида амалга оширилган бунёдкорлик ишларига урғу берилиб, бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни образли ифодалашга интилинган бўлса, байрамнинг 9 йиллигига бағишланган тантаналарга мустақиллик ҳар биримизга ўз тақдирини ўзи белгилаш, аجدодларимиздан мерос миллий маънавий қадриятларни тиклаш имконини берганлиги, ота-боболаримизнинг юртимиз истиқлоли, эрки йўлида мардонавор кураш олиб боргани, ўтган қисқа вақт ичида эришилаётган оламшумул ютуқлар, Мустақил Ўзбекистоннинг дунё микёсидаги бугунги нуфузи ва ўрни, порлоқ келажagini намоён этиш асосий ғоя этиб сингдирилган. Миллий истиқлол ғояларини халқимиз, айниқса, ёшлар онгига етказиш, муқаддас Ватан манфаатларини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлод тарбияси каби муҳим вазифаларга урғу бериш, шунингдек, буюк келажакка ишонч туйғуларини қучайтиришди.

Сўнгги йилларда мустақиллик байрами сценарийси маълум бир шаклга тушди. Жумладан, у муқаддима, болалар чиқишлари, спортчилар, ватан ҳимоячиларининг чиқишлари, маънавий қадриятларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи қисм, Қорақалпоғистон ва вилоятлар вакилларининг чиқишлари, жаҳон санъати намуналари ва замонавий эстрада дастуридан иборат этиб тайёрланмоқда. Ҳар бир йилнинг ҳукуматимиз томонидан маълум бир воқеа ва ҳодисаларга, буюк алломаларга бағишланиши бу байрамлар мундарижасига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Наврўз ва Мустақиллик байрамларининг катта театрлашган томошасини тайёрлаш ва ўтказишда йилдан йилга тажриба ортиб, театрлашган томошаларнинг нанки амалий-ижодий, балки назарий асослари ҳам ишлаб чи-

килмоқда. Театрлашган томошаларни тайёрлаш ва ўтказишда асосий эътибор байрам томошаларида турли хил санъат намуналари, спорт кўринишлари, театрлашган намоёнишлар, рамзий тимсоллар ва қиёфалар, ҳаракатланувчи тасвирлар, жонли фон ўртасида уйғунликка, яъни композицион яхлитликка эришишга, томоша давомида Ўзбекистоннинг аънавий ва замонавий санъатининг энг яхши ютуқларини ва изланишларини намоён этишга, шунингдек, томошаларнинг композицион тузилишида ҳам барқарорликни таъминлашга қаратилмоқда.

Наврўз ва Мустақиллик байрамларида ортирилган тажриба ва ижодий кучлар буюк алломалар ва қадимий шаҳарларимиз юбилейларини умумхалқ шодиёнаси сифатида тантанали нишонлашда қўл келди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланиб Самарқанднинг Регистон майдонида ўтказилган театрлашган томоша (1996 йил 25 октябрь) дастури ўзининг тарихий-фалсафий қўламига кўра анча чуқур мазмунга эга. Театрлашган томошага (сценарий муаллифи Хуршид Даврон, бош режиссёр Б.Йўлдошев) инсон ҳаёти моҳияти — Ватанни, она юртимизни, аجدодларимизни удуглаш, истиқлол ғоясини шарафлаш каби ғоялар сингдирилган бўлиб, у "Амир Темурнинг таваллуд топиши", "Соҳибқирон — давлат асосчиси", "Қуч — адолатдадир", "Халоскор", "Улугъ меъмор", "Амир Темурнинг боғлари", "Элим деб — юртим деб ёниб яшайлик" деган қисмлардан иборатдир. Қисмларнинг номланишида ноқ, томошада Амир Темур ҳаёти ва фаолиятининг асосий тамойиллари ўз аксини топганлиги англашилади. Томошанинг ҳар бир қисми тугал маънога, ўзига хос композицион ечимга эга.

Томошанинг буюк бобокалонимизнинг бунёдкорлик фазилига ҳақидаги қисмлари, жумладан, соҳибқироннинг шаҳарсозлик ва меъморлик фаолиятига урғу берилган бўлимлари ўзининг кенг қамрови ва бой тасвирий воситалари билан эътиборлидир. Бунда қўшиқлар мазкур иншоатларга таъриф эмас. Гуё ҳар бир иншоатнинг ўзи тилга кириб, ўз тарихини куйга солиб куйлаётгандай. Куй давомида майдон ўртасида шу иншоот макети қад ростлади. Ёки "Амир Темур боғлари" бўлимидаги соҳибқирон раҳнамолигида бунёд бўлган "Боғи жаҳоннамо" (Х.Даврон шеъри, А.Исмоилов мусикаси асосида Ҳ.Саиджонов ва вилоят санъаткорлари ижро этган), "Давлатобод боғи" (Бухоро халқ қўшиғи, вилоят санъаткорлари ижросида), "Боғи шамол" (Х.Даврон шеъри, А.Исмоилов мусикаси), "Боғи

дилкушо" (вилоят санъаткорлари ижросида) "Боғи беҳишт" (Х.Даврон шеъри, А.Исмоилов мусикаси, мақом ансамбли ва вилоят санъаткорлари), "Боғи чинор — Туркистон боғи" (Х.Даврон шеъри ва М.Бафоев мусикаси, Узтелерадиокомпанияси хор жамоаси ва вилоят санъаткорлари ижросида)га ҳар бир боғга бағишланган қисмларда қўшиқлар фониди тарихий либосларда Темурий маликалар хос канизаклар даврасида майдон бўйлаб оҳиста қадам ташлаб ўтадилар, бу боғларнинг маликаларга атаб бунёд этилганига ишора.

Умуман, Соҳибқирон юбилеига бағишланган театрлашган томоша ўзининг тарихийлиги, фалсафий қўлами, сахна безакларининг ҳашамдорлиги билан диққатга сазовор бўлди. Бу байрамни ўтказишдаги тажрибалар Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлашда ҳам қўл келди. Айниқса, Хива шаҳрининг Арк майдонида 1997 йил 20 октябрда ўтган театрлашган томоша ўз моҳияти, тарихий фалсафий теранлиги (муаллиф О.Матчон) билан эътиборга молик. Унда шаҳар тарихи умумлашган бадий сахнавий ечимларда тақдим этилган.

...Массагетлар маликаси Тўмариснинг чавандоз қизлар қуршовидаги шиддатли ва кескин ҳаракатларга бой рақсларида ватан мустақиллиги учун олиб борган кураши мужассам этилса, қўмлоқ устида қад қўтарган Хива шаҳри ҳақидаги ривоят асосидаги "Фаришта-лар рақси"да тарихимизнинг ўқилмаган саҳифалари қайта жонланади. Қадимдан Хоразм илм маскани бўлгани, дунёга машҳур алломалар бу ерда фаолият олиб борганини кўрсатишга қаратилган "Илм қуёши" бўлими айнан шу мақсадларга бўйсундирилган. Умуман, шоир Омон Матчон, режиссёр Р.Ҳамидов, бастакор Р.Абдуллаевлар ҳамкорлигида тайёрланган сахна томошаси Хиванинг узок тарихи, унинг яратувчилик иштиёки билан тўла бугунги кун, порлоқ истикболи ҳақида ҳикоя қилади. Бадий лавҳаларида Хоразм аҳлининг жушқин ва жозибали санъати намоён. Томоша сўнггида ижро этилган "Лазги"-нинг оммавий ижросида халқнинг ғайрати ва шижоати, назокат ва нафосати мужассам.

1997 йилдан буён ҳар икки йилда мамлакатимизда ўтказиляётган халқаро "Шарқ тараоналари" мусика фестивалини театрлашган томоша билан очиб анъанага айланди. Бунинг учун ўзига хос сценарийлар яратилмоқда. 1997 йилда томоша сценарийси А.Орипов, 1999 йилда Х.Даврон томонидан ёзилиб, режиссёр Б.Ўлдошев томонидан сахналаштирилган. Бу томошалар ўзининг мусикавийлиги билан ажралиб туради. Айниқса, "Буюк

ипак йўли" деб номланган дастлабки театрлашган томоша ўзининг бадий яхлитлиги, мазмун ва моҳият қўлами билан ажралиб туради. Буюк ипак йўли билан боғлиқ тарих воқеа бу мусикий поэтик томошаларни қараб олган томоша поэзия, хореография, пантомима, мусика сингари қатор жанрларни қўнғулашган, ундаги тез-тез ўзгариб турувчи навий кўринишлар изчил суратда алмаш туради. Томошада қадимий ва олис йўл машаққатлари, сафар қилиб дунё кўрманинг сўнгсиз қувонч ва ташвишлари бир иккига тегилиб, қарвон ва сароб образлари орқали ёр ва уни қўмаш билан боғлиқ бўлган сахна кўринишлари ўзбек мумтоз ашулалари, рақслари орқали очиб берилди. Унда гўзаллиги маъсумлик ва бир лахзалик ҳаёт рамзи бўлган капалаклар кўриниши узок йиллар сир сарлаб келинган ипак етиштириш санъати, унинг ошкор қилиниши, ипакнинг қуриқчиси бўлган афсонавий қора куч ва ўз наслини ўнган ҳимоя қилиб келган саҳий инсонлар саралари орқали ўз аксини топган.

Кўнғироклар овози ҳаётнинг давомийлиги, рамзи — қарвондан хабар бўлиб, Узок Шарқдан Ғарбга қараб кетаётган мангулик элчилик хабарчиси тимсолида гавдаланади. Спекталда турли сахнавий кўринишлар, қўшиқ, рақс, рангоранг ва ёрқин либослар, нур, чирок орқали қарвон тўхтаган мамлакат ва халқлар ҳақида лавҳалар кўрсатилади. Уларнинг санъатидан берилган намуналар орқали дўстлик, ҳамжиҳатлик ғоялари тарқатилган.

1999 йил 5 ноябр кунини Жалолиддин Мағубердиннинг 800 йиллиги тантаналарида намоёниш этилган театрлашган томоша (бадиисоз Р.Ҳамидов, бош режиссёр ва сценарий муаллифи Р.Ҳамидов) Урганч шаҳрида барпо этилган. Шовот каналининг икки қирғоғини туташтириб турган ёдгорлик мажмуа марказида Жалолиддинга қўйилган ҳайкал пойидаги оч сахнада намоёниш этилди. Буюк ватандош мизининг ҳаёти ва қаҳрамонликлари бадий тасвирлар ёрдамида жонлантирилди. Томоша Жалолиддиннинг болагини ифодаловчи ҳаётининг ва болалар қўшиқлари билан боғланиб, шахзодалиқ даври куй ва рақслар гавдаланса, Хоразмшоҳ, Нажмиддин Кубрат амир ва беклар билан суҳбатларида унинг юрт тақдири хусусидаги ўй-фикрлари ифодланади. Саркарданинг эл-юрт озодлиги йўлида, истилочиларга қарши олиб борган ғайратлари, жангу жадаллари, мислсиз жаратлари ҳам ўзига хос сахнавий ечимлар тақдим этилган.

Шундай қилиб, қиска вақт оралиғида ўз

кистонда байрамларни нишонлашда ўзига хос тажриба тулланиб, унда қатор хусусиятлар шаклланди. Байрам томошаларида бугунги кунда шаклланган энг асосий хусусиятлардан бири уйғунлиқдир. Томошаларда санъат, спорт, этнография, фольклор, бадий сўз иж- рочилиги, меҳнат ва ижтимоий ҳаёт лавҳала- ри бир-бири билан ягона ва ички ғоялар, мав- зулар асосида таркибий, уйғун бириктирила- ди ва бундан бадий яхлитлик юзага келади.

Шунингдек, театрлашган томошаларда та- рихий ва замонавий воқеликни поэтик-фалса- фий умумлашмалар, рамзий образлар, ёрқин ва бўрттирма воситаларда акс эттириш шакл- ланди.

Оммавий томошаларда бадий образлилик хусусияти ҳам бўлиб, томошалар қисмлари- ни театрлаштириш орқали образли ечимга эри- шилади ва натижада алоҳида-алоҳида томо- шалардан иборат композициялар яхлит бир санъат асари даражасига кўтарилади. Томо- шаларни яратишда сўнгги йилларда шакллан- ган яна бир хусусият воқеаларнинг ягона ва узлуксиз драматик ҳаракат асосига қурилиши ва томошанинг умумий композициясини хо- сил қилинишидир.

Байрам томошаларида майдон сатҳининг катталиги ва актёрлар овози инобатга оли- ниб, барча овоз фонограмма орқали жонлан- тиради. Қўшиқчилар бундай воситаларга қўниқиб қолган бўлсалар, актёрлар ижроси-

да баъзан узилишлар, баъзан мимикадаги етишмовчилик кўзга ташланади. Шунингдек, ҳаракатлардаги шиддат баъзан бадийатга ҳам путур етказётган ўринлар учрайди.

Асосий театрлашган томошалар жуда кат- та ижодий жамоанинг меҳнати натижасида сах- на юзини кўради. Унга тайёргарлик нафақат пойтахтда, шунингдек вилоятларда ҳам анча илгари бошланади.

Майдон томошаларида байрам раҳбари ва бош режиссёри раҳбарлигида юздан ортиқ турли тоифа сахналаштирувчи ижодкор- лар — оммавий томошалар бош режиссёр- лари, театрлашган томошалар бош режис- сёрлари, бош балетмейстер, бадий лавҳа- лар бош балетмейстерлари, оркестрлар ва ансамбллар раҳбарлари, мувофиқлаштирув- чи режиссёрлар, сахналаштирувчи режиссёр- лар, шунингдек қатор сахналаштирувчи ба- летмейстерлар, рассомлар, суҳандонлар, овоз режиссёрлари, овоз операторлари, ижодий- ташкилий гуруҳ, либосчилар, пардозловчи- лар, техник таъминотчилар байрамни тай- ёрлаш ва ўтказишдек сермашаққат ишни амалга оширадilar.

Шундай қилиб, оммавий байрамлар билан боғлиқ театрлашган томошалар истиқлол дав- ри маҳсули бўлиб, у қисқа вақт ичида шакл- ланиб, бугунги кунда мустақил санъат турла- ри орасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бормоқда.

БАДИЙ КИНО

Республикаимиз мустақиллиги билан боғлиқ қутлуг режалар ва янгиланиш тамойиллари маърифат, маданият, фан ва санъатда — ҳул- лас, бадий тафаккурнинг барча қатламлари- да ўз аксини топмоқда. Айни вақтда, миллий экран санъатида ҳам ўзига хос янгиланиш, ўзгаришлар жараёни кечмоқда. Бу хусусан сўнгги йилларда яратилаётган экран асарла- рида Ватанга муҳаббат, юртга эғалик туйғула- рининг устуворлигида, қадриятларимизга, та- рихий ўтмишга бўлган этиборнинг ортиб бо- ришида, шунингдек, инсон қалбининг чуқур- рок тадқиқ этила бошлаганида, ҳаётни бадий идрок этишда ўзига хос серкатламлик пайдо бўлганида кўзга ташланмоқда. Ўзбекистон ки- носанъаткорлари олдида ўз асарларида мил- лий истиқлол ғояларини тараннум этиш, ҳенг ижтимоий қатламларда, хусусан, ёш авлодда замонавий дунёқарашни шакллантиришдек масъулиятли вазифа турар экан, бу ўз навба- тида мавзуда ҳам, бадий ифода борасида

ҳам аввалгидан умуман фарқли, янги изла- нишларни тақозо этади. Бу борадаги изла- нишлар аввалом бор мавжуд воқеликка мос бадий ифода воситасини — айнан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган экран тилини кашф этиш- ни, қатор йиллар мобайнида қўлланиб келин- ган андозалар қобиғидан халос бўлиб, айнан “ижобий” ёки “салбий” эмас, балки ўз сами- мяти билан томошабин қалбига йўл топа олув- чи, том маънода миллий образлар яратишни тақозо этарди. Зотан ўзбек кино санъатининг мумтоз намуналари бўлмиш — “Тоҳир ва Заҳ- ра”, “Алишер Навоий”, “Насриддиннинг сар- гузаштлари”, “Сен егим эмассан”, “Тошкент — нон шахри” фильмларининг беқиёс салоҳия- ти, жозибаси ҳам уларга хос чуқур миллий- ликдаир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Фармони билан кино соҳасининг алоҳида тармоқ тизими сифатида қайтадан тикланиши, 1996 йил 29 апрелдаги

Фармонга асосан “Ўзбеккино” давлат-акционерлик компаниясининг тузилиши миллий кино санъати ривожига муҳим босқич бўлди.

Сўнгги ўн йилликда миллий бадиий кинода кечаётган маънавий янгиланишлар жараёнини аввалам бор, экранларга чиқаётган фильмларнинг мавзувий йўналишида, уларда акс этаётган тарихий ҳақиқат, ўзликни англаш масалаларининг касб этган долзарблигида кузатиш мумкин.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, 80-йилларнинг поёнида, қайта қуриш жараёнлари билан изма-из ва 90-йилларнинг илк палласида — қатор мустақил давлатларнинг ташкил топиши натижасида кино санъатига қўплаб ёш ижодкорлар ўзларининг янги мавзулари, янги қаҳрамонлари ва янги ижодий изланишлари билан кириб келдилар. Бу даврда яратилган фильмларнинг аксарияти замонавий мавзуларга бағишланган бўлиб, уларда асосан баҳолаш мезонлари устуңлик қилади. Бундай ижтимоий-кескин таҳлилга асосланган анъана сиёсат даражасида яқин ўтмишни қайта баҳолаш натижасида қарор топди. “Сиз кимсиз?” (реж.Ж.Файзиев), “Қутурган итларга тузоқ” (реж.Д.Салимов), “Бир қадам ўнгга, бир қадам сўлга” (реж.Ю.Собитов), “Тонг отгунча” (реж.Ю.Азимов), “Ойнинг орқа томони” (реж.З.Ройсман) фильмларида бадиий мушоҳаданинг ижтимоийлашуви кузатилади. Лекин, замонавий мавзудаги бундай жонланган 90-йилларнинг иккинчи ярмига келиб аста-секин сўна бошлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришган тарихий давларида ўз даври ва томошабини билан жонли, рўйи рост алоқа қила олиш, миллат ҳаётининг муҳим бўғинларида кечаётган ислохатлар жараёнини, мавжуд муаммоларни мўлжалга ола билиш имконияти кино санъатини ижтимоий ҳаётнинг олдинги қаторига суриб чиқара бошлади. Маънавий меросни қайта тиклаш, миллий маданиятни англаш жараёнлари киносанъаткорлар эътиборини — узок ва яқин ўтмишдаги Ватан тарихи, унутилаёзган кадрятлар қатламига, бир вақтлар қатъан этилган мавзулар ва шахсиятларга жалб этди. (“Буюк Амир Темур”, “Имом ал-Бухорий”, “Отамдан қолган далалар”, “Тош санам”, “Сўғдиёна”, “Марғиёна”, “Алпомиш” фильмлари мисолида). Бу эса ўз навбатида, замонавий мавзуларга бўлган қизиқишни сусайтириб, уни бир қанча вақт четта суриб қўйди. 90-йилларнинг поёнига келиб, халқимизнинг бугунидан, мавжуд воқелик ва замондошлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи фильмлар сони бир қур камайди.

1991—2001 йиллар оралиғида республика

киностудияларида 50 дан ортиқ бадиий фильм сурагга олинди. Мавзудаги рангбаранглик, жанр-услубий чегараларнинг кенгайгани, воқеликни фаҳмлашдаги ижодий изланишлар бу фильмларнинг белгилувчи хусусиятини ташкил этади. Айнан шу паллага келиб, катта-катта фильмлар учун давлат буюртмачи бўлиб маблағ ажратиши бу соҳадаги ислохатларнинг самараси бўлди. Миллий мафкуранинг шаклланишида халқимиз тарихининг, қадимий миллий кадрятларимизнинг қайта тикланиши асосий мезон бўлган ҳозирги даврда кино санъати жараёнида тарихий мавзунинг акс этиши муҳим аҳамият касб этди. “Буюк Амир Темур”, “Имом Ал-Бухорий” фильмларида миллий ва жаҳон кинематографининг ижодий анъаналари, илғор тажрибалари давом эттирилди. Шунинг билан биргаликда, ижодкорлар мураккаб, серқўлам мавзунини талқин этишда ўзига хос услуб, йўналишларни танлаганларки, бундай ёндошув ҳар бир фильмнинг бетакрорлигини таъминлайди. Шу аснода, “Буюк Амир Темур” (сц. муал. А.Орипов, Б.Аҳмедов, Б.Содиқов, сахн. реж. И.Эргашев, Б.Содиқовлар, оператор Р. Иброҳимов, 1996) фильми ўзининг ритмик мароми, бой тасвирий олами, мушоҳада этилаётган воқеалар қўлами, декорация ва либослар ёрқинлиги билан ажралиб туради.

Буюк сиймолар ҳақида асар яратиш ижодкорлар зиммасига катта масъулият юклаб, тарихни чуқур билиш, ўтмиш манбаларини таҳлил этиб, ҳаққоний гавдалантиришнинггина эмас, уларга ўз замонасининг фарзанди, санъаткор сифатида фаол муносабат билдиришни тақозо этади. “Буюк Амир Темур” киноэпопеяси муаллифлари ҳам улғў соҳибкирон шахсига, унинг ҳаёти ва фаолиятига шундай муносабатда бўлишга ҳаракат қиладилар.

Фильм воқеалари соҳибкирон ҳаётининг маълум бир саҳифалари гавдаланади. Бу фильм ўз моҳиятига қўра — улғў ўтмишдошимиз қиёфасини бадиий экранда гавдалантиришнинг дастлабки тажрибасидир. Муаллифлар Амир Темур образини яратишда шу давргача адабиётда ва сахнада мавжуд тажрибалардан фарқли йўлни танлаб, барқамол шахс қиёфасини бадиий гавдалантиришнинг янги таъмоийларини кашф этишга интиладилар.

“Буюк Амир Темур” фильмининг тасвирий олами алоҳида диққат-эътиборга лойикдир. Йирик пландаги кадрлар портретга хос таъсирчанликка эга бўлиб, улардан умумий ва ўрта пландаги тасвирларга ўтиш силлиқ ва муқобил кечади, узилишлар сезилмайди. Тасвирий оламнинг бадиий-гимсолий умумлашмаси, рамзларнинг аниқ ва лўндалиги, қаҳра-

монлар маънавий дунёсининг поэтик талқин этилиши фильмнинг стилистикасини белгилайди. Афсуски, драматик асоснинг кўпроқ тарихий-солномавийликка мойил экани сабабли, бош қаҳрамон — Амир Темур образи ўзининг тўлақонли ифодасини топмайди.

“Имом ал-Бухорий” (сц. муалл., сахн. реж. Б.Содиқов, оператор Р.Иброҳимов, 1995 й.) фильмининг стилистикаси ўзга ечимда ҳал қилинган. Асар марказида шахс ва тарих муаммоси туради. Муаллифлар миллий экранда тарихий мавзунини, хусусан, йирик тарихий шахслар сиймосини акс эттиришнинг ҳали синалмаган, ўзига хос янги жиҳатларини, қирраларини кашф этадилар. Фильмда тарихий хотира, инсониятнинг маънавий қамолот, пок руҳият, ҳидоят сари бетинини интилиши жараёни образли муболағалар, чуқур фалсафий умумлашмаларда аён бўлади. Бинобарин, “Имом ал-Бухорий” фильмида анъанавий сюжет қурилмаси учрамайди, воқеа-ҳодисалар, қаҳрамон ҳаётидан лавҳалар, азиз пайғамбарлар ўтмишидан ривоятлар бирин-кетин алмашинади. Асарнинг негиз-моҳияти асосан тасвирий қатламда — нур ва соялар ўйинида, шарқ миниатюраси анъаналарида ҳал этилган тасвирий ифодаларда очиб берилади. Жозиба сири шундаки, қаҳрамон ички дунёси асосан турфа эпизодлар силсиласида намоён бўлиб, бу эпизодларнинг изчиллиги ва ўзаро мутаносиблигида муайян эркинлик мавжуддир. Муаллифлар масъулиятли, мураккаб мавзуга қўл урар эканлар, кинематографнинг ўзига хос таъсирчан воситаларидан (ритм, монтаж, мусиқа) ўринли фойдаланишга, мавзуга ҳамоҳанг экран тилини кашф этишга муваффақ бўладилар.

Атоқли ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи бўйича “Ўзбеккино” ДАК томонидан янги фильмнинг экранларга чиқарилиши Республика маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Фильмда халқимиз тарихининг маълум саҳифалари бадий мушоҳада этилади.

Миллий-маданий меросимизнинг мумтоз дурдонасига айланган бу асар 1969 йилда илк бор таниқли режиссёр Йўлдош Аъзамов томонидан экранлаштирилган эди. Р.Ҳамроев, А.Бакиров, П.Пирмухамедов, М.Ёкубова, Э.Умаров сингари эл севган машҳур санъаткорларнинг иштирокидаги бу фильмни томошабин севиб қолган эди. Бу ўз навбатида, “Ўтган кунлар” фильмининг янги ижодкорлари зиммасига улкан масъулиятни юкляди. Режиссёр М.Абзалов, оператор Х.Ғайзиев ҳамда сценарийни яратишда иштирок этган Қодирийнинг набираси — Хондамирлар асосий эътиборни романнинг сероб сюжет йўна-

лишлари ва мавзувий қатламларига, ўзида муаллифнинг баркамол қаҳрамон ҳақидаги орзу-ўйларини акс эттирувчи образларнинг ифодасига қаратадилар. Фильмнинг асосий хусусияти ҳам шундаки, у ўзида романнинг яхлит бадий оламини, муҳими — руҳини сақлаб қолади. Ҳар бир кадр ўз таъсирчанлигига эга, сюжетлар баёни батафсил, эпизодлар бири-бирига равоун уланиб кетади. Деталлардаги тугаллик, ҳар бир чизги, лавҳанинг умумий мақсадга хизмат қилишга қаратилган эканида фильм ижодкорларининг асарга бўлган мухаббатлари намоён бўлади.

Кинорежиссёр Й.Аъзамовнинг “Ўтган кунлар”ида Отабек ва Қумушларнинг севгиси, шу йўналишдаги воқеалар тафсилоти етакчилик қилган бўлса, янги фильмда воқеалар қўлама бирмунча кенгрок бўлиб, тарихий муҳит, давр зиддиятлари образли ифодасини топади. Фильмда халқимизнинг ўтмишдаги турмушини, удум ва маросимларини акс эттирувчи ёрқин лавҳалар, жонли манзаралар гавдаланади. Муаллифларни аввалам бор асардаги бетакрор образлар оламини очиб бериш, томошабини уларнинг қайғу ва шодликларига ҳамдод этиш истаклари илҳомлантиради. Бир қарашда таниш, лекин янги-янги чизгилар кашф этган — фитначи Азизбек (Р.Каримов), Мусулмонқул (Э.Каримов), порахўр Қўрбоши (М.Абзалов), Офтобойим (Г.Жамилова), Қутидор (Х.Алихўжаев), Ўзбекойим (С.Исаева) образлари бирма-бир намоён бўлади.

Романи экран тилига ўғиришда ижодкорларни жиддий ўйлантирган мушкулликлардан бири Отабек образининг талқини билан боғлиқ эди. Зеро, бу образ ўз моҳияти билан миллионлаб ўқувчиларнинг, бир неча авлод вакилларининг олийжаноблик, баркамол инсон ҳақидаги эзгу орзулари тимсолига айланган эди. Актёр Бехзод Муҳаммадкаримов ижросидаги Отабек ўзида айнан шу хислатларни мужассам этган, унинг қаҳрамони мағрур ва мард, эҳтиросли ва оққунгилдир.

Экран воқеаларнинг ижтимоий мотивларини идрок этаркан, муҳитни, персонажлар характерининг шаклланиб боришини, хусусан, Отабек шахси драмасининг маънавийтини очиб беришга муваффақ бўлади. Отабек ва Ҳамид (Б.Қосимов) ўртасида вужудга келган қарама-қаршилик нафақат икки индивиднинг зиддияти, балки турли қутбلى оламлар, дунёқарашлар курашидир. Китобда бўлганидек, фильмда ҳам улар очик курашда тўқнашадилар.

Қумуш ролини ёш актриса Шаҳризода Дилмурод қизи ўзига хос нафосат билан ижро этади. Унинг Қумуши — шикаста ва масъум.

назокатли ва дилбар, қалби бахт сари ошиқадди. Бу ўринда Кумушнинг Отабек билан илк учрашувини, ёки Тошкентга, Юсуфбек хожи хонадонига кириб келар экан, латофати, самимияти билан ҳатто Ўзбекбойимнинг қалбини йийтиши саҳналарини эслаш даркор.

Экрандаги воқеалар ривожига Зайнаб образининг кириб келиши талқинга чуқур фожеавийлик бахш этади. Актриса Лола Элтоева ижросидаги фавқуллодда мураккаб, қарама-қарши хисларга тўла мазкур образ ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин. Талқинга хос ижодий эркинлик муаллифларнинг режиссёр ва операторнинг қаҳрамон ҳақидаги тасаввурлари доирасини кенгайтириб, янги жонли чизгилар, ҳаётги кирралар, рухий аломатлар кашф этиб боради.

Миллий-маданий тизимнинг ажралмас қисмини ташкил этган бадий кино 80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг бошланишида машаққатли “ўтиш” даврини бошидан кечирган бўлса, бугун ижодий янгиланиш палласига кириб келди. Бу тарихий босқичда экран санъати маънавий жараёндаги етакчи ғоялар, йўналишлар билан ҳамоҳангдир. Зеро, воқеаларни фаҳмлашдаги ижодий изланишлар ҳам, унинг умумлаштирилган таъсирчан тимсолий воситаларини янгилаш ҳам, янгидан-янги мавзулар, жанрлар йўналишлари ва ижодий тамойилларнинг юзига келиши — бадий маданият тизими, хусусан адабиёт билан ҳамкорликда амалга ошиши мумкиндир.

Ўзбек адиблари билан ўзаро самарали ҳамкорлик анъаналари миллий кинематографиямиз тараққиётининг аввалги босқичларида ҳам мавжуд эди, албатта. Миллий кинематографиямизнинг мукамал бадий замин излаб замонавий ўзбек адабиётига мурожаат этиши тажрибаси натижаси ўлароқ — “Отамдан қолган далалар” (сахн. реж. Ш. Аббосов, сахн. оператор Р. Ғалиев, Т. Мурод асари асосида), “Тушларимда ғамгин йиғлайман”, “Ёлғиз ёдгорим” (сахн. реж. С. Назармуҳамедов, сахн. операторлар Н. Ғуломов, У. Ҳамроев, Х. Султонов асарлари бўйича), “Пиёда” (сахн. реж. Р. Маликов, оператор Х. Ҳасанов, Э. Аъзам асари бўйича), “Севги” (сахн. реж. И. Эргашев, сахн. оператор Х. Ҳасанов, У. Азим асари бўйича) каби қатор фильмлар яратилди. Бундай ҳамкорлик бадий киномизнинг жанр-услубий чегараларини кенгайтириб, янги ижодий уфқларни очиб берди. Натижада, ижодий тажрибаларга, замон билан ҳамоҳанг янги мавзулар, кенг қамровли мушоҳада шакллариغا интилиш жадаллашди.

Таниқли ўзбек кинорежиссёри Шухрат Аббосовнинг ёзувчи Тоғай Муроднинг “Отамдан

қолган далалар” асари бўйича суратга олган киноэпопеясида ўзбек халқи босиб ўтган катта тарихий давр акс этади.

Фильм драматургияси шундай ишланганки, ҳар бир тарихий бурилиш, сиёсий бўҳронлар, машҳур воқеалар марказида бир оила, унинг бир неча авлод вакиллари туради. Бу вазият муаллифларга бутун бошли миллат тарихини конкрет қаҳрамонлар тақдирида, уларнинг ҳаётида ўрин тутган воқеалар таҳлилида акс эттириш имконини тугдиради. Натижада, тарихий воқелик мавҳум умумлашмаларда эмас, балки алоҳида инсон қисматида, унинг номукамал борлиқ билан муносабатида аён бўлади. Фильмда акс этилган воқеалар мушоҳадасининг образли публицистикага яқин экани, стилистикадаги ўткир ижтимоийлик ҳам шундандир.

“Отамдан қолган далалар” киноэпопеясида ўзбек халқининг қарийиб бир асрлик тарихи — Туркистоннинг Чор Россияси томонидан истило этилишидан тортиб, шўролар сиёсатининг машъум оқибатлари, қатағонлар ва урушлар, “пахта монополияси”нинг фожеалари ҳақида сўз юритилади. Бундай улкан ва мураккаб мавзунинг ёритишда, уни бадий тадқиқ этишда муаллифлар доим ҳам тўғри йўл танлай олганлар дейиш мушкул. Бинобарин, мавзу ва муаммоларнинг тивизлиги, бир вақтнинг ўзида ҳамма нарса ҳақида айтиб улгуриш истаги образлар таъсирчанлигини сустлаштириб, бадий яхлитликка путур етказди. Натижада воқеалар мароми чўзилиб, томошабинни толиқтиради. Фильм мобайнида қаҳрамонлар характери, дунёқарашининг шаклланиб боришини кузатмаймиз. Аслида, муаллифлар бундай жараённи назарда тутмайдилар ҳам. Қаҳрамонлар кўпроқ муайян тузумдаги муайян ижтимоий кучлар тимсолий сифатида гавдаланади. Мураккаб, зиддиятли ижтимоий муносабатлар гирдобидида ҳаёт кечираётган қаҳрамонлар — муаллифларнинг айнан шу тарихий воқеликка бўлган шахсий муносабатларини ўзларида мужассам этадилар.

Тарихий ҳақиқатни экранда ўзига хос таъсирчан воситаларда, тимсолий маъноларда акс эттириш муаммоси қўллаб ижодкорларимизни ташвишлантирган бир даврда кинорежиссёр С. Назармуҳамедов ҳам шу мавзуга мурожаат этади. “Ёлғиз ёдгорим” фильми — кинорежиссёрнинг истеъдодли ёзувчи Х. Султонов билан ҳамкорликда яратган иккинчи асаридир. Фильмда тоталитар тузумнинг зулмкор сиёсати, ундан келиб чиққан асоратлар мушоҳада этилади. Ўткир ижтимоий муаммолар, фожеалар гирдобидида — инсон тақдири, унинг қалбидаги сўнмас эзгулик, чексиз ғам

мат гавдаланади. Кинорежиссёр Собир Назармухамедов ижодига хос бўлган теран психологизм, қаҳрамон маънавий оламини фавқулодда юзага келган ҳолатларда идрок этиш хусусияти — фильмнинг баён услубини белгилайди. Фильмнинг бош қаҳрамони Адаш Карвон (Т.Норматов) мураккаб ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтади: ноҳақ қатагонлар оқибатида навкирон йиллари олис сургунларда завол бўлади, бу синовлар ҳам камлик қилганидек, яккаю-ёлғиз зурриёди фожеавий нобуд бўлади. Бу кўргуликларга бардош беролмаган Адаш бобонинг рафикаси ҳам ёруғ дунёни тарк этади. Муаллифлар кинонинг ўзига хос баён услуби, таъсирчан ифода воситаларида қатор машаққатли синовларни бошидан кечирса-да, аждодлардан мерос қолган чексиз сабр-этиқод ила уларга бардош бера олган қаҳрамоннинг маънавий қудратини очиб берадилар.

Ватан туйғуси, муҳаббат ва садоқат мавзуси кинорежиссёр И.Эргашевнинг "Севги" (сц.муалл. У.Азим, М.Тўйчиев, И.Эргашев, сахн. оператор Х.Хасанов) фильмида ўзига хос поэтик чизгиларда тасвирланади. Фильм қаҳрамони — ватандошимиз Абдурахмон (М.Ражабов ижросида) олис Беларус юртида яшайди. Ўзини буткул бахтли хис этиши учун ҳамма нарса мавжуддек — уй-жойи, меҳрибон хотини, севимли қизи. Бироқ, қаҳрамоннинг ўз юртдошлари билан қутилмаган учрашуви воқеалар ривожини ўзга йўналишга буради. Бу йўналиш Абдурахмоннинг йироқдаги Она юртини қўмсаши туйғуларида зоҳир бўлади. Инсоннинг она заминга қон ва жон ила боғланган экани муаллифлар томонидан унинг мавжудлиги, тириклигининг бош мезони сифатида талкин этилади. Фильмнинг Ватан, Ишқ ва Садоқат ҳақида мушоҳада этувчи фалсафий тўқимасига муҳаббат мавзуси ажиб тарзда уйғунлашиб кетади. Фильмнинг тасвирий олами томошабинда алоҳида завқ уйғотади. Поэтик руҳ билан сингдирилган манзаралар гўзал ва бегақордор. Мусика ўз таровати, миллийлиги билан ажралиб туради (композитор — М.Маҳмудов). Мухими, Ватан тушунчасининг ўзи фильмда мустақил образ сифатида гавдаланади.

Эндикда маънавий-руҳий изланишдаги, фаол қаҳрамон образи фильмнинг кенг жамоатчиликка таъсири салмоғини белгилловчи ягона бўлмасада, муҳим жиҳатларидан бирига айланди. Бу ҳол айниқса, ўзбек бадий киносида замондош қаҳрамон образининг сўнги ўн йиллик ривожланиши тадрижида, бу борада юзага келган янги тамойилларда сезилади. Қаҳрамон бадий концепцияси сезиларли иж-

тимоийлашиб, унда асосан давр ва шахс каби умуминсоний муаммолар, шу кунга қадар мавҳум бўлиб келган мавзуларни қаҳрамон тақдирда талқин этиш, янги кун нуқтаи назаридан таҳлил этиш хусусияти устунлик қилади.

Кино санъаткорларимиз ўз эътиборларини инсоннинг маънавий дунёсига, ҳулқ-атворининг ички мотивларига қаратар эканлар, бу йўлдаги ижодий изланишлар баён усуллари-нинг янги тизимларини кашф этиб, муаллиф мушоҳадасининг эпик, драматик ва лирик шакллари-ни уйғунлаштирди. "Қирққулоқлар сири", "Тақдир эшиги", "Тушларимда ғамгин йиғлайман", "Мен қайтгач...", "Атроф қорга бурканганда", "Аёллар салтанати", "Чаён-гул", "Пари Момо" фильмларида воқелик қаҳрамонларнинг ички кечинмалари маромида ифодаланади.

Кинорежиссёр Т.Камоловнинг "Атроф қорга бурканганда" фильми (сценарий муаллифи — А.Аббосова, сахналаштирувчи оператор — Р.Иброҳимов) миллий киносанъатимизнинг жозибасини белгилловчи поэтик анъаналар намоён бўлади. Воқеалар олис тоғлар бағрида жойлашган қўриқхонада кечади. Фильм Асал исмли қизнинг қалбида жўш ураётган ҳиссиётлар, илк муҳаббатнинг тотли ғуссасиё, жавобсиз қолган туйғулари армонидан ҳикоя қилади. Унда барча тафсилотлари билан ифодаланган ҳаёт муҳити, табиат ҳушнудлиги мавжуд. Фильм ҳис-туйғулар поэзиясини, табиат билан уйғунлиқни тараннум этади. Муаллифлар инсон ва борлик ўртасида вужудга келувчи нозик мувозанатни, мавжудлик мезонларини ва чексиз руҳий оламини фалсафий мушоҳада этишга уринадилар. Қаҳрамонларнинг маънавий олами ҳам мана шу табиий муҳитда очиб берилади. Фильм тасвирий оламининг таъсирчанлиги, кадрлар қурилишидаги ўзига хослик, ракурсларнинг табиийлиги, баён услубидаги кучли лиризм, қаҳрамонлар муносабатидаги самимийлик, таъсирчан мусика — экранда кечаётган ҳаёт оқимиға ишонч бағишлайди.

90-йиллар миллий кино санъатимизда кинорежиссёр З.Мусоқовнинг фильмлари алоҳида ўрин тутати. Унинг қаҳрамонлари ўзгача тароватга эга бўлиб, томошабинни беғараз самимияти билан ром этади. Кинорежиссёрнинг "Абдуллажон" (1990), "Бомба" (1994), "Яратганга шукур" (1997) фильмлари қаҳрамонлари характери негизини ташкил этувчи содда муғомбирлик, беғараз айёрлик, ҳазил-мутуйба, сўзга чечанлик миллий фольклор қаҳрамонларини ёдга солади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус киностудиясида яратилган фильмларисиз

1991—2001 йиллар Ўзбекистон кино санъатида кечган жараёнларни, юзага келган умумий манзарани тасаввур этиш, англаш мушкулдир. Нукус киностудиясининг фаолияти республикада кечаётган маънавий жараёнларга ҳамоҳанг бўлиб, жўшқин маданий ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида намоён бўлмоқда. Қорақалпоқ киноижодкорлари томонидан сўнгги йилларда яратилган бадий асарлар орасида “Она” (сценарий муаллифи ва сахн. реж. Т.Қалимбетов) фильми эътиборни жалб этади. Мазкур фильм III Бухоро кинофестивалининг (2000 й.) олий совринларидан бирини олишга муяссар бўлди-ки, бу ҳам мустақиллик даврида қорақалпоқ кинематографчилари мавзу, қаҳрамон, бадий ифода воситаларини танлашда даврнинг етакчи гуманистик ғояларидан келиб чиқаётганларини яна бир бор тасдиқлади. Қорақалпоқ аёлининг чексиз меҳри, садоқати — бу ўлкага, унинг ўтмишига ва буюк сиймоларига улкан эҳтиром ва муҳаббат билан суратга олинган, нозик дид билан монтаж қилинган, овоз воситалари ила сайқал топган кадрларда ўз ифодасини топган. Фильм анъанавий сюжет қурилмасидан йироқ, ҳеч бир воқеа-ҳодисанинг тафсилоти учрамайди. Бу бадий асарда бирорта сўз ҳам айтилмайди. Қаҳрамони ҳам битта — меҳри дарё она, садоқатли ёр, она заминни, авлод-аждод таомилини ардоқлайдиган қорақалпоқ аёли. Катта шаҳардан йироқ бўлган овулда истикомат қилувчи бу аёлнинг кундалик ҳаётини кинокамера синчков кузатади. Гоҳ жўҳори туюётган, гоҳ кир юваётган, таом пишираётган, гоҳида эса сандиқни очиб фарзандининг жажжи қўйлақларини қайта тахлаб, юз-кўзига сураётган бу муштипар аёлни қўриб ўйга толамиз. Зеро бу ҳаяжонли кадрларда қаҳрамоннинг ички монолог янграётгандек бўлади. Мукаммал ижрода, сержило тасвир қатламида қаерларгадир кетиб ҳеч қайтмаётган дайди ўғлининг йўлига интиқ бўлаётган онанинг ғуссаси намоён бўлади. Она кунига қозон осади, суюқми-куюқми овқат тайёрлаб икки коса сузади — ўзига ва дом-дараксиз кетган ўғлига... Шу зайлда ойлар, йиллар ўтади. Ажинлар кўпаяди-ю, она қалби қаримайди, меҳр ўти асло пасаймайди...

Бадий кино санъати ўз моҳиятига қўра омухтавий (синтетик) бўлиб, ўз асарларида адабиёт билан бир қаторда — театр, мусика, графика, рангтасвирнинг аён жиҳатларидан, эстетик тажрибаларидан унумли фойдаланиб келган. Бадий экраннинг бошқа санъат турлари билан алоқаси уни кўр-кўрона кўчириш эмас, балки бадий анъаналарни ва ифода

воситаларини ижодий ўзлаштириш ва айн пайтда ривожлантириш ҳам демакдир. Ш маънода, 1991—2001 йиллар бадий киносида тасвирий қатлам алоҳида эътиборга молик. “Буюк Амир Темур”, “Ёлғиз ёдгор”, “Ўтган кунлар”, “Воиз”, “Аёллар салтанати”, “Феллини”, “Пари момо” фильмларида мўъжаз тасвирий образлар, декорациялар, лаҳзалар таъсирчан ифодавийлиги билан фарвланиб, драматургияни бойитган. Операторлардан Х.Файзиев, Р.Иброҳимов, Х.Хасанов, У.Ҳамроев, расомлар Ю.Гусейнов, Д.Абдурахмонов, И.Гуленко, либослар бўйича расом З.Носироваларнинг ижодида образлар пластика, нафис услубият кўзга ташланади.

Экранда инсон руҳий оламини тасвирлашда, образ-характер яратишда актёр маҳорати муҳим ўрин тутди. 90-йилларга келиб янги актёрлар авлодининг майдонга келиши миллий кино ривожининг янги имкониятларини очиб берди. Б.Муҳаммадкаримов, Б.Зокиров, К.Мирходиев, Ф.Режиметова, Л.Элтоев, Ю.Ҳамидова, Ф.Жалолов, Ж.Зокиров, А.Алхўжаева сингари ёш актёрларнинг ўзига хос ижро услуби кўплаб фильмлар қаҳрамонларининг кенг томошабинлар оммаси қалбиде ўрин олишига хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида миллий кино санъатимизнинг ўзига хос ривожланиш жиҳатларидан бири — хусусий киностудияларда, шунингдек, ҳомийлар билан ўзаро ҳамкорликдаги фильмларнинг яратилиши бўлди. Бу ўз набаотида, миллий асарларини яратиш йўлида изланишларга, янги ижодий тажрибаларни юзага келишига тўртки берди. Экран санъатининг синалган бадий-тасвирий анъаналарига жанр имкониятларига ижодий ёндашиб, шунинг билан ва мазмунан янги тамойилларни илғаи суриш билан бирга, синалган эстетик-бадиимоделларга суяниб, мароқли ва таъсирчан жанр услубий йўналишларда тижоратбоп маҳсул яратишга қаратилган сайъ-ҳаракатларни фаолаштирди. “Темир хотин”, “Кўзларим йўлида”, “Даллол”, “Шариф ва Маъриф”, “Тил бола”, “Масҳарабоз”, “Гуноҳ”, “Юлдузини бер, осмон”, “Кенжа сингил” фильмлари тахлитдаги изланишлар натижасидир. Албатта, бу кинофильмларнинг бадий салоҳияти турлича. “Темир хотин”, “Абдуллажон”, “Бола”, “Чимилдик” сингари фильмлар томошбинга бир олам завқ бериб, жиддий ҳаётини аммолардан, инсоний муносабат, ҳис-туйғудан мароқли ҳикоя қилса, “Тилла бола”, “Гуноҳ”, “Севги қурбонлари”, “Бахт кадр” фильмларида эстетик дид танқислиги яқин назарга ташланади. Томошабинни қай йўсин бўлса-да, жалб этиш истаги гоҳида ижодк



"Севги" бадийий фильмидан кадр. "Ўзбекфильм". 1998.

ларни олди-қочди сафсата, тўғридан-тўғри тақлидчилик йўлига бошлайди. Умуман, жамиятдаги, ижтимоий ҳаётдаги улкан ўзгаришлар, янгиланиш тамойиллари бадийий экранда ўз инъикосини топиши табиийдир. Зеро, нураб яксон бўлган эски "устқурмалар" вайронасидан тўғри йўл танлаб чиқа олиш, бу йўлда давр талабига жавоб берувчи асарлар яратиш осон вазифа эмас. Фильмнинг сарф этилган маблағларни қоплай олиш-олмаслиги имконияти, яъни унинг тижоратбон экани бугун муҳим аҳамиятга эгадир. Лекин шу ўринда экран асарининг бадийий қиймати ва томошабинбон жихатлари ўртасидаги қўз илғамас нозик мувозанатни сақлаб қола олиш ижодкорлардан профессионал маҳорат, ўзига хос истеъдод талаб этади.

Томошабин муаммоси, уни миллий кино сарҳадларига жалб этиш масалалари долзарб бўлган мазкур босқичда кинорежиссёр З.Мусоқовнинг "Абдуллажон", "Бомба", "Кичкина табиб", С.Назармухамедовнинг "Ёлғиз ёдгорим", "Чаёнгул" фильмларини, хусусан, кинорежиссёр М.Абзаловнинг "Чимилдик" фильмининг аҳамиятини эътироф этмасак адолатдан бўлмас. Зеро, бу фильмларда акс этган муҳит, қаҳрамонларнинг руҳияти, ташвиш-қувончлари, кўнгил товланишлари-ю, маиший можаролари оддий томошабин қалбига

жуда яқин, уни ўз самимияти билан завқлантиради. Мазкур фильмларнинг ўзак томирини ташкил қилувчи савқи табиийлик, этник драма хусусиятлари, фольклор поэтикаси, халқ маънавий меросининг битмас кенгликлари томон етаклайди.

Республика кинозаллари ярим бўш, ёшларимиз хорижий жангари фильмларнинг ашаддий мухлисига айланган бир шароитда "Кичкина табиб", "Чимилдик" фильмлари намоёйишига минг-минглаб томошабинлар келди. Бу албатта, ўзбек киноси ўз томошабини учун курашни ҳали қўлдан бой бермади деганидир. Бинобарин, киносанъаткорларимиз ўз мухлислари, томошабинлари олдида қарздордирлар. Очигини айтганда, муҳит тақозоси билан, 70—80-йилларда кино санъатимиз миллий ўзига хосликдан анча узоқлашиб, унда қиёфасизлик анчайин кенг ёйилганди. Бинобарин, ундан муайян шахс табиатини ҳар жиҳатдан тасвирлаш эмас, шахсни муайян ижтимоий қатламнинг вакили сифатида қўрсаатиш талаб этиларди. Шу сабабли, кўплаб фильмларда инсондаги ўзига хосликка, алоҳидаликка эътибор камайиб, унинг қайсидир ижтимоий қатламга мансублиги белгиларини бўрттириш зарур эди. Ҳатто махсус "ишлаб чиқариш" мавзувий йўналиши мавжуд эди.

Айнан шундай “бегона” қахрамонлар ва мавзулар, сохта муаммолар томошабинни миллий киномиздан маънавий бездирган эди.

Режиссёр ва сценарийнавис Ю.Розиқовнинг “Воиз” (1999) ва “Аёллар салтанати” (2000) фильмлари, С.Назармухамедовнинг “Ёлғиз ёдгорим”(1998), З.Мусоқовнинг “Абдуллажон”(1990) фильмлари нуфузли киноанжуманларда иштирок этиб, миллий фильмларимиз жаҳон талаблари даражасида эканини яна бир бор исботлади. Режиссёр Н.Аббосов суратга олган “Феллини” (1999) бадий фильми 60-йилларнинг машҳур ижодий тажрибалари ва изланишлари боқий эканини, поэтик анъаналар жозибаси ҳали қўплаб ижодкорларни мафтун этажагини намён этди.

Бугунги ўзбек киносида услуб ва жанр имкониятларини кенгайтириш борасидаги муайян изланишлар ижобий самаралар бераётгани ва беражаги аён. 1991—2001 йиллар ўзбек бадий киносининг умумий манзарасини, унда акс этган тамойилларни, бадий маҳорат даражасини фақат бир сифат билан —

юқори савияда, ўртача ёки бўш деб белгилаш мумкин эмас, албатта. Чунки бу даврда пишқ-пухта бадий савияли фильмлар билан бир қаторда ўртамиёна, саёз фильмлар ҳам яратилди. Эндиликда эса киносанъаткорларимиз олдида эришилган ютуқларни бой бермаслик, уларни янада мустаҳкамлаш, бугунги воқеликни, унинг асосий тамойилларини ҳолисона таҳлил этадиган фильмлар яратиш, янги тарихий давр қахрамонлари образини бадий кинога дадил олиб кириш, томошабин билан алоқани тиклаш, унга маънавий-эстетик таъсир кўрсатиш вазифалари турибди.

Хуллас, Ўзбекистон кино ижодкорлари зиммасига миллий кино санъатимизнинг энг яхши анъана ва ютуқларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, миллий ва умумбашарий қадриятларни уйғуналаштирган ҳолда миллий истиклол ғоясининг бадий ифодасини муқобил шакл-шамойилда томошабинга етказишдек улкан вазифалар юкланган экан, уларда бунинг учун қатъият ва малака, ижодий имкониятлар етарлидир.



“Воиз” бадий фильмидан кадр. “Ўзбекфильм”. 1999.



«Аёллар салтанати» бадиий фильмидан кадр. "Ўзбекфильм". 2000.

БОЛАЛАР КИНОСИ ВА АНИМАЦИЯЛИ ФИЛЬМЛАР

Кинонинг бола руҳиятига, қалби ва тафаккурига таъсири бениҳоя кучли, маърифий-тарбиявий имкониятлари ҳоёт улкандир. Кинонинг ана шу хусусиятларидан унумли фойдаланиб, ёш авлодга бағишланган ҳар бир фильмни ҳақиқий санъат даражасига кўтариш, келажак авлодда юксак инсоний фазилатларни, маънавий камолотни, дунёқараш ўқтамлигини шакллантириш республикаимизнинг мустақил ривожланиш даврида кино усталари олдида турган муҳим вазифадир.

Болалар фильмларида чуқур ғоя асосидаги тарбиявий масалалар қизиқарли шаклда, нафосатли романтика, кўтаринки руҳ билан уйғунлашган ҳолда томошабинларга етказилади, уларга руҳий ва маънавий озуқа берилади.

Бола, ўсмир шахсига, хусусан унинг қалбига, ташвиш ва қувончларига синчковлик билан ёндашиш 90-йиллар ўзбек болалар киносида кечган ижодий жараёнларда ҳам яққол кўзга ташланади. Давлатимиз мустақиллиги билан боглик янгиланиш даври, маънавий камолат сари интилишнинг жадаллашуви кинога ўзига хос услубият, янгича талкинда эр-

кин ижод этувчи, бадиий экраннинг имкониятлари доирасини дадил кенгайтирувчи янги ижодкорларни ҳам олиб келди. Булар—Собир Назармуҳаммедов, Зулфиқор Мусоқов, Музроб Боймуҳамедовлардир. Ижодий услуби ва мавзувий изланишлари, ифодавийлик тамойиллари бир-биридан анча фарқ қилсада, бу ижодкорлар фаолиятининг умумий муштараклиги уларнинг ҳам катталар, ҳам болалар аудиториялари учун баб-баробар ижод этишларидадир.

Катталар ва болалар ўртасидаги муносабатлар доирасидаги маънавий-руҳий муаммоларга мутлақо янги нуқтаи назардан ёндашиб, эскирган ижодий анъана ва услубларга чек қўйиб, болалар ташаббусига кенг ўрин берилган "Бир мавсумлик даҳо" (реж. С. Назармуҳаммедов, 1989) одатий эртақ чегараси кенгайтирилиб унга аён ҳаёт воқеалиги дадил сингдириб юборилган, мусиқали фильм ва комедия жанрлари омуктасидан иборат "Қулол ва хурмача" (реж. Г. Бзаров, 1990), "Мешполвон" (реж. М. Абзалов, 2000 й.) фильмлари ва этник-фольклор анъаналарда ҳал этилган

“Тангалик болалар” (реж. Т. Юнусов, 1990 й.), замонавий мавзу фантастика, ғаройиб воқеалар, мўъжизалар қатламида гавдаланувчи “Абдуллажон”, “Кичкина табиб” (реж. З. Мусоқов, 1991 й., 1998 й.) мусикавий фантастика жанридаги “Тилсимой — ғаройиб қизалоқ” (реж. М. Боймухаммедов, 1998 й.) каби фильмлардаги ижодий дадиллик ўзбек болалар киноси қиёфасини ўзгартириб, янги ижодий имкониятлар уфқини очиб берди. Ушбу фильмлар мисолида бугунги ўзбек болалар киносига кечаётган жанр — мавзувий изланишлар манзарасини тасаввур этиш мумкин.

Зулфиқор Мусоқов — миллий кинога ўз мавзуси, ўзига хос талкин услуби билан кириб келган режиссёрдир. Шунинг билан бирга, у ўз ижодий ғояларини барча учун тушунарли кино тилида ифода эта билувчи ижодкор ҳамдир. Унинг армия ҳаётига бағишланган, ундаги барча муаммолардан рўйи-рост ҳикоя қилувчи “Аскар эртаги” (1989 й.) номи дебют фильми бир неча халқаро кинофестивалларда қатнашиб, дарҳол кўзга ташланган эди. З. Мусоқовнинг навбатдаги “Абдуллажон” ёки Стивен Спилбергга бағишланади” деб номланган фильми (сц. муал. Р. Мухаммаджонов, З. Мусоқов, реж. З. Мусоқов, оператор А. Исмоилов,) америкалик кинорежиссёр Стивен Спилбергнинг “Ўзга сайёралик” фильми таъсирида яратилган бўлиб, бу картинада ўзбек қишлоқларининг бирига ўзга сайёралик боланинг ташриф буюриши ва у билан боғлиқ ғаройиб ва мўъжизали воқеалар ҳикоя қилинади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, муаллифлар ҳаёли реаликдан узилмаган, муволафанинг асосида ҳақиқат ётади. Қишлоқ аҳолисининг жўн турмуши, содда ва очиққўнгил инсонларнинг мураккаб муаммоларига хайрихоҳлик, билан ёндашилган бу фильм ҳаёлий фантастика бўлибгина қолмай, инсоний комедия ҳамдир.

Ўзбек миллий ҳаёти, урф-одатлари ёрқин кўрсатилган “Абдуллажон” фильми Японияда ҳам муваффақият қозонди. Бинобарин, шуни айтиш керакки, айнан “Абдуллажон”нинг муваффақияти — биринчи ўзбек-япон кинолоийҳаси бўлмиш “Яратганга шукур” (“Прайд-студио”, Ўзбекистон ва “Эн-Эй-кей” Япония, 1998) фильмининг яратилишига сабаб бўлди.

З. Мусоқовнинг “Кичкина табиб” (сц. муал. ва реж. З. Мусоқов, опер. А. Исмоилов, 1998) фильмидаги воқеалар ҳам шу йўсинда кечади. Яъни, ёш бола табиатида мўъжиза рўй бериши, тиббиёт ҳам ожизлик қилган бир вақтда оғир касалликка чалинган онасининг шифо топиши гўё фильмнинг муқаддимасидир. Му-

аллиф айтмоқчи бўлган асосий фикр ғоя — фильмнинг иккинчи сюжет қатламида ётади.

Шаҳарнинг бадавлат, казо-казоларида бўлмиш Шодмонов оиласида нохушлик: якка-ю ағона, эркатой набираси бетоб, уни ҳеч қайси шифокор ҳушига келтиролмайди. Шунда қишлоқдан кичкина табибни келтиришди. Ҳамма иллат кўринишидан бахтли, аҳил, аммо зиддиятларга тула, ич-ичидан “чириётган” оила муҳитида бўлиб, болакай аввало уни соғломлаштиришга киришади...

Фильм ғояси тушунарли тилда — юмор, кулги вазиятлар орқали кўрсатиладиган, то мошабинни чуқур ўй-мулоҳазаларга ундайди маънавий қашшоқликдан ҳеч қандай молу дунё куткара олмайди. Сўнгги йилларда болалар учун фильмлар суратга олишга киришган режиссёрлардан бири — Музроб Боймухаммедов — серкирра истеъдод эгаси. Болалар бадиий киносига келгунча у Республика драма ва кўғирчоқ театрларида, “Ўзбекфильм” студияси қопшидаги мультбирлашмада ишлаб, катталар учун қатор бадиий фильмлар яратди. Унинг ёш томошабинлар учун “Тилсимой — ғаройиб қизалоқ” (сц. муал. А. Обиджон, опер. С. Мирзахмедов, 1998), фильми фантастика жанрида. Детектив йўналиш билан боғланиб кетган икки қарама-қарши куч ўртасидаги кураш ва адолат қарор топиши қизиқарли шаклда томошабинларга етказилади. Болалар учун бадиий фильм яратиш ниҳоятда мураккаб, шу билан бирга шарафли ижод. Ҳозирда ёш авлод тарбиясига эътибор кучайиши — болалар киносини янада тараққий эттириш, бу соҳа учун сценарийнавис, режиссёр каби мутахассислар тайёрлаш масаласини ўртага ташлайди. Негаки, ёш авлоднинг келажакда ўткир зехнли, маънан ва руҳан бой, комил инсон бўлиб етишишларида кино усталарининг роли бениҳоя каттадир.

Ўзининг илк қадамини 1965 йилда “6х6 квадратида” (режиссёр — Д. Салимов, расм — Ю. Петров) кўғирчоқ фильми билан бошлаган, Ўзбекистон мультипликация санъати ҳозирги кунда ўзига хос услубий йўналишлари, ижодий анъаналари, жаҳонга танилган ижодкорларига эга бўлган тулақонли санъат туридир.

Ўзбекистонда мультипликация санъатини шакллантиришга Ю. Гриднев, В. Ступаков каби расмлар, Д. Салимов, Қ. Камолова, З. Ройзман каби режиссёрлар ўз ҳиссаларини қўшганлар.

1970 йилларнинг иккинчи ярмида бу санъат даргоҳига келажак порлок истеъдод эгалари — Мавзур Маҳмудов ва Нозим Тулаҳужаевларнинг кириб келиши билан ўзбек ани-

мациясининг мавзуси ва тасвирий ифода услубида кескин бурилиш юз берди. Кўп ўтмай режиссёр Н.Тўлахўжаевнинг умумбалшарий мавзудаги “Ёқимли ёмғир ёғади” (америкалик фантаст ёзувчи Рэй Бредберининг шу номдаги новелласи асосида, расом С.Алибеков, 1984 й.) мультфильми Лейпциг Халқаро кинофестивалининг бош соврини — “Олтин кабутар”га сазовор бўлиб, ўзбек анимация санъатини жаҳонга танитди.

90-йилларга келиб, Республика мустақиллиги билан боғлиқ ислохотлар ўзбек мультипликацияси ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Унда бу даврга қадар тўпланган энг яхши анъаналар давом эттирилиши билан бирга миллий мавзуларга мурожаат этиш алоҳида долзарблик кашф этди. Бир қисмли ленталардан кўп қисмли мультфильмлар қўйишга киришилди. Миллий мультипликация ижодкорлари мумтоз адабий меросимиз сарафадларига мурожаат этиш билан бирга, жаҳон анимация санъатининг илғор тажрибаларига ижодий ёндошдилар. Натижада мультипликацияли фильмларнинг мавзувий, жанр-услубий чегаралари кенгайиб, янги тажрибалар ва изланишлар учун замин яратилди.

Маълумки, анимация—ёш авлоднинг бадиий ва эстетик тарбиясида, уларда дунёқараш ўқтамлигини шакллантиришда, миллий истиқлол ғояларини тараннум этишда бекиёс имкониятларга эгадир. Бола ҳали саводи чикмасданок телевизор орқали мультфильм кўради. Унда акс этган мўъжаз воқеалар, персонажлар боланинг мурғак қалбида яхшилик ва ёмонлик, ҳалоллик ва муғомбирлик ҳақидаги илк тасаввурларини уйроғади, қолаверса, муносабатга чорлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1995 йил 23 февралда Ўзбекистон Олий Мажлиси биринчи сессиясида кинонинг, хусусан, мультипликацияли филмларнинг таъсир кучи ҳақида шундай деган эдилар: “Санъатнинг бошқа турларини камситмаган ҳолда, бугунги кунда телевидение ва кино санъатининг таъсир кучи ниҳоятда юксалиб бораётганини қайд этиш лозим. Шунинг учун, менинг назаримда биз ишни кичкинтой болаларимиз учун миллий руҳдаги кўплаб мультфильмлар, бадиий ва видеофильмлар яратишдан бошлашимиз зарур. Токи фарзандларимиз фақат Уолт Дисней қахрамонларинигина билиб-таниб қолмасдан, ўзбек халқ эртақларини, миллий қахрамонларимизни ҳам танисин-билсин, улар билан ифтихор қилишга одатлансин”.

Мустақиллик мафкураси, маънавий янгиланиш тамойиллари—халқимиз ўтмишига, бу-

гуни ва келажагига янги назар билан қарашга ундади. Бу ўз навбатида—ижодий жараёнда янги йўналиш ва тамойилларнинг шаклланишига асос солди.

Аммо 80-йилларнинг охирларида собиқ иттифок республикалари кинематографида кечган молиявий ўз-ўзини қоплаш компанияси, иқтисодий тақчиллик ўзбек мультипликацияси тараққиётида ҳам акс этиб, салбий таъсир этган эди: мультбирлашмада фильмлар яратиш сон жиҳатидан камайиб, ноёб касб эгалари таркаб кета бошлаганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Фармони билан кино соҳаси алоҳида тармоқ тизими сифатида қайта тикланиши, 1996 йил 29 апрелдаги Фармони билан “Ўзбеккино” ДАК тузилиши натижасида анимация санъати аста-секин қаддини ростлай бошлади. Мультфильмларда миллий характер, миллий қахрамонлар образини яратишга, мавзу ва жанр хилма-хилигига эътибор кучайди.

Айнан 90-йилларга келиб, ўзбек анимациясида биринчи марта тарихий мавзуларга ва йирик фольклор асарларига қўл урилди. Кичик томошабинлар ўтмишда авлодаждодларимизнинг эл-юрт бирлиги йўлида кўрсатган ажойиб қахрамонликларини кўриб фахрланиш имкониятига эга бўлдилар. 1991—2001 йилларда ўзбек анимациясида яратилган фильмлар мавзу ва жанр йўналишини: тарихий мавзу, ватанпарварлик руҳидаги этник драмаларга, фалсафий-ривоят, халқ эртақлари асосида ва кичкинтойлар учун жониворлар ҳақида яратилган эртақ-фильмларга бўлиш мумкин.

Режиссёр ва расом М.Махмудовнинг “Жалолиддин Мангуберди” (1999) ва режиссёр Н.Тўлахўжаевнинг ҳозирда суратга олинаётган 6 қисми “Алпомиш” (1,2 қисмлари тайёр, 1999) анимация фильмлари машҳур тарихий саналарга бағишланган. Ватанпарварлик, она юртга садоқат, душманга қарши курашда бирдамлик ва ушқоқлик ғоялари эврилган бу фильмларда халқ эпосининг жўшқин поэтикаси ўзининг таъсирчан ифодасини топган.

Тарихда ўчмас из қолдирган Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши кўрсатган қахрамонликлари фильмда умумлаштириб берилган. Осойишта тинч ҳаётдан, олим донишмандлар фаолиятидан бошланган сокин кадрлар аста-секин таҳлика кайфият, нотинч, ҳавотирли эпизодлар билан алмаша боради. Она юртни душмандан химоя қилиш ёш султон Жалолиддин Мангубердига топширилади. Қизғиш, олов

ранг фондаги шиддатли жанг эпизодларида унинг кўрсатган жасорат ва қахрамонликлари, ҳолдан тойиб йиқилганида Она васияти ёдига тушиб бор кучини йиғиб, душман ўртасига ёриб кириб, уни тор-мор этиши фақат тасвирий қаторларда ифода этилади. Кадр ортидаги диктор тексти эса, экран воқеаларини тушунишга кўмаклашади. Фильм услуби, экран шакли ҳам ғояга монанд — жиддий, ватанпарварлик руҳида.

Маълумки, “Алпомиш” — бундан минг йил аввал авлод-аждодаларимиз томонидан яратилиб, оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача етиб келган дoston бўлиб, унинг қахрамони умумлашма образдир. Шу дoston асосида мультбирлашмада суратга олинаётган “Алпомиш” йирик эпик фильмида абадий умумбашарий қадриятлар — ватанга муҳаббат, садоқат ва соф севги ҳақида ҳикоя қилинади. Энди миллий меросимиз анимация санъати орқали ҳам кейинги авлодларга етиб бориши аён.

Бирлик ва уюшқоқлик, эл-юртга содиқлик ва эзгу муҳаббат ғоялари сингдирилган “Алпомиш” дoston-фильми эртак жанрида суратга олинмокда. Гуё фалакдан учиб тушган инсон киёфасидаги фаришта ўтмишдан, Кўнғирот-Бойсун аҳли ҳаёти ва кечмишидан, икки ёш — Бойбўрининг ўғли Ҳалимбек Алпомиш ва хон Бойсарининг кизи Ойбарчинларнинг пок севгисидан ҳикоя қилади. Қўлидаги торини чертиб ўз эртагини бошлаган бу рамзий персонаж ўтмишни ҳозирги кун билан боғлаб тургандек.

Фильм Ҳалимбек ва Ойбарчинларнинг дунёга келган кунидан, етти ёшга тўлганда ўтказилган полвонлар тортишувларидан самимий юмор ва муболаға билан ҳикоя қилувчи кадрлардан бошланади. Воқеалар баёни қутилмаган тарзда алмашиниб туради. Камонни жойидан кўзғота олмаган баҳайбат, гротескли кўринишдаги паҳлавонлар наъраси ёш Алпомишнинг ақл бовар қилмайдиган кучини намойиш этиши ва ғалабаси билан алмашади. Тўсатдан икки ака-ука ўртасида юз берган низо шодийналикни — ҳасадгўйлик, донишмандликни — қаҳр-ғазаб, бирдамликни — тарқоқлик, дарбадарлик билан алмаштиради. Кеккайган хон Бойсарининг ҳасислиги Бойсун элига нечоғлик ғам-ғусса, талофат келтиргани — кўринишдан вазмин, аммо ички динамизми кучли кадрларда тасвирланиб, томошабинни Алпомишнинг кейинги қахрамонликларига тайёрлаб боради. Алпомишнинг Бойсун элини сарсон-саргардончиликдан, қуллик ва хўрликдан, талон-тарож қилинишидан қутқариб, бирлаштириш йўлида қандай қахрамонлик-

лар кўрсатгани фильмининг кейинги қисмларида ҳикоя қилинади. Унинг Ойбарчинга бўлган муҳаббати ўз элига бўлган меҳр-садокати билан узвий ҳолда ифодаланади. “Алпомиш” фильми “марионетка” усулида суратга олинмокда. Режиссёр Н.Тўлаўжаев бошлиқ коллектив бу ишга жуда жиддий ёндошиб, ҳар бир лавҳа-тасвирнинг марокли ва ишонарли чиқишига интиломқдалар.

Мультипликацияда адабий асарни экранлаштириш жуда мураккаб ишдир. Гап шундаки, ҳар қандай адабий асар ҳам бу санъатнинг ўзига хос хусусиятлари ва талабларига мос келавермайди. Яъни сўзда мужассам бўлган маънога муқобил тасвирий қатлам яратиш мушкулдир. Мультфильм киносининг шундай бир турики, у “бошдан оёқ” рассом қўли билан яратилади. Агар адабий асар, бадиий умумлашган ва лўнда ифода этилган ғоя рассом фантазиясига “қанот” бағишласа, у жонли ва ишонарли мультфильм яратади. Абадий, ҳеч қачон эскирмайдиган мавзулар, янги, тасодифий, ғаройиб вазиятлар, истиора ва ўхшатишларга бой, муболағали поэтик асарлар мультипликацияда муваффақиятли амалга оширилади.

Ўзбек мультипликацияси тарихида аввал ҳам адабий асарларни экранлаштиришга уринишлар бўлган. Уларнинг энг муваффақиятлиси “Ёқимли ёмғир ёғади” фильмидир. 1990 йилларда бу жараён фаоллашади. Ўзбек анимациясида жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарига ва Ўзбек классик шоири Алишер Навоий ижодиётига мурожаат этилди. Айниқса экранлаштиришда мультипликация имкониятларини кенгайтириш, руҳий ҳолат, ўй-кечинмаларни тасвирлаш устида изланишлар яққол кўзга ташланади. Бу изланишлар, аввало, асар руҳидан келиб чиқиши лозим. Масалан, “Бахтли шахзода” (режиссёр ва рассом М.Махмудов, 1992) анимация фильмига XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган инглиз ёзувчиси Оскар Уайльднинг шу номдаги ҳикояси асос бўлган. Фильмда инсонийлик туйғулари биринчи ўринга қўйилиб, персонажлар ҳис-ҳаяжони, ўй-кечинмалари, руҳияти ушбу муаммолар доирасида талкин этилади.

Фильмнинг асосий персонажи шахар майдонида баландликка ўрнатилган ҳайкалдир. Бу ҳайкал оламдан ўтган шахзодага атаб қурилган. Унинг кўзлари қимматбаҳо тошлардан, танаси эса олтин япроқлардан эди. Кузнинг охирларида совуқ тушиб, шахарни туман қоплаганда бир гала қалдирғочлар иссиқ мамлакатларга учиб кетаётиб, шахар майдонида тушиб қоладилар. Бир нечаси ҳайкал атрофини эгаллайди. Фильмда-

ги асосий воқеалар — шахзоданинг кўзларидан ёш томчилари оқиши, оёғи остида тунаётган Қалдирғоч билан самимий, ҳис-ҳаяжонга тўла диалог ва кейинги қатор драматик воқеалар шу тунда бошланди. Шахзода Қалдирғочга: ҳаёт пайтида кўз ёши нималигини билмаганини, қирол саройида яшаб, унинг ташқарисидаги ҳаёт билан қизиқмаганини, кулиб тургани учун уни “бахтли шахзода” деб аташганини, энди эса, шу тепаликдан ўз халқининг қайғу-аламини кўриб, кўз ёшларини тўхтата олмаётганини гапириб беради. Шахзоданинг илтимосига кўра “бисоти”даги “бойлик”ларни Қалдирғоч — мухтожларга улашади. Айрилиқ муддати етиб келганда эса, ўзи мурғаккина, аммо қатта қалб эгаси бўлмиш Қалдирғоч икки кўздан ажраган шахзодани ташлаб кетолмайди. У ҳаётини ҳавф остида қолдирсада, шаҳар устида учиб, кўрганларидан шахзодани бохабар қилиш учун, унинг ёнида қолади. “Бахтли шахзода” мультфильмининг якуни фожиали бўлади. У жажжи томошабинни ер юзидаги энг буюк, энг қимматбаҳо нарса — шахзоданинг қалайи юраги ва бошқалар дардини енгиллатиш йўлида ўзини қурбон қилган Қалдирғоч танаси экани ҳақидаги ўй-мулоҳазага қақиради.

Ижодкор Мавзур Махмудов “жонсиз”, лекин шифоқатли, раҳмдил қалб ҳақида ана шундай жонли ва таъсирчан ҳикоя қилади. Улкан эмоционал таъсир кучига эга бўлган бу фильм 1993 йилда Ўзбекистон кино арбоблари уюшмасининг Грифон мукофотиغا сазовор бўлган эди.

Кейинги йилларда ўзбек анимация санъа-

тининг довруғини оламга таратган “Булбул” (режиссёр ва расом М.Махмудов, 1999) фильми ҳам экранлаштирилган. Унга XIX асрда яшаб, ижод этган даниялик ёзувчи Г.Х.Андерсеннинг шу номли эртаги асос бўлган. М.Махмудов шу эртак асосида сценарий ёзиб, унга баъзи бир ўзгартиришлар киритади. Яъни Хитой императорининг саройида бўлиб ўтган воқеа — Марказий Осиёга кўчирилади, гротескли, ёрқин характерли персонажлар киритилади, юмор билан сугорилган тўртта қушиқ эса фильмдаги марказий эпизодларга етакчилик қилади. Булар — асар ғоясига асло зиён етказилмаган ҳолда унинг стилистикасига мослаштирилиб, томошабинга етказилади. Асосий ғоя эса, ҳамма вақт эзгуликка интилиш, ясама, ташқи гўзаллик эмас, ҳақиқий, ички гўзаллиқни тараннум этади. Жонли куй, юракдан отилиб чиққан хониш, ширали овоз бетакрорлигини, унинг бекиёс таъсир кучини таъкидлашдир. Бу ғоя — тасвирий экранда мультипликация имкониятлари — метафора, гротеск, бўрттириш орқали очиб берилади. 1999 йилда “Булбул” фильми Москвада бўлиб ўтган болалар анимация кинноси Халқаро фестивалининг биринчи мукофоти — “Олтин балик” билан тақдирланди.

Бугун буюк мутафаккир Алишер Навоий асарлари ҳам анимацияда ўз аксини топмоқда. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан “Ўзбекфильм” студиясида А.Навоийнинг “Сабъи сайёр” поэмаси экранлаштиришга киришилди. Шарқ поэзиясининг мафтункори, ўзбек анимациясининг етук устаси Мавзур Махмудов бу шарафли ва мураккаб ишга биринчи бўлиб қўл урди. Улкан инсоний муҳаббатни улугланган, чуқур ижтимоий мазмун билан сугорилган бу поэма-анимация экранида жонлантириш устида ижодкор кўп изланди. “Баҳром ва Дилором достони” руҳини бера олувчи мўъжаз сценарий ёзилди ва ниҳоят сўз санъатининг бадиий гўзаллигига, нафис, ширали ва мафтункорлигига мос тасвирий шакл — шарқона миниатюра услуби танланди.

Мажозий маъно сингдирилган етти ҳикоя, етти эртак ҳафтанинг етти кунига, етти кун, етти сайёрага боғланган, ҳафтанинг ҳар бир кунига алоҳида ранг ажратилган “Сабъи сайёр” поэмаси гўё навқирон санъатга мослаб ёзилгандек. Муаллифлар асарга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошиб, ҳозирча тайёр бўлган “Баҳром ва Дилором” (1996) ва “Қора қаср” (режиссёр В.Никитин, 1997) мультфильмларида ғоя ҳеч қандай диалогларсиз, қаҳрамоннинг ички кечинмалари, психологик ҳолат ва кайфиятни тасвирий деталларда кўрсатиш орқали ифода этилади. Кадр орти-



“Булбул” мультфильмидан кадр.

да янграган шеърй мисралар тасвирни тушунишга ёрдам беради. Экранда пейзаж-манзара, персонажлар, уларнинг либослари, меъморчилик иншоотлари нозик чизиқларда, нафис ва дид билан танланган ранг-бўёқларда тасвирлангани — муаллифларнинг ўша давр маданий ҳаёти билан яқиндан таниш эканларидан далолат беради.

“Даладаги гуллар” (режиссёр Н.Тулаху-жаев, 1997), “Моцарт” (режиссёр Д.Власов, 1998) чизма фильмлари катталарга бағишланган. Беш новелладан иборат бўлган “Даладаги гуллар” мультфильми — дунёда бомбаларнинг портлашаслиги, табиат гўзалликлари поймол этилмаслиги, курраи замин болалар кулгусидан аримаслиги ҳақида бўлиб, унда режиссёр олдинги фильмларида кўтарган мавзусини давом эттиради. Экран тасвирий воситалари ҳам умумий, фалсафий фикрга мос.

“Ирисфильм” студияси билан ҳамкорликда ишланган “Моцарт” анимацияли фильми компьютерда яратилган биринчи тажриба фильmdir. Унда ижод машаққати ва ижод учун шарт-шароит муҳимлиги ҳақидаги фалсафий фикр диалогларсиз ва текстсиз умумлашма, яхлит тасвирий воситаларда томошабинга етказилади.

Халқ эртаклари — анимация учун бой бадиий материал ҳисобланади. 90-йилларда араб эртаклари мотиви асосида беш қисмдан иборат “Синдбоднинг саргузаштлари” (режиссёр ва рассом М.Маҳмудов, 1993), ўзбек халқ эртаклари асосида “Икки дев” (режиссёрлар П.Амиров, З.Ройсман, 1993), “Шайтон ва ўғри” (режиссёр Н.Смирнов, 1995), “Олтин кетмон” (режиссёр В.Никитин, 1995), “Қозик” (режиссёр М.Маҳмудов, 1998) каби қатор фильмлар яратилди. Бу эртақ-фильмларда икки қарама-қарши ижобий ва салбий персонажлар тўқнашувини, икки хил хислат — жасорат ва адоватни, саҳийлик ва ҳасисликни, оққўнгиллилик ва бахилликни кўрсатиш орқали энг яхши инсоний фазилатлар тарғиб этилади. Бу фильмлардаги ёрқин характерли, юморга бой ижобий қаҳрамонлар фақат меҳнатсеварлиги, одамларга ёрдам бериб ҳолатбарорлиги, удабурролиги билан бахт-саодатга эришадилар. Шунингдек, ёвузликни фақат яхшилик билан енгиш мумкин деган фикр умумлашма образларда кўрсатилади.

Кичкинтойларга бағишланган жониворлар ҳақидаги эртақ фильмларда персонажлар инсоний кифоаларда намоён бўладилар. Яъни эртақларда персонажлар асосан жонивор ва қушлар бўлса-да, уларда асосан инсонлар ҳақида гап кетади. Бу давр фильм-эртақларининг ўзига хос томони — уларда миллий

характер яратишга кучли урғу берилганидир. Болаларга бағишланган бундай эртақ фильмларда табиат ходисаларининг бир-бирига боғлиқлиги, борлиқ ва ундаги ўзгаришлар, янги тушунчалар, дўстлик-аҳиллик, меҳнатга эҳтиромли бўлиш қуруқ насихатгўйлик билан эмас, балки ўйин воситасида, экран воқеаларига кичкинтойларни жалб этиш орқали амалга оширилади.

Маълумки мультфильм ғоядан, сценарийдан бошланади ва рассомлар томонидан тасвирий қаторларда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам сценарийнавис ўз сценарийсини аниқ унсурларда, тасвирий динамикада кўра билиши зарур. Бу эса ўз навбатида мультфильм яратиш учун профессионал драматургларни етиштириш масаласини кун тартибига қўймоқда. Мультимпликатор рассомларни тайёрлаш масаласида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Бу ноёб касб эгалари маҳорати, қалб қўри билан яратилган персонажларни ҳеч қайси компьютер мусаввиридек чиза олмаса-да, анимацияли кино соҳасини янги компьютерлашган технологиялар, асбоб-ускуналар билан таъминлаш зарурдир.

1991—2001 йиллар Ўзбекистон анимацияли киноси битмас-туганмас хазина — халқ эртаклари, масаллар, шингил ҳикоялар, поэтлик асарлар орқали ёш авлодда Ватанга муҳаббат, миллий ифтихор, ўз кучига ишонч туйғуларини тарбиялашда, чин инсоний фазилатларни сингдиришда катта таъсир кучига эга. Унинг ана шу имкониятларидан унумли фойдаланишда ижодкорлар учун муқобил шарт-шароит яратиш талаб этилади. Бу ажиб санъатнинг шу кундаги ривожини ва тараққиётига эътибор келажакка бўлган эътибор билан тенгдир.



“Алпомиш” мультфильмидан кадр.

ЎЖЖАТЛИ КИНО

Янги аср бўсағасида жамиятимизда истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари шаклланиб, ҳозирда унинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий, илмий-фалсафий асосларини янада кенгрок ёритиш ва ҳаётга тадбиқ этиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу мураккаб вазифани бажаришда бадий тафаккурнинг турфа соҳалари қаторида — ҳужжатли кино санъати муҳим аҳамият касб этади.

90-йилларнинг илк палласида Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан янги воқелик замирида янги замон ҳужжатли киноси саҳифалари очилди. Истиқлол ҳужжатли киноси мавжуд воқеликка эгизак, унинг экран инъикоси шаклида юзага келди ва кўп йиллик ижодий анъаналар, бу соҳада орттирилган бой тажрибаларни сафарбар этган ҳолда бутун дастлабки муваффақиятларни кўз-кўз қилмоқда.

1991—2001 йилларда Ўзбекистоннинг “ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлари” студиясида яратилган асарларда, хусусан, “Ўзбекистон мустақиллик йўлида”, “Истиқлол фидойилари”, “Ўзбекистон Қаҳрамонлари” рукнларида ҳужжатли кино ижодкорлари республикада кечаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий жараёнларни, мавжуд воқелигимизни кенг қўламда камраб олишга, миллий истиқлол ғоясининг, янги маънавий-мафқуравий тамойилларнинг бадий инъикосини яратишга интилоқдалар. “Ўзбекистон баҳори” (реж.Ш.Қурбонбоев, Э.Ҳачатуров, 1995), “Мустақилликнинг беш йиллиги” (реж.Р.Маликов, 1996) каби фильмлар ўз ғоявий йўналиши, камров доирасига кўра истиқлол даврининг киносолномалари сифатида эътиборга лойиқдир.

“Асрларнинг жонли камалаги” (реж. Э. Ҳачатуров, опер. Н.Ғуломов, 1995) фильмида кўҳна Самарқанд қиёғасида истиқлол йиллари юз берган салмоқли ўзгаришлар намоён бўлади. Замонавий темир йўл вокзалининг салобати, заводларда жорий этилган янги технологиялар, катта дехкон бозори ва янгидан-янги қурилиш иншоотлари, шаҳарнинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги оламшумул воқеалар ўзига хос йўсинда мушоҳада этилади.

Сўнгги ўн йилликда “ҳужжатли ва илмий-оммабоп” фильмлар студиясида яратилган ҳар қайси фильм мустақил республикамизнинг, воқелигимизнинг шингил қиссасидир. Масалан, “Қанотлар парвозда тобла-

нади” (1996) фильмида жаҳонга юз тутаётган “Ўзбекистон ҳаво йўллари” бирлашмасининг кўп қиррали фаолияти намоён бўлади. Фильм лавҳаларидан, баён маромидан “Ўзбекистон ҳаво йўллари”да кечаётган янгиланиш жараёнларини, ҳаёт нафасини сезамиз. Фильмда Республика авиация ишлаб чиқариш саноатида юз бераётган улкан силжишлар, кишини ҳайратга солувчи истиқбол имкониятлари, бирлашма томонидан йўлга қўйилган қатор янги ҳаво йўллари, чет элларда ташкил этилган агентликлар ҳақида батафсил маълумот берилади. Ёки “Улкан одам” (ижодкор кинорепортажчилар Ф.Мусаҷонов, С.Бобоев, М.Солиев) репортаж-фильмини эслайлик. Унда Фарғона водийсида қурилган янги саноат маркази — Асака автокорхонасидаги ўта замонавий, мураккаб автоматик дастғохлар, юқори малакали миллий мутахассис кадрлар ҳақида марокли ҳикоя қилинади. Муаллифлар жамоанинг муваффақиятлари гарови бўлиши муҳим омилар ҳақида, шу билан бирга долзарб муаммолар қай тарзда ечимини топаётгани ҳақида ҳикоя қиларканлар, томошбин учун тушунарли ва завқли бўлган репортаж услубидан фойдаланадилар.

Истиқлол мафқураси илгари сурган талабларидан келиб чиқиб, илгари четлаб ўтилган ёки бутунлай инкор этилган яқин тарихимиз сарҳадларини тадқиқ этувчи “Истиқлол фидойилари” рукнида Бехбудий, Фитрат, Авлоний, Мунаввар Қори, А.Қодирий, Чўлпон, Х.Девонов, С.Ҳўжаев, Н.Ғаниев, С.Аҳрорий каби миллат фидойиларининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги дастлабки портрет-киноочерклар юзага келди.

Истиқлол туфайли кўп асрлик тарихимиз, илмий-фалсафий, маънавий-маданий меросимиз, азалий анъаналаримиз ва миллий қадриятларимиз жиддий ўрганила бошланди. Халқдан, кенг жамоатчиликдан сир тутилган тарихимиз, маданиятимиз ва фанимизнинг номаълум саҳифалари очилди. Жаҳон цивилизацияси равнақиға улкан хисса қўшган алломалар, бобокалонларимизнинг муборак номлари тикланди. “Бобур ва Бобурийлар изидан” (сц. З.Машрабов, Қ.Кенжа, реж. Д.Салимов, опер. Т.Рўзиев, 1993, 1995) саёҳатнома фильмида З.Машрабов бошчилигида саккиз кишидан иборат халқаро Бобур экспедициясининг илмий-ижодий сафари кундаликлари чуқур изчиллик ва сабот билан кинотасвирга туширилгандир. Мавзуга дахлдор

кино намуналари жумладан Хиндистон, Афғонистон, Покистон, Эрон, Сурия, Миср мамлакатлари бўйлаб ижодий сафарларда суратга олингандир.

Маълумки, буюк давлат арбоби Амир Темури таваллудининг 660 йиллик юбилейи республика ва жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг нишонланди. Тошкент, Самарқанд, Шахрисабзда Буюк Соҳибқирон фаолиятига бағишланган бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Парижда эса ЮНЕСКОнинг махсус кенгаши бўлиб ўтди. Бу каби маданий ҳаётимизда рўй берган улуғвор воқеаларга бағишланган ҳужжатли фильмлар туркуми катта экранларга йўланма олди. “Буюк Соҳибқирон” (сц. В.Беляков, реж. Ф.Шукуров, опер. У.Ризаев, 1997), “Темури тузуклари” (сц. В.Исҳоқов, реж.-опер. У.Ортиқов, 1997) каби ҳужжатли фильмлар шулар жумласидандир.

Саҳих илмининг алломаси, Ҳазрат ал-Бухорий (“Ажр истаб” сц. Т.Юнусов, реж. Ж.Исҳоқов, опер. А.Исмоилов, 1998), Бурхониддин ал-Марғиноний (“Фихр олами султони” сц. А.Саидов, реж. Х.Валиев, 1999), Шарқнинг буюк алломаси, астрология, математика бўйича қўлланма тадқиқотлари билан дунёга танилган, Нил дарёси сатҳини ўлчагич иншооти кашфиётчиси ал-Фарғоний (“Ал-Фарғоний” сц.м. Х.Султонов, реж.-сц. Ж.Исҳоқов, опер. Э.Искандаров, А.Исмоилов, 1998), қубравия тарикати асосчиси ва тасаввуф назарийтчиси Нажмиддин Кубро (“Нажмиддин Кубро”, 1997, сц.м. Н.Комилов, М.Ғани, реж.-опер. С.Давлатов) каби буюк сиймоларнинг илм-фан соҳасидаги мерослари, тарихимизнинг ёрқин саҳифалари қайта кашф этилди.

Режиссёр Ш.Махмудовнинг Х.Султонов сценарийси асосида 1998 йилда суратга оlingan “Улар Германияда ўқиган эдилар” (опер. Ф.Шукуров, 1—2-фильмлар) фильм марказида 20-йиллар бошларида Туркистондан Германияга таълим олишга юборилган 70 га яқин иқтидорли йигит-қизларнинг тақдири туради. Ижодкорлар тоталитар тартибга, зўравонлик сиёсатида айбнома сифатида тарихий кино-фото материаллардан, ҳатто Германия давлат архивларида сақланётган ҳужжатлар ва маълумотлардан фойдаланганлар. Фильм давомида германиялик туркийшунос олима Ингаберг Болдауф ва муҳожир қаҳрамонларнинг яқинлари билан бевосита мулоқотлар ўтказганлар. Баёнда интервью ва репортаж услублари бирин-кетин алмашинар экан, ҳужжатлилик таъсири ортиб боради. Илмий-ижодий изланишлар

туфайли Туркистоннинг қишлоқ ҳўжалик, тиббиёт, кимё ва бошқа соҳаларидаги дастлабки қалдирғоч мутахассисларнинг ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли маълумотлар ҳўжжатли экраннинг ўзига хос таъсирчан инфодалари воситасида кенг жамоатчиликка етказилгандир. Киноқиссалар умр бўйи Ватан ҳасрати, изтироби, соғинчи билан нафас олган, лекин тақдир туфонида Ватандан жудо бўлган, шафқатсиз қатағонларга учраган ушбу инсонлар шаъни ва хотирасига марсия бўлиб жаранглайди.

“Умид қалдирғочлари” (сц.м. Х.Султон, Ф.Шукуров, 1998) ҳўжжатли-публицистик фильми эса, истиқлол даврида жамиятнинг турли бўғинларида юз берган тўб ислохотлардан ҳўқоя қилади. ҳар қайси давлат ва миллатнинг қуч-қудрати, истиқболи, умидишончи, барча соҳаларининг тараққиёти биринчи навбатда кадрлар тайёрлаш дастурига, юқори масалаки кадрлар етиштиришга боғлиқ. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан келиб чиққан ҳолда ушбу фильмда таълим тизимида изчиллик ва қатъият билан олиб борилаётган амалий ислохотлар, уларнинг дастлабки натижалари ҳақида ҳўқоя қилинади. Фильмнинг “Умид” деб номланиши бежиз эмас, бинобарин, шахсан юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган жамғарма ҳам шундай аталади. Бу жамғарма иқтидорли талаба ёшларимизнинг ривожланган чет эл мамлакатлари олий ўқув масканларида таҳсил олишларига, энг замонавий фан-техникани ўрганишларига, малакали мутахассислар бўлиб етишувларига ҳўмийлик қилади. Фильм хотимаси низоъда ифодали образларда ҳал этилган, тасвир ва матн ажиб тарзда уйғунлашиб кетади. Сўнгги кадрлардаги қалдирғочлар — келажакдаги буюк давлатимиз баҳорининг элчиларидир, улар ўз қанотларида баҳор нафасини, янгилиниш истагини олиб келадилар!

Фильм ижодкорлари Европа ва АҚШ нинг бир қатор маърифат марказларида, жумладан Лондон, Глазго, Бирмингем, Пенсильвания, Чикаго билим масканларида экран қаҳрамонларига ҳамдам бўлиб ҳар томонлама киноқўзатишлар олиб борганлар. Фильмда қўллаб аҳамиятли воқеалар билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг АҚШ даги элчихонасида юртбошимизнинг, олий билим даргоҳларида таҳсил олаётган талабаларимиз билан суҳбат-мулоқотлари дақиқалари ноёб ҳўжжатли кинокадрларга муҳрлангандир.

“Ўзбекистон Қаҳрамонлари” рукнида гарчи санокли портрет-киноочерклар яратилган бўлса-да, лекин мавжуд поэтик намуналар за-

монамиз қахрамонларининг ҳужжатли экран талқини, киноочеркларининг бадиий-эстетик хусусиятлари ҳақида мушоҳада этиш имконини яратди. "Ипаклари тиллодан" (сц. М.Хазраткулов, реж. Ф.Давлетшин, оп. реж. Э.Мамедов, 1999) киноочеркида Ўзбекистон Қахрамони Муяссар Темирова фаолияти, зардушлик касбига боғлиқ ҳолда миллий халқ санъати ва ҳунармандчилигининг турли жабҳалари, ранго-ранг йўналишлари, поэтик қирралари имкон қадар кенг очиб берилган. Қадимий зардушлик санъатининг айни чоғда янги мазмун билан бойиб бораётгани хусусида экран қахрамонининг тилидан баён этилгандир.

"Абдулла Орипов" (сц. М.Бобоев, Д.Бегимкулов, реж. С.Назармухамедов, опер.Х.Хасанов, 1999) киноочеркида Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов фаолиятининг поэтик қирраси тавсифига ургу берилган. Фильмнинг ўзақ ғояси кадр ортида шоир тилидан янграган шеърӣ сатрларда зоҳир бўлади. Қахрамон портретига чизгиларда она замин манзараларига алоҳида ургу берилган, "шоир кечган сўқмоқлар" кучли мазмун билан суғорилган.

Ўзбекистон Қахрамони, таниқли шоир, жамоат арбоби Эркин Воҳидов ҳақидаги портрет-киноочеркнинг (сц.реж. Т.Юнус, реж. М.Тўйчиев, опер. Э.Шоюнусов, 1999) муқаддима кинокадрлари ҳаяжонли лаҳзалардан бошланади. Орадан йиллар ўтиб, она юртига, Фарғона водийсининг Олтиарик туманидаги кадрдон хонадонга ташриф буюрган шоир ўз хотира-кечинмаларига мурожаат этади. Синхрон сўёмақлар, яхлит киноблоклар ҳаёт ва ижод саҳифаларини қахрамон тилидан ўзига хос услубда баён этишга имкон бергандир. Киноочерк таркибидаги тарихий-хроникал кадрлар устоз ва шогирдларнинг унутилмас учрашувларини кўз олдимиғза келтиради. Шоирнинг "Палаткада ёзилган дoston"ига дахлдor ва ҳамоҳанг тарихий "Тошкент. Зилзила" кинокадрлари, "Ўзбегим" қўшиқ фонограммаси миллатнинг севимли шоири образини мукамал идрок этишга қумаклашади. Қахрамоннинг Республика Президенти қўлидан юксак мукофотни олиши, эсдалик учун биргаликда суратга тушиши муҳрланган кадрларни шоирга нисбатан юксак эҳтиром рамзи ва ҳужжатли экран санъатимиз тарихига ёзилган ойдin саҳифалар деб аташ мумкин.

Республика Ёшлар "Қамолот" ижтимоий ҳаракатининг ташаббус гуруҳи билан бўлган учрашувда юртбошимиз шу куннинг қахрамонларига бағишланган ижод намуналари ғоят зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтган

эди. Иттиғoқo, юқоридa тилга олинган киноочеркларнинг қахрамонлари шу жихатдан ғоят ибратлидир. Муаллиф ва режиссёр Д.Салимовнинг бoкс бўйича жаҳон чемпиoни, oлимпия ўйинлари ва XX Oсиё чемпиoнати чемпиoни Мухаммадқoдир Абдуллаев ҳақида ҳикoя қилувчи "Шoҳсуғa йўл" ҳужжатли фильмида муҳим мавзу ёритилган.

Шуниси эътиборга сазоворки, янги даврга мансуб миллий ҳужжатли кино намуналари мавзу-мундарижалари ва асосий ғоясига қўра истиқлолнинг шиддатли нафасига ҳамоҳангдир. Барча жабҳаларда, жумладан, кишилар онгидa, тафакқурида шу билан бирга кинoтафакқурда ҳам юз бераётган юқсалишнинг ўзига хос кўзгусидир.

1998—2000 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Қаримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" номли китоби асосида бешта видеофильм ишланди. Юртбошимизнинг умумбашарий, глобал муаммо-мавзуларига нисбатан фаол муносабати, илмий-фалсафӣ тафакқури, интеллектуал салоҳияти, изчил мушоҳада-фикрлаш жараёни ижодкорларнинг тадқиқ объектига айланади. Ҳар бир фильм юртбошимиз портретига такрорланмас чизгилар бўлиб, айни чоғда узоқ киноқузатиш, синхрон сўёмақлар, ўринли тадбиқ этилган киноблоклар мажмуасидан таркиб топган.

"Миллий лойиҳа. Маънавий покланиш" деб аталган биринчи фильм муқаддимаси томошабинни 1998 йил 16 феврал воқеаларига, ғoжea содир бўлган жойдан репортаж қўринишларга йўллайдӣ. Санoқли дақиқаларда бу ерда ҳозир бўлган юртбошимиз сиёсий вазиятга, ёвузликлар қимлар томонидан уюштирилганлиғига аниқлик қиритади, ҳушёрликни оширишга, ҳамиша сергак бўлишга даъват этади. БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 26 сентябрда ўтказилган 48-сессияси минбарида маъруза қилаётган Президентимиз И. А. Қаримов иштирокидаги кинокадрлар кўз олдимиғза гавдаланади. Монтаж маромида бирин-кетин алмашинаётган шингил қўринишлар — халқларнинг тинчлиғи, ҳамкорлиғи, ўзарo ҳавфсизлиғи йўлида қайғурган нотикнинг ҳаяжонли сўзлари моҳиятини, қудратини янада бўрттириб, таъсирчанлигини орттиради.

Нью-Йорк, Лондон, Боку, Истамбулда ўтказилган давлат бошлиқлари саммитларида, нуфузли халқарo анжуманларда, Европа ҳамжамияти расмий доираларида юртбошимизнинг нутқларида халқимизнинг эзгу режалари намоён бўлгандир. Биринчи фильмдаги асо-

сий ғоя ва концепция эса юртбошимизнинг куйидаги сўзларида аниқ ва равшан ифодалангандир: “Мен маданият ва маърифат дунёни жаҳолат ва ваҳшийликдан, диний ва миллий экстремизмдан, этник қарама-қаршиликлардан, минтақавий можаро ва урушлардан сақлай олишига ишонаман. Кириб келаётган XXI асрда дунёни маданият ва маърифат қутқаради”.

Рукндан иккинчи фильм 1993 йилда, сўнгра 2000 йилда ўтказилган БМТ Бош Ассамблеяси сессиялари халқро минбарларида юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидланган, ўзининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан XX асрнинг энг катта офатларидан бири бўлган Орол дардига — “Экологик хавфсизлик муаммоси”га қаратилгандир. Мазкур муаммо шахсан юртбошимизнинг савй-ҳаракатлари ва ташаббуси билан тор, миллий ёки минтақавий доирадан чиққан ҳолда кечиктирмасдан ҳал этилиши лозим бўлган умумбашарий муаммолардан бирига айланди.

Мустақилликкача бўлган даврда тоталитар тартиб расмий доиралари ва идоралари томонидан экология муаммоси инкор этилганди. Келгусида рўй бериши мумкин бўлган ўта фожеали оқибатлардан воқиф бўла туриб, улар бу ҳақда бош қотирмадилар, муаммоларга лоқайдлик билан қарадилар. Ўша йилларда ўз ижод намуналарида Орол дарди ҳақида бонг уришга интилган ва кенг жамоатчиликни огоҳлантиришга ҳаракат қилган киноҳужжатчиларимиз М.Мэй, Б.Музаффаров, Н.Азимов, Т.Бобожонов қаттиқ қаршиликларга, тўсиқ-ровларга дуч келган эдилар.

Фильм таркибига сингдириб юборилган тарихий-ҳужжатли кинокадрларда Орол фожеаси, “пахта монополияси”нинг халқимизга, миллат генофондига етказган зиён-заҳматлари фош этилади.

Фильмда истиқлол туфайли ва шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан экологик мусавффолик ва келажакка эътибор — давлатимиз сиёсатига айлангани ҳақида батафсил сўз юритилади. Орол ва Орол бўйидаги халқларга таниқли олимлар, хорижий экспертларнинг амалий ёрдами ёритилади. Таъсирчан кинообразларда ифодаланган якуний лавҳалар глобал мавзунини ёритишда, фильмининг асосий концепциясини теранлаштиришга хизмат қилади.

Репортаж жанрида суратга олинган кинолавҳалар рамзий маънога эга: жаҳонга юз тутган Мустақил Ўзбекистон Республикасининг улдуввор ютуқлари, қутлуғ режалар ва ислохотлар самараси — юртимизнинг эртанги соғлом келажакки гаровидир. Юртбошимизнинг

бу йўлдаги доно сиёсати турли лавҳа ва кадрлар маромида намоён бўлади.

“Миллий лойиҳа. Иқтисодий хавфсизлик ва барқарор ривожланиш асослари” деб аталган учинчи фильм иқтисодий ривожланишнинг Ўзбекистон моделини ишлаб чиққан ва ҳаётга тадбиқ этган Президентимиз И.А.Каримовнинг бу борадаги амалий фаолиятидан ҳикоя қилади. Фильмдан қўзланган мақсад Президентимизнинг ривожланган мамлакатлар бўйлаб расмий ва амалий сафарларда таниқли давлат арбоблари, иқтисодчилар, жамоатчилик ташкилотлари билан учрашувлари ва мулоқотлари жараёнини аниқ факт ва мисолларда очиб беришдан иборат.

Истиқлол ғоялари ва истиқлол меъмори образи билан боғлиқ ҳужжатли фильмлар кинотарихимизнинг янги саҳифаларида мўътабар ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон ҳужжатли киноси ҳақида фикр юритар эканмиз, албатта, Нукус киностудиясининг (Қорақалпоғистон) фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш даркор. Қорақалпоқ ҳужжатли киноижодкорларининг “Қўқпар” (сц.муал. А.Султонов, Т.Қалимбетов, реж.Т.Қалимбетов) ва “Зиуар” (А.Султонов, Т.Қалимбетов, реж.Т.Қалимбетов) каби фильмларга хос жанр-мавзувий, услубий изланишлар, бадиий-эстетик мушоҳада шакллари, таъсирчан ҳаётий лавҳалар эътиборни тортади. “Қўқпар” публицистик фильмида хис-ҳаяжонга тўлиб-тошган эпизодлар муҳим аҳамият касб этади. Муаллифлар чавандозлар мусобақасини тасвирлаш билан бирга, урф-одатларни, инсонларни бирлаштирувчи маросимларни тараннум этадилар, халқ анъаналарининг битмас улдувворлигини ўзига хос услубда намоиш этадилар. Оператор Л.Юшиков улукни, чопқир отларни ҳаракатда — бевосита мусобақа дақиқаларида суратга олган. Унинг камераси ҳам чавандозлар билан баробар ҳаракатда бўлади гўё. Киёфаларни синчковлик билан тасвирлайди: саман отни минишга опшиқан болакайни кузатар экан, от гўштини емай, четга қараган ўша бўлажак чавандознинг руҳий ҳолатини томошабинга етказиб беришга муваффақ бўлади. Бундай кадрлар кинопублицистикада характер яратишда тасвирий қатламнинг нечоғли муҳим эканини яна бир бор исботлайди.

Буюк қорақалпоқ шоири Ажиниёз ижодиға бағишланган “Зиуар” фильмида ўзгача услуб қўлланилган. Эндиликда муаллифлар истиоралар, рамзий образларга бой маҳобатли асар яратишга жазм қиладилар. Лекин матнга хос баландпарвозлик, айрим лавҳаларда мавжуд ижродаги сунъийлик эътироз уйғота-

ди. Зотан, хужжатли фильмда шоир ролини ижро этувчи актерга ҳам, кадрда ва кадр ортида тинмай янграб турувчи сўзларга ҳам эҳтиёж йўқ эди. “Кўкпар”дан фаркли, “Зиуар” фильмида кинопублицистиканинг тасвирий имкониятларига ишонмаслик, мавзунини сўз, ижро воситаларида очишга бўлган уриниш яққол кўзга ташланади. Муаллиф ва режиссёр мавзу, муҳит ва қаҳрамон талқинида янги услубий йўналишларни, мос мажозий ифодаларни изламаганлари кўзга ташланади. Бу каби асарлар қорақалпоқ киносига ижодий изланишлар давом этаётгани, айни бир вақтда миллий киновнинг янги даврига ўтиш жараёни анча мураккаб кечаётганини кўрсатади.

1991–2001 йиллар Ўзбекистон хужжатли киноси кўп жихатларига кўра, қимматли ва ибратли маънавий озука манбаидир. Бу даврда Ўзбекистон киночилари ижодидан ўрин олган хужжатли фильмларнинг аксариятида янги давр руҳи, истиқлол нафаси уфуриб туради. Кўп асрлик тарихимизнинг, маънавий-маданий меросимизнинг ҳали номаълум саҳифалари кинохужжатчилар эътиборига мунтазирдир.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА ТЕЛЕВИЗИОН ФИЛЬМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг эълон қилиниши жуда кўп соҳалар қаторида телевидение тизимида ҳам кескин бурилиш ясади. Ўзида санъат ва оммавий ахборот воситалари омухтасини мужассам этган телевидение маърифат яратувчи, халқнинг сиёсий-илмий тафаккурини, эстетик дидини шакллантирувчи муҳим воситадир. Ахборотни етказишдаги тезкорлиги, тарғибот кучи ва кенг имкониятлари эвазига телевидение оммавий ахборот воситалари қаторида алоҳида ўрин эгаллайди. Истиқлол даври ўзбек миллий телевидениесининг илк қадамлари Ўзбекистонда миллий мафкура, жамиятнинг миллий ғоясини яратиш масаласини ҳал қилиш йўлидаги янгидан-янги вазифаларни ҳал этишдан бошланди. Замонавий коммуникатив технологияларнинг илдам ривожланиши асносида телевидениенинг таъсирчан ифода воситалари анча ривожланиб, ижодий имкониятлари кенгайди. Телевизион дастурларнинг ғоявий йўналиши, кўрсатувларнинг мазмун-мундарижаси янги давр талаблари нуктаи назардан қайта қўриб чиқилиб, ижтимоий салоҳияти ортди.

Хуллас, янги мезонларда қад ростлаётган ҳаёт эски қарашларни нари суриб қўя бошлади. Ўзбекистон Президентининг 16 март 1992 йилги Қарорига мувофиқ,

Умуман, юртимиз мустақиллиги, халқимизнинг маънавий баркамоллиги ва хурлик ғояларига асосланган истиқлол мафкураси, аён воқелигимиз республика студияларида яратилаётган хужжатли фильмларнинг мазмун-мундарижасини янада кенгайтиришни тақозо этади. Хусусан, ўз ҳаёти ва ижоди билан ибратга арзигулик замондошларимиз ҳаёти ва фаолиятидан ҳикоя этувчи киноочерклар, фильм-портретлар яратиш хужжатли экран ижодкорлари олдида турган долзарб муаммолардандир. Шунингдек, ҳаётимизда, маънавий-иқтисодий соҳаларда бўй кўрсатаётган айрим иллатларни, камчиликларни фош этувчи танқидий кинопублицистика намуналарининг таққилиғи ачинарлидир.

Бугунги кунда миллий хужжатли экранда илм-маърифат, санъатшунослик, экологияга тааллуқли фильмларни суратга олиш, бу муаммоларга эътиборни қуайтириш, сценарий ёзиш ишига мутахассисларни, ёзувчи ва журналистларни жалб этиш энг долзарб масалалардан бўлиб қолади.

Ўзбекистон Телевидение ва Радиоэшиттириш Давлат Қўмитасининг Ўзбекистон Телерадиокомпаниясига айлантирилиши ҳам катта тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Даврнинг “мовий экран” ижодкорлари олдида янги жамият қуриш, унинг фалсафаси ва мафкуравий қарашларини шакллантириш билан боғлиқ масалалар, янгича ҳаёт ва тафаккур тарзини тарғиб қилиш сингари кўплаб вазифаларни қўйиши телевидение тизимига янгидан янги ўзгартиришлар киритиш заруратини тақозо этди. Шу сабабдан мавжуд “Ахборот”, “Ижтимоий-сиёсий”, “Иқтисод”, “Ёшлар”, “Муסיкий кўрсатувлар”, “Адабий-драматик”, “Болалар ва ўсмирлар”, “Спорт”, “Кино” Бош Мухаррирларини янги ижодий бирлашмалар таркибига бирлаштирилди. Бу бирлашмаларнинг янги дастурларида миллий аудиториянинг маънавий, ғоявий ва интеллектуал камолотига катта эътибор бера бошланди. Янги жамият қуришдак масъулиятли вазифаларни адо этиш йўлида маънавият ва маданият, иқтисодиёт, маиший ҳаёт, ахборот узатиш билан боғлиқ масалалар, сиёсий ва ижтимоий муаммолар янгича талқин этила бошланди.

Ўзлигини англолмаган миллат мустақил бўлолмаслигини бугун яхши англаяпмиз. Ҳақиқий озод бўлиш учун эса миллатнинг ўтми-

шини, маънавий хотирасини тиклаш лозимдир. Мустақилликнинг дастлабки йили телевидениеда “Маънавият” Бош Мухарририятининг ташкил қилиниши бу йўналишдаги илк қадам эди. Бир вақтлар қатагон этилган миллий-маънавий қадриятлар, миллатпарвар шахслар ҳаёти ва фаолияти таҳлили, миллатнинг дунёқараши, орзу-умидлари, истак ва интилишлари, ўзлиги ушбу муҳарририятнинг янги туркум кўрсатувларида ўз аксини топа бошлади. Бу мавзуларни ёритишда тележурналистиканинг турли жанрларидан фойдаланилмоқда.

“Маънавият” Бош муҳарририяти бугунги кунда мустақил давлатимизнинг маънавият борасидаги сиёсатини, миллий истиқлол шароитида миллий уйғонишнинг ўзига хос хусусиятлари, миллатнинг ахвол руҳиясидаги янги ўзгаришлар, миллий ва бадий мушоҳаданинг замонавий жараёнини адабиёт, театр, кино ва бошқа санъат турлари воситасида акс эттириб боради. Мавзу йўналиши бевосита боғлиқ бўлгани боис бу борадаги муаммолар муҳарририят кўрсатувларида айни кунда ижтимоий, сиёсий, кенг маънода маданият соҳалари билан ёндош ёритилади.

“Телетеатр” йўналишида, телеспектакль, теленовелла, телевизион бадий фильмлар, адабий театр, бадий композициялар, республика театрларининг спектаклларининг телевизион вариантлари томошабинларга тақдим этилмоқда. “Тилга эътибор”, “Хайрат”, “Дунё адабиёти”, “Армонли дунё”, “Санъат олами” каби адабиёт ва санъатнинг бошқа турлари борасидаги доимий руқналар, “Қалб гавҳари”, “Донишнома” каби маънавиятга оид муаммоларни ёритиш борасидаги доимий руқналар телеомошабинларга тақдим этилмоқда.

“Музыка” бош муҳарририятида композиторлик, ижрочилик ва касбий музыка ижодиёти тарғиб этилади: жумладан жаҳон классик музикаси, республика халқ чолғу оркестрлари, камер оркестрлари, симфоник оркестрли, республика мақом ансамбли, бадий жамоалар фаолияти ёритилади.

Шунингдек олтин меросимиз саналмиш мумтоз музика санъатини тарғиб этиш, мақом санъати, унутилиб бораётган музикаий дурдоналар, халқ кўшиқлари ва тан олинган ҳофизларимиз ижро этган кўшиқлар ва уларнинг тарихи ҳақида мукамал кўрсатувлар тайёрланади.

“Кино” Бош муҳарририяти Ўзбекистон телевидениесининг барча каналларини гоёвий, ахлоқий, бадий жиҳатдан пишиқ ва баркамол бадий, ҳужжатли, илмий-оммабоп, этник-фольклор ва мультипликацион фильмлар билан таъминлайди. Ўзбек миллий кино санъати-

нинг бугунги ҳолати, ривожини, янги фильмлар, йўналишлар, мустақиллик мафқурасининг бадий талқини ҳақида чуқур таҳлилий кўрсатувлар, миллий қадриятлар, юртимизнинг гузал табияти, бой маданий-маърифий меросимиз ҳақида ҳикоя қилувчи дастурлар, миллий санъатимизнинг етук намояндаларининг ижодий портретларини тайёрлайди. Жаҳон кино санъатидаги янгиликлар, фестиваллар ҳақида, жаҳоннинг кино юлдузлари ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, ўзбек миллий ҳужжатли киноси ютуқлари ва муаммолари ҳақида доимий кўрсатувлар ҳам тайёрланади.

XX аср бошларида миллатнинг илғор кишилари — зиёлилари мустамлака фожеаларини юракдан ҳис этиб, халқни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқиш, унинг кўзларини очиш, қалбида маърифат ёқиш ҳаракатига тушгандилар. Лекин моҳият эътибори билан коммунистик мафкура ич-ичидан жадидлар таълимотиغا батамом зид эди. Мустақилликнинг дастлабки йиллари Ўзбекистон Телевидениесида жадидларнинг миллат озодлиги, равнақи, баркамоллиги учун курашган вакиллари ҳаётига бағишланган катор кўрсатувлар дунёга келди. “Тарихнинг янги саҳифалари”, “Истиқлол фидойилари”, “Ёнмаган ёзувлар” туркум кўрсатувлари шулар жумласидандир.

Мустамлака асоратида тушиб қолган миллатимизнинг машаққатли синов ва кураш йўллари, Гражданлар уруши, қулоқлаштириш кампанияси, қатагонлардан жабр-зулм кўрган оддий инсонлар тақдири “Ўзлик” (муаллиф ва бошловчи А. Аъзам) кўрсатувининг мавзуга айланди. Муаллиф информацион публицистиканинг энг оддий — суҳбат жанрини фойдаланишига қарамай, улкан таъсирчанликка эришади.

Бир қанча миллатпарвар адиблар қатагон туфайли маънавиятимиз тарихидан юлиб олинишига қарамай, улар меросини ўрганиш, асарларида кўтарилган маънавий-ахлоқий муаммоларни тадқиқ этиш истиқлол шароитида ҳам ўзининг диққатга молик долзарблигини йўқотмади. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” (1993) асари асосида Ўзбекистон Телевидениесида режиссёр Максуд Юнусов томонидан суратга олинган кўп қисмли видеофильм ҳам томошабинлар томонидан қатта қизиқиш билан кутиб олинди. Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ижодлари чуқур таҳлил этилиб, янги руҳият, янги таълим талқинидаги “Шеър ва шуур” (муаллиф Назар Эшонқул) туркум кўрсатувларининг яратилишига асос бўлди.

Миллатимизнинг фахри, ғурури Амир Темурнинг ўчмас сиймоси ўз аксини топган

“Сохибқирон Амир Темур” (реж.С.Мухторов) видеофильми яратилди. Шоир Хуришид Давроннинг “Самарқанд ҳаёли” қиссаси асосида “Сохибқирон” деб аталган тарихий видеофильм дунёга келди. Бундан ташқари, “Темур қадамжолари” (муаллиф Нормурод Норқобилов, реж. Дилором Каримова) туркумидан буюк бобокалонимиз қадамлари этган тарихий манзиллар, сохибқирон таваллуд топган Шаҳрисабз, у ҳукмдорлик қилган мамлакатлар тарихи билан боғлиқ жойлар аксини топган кўрсатувларда халқимиз калбидаги улуг ифтихор намоён бўлди.

Қашқадарё вилоятининг тоғли қишлоқларида жойлашган Темур ғорига қилинган экспедиция тафсилотларига бағишланган “Темур ғори” (муаллиф Нормурод Норқобилов, реж. Дилором Каримова) кўрсатуви ҳам томошабин томонидан илиқ қабул қилинди. Тарихий манбаларда жуда қўп бор тилга олинган ғорга уюштирилган телесаёҳат сохибқирон ҳаётининг баъзи қирраларини чуқурроқ ёритиш ва бу тадқиқотлардан халқни баҳраманд этиш вазифасини ўз олдига қўйган эди. Шубҳасиз, кўрсатув ижодкорлари бу вазифани сидқидилдан адо этганлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ис-

лом Каримов “Таффакур” журналидаги суҳбатда: “Сиёсатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, фанда ҳам вакуум — бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Шу маънода мустақил фикрлайдиган одамларимиз бўлмаса, ўз давлатимиз, халқимиз, миллатимиз тарихини ўзимиз тикламасак, ўзимиз ҳолисона ёзмасак, уни бошқалар бошқача қилиб ёзади” — деб айтган эдилар. Чиндан ҳам, ҳаққоний тарихимизни билмасдан туриб, ўзликни англаш мумкин эмас. Тарих соҳасида меҳнат қилаётган олимлар, мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари натижаси ўларок, “Янги тарих” рукнида қатор туркум кўрсатувлар томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

“Қишлоқ ҳақида ўйлар” кўрсатуви қишлоқ инфраструктурасининг шаклланиши, қишлоқ шароитида истиқомат қилиб меҳнат қилаётган кишиларнинг турмушини акс эттирса, “Бир ўлка-ки” кўрсатувида республикамиздаги ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари, удумларининг ранг-баранглиги бадиий-публицистик жанрда ифода этилади. “Ҳайрат” кўрсатувида адабиёт оламида беназир асарлар яратган ижодкорларнинг у ёки бу асарига назар ташланади ва улар таҳлил қилинади.



“Ўзбектелефильм” студияси ижодкорлари: режиссёр — Б.Аҳмедов, оператор — М.Солиев.

90-йилларга келиб телевидениеда турли соҳа бўйича тайёрланадиган кўрсатувларни ўша соҳа мутахассислари олиб боришига аста-секин эришила бошлади. Мақсад соҳани теран таҳлил қилиш, телетомошабинни қизиқтириш ва иложи борица агрофличка маълумот бериш эди. Бундан ташқари, кўплаб муаллифлик дастур-кўрсатувлари ҳам тайёрлана бошлади. Томошабинда аввалам бор муаллиф-бошловчининг самимий муносабати, мушоҳада доирасининг кенглиги, кўрсатувни олиб боришдаги ўзига хос услубияти, излаувчанлиги катта қизиқиш уйғота бошлади. Шундай қилиб, телевидение янги “шахс”ларни кашф эта бошлади. Бу албатта, олға қўйилган қадамдир. З.Эгамбердиев, (“Оламга саёҳат”), Зоҳид Ҳақназаров (“Дирижёр ҳикоя қилади”), Абдулла Орипов (“Бир асар тарихи”), Р.Қўчқор (“Ҳайрат”), С.Шарипов (“Келин куёв шоу”), Д.Зуфарова (“Синфдош”), Н.Умрзокова (“Бегойим”) каби бошловчилар томошабинларнинг эътиборини қозондилар.

Бугунга келиб, телереклама соҳасида ҳам янгича фикрлаш кўзга ташланмоқда. Рекламаларда ҳеч қутилмаганда қиёслашлар, оптик эффектлар, тасвирнинг кескин ўзгариши, матннинг ихчамлашиб бориши ва мусиқа салоҳиятининг ортиб бориши кузатилмоқда. Реклама вақт ва маконни бирлаштириш учун бутун оламни бетиним янгиланишдаги коллаж сифатида тақдим этмоқда. Бунда эфир вақти имкон қадар тифизланмоқда.

Сўнгги йилларда миллий телевидениеда телерекламани ижтимоий-маънавий мақсадларда, яъни одамларни жамият учун зарур мақсадларга йўналтириш ёки маънавиятнинг юксалишига хизмат қилиш йўлида фойдаланиш тамойиллари юз кўрсатаётгани қувонарлидир. Кўрсатувлар орасидаги вақтда “Толе ёр бўлсин”, “Тарих – улуг мураббий” каби телевизион маърифий рекламаларни узатишмоқда. Бу, албатта, мудроқ тўғўларни уйғотади, мушоҳадага чорлайди. Киши қалбидаги эзгулик уруғларининг униб ўсишида мадад беради. Бундай телелойҳаларнинг пайдо бўлиши албатта қувонарли ҳолдир.

70—80-йилларда “мовий экран” деганда томошабинлар телефильм, бадий фильм, телеминиатюра, концертлар томоша қилиб маданий ҳордиқ чиқаришни тушунади. 90-йилларга келиб, телемулоқот, телемарафон, токшоу каби янги шакллар ўзлаштирилди.

Маълумки, 90-йилларнинг илк палласидан Ўзбекистон бозор муносабатларига ўзишнинг ўзига хос йўлини таллади. Мамлакатимизнинг катта иқтисодий салоҳияти борлиги, ислохотлар амалда ана шу имкониятларни кўпроқ

ишга солиш учун кент йўл очиши мамлакатимиз раҳбари томонидан асослаб берилди. Янги замон иқтисодий тафаккури ҳамда ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт истиқболлари тўғрисидаги янги қарашлар Иқтисодий кўрсатувларнинг асосий мавзусига айланди.

Миллий иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш учун мавжуд муаммоларнинг илдинини чуқур таҳлил қилиш бугун телевидениенинг диққат марказида турибди. “Иқтисод алифбоси” “Иқтисод ва биз” кўрсатувлари фикримиз далилидир.

Мамлакатимиз аҳолисининг жуда катта қисми ёшлардан ташкил топгани, жамият тараққиётидаги ёшларнинг тугган ўрни ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан 1998 йил 1 сентябрь куни “Ёшлар” телеканали иш бошлади.

“Ёшлар” телеканали ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, дунёқараши ўқтам, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган, энг муҳими Ўзбекистонимиз келажагини яратувчи ёшларни янги давр руҳида тарбиялашдай вазифаларни ўз зиммасига олди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, “Ёшлар” телеканалининг асосий қисмиий ёшлар ташкил этади. Ҳамма замонларда ҳам ёшлар жамиятнинг энг илғор қисми сифатида ҳаётга янгича нигоҳ, янгича орзулар билан кириб келишган. Инсон ҳаётидаги жуда кўп ўзгаришлар ёшлик даврига тўғри келади. Ёшлигидан инсон касб танлайди, ўқишга кирибди, ҳарбий хизмат ўтайди, оила қуради, ишга жойлашади. Бу таъбишлар кўпгина муаммоларни келтириб чиқариши тайин. “Ёшлар” телеканали айна ана шу муаммолар нималардан иборат ва уларни ҳал этиш йўллари қандайлиги ҳақида кўрсатувлар орқали ёшларга ёрдамга келди. Бу ўринда “Эркин фикр”, “Бегойим”, “Синфдош”, “Баҳс” сингари қатор телекўрсатувларни ёдга олиш мумкин.

Шу ўринда “Ёшлар” телеканалининг асосий кўрсатувларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсади мувофиқдир. “Ёшлар” телеканалининг “Давр” кўрсатуви мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган турли воқеа-ҳодисаларни ўз нигоҳи билан ёрита бошлади. Турли соҳалардаги камчиликлар аёвсиз танқид остига олинди, муҳими, уларда ёшларнинг шахсий муносабатлари ўз аксини топди. Шу ўринда “Давр”нинг тармоқлари сифатида яратилган “Давр-интервью”, “Давр ҳафта ичида”, “Аср қиёфаси”, “Давр тонги” кўрсатувларини санаб ўтиш қифоядир.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизими-

да тайёрланаётган дастурлар, бадий ва ҳужжатли асарлар, видеофильмлар ўзига хос таъсирчанлиги, жанр-услубий, мавзувий ранг-баранглиги ҳамда ижодий изланувчанлиги билан аҳамиятга моликдир. Уларнинг бадий-ғоявий салоҳияти миллий истиқлол мафкураси мезонларига ҳамоҳангдир. Шундай бўлса-да, мазкур жараёнда айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Хусусан, баъзи кўрсатувларга ажратилган чегарали вақт кўпинча мазмунни тула-тўқис ёритиш имконини бермайди. Аксари ҳолларда ижодкорлар айнан бир мавзу атрофида ўралашиб қоладилар. Айрим каналларда намоёниш этилган кўрсатув материалларида жиддий таҳлил етишмайди. Мухим масалалар талқинида юзакилик, масаланинг моҳиятига етарли масъулият билан ёндашмаслик ҳоллари ҳам учрайди.

1991–2000 йиллар давомида Ўзбекистон телевидениеси орқали намоёниш этилаётган дастурларнинг жанр-мавзувий ранг-баранглигида, бадий ғоявий савиясида янгиланиш тамойиллари ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон телевидениеси тинимсиз ўзгаришлар, ижодий изланишлар жараёнини бошидан кечирмоқда. Сўнгги ўн йиллик мобайнида миллий телевидениеда яратилган кўплаб кўрсатувлар, бадий ва информацион дастурлар истиқлол ғоясининг бадий ифодаси сифатида намоён бўлди. Шу жиҳатдан, ҳаёт телевидениега ҳам ўзининг энг катта вазифаларини юклайди ва бу вазифаларнинг тўғри хал бўлишига ишонади.

Ўзбекистон Телерадиоэшиттиришлар Давлат Қўмитаси таркибида “Ўзбектелефильм” студияси ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Студияда телевидение орқали намоёниш этилувчи ҳужжатли ва бадий фильмлар суратга олиниши билан биргаликда, дубляж ишлари ҳам амалга оширилади.

90-йилларга келиб, “Ўзбектелефильм” студиясида ўзига хос ижодий тамойиллар шаклланиб улгурган. Ҳар йили бу ерда кўплаб бадий сериаллар, ҳужжатли, илмий-оммабоп ва мусикали фильмлар яратилади. Телевизион кино намуналарининг мавзувий, жанр-услубий доираси кенг: тарихий ва замонавий мавзуларда мелодрамалар, тарихий драма ва комедия жанрларидаги бадий фильмлар билан бир қаторда, ҳужжатли-публицистик, портрет-киноочерклар, мусикали фильм-концертлар, манзарали фильмлар, руқли киножаридалар яратилмоқда.

“Ўзбектелефильм” студиясида фаолият кўрсатаётган ижодкорлардан Нодир Қўлдошев, Шавкат Жунайдуллаев, Саидботир Ах-

мадхўжаев, Эдуард Давидов, Шухрат Бизаатов, Эркин Мирзаевларнинг турли мавзу ва йўналишлардаги фильмлари бугунги ўзбек телепублицистикаси ҳамда телевизион кинонинг асосий тамойилларини белгиламоқда. Ҳар бир режиссёрнинг ижодий йўналишлари ва услубий изланишлари ўзига хос, айрича. “Ўзбектелефильм” студиясида санъатга сидқидилдан меҳр қўйган, изланувчан, тафаккури замонавий инсонлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг асарларида том маънода миллий қадриятлар, давр билан ҳамнафаслик, ҳаётийлик асосий мезон бўлиб, касбий маҳорат устунлик қилапти.

Сўнгги ўн йилликда “Телефильм” фаолиятида мавзулар ва жанрлар рангбаранглиги яққол кўзга ташланади. Студияда яратилаётган фильмлар орасида ҳужжатли кино салмоқли ўрин эгаллайди. Жумладан, буюк аждодларимизга бағишланган фильмлар билан бир қаторда, ўлкамизнинг қўҳна тарихий масканлари ҳақида хикоя қилувчи ҳужжатли асарларни айтиб ўтиш керак. “Шарқ дурдоналари” туркумидаги “Хива”, “Самарқанд”, “Шахрисабз”, “Бухоро” (сценарий муаллифи М.Олимов, реж. Э.Давидов, оператор Анвар Авазхўжаев) фильмларида экран мушоҳадаси анча теран бўлиб, тасвирий қатлам сержилолиги, матнинг лўнда ва таъсирчанлиги кўзга ташланади.

Республикамизнинг турли жабҳаларида фаолият олиб бораётган илм-фан, маданият арбоблари ҳақида фильмлар яратилмоқда. «Николай Кучерский» (муаллиф ва оператор Р.Исломов, реж. В.Мирзаев), “Ғани Ағзамов”, “Рустам Рахимов” (муаллиф ва реж. С. Ахмадхўжаев) фильмлари портрет жанрига мансуб бўлиб, бу инсоннинг бой маънавий олами, бетиним изланишларини, ижодий кашфиётлари жараёнларини ифода этади. “Ўзбекистон олтини” (муаллифлар — Р.Исломов, В.Мирзаев, реж. В.Мирзаев, опер. Р.Исломов), “Қулгўл дарахтнинг илдизлари ва новдалари” (муаллиф Б.Блендер, реж. Э.Давидов, опер. А.Усмонов) фильмлари бадий савиясининг пухталиги, ўзига хос тасвирий ечими билан аҳамиятга молик. “Ўзбекистон” тележурналининг тиклангани ҳам ижобий жараёнларнинг самарасидир.

Аввалигадй, студияда бадий фильмларга эътибор катта. “Ўзбектелефильм” студиясида кўплаб видеофильмлар, кўп қисмли телевизион фильмлар яратилиб, улар томошабинларимизга манзур бўлмоқда. “Еттинчи фалакдан келган овоз”, “Чархпалак”, “Лафз” видеофильмлари шулар жумласидандир. Қаҳрамонлардаги самимият, яхшилик ва ёмон-

лик, эзгулик ва қабоҳат ўртасидаги кураш, халқимизга мос ва хос маиший бўёқлар ушбу асарларнинг томошабинлар қалбидан ўрин олаётганига сабаб бўлмоқда. Телевизион кино асарлар мавзуси ҳаётий воқеалар, қундалик турмуш можаролари, турли тақдир эврилишларини, оддий инсоний муносабатларни акс эттиради. Тўғри, бу кино асарларнинг ҳаммасини ҳам бир хил савияда деб бўлмайди. Масалан, Ф.Давлетшин ва В.Гусевларнинг "Диққат, мотор!", М.Кимсановнинг "Тоғлик қуёв" фильмларида режиссура, мусикий ва тасвирий ечимдаги топилмалар кўзга ташланса-да, бу фильмлар айрим нуқсонлардан ҳам холи эмаслигини, айниқса, бадиий дид ва меъёр танқислигини айтиб ўтиш даркордир.

Буюк адиб Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" асари асосида яратилган фильм Республика маданий ҳаётида сезиларли воқеа бўлди. Фильмда асар руҳи, давр муҳити, муҳим воқеалар силсиласи ўта нозик ва аниқ чизгиларда берилади. Қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари, дил тугёнлари ёш актёрлар

ижросида мохирона ифода этилган. Раъно образини яратган ёш актриса Дилдора Рустамованинг ижросида драматизм, савқи табиийлик ва маҳорат хис этилади.

Турли тақдирлар, турфа хил инсоний муносабатларга, ҳаётнинг машаққатли суқмоқларидаги дарду қувончларга томошабинларни шерик қилган "Чархпалак" сериали хорижий сериаллар томошабинларимизни ўзига ром этаётган бир пайтда яратилгани қувончлидир. Драматург Шароф Бошбековнинг қаламига мансуб сценарий қундалик ҳаёт, турли турмуш муаммоларини ифода этадики, унда ўзимизни, ўз дарду қувончларимизни кўргандек бўламиз. Режиссёр Шавкат Жунайдуллаев, тасвирчилар Қўчқор Каримов ва Акмал Умарбековнинг маҳоратини алоҳида таъкидлаш керак. Айрим видеофильм яратувчилари кўп ҳолларда жўн услублардан фойдаланиб, бир ёки икки объект доирасидагина воқеликни акс эттирадилар. "Чархпалак"да эса, худди катта бадиий кинода бўлгандек, сюжетлар йўналиши сероб, драматургик композиция серқат-



"Лавз" телевизион фильмини суратга олиш жараёнида. "Ўзбектелефильм". 1998.

ламлиги билан ажралиб туради. Сериалга та-
ниқли актёрлар билан бир қаторда ёш актёр-
лар ҳам жалб этилган, монтаж профессионал
даражада амалга оширилган.

“Лавз” (сц.муаллифи Ф.Мусажон, сахн.
реж. Б.Ахмедов) телесериали ҳам ўзида акс
этган воқеа-ҳодисалар, инсоний хислатлар тал-
қини билан ажралиб туради. Маънавий қад-
риятларимиз, теран илдизларимизни ифода
этувчи ушбу фильм Имом Бухорий ҳадисла-
ри асосида яратилди. Бугунги кунимиз учун
нихоятда муҳим мавзун ифода этувчи бу
фильм юксак инсоний фазилатлар: савоб ва
гуноҳ, эзгулик ва разолат сингари тушунча-
лар борасида фикр юритишга ундайди.
Фильмдаги режиссёр топилмалари, ўзига хос
тасвирий ечим, актёрлар ижросидаги самими-
ят ва маҳорат акс эттирилаётган давр муҳи-
тининг аниқ деталлашган равишда ифода этил-
гани “Лавз” телесериалининг муваффақияти-
ни таъминлади. Режиссёр сценарийни кўр-
кўрона тасвирга кўчирмаган, суратга олиш жа-
раёнларида ҳар бир лавҳа, диалоглар ва
ҳар бир деталь мукамал ишлаб чиқилган,
қаҳрамонлар либослари, уй жиҳозлари синч-
ковлик билан танланиб, акс эттирилган. Ак-
тёрлар Саид Мухторов, Аъзам Шокиржонов,
Хосият Ҳусанова, Қаромат Исомова ва бош-
қалар ўз қаҳрамонларига ёрқин, бетакрор чиз-
гилар топа олганлар.

Режиссёр Аббор Қосимовнинг ижодий из-
ланишлари устида алоҳида тўхталиш жоиз-
дир. Кейинги йилларда у режиссёрлик қилиб,
суратга олган “Акбарнинг саргузаштлари”,
“Увайсий” телефильмлари томошабин ҳукми-
га ҳавола этилди. “Акбарнинг саргузаштла-
ри” фильми XX аср мукаддимасида содир
бўлган воқеаларни камраб олади. Фильм бо-
лалар аудиториясига мўлжалланган бўлиб,
сюжет йўналиши кизиқарли, ёш актёрларнинг
ижроси ёрқин ва характерлидир.

XIII асрда яшаб ижод этган истеъдодли
шоира Увайсийнинг ҳаёти ва ижодига бағиш-
ланган телесериал композицион қурилмаси
анча пухта. Экранда ажойиб истеъдод соҳи-
баси — шоира Увайсийнинг лирик шеърлари,
унинг қалб тугёнлари, орзу ва армонлари би-
лан йўғрилган мисралари янграйди. Гоҳ ха-
зин, гоҳида шиддатли мусиқа таъсирчан ифо-
давийлик қашф этади.

Телефильмчиларнинг ҳужжатли кино со-
ҳасидаги изланишлари ҳам диққатга сазовор-
дир. Режиссёр Саидботир Аҳмадхўжаевнинг
“Рустам Раҳимов интилган нур” деб номлан-
ган ҳужжатли фильми ажойиб истеъдод со-
ҳиби, саратон касалини даволашда қўллани-
ладиган нурни қашф қилган олим Рустам Ра-



“Увайсий” телевизион фильмидан лавҳа.
“Ўзбектеелефильм”. 1999.

ҳимовга бағишланади. Режиссёр Саидботир
Аҳмадхўжаев экранда илмий изланишлари
ва қашфиётлари билан оламга донг таратган
ҳамюртимиз, замондошимиз образини яратди.
Муаллифлар интервью, репортаж каби турли
телевизион жанрлардан фойдаланадилар.
Фильм қаҳрамони кадр ортидан ўзи ҳақида
хикоя қилар экан, унинг ҳаёти бир-бирига
уйғун равишда боғланган лавҳаларда намоён
бўлади. Унинг ҳикоясида самимият, ўз иши-
га мухаббат, камтарликни ҳис этамиз. Ҳамюр-
тимиз Рустам Раҳимовнинг илмий қашфиёт-
ларини бугун жаҳон илм аҳли тан олмоқда.
Ноёб истеъдод эгаси бўлган бу инсон эса сид-
қидилдан меҳнат қилиб, қанчадан-қанча одам-
лар дардига малҳам топади. Бу унинг ҳаёти
мазмуни, севимли ишидир.

Ҳақиқий ижодкор тинимсиз изланишда
бўлади, турли йўналишларда ва жанрларда
ўз имкониятларини синаб кўради. “Ўзбекте-
лефильм”чилар ҳам бундан мустасно эмас-
лар. Асосан мусикали фильмлар орқали то-

мошабинларимизга яхши таниш бўлган режиссёр Э.Давидов кейинги пайтда хужжатли фильмлар соҳасида ўз маҳоратини ифода этмокда. "Ўзбекистон дурдоналари" туркум фильмлари, "Қутлуг дарахтнинг илдизлари ва новдалари" фильмларида режиссёр ўзига хос тасвирий ифода услублардан фойдаланган. Мазкур фильмлар Москва ва Ялтада бўлиб ўтган халқаро анжуманларда катнашиб, совринлар билан тақдирланди.

"Ўзбектелефильм" студиясида ёш томошабинларга хавола этилган "Бойчечак", "Баланд тоғлар орасида", "Эркатой" фильмларининг мавзулари турлича бўлиб, мароқли воқеаларга бой. Келгусида болалар учун яратилаётган фильмларнинг мавзу кўламини ва сонини янада ошириш, "Ўзбектелефильм" студиясида мультипликацияли фильмлар суратда олишни йўлга қўйиш режалари қўйилди.

"Ўзбектелефильм" студиясининг дубляж бўлими ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш жоиздир. Дубляж туфайли дунёнинг кўплаб студияларида яратилган асарларни ўзбек томошабини ўз она тилида кўриш имкониятига эга. Дубляжчиларнинг хорижий фильмни ўзбек тилига кўчириш жараёнини тўла маънода ижодий иш, санъат деб аташ мумкин. Зеро, ўзга тилда яратилган асарнинг барча нозик жиҳатларини, ўзига хос муҳитини сақлаб қолган ҳолда томошабинга етказиш катта маҳорат талаб этади. Бугун мазкур студияда дубляж илмини мукамал билган моҳир режиссёрлар, овоз операторлари, ажойиб овоз соҳиблари бўлган актёрлар фаолият олиб бормокда. Сўнгги йилларда дубляж санъати янада жонланди. Телевизион дубляжнинг шакл-

ланиши бугунги давр талабидир. Икки, уч, тўрт овозли дубляжнинг тўлақонли синхрон овоз бериш жараёни билан алмашилиши дубляж мактаби анъаналарининг тикланишига, фильмларнинг бадий савиясига путур етказмасдан, кинонинг энг таъсирчан воситаси бўлган овоз сеҳрини сақлаб қолишга имкон яратмокда.

Студиянинг маҳоратли оператори Қўчқор Каримов илк бор режиссурага қўл урди. Ижодкор "Йил фасллари" туркумидаги "Баҳор", "Ёз", "Қуз" фильмларини яратди. Фильмда дикторлик матни учрамайди, ҳар бир фаслнинг алоҳида тасвирий олами мавжуд. Бу мавзуда кўплаб хужжатли фильмлар яратилган бўлса-да, режиссёр ушбу мавзуни янгича талқин этади, янги ҳаёт беради. Бинобарин, шундай таъсирчан ифода воситаларидан фойдаланиладики, сўнгги лавҳаларгача томошабин диққатини ўзига жамлайди. Тасвир ва мусиқа ўзаро уйғунлашиб, лирик лавҳаларни, гузал табиат манзараларини тегаранча намойиш этади.

Бугунги кунда студияда ижодий ишлар қизғин тус олган. Турли қутлуг саналарга, хусусан Мустақилликнинг 10 йиллигига, миллий-маданий меросимиз ва халқ ижодиёти сарчашмаларига бағишланган туркум хужжатли фильмлар яратиш режалаштирилмокда. Миллат ҳаётидан, унинг ғурури ва ташвишларидан ҳикоя қилувчи мусиқаи фильмлар, фильм-портретлар, тарихий мавзудаги фильмларни кўпроқ яратиш, киножараёнга янги муаллифларни, ёш ижодкорларни жалб қилиш, чет эл киностудиялари билан ҳамкорликда фильмлар яратиш масалалари қўйилган.

ХУЛОСА

Дунёнинг энг қадимий халқларидан бири бўлган ўзбекларнинг олам ҳодисаларини қабул қилиши ва ифодалаш тарзи XX асрда аввалги минглаб йиллардагига нисбатан кескин бурилишларга учради. Минг йиллар мобайнида анъанавий шарқона дунёқарашга эга бўлиб келган ўзбек халқи аср бошида ғарб маданиятига хос бўлган бир қатор муҳим омилларни ўзига сингдирди. Шу билан биргаликда, бутун миллатга мажбурий эътиқод сифатида киритилган шўро мафкураси XX аср бадиий жараёнлари-га ҳам ўз салбий таъсирини ўтказди.

✓ 1991 йилда эришилган Мустақиллик шарофати билан фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар плюралиزمи вужудга келиб, миллат ҳукмрон мафкура таъйиқисиз яшаш имконига эга бўлди. Бу ҳолат халқимизнинг ижтимоий он-гида соғломлаштириш жараёнини юзага чиқарди, ижодий эркинлик равнақ топди.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг тараққиёти унинг маданияти ва санъати даражаси билан белгиланади. Ўз навбатида, давлатнинг маданият ва санъатга бўлган муносабати жамиятнинг ривожланиш даражасини аниқлайди. 90-йилларнинг бошларида юзага келган мушкул ўтиш даврида юртбошимиз сайъ-ҳаракатлари билан ёш мустақил давлатимизнинг қатор санъат соҳаларига ҳомийликни ўз зиммасига олгани — санъатнинг ижтимоий феномен сифатида ривожланишига ҳамда миллий бадиий тафаккурнинг кейинги тараққиётига асосли замин яратиб берди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган тарихий дамларда ўз даври ва томошабини билан жонли, рўйи рост алоқа қила олиш, миллат ҳаётининг муҳим бўғинларида кечаётган ислохатлар жараёнини, мавжуд муаммоларни мўлжалга ола билиш имконияти санъатни ижтимоий ҳаётнинг олдинги қаторига суриб чиқара бошлади. Маънавий меросни қайта тиклаш, миллий маданиятни англаш жараёнлари санъаткорлар эътиборини — узоқ ва яқин ўтмишдаги Ватан тарихи, унутилаёзган қадриятлар қатламига, бир вақтлар катағон этилган мавзулар ва шахсиятларга жалб этди. Сўнгги ўн йилликда кечган ижодий жараён-

ларда тарихий мавзунинг етакчилик қилгани ҳам ана шундандир.

Бутун миллий санъатимиз умумжаҳон бадиий манзарасининг ажралмас ва ўзига хос бўғини сифатида гавдаланади. Санъатнинг анъанавий турлари (томоша санъатлари, мусиқа, ҳунармандчилик соҳалари) билан бир қаторда Шарқ ва Ғарб маданиятлари уйғунлашувини намоён этувчи санъат шакллари (рангтасвир, графика, кино, телевидение) ҳам тўлақонли ривожланди.

1991—2001 йиллар давомида Ўзбекистон санъати мураккаб ва серқирра ривожланиш йўлини босиб ўтди. Қўхна тарих олдида ўн йил албатта қисқа бир лаҳзадек туюлсада, давлатимиз тақдирида юз берган туб тарихий бурилишлар, авваламбор, Мустақилликнинг қўлга киритилиши қўхна ижтимоий ҳаётнинг барча қатламларига ўзининг улкан ижобий таъсирини ўтказди.)

Сўнгги ўн йиллик ўзбек меъморлик санъатида асосий икки тамойилнинг ривожланиши кузатилади. Улардан бири шарқона меъморлигининг анъанавий қонун-қоидалари асосида, иккинчиси эса жаҳон меъморлигининг янги ютуқлари билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Таъкид этилган тамойиллар асосида барпо этилган барча иншоотлар (Темурийлар музейи, Олий Мажлис, Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси, Интерконтинентал, Шератон меҳмонхоналари ва б.) ўз даврининг юксак маънавий ва маданий қадриятларини ўзида акс эттирган. Бу иншоотларда қурилиш ва дизайн соҳасидаги энг янги жаҳон технологияларининг Марказий Осиё меъморлиги учун анъанавий, унинг мумтоз намуналарига хос бўлган хусусиятлари уйғунлашган бўлиб, у Ўзбекистон меъморлиги учун истикболни белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этди.

Маҳобатли санъат ўзининг функционал ва-зифасидан келиб чиққан ҳолда, биринчи бўлиб жамиятдаги ўзгаришларга нисбатан ўз муносабатини билдиради. 90-йилларда яратилган миллий санъат ва маданиятнинг буюк арбоблари ва тарихий шахсларга бағишланган қатор маҳобатли санъат асарлари муҳим аҳамият касб

этади. Зеро, миллий ғоя ва мафқуранинг шаклланиш жараёнида ватанпарварлик ва ғуқорилик бурчларини намоён этувчи санъат соҳасига айланди.

Маҳабатли ҳайкалтарошлик усталари ижодини ижтимоий жамият буюртмаси асосидаги асарлар ташкил этса, дастгоҳли ҳайкалтарошлик санъатида эса кўпроқ индивидуал, шахсий қирралар намоён бўлади. Миллий мавзунинг анъанавий реализм ёки пластик авангардлик ечими билан ҳамоханглиги — Ўзбекистон дастгоҳли ҳайкалтарошлигининг бугунги ҳолатидир. Уни услуб ва ашёларнинг хилма-хиллиги ва мавзуларнинг йўналиши (миллий байрамлар, тарихий ва эпик персонажлар, анъанавий маданият рамзлари) ёрқин ифодалайди. 90-йиллар бошида инқирозни бошидан кечирган дастгоҳли ҳайкалтарошлик ҳозирда бадий кўرғазмаларда кенг қўламда намоёиш этилмоқда. Ҳайкалтарошларнинг юқори даражада ўз услубий ечимларини ўзига хос тарзда ифода этиши ҳамда томошабинлар томонидан улар асарларига бўлган қизиқишнинг ортиши, ушбу санъат соҳасининг келажак тараққиётидаги ривожини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бирига айланди. Шу билан бирга бу соҳанинг қатор муаммолари мавжуд. Масалан, декоратив ҳайкалтарошликка кам аҳамият берилмоқда. Пировард натижада ҳайкалтарошлик ҳамда ноанъанавий қўлолчилик асарларини шахар муҳитида, боғ ва хиёбонларида ўрнатиш каби йўналиш ривожини муаммолари соҳалардан биридир.

Рангтасвирда бадий жараён шиддатли ва ёрқин кечди. 1990-йилларга оид рангтасвир санъати турли услублар қўламининг кенглиги билан намоён бўлди. Академик реализм мактаби ўз мавқеини сақлаган ҳолда, кўпроқ ноанъанавий услублар, яъни мажозий-ассоциатив асарлардан тортиб инсталляция ечими тарзида бажарилган асарлар устун келиши кузатилади. Агар 70—80-йилларда Ўзбекистон рангтасвири ривожига миллий ўзига хослик соҳаси услубидаги изланишлар билан белгиланган бўлса, 90-йиллар услуб ва йўналишларнинг кенгайиши ҳамда ижодий эркинликнинг тараннуми билан изоҳланади. Рассомлар борлигини ўз ижодий дунёқарашлари орқали ўзига хос тарзда ифода этишлари, бадий жараён ривожига рассом шахсининг ўрни аҳамиятли бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирда, 70—80-йилларда тамайл тоши қўйилган ва миллий рангтасвир мактабининг ўзига хос услуби сифатида намоён бўлган декоративизм билан ёнма-ён, турли авангард йўналишлар ҳамда миниатюра талқини услуби ҳам кенг ривож топмоқда. Ўзбекистон замонавий рангтасвир санъатининг асосий тамойиллари услубларнинг кенг қўламчилиги ҳамда юқори ва чуқур ижрочилик маҳорати, образлар мазмундорлигини сақ-

лаган ҳолда, реалистик анъаналардан тортиб, авангардлик йўлидаги изланишларгача намоён бўлади.

Бадий услубиятнинг бу каби ранг-баранг тўпланмаси янги тарихий воқелик ғуфайли юзга келди. Бу воқелик сўнгги ўн йилликда пластик ва фалсафий ғояларни эркин ифода этиш имкониятини яратди.

Мустақиллик йилларида амалий безак санъати соҳасида ижод этаётган усталарнинг ижтимоий мавқеи сезиларли даражада юксалди. Ўзбек халқининг миллий қадриятларини асраб-авайлаш, амалий безак санъати соҳасидаги унутилаётган анъаналарини тиклаш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, Республикаимизда “Халқ устаси” унвони таъсис этилди ва Ўзбекистон Бадий Академияси томонидан бир қатор соҳа усталарига академик унвони берилди. Шунингдек, Наврўз, Мустақиллик байрамларига бағишланган халқ усталарининг савдо кўрғазмалари уюштирилмоқда.

Эътироф этиш керакки, сайёҳлик ривожини ҳамда очик сиёсат шароитида халқ ижодиёти намуналарини ишлаб чиқариш бозори шаклланди, ҳунармандчилик маҳсулотлари соғва бозорининг негизини, яъни санъат тижоратининг асосини ташкил этди. Республикада бир қатор ижтимоий жамғармалар ва ташкилотлар очилди.

Замонавий амалий безак санъати тараққиётининг тамойилларидан бири XIX аср охири XX аср бошларига оид мумтоз қонун-қоидаларини давом эттириш билан бирга, жамоавий ечим натижаси бўлган анъанавийликни сақлаш ҳамда муаллифлик фаоллигини ошириш кузатилади.

Ўзбекистон мусика санъати республикаимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган туб ислохотлар билан боғлиқ ҳолда равнақ топмоқда. Албатта, бунинг учун ўтиш даврининг ўзига хос қийинчиликларини енгиб ўтиш, яқин ўтмишдан қолган сохта ғоявий-мафқуравий исканжалардан бутунлай ҳоли бўлиш, айни пайтда халқимизнинг кўп асрлик миллий мусиқий мероси дурдоналарига теран боғланиш лозим бўлади. Зотан, мусиқий мерос намуналарининг маънавий-ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни, ёш авлод тарбияси, қолаверса, бутун халқимизнинг ўзлигини англаш жараёнида ҳам аҳамияти бекиёсдир.

Миллий мафқурамизнинг энг муҳим нуқталаридан бирини ташкил этаётган мусиқий мерос намуналарини тарғиб-ташвиқ этиш ишларига эътибор бериш, улар асосида тузилган янги ўқув дастурларини таълим тизимига жорий этишни таъминлаш зарур.

Таъкидлаш лозимки, мусика санъати унинг барча анъанавий ва замонавий қўринишлари тараққиётига республикаимиз раҳбарияти ало-

ҳида эътибор бермоқда. Сўнги ўн йил давомида мазкур санъат тури ривожини таъминловчи қатор ҳужжатлар имзоланди ва амалиётда ўз ифодасини топди. Хусусан, республика ва вилоятлар доирасида мусиқага тегишли ва мусиқа санъати иштирокида янги тадбирлар шаклланиши билан бир қаторда унутилаёзган мусикий жанрлар қайта тикланди. Халқалар ижодиёти, думбира ижрочилиги, мақомот санъати каби бадий анъаналар мусиқа таълими тизимига киритилди.

Шунингдек, анъанавий мусиқа намуналарини тарғиб этувчи турли хил фольклор-этнографик ансамбллари тузилди, мақомчилик санъатида янги жилолар қамф этилди. Созандалик санъати, яқка ва гуруҳли ижро намуналари сақлангани ҳолда мавзу ва услуб жихатидан бойитилди.

Бастакорлар ижодиёти анъанавий мусиқа мероси намуналари билан янада уйғунлашиб бормоқда.

Композиторлик ижодиёти халқимизнинг умумбашарий қадриятларига дахлдор янги мавзулар билан бойиди, миллий анъаналарга, халқимиз ва давлатимиз тарихига, буюк алломалар ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижодиға эътибор кучайди, Ватан, Истиқлол каби мавзуларда мусикий асарлар ижод этилди.

Композиторлар асарларида халқ характерларининг моҳиятини, миллий руҳияти ва тафаккурини бадий образлар орқали ифодалаб беришга ҳаракат сезилади. Бу даврга оид қатор асарлардаги миллийликни ифода қилишнинг ижодий доираси аста-секин кенгайиб борганини, уларнинг воқеъликни аниқроқ ва чуқурроқ англаганларини кузатиш мумкин.

Сўнги ўн йиллик ўзбек эстрада мусиқасининг услуб жихатдан мураккаб изланиш жараёни бўлди. Хусусан, унда “европа” ва “шарк” услубларига юзаки тақлид қилиш тамойиллари билан бирга чинакам миллий бадий услуб даражасига қадар юксалган намуналар ҳам намоён бўлади. Албатта, бу каби намуналар замонавий мусиқа ижодкорлиги жабҳаларида ҳам кўп асрлик миллий мусикий “илдиз”ларга боғланиш лозимлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Бугунги воқеълик ҳамда ўз томошабинлари билан бўлган жонли ришталар театр санъатини ижтимоий ҳаётнинг олдинги сафига олиб чиқди. Зеро, сахна асосий умуммиллий муаммолар тамойилларини ўзида мужассам этди. Замонавий сахна мислсиз жадаллик билан бой ва ранго-ранг халқ бадий меросини ўзида сингирди. Фольклор, этнография, урф-одатлар ва диний маросимлар, анъанавий кулги ва майдон театри, мумтоз шеърят, мусиқа, тасвирий санъат, меъморлик каби санъат турлари театр ижодкорлари, режиссёрлари ҳамда усталарининг диққат марказида бўлди. Мазкур изланишлар

ўзбек театрининг нафосат ва жозибадорлигини бойитди, жиддий ўзгартирди, шунингдек, янги шакл, образлар ечимларининг пайдо бўлишини жадаллаштирди.

Ўзбек режиссурасининг янги авлоди амалда шартли-мажозий образлик ва “жонли актёр” театрлари ғоясини уйғунлаштирди. Драматик сахнада хореография, пластика ҳамда тасвирий-мусикий ифода воситаларини кенг қўллаш натижасида “оммавий” театрга интилиш каби йўналиш кучайган бўлса, мусиқали театр, опера, балет жанрларида эса қутилмаган драматик ечимлар намоёиш қилинмоқда. Замонавий режиссура актёрларни одатий насрий ҳикоянавислик доирасидан олиб чиқишга интилмоқда. Режиссёрларнинг ранг-баранг жанр ҳамда услубий ечимлари, сахна луғатини мураккаблаштириш билан актёр санъатига таъсир кўрсатиб, устувор услубий йўналишларни ажратиб олишни мушкуллаштирди. Энг моҳирона актёр ишларида кўпинча чуқур кечинмалар “ўйин” элементлари, психологизм ва очик шартлилик билан чапишиб кетди.

Замонавий ўзбек театрининг муҳим аломатларидан бири сахна маданияти даражасининг ошишидир. Мазкур омил ёш томошабинларнинг театр санъати билан илк бор танилиши “макони” бўлган болалар ва қўғирчоқ театрларида кечаётганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ҳаёт ходисасига кириб кетиш билан бир қаторда ўзбек театр арбоблари жаҳон театр санъатида кечаётган жараёнларни диққат билан кузатмоқдалар. Шунингдек, Шарқ ва Ғарб маданияти кесишувида бўлган ўзбек театрини ўз ижодларида фавқуллодда сезгирлик билан ҳис қилмоқдалар. Айнан шу икки маданий оқимлар қўшилишида режиссура маънавий ва бадий анъаналар ҳамда замонавий театр янгиликларини тажриба орқали уйғунлаштиришнинг кенг имкониятларини очди.

Кўнгил очар томошалар индустриясида кучайиб бораётган рақобатга қарамай, цирк санъати ўзининг томошабинини, оммавийлик хусусиятини йўқотмади. Унда ижодий ҳамда ташкилий характердаги аҳамиятли ўзгаришлар кузатилади.

Эътироф этиш керакки, ўзбек циркининг янги авлоди қадимий томоша санъатининг буюк арбоблари анъаналарини шараф билан ривожлантирмоқдалар.

1991—2001 йилларда ўзбек бадий киноси кескин ижтимоийликдан бир қур чекиниб, маънавий-руҳий изланишлар қатламида гавдалана бошлади. Бу даврда яратилган фильмларни асосан икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги фильмлар чуқур маънавий-таҳлилий талқинга эга бўлиб, асосан яқин ва узоқ тарихимизни қайта баҳолаш, шахс муаммосини янги давр нуқтаи на-

заридан идрок этиш масалаларига бағишланган. Бинобарин, “Буюк Амир Темур”, “Имом ал Бухорий”, “Ўткан кунлар”, “Ёлғиз ёдгор”, “Отандан қолган далалар”, “Воиз” бадий фильмлари асосан тарихий мавзуга бағишланган. Бу даврда ҳаёт фалсафаси, мавжудлик муаммолари билан боғлиқ мавзулар билан бир қаторда таъсирчан мелодрама ва енгил комедия фильмларидан иборат иккинчи гуруҳ фильмлари — “этниқ кино” йўналиши ҳам ўз ривожини топа бошлади. “Темир хотин”, “Абдуллажон”, “Бомба”, “Чимилдиқ” фильмлари фикримиз далилидир.

Кино санъатида 1991—2001 йилларда кечган бадий-ижодий жараёнлари таҳлили сўнгги йилларда экранларга чиққан айрим асарларда бадий-эстетик дид танқислиги, замонавий мавзу ва қаҳрамон талқинидаги юзаклик, баённинг томошабин учун зерикарли, суст маромда кечиши ҳолатларини ҳам аниқлашга имкон берди. Бунинг асосий сабаблари миллий кинодраматургия муаммолари доирасида бўлиб, ҳусусан, сценарий танлашда мезонларнинг пасайиб кетгани билан боғлиқдир. Шунингдек, фильмлар намойиши (кинопрокат), ёш киномутахассисларни тайёрлаш, томошабин билан алоқани мустаҳкамлаш ҳамда кино соҳасининг молиявий ўз-ўзини қоплай олиш-олмаслиги билан боғлиқ муаммолар ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Тарихимизни ўрганишга талаб бор экан, бу тарихни кино тасмаларига муҳрлаган ҳужжатли фильмларга ҳам эҳтиёж ошиб бораётгани тушунарли ҳолдир. Истиқлол киносолномасини яратишда ҳужжатли фильмларнинг ўрни беқиёсдир. Сўнгги ўн йилликда яратилган ҳужжатли фильмларда таҳлилий мушоҳаданинг ус-тунлиги, инсон қалби ва тақдирига самимий муносабат кузатилади.

Ўзбекистон Президентининг 16 март 1992 йилги Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Телевидение ва Радиоэшиттириш Давлат қўмитасининг Ўзбекистон Телерадиокомпаниясига айлантирилиши ҳам катта тарихий аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Давр “ойнаи жаҳон” ижодкорлари олдига янги дунёкарашни шакллантириш билан боғлиқ масалалар, янгича турмуш ва тафаккур тарзини тарғиб қилиш сингари қўлаб вазифаларни қўйиши телевидение тизимиға туб ўзгартиришлар киритиш заруратини тақозо этди. Шу сабабдан мавжуд муҳарририятлар янги ижодий бирлашмалар таркибида бирлаштирилди. Бу бирлашмаларнинг янги дастурларида миллий аудиториянинг маънавий, ғоявий ва интеллектуал камолотига катта эътибор берилди бошланди. Янги жамият қуришдек маъсулиятли вазифаларни адо этиш йўлида маънавият ва маданият, иқтисодиёт, маиший ҳаёт, ахборот узатиш билан боғлиқ

масалалар, сиёсий ва ижтимоий муаммолар янгича талқин этила бошлади.

Республикада давлат тасарруфидаги “Ўзбекистон” телеканали (ТВ-1), “Ешлар” телеканали, Халқаро кўрсатувлар телеканали (ТВ-4), Тошкент телеканали (ТТВ) ҳамда қатор вилоят телеканалларидан ташқари “Камалак ТВ”, “30 канал” ва бошқа хусусийлаштирилган телеканаллар фаолият олиб боради. Шунингдек, сўнгги йилларда кабелли телевидение ҳам томошабинларнинг маданий хордиқ чиқаришлари учун хизмат қилмоқда.

Сўнгги ўн йилликда телевидение қўлаб янги жанрларни ўзлаштириб, томошабинлар эътиборини қозонмоқда. Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари томонидан тайёрланаётган телесериаллар, ҳужжатли ва бадий телевидеофильмлар, ахборот дастурлари, турли мавзудаги кўрсатувлар, қатор кизиқарли шоу-дастурлар, телеўйинлар телетомошабиннинг маънавий-маданий тафаккури доирасини кенгайтиришға хизмат қилмоқда. Муҳими, миллий телевидение юртимизда кечаётган туб илохатларни кенг тарғиб этиш юзасидан самарали фаолият олиб бориб, улкан маънавий-маърифий мавже касб этмоқда. Ўзбекистон Телерадиокомпанияси тизимида тайёрланаётган бадий ва ҳужжатли-ахборот дастурлари, турли мавзудаги кўрсатувлар, видеофильмларнинг ғоявий-бадий савияси миллий истиқлол мафкураси мезонларига ҳамохангдир.

Ушбу тадқиқотда аён бўлганидек, бу даврда санъатнинг барча турларида самарали тамойиллар қўзға ташланади. Ўтган даврлар санъатиға хос анъаналарнинг давом эттирилиши билан биргаликда янгиланган ижтимоий-сиёсий ва эстетик муҳит янги ижодий ғоялар, мавзулар ва бадий ечимларнинг юзаға келишиға туртки берди. Санъатнинг барча соҳаларида ижодий эркинлик етакчилик қила бошлади. Янги санъатнинг яралишида аввал ҳукмронлик қилган “соцреализм” ақидалари тазйиқидан халос бўлиш энг муҳим омиллардан бири бўлди. Бу жараён — меъморлик, театр, мусиқа, кино, тасвирий ва амалий санъатнинг ўзига хос ички хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, турфа йўсинда намоён бўлмоқда. Давлатимиз мустақиллиги билан боғлиқ долзарб мафкуравий вазифалар, ҳаёт ҳақиқати, миллий-маданий қадриятлар тизимиға бўлган улкан эътибор санъат доирасидаги масалаларға янги ғоявий ёндошувларни шакллантирди.

Бугун биз мислсиз ҳодиса — санъатнинг яша-риши ва яшнаши бошланаётган давомли жараён оstonасида турибмиз. Қўз ўнгимизда Мустақил Ўзбекистоннинг янги санъати туғилиб келмоқда. Бу санъат мустақиллик йўлидан бораётган халққа муносиб бўлмоғи керак.

1991— 2001 ЙИЛЛАР ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ ЙИЛНОМАСИ

Ўзбекистонда 1991—2001 йилларда барпо этилган меъморий иншоотлар

1992

- Тошкент шаҳрида “Туркистон” саройи қурилди. Меъморлар — Ю.Халдеев, Ф.Турсунов.
- Тошкент шаҳрида Умар бин Хаттоб жума масжиди қурилди.

1995

- Тошкент шаҳрида “Наврўз” ресторани барпо этилди. Меъморлар Р.Ёқубов, В.Островерхов.
- Тошкент шаҳрида Темурийлар тарихи Давлат музейи бунёд этилди. Меъмор А.Турдиев.
- Тошкент шаҳрида “Интерконтинентал” меҳмонхонаси меъмор А. Тахтаевнинг лойиҳаси асосида барпо этилди.
- Тошкент шаҳрида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки биноси меъмор А.Тахтаевнинг лойиҳаси асосида қуриб битказилди.
- Тошкент шаҳрида Республика биржа маркази меъмор Ф.Турсуновнинг лойиҳаси асосида барпо этилди.

1996

- Бухоро шаҳрида Ҳиндистоннинг “Тата прожект” корпорацияси ҳамкорлигида ҳамда меъморлар М.Воҳидов, В.Ципишев, Р.Янбулатовнинг лойиҳаси асосида Бухоро меҳмонхонаси барпо этилди.
- Самарқанд шаҳрида Ҳиндистоннинг “Тата прожект” корпорацияси билан ҳамкорликда “Афросиёб” меҳмонхонаси барпо этилди.
- Тошкент шаҳрида Ҳиндистоннинг “Тата прожект” корпорацияси билан ҳамкорликда “Ле Меридиан” меҳмонхонаси қурилди.
- Тошкент шаҳрида меъморлар Р.Шокиров, Н.Валиеваларнинг лойиҳаси асосида Марказий банк биноси барпо этилди.
- Тошкент шаҳрида меъмор В. Ақопджаняннинг лойиҳаси асосида Юнусобод теннис мажмуи барпо этилди.
- Тошкент шаҳрида меъмор В.Ақопджаняннинг лойиҳасига биноан Олий Мажлис биноси барпо этилди.

1997

- Тошкент шаҳрида меъмор Ф.Турсуновнинг лойиҳасига биноан Тошкент шаҳар Ҳокимлиги биноси барпо этилди.

1998

- Самарқанд шаҳрида меъмор А.Турдиевнинг лойиҳасига асосан Имом ал-Бухорий мажмуаси барпо этилди.
- Фарғона шаҳрида меъмор А.Турдиевнинг лойиҳаси асосида Аҳмад ал-Фарғоний мажмуаси барпо этилди.
- Тошкент шаҳрида меъморлар А.Турдиев, К.Мухаммаджоновларнинг лойиҳасига асосан Шайх Зайниддин бобо жума масжиди қурилди.
- Тошкент шаҳрида меъмор В.Ақопджаняннинг лойиҳаси асосида Бектемир деҳқон бозори қуриб битказилди.

1999

- Тошкент шаҳрида Туркиянинг “Ай-сел” корпорацияси билан ҳамкорликда “Тошкент плаза” савдо маркази барпо этилди.
- Тошкент шаҳрида Франциянинг “Бунг” компанияси билан ҳамкорликда “Шератон” меҳмонхонаси қурилди.
- Тошкент шаҳрида меъморлар Р.А.Искандаров, Л.И.Сердюкларнинг лойиҳасига мувофиқ Қурилиш-коммунал лицейи биноси барпо этилди.
- Андижон шаҳрида меъморлар Т.А.Максумова, А.В.Ракутинларнинг лойиҳаси асосида Маиший хизмат касбхунара лицейи биноси барпо этилди.
- Бухоро шаҳрида “Хумо” номли теннис мажмуи қуриб битказилди.

2000

- Тошкент шаҳрида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия Университети қошидаги академик лицей биноси барпо этилди.
- Тошкент шаҳрида меъмор В.Ақопджаняннинг лойиҳаси асосида Шаҳидлар хотираси меъморий ёдгорлиги барпо этилди.
- Андижон шаҳрида меъморлар З.Машрабов гуруҳи бошчилигида Бобур боғи бунёд этилди.

2001

- Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваторияси биноси 2001—2002 ўқув йилига фойдаланишга топширилиши кўзда тутилмоқда.
- Ўзбек Миллий академик драма театри биноси замонавий услубда қайта таъмирланмоқда.
- Камолиддин Бехзод номидаги миллий музейининг қурилиш ишлари олиб борилмоқда.

1991—2001 йиллар Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатининг муҳим воқеалари

1991

- Фахрий-рассомлар Республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Алишер Навоий юбилейига бағишланган кўргазма (Амалий санъат музейи фондлари асосида). Амалий санъат музейи, Тошкент.
- “Рус лаки” кўргазмаси (Москва Халқ санъат музейи фондлари асосида). Амалий санъат музейи, Тошкент.
- “Ўзбекистон амалий санъати” кўргазмаси. Малайзия.

1992

- Ўзбекистон Халқ санъати. Ўзб. Санъат музейи фонди, Тюмен.
- Ўзбекистон Халқ санъати. Ўзб. Санъат музейи фонди, Караганда.
- Амалий санъат Халқаро кўргазмаси, Манеж. С.Петербург.
- Ўзбекистон халқ рассоми Ч.Ахмаровнинг шахсий кўргазмаси. Қозон.
- Рассомлар автопортретлари Республика кўргазмаси. Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Тошкент.
- “Баҳорги салон” республика кўргазмаси. Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Тошкент.
- Ўзбекистон Мустақиллигининг 1 йиллигига бағишланган республика кўргазмаси. Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Тошкент.
- Ўзбекистон тасвирий санъати кўргазмаси. Баҳрайн.
- Ўзбекистон санъати кўргазмаси. Галерея, Амстердам.
- Ўзбекистон санъати. Съездлар саройи, Москва.
- “Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ортида озодлик учун олиб борилган кураш” мавзудидаги кўргазма. Съездлар саройи, Москва.
- “Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ортида озодлик учун олиб борилган кураш” мавзудидаги кўргазма. Батимнелли галереяси, Италия.
- Ёшлар ижоди кўргазмаси. Маданият уйи, Янгйер.
- Ёшлар ижоди кўргазмаси. Маданият уйи, Бухоро.
- 60-йиллар рассомлари кўргазмаси. Рассомлар уюшмаси кўргазмалар зали, Наманган.
- Натюрмортлар кўргазмаси. Картиналар галереяси, Ангрен.
- Портретлар кўргазмаси. Картиналар галереяси, Гулистон.
- Рангтасвир, ҳайкалтарошлик, гобелен. Картиналар галереяси, Ангрен.
- А.Абдуллаев асарлари кўргазмаси. Картиналар галереяси, Ангрен.
- “Замонавий гобелен ва пластика”. Фарғоналик усталар В.Усеинов, А.Хамидов, А.Утегеновлар кўргазмаси.

1993

- Тошкент усталар шахри. Экспозициялар зали, Англия.
- Соцреализм санъати. Экспозициялар зали, Германия.
- Акварел ва рангтасвир кўргазмаси, Омск.
- Акварел ва рангтасвир кўргазмаси, Москва.
- Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси. Туркияда Ўзбекистон кунлари, Анкара.
- Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси. Қорақалпоғистонда Тошкент шахри кунлари, Нукус.
- “Наврўз” кўргазмаси. Рассомлар Марказий уйи, Москва.
- “Наврўз” республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Фахрийлар республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Ўзбекистон Мустақиллиги кунига бағишланган Республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Р.Шодиев шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- С.Абдуллаев шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Рассомлар Р.Чориев ва В.Бурмакин кўргазмалари. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Е.Мельников, Ю.Талдикинлар кўргазмалари. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- А.Мирзаев шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- А.Файзуллаев шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Ўзбекистон ёш рассомлари кўргазмаси. Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси павильони, Тошкент.
- Рангтасвир, пластика, мусика кўргазмаси. М.Турғунбоева музейи, Тошкент.
- Ўзбекистон рангтасвир ва Халқ санъати кўргазмаси. Тамара хоним музейи, Тошкент.
- С.Петербург этнография музейи экспозициясидан кўргазма. Амалий санъат музейи, Тошкент.
- “Машина каштачилиги” Андижон бадий буюмлар фабрикаси кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

1994

- “Наврўз” республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Фахрийлар республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 3 йиллигига бағишланган кўргазма. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- “Қозғистон тасвирий ва амалий санъати” кўргазмаси, Қозғистоннинг Ўзбекистондаги маданият кунлари. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- “Баҳорги вернисаж”. Меъморлар уюшмаси кўргазмалар зали, Тошкент.
- Фахрийлар асарлари кўргазмаси. Меъморлар уюшмаси кўргазмалар зали, Тошкент.
- Ўзбекистонда Европа кунларига бағишланган кўргазма. Ўзбекистон Республикаси Халқаро алоқалар миллий ассоциацияси, Тошкент.
- Ўзбекистон рассомлари ижодида манзара мавзудидаги кўргазма. Халқлар дўстлиги музейи, Тошкент.
- Ўзбекистон рассомлари гуруҳ кўргазмаси. Ўзбекистон элчихонаси, Германия.
- П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртининг 75 йиллигига бағишланган Ўзбекистон рассомлари ретроспектив кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Европа иқтисодиёти Ҳамжамиятининг Ўзбекистондаги кунларига бағишланган Ўзбекистон рассомлари кўргазмаси. Республика рассомлик ўқув юрти, Тошкент.
- “Ёшлар санъати” кўргазмаси. Халқ ҳўжалиги ютуқлари павильони, Тошкент.
- Ўзбекистон рассомлари асарлари кўргазмаси. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Тошкент.
- Б.Бринскийнинг шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Халқ рассоми Р.Чориев шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Ю.Чернишев, А.Бойматов ва Баҳромовлар гуруҳий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- “Ўзбекистон рассомлари ижодида манзара” кўргазмаси. Картиналар галереяси, Ангрен.

- "Ўзбекистон ранг жиолари" кўргазмаси. Картиналар галереяси, Ангрн.
- "Бизнинг мерос" кўргазмаси. Музей, Чирчик.
- "Ўзбекистон — менинг Ватаним" кўргазмаси. Картиналар галереяси, Ангрн.
- "Ўзбекистон рассомлари ижодида натюрморт" кўргазмаси. Картиналар галереяси, Гулистон.
- Ўзбекистон портрет рангтасвири кўргазмаси. Кўргазмалар галереяси, Гулистон.
- Рассом В.Усеинов gobеленлари кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

1995

- Ватан химоячиларига бағишланган республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- "Ёшлар намоиш этадилар" номли кўргазма. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- "Аёл ва гул" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Ғалабанинг 50-йиллигига бағишланган республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- "Қайтарилган қадриятлар" кўргазмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Санъат музейи, Тошкент.
- "Рассомлар уруш ва тинчлик ҳақида" номли кўргазма. Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.
- Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган республика кўргазмаси. Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.
- Ўзбекистон рангтасвири кўргазмаси. Ўзэкспомарказ, Тошкент.
- Ўзбекистон рассомлари асарлари кўргазмаси. БМТ ваколатхонаси, Тошкент.
- БМТнинг 50 йиллигига бағишланган "Хаворанг афсона" номли халқ амалий санъати кўргазмаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат Санъат музейи, Тошкент.
- И.Савицкийнинг 80 йиллигига бағишланган кўргазма. Давлат Санъат музейи, Тошкент.
- "Сўғдиёна оҳанглари" кўргазмаси. Ўзбекистон Республикаси байналминал маданият маркази, Тошкент.
- БМТнинг 50 йиллигига бағишланган халқ хунарамандлари 1-Республика кўргазмаси. Халқлар дўстлиги майдони, Тошкент.
- Андижонлик ёш рассомлар кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- "Буюк Ипак йўли меросхўрлари" кўргазмаси. Линден музейи, Германия.
- Ўзбекистон рангтасвири кўргазмаси. Ўзбекистон Республикаси элчихонаси, Қозоғистон.
- Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари доирасида "Ўзбекистон тасвирий ва халқ санъати" кўргазмаси. Кастеев номидаги Давлат Санъат музейи, Қозоғистон.
- "Гул ва аёл" номли кўргазма. Картиналар галереяси, Гулистон.
- Ғалабанинг 50-йиллигига бағишланган кўргазма. Картиналар галереяси, Гулистон.
- Ўзбекистон рассомлари кўргазмаси. Ўзбекистон элчихонаси, Москва.
- Ўзбекистон рассомлари кўргазмаси. Ўзбекистон элчихонаси, Германия.
- "Куллик, миниатюра ва заргарлик санъати" А.Рахимов, А.Юсупов, Ф.Дадамухаммедовлар ҳамкорлигидаги кўргазма. Амалий санъат музейи, Тошкент.
- Р.Гоглаева шахсий кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

1996

- Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган "Темуррийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг юксалиши" номли кўргазма. ЮНЕСКО бош қароргоҳи, Франция.

- Ўзбекистон халқ санъати. ЮНЕСКО бош қароргоҳи, Франция.
- Ўзбекистон тасвирий санъати ЮНЕСКО бош қароргоҳи, Франция.
- "Темур ва темурийлар" кўргазмаси. Давлат Санъат музейи, Тошкент.
- Ўзбекистон замонавий рангтасвири. Давлат Санъат музейи, Тошкент.
- Корея рассомлари асарлари кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- "Наврўз" Республика кўргазмаси. "Зумрад" маданият маркази, Тошкент.
- "Тошкент — менинг орауларим шаҳри". Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.
- "Қадриятларнинг қайтиши". Давлат Санъат музейи, Тошкент.
- "Ўзбекистон — Ипак йўли ворислари". Линден музейи, Германия.
- Ўзбекистон рангтасвири. Ўзбекистон Республикаси элчихонаси, Москва.
- "50-йиллар Германия графикаси" Ўзбекистонда ГФР маданият кунларига бағишланган. Давлат Санъат музейи, Тошкент.
- К.Кольвиц графикаси. Давлат Санъат музейи, Тошкент.
- "Бугунги Япония" фотокўргазма. А.Навоий номидаги Давлат академик катта театри, Тошкент.
- Ғ.Қодировнинг шахсий кўргазмаси. "Илҳом" кўргазмалар зали, Тошкент.
- М.Кагаров шахсий кўргазмаси. "Илҳом" кўргазмалар зали, Тошкент.
- Ғ.Бойматовнинг шахсий кўргазмаси. "Илҳом" кўргазмалар зали, Тошкент.
- Ёш рассомлар ижодидан. Картиналар галереяси, Ангрн.
- Портретда тарих. Картиналар галереяси, Гулистон.
- Ўзбек рассомлари ижодида аёл образи кўргазмаси. Картиналар галереяси, Гулистон.
- Тасвирий санъат ва спорт. Олимпия музейи, Тошкент.
- В.Усеинов шахсий кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

1997

- Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан Ўзбекистон Бадий Академияси ташкил этилди.
- "Халқ амалий санъати ва хунарамандчилигининг келгусидаги ривожини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.
- "Наврўз-97" театр фестивали кунларига бағишланган кўргазма. Ҳамза театри, Тошкент.
- "Баҳорги вернисаж". "Баҳор" концерт зали, Тошкент.
- "Устоз ва шогирд" кўргазмаси. "Илҳом" кўргазмалар зали, Тошкент.
- XII Халқаро кинофестивалига бағишланган кўргазма. Киночилар уйи, Тошкент.
- Ўзбекистон Бадий Академияси аъзолари асарлари кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- "Наврўз-97" республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- "Ўзбекистоннинг тинч осмони остида" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- "Ранго-ранг" номли кўргазма. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Беҳзод номидаги мукофот номзодлигига кўргазма. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- Ўзбекистон Республикасининг 6 йиллигига бағишланган кўргазма. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.
- "Орол менинг тақдирим" танлов-кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Хива ва Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган кўрғазма. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Украина маданияти кунларига бағишланган кўрғазма. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Япония маданияти кунларига бағишланган кўрғазма. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Ж.Умарбеков шахсий кўрғазмаси. Давлат Санъат музейи, Тошкент.
- “XX аср бусафасида” рангтасвир кўрғазмаси. Науман фонди, Германия.
- Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган кўрғазма. ЮНЕСКО, Франция.
- Германияда Ўзбекистон кунларига бағишланган кўрғазма. Германия.
- Р.Худойбергенов шахсий кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Халқ рассоми Ч.Ахмаров кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Халқ рассоми М.Кагаров шахсий кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Ғ.Абдурахмонов шахсий кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- “Қовун сайли” кўрғазмаси. Картиналар галереяси, Ангрен.
- “Йил фасллари” кўрғазмаси. Картиналар галереяси, Гулистон.
- “Янги манбалар” кўрғазмаси (Музей фондидан). Амалий санъат музейи, Тошкент.
- “Анъанавий кулоллик”, Н.Қўзиева шахсий кўрғазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.
- Япония оригамлари. Амалий санъат музейи, Тошкент.

1998

- Ўзбекистон Бадий академияси “SAN'AT” журналининг биринчи сони, ўзбек, рус, инглиз тилларида чоп этилди.
- Дойче Велле (“Немис тўлкини”) компанияси томонидан уюштирилган кўрғазма. Кёльн, Германия.
- Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тасвирий санъат кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- “Она юрт посбонлари”. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- “Оила йили”га бағишланган кўрғазма. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- “Наврўз” умумхалқ байрамига бағишланган кўрғазма. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- “Баҳор гулдастаси” кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- “Ўзбекистоннинг мусаффо осмони остида”. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- “Сехрли тур” фахрий рассомлар кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- “Ёшлар намоён этиди” кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Акварел ва ҳайкалтарошлик асарлари кўрғазмаси. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Тошкент.
- “Энг улур, энг азиз” номли Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига бағишланган кўрғазма. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Тошкент.
- “Шарқдан таралган зия” Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигига бағишланган кўрғазма. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Тошкент.
- “Таъзим” Давлат мукофотига сазовор бўлган рассомлар кўрғазмаси. Республика рассомлик билим юрти, Тошкент.
- “Ўзбекистон – суверен демократик республика” Конституция кунига бағишланган таллов фотокўрғазмаси. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Тошкент.
- “Инсон ва табиат” кўрғазмаси. Республика рассомлик билим юрти, Тошкент.
- А.Маматова шахсий кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.

- Л.Резников шахсий кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Т.Саъдуллаев шахсий кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Ўзбекистон халқ рассоми Р.Аҳмедов шахсий кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- С.Болшакова шахсий кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- А.Валиевнинг шахсий кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Ўзбекистон рассомлари ижодида маданият арбобларининг портретлари кўрғазмаси. Тошкент.
- Мустақиллик кунига бағишланган Ўзбекистон тасвирий санъати кўрғазмаси. Олий Мажлис, Тошкент.
- Санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг 70 йиллигига бағишланган кўрғазма. Санъатшунослик илмий тадқиқот институти, Тошкент.
- Ўзбекистон рассомларининг Ҳиндистон Республикаси мустақиллиги 50 йиллигига бағишланган кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган “Сехрли нур” кўрғазмаси. Республика байналминал маданият маркази концерт зали, Тошкент.
- Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунларига бағишланган Қирғизистон амалий санъати кўрғазмаси. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- Рангтасвир ва ҳайкалтарошлик кўрғазмаси. Ўзбекистон Республикаси элчихонаси, АҚШ.
- Республика мустақиллигига бағишланган Ўзбекистон халқ рассоми Р.Аҳмедов кўрғазмаси. Миср Араб Республикаси маданият маркази, Тошкент.
- “Жаҳон халқлари либослари” кўрғазмаси. Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.
- Уста И.Нарзуллаев кўрғазмаси. Тошкент.
- Корея Республикаси маданияти кунларига бағишланган “Кореянинг бугуни” кўрғазмаси. Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.
- Кореялик ва ўзбек рассомларининг 4-анъанавий “Тошкент – 98” кўрғазмаси. Санъатшунослик илмий тадқиқот институти, Тошкент.
- Корея маданияти кунларига бағишланган кўрғазма. Корея Республикаси элчихонаси, Тошкент.
- Ёш рассомлар Т.Аҳмедов, М.Жалалов, Р.Йўлдошевлар кўрғазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.
- “Амалий санъат” Самарқанд картиналар галереяси кўрғазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.
- Ўзбекистон кулолчилиги – XX аср. Амалий санъат музейи, Тошкент.

1999

- “Инсоният илоҳиёти”, “Бизнинг мерос” туркумидан кўрғазма. Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.
- “Гул ва аёл” кўрғазмаси. “Туркистон” концерт зали, Тошкент.
- Ўзбекистон мусаввирлари ижоди кўрғазмаси. Олий Мажлис, Тошкент.
- “Болалар санъати – 2000” Халқаро фестивал. Марказий кўрғазмалар зали, Тошкент.
- “Тошкент – Қоҳира” таллов-кўрғазма. Республика рассомлик билим юрти, Тошкент.
- Т.Эсанов кўрғазмаси. Ҳиндистон элчихонаси, Тошкент.
- Бухоро халқ санъати. “Илҳом” театри кўрғазмалар зали, Тошкент.
- “Қадриятларнинг қайтиши” туркумидан Ўзбекистон каштачилиги кўрғазмаси. Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.
- Рассомлар Ғ.Бойматов ва А.Нур кўрғазмалари. Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.
- В.Усеинов ва Риштон кулоллари кўрғазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.
- “Асрларга етгучи мадҳия” замонавий мусиқа 4-Халқ-

аро фестивалига бағишланган авангард кўргазма. "Илҳом" театри кўргазмалар зали, Тошкент.

- З.Шарипова шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Мустиқлик кунига бағишланган "Энг улув, энг азиз" Республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Бизнинг мерос" туркумидан "Куйлаётган ашёларда асрлар хотираси" кўргазмаси. Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.

- "Алпомиш" достонининг 1000 йиллигига бағишланган кўргазма. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Жалолиддин Мангуберди" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Уста ва шогирд" Республика лицейининг 70 йиллигига бағишланган кўргазма. Республика бадий лицей-интернати, Тошкент.

- "Мумтоз санъатга муҳаббат" кўргазмаси. "Илҳом" театри кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Менинг Пушкиним" шoirнинг 200 йиллигига бағишланган кўргазма. Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.

- Ўзбекистон хазинаси: Буюк Ипак йўли" кўргазмаси. Пенсильвания Университетининг Артур Росси галереяси, АҚШ.

- С.Абдуллаев шахсий кўргазмаси. Давлат Санъат музейи, Тошкент.

- А.Мирзаевнинг шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Ўзбекистон Бадий Академияси академиклигига номзод рассомлар кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- И.Мансуров шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Т.Темуров шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Д.Имомова шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Н.Холиқов шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Халқ рассоми А.Абдуллаев шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Б.Жалолов шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Н.Шин шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Корейс рассомлари кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Япон қўғирчоқлари" кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

- "Ишбана" Японлар чой маросими буюмлари кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

2000

- К.Бехзоднинг 545 йиллик таваллудига бағишланган "Қамолиддин Бехзод ва Шарқ миниатюра санъати" Халқаро кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- К.Бехзод таваллудининг 545 йиллигига бағишланган "Қамолиддин Бехзод ва Шарқ миниатюра санъати" Халқаро илмий анжумани. Темурийлар тарихи Давлат музейи, Тошкент.

- Ватан ҳимоячилари ва Чегарачилар кунига бағишланган В.Шевченко асарлари кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "80-йиллар Германия графикаси" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- И.Валихўжаев, М.Рустамов, Р.Мирзаевлар (Қўқон) асарлари кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Ҳимолай тоғлари" Н.К. ва С.Н.Рерихларнинг туркум асарлари кўргазмаси, Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Ўзбекистон амалий санъати кўргазмаси. Япония.

- Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган Ш.Абдуллаев ва Д.Матевосянларнинг шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Ассалом Наврўз - 2000" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "ЦДХ - 2000" Халқаро кўргазмаси. Артсалон, Москва.

- "Ўзбекистон дизайни" Республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Шахидлар хотираси" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Рассом ва агроф-муҳит" номли ЭКОСАН Халқаро жамғармаси билан ҳамкорликдаги кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Д.Қалай (Словакия) графикаси кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Ассалом ёрқин тонг" Болалар кўргазмаси. Халқлар дўстлиги саройи, Тошкент.

- "Офарин" Республика қўриқ-танловига бағишланган кўргазма. Халқлар дўстлиги саройи, Тошкент.

- "Соғлом авлод" йилига бағишланган «Ҳаёт дарахти» кўргазмаси. Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.

- "Соғлом авлод" йилига бағишланган "Қамалак жилиси" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Ўзбекистон - менинг Ватаним" танлов кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали.

- "Осиё рамзи -2000" номли модалар фестивали. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Шу азиз Ватан - барчамизники" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Халқаро ҳунармандчилик ярмаркаси кунларида Ўзбекистон амалий санъати кўргазмаси. Алматы, Қозоғистон.

- "Хиндистон: қадим маданиятга эҳтиром билан" Т.Қўзиев фотоқўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Ультрамарин" Аннелоре Курешчук (Голландия). Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Шарқ нури" кўргазмаси. Республика байналминал маданият маркази, Тошкент.

- "Тадбиркор аёллар" ассоциацияси биргаликда "XXI аср аёллари" танлов-кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Жаҳон давлатлари календарлари" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Имом ал Мотуридийнинг 1130 йиллиги ва Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 930 йиллигига бағишланган кўргазма. Санъатшунослик илмий тадқиқот институти, Тошкент.

- "Ўзбекистон Миллий банки галереяси тўпламидан 100 асар" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Ювелирия" заргарлик фестивали. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Нукус музейи дурдоналари" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- "Табиат ва рассом" кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Ўзбекистон қадимий давлатчилик тарихини ўрганишда археологик ёдгорликлар аҳамияти кўргазмаси. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Тошкент.

- "Маънавият ва маърифат" номли кўргазма. Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, Тошкент.

- К.Бехзод номли Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари диплом ишлари кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- О.Муинов ва З.Саиджонов шахсий кўргазмалари. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- Б.Жалол шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- М.Қагаров шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

- П.Беньковнинг 100 йиллигига бағишланган Республика рассомлик билим юрти ўқитувчиларининг кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● А.Ахматованинг 100 йиллигига бағишланган кўргазма. С.Есенин музейи, Тошкент.

● “Инсон, табиат ва технология” номли ЭКСПО — 2000 Халқаро кўргазмаси. Ганновер, Германия.

● “Ўзбекистон мовий сополи” ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган Халқаро симпозиумга бағишланган кўргазма. Давлат Санъат музейи, Самарқанд.

● Ўзбекистон рангасвир ва ҳайкалтарошлиги кўргазмаси. АҚШ элчихонаси, Тошкент.

● Н.Шин ва Н.Пак кўргазмалари. Корея Республикаси элчихонаси, Тошкент.

● “Маширику Мағриб: замон ичра мулоқот” БМТнинг 55 йиллигига бағишланган кўргазма. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган кўргазма. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати” кўргазмаси. Киночилар уйи, Тошкент.

● “Автопортрет” Ўзбекистон рассомлари асарлари кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Энг улуг, энг азиз” кўргазмаси. Картиналар галереяси, Ангрен.

● Қорақалпоғистон автоном Республикаси маданият кунлари. А.Навоий номли Давлат академик катта театри, Тошкент.

● “Болалар расмлари” кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Ўзбекистон рангасвири” кўргазмаси. Олий Мажлис, Тошкент.

● “Ўзбекистон 40—60-йиллар рассомлари” кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

● “Буюк Ипак йўли” китоби миниатюралари кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

● “Чехия — 89” кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

● “Чехия тарихи ва маданияти” кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

● “Замонавий бадийи каштачилик ва гиламчилик”, И.Далетовнинг шахсий кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

● “Заргарлик санъати” Амалий санъат музейи фонди асосида — Италия.

2001

● “Табиат ва рассом” кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Этегами” болалар асарлари кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Рух ва ҳаёл. Миллениум” кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● В.Енин ва В.Трошиналар асарлари шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● Ўзбекистон Бадийи Академияси аъзоларининг “Истиқлол жилolari” кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● И.Шин, А.Ли ва А.Лигайлар асарлари кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● А.Мирсоатов асарлари кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● Д.Уразаев графика асарлари кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Қули гулдир ўзбек аёли” “Оналар ва болалар йили”га бағишланган республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Наврўз -2001” Республика кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “90-йиллар чех графикасининг 10 намоёндаси” кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● Миср амалий-безак санъати кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Ўзбекистон амалий-безак санъати” бўлими “Москва Салони—2001” Халқаро кўргазмаси. Москва.

● “Буюк соҳибқирон сиймоси ўзбек рассомлари ижодида” кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Заргарлик санъати” Халқаро кўргазма-ярмаркаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Инсон ва ер” кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● Иккинчи Жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага бағишланган кўргазма. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● Л.Рябцев, В.Лисов, Н.Саприкин ва В.Горьяиновлар юбилей кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган “Ўзбекистон корейс рассомлари асарлари” кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● Академик М.Набиев асарлари шахсий кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Греция — Ўзбекистон. Қадим маданий алоқалар” кўргазмаси. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган кўргазма. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Шу азиз Ватан — барчамизники!” Қашқадарё вилояти фестивали. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Шу азиз Ватан — барчамизники!” Наманган вилояти фестивали. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Шу азиз Ватан — барчамизники!” Навоий вилояти фестивали. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Шу азиз Ватан — барчамизники!” Бухоро вилояти фестивали. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Шу азиз Ватан — барчамизники!” Андижон вилояти фестивали. Марказий кўргазмалар зали, Тошкент.

● “Тошкент сополлари” Алишер Раҳимов шахсий кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

● “Қуёш мадҳи” Болалар студияси кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

● “Театр либослари” безакчи-рассом Т.Мусаева кўргазмаси. Амалий санъат музейи, Тошкент.

1991—2001 йиллар Ўзбекистон мусиқа санъатининг муҳим воқеалари

1991

● Тошкент шаҳрида мақом ижрочиларининг Юнус Ражабий номидаги III республика танлови ўтказилди.

● Қўқон шаҳрида Катта ашула ижрочилиги ва оилавий ансамбллар кўрик-танлови ўтказилди.

● АҚШда Турғун Алиматов ва Муножот Илчиёвнинг компакт-диски ёзилди.

● Денов шаҳрида республика Бахши-шоирлар танлови ўтказилди.

● Ўзбекистон Композиторлари Уюшмасининг ўзбек бастакорлари ижодиёти масалаларига бағишланган пленуми ўтказилди.

● Д.Янов-Яновский Швейцария, АҚШ, Францияда ўтказилган композиторлик танловларида олти мукофотларга (1991—1995) сазовор бўлди.

1992

● Тошкентда “Алла” ижрочиларининг республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Ўзбекистон Композиторлари Уюшмасининг ёш композиторлар ижодига бағишланган пленуми бўлиб ўтди.

1993

● Тошкентда тўй-маросим қўшиқлари ижрочиларининг республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Нарпай шахрида Бахши-шоирларнинг республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Тошкентда республика миқёсидаги "Ражабийхонлик" илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

1994

● Шахрисабзда катта ашула ижрочилиги ва оилавий ансамбллари республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Тошкентда "Алла" ижрочиларининг республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Тошкентда фольклор-этнографик жамоаларининг "Чашма" республика кўрик-танлови ўтказилди.

1995

● Тошкентда Ю.Ражабий номидаги IV Халқаро маком ижрочилари танлови ўтказилди.

● Тошкентда "Илҳом — XX" I Халқаро замонавий камер мусикаси фестивали ўтказилди.

● Тошкентда "Истеъдод" ёш хонандалар республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Тошкентда Бахши-шоирларнинг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Д.Янов-Яновский "Ўзбеккино" томонидан таъсис этилган "Грифон" совринига сазовор бўлди.

● А.Эргашев ўзининг драматик спектакллари мусикаси учун бир неча совринларга сазовор бўлди.

● Ўзбекистон Композиторлари уюшмасининг навбатдаги курултойи бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусика санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

1996

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон — Ватаним маним" республика қўшиқ танловини ўтказиши ҳақида Фармони эълон қилинди.

● "Ўзбекистон — Ватаним маним" I республика қўшиқ танлови ўтказилди.

● Тошкентда "Илҳом — XX" II Халқаро замонавий камер мусикаси фестивали ўтказилди.

● Шахрисабзда Маком ижрочилари ва халқ чолғулари ансамбллари республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Тошкентда атоқли ҳофиз ва бастакорлар хотирасига бағишланган "Барҳаёт сиймолар" республика кўрик-танлови ўтказилди. Марғилонда "Алла" ижрочилари ва "Бешик тўй" удумларига бағишланган республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Ўзбек давлат филармонияси ҳамда "Ўзбекконцерт" негизида "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси ташкил этилди.

● "Республикада мусикий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида" Президент Фармони эълон қилинди.

● М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида эстрада мусикаси факултети очилди.

● Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги эстрада-

цирк Студияси негизида илк бор махсус Эстрада-цирк коллежи ташкил этилди.

1997

● Тошкентда "Илҳом — XX" III Халқаро замонавий камер мусикаси фестивали ўтказилди.

● Самарқандда "Шарк тароналари" I Халқаро мусика фестивали бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева "Шарк тароналари" I Халқаро мусика фестивалида биринчи ўринга сазовор бўлди.

● Тошкентда I Халқаро симфоник мусика фестивали ўтказилди.

● Германияда М.Йўлчиеванинг компакт-дискни чиқарилди.

● Францияда созанда А.Ҳамидов, Ш.Раззоқов ва С.Худойбердиевларнинг "Ўзбекистон. Дутор санъати" деб номланган компакт-дисклари ёзилди.

● Тошкентда Бахши-шоирларнинг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Тошкентда атоқли ҳофиз ва бастакорлар хотирасига бағишланган "Барҳаёт сиймолар" республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Марғилонда ёш хонандаларнинг М.Узоқов номидаги I республика танлови бўлиб ўтди.

● Самарқандда ёш хонандаларнинг Ҳожи Абдулазиз Расулов номидаги I республика танлови бўлиб ўтди.

● "Ўзбекистон — Ватаним маним" республика қўшиқ байрами ўтказилди.

1998

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистонда эстрада санъатини янада ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

● Тошкентда "Илҳом — XX" IV Халқаро замонавий камер мусикаси фестивали ўтказилди.

● Тошкентда I Халқаро симфоник мусика фестивали бўлиб ўтди.

● Тошкентда "Она замин юлдузлари" I шоу-фестивали ўтказилди.

● Тошкентда "Алла" ижрочиларининг республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Тошкентда атоқли ҳофиз ва бастакорлар хотирасига бағишланган "Барҳаёт сиймолар" республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Жиззахда оилавий ансамбллари республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● "Ўзбекистон — Ватаним маним" республика қўшиқ байрами ўтказилди.

1999

● Тошкентда "Илҳом — XX" V Халқаро замонавий камер мусикаси фестивали ўтказилди.

● Самарқандда "Шарк тароналари" II Халқаро мусика фестивали бўлиб ўтди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Сатторова фестивалнинг бош соврини — "Гран-При"га сазовор бўлди.

● Тошкентда Маком ижрочиларининг Юнус Ражабий номидаги V республика танлови ўтказилди.

● Термизда "Алпомш" достонининг 1000 йиллиги кенг нишонланди.

● "Садо" республика профессионал янги қўшиқлар фестивали ўтказилди.

● "Ўзбекистон мумтоз ашулалари (1940—1965 йиллар)" компакт-дисклари чиқди.

● Термизда Бахши-шоирлар ва оқинларнинг I Халқаро кўрик-танлови ўтказилди.

● Тошкентда фольклор-этнографик ансамбллари республика кўрик-танлови ўтказилди.

● Марғилонда М.Узоқов номидаги ёш хонандаларнинг II республика танлови ўтказилди.

● “Ўзбекистон — Ватаним маним” республика қўшиқ байрами ўтказилди.

2000

● Тошкентда “Илҳом — XX” VI Халқаро замонавий камер мусикаси фестивали ўтказилди.

● “Замин юлдузлари” фестивали “Халқаро фестивал” мақомига эришди.

● Тошкентда II Халқаро симфоник мусика фестивали ўтказилди.

● “Нихол” мукофоти таъсис этилди. “Нихол — 2000” мукофотиغا Севара Назархон, Тоҳир Содиков, Изатилла Иброҳимов, Абдулазиз Карим, “Сетора” гуруҳи, Нилуфар Саитова (Раҳматова), Дилфуза Раҳимовалар сазовор бўдилар.

● Тошкентда “Наврўз” республика қўшиқлар танлови бўлиб ўтди.

● Ёш композитор Хуршида Ҳасанова ўзининг “Турналар” қўшиғи учун республика “Наврўз” қўшиқ-танлови совринига сазовор бўлди.

● Ўзбекистон Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари, “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмаси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ва яна бир қатор жамоатчилик ташкилотлари томонидан “Офарин” — йилнинг энг яхши ижодкори танлови ўтказилди. “Офарин” мукофоти таъсис этилди.

● Юлдуз Усмонова ўзининг янги қўшиқлар туркуми

учун “Офарин-2000” танловининг “Йилнинг энг яхши мусика асари” — номинацияси бўйича муносиб деб топилди.

● Ёш композитор Ойдин Абдуллаева Зулфия номидаги Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

● “Ўзбекистон — Ватаним маним” республика қўшиқ байрами ўтказилди.

2001

● Урганчада Комилжон Отаниёзов номидаги ёш хонандалар республика танлови ўтказилди.

● Тошкентда “Илҳом - XX” VII Халқаро замонавий камер мусикаси фестивали ўтказилди.

● Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева “Офарин” мукофотиغا сазовор бўлди.

● Андижонда Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ф.Мамадалиев ва О.Юсупов хотираларига бағишланган катта ашула ижрочиларининг I республика танлови ўтказилди.

● Марғилонда Ўзбекистон халқ ҳофизлари Ж.Султонов ва М.Узоқов номидаги ёш хонандалар III республика танлови ўтказилди.

● Термизда баҳми-шоирлар ва оқинларнинг анъанавий II Халқаро кўрик-фестивали ўтказилди.

● “Ўзбекистон — Ватаним маним” республика қўшиқ байрами ўтказилди.

● Самарқандда “Шарқ тароналари” III Халқаро мусика фестивали ўтказилди.

● Бухорода “Шарқ тароналари” III Халқаро мусика фестивали доирасида мақом санъатига бағишланган илмий-назарий анжуман ўтказилди.

1991—2001 йиллар Ўзбекистон театр санъатининг муҳим воқеалари

1991

● Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Қўғирчоқ театрларининг III анъанавий фестивали бўлиб ўтди.

1992

● Тошкент шаҳрида «Наврўз-92» Халқаро театр санъати фестивали ўтди.

● Ўзбекистон театр арбобларининг II қурултойи бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Ёшлар театри Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳирада ўтган IV Халқаро экспериментал театрлар фестивалида иштирок этди.

● Республика Қўғирчоқ театри Россия Федерациясининг Ульяновск шаҳрида сафарда бўлди.

● Ўзбекистон Ёшлар театри Москва шаҳрида ўтказилган «Чехов асарларини ўйнаймиз» деб номланган Халқаро фестивалда иштирок этди.

● А.Ҳидоятлов номидаги ўзбек давлат драма театри Франциянинг Авиньон фестивалида иштирок этди.

1993

● Марказий Осиё республикаларининг Туркменистонда ўтган «Наврўз» Халқаро фестивалида Бердақ номидаги мусикали драма ва комедия театри иштирок этди.

● Тошкент шаҳрида 25 мамлакат театр жамоалари иштирокида «Шарқ ва Ғарб» Халқаро театр санъати фестивали ўтказилди.

● Андижон шаҳрида Ўзбекистон Қўғирчоқ театрларининг IV анъанавий фестивали ўтказилди. Фестивалда Туркия, Қирғизистон ва Қозоғистон қўғирчоқ театрлари меҳмон сифатида иштирок этди. АҚШ, Канададан вакиллар қатнашди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика театрлари артистларининг меҳнат ҳақларини яхшилаш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

● Республика қўғирчоқ театри Вологда шаҳри (Россия)да ижодий сафарда бўлди.

1994

● Республика қўғирчоқ театри АҚШнинг Сиэтл шаҳрида ижодий сафарда бўлди.

1996

● Сохибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрида театрлашган томоша ўтказилди.

● Тошкент шаҳрида Сохибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Амир Темури: буюклик ва инсонийлик» мавзuida театр санъати фестивали ўтказилди.

● Республика қўғирчоқ театри Покистоннинг Лахор шаҳрида ўтган Халқаро қўғирчоқ фестивалида иштирок этди.

● Фарғона вилоят қўғирчоқ театри Россия Федерацияси Қозон шаҳрида ижодий сафарда бўлди.

● А. Хидоятлов номидаги ўзбек Давлат драма театри «Темурийлар назм ва навоси» ва «Буюк ипак йўли» томошалари билан Францияда ижодий сафарда бўлди.

1997

● Тошкент шаҳрида Сохибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Наврўз-97» театр санъати фестивали ўтказилди.

● Март ойида Германияда ўтказилган Ўзбекистон Маданият кунлари доирасида Фарғона вилоят қўғирчоқ театри иштирок этди.

● Республика Қўғирчоқ театри Туркиянинг Бурса шаҳрида ижодий сафарда бўлди.

● Апрель ойида Республика Қўғирчоқ театри Қозоғистон Республикасининг Алмати шаҳрида ижодий сафарда бўлди.

● Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» Халқаро мусиқа фестивалининг театрлашган байрам томошалари ўтди.

● Хамза номидаги ўзбек давлат драма театри Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида ўтказилган Халқаро театр санъати фестивалида иштирок этди.

● Республика театр санъати ижодкорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги муносабати билан театрлашган тантанали байрам томошаларида қатнашдилар.

● Қарши шаҳар «Эски мачит» студияси Украинанинг Харьков шаҳрида ўтказилган «Восточный экспресс» номи Халқаро театр санъати фестивалида иштирок этди.

● Андижон «Лола» қўғирчоқ театри Туркияда ўтган қўғирчоқ театрлари Халқаро фестивалида иштирок этиб биринчи мукофотта сазовор бўлди.

● Ўзбекистон театрларининг 1996—97 йиллардаги фаолиятига бағишланган кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● Германиянинг «Андер Рур» театрининг таклифига биноан Қарши шаҳар «Мулоқот» театр студияси Мюльхайм шаҳрида сафарда бўлди.

1998

● «Мустақиллик ва ўзбек театр санъати» мавзuida республика семинар-кенгаши ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

● Тошкент театрларининг «Ойла йили» ва Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Баҳор чоррахасида» театр санъати фестивали ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектеатр ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

● Жиззах вилояти қўғирчоқ театри АҚШнинг Нью-Йорк, Нью-Жерси, Флорида шаҳарларида иккинчи ижодий сафарда бўлди.

● Хамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида буюк режиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Маннон Уйғур таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

● А.Навоий номидаги Академик катта театрида ўзбек театри ва мусиқа санъатининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Муҳиддин Қориёкубов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

● Йил давомида буюк муҳаддис Имом ал Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги ва қомусий олим Аҳмад ал Фарғоний таваллудининг 1200 йилликларини нишонланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари билан ҳамкорликда алломаларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган саҳна асарлари учун очик танлов эълон қилинди. Бу танловга 15 та асар тушди. Шулардан айримлари театрларда сахналаштирилди.

1999

● Ўзбекистон Рус академик драма театри янги биноси тақдими ва 64-мавсум очилиши тантанаси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги 1998 йил 26 мартдаги Фармонида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан Республика семинар-кенгаши ўтказилди.

● Ўзбекистон академик рус драма театрида Халқаро театр кунини муносабати билан 1998 йилнинг театр санъати соҳасидаги энг яхши ижодкорларини мукофотлаш ҳамда янги нашрдан чиққан «Театр» журналининг 1-сонининг тақдимида бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

● Қирғизистон Республикасининг пойтахти Бишкек шаҳрида ўтказилган «Айтматов ва театр» Халқаро театр санъати фестивалида Қарши шаҳар «Эски мачит» театр-студияси иштирок этиб, олий соврин — Гран Прига сазовор бўлди.

● Тошкент шаҳрида «Наврўз-99» анъанавий Республика театр санъати фестивали ўтказилди.

● «Нихол» Олий ўқув юртлири талабалар театр-студияларининг Республика фестивали ўтказилди.

● Андижон шаҳрида Хотира ва Кадрлаш кунига бағишлаб «Андижон баҳори-99» театр санъати фестивали ўтказилди.

● Қарши шаҳрида «Ипак йўли — театр саёҳати» лойиҳаси доирасида 2-муаллифлик учрашувлари Халқаро театр анжумани ўтказилди.

● Франциянинг Марсел шаҳрида ўтказилган Халқаро вокалистлар танловида А.Навоий номидаги академик катта театри солистлари Л.Неъматова, Я.Богрянскаялар иштирок этди.

● А. Навоий номидаги Давлат академик катта театри Таиланднинг Багкок шаҳрида ўтказилган Халқаро мусиқа фестивалида иштирок этди.

● Қарши шаҳридаги «Эски мачит» театр студияси Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида ўтказилган XI Халқаро театр фестивалида иштирок этди.

● Республика қўғирчоқ театрининг 60 йиллигига бағишланган тантанали ижодий кеча ўтказилди.

● Урганч шаҳрида буюк саркарда Жалолиддин Манғуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган театрлаштирилган катта байрам томошаси ўтказилди.

● Термиз шаҳрида «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигига бағишланган театрлаштирилган катта байрам томошаси бўлиб ўтди.

● Й.Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрининг 70 йиллигига бағишланган тантанали ижодий кеча ўтказилди.

● Хамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида «Абдулloh Виллоят бағишлаб ўтказилган «Саҳна санъати»

● «Соғлом авлод йили»га бағишлаб истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Замонавий бадиҳа» ёшлар театрлари фестивалини ўтказди.

● «Йигирма биринчи аср бўсағасида: ўзбек миллий театр санъати муаммолар ва ечимлар» мавзuidaги илмий-амалий конференция ўтказилди.

● Тошкентда «Хумо-2» Халқаро ёшлар театрлари фестивал марафони ўтказилди.

● Театр санъати соҳасидаги энг яхши ижодий ишларни мукофотлаш маросими ўтказилди.

● Олий ўқув юртлари талабалар театр-студияларининг «Нихол-2» Республика фестивали ўтказилди.

● Қарши шаҳарида «Ипак йўли—театр саёҳати» лойиҳаси доирасида 3 муаллифлик учрашувлари харқаро театр анжумани бўлиб ўтди.

● Ҳамза номидаги ўзбек давлат драма театри Қозоғистон Республикаси Алмати шаҳрида ўтказилган Халқаро «Маданият фестивали»да иштирок этди.

● Россия Федерациясининг Кузнецк шаҳрида ўтказилган «Бумборабия-3» Халқаро фестивалида Ўзбекистон Ёшлар театри ва Қарши шаҳри «Мулоқот» театр студиялари иштирок этди.

● Ўзбекистон Ёшлар театри Россия Федерациясининг Самара шаҳрида ўтказилган «Золотая репка» 4-халқаро болалар санъати фестивалида иштирок этди.

● Ўзбекистон Ёшлар театри Ростов-Дон шаҳрида ўтказилган 6-«Манифест» фестивалида иштирок этди.

● «Ипак йўли—театр саёҳати» лойиҳаси доирасида Германиянинг «Андер-Рур» театри таклифига биноан Мюльхайм шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон театр кунлари»да Й.Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри, Қарши шаҳар «Эски мачит» театр студияси қатнашдилар.

● Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида «Аброр Ҳидоят — ўзбек сахнасининг дарғаси» мавзuida илмий-амалий конференция ўтказилди.

● Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби А.Ҳидоят таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди ва Аброр Ҳидоят номли театр биносига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

● Муқимий номидаги давлат мусикий театрида Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Раззоқ Ҳамроев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган Хотира кечаси ўтказилди.

● А.Ҳидоят номидаги ўзбек давлат драма театрида Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Шукр Бурҳонов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган Хотира кечаси ўтказилди.

● Самарқанд шаҳрида «Соғлом авлод йили»га бағишланган Республика қўғирчоқ театрларининг VI анъанавий фестивали ўтказилди.

● Муқимий номидаги давлат мусикий театрида Ўзбекистон халқ артисти Соғиб Ҳўжаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

● А.Ҳидоят номидаги ўзбек давлат драма театрида Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Олим Ҳўжаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган Хотира кечаси ўтказилди.

● Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикасининг маданият кунлари доирасида Бердақ номидаги мусиқали театр ва қўғирчоқ театри жамоалари ўз чиқишлари билан иштирок этди.

● А.Ҳидоят номидаги ўзбек давлат драма театрида Ўзбекистон халқ артистлари Миршохид Мирокитов таваллудининг 100 йиллиги, Амир Турдиев ва Ҳамидулла Наримонов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган Хотира кечаси ўтказилди.

2001

● Республика театр арбоблари иштирокида семинар-кеңаш ўтказилди.

● Муқимий театрида Ҳабиба Охунова хотирасига бағишланган тадбир ўтказилди.

● Андер Рур (Германия) труппаси ижросидаги «Каспар» спектакли Ўзбекистон Академик рус драма театрида намойиш этилди.

● Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида «Алишер Навоий ва XX аср ўзбек театри» мавзuida илмий-назарий анжуман ўтказилди.

● Мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида Ҳамза номидаги Давлат Академик театрининг «Миллий театр санъати» кунлари ўтди.

● Олий ўқув юртлари талабаларининг «Ҳазина—2001» ўзбек фольклор санъати ва урф-одатлари фестивали ўтказилди.

● «Андижон баҳори—2001» театр санъати фестивали ўтди.

1991—2001 йилларда Ўзбекистон кино санъатининг муҳим воқеалари

1991

● «5 студия» ёшлар ижодий-экспериментал студияси ташкил этилди. «Самарқандфильм» студияси ташкил этилди.

● Германия Федератив Республикаси, Визбаден шаҳрида Ўзбекистон киноси кунлари ўтди.

● Тошкентда Корея Халқ Демократик Республикаси киноси кунлари ўтди.

● Тошкентда Малайзия киноси кунлари ўтди. Малайзияда Ўзбекистон киноси кунлари ўтди.

● Сурияда Ўзбекистон киноси кунлари ўтди.

● Киносанъаткор М.Қаюмов таваллудининг 80 йиллиги нишонланди.

1992

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ «Кинокомпания» тармоғи ташкил этилди.

● Тошкентда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг X1 халқаро кинофестивали бўлиб ўтди.

● Германия Федератив Республикасининг, Визбаден шаҳрида Ўзбекистон киноси кунлари бўлиб ўтди.

● Тошкентда Малайзия киноси кунлари ўтди.

● Қоҳира шаҳрида МАР кино ижодкорлари уюшмаси билан ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги шартнома имзоланди.

1993

● Ўзбекистон республикаси халқаро маданий маърифий алоқалар миллий ассоциацияси ҳамкорлигида Тошкентда Япон фильмлари кўриги ўтказилди.

1994

● Тошкентда япон киноси кунлари ўтди.

● Франция элчихонаси билан ҳамкорликда Жерар Филипп иштирокидаги фильмлар ретроспективаси бўлиб ўтди.

● Франсуа Трюффо иштирокидаги фильмлар ретроспективаси ўтказилди.

● Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон киночилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон республикаси халқаро маданий маърифий алоқалар миллий ассоциацияси ҳамкорлигида Япон фильмлари кўриги ўтказилди.

● Кинорежиссёр Н.Ғаниев таваллудининг 90 йиллиги ўтказилди.

● Тошкентда япон киноси кунлари бўлиб ўтди.

● Франция элчихонаси ҳамкорлигида Ромми Шнайдер фильмлари ретроспективаси бўлиб ўтди.

● Ўзбекистондаги етакчи кино ижодкорларининг ижодий учрашуви ўтказилди.

● Жаҳон киносининг 100 йиллиги ва ўзбек киносининг 70 йиллигига бағишланган "Ассалом Синема, Виват Синема!" ёшлар кечаси бўлиб ўтди.

1995

● Н.Ғаниев номидаги ГРИФОН касбий соврини таъсис этилди.

● Тошкентда француз детектив фильмлари фестивали ўтказилди.

● Франция актёри Ж.П. Бельмандо иштирокидаги фильмлар ретроспективаси бўлиб ўтди.

● "Тоҳир ва Зухра" фильмининг 50 йиллиги муносабати билан тантанали кеча ўтказилди.

● Тошкентда Миср киноси кунлари бўлиб ўтди.

● "Ака Шариф Тошкентда" фильми премьераси.

● "Имом ал Бухорий" фильми премьераси.

● "XX аср Кинематография санъати" мавзuidaги илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● "Шарқ" студияси ташкил этилди.

● "Юлдуз" ижодий бирлашмаси ташкил этилди.

● "Инсон" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

● "Ватап" киностудияси ташкил этилди.

● "Меъмор" киностудияси ташкил этилди.

● "Имон" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилди.

● "Достонфильм" киностудияси ташкил этилди.

● "Буюк Амир Темур" фильмлар студияси ташкил топди.

● "Шод" ижодий бирлашмаси ташкил этилди.

1996

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан "Ўзбеккино" Давлат Акционерлик Компанияси ташкил этилди.

● "Қорақалпоқкино" Давлат Акционерлик Компанияси ташкил этилди.

● "Ўзбекфильм" Акциядорлик Жамияти ташкил этилди.

● "Хужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студияси" ташкил этилди.

● Режиссёр Т.Камоловнинг "Атроф қорға бурканган" бадиий фильми Туркиянинг Анкара шаҳрида ўтган кинофестивал қўриғида иштирок этиб, махсус соврин билан мукофотланди.

● Актёр Х.Умаров таваллудининг 70 йиллик юбилеи.

● Франция элчихонаси билан ҳамкорликда "Мультипликация мамлакатига сەҳнат" номли болалар мультипликацияси фестивали бўлиб ўтди.

● Тошкентда япон киноси кунлари.

● Француз актрисаси Симона Синьоре иштирокидаги фильмлар ретроспективаси.

● Кинорежиссёр Иштван Сабо фильмлари намойиши бўлиб ўтди.

● Актриса Л. Саримсокова таваллудининг 100 йиллиги нишонланди.

1997

● 22—29 май кунлари ХII Тошкент Халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. "Буюк Амир Темур" бадиий фильмини суратга олишдаги операторлик маҳорати учун Р.Иброҳимов хайатнинг махсус соврини билан тақдирланди.

● Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий маърифий алоқалар миллий ассоциацияси ҳамкорлигида Россия фильмлари қўриғи ўтказилди.

1998

● Навоий шаҳрида "Ўзбек киноси кунлари" ўтди.

● Бухоро шаҳрида "Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас қучга айлансин" шиори остида I ўзбек миллий фильмлари фестивали бўлиб ўтди.

● "И.Каримов: Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида" туркум фильмининг тақдироти ўтди.

1999

● Бухоро шаҳрида "Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас қучга айлансин" шиори остида II ўзбек миллий фильмлари фестивали бўлиб ўтди.

● "Ўзбеккино" ДАК ва Санъатшунослик институти киношунослари ҳамкорлигида "Ўзбекистон фильмлари каталоги" (1996—1998 йиллар) нашр этилди.

● "И.Каримов: Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида" туркум фильмининг "Миллий хавфсизликнинг ҳарбий-стратегик асослари" деб номланган 4-қисми Москва шаҳрида бўлиб ўтган МДХ ва Болтиқ бўйи давлатларининг хужжатли кино ва хужжатли телефильмлар фестивалида МДХ Мудофаа Вазирлари Кенгашининг махсус мукофоти, III Евроосиё телефоруми дипломи билан тақдирланди.

● Кинорежиссёр Ю.Розиковнинг "Воиз" бадиий фильми Россиянинг Анапа шаҳрида ўтказилган МДХ ва Болтиқ бўйи давлатларининг "КиноШок" фестивалида Бош соврин билан тақдирланди.

● М.Махмудовнинг "Булбул" мультипликацияли фильми Москва шаҳрида ўтган "Золотая рыбка" фестивалида Биринчи соврин билан тақдирланди.

2000

● Марям Ёқубова таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси, январь.

● Ўзбек кинодраматургияси ривожининг асосий йўналишлари масаласига бағишланган ижодий-назарий конференция, март.

● А.И.Хачатуровнинг 70 йиллик таваллудига бағишлаб тадбир ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигига қарашли Республика Ўқув техник ижодиёти Маркази Республика миқёсида "Ёш кино-фото хаваскорлар" фестивалини ўтказди.

● Тошкентда Европа киноси кунлари.

● Бухоро шаҳрида "Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас қучга айлансин" шиори остида III ўзбек миллий фильмлари фестивали бўлиб ўтди.

● Фарғонада ўзбек киноси кунлари бўлиб ўтди.

● "Ўзбекфильм" студияси ташкил этилганининг 70 йиллиги нишонланди.

● Тошкентда Испан киноси кунлари ўтди.

● Ўзбекистон халқ артисти Ҳамза Умаров таваллудининг 75 йиллигига бағишланган хотира кечаси.

● Режиссёр З.Мусоқовнинг "Қизкина табиб" бадиий фильми "Артек"да бўлиб ўтган МДХ давлатлари Болалар кинофестивалида Олий Соврин билан тақдирланди.

2001

● Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган илмий-ижодий конференция бўлиб ўтди.

● "Замонамиз қаҳрамони экранида" мавзuida ижодий-назарий конференция бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси киновиДЕОхаваскорлар жамияти ёш техниклар маркази станцияси ёш кино ва фото хаваскорлар республика қўриғини ўтказди. Хаваскор болалар фильмлари намойиш қилинди.

● Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида кинорежиссёр Ш.Аббосов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Навоий шаҳрида "Ўзбек киноси кунлари" ўтказилди.

● Тошкентда Оврупо киноси кунлари ўтди.

● Бухоро шаҳрида "Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас қучга айлансин" шиори остида IV ўзбек миллий фильмлари фестивали ўтди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

И. А. Каримов. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т.1. Т.: «Узбекистан», 1996. С. 349.

И. А. Каримов. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Т.2. Т.: «Узбекистан», 1996.

И. А. Каримов. Ватан барчамиз учун мукаддасдир. Т.: «Узбекистан», 1996.

И. А. Каримов. По пути созидания. Т. 4. Т.: «Узбекистан», 1996.

И. А. Каримов. Мыслить и работать по-новому — требование времени. Т.5. Т.: «Узбекистан», 1997.

И. А. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар. 6-жилд. Т., «Узбекистан», 1998.

И. А. Каримов. Узбекистан XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари. Т., «Узбекистан», 1997.

И. А. Каримов. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Таффакур». 1998 йил. 2-сон.

И. А. Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. «Узбекистон овози» газетаси. 1998 йил 22 август.

И. А. Каримов. На пути духовного возрождения. Т.: «Узбекистан», 1998.

И. А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т., «Узбекистан», 2000.

Фармон ва қарорлар

1. Узбекистан Республикаси Президентининг «Республика театрлари артистларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини яхшилаш тўғрисида»ги Фармони. 1993 йил. 3 декабр. Узбекистан Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. — 1993 йил. 11—12-сон. 6—7 бетлар.

2. Узбекистан Республикаси Президентининг «Узбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1995 йил. 20 октябр. Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995 йил. 10—11-сон, 42—43-бетлар.

3. Узбекистан Республикаси Президентининг «“Ўзбекнаво” гастрол-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. 1996 йил. 5 апрел. Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил. 4-сон, 4—5-бетлар.

4. Узбекистан Республикаси Президентининг «“Ўзбекино” давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида»ги Фармони. 1996 йил. 29 апрел. Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил. 4-сон. 8—10-бетлар.

5. Узбекистан Республикаси Президентининг «“Ўзбекистон — Ватаним маним” қўшиқ байрами ҳақида»ги Фармони. 1996 йил. 27 август. Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил. 8-сон. 43-бет.

6. Узбекистан Республикаси Президентининг «Узбекистонда миллий ракс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони. 1997 йил 8 январ. Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил. 1-сон, 26—28-бетлар.

7. Узбекистан Республикаси Президентининг «Халқ бадий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ри-

вожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 1997 йил 31 март. Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил. 3-сон, 21—23-бетлар.

8. Узбекистан Республикаси Президентининг «Узбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш ҳақида»ги Фармони. 1997 йил 23 январ. Хабарнома. 1997 йил. 1-сон, (25). 50—51-бетлар.

9. «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида». 1998 йил 12 январ. Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. — 1998 йил. 1-сон, 63—66-бетлар.

10. Узбекистан Республикаси Президентининг «Узбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони. 1998 йил 26 март. Узбекистан Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил. 4-сон, 5—9-бетлар.

11. Узбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «“Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори. 1996 йил 26 апрел. Узбекистан Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами. 1996 йил. 4-сон, 3—5-бетлар.

12. Узбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «“Ўзбекино” давлат акционерлик компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги Қарори. 1996 йил 12 июл. Узбекистан Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари тўплами. 1996 йил. 7-сон, 2—6-бетлар.

13. Узбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Эстрада қўшиқчилигини ривожлантириш тўғрисида»ги Қарори. 2001 йил 26 июн. «Халқ сўзи» газетаси. 2001 йил 28 июн, 1—2-бетлар.

1991—2001 йиллар нашрдан чиққан МОНОГРАФИЯ, ИЛМИЙ ТЎПЛАМ ва КАТАЛОГЛАР

- Р. Абдуллаев. Обрядовая музыка Центральной Азии. Т., "Фан", 1994.
- Р. Абдуллаев. Файзулла М.Кароматли. Т., 1996.
- Ш. Абдуллаев. Вячеслав Усеинов. Каталог. Т., 1998.
- Абулқосимова Х.Н. Кино и художественная культура Узбекистана. Т., 1991.
- Абдурахимов Б. Художественная культура Узбекистана: XX век. (Социо-динамические аспекты исследования). Т., Узбекистан, 2000.
- Алпомиш (Қорақалпоқ версияси). Нашрга тайёрловчилар: Файзулла М.Кароматли, Тўрахожи Мирза. Т., "Санъат" 1999.
- Ш. Ж. Асқаров. Меъморий танқидчилик. Ўқув дастури. Т., Меъморчилик-қурилиш институти.
- С. Бегматов. Орифхон Хотамов. Т., 2000.
- Бухоро — Шарқ дурдонаси. Т., "Шарқ". 1997.
- Головянц Т., Мейке Е.С. Композиторы и музыковеды Узбекистана, Т., 1997.
- А. Жабборов. Мусикий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида. Т., 2000.
- П. Зоҳидов. Темур даврининг меъморий қадқашони. Т., "Шарқ", 1996.
- О. Иброҳимов. Ўзбек халқ мусиқа ижодиёти (методик тавсиялар). Т., 1994.
- О. Иброҳимов. Мақом ва макон. Т., 1996.
- Н. Коблова. Гайрат Бойматов. Каталог. Т., 1998.
- Культура Среднего Востока. Музыкальное, театральное искусство и фольклор. Т., 1992.
- Т. Махмудов. Мустиқиллик ва маънавият (Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов асарлари асосида). Т., "Шарқ", 2001.
- Т. Махмудов. Эстетика и духовные ценности. Т., 1993.
- Марказий Осиё санъати: тарихий тараққиётнинг ўзига хослиги. Т., 1997.
- Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусикий тарихчиси (Бадий муҳаррир ва нашрга тайёрловчи Б.Матқубов). Т., "Ёзувчи", 1998.
- Ф. Мамадалиев. Миллий мусиқа ижрочилиги масалалари. Т., 2001.
- Мусиқа ижодиёти масалалари. Т., 1997.
- А. Назаров. Форобий ва Ибн Сино мусикий ритмика хусусида. Т., 1995.
- Проблемы музыкальной науки Узбекистана, Т., 1997.
- И. Ражабов. Мақом асослари. Т., 1992.

- Ражабийхонлик (Илмий-амалий анжуман материаллари). Т., 1994.
- Санъатшунослик масалалари (Илмий мақолалар тўплами). Т., СИТИ, 1998.
- Санъатшунослик низолилари (Илмий мақолалар тўплами). Т., СИТИ, 1995.
- М. Сатторов. Ўзбек удумлари. Т., "Фан", 1993.
- Токтош Р.Х. Художественно-критические этюды. Т., 1993.
- Традиции и новаторства в искусстве Центральной Азии: история и современность. Т., 1995.
- Тулахожаева М. Режиссура узбекского драматического театра. Ф.Гулом нашриёти, 1996.
- Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Т., 1993.
- Б. Шодиев. Наврўз байрами. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2001.
- А. Эгамбердиев. Раҳим Аҳмедов. Т., 1994.
- Р. Юнусов. Мақомы и мугамы. Т., "Фан", 1992.
- Р. Юнусов. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. (Ўқув-услубий қўлланма). Т., 2000.
- М. Юсупова. Ўрта асрлар Термез меъморлиги. Ўзбек, рус, инглиз тилларида. Т., "Шарқ", 2000.
- Янов-Яновская Н.С. Мутал Бурханов. Т., 1999.
- Ўрта Осиё бадий хунарандчилиги атласи I. Ўзбекистон (А.Ҳакимов муҳаррирлиги остида). Т., 1999 (инглиз тилида чоп этилган).
- Ўзбекистон Санъатшунослиги муаммолари. Т., СИТИ, 1995.
- Ўзбекистон фильмлари каталоги. (1996—1999 й.) Т., 1999.
- Ўзбекистон Бадий Академияси Ахборотномаси. 1-сон, Т., СИТИ, 2000.
- М. Кодиров. Навоий ва сахна санъати. Т., Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 2000.
- М. Кодиров. Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар. Т., Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 1993.
- Гофурбеков Т. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской музыке. Т., 1987.
- Ҳакимов А. Баҳодир Жалол. Альбом. Т., 1999.
- Ҳакимов А. Сергей Алибеков. Альбом. Т., 1999.
- Ҳакимов А. Акмал Нур. Каталог. Т., 1998.

МАҚОЛАЛАР

- Х.Н. Абулқосимова. Яна бир бор ўзбек киноси хусусида. ГУЛИСТОН, 1999, 5-сон.
- С. Алиева. Ғиждувон қулолчилиги аъёнлари. SAN'AT, 2000, 3-сон, 38-бет.
- Х. Абулқосимова. Кино ва тасвирий санъат. SAN'AT, 1999, 1-сон, 42-бет.
- Х. Абулқосимова. Келажакка умид билан. SAN'AT, 1999, 5-сон.
- С. Алиева. Қулол Акбар Раҳимов. SAN'AT, 1999, 2-сон, 38—39-бетлар.
- Ш. Асқаров. Дом и дух старого Ташкента конца XX века. "Архитектура и строительство Узбекистана", № 1, с.4—8.
- Проблемы архитектурной науки Узбекистана. "Архитектура и строительство Узбекистана", № 6, с.28—29.
- Асқаров Ш. Справедливая цена жилья на свободном рынке. МАСКАН, №1, с.4—7.
- Асқаров Ш. Что продается и сохраняется в рыночном городе. МАСКАН, №1, с.4—7.
- Асқаров Ш. Исторический Хужанд: концепция восстановления. МАСКАН, № 1—2.
- Асқаров Ш. Архитектура независимого Узбекистана. "Ар-

- хитектура и строительство Узбекистана", № 1, с. 5—8.
- Э. Аҳмедова. Рангларда акс этган дoston. SAN'AT, 2000, 3-сон, 30-бет.
- Н. Аҳмедова. XX аср Ўрта Осиё рангтасвири: ўз-ўзини англаш муаммолари. SAN'AT, 1999, 3-сон, 18-бет.
- Аҳмедова Н. Эҳтиросли ранглар йўлидаги изланишлар: Раҳмон Шодиевнинг ранглар олами. SAN'AT, 2000, 1-сон, 24-бет.
- Н. Аҳмедова. "Осиё-Арт—97". SAN'AT, 1998, 1—3-сонлар, 23—25-бетлар.
- С. Алиева. Риптоннинг мовий сополи. SAN'AT, 1998, 1—3-сонлар, 34—35-бетлар.
- Г. Бобожонова. "Осиё—XXI" анжумани. SAN'AT, 1-сон, 36-бет.
- Булкина И. Майсалар шивирин тинглаб. SAN'AT, 1999, 2-сон, 26-бет.
- И. Богословская. София Ракованинг "Самарқанднома"-си, SAN'AT, 1999, 3-сон, 39-бет.
- Н. Валиуллина. Замонавийлик қиёфалари (В.Бурмакин ижодида). SAN'AT, 1999, 3-сон, 22-бет.
- Гул Э. Краткая история шелка. Wostok. 1999, № 1, с. 73—75.

- Э. Гул. Уста заргар Фасхиддин Дадамухамедов. SAN'AT, 1999, 1-сон, 38-бет.
- Э. Гул. Хунармандчилик анъаналарини сақлаб. SAN'AT, 1999, 2-сон, 32-бет.
- Э. Гул. Батик санъатининг янгитдан шаклланиши. SAN'AT, 1999, 3-сон, 42-бет.
- Э. Гул. Витраж: ривожланиш муаммолари. SAN'AT, 1999, 3-сон, 39-бет.
- Э. Гул. Жавлон Усмоновнинг сўфиёна дилрозлари. SAN'AT, 1999, 3-сон, 27-бет.
- И. Зоатов. Мамут Чурлу: йўқотилган жаннатни излаб. SAN'AT, 1999, 3-сон, 44-бет.
- Ф. Кароматли. Марказий Осиё халқлари мусикаси афсона ва ривоятларда. SAN'AT, 1999, 2-сон, 42-бет.
- Н. Каримова. Экранда замондош образи. ГУЛИСТОН, 1997, 5-сон, 20—22-бетлар.
- О. Кириченко. Ранглардаги мусика. SAN'AT, 1999, 1-сон, 18—19-бетлар.
- Х. Комилова. Либослар дизайни: ёшлар изланишлари. SAN'AT, 1999, 2-сон, 30-бет.
- Kunst in Usbekistan. Zwischen Tradition und Moderne. Wostok. 1997.
- Э. Мухторов. Ўзбек сахнасида ғарб драмаси. SAN'AT, 1998, 1-сон, 43—44-бетлар.
- А. Мирзаев. Рангтасвир хусусияти ҳақида мулоҳазалар. SAN'AT, 2000, 1-сон, 18-бет.
- Т. Махмудов. XX аср санъатида реализм. SAN'AT, 1999, 1-сон, 24-бет.
- Э. Мухторов. Театр рассоми Шухрат Абдумаликов. SAN'AT, 2000, 3-сон, 42-бет.
- Н. Норматов. Хайкалтарош ва тимсол (хайкалтарош Азамат Хотамов портретларига чизгилар). SAN'AT, 1999, 3-сон, 36-бет.
- К. Оқилова. Марғилоннинг замонавий газламалари. SAN'AT, 1999, 2-сон, 36-бет.
- К. Оқилова. Қорақалпоқ замани оҳанглари. SAN'AT, 2000, 3-сон, 22-б.
- Д. Раҳматуллаева. Ўзбек театри XXI аср бўсағасида. ГУЛИСТОН, 2000, 6-сон.
- Театр унинг ҳаёти. SAN'AT, 2000, 3-сон.
- П. Тошкенбоев. Дор устида ўтмишдан — келажакка. ТЕАТР, 2000, 3—4-сонлар.
- Ю. Тўйчиева. Интерконтинентал меҳмонхонаси: келажакка назар. SAN'AT, 1998, 1—3-сонлар, 30—31-бетлар.
- М. Тулаҳужаева. Режиссёр изланишлари. ТЕАТР, 1999, 1—2-сонлар.
- Мураккаб давр ва театр. НАФОСАТ, 1992, 5—6-сонлар.
- Р. Токтош. Санъатнинг макони хусусида. SAN'AT, 1—3-сонлар.
- Г. Темурова. Самодан тукилган ёдулар. SAN'AT, 1999, 2-сон, 18-бет.
- А. Умаров. Инна Кулагинанинг умид кўзлари. SAN'AT, 1-сон, 31-бет.
- Г. Шарипова. Ранг ва сўз уйғунлиги. SAN'AT, 2000, 3-сон, 26-бет.
- Е. Шиповская. Юксак модалар йўлида. SAN'AT, 1999, 2-сон, 28-бет.
- Е. Шиповская. Темур Аҳмедовнинг афсоналари макони. SAN'AT, 2000, 1-сон, 26-бет.
- Л. Шостко. Ижодий тафаккур ва бадий образ. SAN'AT, 2000, 3-сон, 34-бет.
- Д. Қодирова. Либос рассоми С.Зуннунова. ТЕАТР, 2000, 4-сон.
- М. Қозоқбоев. "Алпомиш — боқий асар". ГУЛИСТОН, 1999, 5-сон.
- Р. Қосимов. Истеъдоднинг янги қирралари (Юнус Ражабий номидаги маком ижрочиларининг V Халқаро танлови якунига доир). ГУЛИСТОН, 1995. 5-сон.
- А. Ҳақимов. Жавлон Умарбековнинг мажозий қарашлари. SAN'AT, 1999, 3-сон, 24-бет.
- А. Ҳақимов. Янги Ўзбекистон санъати. SAN'AT, 1999, 2-сон, 12-бет.
- А. Ҳақимов. Сергей Алибековнинг рангин оройишлари. SAN'AT, 1999, 2-сон, 16-бет.
- А. Ҳақимов. Мовий аргумоклар — сариқ товус: 1990 йиллар рангтасвирида қочиримлар. SAN'AT, 1999, 1-сон, 14-бет.
- А. Ҳақимов. Ўзбекистон бадий кулолчилик мактаблари. Wostok. 1999, 1-сон, 76—79-бетлар.
- А. Ҳақимов. XX аср Ўзбекистон санъатида миф ва ҳақиқат. SAN'AT, 1998, 1—3-сонлар, 20—22-бетлар.
- М.А. Ҳамидова. Маданиятшунослик истикболи. ГУЛИСТОН, 1998, 5-сон, 23—24-бетлар.
- М.А. Ҳамидова. Ноёб истеъдод соҳибаси. ТЕАТР, 2000, 3-сон, 10—11-бетлар.
- М.А. Ҳамидова. О типологических признаках узбекской музыкальной драмы. // Общественные науки в Узбекистане, 2000, №5, С. 35—37.
- М.А. Ҳамидова. Тарих саҳифаларини varaқлаганда. ТЕАТР, 2000, 6-сон, 24—25-бетлар.
- О. Эгамов. Ўзбекистонда дизайн санъати. SAN'AT, 1999, 3-сон, 38-бет.
- А. Эгамбердиев. Миллий ўзига ҳослик йўлидаги изланишлар. SAN'AT, 1999, 1-сон, 20-бет.
- М.А. Юсупова. Градостроительство и европейская архитектура Коканда к. XIX—нач. XX вв. "Архитектура и строительство Узбекистана", №10. С. 14—17.
- М.А. Юсупова. Неизвестные страницы истории строительства г. Ферганы — МАСКАН, № 2, С. 7—10.
- М.А. Юсупова. Инновации в архитектуре Средней Азии к. XIX—нач. XX вв. МАСКАН, № 4—5. Т., С. 11—12. 1998.

МУНДАРИЖА:

<i>К и р и ш</i>	4
I б о б. Меъморлик, тасвирий ва амалий санъат	7
Меъморлик	12
Хайкалтарошлик	26
Дастгоҳли рангтасвир	33
Маҳобатли рангтасвир	46
Графика	54
Бадий кулоллик	61
Бадий кандакорлик	69
Заргарлик	72
Ганчкорлик	75
Ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик	77
Бадий матолар	81
Каштачилик	85
Зардўзлик	87
Гилямдўзлик	89
Гобелен	92
Локли миниатюра	94
Дизайн	98
II б о б. Мусиқа санъати	104
Халқ мусиқа ижодиёти	105
Мумтоз анъанавий касбий мусиқа	112
Созандалик санъати	119
Бастакорлик ижодиёти	123
Композиторлик ижодиёти	125
Миллий эстрада мусиқаси	135
III б о б. Томоша санъатлари, кино ва телевидение	141
Драма театри	144
✓ Опера ва балет	155
Мусикали драма ва комедия	162
Оперетта театри	166
Куфирчоқ театри	171
Сценография	176
Рақс санъати	179
✓ Цирк	185
Байрам томошалари	189
Бадий кино	195
Болалар киноси ва анимацияли фильмлар	203
Хужжатли кино	209
✓ Телевидение ва телевизион фильмлар	213
Хулоса	221
1991—2001 йиллар Ўзбекистон санъатининг муҳим воқеалари йилномаси	225
Адабиётлар рўйхати	236

У-33

Ўзбекистон санъати (1991—2001 йиллар) // Тах-
рир хайъати: Ҳ. Караматов, Н. Жураев, Т. Қузиёв ва
бошқ.: Илмий муҳаррир: А. Ҳақимов; Суратчилар: Ф. Қур-
бонбоев, К. Минайченко, Р. Исломов ва бошқ.: / . — Т.:
«Шарқ», 2001. 240 б. — (Ўзбекистон Республикаси Мус-
тақиллигининг 10 йиллигига бағишланади).

Сарлавҳада: Ўзбекистон бадий академияси, Санъатшунослик ил-
мий-тадқиқот институти.

ББК 85(5У)

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ
САНЪАТШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ **(1991—2001 йиллар)**

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2001

Муҳаррир Ҳ. Султонова
Бадий муҳаррир М. Самойлов
Техник муҳаррир Д. Габдрахманова
Мусаххихлар Н. Мухамедиева, Ю. Бизаатова

Теришга берилди 26.07.2001. Босишга рухсат этилди 11.10.2001. Бичими 84x108 ¹/₁₆. Балтика гарнитураси.
Офсет босма. Шартли босма табоғи 25,2. Нашриёт ҳисоб табоғи 25,6. Адади 3000 нусха. Буюртма № 2273.
Баҳоси келишув асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

